

Х. Т. ОДИЛҚОРИЕВ
Ш. Ғ. ҒОЙИБНАЗАРОВ

СИЁСИЙ МАДАНИЯТ



Ғойибназаров Шухрат Ғойибназарович
— сийасий фанлар доктори.

М. В. Ленинский номидagi Москва Давлат университетининг докторантурасида сийасий фанлар бўлимига тахсил олган.

1992-1998 йилларда Жаҳон институтининг ва дипломатия университетининг ўқув-тарбия ишлари бўлими проректори, аффилиқда халқаро мунсабатлар кафедраси mudiri, 1999 йилдан Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида хизмат қилмоқда. 2001 йилдан ИИВ Академиясининг бошқарувидаги маънавий-маърифий масалалар бўлими ўринбосари.

Сингапур, Токио, халқаро мунсабатлар, дипломатия, олий таълим муаммоларига бағишлаган АҚШ, Гўлук Британия, Япония, Германия, Исроил, Россия давлатларида ўтказилган халқаро илмий анжуманлар иштирокчиси. «Истиқомий ўйини ўзи бошқариш», «Истиқомий ривожланиш» монографиялари, 5 та рисола, 100 дан зиёд илмий-услубий мақолалар муаллифи.



Одилқориёв Хожимурод
— сийасий фанлар доктори.

1990-1998 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Президентини Давлат ҳукумати раёсатлари бўлими Давлат маслаҳатчининг ва дипломатия, сийасат ишлари, сийасат ишлари, 1999-2000 йилларда Ақлий партияни Қонунчилик бошқарувида иштирокчи, Халқаро кўлаш ИИВ Академиясининг бошқарувидаги маънавий-маърифий масалалар бўлими ўринбосари.

Аффилиқда Ўзбекистон Республикасининг институтининг судининг илмий маслаҳатчи, маънавий Президентини хукуматида иштирокчи ва ақлий кўлаш, суд ҳукук қонунининг қонунчилик ақлийларининг илмий бўлими Қонунчилик бошқарувида иштирокчи. «Ўзбекистон Республикасининг конституционий ҳукуди», «Халқаро илмий халқаро ҳукуди», «Международное право» монографиялари, 5 та рисола, 100 дан зиёд илмий-услубий мақолалар муаллифи.

**Х. Т. ОДИЛҚОРИЕВ
Ш. Ғ. ҒОЙИБНАЗАРОВ**

**СИЁСИЙ МАДАНИЯТ:
назарий-қийёсий тадқиқот**

Тошкент — 2004

**Ўзбекистон Республикаси Ички
ишлар вазирлиги Академиясининг
10 йиллигига бағишланади**

1994-2004

Масъул муҳаррир — Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист,
юридик фанлар доктори, профессор **У. Таджиханов**

Тақризчилар: тарих фанлари доктори, профессор **Р. Ф. Фармонов**; сиёсий
фанлар доктори **С. М. Ғафуров**

О — 42 **Одилқориев Х. Т., Ғойибназаров Ш. Ғ.**
Сиёсий маданият. — Т.: Ўзбекистон Республикаси
ИИВ Академияси, 2004. — 304 б.

ББК 66

Монография сиёсат фанининг долзарб мавзуи — сиёсий маданият муаммосига бағишланган Ўзбекистондаги дастлабки асарлардан биридир.

Унда сиёсий маданият ва сиёсий онгга доир асосий назарий қоидалар баён этилган, сиёсий маданиятнинг генезиси, сиёсий маданиятга оид назариялар ҳамда амалиёт батафсил кўриб чиқилган. Мазкур муаммонинг сиёсатшунослик, маданиятшунослик, социология ва фалсафа нуқтаи назаридан таҳлил қилинган ишнинг аҳамиятини янада оширади.

Олий таълим муассасаларининг талабалари, аспирантлари, илмий ходимлари ва ўқитувчилари, сиёсатшунослик ва сиёсий жараёнлар соҳасидаги мутахассислар ва хизматчилар, шунингдек сиёсий маданият ва, умуман, маданият масалаларига қизиқувчилар учун мўлжалланган.

© Хожимурод Т. Одилқориев, Шухрат Ғ. Ғойибназаров, 2004.
© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004.

МУҚАДДИМА

«Сиёсий маданиятни юксалтириш керак. Одамлар ҳокимият қарорлари қандай қабул қилинишини, уларнинг ижроси қандай назорат қилинаётганини билишлари, бу қарорларни тайёрлаш ва амалга оширишда фаол иштирок этишлари зарур».

Ислом Каримов

Маданият — кишилик жамиятининг маънавий жабҳасини ташкил этувчи муҳим ижтимоий ҳодиса. Уни тадқиқ этиш теран фалсафий мезон ва анъаналарга эга. Мазкур ҳодиса, аввало, тарих, этнография, археология, психология, социология ва бошқа фан соҳалари вакилларининг эътиборини ўзига тортиб келади. XX асрга келиб маданиятнинг ниҳоятда долзарб йўналиши бўлмиш сиёсий маданият алоҳида нуфуз касб этди ҳамда фанлараро тадқиқот мавзуига айланди.

Сиёсий маданият — жаҳон умумий маданиятининг ажралмас таркибий қисми. Тарихий-сиёсий ривожланиш жараёнида халқлар сиёсий тажриба орттирадилар. Мазкур тажриба таъсирида инсонларда сиёсий онг шаклланади. Одамларнинг сиёсий онги эса, ўз навбатида, ижтимоий табақалар, халқларнинг сиёсий хулқ-атворини белгилайди. Бинобарин, сиёсий маданият уч жиҳатнинг, яъни тарихий-сиёсий тажриба, сиёсий онг ва сиёсий хулқ-атворнинг муштараклигидир.

Сиёсий-тарихий тажриба тўпланиши жараёнида у тарихий, адабий, илмий тушунчаларда, ижтимоий ҳаётда қарор топувчи сиёсий анъаналар, удумлар ва мафкурада мустаҳкамланиб боради. Шундай қилиб, сиёсий-тарихий тажриба сиёсий маданият ривожланишининг негизини ташкил этади. Унинг таъсирида сиёсий тизим ҳамда унга оид институтлар, принциплар ва нормалар шаклланади.

Тарихий тажриба одамларнинг хулқ-атворига, муайян сиёсий шарт-шароитлардаги фаолиятига таъсир кўрсатади. Агар халқ маълум сиёсий анъаналарга эга бўлиб, янги қабул қилинган сиёсий нормалар ва қонунлар уларга мувофиқ келса, бундай янгиликлар осон қабул қилинади ва жамиятда амал қилаётган сиёсий тизимга сингиб кетади.

Тарихий ривожланиш жараёнида сиёсий билимлар тўпланиб бориб, сиёсий кадрлар тизими шаклланади, улар аста-секин сиёсий тизимнинг таркибий қисмига ҳамда қатъий эътиқодга айланади.

Сўнги 10–15 йил ичида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кировчи республикаларда сиёсий маданиятни ўрганиш жадаллашди. Бу бежиз эмас, албатта. Зотан, ҳокимият муносабатларида, сиёсий тизим ва жамият ўртасидаги алоқаларда юзага келган вазиятни кўпинча фақат «сиёсий маданият» ибораси орқали тушунтириш мумкин. Бир қатор илмий нашрларда давлатнинг ривожланиши айнан сиёсий маданиятнинг аҳволи билан боғланади, яъни мазкур ҳодиса тарихни ҳаракатга келтирувчи омиллардан бири деб эътироф этилади.

Сиёсий маданият — жаҳон маданиятининг таркибий қисми, сиёсий тажриба, сиёсий билимлар ва ҳис-туйғулар даражаси, сиёсий субъектлар ҳулқ-атвори ва фаолияти намуналарининг бош кўрсаткичи, мамлакат, синф, миллат, ижтимоий гуруҳ сиёсий турмуш тарзининг умумий таърифидир. Ҳозирги замон сиёсатшунослик фанида «сиёсий маданият» тушунчасини ҳам, унинг таркибий қисмларини ҳам талқин этишга нисбатан ҳар хил ёндашувлар мавжуд. Бу ўринда талқин ва таърифларнинг кенг доирасига, аниқроқ айтганда, эликка яқин таърифга дуч келиш мумкин.

«Сиёсий маданият» атамасини илк бор XVIII асрда немис файласуфи ва маърифатпарвари И. Гердер қўллаган. Кейинчалик, айниқса, XIX асрнинг охири — XX асрнинг бошларида бу тушунчадан турли илмий мактаблар кенг фойдаланганлар. Сиёсий маданият ҳодисаси америкалик олим Г. Альмонднинг «Қиёсий сиёсий тизимлар» (1956 йил) асарида чуқур ўрганилди. Сўнгра сиёсий маданият назариясининг ривожланишига С. Верба, М. Крозье ва бошқалар катта ҳисса қўшдилар.

Сиёсий маданият мураккаб ва кўп қиррали ҳодиса бўлиб, тарихий нуқтаи назардан ҳам, миллий-маданий ва ғоявий-сиёсий нуқтаи назардан ҳам кўпгина ўзига хос жиҳатларга эгадир.

Америкалик социологларнинг (уларнинг етакчиси — Г. Альмонд) ўтган асрнинг 60-йилларида амалга оширилган новаторлик тадқиқотларидан бошлаб бирон-бир сиёсий тизимнинг «сиёсий маданияти»ни ўрганиш ҳозирги замон сиёсатшунослик фанининг муҳим вазифасига айланди. Табиийки, демократик жамият барпо этиш шароитида Ўзбекистон Республикасида ҳам сиёсий маданиятга бўлган қизиқиш кескин ортди. Аммо бунда унинг таърифи ва таҳлилига оид умум эътироф этган концепцияни яратишга ҳали муваффақ бўлинмади. Мазкур масала юзасидан мунозараларда «сиёсий маданият» тушунчасининг мазмуни ва уни ўрганишнинг мақбул усуллари масаласида ҳам, унинг функциялари ва сиёсий тизимдаги ўрни масаласида ҳам ноаниқлик ҳанузгача сақланиб қолмоқда. Ҳозирги кунда сиёсий маданиятни ўрганиш натижаларига бўлган катта қизиқиш бу ўринда муҳим муаммолар доираси ҳақида гап кетаётганидан, уларни ҳал қилиш сиёсий тизимнинг барқарорлиги, унинг ўзгаришлар ва ички ривожланишга қобиллиги сингари асосий масалаларга ойдинлик киритишидан далолат беради.

Сиёсий маданият, умуман олганда, маънавий, диний, эстетик маданиятни анъанавий тушуниш билан айнан бир хил бўлиб қолмай, жамиятда мавжуд ёки ҳукмрон бўлган тасаввурлар ва эътиқодларнинг, шунингдек фуқароларнинг ўзлари яшаётган тизимга нисбатан муносабати ҳамда ҳулқ-атвор усуллариининг мажмуи ҳамдир.

Сиёсий маданиятни фақат субъектив томондан ўрганиб бўлмайди; бунда субъектив муносабат ва эмоционал кайфиятнинг юзага келиши учун баъзан ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган объектив шароитлар ва тарихий жараёнлар ҳам эътиборга олинаши лозим.

«Сиёсий демократияни вужудга келтириш иштиёқида бўлган давлат арбоблари кўпинча асосий эътиборни демократик ҳукумат институтларининг расмий мажмуини тузиш ва конституция ёзишга қаратадилар. Ваҳоланки, барқарор ва самарали демократик бошқарув ривожланиши учун ҳукумат тузилмалари ва сиёсий жараённинг ўзи кифоя қилмайди. У... сиёсий маданиятга боғлиқдир. Агар бу маданият демократик тузумни қўллаб-қувватлашга қодир бўлмаса, мазкур тузумнинг муваффақият қозониши жуда мушкул»¹.

Бу ҳақиқат ҳозирги Ўзбекистон учун ҳам жуда долзарбдир. Мамлакатимизда мавжуд сиёсий маданият демократиянинг қад ростлаши ва ривожланишига қандай ҳисса қўшади? Умунан, бу икки тушунча бир-бирига қай даражада алоқадор? Сиёсий маданият билан боғлиқ муаммонинг долзарблиги ҳозирги кунда унинг жаҳондаги савияси хийла пастлиги билан изоҳланади. Бу фақат республиканинг оддий фуқароларига эмас, балки ҳаммага — давлат идоралари, сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларига ҳам тааллуқлидир.

Ҳамонки, Ўзбекистон демократик ривожланиш йўлини танлаган экан, барча демократик мамлакатларга хос бўлган сиёсий маданият савиясига эга бўлиши лозим. Аммо, эътироф этиш жоизки, ҳозирги кунда Ўзбекистондаги сиёсий маданият савияси Фарб мамлакатларидагидан фарқ қилади. Бу зиддият ҳозирги шароитда асосий муаммо бўлиб қолаётир. Бироқ, Фарб билан Шарқ сиёсий маданиятининг мазмуни ва савиясида ўзига хослик мавжудлигини ёдда тутиш лозим. Шарқона сиёсий маданият, ўзбекона давлатчилик тажрибаси ва сиёсий маданияти ўз тарихий илдизлари ҳамда бой анъаналарига эга. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек, «демократик жараёнлар халқимиз миллий маданиятининг ўзига хос жиҳатларини, унинг табиатини ўзида мужассам этмоғи керак. Маълумки, Фарб намунаси кўп ҳолларда индивидуализм фалсафасига таянади ва оммани ҳаддан ташқари сиёсийлаштиришга олиб келади.

Осиё минтақаси ва мусулмон Шарқидаги демократик қадриятлар ва ўзгаришларнинг ривожланиш тажрибаси ўзига хос хусусиятлар, ўзига

¹ Қаранг: Общая и прикладная политология / Под общ. ред. В. И. Жукова, Б. И. Краснова. — М., 1997. — С. 689.

хос анъаналарга эга. Шарқда демократия тушунчаси ҳамжиҳатлик ғояси, жамоатчилик фикрининг устуворлиги заминида шаклланади. Бизнинг мамлакатимизда демократик жараёнлар халқимизнинг қонунни ҳурмат қилиш, қонунга итоат этиш каби фазилатларига мос равишда ривожланиши зарур. Ахлоқий маънавий қадриятлар сиёсий муносабатларда ҳам устуворлик касб этиши даркор»¹.

Ушбу китобнинг мавзуини айнан сиёсий маданият ташкил этади. Мазкур назарий тадқиқот, авваламбор, сиёсатшунослик доирасида амалга оширилганлиги боис сиёсий маданият айнан сиёсатшунослик нуқтаи назаридан қўриб чиқилади, шу билан бирга, сиёсий маданиятнинг культурологик, фалсафий ва тарихий асосларига ҳам кенг ўрин берилади.

Шундай қилиб, давлат, фуқаролик жамияти ва шахс ўртасидаги ўзаро алоқанинг бир қисми ҳисобланган сиёсий маданият жамият маданиятининг бир қисми экан, у маданият ҳодисасининг алоҳида бир жиҳати ҳамдир. Яъни, ушбу назарий тадқиқот марказидан сиёсий маданият, янада аниқроқ айтадиган бўлсак, сиёсий онг масалалари жой олган. Аҳолининг сиёсий онги, сиёсий маданияти ҳамда халқнинг маънавий-руҳий тикланишига йўналтирилган ислохотлар жараёнидаги сиёсий фаоллиги илғор тараққиётимизнинг бош омилидир. Демократик сиёсий жараёнларга халқнинг бевосита жалб этилиши ислохотларнинг самарасини таъминлайди. Халқнинг сиёсий савияси, маънавияти ва маданияти, унинг ҳақиқий тарихи ва ўзига хослиги қайта тикланаётган жамиятимизни янгилаш ва тараққий эттириш йўлидан муваффақиятли равишда олға силжишимизда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир².

¹ Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. — Т., 1996. — 9—10-б.

² Уша жойда. — 274-б.

I бўлим СИЁСИЙ МАДАНИЯТ НАЗАРИЯСИ

I боб. «МАДАНИЯТ» ТУШУНЧАСИ: АСОСИЙ ЁНДАШУВЛАР ВА ТАЛҚИНЛАР

1.1. «Маданият» тушунчаси: муаммолар ва ечимлар

Инсоният ўзининг бир неча миллион йиллик тарихини ортда қолдириб, XXI асрга қадам қўйди. Ана шу йиллар давомида инсоннинг ахлоқий-маънавий камолоти тинимсиз меҳнат туфайли моддий маданиятнинг илк намунаси бўлган «оддий тош чўқмор»дан ҳозирги замоннинг мўжизавий ўта мураккаб техник қурилмаларигача бўлган даврда яратилган барча нарсаларни қамраб олувчи ва маданий борлиқ деб аталувчи тизимни яратди.

Бу маданий борлиқ бутун инсониятнинг қўли, ақл-заковати билан ишлов бериш, парваришлаш, тарбиялаш, маърифат ва маънавият заминида яратилган барча моддий неъматлар ва уларнинг инъикоси бўлган маънавият оламининг жаҳон маданияти деб аталмиш бир бутун йиғиндиси.

Дунёдаги энг илғор халқлар ва донишмандларнинг юксак орзу-умидларини ўзида мужассамлаштирган «жаҳон маданияти» ғояси маданий борлиқнинг инъикоси сифатида асрлар оша эзгуликка, маърифатга, тинчликка, гўзалликка, улуғворликка ундаб келган. Шунинг учун ҳам бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов шундай деган эди: «Жаҳон маданияти ғояси XXI асрдаги умуминсоний тараққиёт фалсафасининг манбаи бўлиб хизмат қилади. Бу ғоя ўтган асрларда ҳам қўп қиррали ва бетакрор инсоният цивилизацияси ривожининг ўзаги, юксак маънавият ва инсонпарварлик ғояларининг асоси бўлиб хизмат қилган.

Бу ғоя бугун ҳам дунёда тинчлик ва барқарорликни сақлаб қолиш йўлида халқларни бирдамлик ва ҳамкорликка даъват этиши лозим. Мен умуминсоний қадриятлар ривожини ҳар бир халқ маданияти ва ўзига хослигининг ўзаро уйғунлашувида деб биламан. Маданиятларнинг шу тарздаги уйғунлашувигина умуминсоний маданият ва бутун цивилизациянинг гўзаллиги ва қадр-қимматини яратади. Зеро, умумий цивилизация турли халқларнинг маданиятларидан шаклланади»¹.

¹ Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7.— Т., 1999. — 193—194-б.

Бутун инсониятнинг аждод ва авлодлари томонидан яратилган ана шу маданий борлиқ — жаҳон маданияти ҳамма вақт олимларнинг диққатини ўзига тортиб келган бўлиб, улар ана шу маданий борлиқни ўзида акс эттирувчи тушунча — «маданият» нима, деган саволга жавоб топишга уринганлар.

Ҳозирги кунга қадар «маданият» тушунчасига берилган юзлаб таърифлар «маданий борлиқ»нинг у ёки бу томонларини ёритишга, англаб олишга, белгилаб беришга қаратилгандир. Улар орасида XIX асрда яшаб ўтган инглиз элшунос олими Эдуард Тейлорнинг: «Маданият... билим, эътиқод, санъат, ахлоқ, қонунлар, урф-одатларни ҳамда инсон жамият аъзоси сифатида орттирадиган ва эришадиган бошқа қобилиятлар ва одатларни ўз ичига олувчи, мураккаб яхлит бир нарсадир»¹, — деган сўзлари илмий ҳақиқатга яқин таърифлардан бири эди.

Маданиятга бениҳоя кўп таърифлар берилганлигининг сабаби унинг серқирра ва мазмундор ҳодиса эканлигидадир. Масалан, академик Э. Юсупов талқинига биноан, маданият — инсонлаштирилган табиат бўлиб, жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаёти соҳасида яратилган кишилар фаолиятининг маҳсулидир². Ж. Туленов эса: «Маданият муайян тарихий даврда жамият тараққиётининг маънавий савиясини ифодаловчи, кишиларнинг моддий ва маънавий бойликлар ишлаб чиқаришдаги бутун ижодий фаолиятини акс эттирувчи кўп қиррали ижтимоий ҳодисадир»³, — деб таърифлаган.

1996 йилда мамлакатимизнинг бир қатор олимлари эълон қилган «Ватан туйғуси» китобида айтилишича, «маданият — жамиятнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий ва маънавий ҳаётида қўлга киритилган ютуқлари мажмуини, бирор ижтимоий гуруҳ ёки халқнинг маълум даврда қўлга киритган шундай ютуқлари даражасини, ўқимишлилик, таълим-тарбия кўрганлик, зиёлилик ва маърифатлиликини ҳамда турмушнинг маърифатли киши эҳтиёжларига мос келадиган шароитлари мажмуини билдиради»⁴. Бу таърифлар «маданият» тушунчасининг моҳиятини очишга кўмаклашади.

Ҳозирги кунда «маданият» тушунчасига илмий таъриф бериш учун, аввало, «маданий борлиқ»нинг таркибий тузилишини, яъни унинг элементлари ва мажмуаларини ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Маданият элементлари ва мажмуалари. Маданиятнинг тузилишини ўрганиш 1949 йилда, америкалик олим Э. Ҳобель маданиятнинг энг кичик бирлигини ўрганишни таклиф қилганидан сўнг бошланди. Маданиятнинг мазкур энг кичик бирлиги *маданият элементи* номини олди. Ҳобельнинг таърифига кўра, «хулқ-атвор образи ёки моддий маҳсулот-

¹ Тейлор Э. Первобытная культура. — М., 1958. — 49-б.

² Қаранг: Юсупов Э., Юсупов У. Маънавият ва жамият тараққиёти. — Хужанд, 1996. — 65-б.

³ Туленов Ж. Ҳаёт фалсафаси. — Т., 1993. — 112-б.

⁴ Ватан туйғуси / Масъул муҳаррирлар Б. Омонов, К. Бўронов. — Т., 1996. — 115-б.

нинг кўпроқ даражада бўлинмас деб ҳисобланувчи бирлиги» маданият элементи деб аталади¹. Масалан, мих, қалам, болға ёки даструмол моддий маданият элементлари бўлиши мумкин. Учрашув пайтида қўл сиқиб ёки шляпани ечиб кўришиш, йўлнинг ўнг томонидан юриш, ўпишиб кўришиш ва шунга ўхшаш ҳаракатлар эса номоддий маданият элементи ҳисобланиши мумкин. Табиийки, ҳар бир маданият ягона бир бутунликка бирлашувчи минглаб маданият элементларини ўз ичига олади. Мазкур элементларнинг айримлари айни пайтда кўпгина маданиятларнинг, яъни турли жамиятлар ва турли замонлар маданиятларининг узвий қисми ҳисобланади.

Рақс маданият элементи бўлиши мумкин эмас: у мусиқий ва ритмик жўрлик ва бошқаларни ўз ичига олувчи элементлар мажмуидир. Аммо рақс маъно юкига ҳам эга бўлиб, маълум норма ва урф-одатларни, диний расм-русумлар ёки шунчаки байрамона кайфиятни акс эттиради. Рақсда маданият элементлари шундай мажмуага бирлашадики, оқибатда ўзаро чамбарчас боғлиқ тизимни ташкил этади. Масалан, шахснинг бирон-бир маданият мажмуига доир билими маълум маънога эга бўлган алоҳида маданий ахборот элементларидан ташкил топади. Маданият мажмуалари унинг алоҳида элементларига қараб таниб олинади. Бинобарин, бир элементнинг ўзига қараб шахс бутун маданият мажмуи ҳақида тасаввур ҳосил қилиши мумкин.

Шундай қилиб, маданият элементлари ўзаро бирлашиб, маданият мажмуини (комплексини) ташкил этади. Масалан, алоҳида шахснинг бирон-бир маданият мажмуи ҳақидаги билими муайян маънога эга бўлган алоҳида маданий ахборот элементларидан ташкил топади. Ана шу элементларга қараб, ушбу маданият мажмуи ҳақида етарли тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Маданият мажмуи — маданият элементи ҳамда маданият институти (ёки институционал маданият) ўртасидаги оралиқ бўғин. Маданият институти инсон фаолиятининг энг муҳим турларини белгилаб берувчи маданият мажмуи сифатида тасаввур қилиш мумкин. Масалан, оила қаллиқ танлаш, тўй, болаларни тарбиялаш, вояга етказиш каби маданият мажмуаларини ўз ичига олади. Аммо барча мажмуалар ҳамма ижтимоий институтларга тааллуқли бўлавермайди. Инсон фаолиятининг унча муҳим бўлмаган турлари, масалан, маркалар тўплаш фаолияти атрофида гуруҳланувчи мажмуалар тизими ҳам мавжуд.

Шундай қилиб, инсон фаолиятининг ҳар бир тури ўзига хос маданият мажмуаларидан иборат бўлиб, уларни алоҳида маданият элементлари қаторига киритиш мумкин.

«Маданият» атамасини илк бор қадимги Рим жамоат арбоби Марк Порций Катон ўзининг «Агрикола» («Деҳқончилик ҳақида») асарида

¹ Қаранг: Hoesel E. Man in the primitive world. — N.Y., 1949. — P. 499.

қўллаган бўлиб, у маданиятни ерга ишлов бериш, ўсимликлар етиштириш, ҳайвонларни парваришлаш кабиларни, **cultor** иборасини эса — ерга ишлов берувчи, зироатчи, чорвадор, яъни қишлоқ фуқароси ва деҳқонни ифодалаш учун қўллаган. Шу билан бирга, юнон мутафаккири Марк Туллий Цицерон «маданият» тушунчасини маърифатлилик, тарбиялилик, тарбиячи, устоз маъносида ҳам ишлатган.

Умуман олганда, қадимги Юнонистонда Европа маданияти анъаналарига асос солинган бўлиб, ҳозирги кунда маданиятшунослик илмининг асосий тушунчаларини илк бор ана шу юнон-рим мутафаккирлари таърифлаган эдилар.

«Маданият» тушунчасининг энг қадимги маъноларини қадимги грек полиси мисолида талқин қилиш мумкин. **Полис** — нисбатан кам аҳоли яшайдиган шаҳар. Аммо полисининг ўзига ташкил этувчи аҳоли унинг фуқаролари бўлиб, полисининг ўзи давлат ҳисобланган. Ана шундай шаҳар-давлатда «маданият» ҳам «тарбия», ҳам «ибодат» бўлган. Антик полисда мурғак боладан етук эракани тарбиялаш жараёнини юнонлар «пайдейя» (pais — бола) тушунчаси орқали ифодалаганлар.

Юнонча «пайдейя» атамаси бевосита тарбиялаш, таълим бериш маъносини, кенгроқ талқинда эса таълим, зиёлилик, маърифат, маданият маъносини ҳам англатади. Юнонлар шундай таълим тизимини яратдиларки, унинг асосида инсон матлум соҳанинг билимдони эмас, балки қадриятларни ўзида чуқур мужассам этган етук шахс сифатида шаклланади. Қадимги даврга хос бўлган маданиятни бундай тушуниш замирида маданий тараққиёт мақсади ҳисобланган инсон идеали ётади. *«Грекларнинг маданият гоясисиз тарихий давр сифатида қадимги дунё ҳам, ғарбий Европа маданият олами ҳам бўлмас эди» (В. Йегер).*

Маданият ҳақидаги билимлар шундан сўнг культурфилософия, яъни фалсафий маданият доирасида ривожланди.

Маданият фалсафаси (**культурфилософия**) фалсафанинг маданиятни фалсафий категориялар — борлиқ, онг, жамият, шахс кабилар нуқтаи назаридан ўрганувчи мустақил йўналишидир. XVIII–XIX асрларда маданият муаммолари маданиятнинг тарихий ривожланиши, инсон ва жамият ҳаётида маданиятнинг тутган ўрни ҳамда моҳият-мазмунини нуқтаи назаридан маданият фалсафаси доирасида махсус кўриб чиқилди¹. Бугунги кунга келиб маданиятнинг яхлит ҳодиса сифатида ўрганиш тарих, филология, психология, сиёсат, ҳуқуқ ва бошқа фанлар доирасида амалга оширилмоқда. Бинобарин, маданиятни ўрганиш, бир томондан, фанлараро тадқиқот соҳасига айланиб бораётган бўлса, иккинчи томондан эса, маданиятлаштириш фалсафий фикр юритишнинг мустақил услубига айланмоқдаки, бунинг натижасида *маданият фалсафаси* фалсафа «бағри»дан ажралиб чиқиб (у билан «қондош» (назарий) алоқаларни йўқотмай), культурология (маданиятшунослик) фанига айланиб бормоқда.

¹ Қаранг: Кравченко А. И. Культурология. — М., 2001. — С. 32.

Бугунги кун нуқтаи назаридан, маданиятшунослик ва маданият фалсафасини алоҳида-алоҳида талқин этишимизга тўғри келади. Маданиятшунослик — маданий борлиқнинг келиб чиқиши, ривожланиши ва уни ўзида акс эттирувчи ижтимоий онг соҳаларининг ўзаро алоқадорликларини ўрганувчи фан. Демак, маданият фалсафаси — маданий борлиқнинг фалсафий талқини бўлса, маданиятшунослик — маданий борлиқни ҳар томонлама ўрганувчи илм соҳаси, ўқув фани ҳисобланади. Маданият фалсафаси маданиятшунослик илмининг руҳи, «қалби» бўлса, маданиятшунослик маданият фалсафасининг амалдаги кўринишидир. Маданият фалсафаси ҳозирги замон илм-фан ва маданияти ютуқларидан келиб чиққан ҳолда мавжуд маданий борлиққа фалсафий руҳ бахш этиш демакдир.

«Маданият фалсафаси» тушунчасини XIX аср бошида немис романиги А. Мюллер фанга киритган бўлса, ундан кейин Я. Буркхардт «маданият тарихи» тушунчасини ҳам илмий муомалага киритдики, натижада маданият ҳақидаги барча қарашлар ўзининг тарихий ўтмишига эга эканлиги ҳам олимлар томонидан эътироф этилди.

Маданий борлиқ ва унинг инъикоси бўлган маданият фалсафаси, яъни маданиятшунослик илми ривожининг тарихини қуйидаги даврларга бўлиш мумкин:

- 1) Қадимги давр (мил. ав. давр — мил. V аср);
- 2) Ўрта асрлар даври (V–XVI асрлар);
- 3) Янги давр (XVII–XIX асрлар);
- 4) Энг янги давр (XX–XXI асрлар).

Маданиятшунослик (культурология) мустақил фан сифатида янги классик фалсафа (XIX аср охири–XX аср боши фалсафаси) доирасида шакллана бошлади.

Маданият ҳақидаги тасаввурлар (маданият фалсафасидан ташқари) культурантропология ва маданият социологияси доирасида ҳам ривожланди.

«**Культурантропология**» атамаси «культура» (ишлов бериш, парваришлаш, тарбиялаш) ҳамда юнонча «антропос» (одам) ва «логос» (фан) сўзларидан ясалган бўлиб, маданийлашган одам ҳақидаги фан деган маънони билдиради.

Культурантропология — Ғарб этнографиясидаги йўналишлардан бири бўлиб, унда мазкур фанни ифодалаш учун бошқа атама — «антропология» («инсон ҳақидаги фан») атамаси қўлланилади. Антропология деганда, инсон ҳақидаги билимларнинг жами мажмуи, шу жумладан жисмоний антропология, палеоантропология, этник ва индивидуал психология ҳамда «ёввойи одамлар» ҳаётини тавсифлаш билан шуғулланувчи «этнология» тушунилади. Бундан ташқари, жисмоний антропология, археология кабиларни четда қолдириб, этнология назарияларини мустақил кўриб чиқишга уринишлар ҳам бўлди.

Гарчи «культурология» атамаси анча кейин пайдо бўлган бўлса-да, этнография фани, олимларнинг фикрича, XIX асрнинг 60–70-йилларида вужудга келди ва ривожланди. Бу даврда этнография маълумотларига асосланган ва кучли культурологик хусусиятга эга бўлган умумий концепциялар яратилганидан далолат берувчи маданият тарихига доир классик асарлар пайдо бўлди. Тадрижийлик хусусиятига эга бўлган илк концепциялардан бирининг муаллифи **Эдуард Бернетт Тейлор** эди. У ўз тадқиқотларида ибтидоий одам маданий ҳаётининг кенг манзарасини яратди. Унинг асосий илмий ишларидан бири «Ибтидоий маданият» деб аталади¹. Ўзининг бу асарида Тейлор жуда катта этнографик материални ўрганиш асосида ибтидоий маданиятнинг муайян элементларини таърифлаб берган, шунингдек уни яхлит талқин этган ва «анимизм» назарияси билан асослаб берган («Анимизм» — ибтидоий одамнинг табиат жонланишига бўлган ишончи, унинг атроф муҳит билан ўзаро муносабатларига доир жами амалий тажрибасини ўзида мужассамлаштиради).

Тадрижиётчи сифатида Тейлор инсониятнинг «ёввойилик»дан «цивилизация» сари тараққиёт йўлидаги маданий бирлиги ва бир хил ривожланишини кўрсатиб беришни ўз олдига бош мақсад қилиб қўйди. Аммо тадрижий жараёни тушуниш кўп жиҳатдан у маданиятни қандай тушуниши билан боғлиқ. Тейлор маданиятга берган таърифни биз параграф бошида келтирган эдик.

Умумий маданият назариясини алоҳида билим соҳаси сифатида шакллантириш мумкинлиги ва зарурлиги жуда кўп марта идрок этилган. «культурология»ни яратишга қўл урган дастлабки олимлардан бири америкалик таниқли культурантрополог **Лесли Уайт** бўлиб, у «культурология» атамасидан «маданият ҳақидаги фан» атамасининг синоними сифатида фойдаланишга асос солган. «Маданият» тушунчаси, Уайт талқинига кўра, воқеликнинг алоҳида объектини, ижтимоий ҳодисаларнинг алоҳида туркумини қамраб олади. Маданият тизим сифатида индивиддан устун туради: «Маданият ўзига хос атамалар билан тушунтирилиши керак. Балки бу ажабтовур туюлар, аммо инсониятни ўрганишнинг бевосита объекти инсон эмас, балки маданиятдир»².

Маданият, Л. Уайт назарида, алоҳида одамга ва одамлар жамоасига боғлиқ бўлмаган, фақат ривожланишнинг ички мантиғига бўйсунувчи объектив тузилмадир. Мазкур объектив тузилмани индивидларга мурожаат этмасдан кўриб чиқиш лозим. Уюшган яхлит тизим сифатида маданиятда у уч кичик тизимни ажратади:

— биринчи (технологик) тизим инсоннинг табиат билан ўзаро муносабатларини, унинг техника воситалари ва меҳнат қуролларидан, яшаш жойларининг турлари кабилардан фойдаланишини ифодалайди;

¹ Қаранг: *Tylor E. Primitive culture.* — N.Y., 1958.

² *White L. The science about culture.* — Washington, 1943. — P. 21.

— иккинчи (расмий) тизим ижтимоий муносабатларни ва уларга мос бўлган хулқ-атвор типларини, шунингдек қариндошлик, иқтисодий, сиёсий, ҳарбий, эстетик ва бошқа муносабатлар тизимларини ўз ичига олади;

— учинчи (мафкуравий) тизим ғоялар, эътиқодлар, урф-одатлар ва ҳар хил билим турларини қамраб олади.

Культурантропология деганда, баъзан «Британия ижтимоий антропологияси» номини олган ҳозирги замон инглиз илмий мактаблари ҳам тушунилади. Бу ўринда мазкур мактабнинг йирик вакилларида бири **Бронислав Малиновский** номини айтиб ўтиш лозим. Малиновский маданиятнинг тақдирида ижтимоий институтларнинг ўрни ва аҳамиятини (функциясини) тадқиқ этган. Маданият институтларидан бирининг бузилиши ижтимоий ўзаро таъсир тизимининг бузилишига олиб келади. Малиновский «маданият» тушунчасини биринчи ўринга қўяди ҳамда ижтимоий алоқалар ва ижтимоий назорат шакллари таҳлилдан ўтказди. Маданият — анъанавий жамиятда амалга оширилувчи ижтимоий назорат усули, ҳаётнинг ўзига хос маданий андозаси демакдир. Маданият инсоннинг асосий (табиий) эҳтиёжлари негизда таркиб топади. Инсоннинг ишлаб чиқариш соҳасидаги эҳтиёжлари ҳам мазкур эҳтиёжлари билан узвий боғлиқдир. Асосий ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондириш усуллари турли маданият типлари учун ҳар хил, ҳар бир маданият эса ижтимоий тизим сифатида ўзига тегишли эҳтиёжларни қаноатлантиришга етарлидир¹.

Маданий антропологияни ўрганиш шунинг учун ҳам муҳимки, у маданият назарияси ўзига хос маданиятга эга бўлган этник жамоаларни ўрганишини кўрсатади. Маданият назарияси катта этнографик материалга таяниши ҳамда уларнинг эволюцияси, ўзаро муносабатлари ва ривожланишини тавсифлаш учун башорат қилиш хусусиятига эга бўлиши лозим. Маданият назариясининг ҳар хил типга мансуб маданиятларнинг ўзаро муносабатлари, *аккультурация* сингари долзарб муаммоларини айнан маданий антропология кашф этди.

«Европа таназзули» номи машҳур асарнинг муаллифи **Освальд Шпенглер** маданий-тарихий айланиш ғоясини илгари сурди: ҳар бир маданий организм вужудга келганидан сўнг табиий доирадан ўтади, ўз равнақига етгач таназзулга учрайди ва цивилизация шаклида ўзининг табиий ниҳоясига етади. Европада бундай юксакликларга эришган цивилизация Европанинг таназзулидан далолат беради. Шпенглер бунда биз юқорида қайд этиб ўтган катта этнографик материалга таянади ва етуклиги жиҳатидан тенг маданиятлар кўплиги ҳақидаги таълимотни ривожлантиришда маданий антропологияни таърифлаб ўтади. Шпенглернинг фикрича, бундай маданиятлар саккизта бўлиб, Миср маданияти, Ҳинд маданияти, Бобил маданияти, Хитой маданияти, Византия-

¹ Қаранг: *Malinowski B. Cultura-anthropology.* — London, 1957. — P. 112.

араб маданияти, Ғарбий Европа маданияти, Жанубий Америкадаги Майя маданияти кабиларни қамраб олади.

Тарихий ривожланиш ҳақидаги европоцентристик тасаввурлар негизида шаклланган барча халқлар учун универсал тарихий тараққиёт йўли ғоясига **Арнольд Тойнби** қаттиқ зарба берди. У жуда катта фактик материал асосида тарихий жараёни аниқлашга ҳаракат қилди ва инсоният ижтимоий ташкилотининг шакллари хилма-хил деган хулосага келди. Тарихий жараён кўп жиҳатдан жуғрофий шарт-шароитлар билан боғлиқ, бу эса ҳар бир цивилизациянинг бетакрор қиёфасини белгилайди. Аммо тарихий ривожланишнинг барча босқичларидан ўтиш ҳамма цивилизацияларга ҳам насиб этавермайди, уларнинг айримлари раванқ топишга улгурмай ҳалок бўлади, айримлари эса тараққий этиш босқичларидан бирида узоқ тарихий муддатга ривожланишдан тўхтайди.

Рус олими **Н. Я. Данилевский** маданиятларнинг тарихий хилма-хиллиги ва ички мазмуни ҳар хиллиги муаммосига ҳаққоний бошланғич қоида деб қарайди. Унинг фикрича, тарих бутун ўзлиги билан мавжуддир, табиат билан ва бир-бири билан тинимсиз кураш олиб борувчи этник жамоаларнинг, алоҳида, маҳаллий «маданий-тарихий» типларнинг («цивилизацияларнинг») мавжудлиги тарихий воқелиқдир.

XX асрнинг йирик социолог ва культурологларидан бири **П. А. Сорокин** маданиятнинг уч типини эътироф этади:

- ҳиссий маданият (унда воқелиқни ҳиссий идрок этиш устунлик қилади);

- идеационал маданият (рационал фикрлаш устунлик қилади);

- идеалистик маданият (интуитив билиш устунлик қилади).

«Ҳозирги замон маданияти» тушунчаси маданиятнинг инқирозини, инсон ва табиат уйғунлигига эришиш мумкин эмаслигини англаб етиш жараёнида юзага келди. Мазкур уйғунликнинг рационал асосларини излашдан воз кечилди. Ҳаёт фалсафаси замирида шаклланган «маданият» тушунчаси культурология назариясининг ривожланишига кучли таъсир кўрсатди. Маданият инқирози унинг ички бирлигининг бузилиши, илгари яқдил бўлган ғоя ва қадриятларининг бир-бирига қарши қўйилиши сифатида англаб етилди (неокантчилар **В. Виндельбанд** ва **Г. Риккерт**).

Илгари мавжуд бўлган ва ривожланишда давом этаётган маданиятнинг фалсафий назарияларидан фарқли ўлароқ, катта этнографик материал ва «дала антропологияси» маълумотларига таянувчи муайян антропологик тадқиқотлар пайдо бўлди. Аммо фалсафа маданиятни англаб етишга нисбатан бир қатор ёндашувларни таклиф қилди. Уларнинг баъзиларига тўхталиб ўтамиз.

Э. Кассирер ўз асарларида маданиятнинг рамзий хоссаларини аниқлаб, қуйидаги фикрларни баён этади: «Инсонни қуршаб олган нарсаларнинг айнан рамзий аҳамияти ва ҳаракатлар символикаси маданият дунёсини намоён этади, яъни ягона предмет бутун бир ҳодисалар тур-

кумининг рамзини ифода этади, унинг вакили бўлиб хизмат қилади ҳамда инсоннинг дунёга нисбатан муносабатини белгилаб беради».

Й. Хёйзингнинг ўйин билан боғлиқ маданият назарияси ҳозирги замон «маданият» тушунчаси учун алоҳида аҳамиятга эга. Хёйзингга ўйинни маданиятнинг негизи ва манбаи деб ҳисоблайди. У ўйин маданиятдан илгари пайдо бўлганини, унинг асосий жиҳатларини ҳайвонот оламида кузатиш мумкинлигини қайд этади. Шунга қарамай, ўйин биология чегарасидан четга чиққан ва инсон рационал фаолиятининг барча шаклларида — санъат, фалсафа, ҳуқуқ ва бошқаларда иштирок этади.

Деярли ҳар бир инсон «маданият» сўзини ишлатади. Аммо унга ҳамма ҳар хил маъно беради. Маданиятнинг кўплаб таърифлари ҳамда уни тушуниш ва баҳолашга нисбатан кўплаб ёндашувлар мавжуд. АҚШ культурологлари **Альфред Кребер** ва **Клайд Клакхо** маданиятга берилган таърифларнинг юздан ортигини таҳлилдан ўтказиб, уларни қуйидаги туркумларга ажратганлар:

- *тавсифий таърифлар* асосан маданий антропология асосчиси **Э. Тейлор**нинг концепциясига бориб тақалади. Бундай таърифларнинг моҳияти қуйидагича: маданият — барча фаолият турлари, урф-одат ва эътиқодлар йиғиндиси; у одамлар яратган жамики нарсаларни (китоблар, тасвирий санъат асарлари кабиларни), табиат ва жамиятга мослашиш йўлларини, тил, анъаналар, муомала тизими, ахлоқ, динни ўз ичига олади;

- *тарихий таърифлар* кишилик тараққиётининг олдинги босқичларидан мерос бўлиб ўтган анъаналар ва ижтимоий мероснинг жамиятдаги ўрнига урғу беради, яъни маданият тарихий ривожланишнинг натижаси бўлиб, одамлар яратган ва авлоддан авлодга ўтиб келаётган жамики сунъий нарса-ҳодисалар: қуроллар, рамзлар, ташкилотлар, умумий фаолият, қарашлар ва эътиқодларни ўз ичига олади;

- *норматив таърифлар* қабул қилинган қоида ва нормаларнинг аҳамиятига урғу беради. Бундай таърифлар мажмуида маданият асосан индивиднинг ижтимоий муҳит билан белгиланувчи турмуш тарзи деб баҳоланади;

- *қадриятлар билан боғлиқ таърифларда* маданият одамлар гуруҳларининг моддий ва ижтимоий қадриятлари, институтлари, урф-одатлари ва ҳуқ-атворининг ифодасидир.

- *психологик таърифлар* инсоннинг муайян муаммоларни психологик жиҳатдан қандай ҳал қилишига боғлиқ. Маданият — табиий муҳит ва иқтисодий эҳтиёжларга инсоннинг алоҳида мослашуви, у бундай мослашувнинг барча натижаларидан таркиб топади;

- *ижтимоий-педагогик таърифларга* кўра, маданият — инсонга биологик (генетик) жиҳатдан мерос бўлиб ўтмайдиган, балки инсон ўрганадиган (ижтимоийлашиш жараёнида орттирадиган) ҳуқ-атвор;

- *структуравий таърифлар* уюштириш ёки моделлаштириш жиҳатларининг муҳимлигини қайд этади. Уларга кўра, маданият бир-бири билан ҳар хил тарзда боғлиқ бўлган белгилар тизими бўлиб, инсоннинг

асосий эҳтиёжлари атрофида уюшган маданиятнинг моддий ва номоддий белгилари маданиятнинг ўзаги (модели) ҳисобланувчи ижтимоий институтларни ташкил этади;

— *мафкуравий таърифларга* кўра, маданият — алоҳида ҳаракатлар, яъни сўз ёки тақлид ёрдамида индивиддан индивидга ўтувчи ғоялар оқими;

— *рамзий таърифларга* кўра, маданият — рамзларни қўллашдан иборат ёки бунга боглиқ бўлган турли ҳодисалар (моддий предметлар, ҳаракатлар, ғоялар, сезгилар)нинг уюшганлиги.

Юқорида санаб ўтилган таърифлар туркумларининг ҳар бири маданиятнинг қайсидир муҳим жиҳатларини қамраб олади. Дарҳақиқат, у инсон хулқ-атвори ва жамият фаолиятининг маҳсулидир. Маданият тарихийдир. У моделлар, ғоялар, қадриятларни ўз ичига олади ва рамзларга асосланади. Яъни у *инсоннинг биологик компонентларини ўз ичига олмайди ва биологик ирсиятдан фарқли механизмлар орқали инсондан инсонга ўтади*. Ниҳоят у муайян индивидлар томонидан эҳтирос (эмоция) асосида идрок этилади.

Маданият ҳақидаги қарашлар хилма-хиллигига қарамай, уларда маданиятни тадқиқ этувчиларнинг барчасини бирлаштирадиган бир умумий жиҳат мавжуд. Бу умумийлик — «маданият» сўзининг дастлабки маъноси. Лотинчадан таржимада у ишлов бериш, етиштириш, парвариш қилиш, яхшилаш деган маъноларни билдиради. Вақт ўтиши билан у қадриятларни яхшилаш, такомиллаштириш, яратиш маъносида қўллана бошланди.

Хўш, «маданият» тушунчасининг мазмуни қандай?

Биринчидан, маданият фақат инсон томонидан яратилган ёки яратилаётган нарсаларни — инсон фаолиятининг турлари ва шакллари, мазкур фаолият маҳсуллари ва у билан боглиқ муносабатларни ўз ичига олади. Бинобарин, бу нуқтаи назардан, маданият табиатнинг акси, инъикоси, сунъийликнинг табиийликка зидди сифатида идрок этилади.

Иккинчидан, маданият жамиятга мувофиқ келиши ҳам, мувофиқ келмаслиги ҳам мумкин, зеро инсоннинг ҳаётий фаолиятида айнан табиий омиллар муҳим ўрин тутди.

Учинчидан ва энг муҳими, айнан инсонни «парваришlash», тарбиялаш, ўстириш, яъни биологик жиҳатдан эмас, балки ижтимоий жиҳатдан шахсга айлантирувчи муносабатларни шакллантириш маданиятнинг мазмунини ташкил этади.

Бинобарин, фақат инсонни, унинг хусусиятлари ва ижодий имкониятларини ривожлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган фаолият усули, шакли ва натижасигина том маънода маданий мазмунга эга. Мазкур жараёнда инсоннинг ўзини ўзи ривожлантириши учун яратилган фаолият тизимларига маданиятга тааллуқлидир.

Шундай қилиб, биз маданиятни инсоннинг табиатни (унинг барча кўринишларида) ўзгартириш борасидаги ақлга мувофиқ фаолияти,

шунингдек мазкур фаолиятнинг моддий ва маънавий соҳаларда ифодаланган, ўз аксини топган натижаси деб тушунишимиз мумкин.

1.2. Маданият — ижтимоий онг шакли.

«Маданият»нинг фалсафий асослари

Маданиятни фалсафий жиҳатдан тушуниш ва асослашнинг бош масаласи маданий борлиқни «маданият» тушунчасининг субстанцияси сифатида идрок этишдан иборатдир.

Масаланинг шу тарзда ҳал этилишига қараб, кўпчилик файласуф ва маданиятшунос олимлар маданиятга моддий ва маънавий меҳнат маҳсулларида, ижтимоий нормалар ва муассасалар тизимида, маънавий қадриятларда, одамларнинг табиатга нисбатан, бир-бири билан ва ўзига нисбатан муносабатларида ифодаланган инсон ҳаётий фаолиятини уюштириш ва ривожлантиришнинг ўзига хос усули деб таъриф берадилар¹. Маданият — ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидаги одамлар фаолиятининг натижалари мустаҳкамланувчи ва авлоддан авлодга етказилувчи моддий ва маънавий қадриятларнинг, шунингдек уларни яратиш усуллариининг мажмуи демакдир.

Маданият жамоа фаолият кўрсатадиган ҳамда унинг ўзи яратадиган муҳитдир. Бу муҳит аниқ мавжуд бўлиб, уни «ўлчаш» мумкин. Яъни мазкур муҳит ўзининг ҳолатини тавсифловчи маълум ўлчовларга эга.

Фалсафа фанлари доктори Мираҳмад Абдуллаев шундай деб ёзади: «Жаҳон адабиётида маданиятга ижтимоий муҳитнинг муҳим элементи сифатида қаралади ва шу асосда ҳозирги кунда унга уч ёндашув юзага келди: **инсонпарварлик, фаолиятли ва қадриятли**. Маданиятга ушбу ёндашувлар асосида шундай хулоса чиқариш мумкин: маданият моддий ва маънавий меҳнат маҳсули шаклида ижтимоий норма ва ташкилотлар таркибида, маънавий қадриятларда, кишилиқ ва табиат муносабатлари тизимида, ўзаро ва ўз-ўзига муносабатлар бобида, инсон ҳаётий фаолиятини ўзига хос ташкил этиш ва ривожлантиришдир»². Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов миллий маданият ва жаҳон маданиятининг аҳамиятига баҳо бериб, қуйидагиларни таъкидлайди: «Миллий ва жаҳон маданиятининг энг яхши намуналарини кенг тарғиб қилиш ва оммалаштириш ёш авлодни, ҳозирги ёшларимизни маънавий тарбиялашнинг асоси бўлмоғи керак»³.

Маданият «юксак» ёки «паст» бўлиши, Европа ёки Осиё маданияти тарзида фарқланиши, «варварлик»ка қарши қўйилиши мумкин, аммо

¹ Қаранг: Философский словарь / Под. ред. М. М. Розенталя. — М., 1972. — С. 196—197.

² Абдуллаев М. Жамиятнинг янгиланишида маънавият ва таърифатнинг ўрни // Мустақиллик ва ижтимоий тараққиёт. — Т., 1998. — 138-б.

³ Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т., 1997. — 150-б.

«маданиятсизлик» ҳам маданиятнинг маълум ҳолати ҳисобланишини унутмаслик керак. Маданиятни табиийликка, қолаверса, цивилизацияга қарши қўйиш мумкин (А. Швейцер), аммо бошқа контекстда ва бошқа замонда. «Маданият» атамасини бундай қўллаш учун бошқа таърифни ўйлаб топиш талаб этилади. Унгача эса маданиятнинг юқорида келтирилган таърифидан фойдаланиш таклиф этиладики, унга кўра, фалсафа дунёни идрок этишнинг қўплаб усулларида бири сифатида, умуминсоний онг ҳодисаси, маданият ҳодисаси ҳисобланади.

Онг ўз тузилишига кўра бир хил эмас. Онг тузилиши маълум элементлар қоришмасини эмас, айнан *тизимни* ташкил этади. Тизим эса маълум қонунларга кўра ўзаро таъсирга киришувчи элементлар мажмуи демакдир. Бу ўзаро таъсир мазкур элементларнинг хоссаларига принципаал боғлиқ бўлмаган ҳодисаларни юзага келтиради. Умуман олганда, тизимнинг таърифи, онгнинг ва умуман дунёнинг ички тизимлилиги дунёнинг бирлиги принциpidан ва «ўзаро таъсир» тушунчасидан келтириб чиқарилиши лозим. Ҳозирги замон нуқтаи назаридан тизимга энг яхши мисол қилиб организмни олиш мумкин. Тизимнинг антитезиси — ҳисобланадиган *қоришма* — тизимнинг бузилиши ҳодисасига мисол бўлади. Элементларнинг ўзаро таъсирини фикран ногча кичрайтирсак, система унинг типологияси нуқтаи назаридан оддий қаторлар жойлашишига, қоришмага айланади.

Дастлабки қарашда онгнинг ҳар хиллигини унинг элементлари ёки «таркибий қисмлари» жойлашган қаторларда кўриб чиқиш мумкин, яъни онгни белгиловчи ёки тизим ҳосил қилувчи қисмларнинг тўплами мавжуд бўлиб, улар биргаликда умуминсоний онг ёки маданиятни: *соғлом фикр, ҳуқуқ, дин, сиёсат, фан, этика, ижод маҳсули* ташкил этади. Маданият маданий борлиқдаги ўзаро таъсирга киришувчи қисмларнинг ягона тизими бўлгани туфайли, мазкур тизимни тавсифлаш учун оддий қаторлар жойлашишининг ўзи етарли эмас. Маданиятнинг ушбу элементлари муқаррар равишда камида икки поғонадан иборат бўлган тузилмага жойлашади. Аслида, бу поғоналар кўпроқ бўлиши ҳам мумкин, аммо ҳозирча уларнинг иккитасини қайд этиш кифоя.

Хуллас, маданият элементларининг ўзаро таъсири натижасида улар орасида асосий қисм — маданиятнинг умумий хусусиятини белгиловчи етакчи элемент ажралади. Демак, маданиятни — маданий борлиқнинг инъикоси бўлган ижтимоий онг шакли сифатида қуйидаги саккизта архетипини ёки культуротипларини ажратиш имконини беради. Бу саккиз архетипдан бештаси маданият тарихида «рўёбга чиқарилган» бўлиб, улар *турмуш маданияти, афсоналарга асосланган маданият, ҳуқуқий маданият, диний маданият ва сиёсий маданиятдан* иборат. *Илмий маданият, ахлоқий маданият ва «яратувчи маданият»* каби маданиятнинг уч архетипи тарихда «соф кўриниш»да ҳали қайд этилмаган. Нафсиламри-

ни айтганда, культуротипларга уларнинг таркибидаги етакчи элемент номи берилган.

Маданиятнинг барча архетиплари бир хил элементлар тўпламидан ташкил топади. Барча элементлар ҳар бир архетипда мавжуддир. Архетип унинг таркибидаги элементларнинг ўзаро жойлашиши билан белгиланади, аммо бунда бирорта ҳам элемент тизимдан тушиб қолмайди.

Маданиятда тизим ҳосил қилувчи саккиз элементнинг ҳар бирига алоҳида таъриф бериш ўринли бўлар эди, аммо қисмлар ўз ҳолича ҳар бир архетип ичида ўзаро тенг бўлмай, уларнинг «салмоғи» архетипдан архетипга ўтган сари ўзгариб боради.

Яна бир муҳим масала бўлган маданият типологиясини тузиш учун саккиз элемент зарурлиги ва етарлилигининг исботи ҳозирча четда қолиб келаётир.

Турмуш маданиятида индивидларнинг шахсий субъектив тажрибасига асосланган ҳаёт мантиғи етакчилик қилади. «Мен кўрганман» деган даъво «мен эшитганман» деган даъвога қараганда деярли ҳамиша ишончлироқдир. Соғлом фикр учун «бундан сўнг» ҳамиша «бунинг натижасида» деган маънони билдиради ва бундан бошқаси махсус исбот талаб этади. Соғлом фикр учун эгалланган билимлар ўзгармас хусусиятга эга бўлиб, ҳамма нарса тушунарли бўлади. У қатъий ва мантиқан мутаносибдир. Соғлом фикр кузатувчан эмас, балки феолдир.

Маиший онгда онгнинг барча ташкил этувчи қисмлари «ривожланмаган», «шаклсиз» кўринишда мавжуд. Миф — афсона ва ривоятлар, ҳуқуқий анъаналар, дин, магия ва ақидапарастлик кўринишида, сиёсат — яшаш учун кураш тарзида, фан — примитив технология кўринишида иштирок этади. Маиший онг этикаси «нима яхши-ю, нима ёмон» деган субъектив тасаввурга ҳамда «ўзимники — бировники» дуализмига асосланади. Яратувчи онг турмушни бўяб кўрсатишда намоён бўлади. Соғлом фикр онгнинг қолган элементларидан устувордир. У бирламчи асос бўлиб хизмат қилади.

Кейинги архетип, айна чоғда бу *миф*, соғлом фикрнинг ҳомийлиги ва чеклашларидан қутулиб, ўзининг бутун жозибаси ва буюклиги билан намоён бўлади. Соғлом фикр йўқолмайди, у мифга хизмат қилишда давом этади, аммо мифологик онгда барча зиддиятлар унинг фойдасига эмас, балки дунёни яхлит, уйғун ва образли идрок этиш фойдасига ҳал бўлади. Бунда миф ақлдан кўра кўпроқ ҳиссиётни, сезгини қондиришга ҳаракат қилади.

Мифологик онг тарихий нуқтаи назардан етакчи сиёсий онгдаги «излар»дан ташқари моддий кўринишда, авваламбор, матнлар кўринишида анча бой «маданий излар» қолдирган биринчи архетипдир. Фан билан фалсафани, *билим ва донишмандликни* ажратиш анъанаси ана шу матнлардан бошланган. Аммо матнларни ўрганишда биз маълум онг архетипининг рефлексиясига дуч келишимизни назарда тутиш лозим. Айни

ҳолда ҳам биз мифологик онг фан ва фалсафа ҳақида фикр юритаётганини кўрамиз. Миф нуқтаи назаридан, у онгни ўзида мужассамлаштирган, унда ҳамма нарса: билим ҳам, донишмандлик ҳам, эзгулик ҳам, гўзаллик ҳам мавжуд. Усиз ҳеч нарча ҳеч қандай маънога эга бўлмайди. Боз устига, ҳали алоҳида, мустақил маданий ҳодиса сифатида шаклланиб улгурмаган фан ҳам ўзини англаб етмаган эди. Миф ҳомийлигида у маданиятнинг қолган элементлари сингари ўз таркибий қисмларини мифологик онгнинг бутун «вужуди»га бажонидил сингдирди. Фақат доминантагина онгнинг қолган элементларига маъно беришга қодир. Кейинчалик дин доминанта билан онгнинг қолган элементлари ўртасидаги муносабатлар муаммосини «фалсафа илоҳиётнинг хизматкоридир» мазмунидаги жумла билан ҳал қилди.

Онгнинг бирон-бир элементи ўзининг мустақиллиги ва ўзига қатъийлигини, яъни ўзининг кучини англай бошлаши билан у «тахтга даъвогар» бўла бошлайди. Буни, жумладан, мифни аста-секин сиқиб чиқариб, уни онгнинг қолган элементлари даражасига туширган ҳуқуқ мисолида кузатиш мумкин. Онг гўёки барча ўз элементларининг мустақамлигини навбатма-навбат синовдан ўтказади ва уларга доминанта сифатида кучини синаб кўриш имконини беради.

Дин онгнинг негизи эмас, бор-йўғи шаклга солинган, расмийлаштирилган эътиқод эканлиги ойдинлашиши учун диний онгнинг бир неча аср ҳукм суриши талаб этилди. Гегель бу жиҳатларни тушунчалар, муҳим урф-одатлар ва расм-русумлар деб атади. Қолган ҳаммаси онгнинг бошқа қатламларига тегишли бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз соҳасида тез ва соз иш кўради. Ҳар бир ишнинг ўз асбоби бўлиши лозим.

Онгнинг навбатдаги архетипи — сиёсий, аниқроқ айтганда *сиёсий-центристик*, прагматик онг — «дин фуқароларнинг шахсий ишидир» деб эълон қилиб, динни ўз ўрнига қўйди. Сиёсий-центристик архетипни фалсафий нуқтаи назардан тавсифлаш анча қийин кечди, зеро, биринчидан, «бунга ҳали эрта» эди; иккинчидан, ҳозирги замон фанининг ўзи мазкур архетип ичида жойлашган. Ҳозирги кунда ҳукм сурувчи архетипни белгилаш учун «сиёсат» сўзи танланди. Англашилмовчилик ва ҳар хил талқин қилишга йўл қўймаслик учун нисбатан бетараф сўз танланса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Табиийки, архетипни белгилаш учун сўз танлашда давлатни бошқариш билан боғлиқ амалий фаолият назарда тутилмаган. Аммо «давлат» сиёсатнинг туб негизларида бири эканлигини қайд этиб ўтиш лозим.

Сиёсат бошдан охиригача прагматизм билан суғорилган. У тажрибага ва соғлом фикрга таянади. Шу жиҳати билан у ибтидоий маиший онгга яқин. Унинг негизини *мақсадга мувофиқ* фаолият ташкил этади. Хўш, сиёсат қайси мақсадларга мувофиқ иш кўради? Мақсадларнинг оқилоналигини ким аниқлайди? Қўйилган мақсадларга эришиш учун инсоният нима қилиши керак?

«Мақсад» тушунчасини таҳлилдан ўтказишда бунга нисбатан икки ёндашув мавжудлигини назарда тутиш жоиз:

1) мақсад — бу тизимнинг зарурат тақозосидан келиб чиқиб интилувчи унинг «олдидан билинган» муайян якуний ҳолати. Тизим танлаш имкониятига эга эмас. Бу нуқтаи назардан инсон — фақат *мақсадга мувофиқ* мавжудот. Ўтган даврларда инсоннинг мақсадлари унга ташқаридан — худо, шайтон ва бошқалар томонидан таърифлаб берилди, инсон ўз мақсадларини ўзи таърифламади. Хўш, нега инсон ўз *мақсадини ўзи белгилловчи* мавжудотга айлана олмайди? Ўз мақсадларини ўзи таърифлашига инсонга нима халақит берди? Ваҳоланки, сиёсий онг бунга замин ҳозирлаган, инсон алоҳида мақсадларни таърифлаш ва уларга эришишга қодирлигини намойиш қилган;

2) ўз *мақсадини ўзи белгилловчи* мавжудот нуқтаи назаридан, мақсад у ёки бу даражада яқинлашишга интилиши лозим бўлган тизим ҳолатининг моделидир. Бундай ёндашувда мақсадга эришиш зарурат тақозоси ҳисобланмайди. Умуман, мақсадга эришишнинг ҳеч қандай кафолати мавжуд бўлмайди. Нафсиламрини айтганда, умуман мақсад қўйилишининг ҳам кафолати бўлмайди; борди-ю мақсад қўйилган бўлса, бу «тўғри» мақсадлигининг ҳеч қандай кафолати бўлмайди. Бу ҳолда ўз олдимизга мақсад қўйиб, унга эришишдан ташқари, мазкур мақсаднинг «зарарли» эканини тушунгудек бўлсак, унга эришишдан воз кечишимиз ҳам мумкин. Масалан, миллий суверенитет ғоясининг «миллий» ва «суверен» технологиялар фаолиятининг глобал оқибатлари билан боғлиқ масалаларидан воз кечишимиз мумкин. Бу ўринда ижобий мисолларни ҳам, салбий мисолларни ҳам топиш мумкин.

Атмосферага энергетика иссиқлигининг таъсири юксак технологияларга асосланган иқтисод учун ҳам, примитив иқтисод учун ҳам бир хилда зарарли деб фарз қилайлик. Ёки, аксинча, глобал алоқа тизимларида «суверенитет»нинг йўқлиги ахборот алмашиш жараёнининг барча иштирокчилари учун бир хилда қулайдир. Инсоният ўз мақсадларини ўзи эркин ва онгли равишда таърифлай олмас экан, у мазкур мақсадлардан воз кечишга ҳам қодир эмас. Бу онгнинг бошқа архетипига ўтишга туртки берувчи омиллардан бири бўлиши мумкин.

Маданиятнинг ҳар бир архетипида доминанта қолган барча элементларни ўзига бўйсундирибгина қолмай, ўзининг нури билан азалдан «қоронғи» дунёни ёритади. Ҳозирги сиёсий-прагматик онг бизни ҳамма нарсада мақсадни, тизимнинг интилиш лозим бўлган якуний ҳолатини излаш ва қўришга мажбур қилади. «Мақсад»нинг, айтишлик, фанга бундай киришини тубдан нотўғри ва зарарли деб бўлмайди. Сиёсат прагма билан фаннинг ўзаро таъсири соҳасини, одатда, технология деб аталувчи соҳани, муайян мақсадларга эришишнинг муайян усулларини излаш соҳасини вужудга келтирди. Технология — сиёсатнинг суюкли фарзанди.

Биринчидан, у шубҳасиз *фойдали*; иккинчидан, у сиёсат билан ҳаётнинг мазмуни ҳақида баҳслашмайди, унга саволлар бермайди, сиёсатга тўлиқ қўшилади ва «мақсад»га бўйсунди.

Биотехнология, ген инженерияси, электрон технологиялар. Фан соҳалари ҳисобланувчи ихтисосликларнинг катта қисми аслида технологиялардир. Масалан, сиёсатшунослик, сирасини айтганда, ҳокимият технологиясидир. Технологияда мақсад қўйиш мумкин бўлибгина қолмай, у зарур ва унга эришиш мумкин ҳамдир.

Маданият элементлари узоқ вақт бир-бирига таъсир этмай туролмайди. Фаннинг дунёни унинг бирлиги ва яхлитлиги нуқтаи назаридан «тушуниш ва тушунтириш» истаги узил-кесил унутилган мифнинг акс садосидек туюлади. Ҳозирги кунда ҳукмрон сиёсат бошдан охиригача миф элементлари билан суғорилган. Масалан, сиёсатчилар кези келганда сиёсат ва ахлоқнинг «зарур» бирлиги ҳақидаги мифдан кенг фойдаланадилар. Маданиятнинг кучга тўлиб бораётган илмийлик элементи бошқа элементларига «ҳодисаларнинг асл ҳолатини» кўрсатишга тобора интилиб, майдонга дадил чиқмоқда.

Биз онгнинг ижтимоийлигини юқорида қайд этиб ўтган эдик. Шу сабабли социум билан маданият архетиплари ўртасидаги алоқадорликка назар ташласак, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Тўда-тўда бўлиб кун кечирган ибтидоий одамлар маиший маданиятнинг яратувчилари ва ифодачиларидир. Уруғ — мифологик маданиятнинг ифодачиси. Қадимги полис (шаҳар-давлат) ҳуқуқий маданият билан боғланган, юқорида зикр этилган икки ҳолатда бўлгани сингари, бу ўзаро алоқадир: полис ҳуқуқий маданиятни яратса, ҳуқуқ полисни шакллантиради. Динни маданиятнинг алоҳида мустақил архетипи сифатида этнос, халқ яратади ва дин таъсирида халқ алоҳида ижтимоий табақага бирлашади.

Сиёсий онгни унинг ҳал қилувчи ўзаги бўлмиш «мақсад» категорияси орқали ифодалаш маъқулроқ. Бу нуқтаи назардан қараганда, *сиёсат мақсад сари ҳаракатни англатади*.

Ҳозирги кунда сиёсий онг шиддат билан эскириб бораётганлиги кузатилмоқда. Мустабид сиёсий тузумларнинг парчаланиши, миллий чегараларнинг шаффофлашуви, «амалий сиёсат» ҳамда давлатни бошқариш масалаларига нисбатан фуқароларнинг бефарқлиги ҳолатларидан кўриниб турибдики, сиёсат «давр онги»да ўзининг етакчи мавқеини бой бермоқда. Бинобарин, янги доминанта зарур. Онг архетипида ўзгариш қачон содир бўлади, келажакда сиёсат ўрнини қайси архетип эгаллайди — бу ҳақда бир нарсa дейиш даргумон.

Баъзи бир олимларнинг фикрича, навбатдаги номзод «фандир». У ёғини тасаввур этиш мумкин: *ахлоқий маданият, яратувчи маданият* ва ҳ.к. Биз эса сиёсий маданиятни давримизнинг реал воқелиги сифатида тадқиқ қилишда давом этамиз.

1.3. Маданият ва сиёсат:

ўзаро муносабатлар муаммосининг тарихий талқини

«Сиёсат» тушунчаси қадим замонларда вужудга келганлиги маълум. Сиёсат бизгача етиб келиб, ижтимоий ҳаётимиздан теран ўрин олган қадриятдир. Ҳозирги замон тилларига у қадимги юнон тилидан (*politika*) кирган бўлиб, анъанавий тарзда давлат ва жамоат ишларини; одамлар, ижтимоий гуруҳлар, халқлар, миллатлар ва давлатлар ўртасидаги ҳокимият билан боғлиқ фаолият соҳасини англатиб келади. Сиёсат — муайян субъектлар ўртасидаги ҳокимиятга оид муносабатлар ифодаси бўлиб, бунда улар ўз манфаатларини қондириш учун ҳокимиятга интиладилар ёки ҳокимиятдан фойдаланадилар. Сиёсат ҳокимият ёрдамида энг муҳим умумий манфаатларни амалга оширишга йўналтирилган муносабатлар мажмуидир¹.

Моҳият эътибори билан, сиёсат кишилик тарихи ва ҳозирги даврни ҳокимият омиллари билан боғловчи ўзига хос дунё, «сиёсий инсон»нинг шаклланиши ва ривожланиши, инсон ҳаёти ва фаолиятининг туб, умумий соҳаларидан биридир. Сиёсатнинг вужудга келиши ва ривожланиши сиёсий қадриятларнинг шаклланиши, амал қилиши, сақланиши ва намоеён бўлиши, сиёсий муносабатлар, бошқарув ва тажрибанинг янги шаклларига нисбатан танқидий муносабатни енгиб ўтиши ҳамда уларнинг шаклланиши билан боғлиқ умумбашарий тарихий жараён ҳисобланади.

Сиёсат билан маданиятнинг ўзаро муносабатига қўпинча ҳаёт ва мамот, гўзаллик ва хунуклик, эзгулик ва ёвузликнинг кураши деб қаралади. Сиёсатнинг бундай ифодасини, афтидан, унинг бош муаммосини, «юраги»ни ҳокимият ташкил этиши билан изоҳлаш мумкин. Юнон донишманди Платон ўз қарашларида одамзод ҳокимият васвасасидан ҳеч қачон қутула олмаслигини қайд этган эди. Аммо одамлар ҳокимиятсиз яшаши мумкинми? Йўқ, мумкин эмас. Ҳокимият одамларнинг бўйсунуш, буйруқ бериш ёки тобелик билан боғлиқ бўлган бир-бирига таъсир кўрсатишининг алоҳида типич сифатида инсон фаолиятининг ажралмас қисми ҳисобланади. Биз фақат сиёсий ҳокимият билан эмас, балки иқтисодий, диний ва бошқа ҳокимиятлар билан ҳам узлуксиз тўқнашамиз.

Ҳокимият инсон ҳаракатларини мувофиқлаштиришнинг ажралмас воситасидир. Биз ҳокимият фаолиятининг барча турларини ҳам зўравонлик ва ўзбошимчалик билан боғлайвермаймиз. Сиёсатнинг одамлар тақдирига кўрсатадиган жиддий таъсири сабабларини бу соҳада ҳокимият муносабатларининг мавжудлигидан эмас, балки сиёсий ҳокимиятнинг алоҳида, оммавий хусусиятидан қидириш лозим. Давлат ҳокимияти оммавий-сиёсий хусусиятга эга бўлиб, унинг асосий ижтимоий

¹ Батафсидроқ маълумот учун қаранг: *Одилқориев Х.* Конституция ва фуқаролик жамияти. — Т., 2002. — 60-б.

вазифаси жамиятни уюштириш ва барчанинг иродасини ўзига бўйсундирган ҳолда бошқаришдир. Давлат ҳокимиятининг ўз иродасини ўзгаларга ўтказиш усуллари ва бошқарувни амалга ошириш воситаларининг ифодаси — сиёсат¹.

Сиёсий ҳокимиятнинг келиб чиқиши кўплаб одамларнинг бошини бирлаштириш, ижтимоий гуруҳлар ичидаги ва гуруҳлараро низоларни енгиш зарурати билан боғлиқ. Оммавий ҳокимият аста-секин ҳар хил ижтимоий институтлар — давлат, партиялар, оммавий ахборот воситалари кабилар ўртасидаги муносабатларнинг мураккаб тизимига айланиб бори. У ҳуқуқий аҳамият касб этиб, фуқаролар, сайловчилар, бошқарувчи мансабдор шахслар, судьялар ва парламентарийларнинг ролларини ўйновчи профессионал шахсларга эга бўлди; одамлар ҳулқ-атвори устидан назорат қилишнинг ҳар хил воситаларини қўл остида жамлади. Жамиятни бирлаштириш, умумий аҳамиятга молик фаолиятнинг самардорлигини таъминлаш ва вақт ўтиши билан миллий манфаатларни қондириш мазкур тизимнинг асосий вазифасига айланди.

Ташқи иқтисодий масалалар бўйича йирик мутахассислардан бири, америкалик олим Ханс Моргентау ташқи сиёсатни амалга оширишда ҳар қандай давлатнинг манфаатлари устувордир, деган назарияни илгари сурди. АҚШ мисолида у мазкур қудратли давлат ички иқтисодий эҳтиёждан келиб чиқиб, жаҳон сиёсат майдонида етакчилик қилаётганини қайд этади². «Миллий хавфсизлик» ва «миллий манфаат» тушунчалари ўзаро чамбарчас боғлиқ. Америкалик сиёсатшунос У. Липпман миллий хавфсизлик концепциясига берган таърифида: «Миллат уруш чиқишига йўл қўймаслик учун ўз қонуний манфаатларини қурбон қилар экан, ўзининг миллий хавфсизлигини таъминлайди, аммо бу манфаатлар хавф остида қолгудек бўлса, миллат уларни уруш ёрдамида ҳимоя қилишга ҳам тайёрдир»³, — деб таъкидлайди.

Шундай қилиб, ўзаро мос келмайдиган ижтимоий манфаатларни «умумий маҳраж»га келтириш (уйғунлаштириш) учун оммавий-сиёсий ҳокимият одамларнинг табиий, қатъий расмий мойилликларига сунъий, шахсиз (давлат-бюрократик ва расмий-юримдик) хусусият бахш этади. Бунда айрим одамларнинг тақдирлари, уларнинг қадриятларни ихтиёрий танлаш ҳуқуқи сингари «хусусий» жиҳатлар «ижтимоий яхлитлик мантифи»га бўйсуниб, иккинчи даражали аҳамият касб этади. Оммавий ҳокимият ҳамиша очиқ ёки яширин кўринишда мажбурлаш функцияларини марказлаштириш йўли билан тартибга солинувчи муносабатларни ўрнатиш усули бўлиб майдонга чиқади. Бинобарин, сиёсат ижтимоий табақалар ва ташкилотлар ўртасидаги ўз ижтимоий манфаатларини амалга оши-

¹ Одиқориев Х. Т. Конституциявий-ҳуқуқий сиёсат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш // Ҳуқуқ—Право—Law. — 2002. — № 4. — 3-6.

² Қаранг: Демидов А. И., Федосеев А. А. Основы политологии. — М., 1995. — С. 62—63.

³ Қаранг: Гаджиев К. С. Введение в политическую науку. — М., 1997. — С. 292.

риш учун оммавий ҳокимият институтларидан фойдаланишга доир асосан изчил муносабатлар соҳасидир. Мазкур муносабатлар ҳукмрон табақалар томонидан ҳам, бундай ҳуқуққа даъвогарлар томонидан ҳам у ёки бу шаклда ташқи мажбурлаш қўлланилишини назарда тутати.

Шу жиҳатдан сиёсат стратегияси маданият стратегиясига батамом зиддир. Инсоний муносабатлар эзгулик ва ёвузликни, гўзаллик ва ҳунукликни, олий идеалларга ички интилишни фарқлашни назарда тутати ва сиёсий муносабатларга уйғун бўлиши мумкин эмас. Улар, ўз хусусиятига кўра, оммавий, шахсиз бўлиб, ҳукмронлик ва тобелик негизига қурилади. Шунинг учун ҳам сиёсатшуносликда ва амалий сиёсатда «сиёсий маданият» атамасининг кенг қўлланилиши маданият ва сиёсат муносабати муаммосининг долзарблигини тасдиқлайди.

Мазмун нуқтаи назаридан, сиёсатшунослар кўпинча сиёсий маданиятга сиёсий ҳаракатларни белгиловчи эътиқодлар ва тасаввурлар мажмуи (Д. Истон), демократик барқарорликка йўл очувчи сиёсий қарашларнинг ўзига хос типи (Г. Альмонд ва С. Верб), ҳамжиҳатликни таъминловчи олий принциплар деб (Т. Парсонс) таъриф берадилар. «Сиёсий маданият қадриятлари» бунда у ёки бу жамият учун хос бўлган сиёсий ҳаракатлар мумтоз намуналарининг тизими сифатида иштирок этади. Бундай ёндашувда ҳар бир инсон бошқа инсонни беназир ва олий қадрият деб тан олиш асосида ўз тақдирини ўзи ҳал қилишга қодир мавжудот сифатида баҳолайди. Гуманистик, маданий мазмундан маҳрум бўлган сиёсий ҳаракат нормалари ва намуналари пировард натижада сиёсат машинаси барқарор ёки беқарор ишлашининг технологик мезонларига айланди. Шунинг учун ҳам сиёсатшуносликка доир адабиётда сиёсий тизимлар, режимлар ва сиёсий маданият ҳодисалари типларининг тавсифлари ўртасидаги чегарани аниқлаш жуда қийинлиги кўзга ташланади.

Баъзи бир олимлар бундай зиддиятлардан қочишга уриниб, сиёсий маданиятга сиёсатнинг ноинституционал тизими деб таъриф берадилар. Бунда улар сиёсатга бевосита ё билвосита таъсир кўрсатувчи диний, маънавий анъаналар ва ижтимоий-психологик мойилликлар («миллий характер»)ни назарда тутадилар. Аммо бу ҳам «сиёсий маданият» тушунчасини ойдинлаштирмайди. Модомики, бу ўринда гап давлат институтлари фаолиятининг хусусиятига дин ва ахлоқнинг таъсири ҳақида бораётган экан, алоҳида атама киритишнинг нима кераги бор? Сиёсат, ахлоқ ва диннинг бир-бирига ўтиши билан боғлиқ мураккаб жараёнлар тавсифланар экан, улар тинимсиз содир бўлишига қарамай, сиёсатнинг маданийлаштирилишидан далолат беравермайди. Қолаверса, дин ва ахлоқнинг ўзида ҳамма нарса маданиятга тааллуқли эмас. Инсоният тарққиёти тарихида сиёсий амалиётга дин ва ахлоқнинг ижобий ҳамда салбий таъсирига мисоллар жуда кўплаб топилади. Шуниси эътиборга молики, «сиёсий маданият» тушунчасига хос бўлган зиддиятлик,

олимлар ёндашувидан қатъи назар, маданиятшуносларнигина эмас, балки сиёсатшуносларни ҳам баъзан уни камроқ қўллашга даъват этади.

Аммо маданият ва сиёсатни тубдан ажратиш ҳам, сиёсатдаги жамики нарсаларни «сиёсий маданият» деб эълон қилиш ҳам муаммонинг моҳиятига ойдинлик киритмайди. Тўғри, маданият доирасидан ташқаридаги сиёсат баъзан ўзравонлик ва ўлим келтиради, бундай сиёсатнинг «ақлга мувофиқлиги ва амалий жиҳатдан афзаллиги» эса одамларнинг азоб-укубатларини янада оширади. Аммо маданият ва сиёсат ўзаро уйғунлашувининг маърифий чегаралари маълум даражада эътиборга олинмаса, улар конструктив ўзаро таъсирга киришиши мумкин эмас. «Олий маънавий-ахлоқий қадриятлар сиёсий фаолиятда фақат билвосита намоён бўлади..., муҳаббат фақат шахсий муносабат бўлиши мумкин... сиёсатчилар манфаатларини ифодаловчи халқлар, давлатлар ва идоралар ўртасидаги муҳаббат ҳақида гапириш беҳуда. Зеро, ижтимоий институтлар уни рўёбга чиқариш учун ҳеч қандай воситага эга эмас»¹.

Шу билан бирга, сиёсат таркибида инсоний муносабатларнинг айрим маданий элементлари бўлиши мумкин. Бунда маданият инсон табиятига муносиб турмуш идеаллари мужассамлашган муносабатлар мажмуи сифатида мураккаб, кўп поғонали тузилишга эга бўлишини эътиборга олиш лозим. Инсон ҳаёт фаолиятининг турли соҳаларида маданиятни рўёбга чиқариш имкониятлари ҳар хилдир. Сиёсат соҳасида маънавий қадриятларни нари борса норматив шаклда рўёбга чиқариш мумкин. Сиёсатнинг «маданийлиги» одамлар ўртасидаги оммавий ҳокимият институтларидан фойдаланишга доир муносабатларнинг расмийлиги ва меъёрланганлигида намоён бўлади. Бу расмийлик, юқорида қайд этилган сабабларга кўра, ўзгармас бўлиши мумкин эмас, у асосан ташқи хусусиятга эга. Сиёсий ҳокимият деярли ҳамиша зўрлик ва мажбурлов билан боғлиқ бўлиб, унинг «олий фазилатларга, юксак маънавий ва инсоний хислатларга эга»лиги ҳақида гапириш ўринсиздир. Шунинг учун ҳам баъзи бир олимлар «сиёсий маданият» атамасини қўллашда «бу том маънода маданият эмас», «бу маданиятнинг қуйи, витал поғонаси» деб изоҳ бериб ўтадилар; баъзан сиёсатга маданийлик элементлари намоён бўлиши мумкин бўлган, аммо, барибир, манфаатдорлик, мўлжал ва субъектив баҳолаш галаба қозонувчи «хавф-хатарли фаолият майдони» деб қарайдилар.

Сиёсатнинг «руҳлантирувчи» имкониятларини баҳолаш учун сиёсатда маданий қадриятларга нисбатан «ҳаракатсиз майдон» — сиёсий технологиялар соҳаси объектив тарзда мавжудлигини эътиборга олиш лозим. Масалан, пропорционал ёки мажоритар сайлов технологияси ўз ҳолича ёки бу жамиятдаги сайлов кампанияларининг иштирокчилари ўртасидаги муносабатлар қай даражада инсонийлигига нисбатан анча

¹ Қаранг: *Выжелецов Г. П.* Аксиология культуры. — СПб., 1996. — С. 108.

бефарқ, бу ерда уларнинг асослилиги, сайловчиларнинг сиёсий вазиятдан хабардорлиги сингари омиллар муҳимроқдир. Шунинг учун ҳам сиёсатнинг маданийлашиш салоҳиятини аниқлаш учун улар ўзаро кесишадиган, маданиятнинг сиёсатга ўтиши содир бўладиган, маънавият учун шарт-шароитлар вужудга келиши мумкин бўлган доирани белгилаб олиш лозим. Шунда биз нималар «сиёсий маданият» атамаси билан изоҳланиши ҳақида сўз юрита оламиз.

Легитимлик — ҳокимиятнинг ижтимоий-маданий хусусияти. Кўпгина социологлар ва сиёсатшуносларнинг фикрича, легитимлик ҳокимият муносабатларининг муҳим ижтимоий-маданий хусусиятидир. Аммо жамиятшуносликнинг мазкур соҳаларида «легитимлик» тушунчаси анча юзаки, ҳокимиятнинг ижтимоий технологияларини ўрганиш нуқтаи назаридан кўриб чиқилади. Шу билан бир вақтда, маданиятшуносликда «легитимлик» тушунчасининг мазмунига ҳали етарли даражада эътибор берилмаган.

Маданиятнинг сиёсат билан ўзаро алоқаси, кесишиши ва тўқнашиши айнан сиёсий ҳокимиятнинг легитимлиги ҳодисасида кузатилади. Дастлаб «легитимлик» (лотинча *legitimus* — қонуний) тушунчасининг мазмуни «легаллик» (лотинча *legalis* — ҳуқуқий, юридик) ҳуқуқий атамасига маъно жиҳатидан анча яқин бўлган. Бунга, айниқса, ҳуқуқ муаммоларига доир адабиётда ҳозир ҳам дуч келиш мумкин. Аммо вақт ўтиши билан, авваламбор, немис социологи М. Вебернинг методологик тадқиқотлари таъсирида у ўзига хос мазмун касб этди ва ҳокимият муносабатларини юридик нуқтаи назардан эмас, балки ижтимоий-маданий нуқтаи назардан тавсифлаш учун қўлланила бошланди. Ҳокимиятнинг легитимлиги унга ихтиёрий бўйсунишда, унинг ҳамжиҳатлик ва сиёсий иштирокни мажбурлашсиз таъминлай олишида намоён бўлади. Легитимлик ҳокимиятга бўйсунувчи одамларнинг унга нисбатан ишончи ва ҳурмат-эътибори кўрсаткичидир.

Ҳокимиятнинг легитимлиги борасида сиёсий адабиётда ҳам, ҳуқуқий адабиётда ҳам, умуман олганда, бир хил тушуниш мавжуд. Легитимлик давлат ҳокимиятининг халқ ишончини қозонганлиги демакдир. Ўзгача талқин этадиган бўлсак, бу ҳокимиятнинг қонунийлигидир¹. Сиёсатшунос олим Ш. О. Мамадалиевнинг фикрича, ҳокимият легитимизми, даставвал, маълум давлатнинг, унинг ҳудудининг халқаро ҳамжамият томонидан тан олиниши маъносида тушунилган. Ҳокимият легитимизми — ҳар қандай ҳокимиятни ноқонуний йўллар билан эгаллаб олишга, давлат ҳудудларини ноқонуний ўзгартиришга қарши қаратилган талабдир... Ҳокимият легитимизми — унинг фуқаролар ҳамда дунё ҳамжамияти томонидан тан олинишининг асосий белгисидир².

¹ Батафсил маълумот учун қаранг: *Одилқориев Х.* Конституция ва фуқаролик жамияти. — Т., 2002. — 64-б.

² Қаранг: *Мамадалиев Ш. О.* Сиёсий ҳокимият ва манфаат. — Т., 1996. — 43-б.

Хуллас, легитимлик деганда, ҳокимиятнинг зўравонлик ресурсларидан самарали фойдаланиши тушунилмайди. Қудратли сиёсий тузилмаларнинг таназзули ҳокимиятга нисбатан ишончнинг йўқолишидан бошланганлигига тарихда мисоллар кўп. Ва аксинча, ҳокимиятнинг буйруқ бериш ҳуқуқининг фуқаролар томонидан мажбурлашсиз тан олиниши кўп ҳолларда жамиятни инқироздан чиқарган. «Легитимлик ишонч ёрдамида ҳеч бир монеликсиз зарур тартибни ўрнатувчи сеҳргарга ўхшайди, — деб қайд этган эди немис файласуфи К. Ясперс. — Нолегитимлик эса ҳаммаёқда ишончсизлик ва қўрқувга асосланган зўравонликни туғдирувчи зўравонликдир»¹.

Табиийки, легитимлаштириш жараёни бевосита ёки билвосита сиёсий муносабатлар қадриятларга асосланишини назарда тутати. Легитимликка эга бўлиш жараёнида ҳокимият маданийлашади, бу эса унга зўравонликсиз ва самарали тарзда рамзий воситачи вазифасини бажариш имконини беради.

Ҳокимият легитимлигининг рамзий жиҳати шундаки, у ўзига хос шаклда бўлса-да, «маданий капитал» ва рамзий ресурслар орттиришини яққол кўрсатади (Ш. Бурдье). Сиёсатга рамзий маъно бериш ҳокимиятга ўз вазифаларини янада самарали ва маданиятли бажариш имконини беради. Шунинг учун ҳам ҳокимиятнинг легитимлиги ва унинг рамзий шакллариининг динамикасига қараб жамият сиёсий маданиятининг хусусияти ва даражаси ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

Легитимликининг мазмуни ва ҳозирги замон шароитларида уни таъминлаш усуллари ҳар хил талқин қилинади. Бу эса ҳокимиятнинг табиати ва ҳокимият муносабатларининг хусусияти ҳақидаги тасаввурларнинг мураккаблашуви билан боғлиқ. Аммо легитимликининг хилма-хил концепциялари негизда ҳанузгача немис социологи ва файласуфи Макс Вебер (1864—1920) ишлаб чиққан типология эътиборни жалб этиб келмоқда. Вебер ўзининг методологик кўрсатмаларига мувофиқ, ҳокимиятни ихтиёрий бўйсундиришнинг уч усулини қайд этди: *анъанавий усулда* у анъаналарнинг табарруклигига бўлган эътиқодни сақлаш йўли билан таъминланади; *ҳаризматик усул* (лотинча *kharizma* — худонинг инояти, эҳсон) сиёсий раҳбарга, унинг мислсиз хислатларига нисбатан ишончга асосланади; *расмий усул* ҳуқуқнинг ақлга мувофиқлиги ва самаралилигига нисбатан ишончни назарда тутати.

Анъанавий жамиятларда сиёсатнинг ижтимоий-маданий мазмуни. Анъанавий жамиятни оммавий ҳокимият вужудга келувчи ва ривожланувчи, давлат шаклланивчи ҳамда легитимлик ҳодисаси кузатилувчи тарихий поғона деб ҳисоблаш мумкин. Илк цивилизациялар: қадимги Миср, Месопотамия, қадимги Ҳинд цивилизациялари расмийлашган даврларда сиёсий муносабатлар юзага келди. Бу жараён қадимги Хитой

ва қадимги Грецияда, ўтроқ ҳаёт кечириш ва деҳқончилик билан шуғулланиш учун нисбатан қулай шарт-шароитлар бўлган бир қатор бошқа минтақаларда ҳам давом этди. Буддавийлик, насронийлик, ислом тарқалган даврда юзага келган сиёсий ташкилот шакллариини ҳам анъанавий сиёсий ҳокимият ташкилотлари жумласига киритиш мумкин. Бу жамиятлар ва давлат тузилмаларининг ҳаммаси цивилизация ва маданият хусусиятларига эга бўлишига қарамай, уларнинг ижтимоий ривожланишида баъзи бир умумий тамойиллар кузатилади.

Кўпгина олимларнинг фикрича, анъанавий жамиятларда ижтимоий ўзгаришлар суръати нисбатан паст бўлади. Цивилизация шакллари баъзан асрлар мобайнида жиддий ўзгармайди. Маданиятда ҳатто сиёсий қадриятлар ва идеаллар расмийлашган ҳолларда (масалан, қадимги Грецияда) ҳам норматив омил етакчилик қилишда давом этади, муносабатларда анъаналар, илоҳийлаштирилган фикрлаш услублари ва қолипга солинган ҳулқ-атвор нормалари устуворлик қилади. Сиёсатда анъанавий ва харизматик легитимлаштириш шакллари ҳукм суради.

Ибтидоий жамоада ҳукм сурган тенгма-тенг айирбошлаш тизимининг ўрнига марказлаштирилган қайта тақсимлаш тизимининг вужудга келиши ривожланишда сиёсий шаклларга ўтишнинг муҳим шarti бўлди. Бу оммавий ҳокимият институтларини шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қилди. Жамоа оқсоқоли ва кенгашининг ўрнини ҳукмдор бошчилигидаги маъмурий аппарат эгаллади. Бу эса, ўз навбатида, бошқарув соҳасида кўп сонли хизмат кўрсатувчи табақалар, тоифалар ва гуруҳларнинг вужудга келишига туртки берди. Сиёсий ҳолатнинг асосий белгилари илк давлатлардаёқ ўз ифодасини топиб, легитимлаштириш куртаклари пайдо бўлди.

Анъанавий жамиятдаги ҳокимият муносабатларини «соф» сиёсий деб бўлмайди, улар диний муносабатлар ва ҳўжалик муносабатларидан ажратилмаган. Бундай ҳокимиятнинг легитимлиги анъаналарни сақлаш ва монархнинг чексиз ҳукмронлигини билдирувчи давлат тузилмаларини жонлантириш билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам легитимлаштириш жараёни чекланган, бир томонлама, бинобарин, ўта беқарор хусусиятга эга. Бир томондан, «тақводор, одил» подшоҳларнинг сиймолари оммага синдирилади, ҳокимиятнинг рамзий жиҳатлари — тож, муҳр, сағаналар куриш, расм-русум кабилар ривож топади. Аммо, иккинчи томондан, давлатнинг амалий фаолияти мутлақо шафқатсиз бўлиб, ўз ҳаракатларининг адолатли деб топилишини талаб этмайди. Шахсий тобелик тизимида чиққан ҳар қандай низолар оммавий қатл, тан жазолари, оч қолдириш шу кабилар ёрдамида бостирилади.

Анъанавий жамиятда ҳокимият, мураккаблик даражаси ва тарихий кўриниш (модель)ларидан қатъи назар, ҳамиша деспотияга (*грекча despotia* — ҳукмронлик, ҳокимлик), ижтимоий яхлитликни таъминлашнинг шафқатсиз усуллариини қўллашга мойил бўлади. Деспотияга кўпинча

¹ Қаранг: Ясперс К. Смысл и назначение истории. — М., 1994. — С. 172.

ҳеч қандай расмий қоидалар билан белгиланмайдиган, чексиз ҳокимият деб таъриф бериледи, аммо бу унчалик тўғри эмас. Сиёсий деспотизм юридик жиҳатдан ҳам, рамзий жиҳатдан ҳам расмийлаштириб қўйилиши мумкин. Муҳими шундаки, бундай бошқарув усулида ҳокимиятни легитимлаштириш анъанавий ёки харизматик усулда амалга оширилади, бу эса ҳокимиятнинг фуқароларга нисбатан ҳаракатларида ўзбошимчаликни ниҳоят даражада оширади. Шуниси эътиборга молики, ҳатто ҳозирги замон сиёсий воқелигида легитимлаштиришнинг анъанавий усуллари қисман тиклаш ҳам ҳокимият муносабатларида деспотияга хос жиҳатлар: диний ва дунёвий ҳокимиятнинг қўшилиши; тенглик деб қабул қилинувчи ялпи қуллик; шафқатсиз қонун-қоидаларга асосан «тарбиялаш» технологиялари; кийим-кечакнинг тартибга солиниши; ниқоб, расм-русумлар ва савлат санъатининг пайдо бўлишига олиб келади. Буларнинг барчаси ортида шахсга нисбатан ҳеч қандай мажбуриятлар билан боғланмаган ҳокимият туради.

Антик даврда сиёсат ҳали диндан ажратилмаганига ва антик полис анъанавий жамият қирраларини сақлаб қолганига қарамай, хусусий мулкдорликнинг мавжудлиги, рақобатли муҳит ва ўз мавқеини аниқлаб олишга интилиш халқ ва ҳокимият муносабатларининг қадриятлар билан боғлиқ ўзига хос нормалари шаклланишига олиб келди. Полиснинг асосий ижтимоий-маданий қоидаларининг моҳияти қадриятлар билан боғлиқ уч асосий меъёрда намоён бўлди: «исегория» — сўз эркинлиги (фикр билдириш ҳуқуқи); «исотомия» — фуқароларнинг иштирок этиш ҳуқуқи (лавозимларни эгаллашда эркинлик); «исономия» — фуқаровий тенглик (қонун олдида тенглик).

Тўғри, антик «демократия»ни идеаллаштириш ярамайди, чунки бу нормалар шаҳар-давлатлар аҳолисининг катта қисмига (хотин-қизлар, қуллар, ажнабийларга) татбиқ этилмаган. Бунинг устига, полис тузилмалари инқирозга учраганида (бу тез-тез содир бўлиб турган) ҳокимият анъанавий деспотиянинг кўпгина жиҳатларини ўзига сингдирган. Шунга қарамай, полисда кишилик тараққиёти тарихида илк бор ҳокимият муносабатлари «мусохаба» шаклини касб этди. Табаалар давлат тузилишининг хусусиятини белгилаш ваколатига эга бўлган фуқароларга айландилар.

Полиснинг тўла ҳуқуқли аъзолари иштирокида яратиладиган қонунлари ижтимоий яхлитликни сақлаб қолишгагина қаратилган бўлмай, уларнинг хилма-хил манфаатларини ҳам қисман эътиборга олади. Жамиятда тотувликка фақат тўғридан-тўғри зўравонлик йўли билан эмас, умумий ва хусусий манфаатларнинг уйғунлигига эришиш мумкинлигига нисбатан ишонч билан боғлиқ бўлган ихтиёрий ҳамкорлик негизида ҳам эришиш мумкин. Сиёсат полисда яшаш санъати сифатида идрок этила бошланади, бу эса «ҳам ҳукм суриш, ҳам бўйсунтиш»нинг уйғунлигини талаб этади. Қадимги грек файласуфи Аристотелнинг

фикрича, бу ҳол фуқаролар фақат ўз табиий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга интилиб қолмай, балки олий мақсад — фаровонликка эришишни кўзлаган тақдирда мумкин бўлади.

Фақат асрлар ўтиб сиёсий воқеликка айланувчи ҳамда «расмий легитимлик» ва «ҳуқуқий давлат» номини олувчи қадриятларнинг илк кўринишлари антик даврдан пайдо бўлди. Шуниси эътиборга молики, антик маданият рамзлари «ижтимоий битим» ва «инсоннинг табиий ҳуқуқлари» гоёларини сиёсий амалиётга татбиқ этишга интилган буржуа инқилоблари даврига ҳамоҳанг бўлиб чиқди.

Давлатни «жонлаштириш»га бўлган яна бир уриниш *ўрта асрлар* цивилизацияси даврида Европада амалга оширилди. Антик цивилизация инқирозга учраганидан сўнг полис генотипи йўқолмади ва XII асрдаёқ Ғарбий Европа жамиятининг икки «сегменти»да жонланди. Феодаallarнинг аристократик қатламида ўз шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини маънавий-ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашга бўлган интилиш кучайди, шаҳар жамоаларида эса феодал ҳукмдорларнинг ўзбошимчалигини қонуний воситалар билан чеклашга интилиш пайдо бўлди. Ҳали фуқаролик жорий этилмаган, фақат табақаларгина мавжудлигига қарамай, фуқаровий назорат куртаклари шаклланаётган табақаларнинг ҳуқуқлари тизимида ўз аксини топди. Шаҳар жамияти ўта табақалашган ва айни вақтда бир-бири билан узвий боғлиқ эдики, бу ҳокимият муносабатларининг янада мукамал тизимига эҳтиёж туғдирди. Турли табақалар ўртасидаги муносабатларни мувозанатга келтириш йўллари излашга бурчли ҳисобланган шаҳар ўзини ўзи бошқаруви вужудга келди. Ишларни судда кўриш ва «адолатли қонун»ни яратиш тобора катта аҳамият касб этиб борди. (Шу ўринда «сиёсат» категорияси давлатчилик билан боғлиқ бўлган қадимги грек тушунчаларига асосланишини қайд этиб ўтиш лозим, булар: «полис» — шаҳар-давлат, «политес» — фуқаро, «политикос» — давлат арбоби, «политейя» — конституция).

«Полис» генотипининг сақланишига католик черковининг антик фалсафа ва Рим ҳуқуқи элементларини ўз ичига олган дунёни тушуниш билан боғлиқ кўрсатмалари ҳам катта ёрдам берди. Черков фақат бирлаштирувчи маънавий куч сифатидагина эмас, балки дунёвий ҳокимиятга нисбатан анча эркин бўлган алоҳида оммавий ҳокимият сифатида ҳам фаолият кўрсатди. Ғарбий Европанинг ижтимоий зиддиятларга тўла феодал тузуми черков ва давлатлар, папа ва қироллар, қироллар ва шаҳарлар ўртасида ҳамжиҳатликни излашга кўмак берди, бу эса пировардида ҳуқуқларни ўзаро мувозанатлаштиришнинг шартномавий тизими қарор топиши томон олиб борди.

Янги давр сиёсий маданиятининг шаклланиши. Полис тараққиётининг қадрият-нормаларини ўрта асрлар қадрият-нормалари билан боғлашга уриниш Ренессанс (Уйғониш) даври маданиятида яққол кўзга ташланади. Бу жараёнга Реформация киритган «тузатишлар» ҳокимият-

ни легитимлаштиришнинг янги усулларига ўтиш ва Янги давр сиёсий маданиятининг қадриятлар билан боғлиқ нормалари расмийлаштирилишини узил-кесил тайёрлади.

Ренессанс даврида, тугаб бораётган ўрта асрлар шаҳар цивилизацияси рагнақ топган даврда инсоннинг янги идеали: дунёвий муҳаббатга, тириклигида шон-шуҳрат топиш ва бойликка эришишга интилувчи мустақил инсон сиймоси шаклланди. Сиёсат одамларни бошқариш санъати деган антик тасаввурлар қайта тикланди. Ҳар бир эркин инсон давлат тақдири учун, давлат эса — жамият рагнақини таъминлаш учун масъул бўлган Рим республикаси мазкур даврда яшаган кўпгина мутафаккирларнинг сиёсий идеалига айланди.

Реформация — XVI асрнинг охирида содир бўлган диний инқилоб ҳокимиятни бошқаришнинг янада мукамал шакллари вужудга келишига ва оммавий ҳокимиятнинг легитимлашишига кўмаклашди. Реформация давлатга нисбатан эркинлик даражаси юқори, бинобарин, уни назорат қилишга қодир бўлган фуқаролик жамиятининг шаклланишига катта таъсир кўрсатди. Бунинг негизида шахснинг диний-ахлоқий интилишларини ҳам, унинг кундалик манфаатларини ҳам эътиборга олувчи диний-ҳуқуқий тартиб вужудга кела бошлади. Вақт ўтиши билан фуқаролар назоратига қатъий таянувчи ўзини ўзи мажбур эта олиш қобилиятининг ривожланиши пировардида давлат зўравонлигининг энг шафқатсиз шакллари сиёсий амалиётдан чиқариш имконини берди.

Кўпгина сиёсатшунос олимлар Швейцария, Голландия, АҚШ ва бошқа бир қатор мамлакатларда вужудга келган сиёсий тизимларнинг либерал (лотинча *liberalis* — эркин) хусусиятини айнан протестантлик ижтимоий-маданий мероси билан боғлайдилар. Бу билан Реформация Уйғониш даврининг дунёвий индивидуализмини гуноҳ деб қоралаб, қатъий ҳолатда — инсонни ташқи ҳукмронликлардан озод этиш, унга Муқаддас Китоб сўзига кулоқ тутган ҳолда турмуш тарзини ўз ихтиёрига кўра танлаш ҳуқуқини беради.

Уйғониш ва Реформация даврининг сиёсий стихиясидан сўнг келган Янги даврда сиёсат янги мезонлар касб этди. Айнан шу даврда давлатчилик сиёсат, яъни ўз ижтимоий ҳаётини ўзининг манфаатларига мувофиқ тузувчи жуда кўп одамларнинг қобилиятларини рўёбга чиқариш соҳаси деб тушунила бошланди. Ҳокимият оммавий хусусият касб эта бошлади, одамлар эса табаалардан фуқароларга айланди. Р. Гвардини қайд этиб ўтганидек, «сиёсий фаолият ўз нормаларини фақат ўзида ифодаловчи соҳа сифатида намоён бўла бошлади»¹. Асосан Реформация галаба қозонган минтақаларда биринчи республикалар (лотинча *respublica* — умумий иш) вужудга келди.

¹ Қаранг: Гвардини Р. Конец нового времени. Феномен человека: Антология. — М., 1993. — С. 254.

Сиёсий муносабатлар тобора «шаффоф» тус олиб, бошқа муносабатлардан ажрала бошлади. Бозор муносабатларининг ривожланиши, черков ва давлат функцияларининг ажратилиши, дунёқарашнинг юксалиши нафақат хўжалик соҳасининг, балки сиёсатнинг ҳам узил-кесил расмий тус олишига олиб келди. Давлат машинасининг мустаҳкамланиши ва такомиллашиши билан бир вақтда «иқтисодий одам»нинг оммавий ҳокимиятда қатнашишга даъвогарлиги билан боғлиқ янги сиёсий институтлар вужудга келди. Сиёсат хилма-хил гуруҳларнинг ҳокимият учун кураши соҳасига айлана бошлади. Сиёсий жараённинг ўзи объектив қонунларга кўра ёки бозорда товар айирбошлаш назарияси руҳида ишловчи механизм атамаларида таърифланиб, сиёсий лидерлар ва фаолларга сиёсий капитал сотувчилари ва харидорлари деб қарала бошланди. Сиёсат одамига асосан ўзининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини кўзловчи ва уларни имкон қадар кўпроқ қондириш мақсадида ҳокимият учун кураш олиб борувчи «ақлли», «омилкор», «худбин» одам деб қаралади. Бундай сиёсат «механизмлари» гуруҳларнинг ўзаро мос келмайдиган манфаатларини мақбул тарзда бирлаштириши лозим. Гуруҳлар манфаатларининг тўқнашуви зўравонлиқнинг кучайишига олиб келмаслиги учун ижтимоий рақобат маълум қоидаларга бўйсунishi зарур, мазкур қоидаларни «бузувчилар»га нисбатан эса давлат зўравонлик қўллашга ҳақлидир. Шу аснода зўравонлик нисбатан маданий шакл касб этиб борди.

Сиёсий ҳокимият ва жамиятнинг ўзаро муносабатлари хусусияти ҳақидаги тасаввурлар аста-секин ўзгариб борди. Бу инсоннинг «табиий ҳуқуқлари», «ижтимоий шартнома», «халқ суверенитети» гоёларининг тарқалишида намоён бўлди. Мазкур кўрсатмалар нуқтаи назардан давлат илоҳий эмас, балки инсоний тузилма бўлиб, одамлар табиий ҳуқуқларга, мулкдорлик ҳуқуқи, яшаш ҳуқуқи ва уюшмаларга бирлашиш эркинлигига эга бўла оладилар. Ўз ажралмас ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун одамлар ижтимоий шартнома тузадилар, давлат ташкил этадилар ҳамда мазкур давлатга қонунлар қабул қилиш, тартибни сақлаш, адлияни таъминлаш, давлатлараро муносабатларни ривожлантириш ваколатларини берадилар. Биринчи республикалар (АҚШ, Франция)нинг сиёсий ҳужжатларида халқ ҳокимият манбаи деб эълон қилинган ҳамда унга хавфсизлик ва бахт ҳақидаги ўз тасаввурларига мувофиқ давлат тузумини ўзгартириш ҳуқуқи берилган.

Ушбу давр сиёсий жараёнларининг иштирокчилари қуйидаги саволларга изтироб ила жавоб излар эдилар: шахснинг ўз ҳаётини ўзи белгилашга интилишини сиёсий мақсадга мувофиқлик ва ахлоқий идеаллар билан қандай мувофиқлаштириш мумкин? Анъаналар заволи кўрган вазиятда ҳокимиятнинг легитимлигини қандай таъминлаш мумкин? Бун-

дай шароитда сиёсий қадрият-нормаларнинг асосий мазмунини нима ташкил этади?

Хилма-хил ижтимоий манфаатларни келиштиришнинг универсал механизми сифатида тақиқлашдан кўра кўпроқ тавсия ва маслаҳат берувчи «позитив ҳуқуқ»ни қўллаш тобора жадаллашиб борди. Легитимлаштиришнинг анъанавий усуллари эса ўз шаклини ўзгартирди ҳамда қонун асосида мустаҳкамлаш ва ишга оид ваколатлиликнинг мажбурийлигига нисбатан ишончга таянувчи «расмий легитимлаштириш» усули пайдо бўлди. Бундай «ихтиёрийлик» жазо органларидан кўрқиб мотивларини истисно этмасди, албатта. Давлатнинг алоҳида миссиясига ишонч ҳам сақланиб қолиши мумкин, аммо ихтиёрий бўйсунушнинг етакчи мотивини бунда ижтимоий манфаатларнинг хилма-хиллигини эътиборга олувчи ҳуқуқ нормаларининг оқилона ва адолатлилиги ташкил этади¹. «Расмий легитимлик»нинг вужудга келиши сиёсий муносабатлардан «витализм»нинг кескин шакллари сикиб чиқариш ва уларга қадриятларнинг негизлари қисман кириб келиши учун шарт-шароит яратди.

Фан-техника инқилоби даврида сиёсатда одамларнинг иштироки даражаси ва аҳамияти кескин ортди. Сиёсат зарурат ва, шу билан бирга, ҳозирги замон одамнинг эҳтиёжидир, зотан сиёсат инсоннинг жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги хилма-хил фаолиятини кўрсатиб беради ва айни пайтда муайян тарзда уни чеклайди. Шунинг учун ҳам сиёсат ҳақида билимга эга бўлиш жамиятдаги ўзининг ўрни ва аҳамиятини тушунишни, ўз эҳтиёжларини бошқа одамлар билан бирга яхшироқ қондиришни, уларни давлат миқёсида рўёбга чиқаришнинг мақсад ва воситаларини танлашга таъсир кўрсатишни истаган ҳар бир одамнинг манфаатларига жавоб беради. Сиёсатни тушунмаслик ёки онгли равишда уни инкор этиш салбий оқибатларга олиб келади.

Жамиятда қарор топган сиёсий маданият тарихий ривожланиш жараёнида сиёсий тизимда етакчи мавқени эгаллаган ижтимоий, шу жумладан синфий манфаатларга мослашиб борди. Бошқа ижтимоий манфаатлар биринчи ўринга чиқиши натижасида ижтимоий ривожланишда устуворликларнинг ўзгариши билан етакчи сиёсий маданиятда ҳам маълум ўзгаришлар содир бўлди. Аммо бу тез ва ўз-ўзидан содир бўлмади, чунки айни ҳолда ўзгаришлар теран илдизга эга бўлган сиёсий стереотипларга таъсир этди.

Кўпгина ҳозирги замон ўзбек ва чет эл олимларининг фикрича, катта ижтимоий гуруҳлар — синфлар, ижтимоий қатламлар, халқлар, миллатлар ва шу қабила, шунингдек уларнинг ташкилотларини сиёсатнинг асосий *таъсир кўрсатувчи субъектлари* деб, қолган барча ижтимоий субъектларни эса, башарти улар ўз фаолиятида катта ижтимоий

¹ Қаранг: Вебер М. Избранные произведения. — М., 1990. — С. 647.

гуруҳларнинг манфаатлари ва қадриятларига таянса, сиёсатнинг муҳим омиллари деб ҳисоблаш лозим. Шунинг учун ҳам сиёсатга ҳокимиятни эгаллаш, сақлаш ва ундан фойдаланиш ўзагини ташкил этувчи ижтимоий ва ижтимоий-этниқ тузилмалар ўртасидаги муносабатлар билан боғлиқ бўлган фаолият соҳаси деб қараш лозим¹. Аммо уни фақат одамларнинг давлат ёки партиялар томонидан бошқарилиши масалаларига боғлаш ҳам тўғри бўлмайди. Сиёсат соҳаси ҳокимият муносабатлари, у ёки бу ижтимоий ҳуқ-атвор тарзини амалга ошириш билан боғлиқ барча нарсаларни ўз ичига олади. Немис социологиясининг ёрқин намоёнаси Макс Вебернинг таъбири билан айтганда, «сиёсат тушунчаси жуда кенг маънога эга бўлиб, мустақил бошқариш билан боғлиқ барча фаолият турларини қамраб олади. Банкларнинг валюта сиёсати, касаба уюшмасининг иш ташлашлар пайтидаги сиёсати, шаҳар ё қишлоқ жамоасининг мактаб сиёсати, корпорация раҳбарининг бошқариш сиёсати ва ҳатто ўз эрини бошқаришга ҳаракат қилувчи ақлли хотиннинг сиёсати ҳақида гапириш мумкин»².

Шунингдек, сиёсат майдонини таҳлилий модель кўринишида ифодалаш мумкин. Майдон марказини сиёсий ҳодисалар ва жараёнлар эгаллайди. Сиёсий жиҳатдан уюшган жамиятда уларнинг ривожланиши кўп жиҳатдан давлат органлари ҳамда бошқа сиёсий ташкилот ва тузилмаларнинг мавқеига боғлиқ. Улар ишлаб чиқадиган сиёсат жамиятга нисбатан маълум даражада мустақилдир. Аммо турли ижтимоий гуруҳлар манфаатларининг тимсоли сифатида у мазкур майдонда мавжуд асосий таъсирларнинг ўзига хос тенг таъсир этувчиси бўлиб хизмат қилади ва:

— одамларнинг сиёсий борлиқни ва, умуман, жамият ҳаётини уюштиришга, ҳамкорлик қилиш (ёки рақобатлашиш) ва алоқа қилишга бўлган эҳтиёжларини акс эттиради;

— катта ижтимоий гуруҳларнинг мафкуравий қадриятлари воситасида ёки уларнинг негизиде аниқланади;

— жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятлари, турли ижтимоий гуруҳларнинг иқтисодий манфаатларини акс эттиради;

— ижтимоий онг ва сиёсий маданиятнинг мазмуни ва ривожланиш даражаси билан белгиланади.

Шундай қилиб, **сиёсат ижтимоий гуруҳлар, шунингдек уларнинг иродаси ва манфаатларини ифода этувчи ташкилотлар ва индивидларнинг сиёсий идеалларда ва дастурларда таърифланувчи, сиёсий нормалар ва муносабатлар билан қайд этилувчи эҳтиёжларини қондириш мақсадида ҳокимият учун ёки ҳокимиятни амалга ошириш учун кураши**

¹ Қаранг: Жалолов А. Мустақиллик масъулияти (сиёсий-фалсафий қирралар). — Т., 1996. — 133–140-б; Жумаев Р. 3. Политическая система Республики Узбекистан: становление и развитие. — Т., 1996. — 40–44-б; Мамадалиев Ш. О. Сиёсий ҳокимият ва манфаат. — Т., 1996. — 16–18, 26–27, 42–44-б.

² Қаранг: Вебер М. Избранные произведения. — М., 1990. — С. 129.

билан боғлиқ фаолиятдир. Ўз хусусиятига кўра сиёсий фаолият сиёсий муносабатлар ва институтларни, сиёсий қадриятлар ва мойилликларни, сиёсий алоқа шакллари тузиш ва қайта тузиш жараёни, яъни маълум ижтимоий-сиёсий кучларнинг жамиятни уюштириш ёки қайта тузиш борасидаги манфаатларини сиёсий ҳокимият ёрдамида таъминлаш жараёнидир.

Сиёсий муносабатларнинг принциплари, нормалари ва ташкилий механизмларини қайд этиш билан маданият жамиятнинг сиёсий ҳаётини тарихий ворисийлик негизида қайта ташкил этишни таъминлайди. Сиёсий маданият ва кенг маънодаги маданият мавжуд ижтимоий-сиёсий муносабатлар тизимидан ҳамда ижтимоий фаолият тузилишидан ўрин эгаллаб, мазкур муносабатлар билан бирга вужудга келади ва ривожланади.

II боб. «СИЁСИЙ МАДАНИЯТ»НИНГ МОҲИЯТИ ВА МАЗМУНИ

2.1. «Сиёсий маданият»ни таърифлаш муаммолари

Кенг маънода маданият одамларнинг нарса ва ҳодисалар муҳитида, маънавий тасаввурлари ва ҳулқ-атвор андозаларида зоҳир бўладиган фаолият моделларининг бутун мажмуини ўз ичига олади. Улар ичида энг муҳими ижтимоий-маданий моделдир, зотан жамият ижтимоий тизим сифатида бирдамликнинг алоҳида баҳолаш меъёрлари механизми орқали қайта тузилади. Сиёсий фаолият жамиятни бирлаштиришда асосий ўрин эгаллагани туфайли, сиёсий маданият ҳам жамиятни бирлаштириш механизмлари мажмуининг марказида туради.

Сиёсий маданият инсоният умумий маданиятининг сиёсат билан бевосита боғлиқ катта соҳасидир. У инсон сиёсий турмуши ҳамда жамият сиёсий ҳаётининг эришилган даражаси, сифати ва йўналишида, бинобарин, сиёсий жараёнлар, одамларнинг сиёсий фаолияти, сиёсий институтлар ва тузумларнинг фаолияти ва ривожланиши, етакчи сиёсий қадриятлар ва ҳулқ-атвор намуналари, назариялар ва мафкуралар, фуқароларнинг сиёсий ижтимоийлашиши ва ижтимоий муносабатларни модернизация қилиш алоқалари тизимининг хусусиятида ўз ифодасини топади. «Инсон маънавий камолотининг энг муҳим кўриниши ва зарур шартларидан бири сиёсий маданиятнинг ўсиб боришидир. Сиёсий маданият... одамларнинг гоёвий-сиёсий етуклиги, назарий билимларни истиқболни ёрқин тасаввур этган ҳолда амалда қўллай билиш, кун тартибидаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва мафкуравий муаммоларни кенг миқёсда ҳал этиш маҳорати демакдир»¹.

Сиёсий маданиятга мос «сиёсий одам», сиёсатнинг инсон субстанцияси, жамият сиёсий ҳаётининг сифати сиёсий маданиятнинг натижаси ва мезонидир. Сиёсий маданият кенг маънода сиёсий муносабатлар субъектларининг сиёсий тажрибаси, сиёсий билимлари ва сезгилари даражаси, фаолият ва ҳулқ-атвор намуналари мажмуининг кўрсаткичи, мамлакат, синф, миллат, ижтимоий гуруҳ ва индивидлар турмуш тарзининг умумий таърифи бўлиб хизмат қилади. У ижтимоий табақалар ва алоҳида одамларнинг сиёсат соҳасидаги тарихий тажрибаси ва тари-

¹ Туленов Ж. Миллий қадриятлар — жамиятимиз маънавий покланишнинг замини // Мустақиллик ва ижтимоий тараққиёт. — Т., 1998. — 128—129-б.

хий хотирасини, сиёсий хулқ-атворга таъсир этувчи кўникмалари ва мойилликларини ифода этади. Мазкур тажрибада ташқи ва ички муносабатлар соҳасидаги тасаввурлар ҳамда устуворликлар умумлаштирилган, қайта тузилган кўринишда намоён бўлади.

Сиёсий маданият ўз келиб чиқишига кўра сиёсий муносабатларнинг вужудга келиши билан бевосита боғлиқ. Қадимги Римда доим қатъий ўзини ўзи чеклаш ва жанговар жасорат билан суғорилган шонли ўтмиш идеалларига мурожаат этилган ҳамда мазкур хислатлар барпо этилган давлатнинг буюклиги ва муваффақиятининг энг муҳим шarti ҳисобланиши назарда тутилган. Бу атама дастлаб XVIII асрда фалсафа ва бошқа ижтимоий фанлар доирасида қўллана бошланди.

«Сиёсий маданият» тушунчаси сиёсий ва ижтимоий фанларнинг тушунчалари қаторига нисбатан яқинда киритилди. Сиёсатшуносликка доир адабиётда сиёсий маданиятнинг ўнлаб таърифлари мавжудки, бу мазкур ҳодисани ягона тушуниш ва уни ўрганишга нисбатан умумий эътироф этилган ёндашув мавжуд эмаслигини кўрсатади. Олимлар сиёсий маданиятнинг туб аҳамиятга эга бўлган бир неча концепцияларини ажратганлар. Сиёсий маданиятнинг институтлашиш жараёнида, юқорида таъкидлаганимиздек, америкалик сиёсатшунослар Габриэль Альмонд ва С. Вербанинг 50-йиллар охири — 60-йиллар бошида эълон қилинган ҳамда маданият ва сиёсат соҳалари кесишадиган нуқтадаги ижтимоий ҳодисаларни ўрганишга бағишланган асарлари муҳим ўрин тутди¹. Бу муаллифлар «сиёсий маданият» тушунчасининг ўзи сиёсий тизим ва унинг турли қисмларига ҳамда мазкур тизимдаги ўрнига доир ўзига хос сиёсий қоидаларга ишора қилишига урғу берганлар. Бошқача айтганда, сиёсий маданият аҳолининг билимлари, сезгилари ва баҳолашларида ўз аксини топган сиёсий тизимдир². Мазкур муаллифларнинг фикрича, сиёсий маданият онг соҳаси билан чекланади. Бундай тушуниш умумий маданият талқинидан келиб чиқади.

Сиёсий маданиятни бундай тушунишнинг танқид қилиниши натижасида унга психологик элементларгина эмас, сиёсий хулқ-атвор элементлари ҳам киритилди. Америкалик олим Д. Пол сиёсий маданиятни «жамият сиёсати негизида ётган қадриятлар, рамзлар ҳамда кўрсатма ва хулқ-атвор намуналарининг конфигурацияси» деб таърифлади.

Хўш, нима учун айнан XX асрнинг 50—60-йилларида ушбу ҳодисага эътибор кучайди? Гап шундаки, бу даврда мустамлакачилик зулмидан қутулган мамлакатлар АҚШ сиёсий институтларидан андоза олишга интилдилар, аммо уларнинг бу уриниши муваффақиятсиз тугади. Бунинг сабабларини аниқлашга уринган америкалик сиёсатшунослар

¹ Қаранг: *Almond G. Comparative Political Systems // The Journal of Politics. Vol. 18. — № 3. — 1956; Almond G., Verba S. The Civil Culture: Political Attitudes and Democracy in Five Countries. — Princeton, 1963.*

² Интернет материали: <http://vwww.politstudies.ru/archive/authors/l2.htm>.

«сиёсий маданият» концепциясини таърифлаб бердилар. Сиёсатшунос-ликнинг мазкур йўналишини назарий жиҳатдан ривожлантиришга Г. Альмонд, С. Верба, Л. Пай, Д. Элазар ва У. Розенбаум катта ҳисса қўшдилар. Аммо жамиятнинг ижтимоий тузилиши ва маданият ўртасидаги алоқаларнинг хусусиятини, сиёсий жараённинг ривожланишига турли халқлар ва миллатлар анъаналари ва урф-одатларининг таъсир даражасини, сиёсатда психологик омилларнинг ўрнини ўрганиш узоқ тарихга эга. Ҳозирги кунда «сиёсий маданият» тушунчаси билан қамраб олинган нарсаларга ўтмишда кўпгина мутафаккирлар — Аристотель, Н. Макиавелли, Ш. Л. Монтескьё, А. де Токвиль, М. Вебер, Н. Я. Данилевский, Н. А. Бердяев ва бошқалар ҳам эътибор берганлар. Кенг фалсафий маънода қўлланивчи «сиёсий маданият» тушунчасига эса маданият ва сиёсатнинг ўзаро таъсири муаммоларини ўрганган немис маърифатпарвар файласуфи Иоган Гердер (1744—1803) асос солган.

Умумий нуқтаи назарга кўра, сиёсий маданият жамият умумий маданиятининг таркибий жиҳатларидан бири бўлиб, одамларнинг ўз манфаатларини рўёбга чиқариш учун курашда иштирок этиш, ҳокимиятга таъсир кўрсатиш ёки уни эгаллаш учун бошқа табақалар ва сиёсий кучлар билан тортишишга мойиллиги ва тайёрлигининг ифодаси ҳисобланади¹.

Сиёсий маданиятга берилган классик таърифлардан бири шундай янграйди: «Сиёсий маданият умуман сиёсий тизимга, унинг таркибий қисмларига ва сиёсий иштирокчиларга нисбатан хилма-хил, аммо барқарор тарзда тақорланувчи қонуниятлар ва баҳоловчи мезон-мўлжаллардир».

Сиёсий маданиятнинг мазкур талқинида олимлар бир қатор нуқсонларни аниқладилар: биринчидан, бу ҳолда сиёсий институтларнинг функционал режаси аниқ кўзга ташланмайди; иккинчидан, унда сиёсатнинг мазкур томонининг ўта муҳим ҳисобланган хулқ-атвор жиҳати эътибордан четда қолади; учинчидан, сиёсий маданиятнинг баҳолаш-меъёрий тизим сифатидаги мустақил жиҳати алоҳида ажратиб кўрсатилмайди.

Аниқланган жиҳатларнинг кўпгина талқинларини умумлаштирган рус олими Э. Я. Баталов ўз таърифини таклиф қилади. Соддалаштирилган кўринишда у шундай ифодаланади: сиёсий маданият — бу индивидлар ва гуруҳларнинг онги, хулқ-атвор моделларининг тарихан шаклланиб келган андозалари, шунингдек сиёсий жараён субъектларининг бевосита фаолиятида намоён бўлувчи сиёсий институтларнинг фаолият кўрсатиш моделлари тизими демакдир².

Ҳар бир жамиятда кечадиган сиёсий жараённинг типик жиҳатлари айнан сиёсий маданият доирасида намоён бўлади, зеро, турли тарихий алғов-далғовларга қарамасдан алоҳида халқлар сиёсий ҳаётининг мазмун-ўзаги сақланиб қолади.

¹ Қаранг: *Рябов С. Г. Политологична теория держави. — Киев, 1996. — С. 206.*

² Қаранг: *Баталов Э. Я. Политическая культура // Общая и прикладная политология / Под общ. ред. В. И. Жукова, Б. И. Краснова. — М., 1997. — С. 697.*

Сиёсий маданият инсоннинг маънавий табиати ва ривожланиш даражасидан ажралмасдир. У сиёсий институтларнинг шаклланиши, фаолият кўрсатиши ва такомиллаштишига катта таъсир кўрсатувчи, умуман сиёсий жараёнга, сиёсий фаолиятга ва кенг аҳоли оммасининг хулқ-атвориға йўналиш берувчи ижтимоий онг элементлари ва ҳодисаларининг мажмуидир.

Сиёсий маданиятга берилган таърифларни икки асосий туркумга ажратиш мумкин. Биринчи туркумга сиёсий маданиятни индивидларнинг сиёсий йўналиши, мойилликлари ва хулқ-атворлари мажмуи билан боғловчи мазкур тушунчанинг нисбатан тор талқинлари, иккинчи туркумга эса сиёсий маданиятни сиёсат билан боғлиқ умумий маданиятнинг муҳим қисми деб таърифловчи кенг талқинлар киради. Бизнингча, бу иккала ёндашув бир-бирини истисно этмайди. Муҳими, сиёсий маданиятнинг қадриятлар билан боғлиқ элементлари ва йўналиши, жамиятнинг сиёсий генезисига сиёсий маданиятнинг таъсир кўрсатиш хусусиятлари назардан қочирилмаса, бас. Бир томондан, сиёсий фаолият ва сиёсий муносабатлар маданияти, иккинчи томондан эса — «маданий» сиёсат сифатида намоён бўлувчи бу ҳодисада маданият ва сиёсат узвийлашади ҳамда бир-бирини бойитади, деб айтиш мумкин.

Сиёсий маданият сиёсий фаолият билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, уни амалга оширишнинг муайян йўналишини, «технологияси»ни белгилаб беради. У индивидлар ва сиёсий гуруҳларнинг сиёсий онги билан ўзаро таъсир алоқаларида бўлади. Шунинг учун ҳам сиёсий маданиятга фақат сиёсат субъектларининг айрим билимлари ва қадриятлари, тажрибаси, анъаналари ва фаоллик даражасининг мажмуи деб қарамаслик керак. Сиёсий маданият, шунингдек, одамларнинг муайян сиёсий манфаатларини рўёбга чиқариш жараёни, усули ҳамдир.

Сиёсий маданият уч асосий шаклда намоён бўлади: а) сиёсий тажриба, анъаналар, қадриятлар, ориентациялар ва кўрсатмаларни, сиёсий сезги ва ҳиссиётларни ифодалаш ҳамда сиёсий фикрлаш усуллариини ўз ичига олувчи *маънавий (маънавий-амалий)* фаолиятда; б) сиёсий институтларни ташкил этишнинг маълум усуллари ва намуналарини, илмий тафаккур ютуқларини моддийлаштирувчи сиёсий фаолият усуллариини қамраб олувчи *предметли* фаолиятда; в) сиёсий фаолият усуллари, услуги ва воситаларини, сиёсий жараён хусусиятини белгилувчи *функционал* фаолиятда. Бу фаолият шакллари бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, одамлар сиёсий эркинлигининг муайян-тарихий даражасини ифодалайди. Ҳокимият принциплари қанча халқчил, сиёсий ҳокимиятни назорат қилиш усуллари қанча хилма-хил, самарали ва ҳаётга мослашувчан бўлса, сиёсий маданият даражаси шунча юқори бўлади. Бинобарин, сиёсий маданиятда сиёсий фаолият жараёнида юзага келувчи, сиёсий ҳукмронлик ва сиёсий иштирок этиш жараёнини ўзаро боғловчи ҳамда маълум манфаатларга хизмат қилувчи сиёсий онг наму-

налари, шакллари ва қадриятлари ўз аксини топади. Улар сиёсий тизим, ижтимоий гуруҳ ёки индивид учун сиёсий эркинликни ифодалаш ва рўёбга чиқаришнинг типик усуллари ҳисобланади.

Сиёсий маданият алоҳида ҳодиса эмас, балки умумбашарий жамият маданиятининг таркибий қисмларидан биридир. У жамиятнинг бошқа кичик тизимлари — иқтисодий, диний, ҳуқуқий, ташкилий, бошқарув ва бошқа тизимлари билан ўзаро алоқадор. У жамият, ундаги ижтимоий гуруҳлар ва индивидларнинг урф-одатлар ва қонунларда қайд этилган сиёсий тажрибасини, уларнинг ҳокимият ва сиёсий муносабатлар ҳақидаги тасаввурларини, ижтимоий ҳодисаларга тўғри баҳо бериш ва муайян сиёсий фаолиятда ифодаланган мавқеини эгаллаш қобилиятини ўз ичига олади. Шунинг учун ҳам сиёсий маданият умуман жамиятнинг сиёсий ҳаётига, ҳокимият ва бошқарув муаммолари ҳамда сиёсатда иштирок этиш билан боғлиқ жамики нарсаларга, шунингдек сиёсат ва ҳуқуқ, сиёсат ва иқтисод, сиёсат ва маънавиятга таъсир кўрсатади. Бу сиёсий маданиятга фақат маънавий ҳаётнинг элементларидан бири деб эмас, балки жамият сиёсий тизимининг муҳим қисми деб қараш имконини беради. Ушбу ҳолат бизнинг сиёсат ҳақидаги тасаввурларимизни анча кенгайтиради, жамиятнинг сиёсий ташкилоти ҳамда ҳокимият тузилмаларининг таҳлилини ижтимоий-сиёсий ривожланишнинг инсоний мезонларини ўрганиш йўли билан тўлдириш имконини беради.

Профессор Р. Ф. Матвеев тўғри таъкидлаганидек, «сиёсий маданият тушунчаси сиёсий система тўғрисидаги назарияга қўшилган муҳим янгиликдир. Чунки сиёсий маданият сиёсий системанинг бевосита ҳосиласи бўлиб, кўпинча мазкур система доирасидан ташқарига чиқувчи сиёсий ҳаракатларни белгилайди»¹.

Сиёсий маданият инсоннинг сиёсий институт ва қадриятларда қайд этилган ижодий фаолиятининг тавсифи ва инъикосидир. Бу маънода сиёсий маданият фақат натижа эмас, балки яратиш ҳамда ушбу жамиятга хос барча сиёсий қадриятлар ва йўналишларни ўзлаштиришнинг ягона, ўзгарувчан жараёни ҳамдир. Бундай ёндашув сиёсий маданиятнинг предметли фаолият соҳасига сиёсий фаолият воситалари, усуллари, механизмлари ва натижаларини ҳамда жамиятда юзага келувчи сиёсий муносабатлар хусусиятини киритиш имконини беради.

Сиёсий маданиятга шахс фаолияти билан боғлиқ жиҳатларни киритиш муайян фаолиятни маданият билан айнан бир деб ҳисоблаш учун асос бермайди, балки фақат инсоннинг сиёсат соҳасидаги фаолиятининг сифат жиҳатини, унинг фикрлаш усули ва хулқ-атворини таърифлайди. Бунга Г. Альмонд ва С. Верба ҳам эътибор берадилар. Уларнинг фикрича, сиёсий маданият мазкур тизим иштирокчиларининг индивидуал қарашлари ва ориентациялари мажмуи, сиёсий ҳаракатлар

¹ Қаранг: Матвеев Р. Ф. Теоретическая и практическая политология. — М., 1993. — С. 41.

негизда ётувчи ва уларга маъно бахш ётувчи субъектив соҳадир. «Сиёсий маданият» деганда, ўзига хос сиёсий йўналишларга — сиёсий тизимга ва унинг турли қисмларига ҳамда мазкур тизимдаги ўрнига доир қарашларга ишора қилинади... жамиятнинг сиёсий маданияти ҳодисасида аҳолининг билимлари, сезгилари ва баҳолашларида ўз аксини топган сиёсий тизим назарда тутилади»¹.

Сиёсий маданият таърифларининг хилма-хилиги бир неча омилларга, жумладан, уни ўрганишга нисбатан ёндашувларнинг хилма-хиллигига (улар кўпинча ҳукмрон илмий парадигма ва ғоявий ақидалар билан белгиланади), тадқиқот қайси фан доирасида ўтказилганига, мамлакатга (тўғрироғи, унда ҳукмрон сиёсий тузумга) ва, ниҳоят, тадқиқот ўтказилган даврга (замонга) ҳам боғлиқдир.

Уларнинг бир нечасини келтирамиз:

«Сиёсий маданият» атамасига илк таърифни мазкур атама муаллифи Г. Альмонд 1956 йилда ўзининг «қиёсий сиёсий тизимлар» мақола-сида берган: «Сиёсий маданият — бу сиёсий тизимларни ҳам ўз ичига олувчи сиёсат объектларига нисбатан йўналтирилганликнинг ўзига хос намунаси»².

Сиёсий маданиятга собиқ Иттифоқ олимлари ҳам ўз даврига хос таъриф берганлар: «Сиёсий маданият — турли ижтимоий табақалар, миллатлар ва халқларнинг туб манфаатларини, шунингдек фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий институтлар, нормаларни мустаҳкамлаш, қайта тузиш ва ривожлантиришга йўналтирилган маънавий-амалий фаолиятининг хусусияти, усулини акс эттирувчи сиёсий қарашлар, билимлар ва эътиқодлар мажмуидир»³. Ўтмиш совет даврида сиёсий маданият расмий нормалар мажмуи билан боғланганини ҳам қайд этиб ўтиш лозим.

Социологлар ва сиёсатшунослар нуқтаи назаридан, сиёсий маданият «жамият маданиятининг ўзига хос таркибий қисми бўлиб, одамлар, уларнинг гуруҳлари ва бирлашмаларининг сиёсий ҳаёт соҳасидаги тасаввурлари, қадриятлари ва нормаларини қамраб олади ҳамда сиёсий жараён субъектларининг хулқ-атвор моделлари, намуналарини ва уларнинг турмуш тарзини белгилайди»⁴.

Академик В. Бабосовнинг фикрича, сиёсий маданият — бу ижтимоий субъект (шахс, синф)нинг сиёсий билимлари, қадриятлари, ориентациялари, хулқ-атвор намуналарини маълум тарихий фаолиятда рўёбга чиқариш демакдир. У жамиятнинг урф-одатлари ва қонунларда мус-

таҳкамланган сиёсий тажрибасини, ҳокимиятнинг бир томонда ҳаракат қилиш учун мос позицияни эгаллаш ҳақидаги тасаввурлари даражасини ўз ичига олади.

Сиёсий маданиятнинг моҳияти — сиёсий муносабат иштирокчиларида ижобий хислатларни тарбиялаш ва фаол ҳаракатлар қилиш малакасини шакллантиришдан иборат. Сиёсатда ҳар бир фаол — политикос, пассив эса — идиотикосдир.

Психология нуқтаи назаридан қараганда, сиёсий маданият «сиёсий тизим фаолиятидаги руҳий шарт-шароитлар (кайфиятлар, фикрлар, урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар ва бошқалар) мажмуидир»¹.

Кўриб турганимиздек, келтирилган таърифларнинг ҳаммаси турли асосларга кўра берилган ва сиёсий маданият ҳодисасининг турфа жиҳатларини акс эттиради. Инглиз олими Д. Каванах фандаги мавжуд сиёсий маданият концепцияларини қуйидагича тизимга солишга уриниб кўрди:

— биринчи туркумга у сиёсий маданиятнинг инсонни сиёсат объектларига (сиёсий онг соҳасига) йўналтирувчи *руҳий талқинларини* киритди;

— иккинчи туркумга руҳий қарашлардан ташқари фуқароларнинг сиёсий хулқ-атвори шакллари *ўз ичига олувчи кенг қамровли талқинлар* киритилди;

— учинчи туркумга субъектлар ва ижтимоий гуруҳларнинг нормалари ва хулқ-атвор намуналарини таҳлил ётувчи *ёндашувлар* киритилди. Ушбу концепцияларда ўз аксини топган сиёсий маданият жиҳатларининг ҳар хиллиги сиёсий маданият серқирра ҳодиса эканлигидан далолат беради. Сиёсий тизимга йўналтирилган асосий қарашлар, эътиқодлар, ориентациялар ва рамзлар ушбу тушунчани тўлақонли тавсифловчи энг муҳим даражалар ҳисобланади.

Биз ўз олдимизга уларни туркумлаш вазифасини қўймаганмиз. Аммо, чет эл ва айрим ўзбек олимларининг мазкур муаммони ўрганишга доир тажрибасини эътиборга олиб, сиёсий маданиятни таърифлашда «муайян ижтимоий фан предметининг хусусияти»² билан чекланамиз.

Сиёсий маданият ҳар қандай жамият сиёсий тизимининг муҳим элементи бўлиб, «хулқ-атвор намуналари, қадриятлар, ҳиссиётлар, қарашлар, турмуш тарзи орқали сиёсий институтлар ва жараёнларни бир-бири билан боғловчи сиёсатнинг «инсоний мезони»ни акс эттиради»³. Бу таъриф маъно жиҳатидан сиёсий маданиятни давлат, фуқаролик жамияти ва шахс ўзаро алоқасининг бир қисми деб тушунишга жуда мос келади.

¹ Almond G., Verba S. The Civil Culture: Political Attitudes and Democracy in Five Countries. — Princeton, 1963. — P. 14.

² Almond G. Comparative Political Systems // The Journal of Politics. Vol. 18. — 1956. — № 3.

³ Кейзеров М. Н. Политическая и правовая культура. Методологические проблемы. — М., 1983. — С. 14.

⁴ Словарь-справочник по социологии и политологии. — М., 1996. — С. 115.

¹ Шестопал Е. Б. Личность и политика. — М., 1988. — С. 83.

² Рукавишников В. О. Политическая культура постсоветской России // Социально-политический журнал (социально-гуманитарные знания). — 1998. — № 1. — С. 43.

³ Морозова Е. В. Современная политическая культура юга России // Полис. — 1998. — № 68. — С. 115.

Профессор Б. Тўйчиевнинг фикрича, сиёсий маданият ижтимоий онг ва умумий маданиятнинг сиёсий институтлар ҳамда сиёсий жараёнлар билан узвий боғлиқ бўлган қисми ва жиҳатларини қамраб олади. Сиёсий маданият таркибига сиёсий тизим доирасида намоён бўлувчи эътиқод ва фикр йўналишлари ҳам киради¹.

Биз мазкур йўналишга қуйидаги таъбирни айтишимиз мумкин. Сиёсий маданият сиёсий тизим субъектлари бўлмиш сиёсий партиялар, бирлашмалар, жамоалар давлат ҳокимиятини амалга оширишда иштироки чоғида, шунингдек сиёсий муносабатларни тартибга солиш борасида қўллайдиган (риоя этадиган) қадриятлар, сиёсий ғоялар, эътиқод ва рамзлар тизимидир. Сиёсий маданият муайян миллат ёки ижтимоий жамоанинг сиёсат олами, сиёсий жараёнлар амалга ошишининг қонунқоидалари хусусидаги тасаввурлари мажмуи ҳамдир².

Сиёсатшунос К. С. Ҳожиёвнинг фикрига кўра, сиёсий маданият — сиёсий ҳамжамият субъектларининг қўпчилиги томонидан эътироф этилган норматив қадриятлар тизимидир³.

Таъкидлаш жоизки, «сиёсий маданият» атамасини икки сабабга кўра қўллаймиз: биринчидан, сиёсий ва носиёсий қарашлар ва хулқ-атвор моделлари ўртасидаги муносабатни аниқламоқчи бўлсак, биз сиёсий қарашлар ва хулқ-атвор моделларини носиёсий қарашлар ва хулқ-атвор моделларидан ажратишимиз лозим. Бу ҳолда «сиёсий маданият» атамаси айнан сиёсий мўлжалларга — сиёсий тизим ва унинг турли қисмларига доир қарашларга ҳамда унинг мазкур тизимдаги ўз ўрнига доир қарашларига тегишли бўлади. Иқтисодий маданият ёки диний маданият ҳақида қандай гапирсак, сиёсий маданият ҳақида ҳам шундай гапиришимиз лозим.

Башарти *сиёсий маданият* бошқа ижтимоий ҳодисалар орасидан ажратиб алоҳида олинса, бу антропология, социология ва психологиянинг назарий тизими ва ёндашувларини кенг қўламда универсал қўллаш имконини беради. Масалан, антропология ва психологиянинг «ижтимоийлаштириш», «маданий зиддият», «маданий бирлашиш» сингари тушунчаларидан фойдаланиб, ўз тафаккуримизни бойитиб борамиз. Ижтимоий тузилиш ва жараёнларнинг умумий жиҳатларига тегишли бўлган назариянинг тузилишидан фойдаланганимизда ҳам сиёсий тизимнинг келиб чиқиши ва ривожланишини тушуниш борасидаги имкониятларимиз худди шундай тарзда ортиб боради.

«Маданият» ибораси турли маъноларда қўлланилишидан келиб чиқиб, сиёсат фанининг луғатига киритадиган бўлсак, у қулайликлар туғдириши

¹ Тўйчиев Б. Проблемы формирования политической культуры и демократизация современного общества. — Т., 1991. — С. 33–34.

² Батафсил маълумот учун қаранг: Одиқориев Х. Конституция ва фуқаролик жамияти. — Т., 2002. — 85-б.

³ Қаранг: Гаджиев К. С. Политическая наука. — М., 1995. — С. 338.

билан бирга, икки хил маъно касб этиб қолиши ҳам мумкин. Биз «маданият» иборасини фақат бир маънода: ижтимоий объектларга нисбатан психологик йўналиш маъносида қўллашимизни қайд этамиз. Бирон-бир жамиятнинг сиёсий маданияти ҳақида гапирганда, аҳолининг онгида, ҳиссиёт ва қарашларида ўзлашган сиёсий тизим назарда тутилади. Сиёсий маданиятлар ўртасидаги зиддиятлар маданиятга хос бошқа зиддиятларга кўп жиҳатдан ўхшаш; сиёсий маданиятга бирлашиш жараёнларига умуман маданий ўзгаришларнинг бирлаштирувчи ва ажратувчи тенденциялари нуқтаи назаридан қарасак, мазкур жараёнлар янада тушунарлироқ бўлади.

Шундай қилиб, сиёсий маданият жамият учун кўпроқ хос бўлган стереотиплар, сиёсий тасаввурлар, қарашлар, қадриятлар, анъаналар ва сиёсий хулқ-атвор рамзларининг мажмуи бўлиб, у:

- сиёсий тизимни барқарорлаштирувчи, маърифийлаштирувчи омил вазифасини бажаради;

- сиёсий анъаналар, урф-одатлар, ижтимоий ва тарихий тажрибанинг ворисийлигини таъминлайди.

Сиёсий маданиятнинг ўзига хос жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

- омманинг сиёсий онгини ва сиёсий хулқ-атворини белгилайди;

- жамият табиий-тарихий ривожланишининг, жамоавий сиёсий ижоднинг маҳсули ҳисобланади;

- маҳаллий хусусиятга эга бўлиб, тақрорланувчи барқарор алоқаларни, сиёсий жараённинг элементлари ўртасидаги муносабатларни қайд этади, сиёсий тажрибани мустаҳкамлайди.

2.2. Сиёсий маданиятнинг мазмуни ва моҳияти

Маданиятни ўзлаштириш жараёнида инсон, Гегель айтиб ўтганидек, «ўз субъективлигини енгади», бошқача айтганда, у билимлар ва қўникмаларнинг ҳозирги замон даражасидан баҳраманд бўлади, инсоният орттирган *ижтимоий тажрибани* эгаллайди. Маданият ёрдамида инсон ижтимоийлашади, ўтган авлодлар ва замондошларнинг ютуқларидан баҳраманд бўлади. Маданият инсониятнинг ижтимоий «ворисийлиги»дир. Ҳар бир авлоднинг меҳнати моддий ва маънавий маданият ёдгорликларида — бинолар, техникавий қурилмалар, машиналар, китоблар, мусиқа, тасвирий санъат, сиёсий ҳужжатлар, қонунлар ва бошқаларда ўз ифодасини топади. Улар ёрдамида у ёки бу давр маданиятининг бетақрор ёдгорликлари сақланиб қолади, қиёфаси тикланади ва келгуси авлодга мерос бўлиб ўтади.

Маданият ўтган авлодлар тажрибасини ўзида жамлайди ҳамда ҳар бир индивидга уни ўзлаштириш ва қўпайтиришда иштирок этиш имконини беради. Бундан ташқари, маданият ёрдамида замондошларнинг ижтимоий тажрибаси ўзлаштирилади, халқлар ўртасида ижтимоий кучлар айирбошланади.

«Маданият инсоннинг бой ва қўп томонлама ижтимоий алоқалари ва муносабатларида, унинг ўз ижтимоий ҳаётида ўзини ўзи яратиши демакдир»¹. Инсон бир вақтнинг ўзида маданиятнинг ҳам субъекти, ҳам объектидир: у маданиятни яратади, маданият эса инсонни шакллантиради. Маданият қарама-қаршиликлар кураши ва бирлигида ривожланади: инсон маданий (моддий ва маънавий) қадриятларни яратар экан, ўз ижтимоий салоҳиятини ишга солиб, ундан самара топади.

Маданият муаммоси ҳамиша одамларнинг ўзаро алоқалари муаммоси ҳамдир. Бу алоқалардан ташқарида маданий қадриятлар фақат маданий фаолиятнинг потенциал имкониятлари ҳисобланади. Улар фақат ижтимоий амалиётда ҳақиқий тус олади.

Маданият ҳар қандай ижтимоий фаолиятни мазкур фаолият индивидуал ишлаб чиқариш кучларини, қобилиятлар ва эҳтиёжларни, қисқаси, инсоннинг ижтимоий кучларини ривожлантириш учун берадиган имкониятлар нуқтаи назаридан таърифлайди. Маданият инсоннинг ижтимоий кучларини шакллантиради ва рўёбга чиқаради, маданиятда ўз аксини топган бу кучлар орқали шахснинг моҳиятига ҳам тарбиявий таъсир кўрсатиш мумкин.

Мазкур фикрлардан келиб чиқиб, маданиятни *инсоннинг хилма-хил ижтимоий фаолиятида унинг ижтимоий кучларини сайқаллаштириш, ривожлантириш ва рўёбга чиқаришининг муайян даражаси ва жараёни* деб тушуниш мумкин.

Маданият айтилиши билан бир вақтда ҳам ушбу кучларни ривожлантириш жараёни, ҳам унинг ҳосиласи, самарасидир. «Маданият ҳақида гап кетганида, фақат фаолият натижалари эмас, унинг хусусияти, инсоннинг маънавий имкониятларини ва воқелик билан барча муносабатларини, яъни назарий, иқтисодий, сиёсий, маънавий, эстетик муносабатларини ривожлантиришга маданият қай даражада ёрдам бериши ҳам назарда тутилади»², — деб қайд этади академик А. Г. Егоров.

Маданият — норматив тизим, жамият ҳар бир муайян шахсга қўядиган маълум талаблар мажмуидир. Маданиятни ўзлаштириш шахснинг яқка тартибдаги ижтимоий фаолиятини мана шу умумий нормалар даражасига қўтариш демакдир.

Маданият — ҳар бир миллатнинг, халқнинг ўзини ўзи англаши. Ҳар бир миллат, катта ё кичикми, маданиятга ўз ҳиссасини қўшади; жаҳон маданияти миллий маданиятлар йигиндиси сифатида майдонга чиқади. Миллий маданиятга қараб биз миллий психология ва миллий характернинг хусусиятлари ҳақида тасаввурга эга бўламиз ва хулоса

¹ Межуев В. М. Предмет теории культуры // Проблемы теории культуры. — М., 1977. — С. 67.

² Қаранг: Егоров А. Г. НТР, личность и художественная культура // Вестник Академии наук. — 1976. — № 2. — С. 141.

чиқарамиз. Қисқача айтганда, маданият жамиятда ўзаро боғлиқ бўлган бир қатор функцияларни бажаради.

Маданиятнинг барча таркибий қисмларини шартли равишда икки туркумга ажратиш мумкин: а) инсоннинг ўзига нисбатан ташқи дунёни ўзгартиришга йўналтирилган у ёки бу функционал фаолияти билан боғлиқ маданият турлари; б) «инсон олами»ни: унинг онги, қарашлари, диди, эътиқоди қабилаи бевосита ўзгартиришга йўналтирилган фаолият билан боғлиқ маданият турлари.

У ёки бу ижтимоий фаолият инсоннинг ижтимоий кучларини шакллантириш ва рўёбга чиқаришга қай даражада ёрдам бериши маданият учун муҳимдир. Биз шу маънода «ишлаб чиқариш маданияти», «бошқарув маданияти», «хизмат кўрсатиш маданияти», «савдо-сотиқ маданияти», «иқтисодий маданият» қабилаи ҳақида гапиримиз.

Инсон ижтимоий фаолиятининг ҳар бир тури маданий аҳамиятга эга. Масалан, моддий ишлаб чиқаришда меҳнат шахснинг ривожланишига қай даражада катта таъсир кўрсатса, мазкур меҳнатнинг маданий моҳияти шу даражада тўлиқ намоён бўлади, у шу даражада маданий фаолият сифатида эътироф этилади. Аммо моддий ишлаб чиқаришнинг асосий вазифаси ҳамиша инсоннинг яшаши учун зарур неъматлар ишлаб чиқаришдир. Инсоннинг атроф муҳитни ўзгартиришга йўналтирилган ҳар қандай фаолияти ҳақида шундай дейиш мумкин бўлиб, уни биз *функционал* фаолият деб атаимиз.

Бироқ инсоннинг ижтимоий фаолиятида бевосита ўзини, унинг маънавий дунёсини ва жисмоний баркамоллигини шакллантиришга йўналтирилган бир қатор фаолият турлари ҳам бор. Бунда инсон мазкур фаолиятнинг ҳам субъекти, ҳам бевосита объекти сифатида иштирок этади. Педагогик, бадий, тиббий фаолият, жисмоний тарбия фаолияти шулар жумласидандир. Биз мазкур фаолият турларини таснифимизнинг иккинчи туркумига киритдик.

Ҳўш, сиёсий маданиятни қайси туркумга киритиш мумкин?

Сиёсий маданият — *сиёсий фаолият* маданияти. Ушбу фаолиятнинг асосий мақсади — ижтимоий-сиёсий муносабатларни, бинобарин, бутун жамиятни ўзгартириш. Сиёсий маданият, ҳар қандай функционал фаолият маданияти сингари, мана шу мақсадга бўйсунди ва унга эришиш *воситаси* бўлиб хизмат қилади. Аммо ижтимоий-сиёсий муносабатларни ўзгартириш жараёнида одамлар ўзлари ҳам ўзгариб борадилар.

Сиёсий маданият икки ижтимоий тизим — сиёсат ва маданиятнинг бирикувидан ҳосил бўлувчи ҳодисадир. У жамият сиёсий тизимининг бир қисми бўлиб:

1) жамият, синф, алоҳида шахслар сиёсий фаолиятнинг барча элементларини қай даражада ўзлаштирганини, уларнинг сиёсий билимлари, ҳис-туйғулари, сиёсий тафаккури, қўникмалари қандайлигини

кўрсатади. Бошқача айтганда, сиёсий маданият сиёсий фаолият субъектининг умумлаштирилган, синтезлаштирилган таърифидир;

2) ўтган ва ҳозирги замон сиёсий кураши тажрибаси қай даражада ўзлаштирилгани, ҳозирги замон сиёсий фаолиятида бу тажриба қай даражада эътиборга олинаётгани ҳамда илгари йўл қўйилган хато ва камчиликлар такрорланмаслигини таъминлашини кўрсатади;

3) сиёсий фаолият ва унинг барча элементлари инсонни қай даражада ривожлантираётгани, унинг маънавий дунёсини бойитаётгани ҳамда фуқаро сифатида шаклланишига ёрдам бераётганини кўрсатади.

Сиёсий маданиятнинг ўзагини ҳамиша инсон, унинг шаклланиши ва камол топиши ташкил этади. Сиёсий маданият сиёсий онг билан узвий боғлиқ, аммо у билан айнан бир нарса эмас. Зеро у сиёсий онгнинг реал сиёсий фаолиятига хос хусусиятни очиб беради. У фақат инсоннинг фикрлари ва ҳис-туйғуларини эмас, реал ҳаракатлари ва қилмишларини ҳам тавсифлайди. Сиёсий тажриба, анъаналар, сиёсий билимлар ва сезгилар масаласига келсак, «улар сиёсий маданиятнинг таркибий қисмларидир»¹.

Жамиятда маданият сиёсатдан ташқарида мавжуд эмас. Бу маданиятнинг моҳиятидан келиб чиқади: унинг бош вазифаси — у ёки бу ижтимоий гуруҳ манфаатларига мос тарзда муайян шахсни шакллантиришдир. Жамиятда «соф» маданият бўлмаган ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Шунинг учун ҳам одамлар ижтимоий фаолиятининг ҳар бир тури у ёки бу даражада, бевосита ёки билвосита сиёсат билан боғлиқ ва сиёсий фаолият хусусиятларига эга. Шунинг учун ҳам мазкур фаолият маданияти (сиёсий маданият) ҳар бир маданият турида у ёки бу даражада «мавжуд», уларга «сингиб кетади».

Башарти, абстракт мушоҳада ёрдамида моддий ва маънавий маданиятнинг барча турларини қўндалангига кетма-кет жойлаштирадиган бўлсак, бу схемада сиёсий маданият «вертикал кесим» бўлиб намоён бўлади. У элемент сифатида маданиятнинг барча турларига киради, аммо улар таркибида йўқолиб кетмайди. Шу билан бир вақтда, сиёсий маданият умумий маданиятнинг алоҳида кичик тизими сифатида ҳам мавжуддир, зотан у одамлар ижтимоий фаолиятининг алоҳида тури — ижтимоий-сиёсий фаолиятни намоён этади.

Сиёсий маданият фақат моддий ёки маънавий маданиятга мансуб бўлиши мумкин эмас. Аммо бу ҳол сиёсий маданият уларнинг ўртасида деган маънони англатмайди. Сиёсий маданият уларнинг «вертикал кесими» бўлиб, уларни бир-бирига боғлайди. Маданиятнинг мустақил кичик тизими сифатида ҳам, унинг бошқа барча турларининг элементи сифатида ҳам сиёсий маданият муштарак бўлиб, *ижтимоий-сиёсий фаолиятда инсоннинг ижтимоий кучларини шакллантиради ва рўёбга чиқаради*.

¹ Блинков Н., Ожегов Ю., Шереги Ф. Политическая культура и молодежь. — М., 1982. — С. 8.

Бундай ёндашув маданиятнинг умумий тизимида сиёсий маданиятнинг ўрнидан келиб чиқади. Мазкур ёндашувда сиёсий маданиятни ўзлаштириш мезони ҳам ойдинлашади. Мазкур мезон ҳақида ҳали яқдил фикр мавжуд эмас. Н. М. Кейзеровнинг фикрича, «сиёсий маданиятнинг ижтимоий тараққиёт эҳтиёжларига мувофиқлиги унинг энг умумий жиҳатидир»¹. Шахснинг сиёсий маданияти жамиятда шаклланади, унинг ишларини бошқаришда иштирок этиш эҳтиёжи кенг омманинг сиёсий маданиятни ўзлаштиришининг асосий мезони ва кўрсаткичидир. Таклиф этилган мезонларнинг иккаласи ҳам баҳслидир.

Биринчи ҳолда мезон етарли даражада амалий эмас, зеро ижтимоий тараққиёт эҳтиёжларига у ёки бу хулқ-атвор тарзлари, шахс ёки гуруҳ фаолиятининг мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслигини аниқлаш анча мушкул. Иккинчи мезоннинг камчилиги шундаки, бошқаришда иштирок этиш эҳтиёжининг мавжудлиги ҳам юксак сиёсий маданият кўрсаткичи ҳисобланмайди.

Бизнингча, фақат реал амалий фаолиятнинг ўзи сиёсий маданиятни ўзлаштириш даражасининг мезони бўлиши мумкин. Бошқача айтганда, сиёсий маданият фақат инсоннинг (ёки шахслар гуруҳининг) сиёсий фикрлаш, фактлар ва ҳодисаларга тўғри сиёсий баҳо бериш қобилиятини эмас, турли ҳаётий вазиятларда сиёсий жиҳатдан тўғри иш тутиш қобилиятини ҳам намоён этади.

Сиёсий маданият жамият сиёсий тизимининг таркибий қисми бўлиб, у сиёсат субъектларининг ўзаро муносабатларини, уларнинг онглилиги, фаоллиги ҳамда у ёки бу сиёсий ҳаракатларга тайёрлик даражасини очиб беради. Сиёсатшунослик назариясида сиёсий маданиятга хилма-хил таърифлар бериладик, бу умуман маданиятнинг ўзи нима, деган саволга ҳар хил жавоблар мавжудлиги билан боғлиқ. Баъзи бир муаллифлар сиёсий маданиятни сиёсий фаолият негизида ётувчи субъектив соҳа деб тушунадилар. Бошқа муаллифлар эса уни сиёсат соҳасидаги маънавий-амалий фаолият, масалан, сиёсий билимлар, қадриятлар ва сиёсий хулқ-атвори рўёбга чиқариш усули деб талқин қиладилар ҳамда сиёсатни сиёсий онг ва сиёсий хулқ-атвор деб тушунадилар. Бинобарин, сиёсий маданият тузилишида билишга, ҳиссиётларга, баҳолашга доир қисмлар ва амалий фаолият ажратилади. Ниҳоят, янада кенг талқинлар маданиятга сиёсий институтларни ҳам киритади².

Сиёсий маданият ўзгарувчан ҳодиса бўлиб, жамият ривожланиши билан ўзгариб боради. Маданий қадриятлар, анъаналарнинг ўзгариши ҳаётнинг технологик, иқтисодий ва ижтимоий жабҳаларидаги ўзгаришларга қараганда анча суст кечади. Бу маданиятда барқарор ва беқарор, эски ва янги таркибий қисмлар ўзига хос тарзда уйғунлашиши билан

¹ Кейзеров Н. М. Политическая культура общества. — М., 1982. — С. 15.

² Қаранг: Общая и прикладная политология / Под ред. В. И. Жукова, Б. И. Краснова. — М., — 1997. — С. 692.

боғлиқ. Барқарор қисмлар ўтмишнинг сиёсий тажрибасини ўзида му- жассамлаштирган анъаналардан келиб чиқади. Анъаналар сиёсий тизим- лар фаолиятида ворисийликни таъминлайди. Ҳар қандай янгиланиш ё анъаналар билан уйғунлашади, ё анъаналар уларни инкор этади. Жами- ятни ислоҳ қилиш — янгиланишнинг шакли. Унинг механизми эски ва анъанавийнинг бузилишини ҳам, янгининг вужудга келишини ҳам ўз ичига олади. Бу жараёнлар эскирган эътиқодлар, одатлар, анъаналар- нинг тизимлари билан қадриятлар ва нормаларнинг янги тизими ўрта- сидаги зиддият шаклига кириши мумкин. Шунинг учун ҳам анъаналар ва янгиланишларнинг мақбул нисбатини топиш ҳар қандай ислохотчи- лик фаолиятининг бош муаммоси ҳисобланади. Инерцияли кучга эга бўлган анъана ҳар қандай ислохотни тўхтатиб қўйишга, уни аксилисло- хотга айлантиришга қодир. Шу маънода, маданият жамият тараққиёти- ни таъминловчи муҳим омилдир.

Жамиятнинг сиёсий тизимида сиёсий маданиятнинг аҳамияти унинг бирлаштирувчи функцияси билан белгиланади. Умум эътироф этган сиё- сий-маданий қадриятлар, хулқ-атвор андозалари ва анъаналар одамларни ягона сиёсий тизимга бирлаштиради, бир жамиятни бошқа жамиятдан фарқлайди. Сиёсий маданият негизида одамлар ўзларининг ягона давлат фуқаролари эканликларини англаб етадилар. Сиёсий маданиятнинг рам- зий қисмлари жамиятни бирлаштириш ва ватанпарварлик туйғусини тар- биялашда муҳим ўрин тутди. «Сиёсий рамз — муҳим сиёсий ғояларнинг шартли намунаси, уларни тарғиб қилиш ва мустаҳкамлаб қўйишнинг муҳим воситаси»¹. Сиёсий маданиятнинг рамзий қисмини давлат рамзла- ри (герб, мадҳия, байроқ); миллий байрамлар ва давлат маросимлари (Президентнинг қасамёди); меъморчилик мажмуалари (Вашингтонда — Оқ уй, Тошкентда — Оқсарой) ташкил этади. Тарихий шахслар ҳам рамз бўлиб хизмат қилиши мумкин (Ж. Вашингтон, Амир Темур). Сиёсий мифлар мамлакат аҳолисини ғоялар ва қадриятлар атрофига жипслашти- риш функциясини бажаради. Улар жамиятнинг асосий қадриятларини эътиқодлар асосида рамзий ифода этади. В. Р. Легойда таъкидлаганидек, «фуқаролик дини» АҚШ сиёсий маданиятининг ўзагини ташкил этади².

Сиёсий маданият погоналари ҳақида гап кетганда, уларнинг бир нечтасини ажратиб кўрсатиш мумкин. Жамиятнинг сиёсий маданияти, маълум сиёсий гуруҳнинг сиёсий маданияти ва алоҳида шахснинг сиё- сий маданияти фарқланади.

Бундан ташқари, сиёсий маданият қуйидаги даражаларга ажралиши мумкин:

1) *дунёқараш даражаси*. Унга жамият, гуруҳ ва алоҳида шахснинг сиёсат ҳамда дунёнинг сиёсий манзараси ҳақидаги тасаввурлари, шу-

нингдек сиёсий ҳаёт иштирокчилари амал қилувчи нормалар, қадрият- лар, рамзлар, кўрсатмалар киради;

2) *фуқаролик даражаси* одамларнинг сиёсат билан шуғулланишларига туртки берувчи сабабларни, уларнинг сиёсатда ўз мақсадларига эришиш- ларига ёрдам берувчи қўникмалар, воситалар ва усулларни ўз ичига олади;

3) *сиёсий даража*. Уни сиёсат субъектларининг муайян масалаларга доир қарашлари, яъни мавжуд сиёсий тизим ва тартибга, ҳокимият идо- ралари сиёсатни амалга оширишда қўловчи усулларга, ўз тарафдорлари ва рақибларига нисбатан уларнинг муносабатлари ташкил этади.

Алоҳида шахслар сиёсий маданиятининг хусусиятлари уларнинг турли касбий, демографик, ҳудудий, этник, диний ва бошқа гуруҳларга ман- сублиги билан боғлиқ.

Сиёсий маданият анча қадимий ҳодисадир. Давлатли уюшган жами- ят вужудга келибдики, сиёсий маданият мавжуд. Сиёсий маданиятнинг мазмунини ташкил этувчи кўпгина жиҳатлар Конфуций, Шань Янь, Платон, Аристотель сингари қадимги давр мутафаккирларининг асар- ларида қайд этиб ўтилган.

Фанда сиёсий маданиятнинг табиатини тушунишга нисбатан икки хил ёндашув вужудга келган. Баъзи бир олимлар (Г. Альмонд, С. Верба, Д. Дивайн, Ю. Краснов ва бошқалар) сиёсий маданиятни сиёсатнинг субъектив мазмуни билан бир деб ҳисоблайдилар ва унга сиёсий онг- нинг турли шакллари, барча сиёсат субъектлари сиёсий хулқ-атвори- нинг хусусиятини белгиловчи кўрсатмалар, стереотиплар ва қадрият- ларни киритадилар.

Бошқа бир гуруҳ олимлар эса сиёсий маданиятда сиёсий хулқ-ат- ворга нисбатан норматив талабларнинг ифодасини (С. Вайт), сиёсатдаги хулқ-атворнинг типик намуналари мажмуини (Ж. Плейно), сиёсий фа- олият усулини (У. Розенбаум) кўриб, уни сиёсатнинг ажралмас қисми ҳамда кўринишларидан бири деб ҳисоблайдилар.

Мавжуд ёндашувларни умумлаштириш асосида биз сиёсий мадани- ятга негизида қадриятлар ҳамда ҳокимият ва жамият сиёсий тузилиши- нинг модели ҳақидаги идеал тасаввурлар ётувчи мураккаб ҳодиса деб қарашимиз мумкин. Бу тасаввурлар шахс онгида сиёсий ҳаётдаги маъ- лум мўлжаллар ва сиёсий фаолият мақсадларини юзага келтиради, улар кейинчалик сиёсий фаолиятнинг муайян турлари доирасида мазкур мақ- садларга эришиш учун зарур бўлган воситалар, усуллар ва қўникмалар ҳақидаги билимларга айланади. Шундай қилиб, биз сиёсий маданият индивиднинг сиёсат соҳасидаги фаолият услубидир, деган умумлашти- рилган таърифга қўшилишимиз мумкин.

Айтилганларга хулоса қилиб, сиёсий маданиятни икки мураккаб ижтимоий тизим — сиёсат ва маданият ўртасида боғловчи бўгин бўлиб хизмат қиладиган ижтимоий ҳодиса деб таърифлашимиз мумкин. *Сиёсий маданият ижтимоий субъект (жамият, гуруҳ, шахс)нинг кучларини ву-*

¹ Тавадов Г. Т. Политология. — М., 2000. — С. 204.

² Қаранг: Легойда В. Р. Гражданская религия США: некоторые символы и ритуалы // Полития. — 1999. — №4.

жудга келтириш ҳамда уларни ижтимоий-сиёсий фаолиятда, унинг мақсадларида, воситаларида, усулларида ва натижаларида рўёбга чиқариш жараёнини ифода этади. У инсоннинг ижтимоий муносабатларни ўзгартириш субъекти сифатидаги ижтимоий ривожланиш мезонини очиб беради.

Тўғри, барча таърифлар сингари, бу таъриф сиёсий маданият ривожланишининг хилма-хил томонларини нисбатан қамраб олади. Аммо, шу билан бирга, у сиёсий маданиятнинг моҳиятини, яъни инсоннинг фаол арбоб, ижтимоий ривожланиш субъекти сифатида шаклланиши билан узлуксиз алоқасини акс эттиради.

2.3. Сиёсий маданиятнинг функциялари

Фалсафага оид луғатларда функция деганда, одатда, айна муносабатлар тизимидаги бирон-бир объект хоссаларининг ташқи ифодаси тушунилади. Бироқ, фикримизча, функция муайян ҳаракатни, фаолият юритишни, вазифа бажаришни англатади. Сиёсий маданиятга татбиқан гапирадиган бўлсак, унинг инсонлар хулқ-атвори ҳамда юриш-туришларида кўрсатадиган ижобий таъсири назарда тутилади.

Сиёсий маданиятнинг функцияларини айнан шу нуқтаи назардан кўриб чиқамиз. Маданиятнинг функцияларини аниқлаш унинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрнини кўрсатиш демакдир. Юқорида таъкидлаганимиздек, сиёсий маданиятнинг бу вазифасини икки нуқтаи назардан кўриб чиқиш мумкин:

биринчидан, сиёсий маданият сиёсий фаолиятнинг такомиллашишига олиб боради;

иккинчидан, сиёсий маданият шахснинг хулқ-атворида таъсир кўрсатади ҳамда уни ҳар томонлама ривожлантириш омиллари билан бири ҳисобланади.

Бу жиҳатлар бир-бири билан узвий боғлиқ. Амалда биринчи жиҳат шахснинг ривожланишига билвосита, сиёсий фаолиятни такомиллаштириш орқали таъсир кўрсатади. Иккинчи жиҳатга келсак, бу ерда шахснинг шаклланиши ва ривожланишига сиёсий маданиятнинг бевосита таъсири ҳақида гап боради.

Сиёсий маданият — серқирра ҳодиса, яъни у бир вақтнинг ўзида бир неча ижтимоий функцияларни бажаради. Китобнинг биринчи бобида биз тўхталиб ўтган умумий маданиятнинг асосий функцияси бўлган инсонни шакллантириш функцияси сиёсий маданиятга ҳам хосдир. Боз устига, у сиёсий маданиятнинг асосий функцияси ҳисобланади. Бироқ маданият, умуман олганда, инсонни барча хусусиятлари мажмуи билан «яратса», сиёсий маданият унинг маълум сифатларинигина шакллантиради. Шахснинг сиёсий қиёфасини, зарур сиёсий хислатларини шакллантириш унинг муҳим вазифасидир.

Сиёсий маданият ҳар бир инсонда ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларининг бирлигини, уларни ҳар куни рўёбга чиқаришга интилишни тарбиялаш лозим. Фуқаролик ҳис-туйғусини тарбиялаш сиёсий маданиятнинг бош вазифасидир. Шахснинг фуқаролик ҳис-туйғуси унинг фаол ҳаётий позицияси билан боғлиқ. Бу муҳим масала фанда ҳали старли ёритилмаган.

Ҳозирги замон сиёсатшунослигида сиёсий маданиятнинг қуйидаги функциялари ажратиб кўрсатилади:

— қадрият ва мўлжалларга доир функциялар (сиёсий ифодалар маъносини талқин қилади);

— норматив хулқ-атворга оид функциялар (мақбул сиёсий хулқ-атвор «доираси»ни чизиб беради);

— бирлаштирувчи функция (ижтимоий жамоани жипслаштиради);

— алоқаларни таъминлаш функцияси (рамзлар ва стереотиплар асосида субъектлар ва институтларнинг ўзаро алоқасини амалга оширади);

— тарбиявий функция (сиёсий тизимга мувофиқ сиёсий хулқ-атвор типини шакллантиради).

Умумий ва амалий сиёсатшуносликни ўрганувчи олимлар жамиятда сиёсий маданият бажарадиган беш функцияни эътироф этадилар:

1) *норматив функция*: сиёсий маданият индивидлар, гуруҳлар ва жамоага маълум нормалар, сиёсий тафаккур ва хулқ-атвор стандартларини белгилаб беради, сиёсий қадриятлар устуворлигининг нисбатини ўрнатади;

2) *тарбиявий функция*: сиёсий маданият муайян «сиёсий шахс» типини шакллантиради;

3) *сафарбар этиш функцияси*: сиёсий маданият фуқароларни маълум сиёсий ва ижтимоий вазифаларни ҳал қилишга уюштиради ва йўналтиради;

4) *бирлаштириш функцияси*: сиёсий маданият фуқаролар мазкур жамоага хос сиёсий нормалар ва қадриятларни ўзлаштиришини таъминлайди ҳамда бу йўл билан уларни жипслаштиради, уюштиради;

5) *репродуктив (такроран яратиш) функция*: сиёсий маданият ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг мазкур тизимини қайта тузишга ёрдам беради¹.

Сиёсий маданият — ижтимоий фаолликни шакллантириш ва тарбиялашнинг муҳим воситаси. Сиёсий маданиятни ўзлаштириш даражасига қараб шахс ёки гуруҳнинг ижтимоий фаоллиги ҳам ортиб боради.

Шахснинг (гуруҳнинг) ижтимоий фаоллиги ижтимоий фаолият жараёнида ва унинг натижасида шахсни (гуруҳни) қуршаган табиий ва ижтимоий муҳитда амалга оширилувчи ўзгаришларнинг, шунингдек мазкур шахснинг (гуруҳнинг) ўзидаги ўзгаришларнинг хусусиятини (ижтимоий аҳамиятини) ва кўламини ифодаловчи мезон ҳисобланади². Умуман ол-

¹ Қаранг: Общая и прикладная политология. — М., 1997. — С. 697.

² Қаранг: Смирнов В. А. Социальная активность рабочих. — М., 1979. — С. 25.

ганда, бу таърифга қўшилиш мумкин. Аммо уни қўллашда ижтимоий фаоллик мезони нима ва у нимага боғлиқ, қолаверса, шахснинг ижтимоий фаоллигини унинг реал фаолияти қўлами билан ўлчаш мумкинку, деган табиий саволлар туғилади. Ижтимоий фаоллиги бир хил бўлган икки одамни тасаввур қилайлик. Уларнинг бири танқид қабул қилинмайдиган, бошқарувда фуқароларнинг иштирок этиши учун зарур шарт-шароитлар яратилмаган жамоада, иккинчиси эса — ўта қулай шарт-шароитлар яратилган жамоада меҳнат қилади. Улар ижтимоий фаоллигининг мезони ўзларига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ҳар хил бўлади.

Шунинг учун ҳам ижтимоий фаолликни «фаолият мезони»га тенглаштириш тўғри бўлмайди. Назаримизда, ижтимоий фаоллик ижтимоий фаолиятни амалга ошириш имконияти бўлиб, у амалий фаолият жараёнида воқеликка айланади. Биз буни алоҳида қайд этамиз, зеро фаоллик маълум ижтимоий ҳаракатларни амалга ошириш имконияти сифатида фаолиятнинг ўзи билан тенглаштирилади. Бу ҳолда «фаоллик» тушунчаси ўз маъносини йўқотади.

Фаол позицияда шахснинг муайян ҳаётий вазиятлардаги ижтимоий фаоллиги намоён бўлади. Умуман, ҳаётга нисбатан шахснинг фаол позицияси ҳақида гапирадиган бўлсак, бу ҳолда ҳаётий позиция умуман ижтимоий фаолликка мос тушади. Аммо биз одатда ҳаётнинг у ёки бу жиҳатлари, ҳодисаларига нисбатан фаол ҳаётий позиция ҳақида гапиримиз. Позиция ҳамиша муайян муносабатдир. Фаол ҳаётий позиция куйидагиларни назарда тутади:

- 1) шахснинг маълум изчил ижтимоий ҳаракатларга тайёрлиги, бу ҳаракатларни амалга оширишга ички эътиқодининг мавжудлиги;
- 2) жамиятнинг ривожланиш қонунлари бузилишига, барча интизомни бузиш ҳолларига, салбий ҳодисаларга нисбатан шахснинг мурокасизлиги, мазкур салбий ҳодисаларга қарши курашишга тайёрлиги;
- 3) шахснинг ўзи бажараётган иш учун юксак ижтимоий масъулияти;
- 4) жамоа манфаатларини шахсий манфаатлари деб билиши;
- 5) эгаллик ҳиссининг ривожланганлиги, жамоа ижтимоий фаолиятининг барча жиҳатлари ҳақида қайғуриш, ўз иши учун масъулият ҳиссининг қарор топганлиги.

Буларнинг барчаси биргаликда шахснинг фаол ҳаётий позициясини ташкил этади. Шахснинг фаол ҳаётий позициясини, унинг юқорида санаб ўтилган жиҳатларини шакллантириш сиёсий маданият функциясидир. Бошқача айтганда, сиёсий маданият инсонни ватанпарварлик руҳида тарбиялайди. Зеро, ватанпарварлик шахснинг фаол ҳаётий позициясини, жамият бойлигини қўриқлаш ва уни кўпайтириш ҳақида қайғуришни назарда тутади.

Одатда ватанпарварлик ҳақида фақат жанг майдонларида қўлда қурол билан Ватанни ҳимоя қилишда намоён бўлувчи туйғу сифатида гапирилади. Бу ватанпарварликнинг олий кўриниши, албатта. Аммо кундалик

тинч меҳнатда ҳам ватанпарварлик нишонларини кўрмаслик тўғри бўлмайди. Тинч меҳнат шароитларида ватанпарварлик айнан меҳнат унвондорлигини оширишда, тежамкорликда, омилкорликда, маҳсулот сифатини яхшилашда намоён бўлади. Ўзбекистонда қарор топаётган истиқлол мафқураси миллати, тили ва динидан қатъи назар, фуқароларимизнинг она Ватанга муҳаббат, мустақиллик гояларига садоқат туйғусини қарор топтиради... Бу мафкура — Ўзбекистонда истиқомат қиладиган ва ўз тақдирини шу муқаддас замин билан боғлаган ҳар бир кишининг «Ватаним менга нима берди» деб эмас, балки «Мен Ватаним равнақи учун нима қилаяпман» деган масъулият туйғуси билан яшашини таъминлайди¹. Ватанпарварлик туйғуси инсонни Ватан равнақи йўлида меҳнат қилиш ва изчил фаолият юритишга ундайди. Сиёсий маданият шахсда мана шу жиҳатларни тарбиялайди.

Бундан сиёсий маданиятнинг яна бир функцияси келиб чиқади. Уни *мафкуравий функция* деб аташ мумкин.

Сиёсий маданиятнинг мафкуравий функцияси ягона мақсадга эга. У одамларда ўзини ўзи англаш, ижтимоий ҳаёт ҳодисаларига ёндашишда қатъий позицияга эга бўлиш қўникмасини тарбиялайди.

Сиёсий маданиятнинг навбатдаги функцияси — *тартибга солиш* функцияси. Унинг вазифаси иккита: 1) ўз гуруҳи, жамоаси ва, умуман, жамият ишларини бошқаришга фуқароларни жалб этиш; 2) шахснинг кундалик хулқ-атворини тартибга солиш.

Ушбу функциянинг биринчи томони тушунарли. Унинг иккинчи томонига келсак, бунда, авваламбор, шахснинг кундалик хулқ-атворини тартибга солиш мумкинми, деган саволга жавоб топиш керак. Бундай тартибга солиш зўравонлик, шахсга тазйиқ ўтказиш бўлмайдими? Бундай тартибга солиш (буйруқ билан бошқариш эмас!) мутлақо зарурлигига ишончимиз комил. Фақат бунда шахснинг индивидуал хусусиятлари эътиборга олинса ва тартибга солиш маъмурий бошқаришга айланиб кетмаса бас. Инсон хулқ-атворини тартибга солиш ўз хулқ-атворини ўзи тартибга солишга асосланиши лозим. Жамиятнинг ҳар бир онгли фуқароси сиёсий маданиятда мана шундай ўзини ўзи тартибга солиш имконияти мавжудлигини кўриб, уни ўзлаштиришга ҳаракат қилади. У ўзининг ижтимоий ҳаёт соҳасидаги қилмишларини уларнинг сиёсий оқибатлари нуқтаи назаридан олдиндан ўйлаб кўради ва бу хулқ-атвор тарзи сиёсий маданият нормаларига қай даражада мувофиқлигини ҳал қилади. Сиёсий жиҳатдан маданиятли (шунчаки сиёсий жиҳатдан саводли эмас!) одам айнан шундай ёндашуви билан ажралиб туради. Бу маънода сиёсий маданият ўзининг бошқариш функциясини фақат жамоа, гуруҳ миқёсида эмас, балки шахс даражасида ҳам бажаради.

¹ Қаранг: Миллий истиқлол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар. — Т., 2001. — 43–44-б.

Ниҳоят, сиёсий маданият *ижтимоӣ (авваламбор, сиёсий) таҷриба-ни ўтказиш* функциясига эга. Бу функцияга, биринчидан, ўтган авлодлар тўплаган сиёсий таҷрибани янги, ҳаётга кириб келаётган авлодларга ўтказиш, иккинчидан эса, бошқа мамлакатлар ва халқлар билан сиёсий таҷрибани ўртоқлашиш киради.

Сиёсий маданият жамиятнинг сиёсий ҳаётида бир қатор муҳим функцияларни бажаради. Сиёсий маданият бўлмаган ёки паст даражада бўлган жамиятда сиёсий барқарорликни сақлаш, сиёсий тизимнинг нормал ишлашини ва шахснинг сиёсатда тўлақонли иштирок этишини таъминлаш мушкул.

Умуман олганда, ҳозирги замон сиёсатшунослигида сиёсий маданиятнинг қуйидаги функциялари фарқланади:

1) айнан мослаштириш (идентификация) функцияси — сиёсий маданият шахсда жамиятга, мамлакатга ёки маъдум ижтимоӣ гуруҳга мансублик ҳиссини мустаҳкамлайди, сиёсат институтлари ва механизмлари орқали шахсий, гуруҳ ва жамият манфаатларини, рўёбга чиқариш восита ва усуларини аниқлашга ёрдам беради;

2) йўналтириш функцияси — шахснинг сиёсий ҳодисаларни онгли идрок этишини таъминлайди, унга сиёсат соҳасидаги ўз ўрни ва имкониятларини яхшироқ тушуниш, ўз ҳуқуқ ва манфаатларини муайян сиёсий тизим доирасида муваффақиятли рўёбга чиқаришда ёрдам беради;

3) мослаштириш функцияси — шахснинг ўзгарувчи сиёсий вазиятга, янги имкониятларга, сиёсий фаолиятдаги у ёки бу чеклашларга мослашувига қўмаклашади;

4) ижтимоӣлаштириш функцияси — шахс жамиятнинг сиёсий маданиятини ўзлаштириш жараёнида сиёсатдаги ўз манфаатларини ҳимоя қилиш имконини берувчи кўникмалар ва воситаларга эга бўлади;

5) сиёсий ҳаётни барқарорлаштириш функцияси — айнан сиёсий маданият жамият аъзоларида мавжуд сиёсий тизим ва унинг институтларига нисбатан хайрихоҳ муносабат шаклланишига ёрдам беради;

6) бирлаштириш функцияси — жамиятнинг турли табақалари ва гуруҳларини умумий ғоялар, тасаввурлар ва қадриятлар асосида бирлаштириш орқали давлат ва жамиятнинг муштараклигини мустаҳкамлашга қўмаклашади;

7) алоқаларни таъминлаш функцияси — ҳокимият институтлари ва бошқа сиёсат субъектлари (сиёсий партиялар, ижтимоӣ-сиёсий ва диний ҳаракатлар, ижтимоӣ табақа ва гуруҳлар) умумий қадриятлар ва сиёсатдаги «ўйин қоидалари» асосида, шунингдек умумий тушунчалар ва рамзлардан фойдаланиш ҳисобига ўзаро ҳамкорликни таъминлайди;

8) жамиятнинг сиёсий тизими ва сиёсий ҳаётини янгилаш функцияси — сиёсий маданият доирасида шаклланган ва қарор топган жамиятнинг сиёсий тузилишини ўзгартириш ҳақидаги янги ғоялар янги сиё-

сий институтлар, жараёнлар ва механизмларнинг яратилишига олиб келади (масалан, монархнинг ваколатларини конституциявий чеклаш, ҳокимиятнинг тақсимланиши, умумий сайлов ҳуқуқи ғоялари ва ҳ. к.);

9) сиёсий тузилишда ва сиёсий ҳаётда ворисийликни таъминлаш функцияси — сиёсий маданият бунга янги ғояларни аввалги сиёсий таҷриба билан боғлаш орқали эришади.

Сиёсий маданиятнинг асосий функциялари ана шулардан иборат. Жамият ҳаётида бу функцияларнинг ҳаммасини бирваракай ўз зиммасига олишга қодир бўлган бошқа бирон-бир ҳодиса мавжуд эмас. Сиёсий маданият функцияларининг таҳлили у ижтимоӣ ҳаётнинг барча соҳаларида амал қилишини кўрсатади, зотан ҳар бир ижтимоӣ ҳодиса сиёсий ёндашувга муҳтождир. Шунинг учун ҳам сиёсий маданиятни ижтимоӣ-сиёсий фаолият соҳаси билан чеклаш мумкин эмас. У, касби ва мансабидан қатъи назар, ҳар бир одамга зарур. Сиёсий маданият мамлакатимиз фуқароси ижтимоӣ ва маънавий қиёфасининг муҳим ифодаси бўлиб хизмат қилади.

III бoб. СИЁСИЙ МАДАНИЯТНИ СТРУКТУРАЛАШТИРИШ

3.1. Сиёсий маданиятнинг мазмуни ва тузилиши

Ҳар қандай ижтимоий ҳодисанинг тузилишини таҳлил қилиш уни фалсафий даражада тушуниб етишнинг энг муҳим омилларидан биридир. Илмий ёндашув тизим элементларини туркумлашнинг қатъий асосларини белгилашни, уларнинг зарурлиги ва етарлилигини исботлашни, қолаверса, уларни мувофиқлаштиришни талаб этади. Бусиз ҳодисанинг тузилишини таҳлил қилишга нисбатан ҳар қандай ёндашув юзаки ва бир ёқлама бўлиб қолади.

Биз бу ўринда сиёсий маданиятни структуралаштиришга бўлган уришларнинг барчасини кўриб чиқиш имконига эга эмасмиз. Шунинг билан қайд этиш керакки, тарихий тараққиёт жараёнида сиёсий маданият тузилишида жиддий ўзгаришлар содир бўлмаган. Шунинг учун ҳам биз «умуман» сиёсий маданиятнинг эмас, балки айнан ҳозирги замон сиёсий маданиятининг тузилишини ҳеч қандай ижтимоий-сиёсий тузумга боғламасдан кўриб чиқамиз.

Ҳар қандай ҳодиса сингари, сиёсий маданият ҳам ўзининг мазмуни билан ажралиб туради. Сиёсий маданиятнинг мазмунини жамият аъзолари — фуқаролар, уларнинг ижтимоий гуруҳлари ва табақалари, синфлар сиёсий маданияти даражасининг барча кўрсаткичлари билан ҳам, жамиятни ягона ва бўлинмас вужуд сифатида таърифловчи кўрсаткичлар билан ҳам таҳлил қилиш мумкин. Мазкур кўрсаткичлар жумласига мавжуд жамият сиёсий ташкилотининг хусусияти, сиёсий институтларнинг фаолият кўрсатиш шакллари ва усуллари, жамият сиёсий ҳаётида фуқаролар иштирокининг даражаси ва усуллари, тўпланган ижтимоий-сиёсий тажриба, мавжуд сиёсий анъана ва урф-одатлар, ижтимоий тараққиётда қўлланилувчи сиёсий ғоялар, билимлар, принциплар тизими кабиларни киритиш мумкин.

Польшалик олим А. Боднарнинг фикрича, умуман олганда, сиёсий маданият «сиёсий ҳаётнинг турли жиҳатлари ҳақидаги аниқ ва ботиний тасаввурларнинг тарихан шаклланган мажмуи бўлиб, унга:

- а) сиёсий қадриятлар;
- б) сиёсий нормалар;
- в) сиёсий институтлар;
- г) сиёсий намуналар;

д) индивидлар ва ижтимоий табақаларнинг сиёсий фаолият усуллари қиради»¹.

Шунингдек, «сиёсий маданият» категорияси қуйидагиларни билдиради:

- умумий маданият тизимининг муҳим асосий элементи;
- омманинг давлат сиёсатини билиши, тушуниши, ўзлаштириши ва ҳаётга татбиқ этишининг даражаси;
- фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳақидаги билим ҳамда ундан фойдаланиш даражаси;
- сиёсий эътиқод ва онглиликнинг теранлик даражаси;
- сиёсий институтларнинг ривожланганлик даражаси;
- мавжуд сиёсий тизим, унинг халқчиллиги ва самаралилигининг даражаси².

Сиёсий маданият — чуқур тарихий ва ижтимоий илдизларга эга бўлган кўп қиррали ҳодиса. Унинг доирасида, оқилона муносабатлар ва мақсадли ҳаракатлар билан бир қаторда, нораціонал омиллар билан боғлиқ ҳодисалар ҳам мавжуд.

Умуман, маданият тузилишидагидек, сиёсий маданият тузилишига ҳам ёндашишнинг асосий методологик принципи унда иккита катта бўлимни — субстанционал ва функционал элементларни — ажратишни назарда тутди. Дарҳақиқат, сиёсий маданиятни ўрганишда, авваламбор, унинг субстанцияси, «жисми»ни аниқлаб олиш, сўнгра эса унинг вужудга келиши, ҳаракати ва ривожланишини очиб бериш талаб этилади. Бундай ёндашув маданиятни структуралаштиришнинг бошқа асосларини истисно этмайди. Масалан, В. Т. Шапко сиёсий маданиятда уч асосий кичик тизим: гносеологик, аксиологик ва праксеологик тизимларни ажратишни таклиф қилади³.

Сиёсий маданиятнинг субстанционал ва функционал жиҳатларини фарқлаш диалектик бирликка ҳамда мантиқийлик ва тарихийликнинг ўзаро таъсирига асосланади. Сиёсий маданиятнинг тузилиши унинг вужудга келиши ва ривожланиши тарихини, алоҳида ижтимоий ҳодиса сифатида босиб ўтган мураккаб йўлни акс эттиради.

Сиёсий маданият одамларнинг ижтимоий-сиёсий муносабатларни ўзгартириш ва такомиллаштириш борасидаги реал фаолияти ҳамда бу фаолиятнинг сиёсий маданият қадриятлари, нормалари ва институтларида моддийлаштирилган ва мустаҳкамланган натижаларининг бирлигидир. Бу қадриятлар ва нормалар ҳаётга жорий этилган сиёсий бошқарув тажрибаси ҳисобланади.

¹ Nauka o polityce: Podrecznik akademicki / Pod redakcją A. Bodnara. — Warszawa, 1988. — S. 186–187. (Интернетдаги русча таржимасидан фойдаланилди).

² Қаранг: Щегорцев В. А. Политическая культура: модели и реальность. — М., 1990. — С. 31.

³ Қаранг: Шапко В. Т. Политическая культура как социальное явление: Автореф. дис. ... канд. филос. наук. — Свердловск, 1982.

Сиёсий маданият институтлари масаласига келсак, улар тарихан сиёсий маданиятни яратиш, сайқаллаш ва оммалаштириш мақсадида вужудга келтирилган. Сиёсий фаолиятнинг мазкур тажрибаси сиёсий маданият негизини ташкил этади. Одамларнинг сиёсий маданиятни ўзлаштириш фаолиятида унинг асосий босқичлари (погоналари)ни ажратиш лозим: **билиш** (сиёсий билимларни ўзлаштириш, сиёсий тафаккурни шакллантириш) босқичи, **қадриятлар** (сиёсий фаолиятга бўлган эҳтиёжларни, қадриятларга доир қарашларни шакллантириш, билимларни шахснинг сиёсий эътиқодига айлантириш) босқичи ва, ниҳоят, сиёсий фаолият мақсадларини шакллантириш ва уларни амалга ошириш, маълум фаолият усулларини излаш, сиёсий-тарбиявий фаолият, ташкилотчилик ва бошқарувчилик кўникмаларини эгаллашни ўз ичига олувчи **праксеологик** (амалий) босқич.

Албатта, сиёсий маданиятнинг вужудга келиши ва ривожланиши бўлимлари ҳамда уларнинг таркибий қисмларини ажратиш кўп жиҳатдан шартлидир. Бунинг устига, ҳар бир янги авлод ўтмишнинг ижтимоий тажрибасини ўзлаштириш жараёнида уни бойитиб боради. Ижтимоий тараққиётнинг бетинимлиги ва енгилмаслиги ана шунда кўринади. Сиёсий маданият фаолиятининг босқичлари замонда ҳам аниқ ажратилган деб бўлмайди.

Табақалар, гуруҳлар ва индивидларнинг сиёсий фаолияти сиёсий маданият тизимининг асосий, система ҳосил қилувчи қисмидир. Энди инсонлар ижтимоий тажрибасининг асосий элементларини таърифлашдан бошлаймиз. Кишилиқ тараққиёти жараёнида тўпланган бу тажриба бизга сиёсий маданият ёдгорликлари — сиёсий ҳужжатлар, файласуфлар ва сиёсатчиларнинг асарлари, манифестлар, резолюциялар, шартномалар, қонунлар ва шу кабилар орқали етиб келган. Уни умумлаштириш ва тарқатишда авлоддан авлодга ўтиб келувчи сиёсий анъаналар ҳам муҳим ўрин тутди. Ўтмишнинг сиёсий ҳужжатлари ва анъаналаридан ҳозирги кун учун ҳаётий аҳамиятга эга қадриятлар ва нормаларни ажратиш олиш муҳимдир.

Сиёсий маданият қадриятлари. Жамиятнинг ёки шахснинг моддий ё маънавий эҳтиёжларини қондиришга қодир барча неъматлар **қадрият** деб аталади¹. Бу маънода бирон-бир буюм, гоё кабилар қадрият бўлиши мумкин. Барча қадриятлар ижтимоий хусусиятга эга ва одамларнинг амалий фаолиятида намоён бўлади.

Инсон, унинг дунёга амалий муносабати бўлмаган жойда қадрият ҳам бўлмайди. Буюм ёки воқелик инсон ва унинг эҳтиёжларидан алоҳида олиб талқин этилганида бирон-бир қадр-қимматга эга бўлмайди. Масалан, уран рудаси ер остида қадимдан мавжуд бўлган. Аммо у фақат инсон атом энергиясидан фойдаланишни ўрганганидан кейин, яъни XX асрда қадр топди.

¹ Батафсил маълумот учун қаранг: *Одилқориев Х.* Конституция ва фуқаролик жамияти. — Т., 2002. — 46–58-б.

Табиий қадриятлар (масалан, сув, ҳаво, фойдали қазилмалар ва ҳоказо), меҳнат куруллари, баъзи бир эстетик қадриятлар умуминсоний аҳамиятга эга бўлса, ижтимоий-сиёсий қадриятлар маҳаллий аҳамиятга эгадир. Бинобарин, сиёсий маданият қадриятлари ҳам (ҳаммаси эмас, айримлари) муайян мамлакат миқёсида маҳаллий аҳамиятга эга. Сиёсий маданиятнинг кучи шундаки, у барча одамларнинг эҳтиёжларини акс эттирувчи, барча учун ҳаётий муҳим қадриятларни илгари суради.

Сиёсий маданият қадриятларининг бошқа бир туркуми ижтимоий-сиёсий муносабатлар соҳасида вужудга келган бўлиб, ўтмишда ўз ўнгишига эга бўлмаган. Масалан, фуқаролик жамияти, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва ҳ. к. Мазкур қадриятлар ҳозирги замон сиёсий маданиятидан мустақкам ўрин олиб, миллионлаб одамларнинг маънавий мулкига айланган. Улар жумласига фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, ижтимоий жавобгарлик сингари қадриятлар ҳам киради.

Бу ўринда инсон ҳуқуқларигина эмас, унинг мажбуриятлари ҳам сиёсий маданиятнинг қадриятларидан бири ҳисобланишини қайд этиб ўтиш лозим. Кўп ҳолларда ҳуқуқ диалектик тарзда мажбуриятга ўтади. Чунончи, инсон фақат меҳнат қилиш ҳуқуқига эга бўлиб қолмай, балки ўз қобилияти даражасида умум фойдасига ҳалол меҳнат қилиши ҳам шарт. Эркинлик маданий қадрият сифатида мажбурият билан чамбарчас боғлиқ. Мажбурият инсоннинг чинакам эркинлиги мезонидир. Шу боис сиёсий маданият қадриятлари норматив хусусият касб этади.

Сиёсий маданият ўзининг ривожланиши жараёнида янги қадриятлар билан бойиб боради. Янги тарихий давр мавжуд сиёсий қадриятларга янги мазмун беришини биз юқорида қайд этиб ўтдик. Табиийки, иккинчи туркумга киритилган ва ҳозирги замон билан бевосита боғлиқ бўлган қадриятлар нисбатан жадал ривожланади. Бу қадриятлар янги жамиятнинг беназир ютуқларини акс эттиради.

Сиёсий маданият қадриятлари улкан амалий кучга эга: улар одамларнинг сиёсий фаоллигини оширади ва уларни ижобий ишларга сафарбар этади, ушбу қадриятларни мустаҳкамлаш ва ҳаётга татбиқ этишга иштиёқ уйғотади. Айтайлик, демократиянинг мустаҳкамланиши ва сиёсий маданият қадриятларидан бирига айланиши республикамиз фуқароларида Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги ва ижтимоий-сиёсий тузумимиз учун ифтихор ҳиссини уйғотибгина қолмай, уларни давлат бошқарувида, муҳим қонун лойиҳалари муҳокамасида, сайловларда иштирок этишга, демократияни қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлашга даъват этади.

Сиёсий маданият қадриятлари ўзаро узвий боғлиқ бўлган муайян тизимдир. Демократия, плюрализм, фуқаролик жамияти, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари — булар барча фуқаролар у ёки бу даражада эъзозлайдиган асосий қадриятлардир. Биз иккала туркумга киритган қолган бар-

ча қадриятлар улардан узвий тарзда келиб чиқади, чунки уларнинг турли томонлари ёки жиҳатларини намоён этади.

Сиёсий маданият нормалари. Маданият норматив тизим эканлигини биз юқорида қайд этиб ўтдик. К. С. Сарингулянинг фикрича, маданият нормалари «шахслар ва ижтимоий гуруҳларнинг психик жараёнлари ҳамда хулқ-атвор тарзини шакллантирувчи, ижтимоий жамоанинг тарихий тажрибасини ўзида мужассамлаштирган, жамоа аъзоларига нисбатан императив, ижтимоийлаштириш ва назорат механизмлари мажмуи билан таъминланадиган, нисбатан турғун (стереотип) намуналардир»¹.

Маданият нормаларини ўзлаштириш жараёнида инсон унинг барча шакллариини ўзига сингдиради, бунда шахснинг ижтимоий даражага кўтарилиши содир бўлади. Жамият эскирган маданий нормалар ва стереотипларга қарши кураш олиб бориши, уларнинг инсон ақли ва сезгисига таъсирини тўхтатишга эришиши лозим. Маданият нормаси ҳеч қачон шахснинг ривожланишига бефарқ бўла олмайди, у шахсга ижобий ёки салбий таъсир кўрсатади.

Сиёсий маданият қадриятлари ва нормаларини ҳаётга сингдириш, татбиқ этиш, яъни муваффақиятли сиёсий фаолият кўрсатилишига эришиш учун жамият махсус ижтимоий институтларга эга бўлиши лозим.

Сиёсий маданият институтлари. Ижтимоий институт деганда, биз одамларни уюштириш, уларнинг ижтимоий ҳаётини тартибга солишнинг барқарор шакллариини тушунамиз. Ижтимоий институтлар икки шаклда мавжуд бўлади:

а) ташкилотлар. Бу маънода давлат ва унинг идоралари, сиёсий партиялар, ижтимоий-сиёсий ва диний ҳаракатлар, касаба уюшмалари, маданий-оқартув муассасалари кабилар ижтимоий институтлар деб аталади;

б) барқарор маданий нормалар мажмуи. Бу маънода никоҳ, мерос қолдириш, хусусий мулкдорлик, меҳнат тақсимооти кабилар ижтимоий институтлар деб аталади.

Юқорида айтиб ўтилган сиёсий маданият нормалари жамиятимизнинг ижтимоий институтлари вазифасини бажаради, зеро улар одамлар хулқ-атворини тартибга солади.

Сиёсий маданият институтлари бошқа ижтимоий институтларга таққослаганда бир қатор ўзига хос жиҳатларга эга. Улар ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари билан чамбарчас боғлиқ; аҳолининг барча ижтимоий табақаларига таъсир кўрсатишга интилади; жамиятни бошқариш, жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш вазифалари билан бевосита боғланган.

Сиёсий маданиятни ўзлаштириш жараёни. Биз сиёсий маданиятнинг «жисми»ни, субстанциясини ташкил этувчи элементларни кўриб чиқдик. Бироқ реал ижтимоий ривожланиш жараёнида сиёсий маданият

¹ Сарингуля К. С. Проблемы определения видовой классификации норм культуры // Философские проблемы культуры. — Тбилиси, 1980. — С. 73.

қандай намоён бўлади? Унинг қадриятлари ва нормаларини ўзлаштириш жараёни қандай кечади? Бошқача айтганда, сиёсий маданиятнинг функционал элементлари нималардан иборат?

Сиёсий маданиятнинг субстанционал элементлари функционал элементлари билан узвий боғлиқ, зеро, улар сиёсий фаолиятнинг моддийлаштирилган натижаларини, мазкур фаолият жараёнида тўпланган сиёсий тажрибани ифода этади.

Сиёсий маданиятнинг функционал элементлари эса бутун сиёсий маданият тизимини тўлиқ ўзлаштириш сари ҳаракатнинг асосий босқичларидир. Инсоннинг кучини ижтимоий муносабатларни ўзгартиришга йўналтирилган ижтимоий-сиёсий фаолиятда рўёбга чиқариш мезони ва усули бўлмиш сиёсий маданият маънавий қисмлар ва амалий фаолиятнинг яхлит бирлигидир. Сиёсий маданият гуруҳ ёки шахсни фақат яратувчи ҳамда маълум сиёсий қарашлар, гоялар, назариялар ва таълимотлар ифодачиси сифатида эмас, балки амалий иш олиб борувчи, сиёсий ҳодисалар ва, умуман, сиёсий ҳаётнинг фаол иштирокчиси сифатида ҳам таърифлайди.

Сиёсий маданият — яхлит ҳодиса. У ихтиёрий танланган ҳар турли қисмларнинг оддий мажмуи эмас, балки уларнинг маълум тартибда поғонама-поғона жойлашувидир. Сиёсий маданиятни ташкил қилувчи элементлар мажмуи мазкур элементларнинг хоссалари йиғиндисига боғлиқ бўлмаган янги сифат касб этади. Айнан мана шу янги сифат сиёсий маданиятнинг *мазмунини* ташкил этади.

Баъзан илмий адабиётда сиёсий маданият деганда, фақат инсоннинг билим савияси ҳамда эришилган онглилик ва фаоллик даражаси тушунилади. Бунда сиёсий маданиятга одамлар маънавий ҳаёти ва фаолиятининг сиёсий билимлар, қарашлар, эътиқодлар, ижтимоий фаолик хусусияти ва сиёсий фаолият даражасини ифодаловчи гоявий қадриятлар тизимини ўз ичига олувчи алоҳида томони деб қаралади. Бу ёндашувларнинг ҳаммаси сиёсий маданиятнинг баъзи томонлари ва хусусиятларини акс эттиради, бироқ, умуман олганда, улар етарли эмас.

Бизнингча, шахснинг сиёсий маданияти тузилишида *уч асосий функционал поғона* ажратиш мумкин.

Биринчи поғона шахснинг сиёсий билими ва сезгилари, сиёсий қарашлари ва мойилликлари, сиёсий тафаккури сингари маънавий элементлардан ташкил топади.

Шахс сиёсий маданиятининг *иккинчи поғонаси* сиёсий билимларнинг реал сиёсий ҳаракатларга айланишини таърифловчи ва бунинг механизмини аниқловчи қисмлардан таркиб топади. Улар жумласига сиёсий эътиқодлар, сиёсий фаолият кўникмалари киради.

Шахс сиёсий маданиятининг *учинчи поғонасини* унинг амалий томони — шахснинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, сиёсий хулқ-атвори ва сиёсий фаолияти ташкил этади.

Польшалик социолог А. Боднарнинг фикрича, сиёсий маданиятга қуйидагилар тааллуқлидир:

- а) сиёсатни, фактларни билиш ҳамда улардан манфаатдорлик;
- б) сиёсий ҳодисаларни баҳолаш, ҳокимият қандай амалга оширилиши ҳақидаги баҳоловчи қарашлар;
- в) сиёсий қарашларнинг эҳтиросга оид томони, масалан, Ватанга муҳаббат, душманга нафрат;
- г) у ёки бу вазиятда қандай иш тутиш мумкинлиги ва лозимлигини белгилловчи сиёсий ҳулқ-атвор намуналарининг ушбу жамиятда этироф этилганлиги¹.

Ҳуқуқшунос олим В. И. Пискотин сиёсий маданиятни ўзлаштириш жараёни сиёсий билимларни ўзлаштиришдан бошланишини таъкидлайди². Умуман олганда, бу тўғри фикр. Аммо бунда, умуман билиш соҳасида бўлгани сингари, сиёсий фаолиятда ҳам билим маълум сезги, сиёсий қарашларнинг инстинктив шакллари пайдо бўлишига олиб келувчи ҳодисаларни ҳиссий идрок этишдан бошланишини унутмаслик керак. Билим бизнинг объектга нисбатан муносабатимизгина эмас, балки объект, унинг сифатлари, алоқалари ва муносабатларининг назарий, умумлаштирилган инъикоси ҳамдир³. Бинобарин, ижтимоий билим ижтимоий ҳодисаларнинг сифатлари, хоссалари ва муносабатларини, уларнинг моҳиятини ва реал ўзаро алоқаларини очиқ беради. Ҳодиса ҳақида билимга эга бўлмай туриб, унинг ривожланиш қонунларини кашф этиш мумкин эмас.

Сиёсий билимларни бир неча даражаларга ажратиш мумкин. Воқеликнинг муайян фактлари ва ҳодисалари ҳақида алоҳида тасаввурлар энг оддий билимлардир. Мазкур тасаввурлар асосида фактлар ва ҳодисалар ҳақида қарашлар шаклланади. Бинобарин, қарашлар билимга асосланади. Билимсиз қарашлар бўлмайди. Сиёсий ғоялар нисбатан юқори поғонада туради. Ғоя «объектив воқелик ҳодисаларини фикран тушуниб етиш шакли бўлиб, дунёни янада теранроқ билиш ва амалий жиҳатдан ўзгартириш мақсадини англашни ўз ичига олади»⁴.

Сиёсий ғоялар сиёсий ҳаётнинг қонуниятларини, сиёсий ҳаётда воқеа-ҳодисалари ўртасидаги алоқаларни, уларнинг муносабатларини очиқ беради. Ғояларни тўғри ўзлаштириш учун асосий сиёсий тушунчаларни билиш талаб этилади. Ғоялар ҳодисани билиш ва баҳолаш бирлиги сифатида намоён бўлади. П. В. Копнин идеалликдан амалий фаолиятга ўтишда ғоялар ўзига хос «кўприк» бўлиб хизмат қилишини жуда

¹ Қаранг: Nauka o politike: Podrecznik akademicki / Pod redakcją A. Bodnara. — Warszawa, 1988. — S. 185. (Интернетдаги русча таржимасидан фойдаланилди).

² Қаранг: Пискотин В. И. Политическая культура и ее роль в формировании социально-политической активности масс // Духовная культура и социальное управление. — Новосибирск, 1981. — С. 62.

³ Қаранг: Скворцов Л. В. Субъект истории и социальное самосознание. — М., 1983. — С. 176.

⁴ Философский энциклопедический словарь. — М., 1983. — С. 201.

тўғри таъкидлаган¹. Ғоялар бевосита воқеликни билишдан келиб чиқади, аммо бунда «ғоя объектни назарий билишнигина эмас, маълум идеал шаклга мувофиқ уни ўзгартиришдан иборат амалий мақсадини ҳам ўз ичига олади»². Ғоя алоҳида тизимни ташкил этувчи мафкуранинг асосий элементи бўлиб хизмат қилади. Назарий билимларни ўзлаштириш улар шахснинг фикрлаш ва билиш усулига, дунёқарашининг негизига айланган тақдирдагина амалий натижа беради.

«Сиёсий тафаккур» тушунчаси ўзидан нисбатан анча кенг бўлган «сиёсий маданият» тушунчасидан кейин муомалага киритилган.

Сиёсий билимлар сиёсий маданиятнинг ғоявий-назарий негизини белгиласа, сиёсий тафаккур инсоннинг сиёсий воқеа-ҳодисалар мазмунига кириб, янги билимлар олиши ва уларни тизимга солиши, уларни тушунирувчи янги ғоялар яратиши учун ўзига хос восита бўлиб хизмат қилади.

Сиёсий билимлар сиёсий ҳаётнинг моҳиятини қанчалик теран ва тўғри акс эттирмасин, агар инсон ўз назарий ва амалий фаолиятида улардан тўғри фойдалана олмаса, улар оддий маълумотлар тўплами бўлиб қолаверади. Ривожланган сиёсий тафаккур қобилияти инсонга тўғри ҳулқ-атвор тарзини, сиёсий қураш тактикаси ва стратегиясини ишлаб чиқиш имконини беради.

Сиёсий маданиятнинг ушбу элементи икки муҳим хусусиятга эга. *Биринчидан*, сиёсий фикрлаш қобилияти бу сиёсий воқеалар ва ҳодисаларни инсон онгида акс эттирувчи асосий тушунчаларни билишгина эмас, балки уларни «ўзлаштириш», яъни уларнинг ҳар бирининг ортида сиёсий ҳаётнинг реал жараёнларини кўриш, уларни бошқара олиш демакдир. Сиёсий тафаккурнинг ўзига хос жиҳати шундаки, унга эга бўлган одам у ёки бу сиёсий тушунчаларни шунчаки билиб қолмай, сиёсий ҳаётни тушуниб етиш учун улардан фойдалана олади, улар ёрдамида сиёсий фаолиятнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаб, сиёсий кучлар нисбатини таҳлил қилиб, муайян вазиятни баҳолай олади.

Иккинчидан, сиёсий тафаккур қобилияти дунёни билиш усулини, илмий фикрлаш усули ва диалектикани билиш ҳамда уни амалда қўллай олиш демакдир. Диалектик фикрлай оладиган шахсгина сиёсий тафаккурга эга бўлади. «Сиёсат соҳасида диалектик мантиқ принциплари жуда катта аҳамият касб этади, чунки сиёсий воқелик ўта мураккаблиги, зиддиятлилиги ва жўшқинлиги билан ажралиб туради»³.

Шундай қилиб, сиёсий тафаккур сиёсий маданиятнинг таркибий қисми сифатида шахснинг ижтимоий воқеликни билиш усули (воситаси) орқали намоён бўлишни ифодалайди. У билимни реал ҳаракатга айлантириш соҳасидаги муҳим қадам сифатида ижтимоий-сиёсий би-

¹ Қаранг: Копнин П. В. Идея как форма мышления. — Киев, 1963. — С. 88.

² Ўша жойда. — 93-б.

³ Красин Ю. А. Некоторые вопросы методологии политического мышления // Международные отношения, политика и личность. — М., 1976. — С. 18.

лимлар, доктриналар, назариялар билан боғлиқ. Сиёсий тафаккур умуман тафаккурнинг универсал усуллари билан боғлиқ бўлиб, шахснинг умумий дунёқараш позициясига, у қўллайдиган қадриятларга таянади.

Сиёсий тафаккур маънавий-назарий билим ва, умуман, оқилона тафаккур элементи сифатида сиёсий ҳис-туйғулар билан узвий боғлиқ. Аммо бу ерда биз илмий сиёсий билимларга асос солган стихияли, ҳиссий ҳис-туйғуларни кўрмаймиз. Бу сиёсий ҳаёт ҳодисаларини аниқ ва қатъий билиш негизидаги сиёсий ҳис-туйғуларнинг янги даражасидир. Бунда шахс у ёки бу сиёсий ҳис-туйғуларни оқилона тушунтириши ва таҳлил қилиши мумкин. Натижада улар маъноли, онгли, англаб етилган ҳис-туйғуларга айланади.

Бошқа томондан, сиёсий тафаккурнинг ўзи ҳам эҳтиросларга бой. Сиёсий ғояларни одамлар, айтилиқ, геометрия теоремаларини қабул қилгандек, эҳтироссиз, бефарқ қабул қилишлари мумкин эмас. Отабоболаримизнинг мустақиллик учун қаҳрамонона кураши, тинчлик учун кураш ёки, масалан, Сталин мустабид тузумининг қатағонлари ҳақида совуққонлик билан, ҳаяжонсиз гапириб бўлмайди. Бу ерда ҳис-туйғу, фикр ва ақл диалектик жиҳатдан бир-бири билан уйғунлашиб кетади.

Инсоннинг сиёсий воқеликни тушуниши сиёсий билимнинг барча шаклларида у ёки бу даражада аниқлик ва теранлик билан ўз аксини топади. Улар биргаликда сиёсий маданиятнинг ғоявий мазмунини, уни ташкил этувчи барча элементларнинг ғоявий негизини ташкил қилади.

Сиёсий маданиятни ўзлаштириш учун сиёсий ахборот ва билимларнинг сони эмас, балки сифати муҳим. Ҳозирги кунда деярли ҳар бир одам муайян ахборот ва билимларни жамловчи соҳибга айланган. Бу билимларни у бевосита сиёсий ҳодисаларга бой реал ҳаётдан, уларнинг иштирокчиси ёки шунчаки замондоши сифатида, қудратли оммавий ахборот воситалари, газета ва журналлар, телевидение ва Интернет компьютер тармоғи орқали олади. Аммо сиёсий маданият тарқоқ билимлар йиғиндиси эмас. Унда воқеликни тартибли тушуниш, унинг ҳодисалари моҳиятини теран англаб етиш йўли билан олинган билимлар зарур. Шунинг учун ҳам сиёсий маданият сиёсий билимларни ифодалаш маданияти, уларнинг ривожланиш даражаси, бир тизимга солинганлик ва англаб етилганлик даражасини акс эттиради. Сиёсий маданият ўтмишнинг илғор сиёсий тафаккуригагина эмас, балки жаҳон маданиятининг ютуқларига ҳам асосланади.

Аммо назарияни билиш китобий, юзаки бўлиши ҳам мумкин. Сиёсий маданият билимдан эътиқодларга қараб боради, умуман эса — шахснинг (гуруҳнинг) сиёсий эътиқодларига кўра иш тутади¹.

¹ Батафсил маълумот учун қаранг: *Иванов В. Идеология: характер и закономерности развития.* — М., 1977; *Социология и идеология.* — М., 1969; *Ядов В. А. Идеология как форма духовной деятельности.* — М., 1961; ва бошқ.

Билим, ҳис-туйғу ва иродани бирлаштирувчи «эътиқод», «ишонч» тушунчаси ҳар хил маънода қўлланади. Биринчидан, шахсга ёки шахслар гуруҳига таъсир кўрсатиш усули, уларнинг фаолиятини тартибга солишга эришганлик эътиқод деб аталади («мен уни ишонтирдим»); иккинчидан, эътиқод, ишонч — онг элементи; учинчидан, эътиқод, ишонч — инсон онгининг маълум ҳолати («у ўзининг ҳақлигига ишончи комил»). У ёки бу субъект муайян ижтимоий ҳодисалар ҳақида озми-кўпми мукамал билимларга эга бўлиши мумкин, бироқ билимлар унинг фаолият усулига ва дастурига ўтган, даъваткор кучга, яъни эътиқод, ишончга айланган тақдирдагина сиёсий маданият функционал тизимининг элементига айланади. Сиёсий маданиятнинг инсонни яратувчи моҳияти эътиқодда тўлақонли рўёбга чиқади, зеро, эътиқод субъектнинг ўзи ҳосил қилиши мумкин бўлган фаолиятдан ташқарида мавжуд бўлмайди.

Эътиқод субъектнинг фикрлаш усули, дунёқараш билан узвий боғлиқ. Чинакам эътиқод фақат фаол ижодий, диалектик фикрлаш ва дунёқараш натижасида шаклланиши мумкин. Шу билан бирга, эътиқодлар бевосита — сўз шаклида эмас, билвосита — фаолият хусусияти ва усулларида намоён бўлади. Эътиқод шахснинг амалий фаолиятга тайёрлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, сиёсий эътиқод сиёсий маданиятнинг элементи бўлиб, субъектнинг сиёсий ғояларни ўзлаштирганлиги даражасини, унинг мазкур ғояларга муносабатини, уларни рўёбга чиқаришга йўналтирилган ҳаракатга тайёрлигини ифодалайди. Ғоявий эътиқод — фаол ҳаётини позициянинг негизи: усиз сиёсий маданият бўлмайди. Аммо сиёсий маданиятни ўзлаштириш эътиқоднинг шаклланиши билан тугамайди. Эътиқод сиёсий фаолият эмас, балки сиёсий фаолиятга тайёрликдир. Муваффақиятли сиёсий фаолият учун кўникма ва маҳоратга эга бўлиш лозим. Уларнинг йўқлиги муқаррар равишда мағлубиятга олиб келади.

Кўникма ва маҳорат фақат билим эмас (билимсиз улар бир ёқлама, эмпирик хусусиятга эга бўлади), амалий тажрибани ҳам талаб этади, зеро улар фақат фаол амалий фаолият жараёнида вужудга келади.

Демак, юксак сиёсий маданиятни ўзлаштириш томон ҳаракатнинг иккинчи босқичи назариядан амалиётга, билимдан уни амалда татбиқ этишга ўтиш босқичи ҳисобланади.

Шу ўринда сиёсий маданиятга сиёсий фаолиятни ҳам киритиш тўғри бўладими, деган савол туғилади. Ахир сиёсий маданият сиёсий фаолиятнинг хусусияти-ку!? Хўш, бу ҳолда сиёсий фаолиятга қандай қилиб сиёсий маданиятнинг элементи деб қараш мумкин?!

Шунинг учун ҳам бир қатор муаллифлар сиёсий маданият тизимидан реал сиёсий фаолиятни бутунлай чиқариб ташлаганлар, сиёсий мада-

нийатни эса маънавий маданият элементи деб талқин этганлар¹. Бизнингча, бу тўғри ёндашув эмас. Шу билан бирга, сиёсий маданиятга бутун сиёсий фаолиятни механик тарзда киритиш бир қатор зиддиятларга олиб келишини ҳам қайд этиб ўтиш лозим. Фақат реал одамлар фаолияти, авваламбор ижтимоий-сиёсий фаолият сиёсий маданият эришган даражани очиб беради. Сиёсий фаолият фақат ўзининг маданий жиҳати билан сиёсий маданиятнинг таркибий қисми бўлиб хизмат қилади. Инсон ўзлаштирган сиёсий фаолият тажрибаси унинг фаолиятида қай даражада ўз аксини топган бўлса, унинг сиёсий маданияти шу даражада ривожланган бўлади. Ушбу нуқтаи назардан қаралган реал ижтимоий-сиёсий фаолият бутун сиёсий маданият тизимининг муҳим ўзаги ҳисобланади. Бу ерда амалиёт назарий билишдан устун туради, шу билан бир вақтда унинг мезони ва негизи ҳисобланади.

Реал ижтимоий-сиёсий фаолият сиёсий маданиятни рўёбга чиқариш жабҳасидир. Мазкур маданиятни ўзлаштириш даражаси айнан шу жабҳада намоён бўлади, сиёсий маданият айнан шу қадриятлар, нормалар ва институтларда, сиёсий бошқарувнинг ўзида моддийлашади.

Шу билан бирга, сиёсий маданият фаол амалий фаолият жараёнида вужудга келади ва шаклланади. Юқорида биз сиёсий маданиятнинг ҳар бир элементи айнан фаол ижтимоий-сиёсий фаолиятда шаклланишини кўрсатишга ҳаракат қилдик. Ҳеч қандай назарий қоида шахсий ижтимоий тажрибанинг ўрнини боса олмайди, сиёсий бошқарув билими ва кўникмаларини фақат китоб ўқиш ва маърузаларга қатнаш йўли билан ўзлаштириб бўлмайди. Шунинг учун ҳам бугун бошқарувда, сайлаб қўйиладиган органларнинг, маҳалла қўмиталарининг ишида ҳар бир фуқаронинг иштирок этиши ниҳоятда муҳим. У сиёсий фаолликнинг ёрқин намоёишидир.

Амалий фаолиятнинг ҳар бир янги босқичи одамлар олдида ўз билимлари, кўникмалари ва ижтимоий тажрибасини янада ривожлантириш ва бойитиш вазифасини қўяди. Жараён яна бошидан бошланади. Сиёсий маданият жамиятда шундай амал қилади.

Тўғри, биз таклиф қилган сиёсий маданият субстанционал ва функционал элементларининг асосланган тузилиши ягона мумкин бўлган тузилиш эмас, аммо, бизнингча, айнан шу принципга риоя этиш унинг асосий элементларини нисбатан тўлиқ қамраб олиш имконини беради.

Сиёсий маданиятни структуралаштиришнинг яна бир принципи унда долзарб ва махсус қисмларни ажратишга асосланади. Сиёсий маданиятнинг ҳар бир жамият аъзоси, касби ва мансабидан қатъи назар, ўзлаштириши мутлақо зарур бўлган қисми *долзарб сиёсий маданият* деб аталади. Уни ҳар бир маданиятли одам ўзлаштириши зарур. *Махсус сиёсий*

¹ Қаранг, масалан: Арнольдс А. И. Предисловие // Духовная культура в обществе. — М., 1989. — С. 11–12.

маданият сиёсий фаолият билан шуғулланувчи ҳар бир шахс учун мажбурийдир. Маданиятнинг бу икки қисми ўртасидаги чегара нисбий, албатта. Сўнгги даврда долзарб маданият ҳажми жуда кўпайди. Раҳбарлар, бошқарув фаолияти билан шуғулланувчи шахсларнинг сиёсий маданиятига қўйиладиган талаблар бундан буён ҳам юксак бўлиб қолишига шубҳа йўқ, бинобарин, сиёсий маданиятни долзарб ва махсус турларга ажратиш ўз аҳамиятини йўқотмайди.

Сиёсий маданият элементларининг барқарорлиги ва функционал аҳамияти даражаси ҳар хил. Буни назарда тутиб, америкалик социолог У. Розенбаум сиёсий маданият ўзагининг қисмларини, яъни «миллатнинг сиёсий тартиби»ни шакллантиришда асосий ўрин тутувчи элементлари ва ҳодисаларини ажратишни таклиф қилади. У айни жамиятнинг сиёсий маданияти ҳақида зарур тасаввур ҳосил қилиш имконини берувчи қарашларни уч асосий туркумга ажратади. Булар: ҳукумат тузилмаларига доир қарашлар; бошқа сиёсий тизимларга доир қарашлар; шахсий сиёсий фаолиятга доир қарашлар¹.

Биринчи туркумга «тузумга доир қарашлар», яъни асосий ҳукумон институтлар, уларнинг рамзлари, расмий шахсларига доир қарашлар кирази.

Иккинчи туркум «сиёсий идентификациялар»ни, яъни субъектнинг ўзини маълум миллат, халқ, давлат, шаҳар, қишлоқ, жуғрофий минтақага тенглаштириши, унинг тарихий рамзларини, сиёсий жараёнда ўзаро алоқа қилувчи шахслар, гуруҳларга нисбатан «сиёсий ишончи»ни, шунингдек сиёсий муносабатлар ва жараёнлар субъекти амал қилиши лозим бўлган «ўйин қоидалари»ни ўз ичига олади.

Учинчи туркум «сиёсий омилкорлик», сиёсий ҳаётда фуқароларнинг иштироки, «сиёсий самарадорлик», сиёсий жараёнга таъсир кўрсатиш имкониятини ҳис қилиш кабиларни қамраб олади.

У. Розенбаумнинг таснифи сиёсий маданият айрим қисмларининг қиймати ва аҳамиятини очиб беради. Шу билан бирга, америкалик олим сиёсий маданиятни ҳосил қилувчи элементлар таҳлил қилиниши лозим бўлган майдонни тўлиқ кўриб чиқмаган.

Сиёсий маданият чегараларини аниқлашда сиёсий муносабатлар соҳасига татбиқан у ҳамма жойда иштирок этиши билан таърифланишидан келиб чиқиш лозим. Сиёсий маданият сиёсий жараён иштирокчилари ўртасидаги муносабатлар мажмуига сингиб кетган. Бошқача айтганда, бу муносабатлар маълум ижтимоий-маданий мазмун билан суғорилган бўлиб, уларда мазкур ҳодисалар таъсирининг изларини кўриш мумкин.

Нима учун бу ерда айнан муносабатлар ҳақида гап кетаяпти? Бу саволга, бизнингча, россиялик сиёсатшунос Э. Я. Баталов ишончли жа-

¹ Қаранг: Rosenbaum W. Political Culture. — New York, 1975. — Р. 6-7. (Интернетдаги русча таржимасидан фойдаланилди).

воб берган. Унинг фикрича, сиёсий муносабатлар «маданиятни намоён этиш шаклигина эмас, балки унинг мавжудлик усули ҳамдир. Маданият, шу жумладан сиёсий маданият буюмларда зоҳир бўлмайди. Буюмлар моддийлашган, жонсиз ёки, таъбир жоиз бўлса, *консервацияланган* маданиятдир. У абадий яширин ҳолатда қолиши мумкин. Маданият бошда, миянинг асаб ҳужайраларида бўлмайди. Маданият фаол субъектлар ўртасидаги муайян, жонли, тинимсиз йўқолиб ва яна пайдо бўлиб турадиган муносабатлардир. Бундай муносабатларсиз маданият ҳам бўлмайди. Муносабатлар чекланган бўлса, маданият ҳам чекланган бўлади. Шунинг учун ҳам бой маданий меросга эга, аммо фуқаровий ва сиёсий ҳаёти қашшоқ миллатнинг маданий ҳаёти содда, ривожланмаган бўлади»¹.

Сиёсий маданиятни структуралаштиришда икки ҳолатни эътиборга олиш лозим. Биринчидан, бу ўринда гап сиёсат ёки сиёсий фаолиятнинг тузилиши ҳақида эмас, айнан сиёсий маданиятнинг тузилиши ҳақида кетаётганини ҳамиша ёдда тутиш зарур. Иккинчидан, сиёсий маданиятнинг тузилишини таҳлил қилишда яхлит бир бутун ҳодисанинг элементлари ҳақида гап кетаётганини назарда тутиш керак. Бу яхлитлик ва бирликни эътиборга олмаслик унинг у ёки бу элементларини мутлақлаштиришга олиб келади.

3.2. Сиёсий маданият ва сиёсий анъаналар

Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиётига асосланган ҳўжалик юритиш усулларига ўтиш, ҳўқуқий демократик давлат қуриш йўлидан бориш ва мамлакатда фуқаролик жамиятини изчил шакллантириш фалсафий таҳлил предмети сифатида жамиятнинг сиёсий маданияти муаммосини янада долзарб қилиб қўйди. Ижтимоий жараёнларнинг жадаллашиши, ҳақиқий плюрализм ва кўп партиявийликнинг вужудга келиши сиёсий маданият мазмунининг талқинида туб ўзгаришлар содир бўлишига олиб келмоқда.

Сиёсий маданиятни ўрганишнинг муҳимлиги умуминсоний қадриятларни эътиборга олмасдан бирон-бир жиддий масалани кўриб чиқиб бўлмаслиги билан изоҳланади.

Сиёсий маданият анъана, миллий мерос, жуғрофий-сиёсий омил, тарихан вужудга келган ижтимоий ва этник тузилиш, диний эътиқод кабилар қамраб олувчи ижтимоий-тарихий негизнинг таркибий қисмидир. Уларнинг барчаси ҳал қилувчи асослар бўлиб хизмат қилади. Инсонлар ўз сиёсий тарихининг яратувчиси эканлиги маълум, аммо улар бу тарихни ўзбошимчалик билан эмас, балки ўзлари бевосита яшовчи, ўзларига мерос қолган шароитларда яратадилар. Ўтган авлодларнинг

¹ Баталов Э. Я. Политическая культура: понятие и феномен // Политика: проблемы теории и практики. Вып. 7. Ч.2. — М., 1990. — С. 127.

анъаналари умргузарон этаётган авлод тафаккури ва фаолиятини йўлга солади. «Хатто инқилобий янгиланишлар содир бўлган жойда ҳам вужудга келган янги тузум бундан олдинги тузумдан келиб чиқади ва жамиятнинг тарихий анъаналари яшашда давом этади. Ўзгараётган шароитларда жамиятнинг сиёсий маданиятида юзага келувчи қадриятлар ва ривожланиш намуналари янги мазмуннинг ифодаси бўлиши мумкин»¹, — деб қайд этади украиналик сиёсатшунос Б. В. Шиндеров.

Сиёсий маданият инсон фаолиятининг ўзига хос соҳасидир. У фақат эркин, тенг ҳўқуқли ва масъулиятли индивидлар ўртасида бўлиши мумкин. Сиёсий маданият доирасида инсон идеаллар ва қадриятларни англаб ётади ва танлайди; шунчаки билимларни ўзлаштириш асосида эмас, балки шахсий ҳаётий тажрибани тушуниб етиш ва бошдан кечириш асосида ўз олдида мақсадлар қўяди. Ўз тақдири ҳақида қайғуриш билим ва қадриятларни излашга туртки беради. Сиёсий маданият турмушнинг маълум соҳаси сифатида тафаккур, билим ва ҳис-туйғуни бирлаштиради. Сиёсий маданият ижтимоий ҳаётни яратиш муаммоси, шахснинг ўз тақдирини ўзи белгилашининг ички негизи сифатида виждонга эга бўлиш жараёнидир. «Виждон» — маънавий тушунча, маънавият эса — шахснинг сиёсий маданияти даражасини аниқловчи ўзига хос мезон. Сиёсий маданиятнинг ҳимоя функцияси мана шундадир.

Сиёсий маданият бошқариш мураккаб бўлган, шунинг учун ҳам мунтазам ўрганишни талаб этувчи жараёндир. Сиёсий маданиятнинг ижтимоий-фалсафий хўсусиятларини таҳлил қилмасдан ички белгилувчи омилларни, шахслар, ижтимоий гуруҳлар ҳўлқ-атворининг мантиғини тушуниш, бинобарин, уларнинг давлатга, жамиятга, ислоҳот жараёнларига муносабатини башорат қилиш мумкин эмас.

Сиёсий маданиятни ичдан уюштирилган ва структуралаштирилган, одамлар ижтимоий фаолиятининг ҳар хил турлари билан ўзаро боғланган яхлит тизим сифатида ўрганиш тўғри бўлади.

Сиёсий маданият жамият маданиятининг таркибий қисми сифатида давлат ва жамиятда сиёсий ҳўкимиятнинг вужудга келиши, тақсимланиши ва фаолият кўрсатишига муносабатни ифодалайди. Сиёсий маданият турли ижтимоий гуруҳлар, ижтимоий бирликлар, алоҳида индивидларнинг муносабатларини, уларнинг сиёсий ғўялар ва қадриятларни ҳамда сиёсий анъаналарни англаб етиши ва ҳар хил даражада ўзлаштиришини, уларни рўёбга чиқариш шакллари ва усуллари ҳамда улар билан боғлиқ сиёсий фаолиятнинг турли вариантларини ўз ичига олади. Сиёсий маданият умумлашган ва, шу билан бирга, ичдан табақалашган, мавжуд сиёсий вазият, ҳалқнинг, мамлакатнинг тарихий тараққиёти, миллат ва элатларнинг менталитети билан боғлиқ ҳодисадир.

¹ Шиндеров Б. В., Байрак И. Р., Сапрыкин А. Г., Яремченко Б. П. Основы политологии. — Киев, 1992. — С. 159.

«Сиёсий анъаналар» сиёсий маданиятнинг моҳияти, тузилиши ва мазмуни ҳақида фикр юритиш имконини берувчи асосий қадриятлардан биридир.

Анъаналар ихчам жамоа, табақа, гуруҳ ёки элатнинг бутун ҳаётий фаолияти жараёнини белгилувчи жамоавий хотирада мустаҳкамланган ҳаракатлар ва хулқ-атвор, муносабатлар ва қарашлар стереотипларидир¹. Сиёсат соҳасида анъаналар сиёсий маданиятнинг бошқа элементлари билан ўзаро муносабатга киришади ва инсониятнинг бу соҳадаги тараққиётини таъминлайди.

Сиёсий анъаналар сиёсий тажриба, урф-одатлар, тасаввурлар, нормалар, қадриятлар ва институтларни авлоддан авлодга ўтказиш шаклидир. Авлоддан авлодга ўтувчи анъаналар одамларга табиий ва ижтимоий муҳит шароитларига мослашиш имконини беради. Бундай мослашиш негизида узоқ даврлар мобайнида *этнослар* деб аталувчи одамлар жамоалари вужудга келади. Этнослар атроф муҳит шароитларига ўзига хос хулқ-атвор андозалари — стереотипларни яратиш орқали мослашади. Бу стереотиплар авлоддан авлодга ўтади ҳамда ҳар янги авлодда атроф муҳит ҳолатининг ўзгариши билан бирга ўзгариб боради. Стереотипларнинг авлоддан авлодга ўтиши ва ўзлаштирилиши анъаналарни ҳосил қилади. Бир этнос бошқа этнодан ўзлаштирган стереотипларига қараб фарқланади. Бир тарихий тақдир билан боғланган этнослар мажмуи суперэтнос деб аталади.

Давлат, ҳокимият институтларининг мажмуи сифатида, этник тизимлар барқарор яшашининг шарти бўлиб хизмат қилади. Давлатнинг маълум тарихий шакллари этник стереотиплар тегишли комплекслари пайдо бўлиши ва заволи топиши билан вужудга келган ва барҳам топган. Аммо эски институтлар ҳам, худди эски стереотиплар сингари, исиз йўқолмай, балки янги этник-сиёсий тизимларда ўзгарган шаклда сақланиб қолган. Сиёсий институтлар ва стереотиплар одамларга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлади ҳамда сиёсий ижтимоийлашиш — ўтган авлодлар яратган нарсаларнинг янги авлодлар томонидан ўзлаштирилиши жараёнида авлоддан авлодга ўтади.

Сиёсий кичик система катта ижтимоий тизим доирасида мақсадга эришиш, одамларнинг биргаликдаги ҳаётида маълум тартибни сақлаш функцияларини бажаради. Бу одамларга ўз индивидуал ва жамоавий фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда ўз ихтиёрларида мавжуд ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлаш имконини беради. Сиёсий анъаналар давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг фаолияти ва ўзгариши хусусиятига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Ҳар қандай мамлакатнинг сиёсий тизими фақат мазкур мамлакатнинг сиёсий анъа-

¹ Қаранг: *Кожин П. М.* Традиции в системе этноса // Этнографическое обозрение. — М., 1997. — С. 6.

наларига мувофиқ яратилган ва ривожланган, яъни мамлакат аҳолисининг сиёсий онги ва хулқ-атворида қарор топган стереотипларни эътиборга олган тақдирда барқарор ва самарали бўлиши мумкин. Барча халқлар ўзича беназир ва бетакрор бўлганидек, улар яратадиган сиёсий тизимлар ҳам бетакрордир. Бу фикрнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш учун тарихан боғланган сиёсий тизимлар — АҚШ ва Буюк Британия сиёсий тизимларини таққослаш кифоя¹. Сиёсий институтлар халқнинг сиёсий анъаналарига мувофиқ шаклланиши ва ислоҳ қилиниши лозим, акс ҳолда халқ уларни ўзлаштириб, ўз ҳаётий муаммоларини ҳал қилиш учун улардан фойдалана олмайди, худди шунингдек, бу институтлар у ёки бу йўлни амалга оширишда халқ томонидан қўллаб-қувватланмайди. Давлат тузилиши шакллари бошқа халқлардан олишга уринишлар эса одатда муваффақиятсиз тугайди.

Анъаналар бир мамлакатни бошқасидан ажратиб туради, унинг вужудга келиши ва тарихий йўлидаги ўзига хосликларни ифода этади. Масалан, америкаликлар ҳаёт тарзининг марказлаштирилган эмас, балки маҳаллий давлат бошқарувига асосланиши бу ерда давлатчилик жамоадан бошланганлиги билан изоҳланади. Аммо бу ташкилот шаклини европалик илк кўчманчилар ёввойи ҳиндулардан олганлар. Бу модель кейинчалик иттифоққа бирлашган Америка штатларининг вужудга келиши бошланган минтақадаги яшаш шароитларига кўпроқ мос келган.

Сиёсий анъаналар нисбатан кам ўрганилган муаммолар жумласига киради. А. А. Багавеев, Л. В. Сморгун, Э. А. Баллер, Э. С. Маркарян ва бошқаларнинг асарларида сиёсий маданиятни таҳлил қилиш жараёнида сиёсий маданиятда анъаналарнинг ўрни ва аҳамияти ҳақидаги бир қатор қоидалар асослаб берилган.

Илмий адабиётда сиёсий анъаналар ҳақида гап кетганида кўпинча сиёсий маданиятга нисбат берилади². Бу уларнинг таҳлилига маълум даражада самарали ёндашувдир. Бошқаларнинг фикрича, сиёсий маданият, юқорида қайд этиб ўтилганидек, турли сиёсий субъектларни таърифлаши мумкин.

Биринчи ҳолда сиёсий маданият индивиднинг сиёсий ҳодисалар, ўз хулқ-атвори, сиёсий жараён иштирокчиси сифатидаги фаолияти ҳақидаги тасаввурларидир. Иккинчи ҳолда сиёсий маданият сиёсий тажриба тўплаш ва уни рўёбга чиқариш механизмларини ташкил этувчи сиёсий фаолият шакллари тизимидир. Бу жиҳатдан В. И. Максименко берган таъриф эътиборга молик. Унинг фикрича, сиёсий маданият «сиёсий хулқ-атвор ва ҳокимиятнинг идрок этишнинг тарихан юзага келган ва ижтимоий жиҳатдан қонунийлаштирилган... стереотиплари мажмуидир»³.

¹ Қаранг: Страны мира. Факты и цифры. — М., 2000. — С. 35, 157.

² Қаранг: *Багавеев Р. А.* Политические традиции как фактор формирования и развития политической культуры трудящихся: Автореф. дис. ... канд. филос. наук. — Казань, 1987.

³ *Максименко В. И.* Востоковедная политология в поисках своего предмета // Политические отношения на Востоке: общее и особенное. — М., 1990. — С. 28.

Сиёсий маданият ва сиёсий анъаналар нисбатига «анъана» тушунчасининг маъносидан келиб чиқиб баҳо бериллади. Бундай талқинлар жуда кўп. Анъана ҳажмига кўра маданиятга яқин. «Маданият ва анъана ўртасига маълум даражада тенглик белгисини қўйиш мумкин. Аслида бу битта нарсани: ижтимоий фаолиятнинг тарихан вужудга келувчи ва ноирсий йўл билан ўтувчи тартибга солувчисини белгилашнинг турли усуллари»¹.

Иккинчи томондан, анъана маданий мероснинг алоҳида элементи сифатида намоён бўлади. Дастлабки ёндашувда сиёсий маданият ва сиёсий анъаналарнинг маълум даражада айниқлиги ҳақида гапириш мумкин. Такрор ёндашувда эса сиёсий анъаналар сиёсий маданиятнинг муҳим функцияларни бажарувчи таркибий қисми эканлиги маълум бўлади.

Сиёсий анъаналарни икки жиҳат — статистик ва динамик жиҳатлар — бирлигида ўрганиш таклифи эътиборга молик. Мазкур бирликда сиёсий анъаналар сиёсий маданиятнинг функционал элементига айланади, улар сиёсий тажрибани тўхтатиб қўяди ва сиёсий маданиятда объективлашган сиёсий тажрибани мустаҳкамлайди сиёсий фаолиятни амалга ошириш усули бўлиб хизмат қилади.

Сиёсий анъаналар сиёсий маданиятнинг барча таркибий қисмларида мавжуд бўлиб, бу ҳол сиёсий анъаналарни *туркумлаш* имконини беради. *Умумий туркумлаш усулига кўра* сиёсий ташкилотлар, сиёсий муносабатлар ва сиёсий онг анъаналарини ажратиш мумкин. *Ташкилий усулига кўра*, институтлашган ва институтлашмаган анъаналар фарқланади. *Сиёсий анъаналарнинг фаолият кўрсатиш даврига қараб* — тарихий ва потенциал, *тарихий жараёндаги ролига қараб* — илғор ва зугум ўтказувчи, *сиёсий ҳокимият ва бошқарувни амалга ошириш усулига қараб* — демократик ва аксилдемократик, *универсаллик даражасига қараб* — миллат-лараро ва гуруҳларга доир анъаналар ажратилади ва ҳ. к.

Сиёсий маданият тизимидаги сиёсий анъаналарнинг муҳим хусусиятлари улар бажарадиган функцияларда намоён бўлади. Булар: бошқарув-ташкилий, сиёсий-тарбиявий, маърифий-ахборот; баҳолаш-йўналтириш, ташкилий-сиёсий функциялардир.

Сиёсий анъаналар ўз ҳолича мустақил таъсир кўрсатади. Уларнинг фаолияти учун жамиятда анъаналарни сақлаш, тарғиб ва муҳофаза қилиш усуллариининг мажмуи яратилади ҳамда улар пировард натижада жамият сиёсий маданиятининг даражасини белгилаб беради.

Сиёсий анъаналар турли мамлакатларда ўзига хос таъсир кўрсатади. Аммо сиёсий маданиятни шакллантиришда сиёсий анъаналарнинг аҳамиятига етарли эътибор берилмайди.

Ўзбекистон учун қандай сиёсий анъаналар хос? Булар: оғир даврда жипслашиш ва бирлашиш, сиёсий ворисийлик, тадрижий ўзгаришлар,

¹ Максименко В. И. Востоковедная политология в поисках своего предмета // Политические отношения на Востоке: общее и особенное. — М., 1990. — 10-б.

бошқа мамлакатлар тажрибасини эътиборга олиш, сиёсий марказлашиш, катталарни ҳурмат қилиш каби анъаналардир.

3.3. Сиёсий маданиятни туркумлаш

Барча ижтимоий ҳодисалар сингари, сиёсий маданиятни ҳам турли асосларга кўра туркумлаш мумкин. Умумий кўринишда, мукамалликни даъво қилмасдан, сиёсий маданиятнинг қуйидаги асослари ва турларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

Сиёсат субъектига кўра:

- умуминсоний сиёсий маданият;
- халқ, этнос, цивилизация сиёсий маданияти;
- миллий, минтақавий сиёсий маданият, субмаданият;
- ижтимоий табақа (ишчилар, деҳқонлар, элита, бюрократия, зиёлилар, раҳбарлар) сиёсий маданияти;
- жинс ва ёш билан боғлиқ маданият, ижтимоий-демографик, касбий, диний ва бошқа гуруҳлар сиёсий маданияти;
- шахс сиёсий маданияти.

Сиёсий жараён соҳаларига кўра:

- ҳокимият, бошқарув сиёсий маданияти;
- сиёсий иштирок этиш маданияти;
- сиёсий муҳолафат сиёсий маданияти.

Ҳокимиятни амалга ошириш шакллари ва усуллари кўра:

- демократик сиёсий маданият;
- авторитар сиёсий маданият;
- тоталитар сиёсий маданият;
- ўтиш типига хос сиёсий маданиятлар.

Сиёсатда иштирок этиш хусусиятига кўра:

- фуқаровий, демократик сиёсий маданият;
- табаалик сиёсий маданияти;
- қавмлар сиёсий маданияти.

Сиёсий тизимдаги ўрнига кўра:

- етакчи ёки эргашувчи сиёсий маданият (субмаданият).

Қамраб олиш даражасига кўра:

- оммавий ёки элитар сиёсий маданият.

Сиёсий маданиятларни тавсифлаш учун Фарб мамлакатлари фанида сиёсий маданиятларни фуқароларнинг ўзлари яшайдиган давлатни ривожлантиришнинг бўлғуси концепциясини маъқуллаши ёки маъқулламаслиги нуқтаи назаридан туркумлашга нисбатан ўзига хос ёндашув шаклланди: қутблашган сиёсий маданият ва консессуал сиёсий маданият. Биринчи тилга олинган сиёсий маданият типини «Discordia», иккинчисини эса «Concordia» деб белгилаш қабул қилинган. Бу икки сиёсий маданият

типи ўртасидаги асосий фарқ шундаки, «Concordia»да марказлашишга мойил мўътадил кучлар, «Discordia»да эса — ашаддий ўнг ва сўл радикаллар етакчилик қилади. «Discordia»га қуйидаги хусусиятлар хос:

1) можароларни ҳал қилишнинг расмий ва амалий тартиб-қоидалари мавжуд эмас;

2) ижтимоий гуруҳлар ўртасида бир-бирига нисбатан қаттиқ ишончсизлик мавжуд;

3) ҳукуматлар беқарор ва қисқа муддатли. Табиийки, турли қутбларда бўлган сиёсий маданиятлар, консессуал сиёсий маданиятлардан фарқли ўлароқ, беқарор ва нотурғундир.

Г. Альмонд ва С. Верба «Фуқаролар маданияти» асарида таклиф қилган сиёсий маданиятни туркумлаш усули фанда алоҳида довруқ қозонди. Улар Англия, Италия, ГФР, АҚШ ва Мексика сиёсий тизимларининг асосий қисмлари ва фаолият шакллари таҳлил қилиб ва таққослаб, сиёсий маданиятнинг уч «соф» турини ажратдилар: а) фуқаролар сиёсий ҳаётга қизиқмайдиган *патриархал сиёсий маданият*; б) сиёсий институтларнинг аҳамияти катта ва фуқароларнинг фаоллиги паст бўлган *табаалик сиёсий маданияти*; в) фуқаролар сиёсатда иштирок этишдан ва бунда фаоллик кўрсатишдан манфаатдор эканлигидан далолат берувчи *жўшқин сиёсий маданият*. Муаллифлар сиёсий маданиятнинг мазкур турлари амалда ўзаро алоқада бўлиб, у ёки бу қисмлар етакчилик қилувчи аралаш шаклларни ҳосил қилишини қайд этганлар. Бу параграфда биз Г. Альмонд ва С. Верба таклиф қилган сиёсий маданиятларни туркумлаш усулига батафсил тўхталиб ўтирмаймиз, чунки кейинги бобда сиёсий маданиятларнинг типларига махсус тўхталамиз. Мазкур боб доирасида эса сиёсий маданиятларни типларга ажратиш ҳақида батафсил гапириб ўтамиз.

Сиёсий маданият *сиёсий субмаданиятлар* миқёсида ҳам туркумланади. *Сиёсий субмаданиятлар* деганда, *бошқа ижтимоий объектлар ҳамда, умуман, миллатдан фарқ қилувчи ижтимоий табақалар ва гуруҳлар учун хос бўлган сиёсий қарашлар ва хулқ-атвор моделларининг тизимлари тушунилади*. Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-этниқ, институциявий, ижтимоий-худудий турланиши сиёсий субмаданиятни вужудга келтиради. Шу боис, анъанага кўра, элита, ўрта синф ва қуйи (маргинал) қатламларнинг сиёсий-маданий хусусиятлари ажратилади. Шунга қарамай, сиёсатшунослар субмаданиятнинг ўзига хос хусусиятлари мажмуини ажратишга ҳаракат қиладилар. Америкалик олим Д. Эларнинг фикрича, америка сиёсий маданияти — бу уч сиёсий субмаданият: «индивидуалистик», «моралистик» ва «традиционалистик» сиёсий маданиятлар синтези бўлиб, уларнинг ҳар бири бутун Америка сиёсий маданиятининг асослари — «бозор майдони» ва «ҳамдўстлик» концепцияларини ўзида мужассамлаштиради.

«Сиёсий субмаданият» тушунчаси сиёсатшунослик фанига Г. Альмонд ва С. Верба гоёлари таъсиридаги олимлар томонидан киритилди. Маълум (сиёсий, касбий, этниқ, диний ва бошқа) гуруҳнинг сиёсий қарашлари ва қадриятлари жамиятдаги кўпчиликнинг сиёсий маданияти негизини ташкил этувчи нормалар, қадриятлар ва тасаввурлардан жиддий фарқ қилган ҳолларда сиёсий субмаданият шаклланади.

Жаҳонда умуммиллий сиёсий маданият умуман бўлмаган мамлакатлар ҳам мавжудки, шу сабабли уларда субмаданиятни ажратиш мумкин эмас (масалан, буни турли қабила ва элатлар ўртасидаги зиддият узоқ муддатли можаролар ва ҳатто урушга олиб келган Африка қитъасидаги кўпгина мамлакатлар мисолида кўриш мумкин).

Одатда, мамлакатнинг маълум қисмида (минтақасида) яшовчи аҳоли сиёсий субмаданият ифодачиси ҳисобланади. Масалан, Канаданинг (Квебек провинцияси), АҚШнинг (Луизиана штати) француззабон аҳолиси ва ҳ.к.

Шу билан бирга, худудий белгига қараб эмас, балки диний, ижтимоий-маиший ёки жинсий-ёш белгиларига қараб шаклланган ҳамда давлатларнинг турли минтақаларида тарқалган субмаданиятлар ҳам мавжуд (жумладан, кўпгина радикал гоёлар билан боғлиқ бўлган ва Фарбнинг бир қатор мамлакатларида 60-йилларда тарқалган ёшлар субмаданияти).

Умуман олганда, жамиятда субмаданиятларнинг мавжудлиги нормал ва табиий ҳодиса ҳисобланади, башарти:

1) маълум субмаданиятнинг қадриятлари ва нормалари умуммиллий маданият қадриятлари билан аёвсиз ва ҳал қилиб бўлмайдиган зиддиятга киришмаса;

2) субмаданиятни ифодаловчи гуруҳ бошқа гуруҳларнинг субмаданиятлари ва қадриятларига нисбатан бағрикенглик ва ҳурмат кўрсатса;

3) жамият ва умуммиллий маданият доирасида турли субмаданиятларнинг вакиллари таянувчи умумий қадриятлар ва нормалар мавжуд бўлса (масалан, демократия институтларига, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларига, қонун устуворлигига нисбатан ҳурмат).

Бу шартларнинг бажарилиши жамиятда барқарорликни сақлаш ва жамият аъзоларининг тотувлигини таъминлаш имконини беради.

Жамият худудий, ижтимоий-иқтисодий, этниқ, ёшдаги ва диний белгиларга кўра фарқ қилувчи бирликлардан таркиб топади. Бинобарин, сиёсий маданият ҳам бир турли бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам сиёсатшуносликда сиёсий субмаданиятларнинг алоҳида типлари ҳақида сўз юритилади.

Иқлим ва табиий ресурслар мамлакатнинг турли минтақаларида ҳар хил бўлиши ҳам иқтисодий тафовутларни, одамлар турмуш шароитлари ва даражасини, шунингдек сиёсий маданиятнинг даражасини ҳам белгилаши

мумкин. *Минтақавий субмаданият* мана шу омиллар билан боғлиқ. Минтақанинг иқтисодий йўналиш ҳам унга жиддий таъсир кўрсатади.

Аҳолининг этник гуруҳлари сиёсий маданиятига миллий ўзликни англаш, тил ва анъаналар ҳам таъсир кўрсатади. Бундай *этнологистик субмаданиятларда* миллий, этник қадриятлар ва манфаатлар сиёсий қадриятлар ва манфаатлардан устунлик қилади.

Сиёсий маданият ҳодисасини кўриб чиқар эканмиз, Ўзбекистон сиёсий маданиятининг ўзига хос жиҳатларига алоҳида эътибор қаратамиз. Бу маданиятнинг хусусиятини кўп жиҳатдан республиканинг ривожланиш йўналиши белгилаб берган. Ўзбекистонда унинг кўп асрлик тарихи давомида ўзига хос сиёсий маданият шаклланигани қайд этиб ўтиш лозим. Бу қуйидаги омиллар таъсирида содир бўлган:

1) республиканинг ўзига хос жуғрофий-сиёсий ўрни, — ўтмишда ўлкамизга қилинган босқинчилик урушлари, узлуксиз уруш таҳдиди ёки мустамлака зулми натижасида ўзбекистонликларда сиёсий онг Ғарбдагига нисбатан ўзгача шаклланди;

2) ислом дини анъаналари ва маданияти таъсирида жамоавий турмуш тарзи ва шакллари кўпроқ ривожланди;

3) мустабид шўро тузуми давридаги маъмурий-буйруқбозлик таъйиқи ва чеклашларнинг натижаси ўлароқ жамият кундалик турмуш муаммоларини ҳал қилишда ўзини ўзи бошқариш ва ўзини ўзи тартибга солиш кенг ривож топмади. Шу билан бир вақтда, уруш ва бошқа фалокатлар даврида уларни бартараф этиш учун жипслашиш ва ўз кучларини сафарбар этиш қобилияти анча тўлиқ шаклланди. Бундай қобилият, Ватан ҳимояси учун сафарбарлик туйғуси, сўнгги вақтларда, масалан, Тошкент шаҳрида 1999 йил 16 февралда юз берган террорчилик ҳаракатлари чоғида, 2000 йилда Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари чегараларини бузишга уринган террорчи жангарилар бегодликлар содир этган кезларда, 2004 йил 28—30 мартда Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида мудҳиш террорчилик ҳаракатлари юз берган чоғда айниқса яққол намоён бўлди. Ўзбекистон халқи мана шундай таҳликали давларда мамлакат Президенти Ислам Каримов илгари сурган «Ўз уйингни ўзинг асра!» деган ғояни ҳаётий шиорга айлантириб, ғаламис душманларни даф этишга бутун сиёсий иродасини, маънавий салоҳиятини сафарбар этди.

Юқорида кўрсатилган ва бошқа бир қатор омилларнинг таъсири Ўзбекистон сиёсий маданиятининг қуйидаги умумий хусусиятларини белгилаб берди:

биринчидан, алоҳида шахс манфаатларининг жамият ва давлат манфаатларига ҳамоҳанглиги;

иккинчидан, ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда давлатнинг ва жамиятнинг ҳал қилувчи роли эътироф этилиши;

учинчидан, ҳокимиятга анъанавий ҳурмат муносабатининг мавжудлиги, раҳбарларнинг маънавий қиёфасига юксак талаблар қўйиш; тўртинчидан, парламент ва бошқа вакиллик органларининг ижтимоий ҳаётдаги ролига эътиборли муносабатнинг мавжудлиги;

бешинчидан, деярли барча сиёсий партияларнинг вакилларига хос бўлган ўз ғоя ва принципларининг тўғрилигига қаттиқ ишонч.

Ҳозирги замон Ўзбекистон сиёсий маданиятининг хусусияти шундаки, унда илғор фуқаролик маданиятининг элементлари теран илдиз отмоқда, жадал ривожланмоқда; сиёсий партиялар парламент доирасида ўз мақсадларига эришиш ҳамда баҳслашиш маданиятини ўзлаштирмоқдалар. Шу маънода сиёсий маданият юртимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг муҳим омилидир.

IV боб. СИЁСИЙ МАДАНИЯТЛАРНИНГ ТИПЛАРИ

4.1. Сиёсий маданиятни типларга ажратиш

Сиёсий маданият ҳодисасини тушунишда унинг **типологияси** алоҳида аҳамият касб этади. Зотан, у ўз мазмунига кўра эмпирик сиёсий маданиятларни ажратишга кўмаклашади ва муайян идеал, мукаммал моделга нисбатан уларнинг ҳолатини аниқлайди. Сиёсий маданиятни турли асосларга кўра типларга ажратиш мумкин. Г. Альмонд ва С. Верба «Фуқаролар маданияти» китобида таклиф этган типология классик типология деб эътироф этилган. Улар бир қатор мамлакатларнинг сиёсий тизимларини таҳлилдан ўтказиб ва таққослаб, сиёсий маданиятнинг учта «соф» типини ажратиш кўрсатганлар. Қуйида уларга батафсил тўхталамиз.

1. **«Парохиял» сиёсий маданият** (parochial culture) баъзан анъанавий, патриархал деб ҳам аталади). Сиёсий маданиятнинг бу типи аҳолининг сиёсий тизимдан буткул узилиб қолганлиги, у ҳақда ҳеч қандай билимга эга эмаслиги билан ажралиб туради. Бундай жамиятларда ихтисослашган сиёсий роллар мавжуд эмас, асосий «актёрлар» (доҳийлар, шомонлар ва бошқалар) ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам диний функцияларни бажарадилар. Бундан ташқари, аҳолининг сиёсий, иқтисодий ва диний йўналишлари табақалаштирилмайди. Ҳудудий ва ижтимоий-маданий айнанлаштириш устунлик қилади: шахс ўзини, авваламбор, маҳаллий жамоа (қавм, қишлоқ ва шу қабилар)нинг бир қисми деб билади.

Патриархал маданият соҳиблари сиёсий тизимдан ҳеч нарса кутмайди. Жумладан, Африканинг марказлашган қабила ва князликларида сиёсий маданият асосан патриархал бўлиб, бу жамиятларда бирон-бир ихтисослашган сиёсий ролларнинг ривожланиши нисбатан табақалашган сиёсий йўналишларнинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Ҳатто йирик ва табақалашган сиёсий тизимларнинг негизида ҳам патриархал маданият ётиши мумкин. Аммо нисбатан «соф» патриархализм сиёсий ихтисослашиш энг кам бўлган оддий анъанавий тизимларда учрайди. Табақалашган сиёсий тизимларда патриархал маданият ўзини ўзи англаш билан изоҳланувчи оддий маданиятдан кўра кўпроқ норматив бўлади. Масалан, Нигерия ёки Гана қабилаларида яшовчи одамлар марказий сиёсий тизимнинг мавжудлигини ғира-шира англашлари мумкин. Аммо бу тизимга нисбатан уларнинг ҳис-туйғулари ноаниқ ёки салбий бўлиб, улар мазкур тизим билан муносабат шакллари идрок этмайдилар.

2. **«Табаалик» сиёсий маданияти** (subject culture). Сиёсий маданиятнинг бу типига пасив сиёсий ҳуқ-атвор, ҳукмрон расмий қадриятлар ва нормаларга таяниш, бу қадриятларни мустақил тушуниб етишга интилишнинг йўқлиги хосдир. Умуман олганда, одамларда сиёсий тизимга нисбатан ўзига хос боқимандалик — патерналистик муносабат устунлик қилади: жамият аъзолари сиёсий тизимдан неъматлар кутади ё жазодан қўрқади. Сиёсий маданиятнинг бундай типига сиёсий тизимга кириш йўллари аниқ ажратилмаган, индивидлар эса ўзига сиёсий актёрлар деб қарамайдиган жамиятларда дуч келиш мумкин.

3. **Иштирокчилик сиёсий маданияти** (participant culture) (фаол сиёсий маданият). Сиёсий маданиятнинг бу типига сиёсий ҳаётда индивидларнинг фаол иштирок этиши хосдир. Бу иштирокчилик фуқароларнинг сиёсий жиҳатдан саводлилиги ва сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнига ўз иштироки билан таъсир кўрсата олишига бўлган ишончига асосланади. Бундай жамиятлар юксак даражада функционал табақалашганлиги билан ажралиб туради: жамият ҳаётининг турли соҳалари нисбатан эркин, кичик тизимлар (шу жумладан, сиёсий кичик тизим) эса анча ривожланган ва кенг тармоқ отган бўлади.

Ҳозирги замон жамиятида сиёсий маданиятнинг бундай типлари соф кўринишда мавжуд эмас. Жумладан, демократик мамлакатларда сиёсий маданиятнинг иштирокчилик типини соф кўринишда учратиш мушкул: демократик мамлакатларнинг фуқаролари камдан-кам ҳолларда бу моделга амал қилиб яшайдилар. Уларни сиёсатдан яхши хабардор деб ҳам, сиёсатда фаол деб ҳам айтиш қийин, фуқаролар томонидан қарор қабул қилиш жараёнини эса асло оқилона ҳисоб-китобларга асосланган жараён деб бўлмайди. Амалда миллий сиёсий маданиятлар ўзида турли типларни мужассамлаштирган, яъни аралашдир.

Қуйидаги жадвалда тизимнинг таркибий элементларига нисбатан муносабатларнинг йўқлиги ёки номукаммаллиги «ноль» билан, барқарор ориентациялар эса «бир» билан белгиланган.

1-жадвал. Сиёсий маданиятларнинг типлари¹

Сиёсий маданиятлар	Тизим умуман объект сифатида	Тизимга «кириш»даги объектлар	Тизимдан «чиқиш»даги объектлар	Ўзини объект деб билиш
Патриархал	0	0	0	0
Табаалик	1	0	1	0
Иштирокчилик	1	1	1	1

¹ Қаранг: Антология мировой политической мысли. В 5-ти томах. Т. II. Зарубежная политическая мысль XX в. — М., 1997. — С. 598.

Биринчи тип иқтисодий қолоқ жамиятлар — ихтисослашган сиёсий роллар мавжуд бўлмаган, сиёсий мўлжал олиш диний ёки иқтисодий йўналишлардан ажратилмаган, сиёсий билимлар деярли бўлмаган, аҳоли оммаси саводсиз Африка қабиалари, маҳаллий жамоалар ва бошқалар учун хосдир. «Табаалик сиёсий маданияти» ҳукм сурувчи жамиятда одамлар ихтисослашган сиёсий институтларнинг мавжудлигини биладилар, уларга баҳо бера оладилар, аммо бу муносабат, умуман олганда, пасив хусусиятга эга бўлади. «Иштирокчилик сиёсий маданияти» типига жамият аъзолари мавжуд сиёсий тизим ва унинг барча асосий тузилмаларини яхши биладилар ҳамда сиёсий ҳаётда онгли ва фаол иштирок этишга мойил бўладилар¹.

Бу моделлар реал ҳаётда «соф кўриниш»да жуда кам учрашини тушунган Г. Альмонд ва С. Верба ўз методологияси асосида сиёсий маданиятнинг уч аралаш типи — провинциалистик-табаалик, табаалик-партиципатор ва провинциалистик-партиципатор типларини ажратдилар.

Биринчи аралаш типнинг хусусияти шундаки, «аҳолининг катта қисми қабила, қишлоқ ёки феодал ҳокимиятнинг даъволарини рад этиб, ихтисослашган марказий ҳукумат тузилмаларига эга бўлган мураккаб сиёсий тизимга нисбатан хайрихоҳлик билдиради»². Бу ягона марказлашган давлатга ўтиш даври учун хос бўлган маданият типидир.

Табаалик-партиципатор маданият типининг хусусияти шундаки, бунда жамиятнинг катта қисмида сиёсий тизим ва унинг элементларига нисбатан «ихтисослашган муносабат», худди шунингдек «фаол ўзини ўзи йўналтириш» пайдо бўлади. Аммо аҳолининг маълум қисми авторитар ҳукумат тузилмасига таянишда ва пасив ўзини ўзи йўналтириш тизимига амал қилишда давом этади.

Провинциалистик-партиципатор сиёсий маданият кўпгина ривожланаётган мамлакатларга хос. Уларнинг кўпчилигича сиёсий тизим провинциалистик парчаланиши хосдир, бинобарин, асосий муаммо сиёсий ҳаётда фуқароларнинг фаол иштирок этишини таъминлашдан иборат.

Келтирилган типология шу жиҳатдан фойдалики, у субъектнинг сиёсий институтларга муносабати ва сиёсий фаоллиги тарихий ривожланиш жараёнида қандай ўзгариб бурганини кўрсатади. Аммо бу концепция камчиликдан ҳам холи эмас: фуқаролар маданиятининг модели фақат демократик тизимларга у ёки бу даражада хос модель деб эмас, «эталон модель» деб ҳам қаралади. Бундан ташқари, мазкур ёндашувда индивидлар ва ижтимоий гуруҳларнинг сиёсий ҳулқ-атвори ҳамда сиёсий тизимларнинг фаолият кўрсатиш хусусиятлари масалалари эътибордан деярли четда қолган.

¹ Қаранг: *Almond G., Verba S. The Civil Culture: Political Attitudes and Democracy in Five Countries.* — Princeton, 1963. — P. 17–21 (Интернетдаги русча таржимадан фойдаланилди).

² Ўша жойда. — 23-б.

Бунда олимлар муҳим ҳулоса чиқарганлар: «Фуқаролар маданияти — бу аралаш сиёсий маданият. Унинг доирасида кўпгина фуқаролар сиёсатда фаол бўлишлари мумкин, аммо бошқа фуқаролар нисбатан пасив «табаалар» ролини ўйнайди. Бундан ташқари, ҳатто фуқаролик ролининг фаол ижрочиларида ҳам табаалик хислатлари сақланиб қолади»¹.

Г. Альмонд сиёсий маданиятнинг бошқа бир типологиясини ҳам таклиф қилди, аниқроғи, сиёсий маданиятнинг қўшимча мезонга (келишувнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги мезонига) асосланган икки «қарама-қарши» типини ажратди. Бу мезонга асосан сиёсий маданиятларни қарама-қарши ва келишувга асосланган типларга ажратиш мумкин (кўпгина миллий маданиятларни қарама-қарши типдан келишувга асосланган типга қараб кетган ўқ чизигида жойлаштириш мумкин).

Қарама-қарши сиёсий маданиятда ўта ўнг ва сўл радикал қарашлар устунлик қилади. Мўтадиллик аҳолининг фақат 25 % га, радикализм эса — қарийб 45 % га хос бўлади. Ривожланишнинг устувор қадриятлари юзасидан ҳам келишувга эришиш қийин. Консенсусли сиёсий маданият кўпчиликнинг келишувига асосланади. Унда марказчилик, мўтадил қарашлар устунлик қилади (тахминан 55 %), фуқароларнинг атиги 10 % радикал муносабатда туради.

Ҳозирги кунда бу мезон (келишувнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги) анча кенг тарқалган бўлиб, яхши натижалар бермоқда. Шу билан бирга, сиёсий қарашларнинг ҳар хил мажмуини ажратишга асосланган типологик схема ҳам янада ривожлантирилди.

Ғарб олимлари асарларида сиёсий маданиятнинг гомоген, парчаланган, аралаш ва тоталитар типлари ажратилади. Уларнинг ҳар бирига қуйидаги умумий белгилар хос:

1) либерал-демократик тизим ҳукм сурувчи англосаксон мамлакатларига мавжуд гомоген типга жамиятда ҳар хил, аммо тинч-тотув яшовчи ва умуман бир-бирини тўлдирувчи фикрлар ва қарашлар (плюрализм)-нинг мавжудлиги, сиёсий можаро ва низолар ҳуқуқ нормалари асосида ва можарода иштирок этувчи барча томонларнинг манфаатларидан келиб чиқиб тинч йўл билан ҳал қилиш хосдир. Шу билан бирга, жамиятдаги кўпчилик мавжуд сиёсий тизимни, унинг институтлари ва механизмларини қабул қилади;

2) парчаланган сиёсий маданият типи жамиятда ҳар хил, зиддиятли қарашлар ва ғоялар мавжудлиги, сиёсий тузилишнинг асосий принциплари ва сиёсий ҳулқ-атвор қоидаларига нисбатан келишув мавжуд эмаслиги билан боғлиқ (яъни, сиёсий тузумни куч ишлатиш йўли билан ағдаришни назарда тутувчи катта ва нуфузли кучлар мавжуд бўлиши мумкин). Бу сиёсий маданият типи ижтимоий-иқтисодий ва маданий жиҳатдан яхши ривожланмаган, миллий, диний, маданий ва сиё-

¹ Қаранг: Антология мировой политической мысли. В 5-ти томах. Т. II. Зарубежная политическая мысль XX в. — М., 1997. — С. 601.

сий белгиларга кўра бир-бирига душман гуруҳларга парчаланган мамлакатлар ва жамиятларга («Учинчи дунё» мамлакатларига) хосдир;

3) сиёсий маданиятнинг аралаш типни унинг гомоген ва парчаланган типларини ўзида мужассамлаштиради, яъни баъзи бир масалалар юзасидан жамиятда келишув мавжуд бўлади, аммо бошқа масалалар бўйича кучли зиддият сақланиб қолади (масалан, Фарбдаги баъзи бир ривожланган ва кўп миллатли мамлакатларда (Канада, Буюк Британия, Бельгия) ижтимоий-иқтисодий моделга нисбатан келишув мавжуд, аммо миллатлараро муносабатларда зиддият ва кескинлик сақланиб қолмоқда);

4) сиёсий маданиятнинг тоталитар типига жамиятда жамоачилик кайфияти ва қарашларнинг устунлиги, бошқача фикрлашга нисбатан умумий мурасимсизлик, «умумхалқ» манфаатларидан фарқли шахсий ва жамоавий манфаатларни тан олмаслик, чексиз даражада кучли давлат ҳокимиятига сиғиниш, можароларни ҳал қилишда кучга таяниш, жамиятни жипслаштириш ва сафарбар этиш мақсадида ички ва ташқи душманларни излаш ҳамда умумхалқ нафратини уларга йўналтириш хосдир (тоталитар ва қисман авторитар тузумларда учрайди).

Голландиялик олимлар Ф. Хьюкс ва Ф. Хикспурс 1990 йилларнинг ўрталарида юқорида келтирилган сиёсий маданиятлар типологиясини такомиллаштиришга уриниб, уни қуйидаги янги типлар билан тўлдирдилар: «фуқаролар иштирокчилиги маданияти» (civil participant culture), «клиентелистик маданият» (client culture), «протест маданияти» (protest culture), «автоном маданият» (autonomous culture) ва «кузатувчилар маданияти» (spectator culture). Сиёсий маданиятнинг бу типларига ҳам миллий маданиятлар доирасидаги субмаданиятларнинг асосий хусусиятларини акс эттирувчи идеал типлар деб қараш лозим.

Сиёсий маданиятни типларга ажратишнинг классик схемасидан келиб чиқиб, Ф. Хьюкс ва Ф. Хикспурс мазкур ҳодисани ўлчаш кўрсаткичларининг қуйидаги мажмуини таклиф қилдилар. Шахсларнинг сиёсатга қизиқиши даражасига улар сиёсий тизимга муносабат кўрсаткичи, деб қарадилар. Тизимнинг «маҳсули»га нисбатан муносабат кўрсаткичи сифатида давлат институтлари ва бошқарув аппаратида ишонч даражаси олинди. Сиёсатда шахсан иштирок этиш имкониятини баҳолаш ўз сиёсий билимдонлигига муносабат кўрсаткичи бўлиб хизмат қилди.

Сиёсий маданият тузилиши жиҳатидан — худди сиёсий тизим сингари — сиёсий роллар ва муносабатлар, кичик тизимлар қай даражада табақалашгани ёки ихтисослашганига, улар қай даражада мустақил ёки бир-бирига тобелигига қараб иккита муҳим белгига эга.

Табақаланиш сиёсий-маданий ривожланишнинг роллар ва роль тузилмаларининг янги типлари вужудга келувчи ва эскилар билан бирлашувчи жараёнларига тааллуқлидир. Шунинг учун ҳам немис социоло-

ги Н. Луманнинг тарихий даврийлаштириш усулига кўра, сиёсий маданиятнинг қуйидаги типларини ажратиш мумкин:

— оддий ёки тараққий этган *сегментар жамиятнинг* сиёсий маданияти;

— *стратификациялашган жамиятнинг* сиёсий маданияти;

— *ҳозирги замон функционал табақалашган жамиятнинг* сиёсий маданияти.

Жамиятга маълум энг содда сиёсий маданият — эскимослар сиёсий маданияти табақалашмаган сиёсий маданиятга мисол бўлади. Сиёсий маданиятни табақалаштиришнинг навбатдаги шакли ўзаро тенг бирликлар (оилалар, қавмлар)нинг ташкил топиши эмас, балки тенг бўлмаган ижтимоий табақалар — деҳқонлар, шаҳарликлар, дворянлар ва бошқаларнинг тафовут этилишидир. Функционал табақалашган жамиятнинг сиёсий маданиятида табақаланиш жараёнида ўз мустақиллигига эришган, яъни қолган барча тизимлар ўз ролларини бажарган тақдирда ўз ролини бажара оладиган фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат, тарбия, дин, санъат сингари функционал тизимлар фарқланади.

Сиёсий маданиятнинг жамият ва индивидларнинг табақаланиш даражасига қараб қисмларга ажратишга асосланган ҳамда замонавийлик гоёсига таянувчи типологик модели унумли ва истиқболлидир.

Ҳозирги замон сиёсий маданияти концепцияси анъанавий жамият сиёсий маданиятидан узилиш деб таърифланади. Бунда ижтимоий-маданий ҳаётни икки асосий шаклга — анъанавий жамиятнинг ҳар хил типлари шароитидаги сиёсий маданият ва ҳозирги замон шароитларидаги сиёсий маданиятга ажратишга таянилади. Ҳозирги замон сиёсий маданияти феодал тузумдан кейинги Европада вужудга келган ва XX асрда умумбашарий тарихий таъсирга эга бўлган онг маданият, ҳулқ-атвор усуллари ва сиёсий институтларни ўз ичига олади.

Сиёсий маданиятни парчаланиш ва бирлаштириш даражасига қараб фарқлашни таклиф қилган У. Розенбаум типологиясининг мазмуни алоҳида аҳамиятга эга. Парчаланган маданиятга жамиятнинг тарқоқлиги хос, унда асосий ижтимоий-сиёсий кучлар ўртасида келишув бўлмайди, умумий манфаатлардан маҳаллий манфаатлар устун туради. Бирлашган сиёсий маданиятга эса, аксинча, миллий келишувнинг мавжудлиги, сиёсий тузумга ва можароларни ҳал қилиш тартибларига жамиятнинг хайрихоҳ муносабати хосдир. Умуман олганда, ҳар қандай сиёсий маданият нормал тузумда (ўзининг фаол функцияси орқали) миллий келишувнинг у ёки бу типини таъминлайди. Сиёсий маданиятларнинг фарқи бу ҳолда миллий келишувнинг етакчи принципига боғлиқ. Чунончи, сиёсатшунослар Америка сиёсий маданиятини — оқилона келишувга асосланган, Англия сиёсий маданиятини — анъанавий-келишувли, Германия сиёсий маданиятини — давлат устунлигига асосланган — табаалик сиёсий маданияти деб таърифлайдилар.

Польшалик социолог Е. Вятр муқобил типологияни таклиф қилди. Сиёсий маданиятларнинг сиёсий тизимлар ва улар негизда ётган ижтимоий-сиёсий тузумлар билан алоқасини асос қилиб олиб, у сиёсий маданиятни қуйидаги уч асосий турга ажратди: «анъанавий сиёсий маданият», «буржуа-демократик сиёсий маданияти» ва «социалистик демократия сиёсий маданияти». Уларни қуйидаги иккинчи даражали сиёсий маданиятлар тўлдиради: «табақалар демократияси сиёсий маданияти», «автократик сиёсий маданият» ва «қадимдан сақланиб қолган автократик сиёсий маданият». Бунда буржуа-демократик сиёсий маданияти ё консерватив-либерал, ё либерал-демократик шаклга эга бўлади: биринчиси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини асосий қадриятлар деб эътироф қилиб, шу билан бир вақтда сиёсий маданиятнинг ижтимоий-ислохотчилик жиҳатини инкор этса, иккинчисига давлат томонидан амалга оширилувчи ижтимоий ислохотлар хосдир¹.

Е. Вятрнинг фикрича, авторитар сиёсий маданият фуқароларнинг демократик ҳуқуқ ва эркинликларини ривожлантиришни назарда tutувчи кучли ҳокимиятни идеал деб эътироф этади, аммо одамларни сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишга йўналтирмайди. Тоталитар сиёсий маданият «раҳбар ва кучли ҳокимиятни раҳбар томонидан белгиланган принципларга мувофиқ фуқароларни сиёсий ҳаётда иштирок этишга фаол жалб қилиш билан бирлаштиради»². Бу шароитларда фуқароларнинг сиртдан сиёсий фаоллиги ўз фикрини ифодалаш демократик эркинлигини билдирмайди.

Е. Вятр типологиясининг бир қатор қоидалари америкалик олимлар концепциясини жиддий тўлдиради. Аммо унда баҳсли ўринлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, «социалистик демократия сиёсий маданияти» ҳақида гапиришга ҳали эрта. Бизнингча, СССР ва Шарқий Европа мамлакатларининг яқин ўтмишига татбиқан «маъмурий-бўйруқбозлик социализмининг сиёсий маданияти» атамаси қўлланса, тўғрироқ бўлади.

Универсал маърифий ҳодисалар сифатида давлат ва бозорнинг таъсирини эътиборга олувчи ва, бинобарин, унинг икки асосий типи — бозор сиёсий маданияти ва эстатистик сиёсий маданият ҳақида гапириш имконини берувчи сиёсий маданиятни ўрганишга нисбатан ёндашув ҳам эътиборга молик ва самаралидир. Бозор иқтисоди одамларни сиёсий жараёнлар ва ҳодисаларни сиёсий фаолият маҳсулларини эркин, плюралистик алмашиш, М. Дюверже таъбири билан айтганда, «барча фуқароларни жамиятга бирлаштириш ва адолатли давлат қуриш»³ воситаси деб тушунишга йўналтиради. Бу сиёсий маданиятда рақобатга асосланган кураш жамият фаолияти ва ривожланишининг универсал принципи деб тушунилади. Эстатистик маданият типи эса, аксинча, сиёсий

¹ Қаранг: Вятр Е. Социология политических отношений. — М., 1979. — С. 268.

² Ўша жойда. — С. 289.

³ Duverger M. The Idea of Politics. — London, 1978. — P. 12-13 (Интернетдаги русча таржимадан фойдаланилди).

жараёнлар давлат томонидан қаттиқ тартибга солиш шароитларида кечиши ва ривожланишини назарда тутаяди, бунда давлат, синф ёки бир партия манфаатлари бошқа табақа ва ташкилотларнинг манфаатларидан устун қўйилади, рақобатга асосланган кураш ва ижтимоий можаролар зарур ҳолда куч ишлатиш йўли билан тартибга солиниши мумкин.

Сиёсий маданиятнинг жуда кўп типлари, шунингдек минтақавий ва миллий хиллари мавжудлигини қайд этиб ўтиш лозим. Сиёсий маданиятнинг, айтилишича, Ғарбий Европа, Яқин Шарқ, Осиё ва Тинч океани минтақаси ва Марказий Осиёда бир хилда қўллаш мумкин бўлган бирон-бир универсал моделини кўрсатишнинг иложи йўқ. Аммо мавжуд сиёсий маданиятларнинг барча ютуқларидан ҳар қандай жамият фойдалана олиши, уларни назарий жиҳатдан англаб етиши мумкинлиги шубҳасиздир.

Сиёсий маданиятларнинг бошқа типологиялари ҳам мавжуд. Жумладан, сиёсий тизимнинг типига қараб тоталитар, авторитар ва демократик маданиятлар тафовут этилади. Тоталитар маданиятда қуйидаги белгилар етакчилик қилади:

— дунёни дихотомик нуқтаи назардан идрок этиш. Бу «ўз одамлари»ни «бегоналар»га қарши қўйишда намоён бўлади. Бошқа синфлар, миллатлар, ирқлар ва ғоявий мухолифлар «бегоналар» жумласига киритилиши мумкин. «Бегоналар»га душман деб қаралади;

— бошқача фикрга, турмуш тарзига нисбатан бағрикенглик (толерантлик)нинг мавжуд эмаслиги;

— келишиш имкониятини инкор қилиш ва можароларни куч ишлатиш йўли билан ҳал қилишга таяниш;

— доҳийларни илоҳийлаштириш, уларнинг шахсига сифиниш. Омма онгида доҳий тирик одам хусусиятини йўқотади ва рамзий маъно касб этади;

— жамият онгида мифлар, масалан, коммунистик ёки ирқий «жаннат» ҳақидаги мифларнинг етакчилик қилиши;

— ҳокимият ғояларига мутаассиблик билан хизмат қилиш, ҳокимият билан бирдамликни ҳис қилиш.

Авторитар маданиятда ҳокимият фаол қўллаб-қувватланмайди ва ўз қадр-қимматини йўқотади. Бундай маданият негизда аҳолининг патриархал ёки табаалик қарашлари ётади.

Демократик сиёсий маданиятга хос бўлган белгилар қуйидагилардан иборат:

— бошқача қарашларга нисбатан бағрикенглик, бошқача фикрловчиларнинг ўз қарашларини ҳимоя қилиш ҳуқуқини эътироф этиш;

— можароларни ҳал қилишнинг асосий воситаси сифатида муроасага келиш йўллариини излашга мойиллик;

— асосий либерал қадриятлар: шахс эркинлиги, шахс ҳуқуқларининг дахлсизлигини тан олиш.

4.2. Фуқаролар маданияти — сиёсий маданият ҳозирги замон типологиясининг негизи

Фуқаролар маданияти сиёсий маданиятнинг алоҳида туридир. Бу аралаш типга сиёсий институтлар легитимлиги, ижтимоий сиёсат йўналиши ва мазмунининг ўзаро мувофиқлиги, манфаатлар хилма-хиллигига нисбатан бағрикенглик, асослилиги ва фуқаролар билан ўзаро ишонч хосдир. Сиёсий маданиятнинг мазкур тури доирасида кўпгина фуқаролар сиёсатда анча фаол бўлишлари мумкин, аммо бунда бошқа фуқароларнинг катта қисми табааларга хос пассив роль ўйнайди: сиёсий фаолият фуқаро манфаатларининг фақат битта, одатда унча муҳим бўлмаган қисмини ташкил этади¹.

Фуқаролар маданиятини энг мукаммал ва тизимга солинган кўринишда ўрганиш АҚШда (дастлабки шаклда Англияда) вужудга келган. Бу умуман сиёсий тизимга ижобий йўналтирилган «хайрихоҳ тарзда иштирок этиш маданияти»дир. Фуқаролар маданиятида сиёсий институтларнинг легитимлиги (қонунийлиги), ижтимоий сиёсатнинг йўналиши ва мазмунига нисбатан асосан консенсус (келишув) мавжудлиги, манфаатлар хилма-хиллигига нисбатан бағрикенглик ва уларнинг муросага келишига ишонч, шунингдек фуқароларнинг сиёсий билимдонлиги ва улар ўртасида ўзаро ишонч кенг тарқалган бўлади. Мазкур типологик моделда саноати ривожланган мамлакатлар сиёсий тизими, биринчи навбатда, унинг англо-америка турига мос келувчи ўзига хос эталон сиёсий маданиятни кўриш қийин эмас.

Сиёсий маданиятларни қиёсий ўрганишда демократик сиёсий маданият, яъни демократиянинг барқарорлигини таъминлайдиган, демократик тизимга «мос келадиган» қарашлар мажмуи мавжудми, деган савол туғилади.

Жавоб тарзида шуни айтиш мумкинки, барқарор демократияли мамлакатларга сиёсий маданиятнинг Буюк Британия ва АҚШда аниқланган аралаш типи — фуқаролар сиёсий маданияти (ёки фуқаролик сиёсий маданияти) кўпроқ мос келади. Бу маданият доирасида «кўпгина фуқаролар сиёсатда фаол бўлишлари мумкин, аммо бошқа кўпчилик фуқаролар нисбатан пассив табаалар ролини ўйнайди... Бинобарин, фаол фуқаро ўзининг анъанавий, носиёсий алоқаларини, худди шунингдек табаалик пассив ролини ҳам сақлаб қолади. Сиёсий фаолият фуқаро манфаатларининг битта, одатда унча муҳим бўлмаган қисмини ташкил этади. Бошқа манфаатларнинг сақланиши фуқаронинг сиёсий фаолиятга қўшилиш даражасини чеклайди ва сиёсатни мувофиқ чегараларда ушлаб туради. Бунинг устига, қавм вакили ва табаанинг қарашлари иштирокчининг қарашлари билан бирга шунчаки мавжуд бўлиб қол-

¹ Батафил маълумот учун қаранг: Альмонд Г., Верба С. Гражданская культура и стабильность демократии // Полис (Политические исследования). — 1992. — №4. — С. 122-134.

май, уларга ўзаро сингади ва бир-бирини ўзгартиради. Масалан, фуқаролар таъсири типларининг шаклланишида бирламчи алоқалар муҳимдир. Бундан ташқари, ижтимоий ва шахслараро алоқаларнинг ўзаро ўтувчи тузилмалари сиёсий қарашлар хусусиятига таъсир этиш — уларнинг кескинлигини камайтириш ва ажратишга мойилдир.

Фуқаролар маданиятига икки «зиддият» хос:

1) ўзининг сиёсий қарорларга асосли таъсир кўрсата олиш имкониятини юқори баҳолаш билан реал таъсир кўрсатиш даражасининг пастлиги ўртасидаги зиддият;

2) фуқаролар сиёсий ҳаётда иштирок этиши шартлигини ялпи этироф этишнинг тарқалганлик даражаси билан иштирокнинг реал аҳамияти ва ҳажми ўртасидаги зиддият.

Фуқаролик сиёсий маданияти мавжуд мамлакатда фуқаро асосан фаолдир. У сиёсий жараённинг доимий иштирокчиси ҳисобланмайди, сиёсий гуруҳларда кам иштирок этади, аммо асосли таъсир кўрсатиш салоҳиятига эга бўлади. Яъни у зарур ҳолда ўз ижтимоий имкониятларини сиёсий мақсадлар йўлида сафарбар этиши мумкин. Бундай мамлакатда яшовчи фуқаро сиёсий алоқаларини юксак савияда сақлашга, бирон-бир ташкилотга аъзо бўлишга ва норасмий сиёсий мунозараларда иштирок этишга кўпроқ мойилдир. Мазкур фаолият турлари сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнида фаол қатнашишга мажбур этмайди, аммо бундай қатнашиш эҳтимолини оширади.

Фуқаролар маданияти, авваламбор, хайрихоҳ тарзда иштирок этиш маданиятидир. Индивидлар фақат сиёсатга «кириш»га эмас, сиёсий ташкилотлар ва сиёсий жараёнларда иштирок этишга ҳам ижобий муносабат намоён этадилар. Бошқача айтганда, *фуқаролар маданияти — иштирокчилик сиёсий маданияти бўлиб, унда сиёсий маданият ва сиёсий тузилма ўзаро мутаносибликда бўлади ва бир-бирига мос келади.*

Фуқаролар маданиятида иштирокчилик сиёсий қарашлари патриархал ва табаалик сиёсий қарашлари билан уйғунлашади, аммо уларни инкор этмайди. Индивидлар сиёсий жараён иштирокчиларига айланадилар, аммо улар ўз табаалик ёки патриархал қарашларидан воз кечмайди. Бунинг устига, нисбатан олдин юзага келган бу сиёсий қарашлар иштирокчилик қарашлари билан қўллаб-қувватланибгина қолмай, иштирокчилик қарашларига ҳам мос келади. Нисбатан анъанавий сиёсий қарашлар шахснинг сиёсатга нисбатан мажбуриятларини чеклашга ва бу мажбуриятларни «юмшатиш»га мойил. Табаалик қарашлари ва патриархал қарашлар иштирокчилик қарашларини «бошқаради» ёки йўналтириб туради. Бундай кўрсатмалар сиёсий тизимдаги иштирокчилик қарашларига ижобий таъсир этади ҳамда бошқа одамларга ишонч ва умуман ижтимоий иштирок сиёсий кўрсатмалар сингари фуқаролар маданиятида муҳим ўрин тутаяди.

Бундай анъанавий кўрсатмаларни қўллаб-қувватлаш ва иштирокчилик қарашларига қўшилишида сиёсий фаоллик ва мақсадга мувофиқлик мавжуд. Аммо бу тобелик, анъаналарни сақлаш ва жамоа қадриятларига содиқлик билан мувозанатга келтирилган мувозий сиёсий маданиятга олиб келади.

Фуқаролар маданияти аралаш сиёсий маданиятдир. Унинг доирасида кўпгина фуқаролар сиёсатда фаол бўлишлари мумкинлигини таъкидлади.

Хуш, ҳатто энг барқарор ва ривожланган демократияларда ҳам мавжуд бўлган оқилона-фаол модель идеаллари билан сиёсий алоқаларнинг типлари ўртасидаги номувофиқликнинг сабаби нимада? Г. Альмонд ва С. Вербанинг фикрича, бу номувофиқлик демократия ёмон ишлаётганидан далолат беради.

Маълумотларга қараганда, фуқаролар маданияти унинг субъекти ҳам фаол-таъсирчан, ҳам пассив роль ўйнашини қўллаб-қувватлайдиган икки асосий йўналиш мавжуд: бир томондан, жамиятда икки қарама-қарши фуқаролик мақсадларини кўзлаган индивидларнинг тақсимланиши содир бўлади; иккинчи томондан эса — индивиднинг қарашларидаги маълум ноизчиллик унга бир қарашда номувофиқ мақсадларни бирваракай кўзлаш имконини беради. Келинг, аввал индивиднинг ноизчиллиги масаласини кўриб чиқайлик.

Талқиқотларга қараганда, сўралганларнинг реал сиёсий хулқ-атвори билан уларнинг ўз ҳаракат қилиш қобилияти ва мажбуриятини идрок этиши ўртасида узилиш мавжуд. Буюк Британияда ва АҚШда респондентлар субъектив сиёсий билимдонлик намуналарини кўрсатган. Сўралганларнинг аксарияти ўзини маҳаллий ҳокимиятларнинг қарорларига таъсир кўрсатишга қодир деб ҳисоблаган, яна бир қисми эса марказий ҳокимиятга нисбатан ўз имкониятларига анча камтарона баҳо берган. Шунга қарамай, ўзининг фуқаро сифатидаги имкониятларини юқори баҳолаш фаол сиёсий хулқ-атвор билан мустаҳкамланмаган.

Сиёсий ҳаётда иштирок этишнинг мажбурийлиги ҳисси билан реал иштирок ўртасида ҳам ана шундай узилиш мавжуд. Оддий инсон ўз маҳаллий жамоаси ишларида иштирок этиши шарт деган респондентлар сони амалда бундай фаолиятда иштирок этганлар сонидан кўп бўлиб чиқди; бу тамойил (тенденция) АҚШ ва Буюк Британияда анча яққол намоён бўлмоқда. Сўралганлардан бири бундан: «Мен ўзим қандай иш тутишимни эмас, инсон қандай иш тутиши кераклигини айтяпман», деб тушунтирган. Бундай қарашлар бисёрлигини тасдиқловчи далиллар ҳам бор. Ўз жамоасининг ишларида қандайдир тарзда иштирок этиш зарурлигини англаш бундай фаолиятнинг муҳимлиги ҳиссидан кенг тарқалгани ҳам шубҳасиз.

Буларнинг барчаси инсондан жамоат ишларида қатнашишни талаб этувчи норма кенг тарқалганлигига қарамай, уларда фаол иштирок этиш-

ни кўпгина одамлар энг муҳим фаолият шакли деб ҳисобламаслигини кўрсатади. Бундай фаолият уларнинг бўш вақтидаги асосий машғулоти ҳам, асосий қониқиш, қувониш ва ҳаяжонланиш манбаи ҳам эмас.

Хуллас, фуқаролик маданияти доирасида яшовчи фуқаро таъсир кўрсатиш салоҳиятига эга бўлади. У сиёсатда доимий иштирок этмайди, мазкур соҳада қарорлар қабул қилувчи шахсларнинг хулқ-атворини фаол кузатиб бормайди. Уни фаол фуқаро деб айтиш мумкин эмас. У потенциал фаол фуқародир.

Фуқаролар сиёсий фаоллигининг узлукли ва потенциал хусусияти сиёсий хулқ-атворнинг нисбатан турғун типларига боглиқ бўлади. Фуқаролар маданияти кўрсаткичларига эга бўлган оддий одам сиёсий алоқаларни юксак ва ўзгармас даражада сақлаш, бирон-бир ташкилотга аъзо бўлиш ва норасмий сиёсий мунозараларда иштирок этишга бошқа вазиятлардагига қараганда кўпроқ даражада мойил бўлади. Мазкур фаолият турлари жамиятдаги қарорлар қабул қилиш жараёнида фаол иштирок этишга ўз ҳолича ишора этмайди, аммо улар амалда бундай иштирок этиш эҳтимолини оширади. Улар шахсни сиёсий муҳитга киришга тайёрлайди, фуқаронинг бу муҳитга қўшилиши ва унда иштирок этишининг эҳтимоли ортади.

Фуқаролар маданияти ҳокимият ва масъулият ўртасида мувозанатни сақлайди, деган фикр демократик сиёсат билан боглиқ яна бир жиҳатни кўрсатади. У нима сабабдан ҳал қилинмай қолган муҳим сиёсий масалалар пировард натижада демократик сиёсий тизимда беқарорликни келтириб чиқаришини тушуниш имконини беради. Сиёсий масалалар ҳаддан ташқари кескин бўлмаган тақдирдаги фаоллик билан пассивлик мувозанати сақланиши мумкин. Диққат марказида турган масаланинг ҳал қилинмаслиги натижасида сиёсий ҳаёт кескинлашса ва бу кескинлик сақланиб қолса, қарашлар ва хулқ-атвор ўртасидаги номувофиқлик ўз барқарорлигини йўқота бошлайди. Аммо бу номувофиқликнинг ҳар қандай узоқ муддатли бузилиши салбий оқибатларга олиб келади. Хулқ-атвор қарашларга мувофиқ ҳолатга келтирилса, оддий одамлар элита устидан амалга оширишга ҳаракат қилувчи назорат ҳажми бошқарувнинг самарасизлиги ва беқарорликни келтириб чиқариши мумкин. Бошқа томондан, қарашлар ўзгариб, хулқ-атвор билан мувофиқлаша бошласа, фуқароларда пайдо бўлган нофаоллик ва бетарафлик ҳисси сиёсий тизимнинг халқчиллигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Аммо бу ҳол барча муҳим масалалар замирида демократик сиёсий тизимга нисбатан хавф-хатар яширин, деган маънони билдирмайди. Мазкур масалалар пайдо бўлиб, кескинлашган тақдирдагина тизим беқарорлашиши мумкин. Муҳим масалалар онда-сонда пайдо бўлса ва ҳукумат уларни ҳал қила олса, фуқаролар ва ҳукумат ўртасида мувозанат сақланиши мумкин. Ҳукумат қарорларини ким қабул қилиши кундалик шароитда фуқароларни кам қизиқтиради ва улар ўзлари истаган

тарзда ҳаракат қилиш имкониятига эгадирлар. Аммо бирон-бир муҳим масала келиб чиққудек бўлса, мансабдор шахсларга нисбатан фуқароларнинг талаблари ортади. Агар мазкур шахслар бундай талабларга жавоб бера олсалар, сиёсат фуқаролар учун яна ўз аҳамиятини йўқотади ва сиёсий ҳаёт яна ўз маромига қайтади.

Сиёсий маданият идеал типларининг ҳар бири у ёки бу «идеал» субмаданиятнинг хусусиятини амалда акс эттиради. У ёки бу мамлакатдаги сиёсий маданиятнинг миллий хусусиятлари мазкур субмаданиятларнинг алоҳида уйғунлигини белгилаб беради. Социологик тадқиқотларнинг натижаларини таҳлил қилиш асосида идеал типларга мос келувчи субмаданиятлар миллий сиёсий маданиятларда бирга мавжуд бўлган тахминий нисбатларни тавсифлаш мумкин. Фуқаролар маданиятининг тахминий «формуласи» қуйидаги кўринишга эга бўлган: «иштирокчилар» — 60 %, «табаалар» — 30 %, «парохиаллар» — 10 %. Шунингдек, авторитар ўтиш тизими, саноатлашишдан олдинги «демократик» тизим кабиларга мос келувчи бошқа «формула»лар ҳам ажратиб кўрсатилади.

Сиёсий маданиятнинг «классик» типологияси ва фуқаролар маданияти ғояси бошқа мутахассислар томонидан танқидга учради. Жумладан, фуқаролар сиёсий маданиятининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш усуллари танқид остига олинди. Масалан, социологик тадқиқот жараёнида респондентга ўзи яшайдиган мамлакатнинг қайси жиҳатидан гурурланишини ифода этиш таклиф қилинди, чунки Г. Альмонд ва С. Верба фуқаролар маданияти аҳоли ўз мамлакати, айниқса, унинг сиёсий тизимидан гурурланишини назарда тутади (легитимлик кўрсаткичларидан бири), деган фаразни илгари сурган эди. Энг юксак даража Буюк Британия ва АҚШда қайд этилди. Шу билан бирга, муаллифлар мамлакатларнинг турли тарихий ва умуммаданий анъаналарини, шунингдек тадқиқот воситасини ишлаб чиқишда қўлланивчи у ёки бу ифодаларга сингдирилган маънони (жумладан, «ифтихор» сўзи турли маданиятларда ҳар хил маънога эга эканлигини) эътиборга олмадилар.

Фуқаролар маданиятининг модели, мазкур тушунчани таҳлил қилиш ва таклиф этилган тадқиқот воситасининг қўлланилиши баъзан жумбоқли хулосаларга олиб келгани ҳам таклиф этилган типология ва тадқиқот воситасининг номукамаллигидан далолат беради. Жумладан, айрим советологларнинг фикрича, улар кўп жиҳатдан совет воқелигини акс эттирган. АҚШ ва Буюк Британия сиёсий маданияти собиқ СССР сиёсий маданиятига кўп жиҳатдан ўхшаш бўлиб чиққан. Шу билан бирга, сиёсий маданият таҳлилига нисбатан «реал» сиёсий маданиятларни идеал типлар билан таққослашга асосланган ёндашувни анча унумли деб эътироф этиш керак.

Уч ўн йиллик (50-чи йилларнинг охири, 60-чи йилларнинг боши, 90-йилларнинг боши)даги миллий субмаданиятларнинг хусусиятларини таҳлил қилиш қуйидаги хулосалар чиқариш имконини берди. Ҳокими-

ят вакилларига нисбатан аҳолининг ишончи ва сиёсатга нисбатан қизиқиши катта бўлиши хос бўлган «фуқаролар маданияти» Буюк Британия ва АҚШда сиёсий субмаданиятнинг муҳим типи бўлиб қолди, шунингдек Германияда ҳам кенг тарқалди. Давлат хизматчиларига ишончнинг йўқлиги ва сиёсатга нисбатан қизиқишнинг катталиги хос бўлган «фуқаролар иштирокчилиги» субмаданияти англо-саксон мамлакатларида 60-йиллардагига қараганда аср охирида камроқ намоён бўлди.

Ғарб мамлакатларида ҳокимиятга ишончнинг йўқлиги ва сиёсатга қизиқишнинг пастлиги хос бўлган «автоном маданият» пайдо бўлди ва ҳозиргача сақланиб қолмоқда. Шу билан бир қаторда, мазкур жамиятларда сиёсий субмаданиятнинг пассив типлари ҳам аста-секин йўқолиб бормоқда.

4.3. Шахс ва сиёсий маданият. Шахснинг сиёсий ижтимоийлашиши

Шахс — сиёсатнинг асосий мақсади, мезони ва омили. У сиёсатни яратади, бир вақтнинг ўзида сиёсатнинг субъекти ва объекти сифатида майдонга чиқади, сиёсат шахсга нисбатан йўналтирилган бўлади. Шахс — сиёсатнинг, сиёсат эса, ўз навбатида, инсон кундалик ҳаётининг бир қисмидир. Ҳатто шахс сиёсат билан шуғулланмаган тақдирда ҳам, сиёсат шахс билан шуғулланади. Шахс ва сиёсатнинг ўзаро муносабатлари асосан ижтимоий нормалар билан тартибга солинади. Инсон ўзи билмай диган йўл-йўриқларга бўйсунушга мажбур бўлса, шахснинг фуқаролик мажбурияти ҳақида ҳеч қандай гап бўлиши мумкин эмас. Уни фармон чиқариб, ҳукумат комиссияси тузиб ёки телекўрсатувларнинг жамоавий томошасини уюштириб сингдириб бўлмайди. Авваламбор, мамлакатда шахснинг талабларига жавоб берувчи сиёсий ҳаёт мавжуд бўлиши лозим. Аммо бу ўринда дарҳол «сиёсий ҳаёт» ва умуман «сиёсат» нима деган савол тугилади.

Ўрта асрларда «сиёсат» ва «бошқарув» тушунчалари асосан бир-бирига мос келган. Сиёсатни подшога, ҳозирги кунда эса — давлат хизмати ва бошқарувига қиёслаш ўша даврдан қолган. Бошқарув қоидалари қонунларга айлантирилган, бунинг натижасида ҳуқуқнинг сиёсатдан ажралиши содир бўлган. Аммо энди алоҳида шахс эмас, балки маълум ижтимоий институтлар — оила, жамоа, ҳарбий қўшилма (дружина), черков ва, ниҳоят, давлат бошқарув объектини ташкил этган. Давлатнинг ўзи подшо шахсига тенглаштирилган, бу Людовик XIV нинг «Давлат — бу Мен!» деган иборасида ўзининг яққол ифодасини топган.

XVIII асрдан аввал Европа ва Америкада, сўнг Осиё ва Африкада давлат ва сиёсатга нисбатан бошқача қараш юзага келди. У фуқаролар тотувлигининг тимсоли бўлган ўзини ўзи бошқарувчи шаҳар — антик полисга бориб тақалар эди. Шаҳарликлар барча оммавий ишларни ўзаро

келишиб ҳал қилардилар. Ўзаро тенг ҳуқуқли фуқароларнинг мана шу ўзини ўзи бошқаруви «сиёсат» номини олган.

Бундай қараш давлатни ўзини ўзи мустақил бошқарувчи тизим деб идрок этади ва унинг суверенлигини назарда тутди. Шу асно сиёсатга одамларни юқоридан туриб бошқариш санъатидан ҳам кўра кўпроқ фуқароларнинг манфаатларини мувофиқлаштириш санъати деб қарала бошланди. Бу ўринда бошқалар билан бирга ўзи учун ҳам қонунлар ўрнатувчи ва уларни ижро этиш учун оммавий ҳокимиятни сайловчи фуқаронинг шахси сиёсатнинг асосий субъектидир. Бу эса, ўз навбатида, бундай шахсда тегишли сиёсий маданиятнинг мавжудлигини назарда тутди.

«**Шахснинг сиёсий маданияти**» — мураккаб, кўп қиррали тушунча. Унинг негизида инсоннинг умумий маданияти ётади. Шахснинг сиёсий маданияти идеаллар ва, умуман, қадриятлар, тегишли билимлар ва кўникмалар, ҳатто сиёсий ҳис-туйғулар мажмуини ўз ичига олади.

Проф. С. И. Семёновнинг фикрича, юксак даражада ривожланган шахснинг ақл-идроки, иродаси ва ҳис-туйғулари ҳар томонга тарқалиб кетмайди, балки қандайдир бир яхлитлик ҳосил қилади¹.

Инсон фаоллиги уч соҳасининг бундай бирлашиши кўпроқ сиёсий ҳуқ-атворда, ўз ақли ва иродасини ижтимоий-сиёсий миқёсда намоён эта олишида кўринади. Мазкур қобилият инсоннинг сиёсий манфаатлари атрофида унинг шахсий тажрибаси негизида мустаҳкамланади. Шахснинг ўз реал манфаатларини англаб етганлик даражаси унинг билим савиясига ва ўзи иштирок этувчи сиёсий жараёнлардан хабардорлигига боғлиқ бўлади.

Шундай қилиб, сиёсий маданият — шахснинг умумий маданияти ва маънавий оламининг таркибий қисмидир. У фуқаронинг сиёсий ҳуқ-атворини белгилайди.

Шахснинг психологик ҳолати ва унинг маданияти даражасини фарқлаш лозим. Одатда, сиёсий маданиятнинг баланд, ўрта ва паст даражаси тафовут қилинади. Саводсиз одамлар, люмпенлашган ва қуйи қатламлар, умумий қоидага кўра, сиёсий ҳаётда иштирок этмайдилар. Нормал шароитда, барқарор вазиятда кундалик сиёсий ҳаётда фуқароларнинг 4—10 % иштирок этади. Қолганлари сиёсатда онда-сонда, одатда сайловли кампаниялари ва референдумлар пайтида иштирок этади.

Шўро тузуми даврида шахс давлат тазйиқи остида яшар эди. Шунинг учун ҳам бизда боқимандаликка асосланган ҳамда Ўзбекистонда демократик жамият қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга ҳалақит бераётган патерналистик сиёсий маданиятнинг таъсири сезилмоқда.

Ҳозирги Ўзбекистоннинг ўзига хос жиҳати шундаки, у ҳали жуда ёш давлатдир. Эски тузумдан мерос қолган совет менталитети ҳали қис-

¹ Қаранг: *Семёнов С. И.* Политическая культура личности // Личность и мир. — 1999. — №4. — С. 32.

ман сақланиб қолган, кўпчилик маҳаллийчилик ва миллатчилик ақидалари «тузоғи»дан қутулганича йўқ. Давлат тузилиши, ҳатто давлат чегаралари масаласида баҳслар ҳамон давом этмоқда. Буларнинг барчаси фуқаролардан масъулият ҳиссини кучайтиришни талаб этади.

Ўзбекистон ўз ривожланишида вакиллик демократияси йўлини тутмоқда. Бу борада, бир томондан давлатчиликни мустаҳкамлашга қонуний интилиш; иккинчи томондан, фуқаролик жамияти функцияларини давлат функциялари ҳисобига кенгайтириш тамойили намоён бўлмоқда. Тўғри, Ўзбекистон ҳали кўпгина функцияларга, айниқса, Фарба фуқаролик жамияти бажарувчи функцияларга эга эмас. Бизнинг фуқаролик жамиятимиз эндигина шаклланмоқда, Фарба носийсиёсий воситалар ва институтлар билан ҳал қилинувчи кўпгина масалалар ва зиддиятлар бизда ҳали сиёсийлашган мазмунини йўқотганича йўқ.

Шундай қилиб, фуқароларнинг моддий таъминланганлиги, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари масалалари, муайян вазиятга қараб, сиёсий муаммоларга мансуб бўлиши ёки мансуб бўлмаслиги мумкин. Ҳатто маънавий ва диний масалалар, яъни оддий вазиятда сиёсатга умуман боғлиқ бўлмаган масалалар баъзан сиёсий маъно касб этиши ҳам мумкин.

Ҳозирги кунда алоҳида гуруҳларнинг ҳокимиятни эгаллашга интилиши сиёсий маданиятнинг ривожланишига хавф солмоқда. У анъанавий турмуш тарзида ўзгариш содир бўлган пайтда юзага чиқади. У баъзан сиёсат майдонига ҳар хил сафсатабозларни ҳамда ҳокимиятни эгаллаш ва уни сақлаб қолиш учун ўз яқинларини, халқларни қурбон қилишга тайёр бўлган шахсларни суриб чиқаради. Буни биз ўрта асрларга хос халқ устидан ўравонлик анъаналарини қайтариш мақсадида халқнинг розилигисиз ислом халифалиги тузумини ўрнатмоқчи ва шариат қонунқоидаларини жорий этмоқчи бўлган ваҳҳобийлик ва «Ҳизб-ут-Таҳрир» мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Бундай инқироз шароитларида ёки ҳукмрон элитанинг ўзида жамиятни ислохотлар йўлида жипслаштиришга қодир соғлом кучлар топилади. Бизнинг жамиятимиз инқилобий йўлни қатъий рад этди. Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов ислохотларни амалга оширишнинг инқилобий йўлини эмас, тадрижий йўлини демократик давлат қуришнинг асосий талабларидан бири деб эълон қилди.

Хўш, Ўзбекистон тадрижий тараққиёт йўлидан муваффақиятли бо-риши учун шахс сиёсий маданиятининг қайси ўзига хос жиҳатлари қарор топиши талаб этилади?

Бу йўл «бошқа»ни, «ўзга»ни тушуниш маданиятини, бағрикенглик, озчиликнинг фикрини ҳурмат қилиш маданиятини, музокара маданиятини, келишиш, фуқаролар тотувлиги ва хайрихоҳ тарзда ҳамкорлик қилиш маданиятини талаб этади. Ўзбекистон жамияти шароити-

да фақат хилма-хил музокара жараёнларини ўз ичига олувчи сиёсий маданият одамларни жипслаштира олади.

Аммо ўзаро ишонч бўлмаса, миллий тотувлик ва келишувга эришиш мумкин эмас. Ўз навбатида, ҳамкорлик муносабатлари, ижтимоий муносабатларнинг очиқлиги ва ошкоралиги маълум демократик тартиблардан фойдаланишни назарда тутади.

Расмий демократик тартибларга шахснинг қўшилиши фуқаролик руҳининг ўсишига ёрдам беради. Бу маънода маҳаллий сайловларда шахснинг иштирок этиши унга маълум сиёсий қўникмалар ҳосил қилиш имконини берувчи дастлабки шахсий сиёсий тажриба ҳисобланади.

1992 йилда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганидан кейин фуқаролар тўплаган кўп сонли сайлов кампанияларида иштирок этиш тажрибаси алоҳида аҳамиятга эга. Ҳозирги ўтиш даври шахс олдида танлаш ва шахсий фуқаролик масъулияти учун кенг майдон очади. Бу ҳали сиёсий демократиянинг моҳиятини ташкил этувчи сиёсий қарорлар қабул қилишда фуқароларнинг тенг иштирокининг намойиши эмас, аммо унга сари ташланган ҳал қилувчи қадамдир.

Демократик таомил (процедуралар) куч ишлатишга, бўйсундиришга эмас, балки фуқароларнинг эркинлиги ва тенглигига, уларнинг ўзаро ишончи ва масъулиятига асосланган сиёсий маданиятнинг ажралмас қисмидир.

Шахснинг сиёсий маданияти умуммиллий маданият таъсирида, ортирилган шахсий тажриба ва сиёсат дунёси ҳақидаги билимлар натижасида, яъни ижтимоийлашиш жараёнида шаклланади.

Шахснинг сиёсий ижтимоийлашиши. Шахснинг сиёсий ижтимоийлашиши унинг сиёсий ўсиши, сиёсат дунёсига кириши ва ҳокимият муносабатларига қўшилиши жараёнидир.

Сиёсатшуносликда ижтимоийлашиш деганда, инсоннинг айна сиёсий тизимга мослашиш ҳамда маълум сиёсий функциялар ва ролларни бажариш учун зарур хислатларнинг шаклланишига ёрдам берувчи сиёсий маданият нормалари ва анъаналарини ўзлаштириш жараёни тушунилади¹.

Шахсни сиёсий ижтимоийлаштиришнинг вазифалари:

- жамият сиёсий тизими, унинг нормалари, қадриятлари ва муносабатларини такомиллаштириш жараёнига шахсни кенг жалб этиш;
 - сиёсий маданият нормаларида ўз аксини топган сиёсий тажрибани янги авлодларга ўтказиш;
 - шахсий фаолият ҳисобига янги сиёсий билимлар олиш, янги сиёсий тажрибани ўзлаштириш (уни шахснинг фаолиятига сингдириш).
- Сиёсий ижтимоийлашиш — сиёсат сари бир томонлама, изчил юк-

салиш эмас. Бунда кимдир фаол, кимдир пассив бўлади, кимдир эса сиёсатдан узоқроқда бўлишни маъқул кўради.

Сиёсий ижтимоийлашишнинг шартлари ва омиллари қуйидагилардан иборат:

1) шахс хислатларининг шаклланиши жараёнига билвосита таъсир кўрсатувчи ташқи объектив шартлар ва омиллар (тарихий вазият, иқтисодий вазият);

2) кенг ижтимоий муҳит (ижтимоий сиёсий онг ва жамиятни уюштириш);

3) бевосита ижтимоий-сиёсий муҳит (муайян вазият, шахсни қуршаган муҳит);

4) шахснинг биогенетик ва психологик хусусиятлари;

5) табиий-жугрофий шароитлар;

6) ижтимоий аҳвол (шахснинг мақоми).

¹ Қаранг: Введение в политологию: Словарь-справочник / Под ред. В. П. Пугачева. — М., 1996. — С. 219.

V боб. МАДАНИЯТНИНГ БОШҚА ТУРЛАРИ БИЛАН СИЁСІЙ МАДАНИЯТНИНГ АЛОҚАСИ

5.1. Сиёсий ва иқтисодий маданиятнинг бирлиги

Сиёсий маданият мураккаб тизим бўлгани боис, ўзи ҳам жамият маданиятининг узвий бўлаги ҳисобланади. Сиёсий маданият ягона яхлит тизимнинг элементи сифатида умуман маданиятнинг бошқа қисмлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Мазкур ўзаро алоқадорликни бир қатор жиҳатлар бўйича кузатиш мумкин.

Биринчидан, сиёсий маданият, умуман маданиятнинг тизим ҳосил қилувчи ўзаги бўлгани ҳолда, маданиятнинг қолган барча турларига таъсир кўрсатади. Дарҳақиқат, жамият маданиятини ўзлаштириш учун юксак сиёсий маданият зарурдир.

Иккинчидан, сиёсий маданият норматив тизим сифатида ҳуқуқий маданият билан узвий боғлиқ. Гарчи бутун маданият норматив бўлсада, маданиятнинг юқорида зикр этилган икки тури унинг норматив «ўзаги»ни ташкил этади, зеро у шахснинг жамиятдаги хулқ-атвор нормаларини, унинг жамиятга, давлатга ва бошқа одамларга муносабатини белгилаб беради.

Учинчидан, сиёсий маданият умумий маданиятнинг бошқа турлари билан умумий жиҳатларга ҳам эга. У маданиятнинг қолган турларига ўз таъсирини ўтказadi. Масалан, дунёқараш сиёсий маданиятнинг элементи сифатида маънавий маданиятнинг ҳам муҳим қисми ҳисобланади. Шундай қилиб, маданият турлари бири-бирига сингиб кетади, бири иккинчисида ўз «из»ни қолдиради.

Маданиятнинг бошқа турлари билан сиёсий маданиятнинг алоқасини муайян таҳлилдан ўтказишда бу жиҳатларни назарда тутиш лозим. Табиийки, маданиятнинг барча турлари билан сиёсий маданиятнинг алоқасини бир китоб доирасида тўла-тўқис кўриб чиқиш мушкул. Шу боис сиёсий маданиятнинг иқтисодий маданият ҳамда ҳуқуқий маданият билан ўзаро таъсирини таҳлил қилиш билан чекланамиз.

Хўш, нима учун биз маданиятнинг айнан шу турларини танладик? Сиёсий ва ҳуқуқий маданият умумий маданиятнинг ўта муҳим қисмлари ҳисобланади. Сиёсий маданият нормалари ҳуқуқий маданият нормалари билан кўп жиҳатдан кесишади, зеро улар одамлар хулқ-атворини, уларнинг жамиятга муносабатини ҳар томондан (чунончи, сиё-

сий ва ҳуқуқий томондан) тартибга солади. Уларнинг узвийлиги шу билан изоҳланади.

Сиёсий ва иқтисодий маданиятларнинг яқинлигини исботлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Уларнинг бирлиги сиёсат ва иқтисоднинг диалектик ўзаро алоқаси билан боғлиқ. Маълумки, сиёсат — иқтисоднинг мужассамлашган ифодасидир. Иқтисодий муносабатлар соҳасидаги фаолият маданияти сиёсий маданият билан чамбарчас боғлиқ. Сиёсий маданиятсиз юксак иқтисодий маданият бўлиши мумкин эмас, худди шунингдек иқтисодий маданиятсиз сиёсий маданият ҳам мавжуд бўлмайди.

Мамлакатимиз XXI асрга катта иқтисодий ва илмий-техникавий салоҳият билан қадам қўйди. Иқтисодий салоҳият беқиёс даражада ортди, биз бозор иқтисоди сари фаол ҳаракат қилмоқдамиз, эски маъмурий-буйруқбозлик иқтисоди (режали иқтисод) сарқитлари асосан бар-тараф этилди.

Бозорга ўтиш шароитида ишлаб чиқариш ходимиға, унинг умумий, сиёсий ва иқтисодий маданиятиға нисбатан талаблар ҳам ортиши табиий. Шу маънода биз иқтисодий маданият ҳақида сўз юритишимиз мумкин. Шунга қарамай, «иқтисодий маданият» тушунчаси ҳали илмий адабиётда таҳлил қилингани, сиёсий ва иқтисодий маданиятларнинг узвий алоқадорлиги муфассал кўрсатиб берилганича йўқ. Юксак сиёсий ва иқтисодий маданиятсиз ишлаб чиқариш маданиятини, бинобарин, унинг самарадорлиги ва унумдорлигини фақат маҳаллий миқёсда эмас, балки республика миқёсида ҳам жиддий ошириб бўлмаслиги аён бўлмоқда.

Дарҳақиқат, иқтисодий билимларни, иқтисодий таҳлил қўникмаларини, иқтисодий тафаккур ва ўзига хос ижтимоий сезгиларни (масалан, мулк эғалиги ҳиссини) ўзлаштириш даражасини таърифловчи бу билимлар, қўникмалар, ижтимоий сезгиларни инсоннинг амалий фаолиятида рўёбга чиқариш даражасини очиб берувчи бошқа бирон-бир маданият тури борми? Иқтисодий маданият инсон ижтимоий фаолиятининг ана шу томонларини акс эттиради. Иқтисодий маданиятни ўзлаш-тирмасдан иқтисодий муносабатларни онгли, изчил ва илмий ўзгартириш ҳамда такомиллаштириш мумкин эмас.

Умуман олганда, иқтисодий маданият қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) иқтисодий билимлар, яъни иқтисодий назария асосларини, ходимнинг ихтисослиги билан узвий боғлиқ бўлган муайян иқтисод соҳасини, халқаро иқтисодий муносабатларнинг асосларини билиш. Бунда гап «китобий», юзаки билимлар ҳақида эмас, балки шахснинг эътиқодига айланган билимлар ҳақида бормоқда;

б) тижорат юритиш билими ва қўникмаларининг ривожланганлиги. Юксак иқтисодий маданиятга эга бўлган ходим зарур ҳисоб-китобларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришда баъзан юзага келадиган ностандарт вазиятларда мақбул иқтисодий ечимни топиш, ташаббус кўрса-

тиш, меҳнат шароитларини такомиллаштириш юзасидан оқилона таклифлар киритиш кабиларга қодир бўлади;

в) ташаббускорлик ва тадбиркорликка, масъулиятни оширишга, кам харажат қилиб, катта иқтисодий натижаларга эришиш имконини берувчи йўллари ижодий излашга йўналтирилган иқтисодий тафаккурнинг янги типи. Иқтисодий тафаккур иқтисодий билим ва кўникмаларнинг оддий йиғиндисини эмас, балки уларнинг янги тизимини акс эттиради. Ривожланган иқтисодий тафаккур инсонга воқеликнинг у ёки бу ҳодисаси ёки ҳолатини иқтисодий мақсадга мувофиқлик нуқтаи назаридан баҳолаш имконини беради. Ривожланган иқтисодий тафаккур ҳодисаларга нисбатан мақсадга мувофиқлик нуқтаи назаридан ёндашишни одатга, кундалик ҳуқ-атворга айлантиришни назарда тутди. Чинакам ишбилармонлик, мулкка, моддий ва молиявий ресурслардан фойдаланишга тежамкорона муносабат ҳозирги замон иқтисодий тафаккурининг муҳим жиҳатларидир. Иқтисодий тафаккури ривожланган одамда мулкка нисбатан бундай муносабат одатга, турмуш тарзининг ажралмас қисмига айланади;

г) тежамкорлик, омилкорлик, ҳўжасизликка нисбатан муросасизлик каби ижтимоий хислатларни шакллантириш. Бу ижтимоий хислатлар ўз ишининг билимдони бўлган шахс онгида уйғунлашади. Эғалик ҳиссининг ривожланганлиги фақат ўз меҳнати учун эмас, балки бутун жамоа меҳнати учун ҳам катта масъулиятни ҳис этишни, жамоа ишларини бошқаришда шахсан иштирок этишни назарда тутди;

д) иқтисодий билимлар, кўникмалар ва маҳоратни кундалик амалиётда — меҳнатда, оилавий-маиший муносабатларда, ижтимоий-сиёсий, бошқарув фаолиятида қўллаш. Ривожланган иқтисодий тафаккурга эга инсон ўз билимлари, кўникмалари ва маҳоратидан ишда энг яхши натижаларга эришиш учун фойдаланади¹.

Шундай қилиб, иқтисодий маданиятни ўзлаштириш билимдан эътиқодга, ундан эса, ўз навбатида, реал амалий ҳаракатлар сари юксалишни назарда тутди. Кўриб турганимиздек, иқтисодий маданият тузилиши ва сиёсий маданият тузилиши ўз таркибий қисмларига ва алоқаларининг типига кўра бир-бирига жуда яқин бўлиб, бу уларнинг ҳамкорлигидан далолат беради.

Ҳозирги замон иқтисодий маданияти мулк ва ишлаб чиқариш муносабатларини тартиблаштирувчи норматив тизим демакдир. У ижтимоий субъектнинг иқтисодий тайёргарлигига ҳамда иқтисодий билим ва кўникмаларни амалда қўллашга маълум талаблар қўяди. Ҳар бир фуқаронинг конституциявий бурчи, яъни ўз жамоаси ва, умуман, жамият ишларини бошқаришда фаол иштирок этиш бурчини иқтисодий маданиятсиз тўлиқ рўёбга чиқариб бўлмайди.

¹ Қаранг: Единство политической и экономической культуры // Политическая культура. — Фрунзе, 1984. — С. 318-320.

Ҳозирги давр иқтисодий маданияти бўш жойда вужудга келгани йўқ. У инсоният иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш борасида тўплаган кўп асрлик тажрибанинг энг яхши, қимматли жиҳатларини ўзида жамлаган.

Иқтисодий маданият умумий маданиятнинг бошқа қисмлари билан ўзаро муносабатларга киришади. Табиийки, биринчи навбатда, унинг меҳнат маданияти, авваламбор, ишлаб чиқариш маданияти билан алоқаси кўзга ташланади. Маданиятнинг иккала таркибий қисми ҳам умумий мақсадни — иш самарадорлиги ва сифатини, меҳнат унумдорлигини оширишни кўзлайди.

Меҳнат маданияти ва иқтисодий маданият ўзаро кесилишади, аммо айнан бир нарса эмас. Иқтисодий маданиятга меҳнат маданияти ёки ишлаб чиқариш маданиятининг бир қисми деб қараш унча тўғри бўлмаса керак. Иқтисодий маданият ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган соҳалар — турмушда, оилада, дам олиш соатларида ҳам намоён бўлади. Фақат ишлаб чиқариш эмас, истеъмол қилиш ва тақсимлаш ҳам унинг ўзига хос соҳаларидир. Аммо меҳнат маданияти, иқтисодий мезонлардан ташқари, маълум физиологик, санитария-гигиена ва бошқа жиҳатларга ҳам эга. Буларнинг барчасини эътиборга олиб, иқтисодий маданиятсиз меҳнат маданияти ҳам, ишлаб чиқариш маданияти ҳам бўлиши мумкин эмас, деб қайд этиш мумкин.

Иқтисодий маданият сиёсий маданият билан чамбарчас боғлиқ. Л. А. Зеленев уларни (фалсафий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик маданият билан бир қаторда) «дунёни тушуниш маданияти» умумий тушунчаси орқали бирлаштирган¹. Жамиятда сиёсий муносабатлар сақланар экан, иқтисодий маданият муқаррар равишда сиёсий хусусиятга эга бўлади. Иқтисодий ва сиёсий маданиятнинг фаолияти билимдан эътиқодга ва мазкур билимларни амалиётга татбиқ этишга ҳаракат тарзида содир бўлади. Сиёсий маданият ҳар қандай ижтимоий фаолиятга сиёсий нуқтаи назардан қарашни талаб этса, иқтисодий маданият ҳаёт ҳодисаларига бозор нормалари ва қоидалари нуқтаи назаридан қарашни талаб этади. Сиёсий маданият иқтисодий маданиятнинг «ўзаги»дир.

Шу билан бирга, иқтисодий ва сиёсий маданиятнинг амал қилиш соҳалари бир-биридан фарқ қилади. Сиёсий маданият, иқтисодий сиёсат масалаларидан ташқари, иқтисодий манфаатлар доирасидан анча четга чиқадиган соҳани (давлатларнинг халқаро сиёсий муносабатлари, миллий, маданий сиёсат масалалари кабиларни) қамраб олади. Иқтисодий маданият масаласига келсак, у сиёсий муаммоларга бевосита тааллуқли бўлмаган соҳани (масалан, оилавий бюджетнинг тақсимланиши ва ҳ. к.)ни ҳам қамраб олади. Бу маданият турларининг ҳар бири шакл-

¹ Қаранг: Зеленев Л. А. Всестороннее развитие личности как социальная цель. — Горький, 1981. — С. 178.

ланиш ва фаолият кўрсатиш хусусиятларига, ўз қадрият ва нормалари тизимига, уларни ривожлантириш ва татбиқ этишни назарда тутувчи ўзига хос ижтимоий институтларига эга.

Инсон иқтисодий маданиятнинг субъекти ва объектидир. Одамлар иқтисодий маданиятни яратадилар ва ўзлари ҳам унинг таъсирида шаклланадилар. Иқтисодий маданият — ҳар бир фуқаро маданиятининг зарур таркибий қисми. Усиз шахс ҳар томонлама ўсиши мумкин эмас. Иқтисодий саводсиз одамни — маълумоти, эстетик, жисмоний ривожланиши қандай бўлишидан қатъи назар — маданиятли деб бўлмайди. Юксак иқтисодий маданият инсонга фақат ўзининг меҳнат, ишлаб чиқариш мажбуриятларини муваффақиятли бажариши учунгина керак эмас. У инсонга жамоа ва бутун жамият ишларини бошқаришда онгли, иқтисодий-сиёсий жиҳатдан саводли иштирок этиш имконини беради. У болаларни тарбиялаш, мустақкам оила қуриш, турмушда тежамкорлик тартибини сақлаш кабилар учун ҳам зарур. Шу боис иқтисодий маданиятнинг амал қилиш соҳаси инсоннинг бутун ҳаётий фаолиятини, турмуш тарзини қамраб олади. Сиёсий маданият сингари, у ижтимоий субъект (жамият, гуруҳ, кичик гуруҳ ва шахс)нинг бутун ижтимоий ҳаёти ва фаолиятига чуқур сингади.

Бинобарин, иқтисодий маданиятни ҳар хил босқичда — умумий (умуман жамият), алоҳида (гуруҳ, кичик гуруҳ), хусусий (шахс) даражаларда ўрганиш мумкин. Бунда шахс босқичида хусусийлик ва умумийлик ўртасида зиддиятлар вужудга келиши ҳам мумкин.

Жамиятни, авваламбор, шахсни иқтисодий маданият субъектига, унинг яратувчиси ва ижодкорига айлантириш ҳозирги замон иқтисодий маданиятининг муҳим хусусиятидир. Бунда сиёсий ва иқтисодий маданиятларнинг чуқур ички алоқадорлиги ва бирлигини кузатиш мумкин.

5.2. Сиёсий ва ҳуқуқий маданиятнинг ўзаро нисбати: қадриятлар ва қарашлар

Ҳозирги кунда сиёсат ва ҳуқуқнинг умумий ўзаро боғлиқлиги ҳуқуқшуносларда ҳам, сиёсатшуносларда ҳам эътироз туғдирмайди. Зеро, ҳуқуқ жамият ҳаёти негизлари, ижтимоий тузум ва тартибни қонунда мустақкамлайди; сиёсат эса, ўз навбатида, ҳуқуқни ривожлантиради ва уни мустақкамлаш воситаларидан бири ҳисобланади.

Ҳуқуқий маданият ижтимоий онг шаклларида бири, жамият умумий маданиятининг ажралмас, ўзига хос қисмидир. Умуман олганда, ҳуқуқий маданиятни инсон ҳуқуқ соҳасида тўплаган барча қадриятлар мажмуи деб таърифлаш мумкин. Аммо «ҳуқуқий маданият» қўп жиҳатдан инсоннинг ҳуқуқий қадриятларни ўзлаштириш ва ундан фойдаланиш даражасини акс эттирувчи қиёсий тушунча ҳамдир.

Ҳуқуқшунослик фанида, сиёсатшунослик ва маданиятшуносликда бўлгани сингари, умуман «маданият» атамасини, хусусан, «ҳуқуқий маданият»ни тушунишда яқдиллик йўқ. Собиқ совет юридик адабиётида ҳуқуқий маданиятнинг у ёки бу жиҳатлари қайд этилган ва уни таърифлашга ҳаракатлар бўлган. Жумладан, «ҳуқуқий маданият деганда, ҳуқуқнинг амал қилиш соҳасига тегишли бўлган моддийлаштирилган ва идеал элементлар тизимини ҳамда уларнинг одамлар онги ва ҳулқ-атворидаги инъикосини тушуниш таклиф этилади»¹, — деб қайд этганлар В. И. Каминская ва А. Р. Ратинов.

Бу муаллифларнинг фикрича, ҳуқуқий маданият таркибига қуйидаги йирик маданий комплекслар киради:

- давлат иродасини ифодаловчи нормалар тизими бўлмиш ҳуқуқ;
- ҳуқуқий муносабатлар, яъни ҳуқуқ билан тартибга солинувчи ижтимоий муносабатлар тизими;
- ҳуқуқий назорат, тартибга солиш ва ҳуқуқ ижросини таъминловчи давлат органлари ва жамоат ташкилотлари тизими бўлмиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи муассасалар;
- ҳуқуқий онг, яъни жами ҳуқуқий воқеликни маънавий акс эттириш тизими; ҳуқуқий хатти-ҳаракат, яъни ҳам қонуний, ҳам гайриқонуний ҳулқ-атвор (фаолият).

Бизнингча, бу рўйхатга ҳуқуқ ва ҳуқуқий ҳулқ-атвори сиёсий баҳолаш мезонларини, ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти ва ҳуқуқ фанини ҳам киритиш лозим. Мазкур «маданий комплекслар»нинг ҳар бири ҳуқуқий маданиятнинг ўзига хос жиҳатларини ажратиш учун аниқлаштиришни талаб этади. Давлат ва ҳуқуқ умумий назариясининг мутахассислари бу йўналишда қонунийликни мустақкамлаш ва ҳуқуқий тарбияни кучайтиришга йўналтирилган фаол тадқиқотлар олиб бормокдалар².

Ҳуқуқий маданиятнинг таърифлари хилма-хил. Жумладан, Т. В. Синокованинг фикрича, ҳуқуқий маданият — инсон амалиётининг «муайян жамиятда (цивилизацияда) одамларни ижтимоий-ҳуқуқий йўналтириш функциясини бажарувчи нормалар, қадриятлар, юридик институтлар, жараёнлар ва шакллари ўз ичига олувчи»³ соҳасидир. Профессор А. Б. Венгеров ҳуқуқий маданиятни «ҳуқуқий онгнинг нисбатан юксак ва кенг қўламли шакли»⁴ сифатида эътироф этади. Бизнингча, охириги талқинни илмий деб эътироф этиб бўлмайди, чунки ушбу ҳолда ҳуқуқий маданият фақат идеал соҳага тааллуқли бўлиб, ҳуқуқий онгли субъектлар фаолияти ва бу фаолият натижаларини инкор этади. Бошқача айтганда, ҳуқуқий онг, муайян маънода, ҳуқуқий маданиятнинг таркибига кирувчи ҳодисадир.

¹ Каминская В. И., Ратинов А. Р. Правосознание как элемент правовой культуры // Правовая культура и вопросы правового воспитания. — М., 1974. — С. 43.

² Қаранг: Таджикханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. 2 томли. — Т., 1998.

³ Синокова Т. В. Правовая культура // Теория государства и права. — Саратов, 1995. — С. 473.

⁴ Венгеров А. Б. Теория государства и права. — М., 1998. — С. 585.

Ҳуқуқий маданиятни унга таъсир этувчи омилларни ва унинг элементларини санаб ўтиш йўли билан таърифлашни ҳам тўғри деб бўлмайди. Масалан, давлат ва ҳуқуқ назариясига доир дарсликлардан бирида қуйидагиларни ўқиш мумкин: «Ҳуқуқий маданият деганда, жамият ҳуқуқий ҳаётининг маънавий, сиёсий ва иқтисодий тузум билан белгиланувчи, ҳуқуқий фаолият, юридик ҳужжатлар ва, умуман, ҳуқуқий онгнинг эришилган ривожланиш даражасида, субъектнинг ривожланиш даражасида ўз аксини топган сифат ҳолати тушунилади»¹.

В. П. Сальниковнинг фикрича, ҳуқуқий маданиятни «шахснинг ҳам, жамиятнинг ҳам муайян асосларга кўра структуралаштириш лозим бўлган алоҳида ҳуқуқий ҳолати деб идрок этиш мумкин»². Шахснинг ҳам, жамиятнинг ҳам ҳуқуқий маданиятига умуминсоний қадриятларнинг категорияларидан бири, тараққийпарвар инсоният қўлга киритган умумдемократик ютуқларнинг муҳим натижаси деб қаралади.

Профессорлар У. Таджиханов ва А. Саидовларнинг талқинига кўра, жамиятнинг ҳуқуқий маданияти ҳуқуқий онгнинг, қонунийликнинг, қонунларни такомиллаштиришнинг ва ҳуқуқий тажрибанинг муайян даражасини акс эттирадиган ҳамда инсоният ҳуқуқ соҳасида яратган бутун бойликларни қамраб оладиган ижтимоий маданиятнинг бир туридир. Шахснинг ҳуқуқий маданияти эса жамият ҳуқуқий маданиятининг узвий қисмидир. Шахснинг ҳуқуқий маданияти — жамият ҳуқуқий маданиятнинг зарурий шарт-шароити ва илк бунёдкори, унинг мақсади ва таркибий қисмидир³.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, ҳуқуқий маданиятга шундай таъриф бериш мумкин: *ҳуқуқий маданият* — одамларнинг ҳуқуқий муносабатлари соҳасидаги ижтимоий аҳамиятга молик ижодий фаолият шаклларида бири. У ҳуқуқ нормалари, институтларида ва мазкур ҳодисаларни баҳолаш қобилиятида ўз ифодасини топган. Ҳуқуқий маданиятни, шунингдек, муайян ижтимоий гуруҳлар ва шахсларнинг давлат-ҳуқуқий тажрибасини уларнинг юридик аҳамиятга эга хулқ-атворида таъсир кўрсатувчи ҳаётининг фаолиятнинг моддий ва маънавий маҳсуллари, кўникма ва қадриятларидаги ифодаси деб ҳам таърифлаш мумкин. Мухтасар айтганда, ҳуқуқий маданият шахсий эътиқодларга эмас, балки қонунга асосланиб ҳаракат қилиш қобилиятидир. Шунинг учун ҳам маданиятсиз хулқ-атвор, ҳуқуқ нуқтаи назаридан, шахслар ёки гуруҳларнинг юридик нормаларга нисбатан салбий муносабати, амалдаги қонунларни менсимаслиги ёки бузиши демакдир.

¹ Русinov P. K. Правосознание и правовая культура // Теория государства и права. — М., 1997. — С. 150-151.

² Сальников В. П. Правовая культура // Актуальные проблемы теории права. — Уфа, 1995. — С. 150.

³ Қаранг: Таджиханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. 2 томли. Т.1. — Т., 1998. — 30-31-б.

«Ҳуқуқий маданият» тушунчаси кенг қўламли бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

— ҳуқуқий тафаккур ҳамда ҳуқуқий воқеликни ҳиссий идрок этишнинг муайян даражаси;

— аҳолининг қонунларни билиш даражаси;

— ҳуқуқ нормаларига нисбатан ҳурматнинг, уларнинг нуфузи эътироф этилганлигининг ифодаси;

— ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни амалга ошириш жараёнларининг ҳолати;

— ҳуқуқ фаолиятининг ўзига хос усуллари (ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг иши, конституциявий назорат ва ҳоказолар);

— ҳуқуқий фаолиятнинг одамлар яратган моддий ва маънавий неъматлар кўринишидаги натижалари (қонунлар, қонунчилик тизимлари, суд амалиёти ва ҳоказо).

Ҳуқуқий маданият ўзининг ички тузилишига ва ижтимоий алоқаларининг бойлигига кўра ўта мураккаб ҳодисадир. У фақат қонунлар, ҳуқуқ нормаларини билишнинг назарда тутмайди. Ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онгдан ташқари, ҳуқуқий тартибот ва қонунийликни таъминлаш ва мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида ҳуқуқни ижро этиш фаолиятини ҳам ўз ичига олади. Ҳуқуқий маданият кўп қиррали ҳодиса сифатида илмий адабиётда унинг энг муҳим жиҳатлари, белгилари, мезонлари ва сифат хусусиятлари мажмуини аниқлаш йўли билан очиб берилади. Уларнинг айримларига тўхталиб ўтамыз.

Ҳуқуқий маданият жамиятнинг маълум тарихий босқичдаги гоёвий-ҳуқуқий ҳолатини акс эттиради; ҳуқуқий онг, ҳуқуқни билиш ва қонунларни ҳурмат қилиш даражасини ифодалайди. Баъзи бир муаллифлар ҳуқуқий маданиятни юридик устқурманинг барча таркибий қисмлари мажмуи деб тушунадилар¹. Бу ўринда ҳуқуқ соҳасининг олий ютуқлари ўз табиатига кўра норматив эканлигини қайд этиб ўтиш лозим, зеро улар ҳуқуқни ижро этиш, қонунни, ҳуқуқ нормаларини амалга ошириш фаолиятининг энг самарали шаклини ифода этади.

Ижтимоий манфаатларни англаш ва рўёбга чиқариш ҳуқуқий маданиятнинг ривожланишида ҳам ҳал қилувчи ўрин тутди. Ҳуқуқда акс эттириладиган манфаат объектив хусусиятга эга, аммо бунда реал мавжуд манфаат билан унинг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқ нормаларидаги ифодасини фарқлай билиш керак. Масалан, «манфаат ҳақида тасаввур», «ҳуқуқда мустаҳкамланган манфаат», «объектив манфаат» — бир хил тушунчалар эмас, улар ўртасида ижтимоий тараққиётдаги объектив ва

¹ Масалан, қаранг: Иванов В. И. Значение правовой культуры для совершенствования правоприменительной деятельности органов правопорядка: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — М., 1973. — С. 7; Сальников В. П. Правовая культура и поведение граждан (вопросы теории): Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Л., 1980. — С. 7.

субъектив омилларнинг ўзаро таъсири диалектикаси билан белгиланувчи фарқлар ва ҳатто зиддиятлар мавжуд¹.

Сиёсий ва ҳуқуқий маданиятнинг ўзаро нисбатига ўтар эканмиз, сиёсат ва ҳуқуқ — умумий принциплар, ўзаро мос келувчи мақсадлар, тарихий тақдирларнинг умумийлиги билан бир қаторда — ҳар хил ижтимоий функцияларга ҳам эга эканлигини қайд этиб ўтиш лозим. Ҳуқуқий маданиятнинг сиёсий маданиятдан фарқи, авваламбор, ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни ижро этиш фаолияти, шахс ҳуқуқий онгининг шаклланиши ва фаолият кўрсатишининг хусусиятларида, ҳуқуқ нормалари ва ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хосликларида кўринади.

Сиёсий ва ҳуқуқий маданият бир-бири билан узвий боғлиқдир; юксак ҳуқуқий маданиятсиз, қонунийлик принципига қатъий риоя этмасдан туриб юксак сиёсий маданиятга эришиш мумкин эмас.

Ҳуқуқий маданият ҳуқуқни ижро этиш фаолиятини таърифлабгина қолмай, балки фуқароларга қўйилган сиёсий ва ҳуқуқий талаблар мажмуини ҳам ўз ичига олади, қонунга мувофиқ ҳулқ-атвор намуналари ва идеалларини сақтайди, уларни тинимсиз бойитиб боради². Фуқароларнинг сиёсий маданият нормаларига мувофиқ фаолияти ҳуқуқий маданият намунаси ҳам бўлиши шарт.

Сиёсий ва ҳуқуқий маданият ўзаро таъсир этиш жараёнида бир-бирини бойитиб боради. Сиёсий маданият принциплари ва нормалари ҳуқуқнинг ривожланишига таъсир этади. Сиёсий маданиятнинг нормативлигига алоҳида нормативлик деб қараш лозим, зеро сиёсий принциплар ва нормалар ижтимоий ҳаётда алоҳида ўрин тутadi.

Сиёсий маданият билан ҳуқуқий маданият аксарият ҳолларда айнан бир маънавий-ахлоқий ва маданий қадриятларга таянади. Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг халқ қадриятларини тиклаш ва равнақ топтириш алоҳида эътибор бериши ҳозирги шароитда юртимизда сиёсий ва ҳуқуқий маданиятнинг шаклланишида муҳим ўрин тутadi. «Биз маънавий қадриятларни тиклашни миллий ўзликни англашнинг ўсишидан, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий, табиий жараён деб ҳисоблаймиз. Халқнинг маданий қадриятлари... Қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган»³, — деб таъкидлайди юртбошимиз.

Қадриятлар, ҳеч муболағасиз, халқ тарихи, миллат қиёфасидир... Миллий қадриятлар сўзсиз ҳар бир миллатнинг мавжудлик белгисидир... Маданий қадриятлар кишилар ўртасидаги ўзаро маънавий-маъри-

фий муносабатларни бошқаради, уларнинг ижтимоий-сиёсий ва ғоявий жипслигини мустақкамлайди¹.

«Қадрият» тушунчаси маъно жиҳатидан «эътиқод» тушунчасига яқин. О. Г. Дробницкийнинг фикрича, «қадрият» тушунчаси бирон-бир объектининг ижобий ёки салбий аҳамиятини, ижтимоий онг ҳодисаларининг норматив-нисбий томонини ифодалайди².

Жамиятдаги қадриятлар ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ва позицияларига, шунингдек ижтимоий ва сиёсий ҳодисалар, нормалар ва қоидаларга нисбатан муайян муносабатларига қараб кичик тизимларга бўлинади.

Ижтимоий фанларда одатда ижтимоий ҳаётнинг икки — моддий ва маънавий соҳалари, мазмуни ва функцияларига қараб эса — ишлаб чиқариш-истеъмолчилик (утилитар), ижтимоий-сиёсий, тарихий, эстетик, ҳуқуқий, маънавий, маърифий каби соҳалари ажратилади.

Ижтимоий-сиёсий тафаккур тарихи қадриятларнинг табиати ва мазмунини уларга таъсир кўрсатувчи ижтимоий ва сиёсий механизмларга нисбат бермасдан тўғри баҳолаб бўлмаслигини кўрсатади. Сиёсий ва ҳуқуқий қадриятларга ижтимоий макон ва замондан ташқаридаги боқий нарсалар деб қараш ҳам ҳақиқатдан узоқ; қадриятларни абстракт талқин этиш мазмунсиз таърифлашларга олиб келади.

Инсониятнинг тарихий ривожланиш босқичларига қараб қадриятлар тубдан ўзгариб боради. Маълумки, тарихий шароитларнинг ўзгариши тарихий тараққиёт жараёнида мазкур объектив ҳолатлар таъсирида шаклланган сиёсий ва ҳуқуқий маданиятларга ҳам таъсир кўрсатади. Буржуа инқилоблари даврида унинг мафкурачилари феодал тузумни, жумладан унинг сиёсий ва маънавий қадриятларини аёвсиз танқид қилганлар. Буржуа инқилоблари маълум даражада чекланган хусусиятга эга эканлигига қарамай, феодализмнинг ағдарилиши тарихан ижобий ҳодиса бўлиб, янги қадриятлар тизимининг вужудга келишига туртки берди.

Инглиз социологи К. Ходкинсон бошқарувнинг фалсафий-методологик масалаларига бағишланган асарида бошқарув масалаларига алоҳида эътибор қаратади ва субъектив идеализм билан сўғорилган қадриятларга шундай таъриф беради: биз бирор нарсани қадрли бўлгани учун эмас, ўзимиз уни қадрли деб ҳисоблаганимиз учун шундай баҳолаймиз³. Бундай қарашларга кўра, қадрият фақат баҳоловчининг ақлидагина мавжуд ва амалий асосга эга эмас, зеро исталган, афзал кўрилган ёки мақбул нарса ҳақидаги тасаввурларга тааллуқлидир.

¹ Қаранг: *Сабикенов С. Н.* Об объективном характере интересов в праве // Сов. государство и право. — 1981. — №6. — С. 36-38.

² Бу ҳақда қаранг: *Личность и уважение к закону* / Под. ред. проф. В. П. Казимирчука. — М., 1979.

³ *Каримов И. А.* Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т., 1997.

¹ Қаранг: *Қирғизбоев А.* Қадриятлар: тарбия ва муаммо // Мустақиллик ва ижтимоий тараққиёт. — Т., 1998. — 146-147-б.

² Қаранг: *Дробницкий О. Г.* Мир оживших предметов. Проблема ценности и философия. — М., 1967. — С. 24.

³ Қаранг: *Hodkinson C.* Toward a philosophy of administration. — Oxford, 1978. — P. 100.

Америкалик профессор Ч. Р. Фостер Сиёсий фанлар халқаро уюшмасининг XI бутунжаҳон конгрессида (Москва, 1979 йил) қилган маърузасида сиёсий маданиятни айна жамиятдаги сиёсий фаолиятга сингиб кетган ижтимоий англланган ва теран ҳис этилган қадриятлар ва тегишли эътиқодлар (қарашлар) йиғиндиси, ижтимоий тизимнинг алоҳида аъзоларига хос хусусиятлардан кўра кўпроқ бутун ижтимоий тизимга хос хусусиятларини ўзида жамлаган концепция сифатида таърифлаган. Аммо бу концепция индивидуал қарашлар ва қадриятлардан келиб чиққан. Сиёсий маданият микродаражада мавжуд хусусиятларга таяниб, макродаражани ўрганади. Шунинг учун ҳам сиёсий маданиятни ўрганиш мазкур жамиятда ҳукумат институтлари ва сиёсий механизм қандай ишлашини тушунишга ёрдам бериши мумкин.

Ғарб олимлари сиёсий ва ҳуқуқий маданиятни таълим тизими амалга оширувчи «ижтимоийлашиш», мактаб ва бошқалар билан боғлайдилар¹. Бундай алоқа чиндан ҳам мавжуд. Аммо сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари тизими ва, табиийки, ижтимоий тараққиётнинг объектив шарт-шароитлари ҳамда сиёсий вазият сиёсий ва ҳуқуқий маданиятни ривожлантирувчи қудратли, ҳал қилувчи омиллардир.

Сиёсий ва ҳуқуқий маданият қадриятларини муайян одамлар рўёбга чиқарадилар, аммо бу уларни индивидуалистик талқин қилиш учун асос бермайди. Инглиз олими Р. Хиггинс инсониятнинг аҳоли қўлайиб кетиши, очарчилик, ресурслар танқислиги, атроф муҳитнинг ифлосланиши, ҳарбий ва ноҳарбий фаолиятда ядро энергиясини суиистеъмол қилиш, фан ва технологияларнинг назоратсиз ривожланиши» сингари душманлари қаторига «яна бир, еттинчи «душман»ни — инсон табиати-нинг хоссаларини, яъни жамиятнинг ривожланишида одамларнинг иштирок этишига халақит берувчи сиёсий лоқайдлик, мурасасизлик, демагогия сингари сифатларни киритади².

«Нормативлик» тушунчаси сиёсий ва ҳуқуқий маданият қадриятларини тушунишни фарқловчи муҳим жиҳатдир. Муаммонинг моҳияти нормативлик билан реал воқеликнинг (фактнинг) ўзаро нисбатини аниқлашдан иборат бўлиб, бунда мазкур тушунчалар мавжуд ва мақбулни норматив ва экзистенционал (идеал ва реал) қарашлар нуқтаи назардан муайянлаштиришни назарда тутати. Норматив соҳа Ғарб аксиологиясида жуда кенг талқин қилинади; қадриятларнинг норматив тизими деганда, баъзан нормаларни асослаш, оқлаш ва танлаш механизми; норма-

тив функция сифатида эса — ҳар хил вазиятларда бир хил ҳулқ-атворни таъминлаш тушунилади. Америкалик социолог Т. Парсонс «нормалар тизими уларни тартибга солувчи қадриятлар билан бирикиши», улар маданият соҳаси билан боғланишини қайд этади, бунда «қадрият билан норма ўртасидаги алоқани тушуниш уларга қўшилувчи барча одамлар мазкур қадриятларни рўёбга чиқаришини фаоллаштиради»¹. Табиийки, қадриятларни бундай тушуниш уларни функционал, ижтимоий нормалар, шу жумладан ҳуқуқ ва ахлоқ билан яқинлаштиради.

Собиқ совет илмий адабиётида қадриятлар иерархияси мавжудлиги, бир ёки бир неча муҳим қадриятлар қолган қадриятларни белгилаб бериши қайд этиб ўтилган². Табиийки, қадриятлар эҳромининг чўққисида *ҳаёт* қадрияти турган бўлса, тинчлик, саломатлик, туғилиш қадрлидир; агар чўққида *ижод* турган бўлса, демак, янгилик ва кашфиёт қадрлидир.

Аслида, сиёсий ва ҳуқуқий маданият сиёсий ва ҳуқуқий билимлар, эътиқодлар, қадриятлар ҳамда уларни умумий қоидага айланган ҳулқ-атвор нормасида рўёбга чиқариш амалий фаолиятининг бирлиги таъминланадиган жойда бошланади. Бунда бир неча жиҳатлар фарқланади. Авваламбор, алоҳида шахснинг ҳуқуқий ва бошқа ижтимоий нормаларга доимий ва изчил риоя қилиши барча фуқаролар юксак онглилик даражаси, айнан шундай ҳаракат тарзининг мақсадга мувофиқлигига ишонч асосида риоя қилувчи умумий нормалар хусусиятини касб этиши лозим.

Сиёсий маданиятнинг, шунингдек ҳуқуқий маданиятнинг нормативлиги ижтимоий манфаатларни акс эттирувчи барча соҳаларга: онг соҳасига, сиёсий ва ҳуқуқий мафкура, қадриятлар, ижтимоий-сиёсий амалиёт соҳаларига, турмуш тарзига, тарихий ва ижтимоий тажрибанинг ворисийлиги ҳамда уларни ўтказиш механизмларига сингиб кетади. Бу эса сиёсий ва ҳуқуқий маданиятнинг қўринишларини социологияда ишлаб чиқилган турли кўрсаткичлар, мезонлар ва методикалар бўйича ўрганиш имконини беради.

Ҳуқуқ асосларини билиш ва унинг асосий қадриятларини ўзлаштириш маданиятли одам шахсининг муҳим жиҳатидир. У аҳоли барча табақаларининг ички, маънавий эҳтиёжига, уларнинг турмуш тарзи элементига, авлоддан авлодга ўтказилувчи анъанага айланиши лозим. Ҳуқуқий ва умумий маданиятда нормалар ва қадриятларнинг мустаҳкамланиши одамлар ҳулқ-атворини ҳуқуқ орқали самарали тартибга солишнинг ишончли омилдир.

¹ Американская социология. Перспективы, проблемы, методы. — М., 1972. — С. 368–369.

² Қаранг: Любимова Т. Б. Социальные исследования. Теории и методы. — М., 1970. — С. 72–73.

¹ Масалан, қаранг: Hyman H. Political socialization. — New York, 1959; Hess R., Torney J. The Development of Basic Attitudes and Values toward Government and Citizenship. During School Years. — Chicago, 1965; Vienni R. Political socialization // Handbook of Political Psychology. — San Francisco, 1973; Political theory and political education / Ed. by Richter M. — New York, 1980.

² Қаранг: Higgins R. The seventh enemy. The human factor in the global crisis. — London, 1978.

Сиёсий ва ҳуқуқий маданиятнинг шаклланиши турмуш тарзи билан чамбарчас боғлиқ. Бундай алоқа, авваламбор, одамлар турмуш тарзи сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатларининг аҳамияти билан белгиланади. Аммо муаммонинг моҳияти фақат шундагина эмас. Сиёсий, ҳуқуқий маданият ва турмуш тарзи битта умумий жиҳатга эга — улар одамларнинг амалий ҳаётий фаолияти жараёнини акс эттиради, яъни ишлаб чиқариш усуллари, ишлаб чиқариш муносабатлари, моддий ва маънавий замин тушунчаларини ижтимоий ҳаётнинг алоҳида соҳалари ва кўри-нишларига татбиқан янада муайянлаштиради.

Одамларнинг турмуш тарзи сиёсий ва ҳуқуқий қарашлар, ғояларнинг «моддийлаштирилганлик» даражасини акс эттириб, ҳаётий фаолиятнинг изчил ва мунтазам қайта тузилувчи нормаси бўлиб хизмат қилади. Анча жадал кечадиган сиёсий ҳаёт ва ҳуқуқий ривожланиш пировард натижада тарихий тажриба ва ижтимоий амалиётдан ўтган нарсалар сифатида сиёсий ва ҳуқуқий маданиятнинг барқарор институтларида ўз ифодасини топади. Бу шахс, ижтимоий гуруҳ, жамоат ташкилотлари ва, умуман, ижтимоий тизим сиёсий ва ҳуқуқий ривожланишининг норматив натижасидир.

Р. Г. Яновский шундай деб ёзади: «Сиёсий маданиятнинг ўзаги маълум билимларнинг шунчаки йиғиндиси, мафкуравий кўрсатмалар, сиёсий фаолият қўникмалари, барқарор ҳуқ-атвор андозалари эмас. Сиёсий маданият шахс ривожланишининг маълум сифат босқичини ифода-лайди. Бу босқич куйидаги поғоналарни ўз ичига олади: *мафкуравий поғона* (сиёсий билиш ва фикрлаш маданияти, ижтимоий тажрибани таҳлил қилиш ва умумлаштириш, янги сиёсий ҳодисаларни илгари ўзлаштирилган билимлар асосида ижодий англаб-етиш қобилияти), *эмоционал-психологик поғона* (сиёсий билимларнинг ҳаққонийлигига бўлган ишонч), *фаол ҳуқ-атвор поғонаси* (сиёсий билимлар ҳақиқийлигига ишонч) ва *фаолиятли* (сиёсий идеалларни кундалик фаолиятда рўёбга чиқаришга тайёрлик ва қодирлик)»¹.

Фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва демократиянинг ривожланиши шароитида ахлоқий принциплар, ҳуқуқий ва маънавий мажбуриятларнинг бирлиги конституциявий нормаларда мустаҳкамланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-моддасида: «Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар», деб белгилаб қўйилган. 47 ва 48-моддаларга мувофиқ, барча фуқаролар Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларини бажарадилар. Шунингдек, фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдир-

¹ Яновский Р. Г. Политическое сознание личности // Проблемы политических наук. К итогам XI Всемирного конгресса МАПН. — М., 1980. — С. 155.

лар. 49—52-моддаларнинг мазмуни ҳам ҳуқуқий ва маънавий мажбуриятларнинг шундай теран ва узвий бирлиги билан суғорилган. 49-моддага биноан, фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар. 50-моддага асосан, фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар. 52-моддага кўра, Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир.

Фуқаролик жамиятининг негизлари вужудга келиши жараёнида «эзгулик ва бурч», «адолат ва ҳалоллик», «инсонийлик ва ишонч», «инсоннинг шаъни ва диёнати», «масъулияти ва қадр-қиммати» тушунчалари билан сиёсий ва ҳуқуқий маданиятнинг алоқаси тобора яқинлашиб ва уйғунлашиб боради.

Ҳозирги замон шароитида сиёсий ва ҳуқуқий маданият кўпроқ фалсафа, шу жумладан ижтимоий адолат нуқтаи назаридан ўрганиладиган объектга айланиб бормоқда. Сиёсатшунослик ва ҳуқуқшуносликни танқидий ўрганиш бундай тамойилнинг мавжудлигини тасдиқлайди. Олимлар адолатни ижтимоий, маънавий қадрият, сиёсий қарорлар ва ҳуқуқий кўрсатмаларни баҳолашнинг идеал мезони деб тушуниб етишга ҳаракат қилмоқдалар¹. Сиёсий ва ҳуқуқий маданиятга асосланувчи ижтимоий адолат мезонлари барча ижтимоий ҳодисаларни жамият манфаатларига мувофиқлик нуқтаи назаридан баҳолашни талаб этади. Давлат жамиятнинг барча қатламлари ўртасида келишувни таъминлайдиган ва ўз сиёсатини амалга оширишда жамият манфаатини ҳар томонлама эътиборга оладиган жамиятдагина чинакам ижтимоий адолат ҳукм суриши мумкин.

¹ Батафсил маълумот учун қаранг: Мальцев Г. В. Социальная справедливость и право. — М., 1977.

II бўлим СИЁСИЙ ОНГ: НАЗАРИЯДАН АМАЛИЁТГА

VI боб. СИЁСИЙ ОНГ: МОҲИЯТИ ВА МАЗМУНИ

6.1. Сиёсий онгнинг моҳияти

«Сиёсий онг» ҳозирги замон сиёсатшунослик фанининг асосий тушунчаларидан биридир. Сиёсий онг деганда, субъектнинг муҳитнинг сиёсат билан боғлиқ бўлган қисмини идрок этиши натижалари, шунингдек унинг сиёсат билан боғлиқ ҳаракатлари андозасининг мияда ҳосил бўладиган инъикоси тушунилади.

Сиёсий онг — ижтимоий воқеликни ифодаловчи ва сиёсий фаолият жараёнида юзага келувчи ижтимоий онг шакли. Сиёсий онгнинг хусусияти ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, миллий ва маданий омиллар билан боғлиқ. Сиёсий онг жамиятга таъсир кўрсатади. У сиёсий жараёнларни башорат қилиш, уларни йўналтиришга қодир.

Сиёсий онг — сиёсий муносабатлар ва манфаатларнинг инъикоси, маълум тушунчалар, ғоялар, қарашлар, назариялар кўринишида ифодаланган сиёсий ҳодисаларга берилган баҳо бўлиб, у:

- ижтимоий воқеликни акс эттиради;
- ҳодисани муҳимлик даражаси ва манфаатлар, қонун ҳужжатлари, сиёсий нормалар, анъаналар, идеалларга мувофиқлигига қараб ифода этади;
- жамиятдаги ижтимоий ва сиёсий ўзгаришларнинг эҳтимол тугилган истиқболларини башорат қилади.

Сиёсий онгни сиёсий жараённинг иштирокчиси бўлган шахс томонидан сиёсатнинг идрок этилишини ифодаловчи ментал ҳодисалар мажмуи деб таърифлаш мумкин. Сиёсий онг фақат индивидуал тажрибанинг натижаси эмаслигига қарамай (унга шунингдек ижтимоий муҳит, сиёсий муносабатлар, сиёсий конъюнктура ва бошқа объектив омиллар ҳам таъсир кўрсатади), *мазкур тушунча ёрдамида асосан сиёсий жараённинг иштирокчиларига, шахснинг онгида содир бўлаётган ички жараёнларга таъриф бериш мумкин.* Бошқача айтганда, «сиёсий онг» тушунчаси «сиёсий маданият» тушунчасига қараганда нисбатан субъектив ҳодисаларни акс эттиради.

Қўпчилик олимлар мазмун жиҳатидан сиёсий онгга субъектнинг сиёсатдан хабардорлиги ва унга нисбатан оқилона муносабати даража-

сини умумлаштирилган кўринишда акс эттирувчи серқирра, хилма-хил, жўшқин, ички зиддиятли, қўп поғонали тузилма деб қарайдилар.

Гносеологик жиҳатдан сиёсий онг бошқа асосий сиёсий-психологик тушунчалар ва категориялар билан узвий боғлиқ. Жумладан, у сиёсий маданият билан чамбарчас боғлиқ. Генетик жиҳатдан эса, сиёсий онг сиёсий маданиятнинг ҳосиласи, олий даражаси ва, шу билан бир вақтда, сиёсий маданият ривожланган шакллариининг ўзагидир.

Сиёсий онг сиёсий хулқ-атвор билан узвий боғлиқ; сиёсий онг бундай хулқ-атвор субъектив механизмларининг оқилона асоси бўлиб хизмат қилади.

Кенг маънода қараладиган бўлса, сиёсий онг сиёсий тизим билан узвий боғлиқ — сиёсий онг унинг субъектив пойдеворини, таъбир жоиз бўлса, «инсоний негизи»ни ташкил этади. Анъанавий тушунишга кўра сиёсий онг, энг аввало, одамлар ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий шароитлари инъикоси сифатида юзага келувчи ижтимоий онгнинг кўринишларидан бири деб талқин қилинади. Умум эътироф қилган жаҳон анъанасида сиёсий онгга нисбатан кенг нуқтаи назардан, сиёсатнинг руҳиятдаги инъикоси деб, унинг турли даражада ва ҳар хил вазиятларда намоён бўлувчи субъектив элементи деб қаралади.



«Сиёсий онг» тушунчаси жамиятшуносликнинг турли соҳаларида қўпдан бери қўлланиб келади, аммо хулқ-атвор йўналиши доирасида асосан сиёсатшуносликда махсус ўрганилади. У XX асрнинг ўрталарида сиёсий хулқ-атворни тушуниш ва, умуман, сиёсий жараёнлар динамикаси сиёсий онг сингари «мустақил таркибий қисмлар»га эътибор беришни талаб этиши аён бўлиб қолганидан кейин, айниқса, нуфузли

мақом касб этади. «Сиёсий онг» тушунчаси ундаги мазмуннинг кенглиги, тушунтириш кучининг салмоғи ҳисобига, шунингдек турли фан соҳаларининг бунгача тарқоқ бўлган қарашлари ва маълумотларини ўзида жамлаган ўзига хос ўзак тушунча бўлгани туфайли, қулай бўлиб чиқди. Бундай хоссаси сиёсий онгга психология фанида ҳам асосий тушунчалардан бирига айланиш имконини берди.

— 6.2. Сиёсий онг функциялари ва даражалари —

Сиёсий онг жамиятда ўзига хос функцияларни бажаради. Сиёсий мақсадни белгилаш ва сиёсий дастурлаштириш уларнинг асосийларидир. Бу функциялар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Ижтимоий гуруҳ, кичик гуруҳнинг манфаатларига мос келувчи мақсадлар тизимини, шунингдек уни амалга ошириш учун зарур стратегия ва тактикани ишлаб чиқиш ҳар қандай сиёсатнинг асосий вазифасидир. Бу мақсадлар ва уларга эришиш усуллари сиёсий фаолият субъектларининг тегишли дастурлари, баёнотлари ва декларацияларида назарий жиҳатдан асослаб берилади.

Сиёсий онг сиёсий фаолиятни акс эттирибгина қолмай, унга фаол таъсир кўрсатади, унга нисбатан маълум талабларни шакллантиради. Унинг норматив роли ана шундадир. Сиёсий онгнинг норма ижодкорлиги функцияси шундаки, у маълум қадриятлар (бағрикенглик, халқчиллик, ватанпарварлик, байналмилалчилик ва ҳ. к.) тизимини шакллантиради. У шунингдек сиёсий амалиётни мунтазам таҳлилдан ўтказиш ҳамда унинг маълум қонуниятлари ва тенденцияларини аниқлашни (бунинг асосида сиёсий стратегия ва тактика ишлаб чиқилади) назарда тутувчи илмий-маърифий функцияни ҳам бажаради.

Шундай қилиб, сиёсий онгнинг қуйидаги функцияларини қайд этиш мумкин:

- 1) илмий-маърифий функция — гуруҳ ва жамоа манфаатларига бўлган эҳтиёжни ифодалайди;
- 2) билиш функцияси — сиёсий воқеликни англаш, идрок этиш, тегишли ахборотни жамлаш ва таҳлил этишда ифодаланади;
- 3) ғоявий функция — манфаатларни ҳимоя қилиш эҳтиёжларини ифодалайди;
- 4) коммуникатив функция (алоқалар тизимини таъминлаш функцияси);
- 5) прогностик функция (башорат қилиш функцияси);
- 6) тарбиявий функция — одамларнинг сиёсий фаоллигини шакллантиради, уларни маъқул томонга йўналтиради.

Сиёсий онг ички зиддиятли ҳодисадир. Сиёсий онгнинг қуйидаги даражалари фарқланади:

— эмпирик даража — инсоннинг сиёсий психологияси. У одамларнинг сиёсий ҳаёти таъсирида шаклланади;

— ғоявий-назарий даража (назарий билимлар тизими);

— индивидуал-сиёсий даража (инсон, шахс онги);

— жамоавий даража (маълум гуруҳлар онги);

— оммавий даража.

Сиёсий онг, даражасига кўра, элитар ва оммавий бўлади.

Элитар сиёсий онг — мафкура, фан, тарғибот ва ташвиқот шаклидаги онг бўлиб, у турли ижтимоий ва сиёсий ҳодисалар ўртасидаги сабаб-оқибат алоқаларни аниқлаш, сиёсий воқеликни тушунтириш ва тушуниш, сиёсий ҳаётда мўлжал олиш имконини беради.

Сиёсий элита бундай онгнинг асосий соҳибидир. Мазкур билим ўзаро мулоқот, дин, анъаналар, тарбия, таълим, оммавий ахборот воситалари, тарғибот ва ташвиқот, санъат сингари институтлар орқали аҳолига ҳар хил йўсинда ва мақсадларда сингдирилади. Унинг асосида оммавий онг шаклланади. У индивидуал ёки жамоавий тажрибани англаб етишга ўхшаш соғлом фикр даражасидаги билимларни ҳам ўз ичига олади.

Сиёсий онг субъектига кўра сиёсат фанида оммавий, жамоавий ва индивидуал сиёсий онг турлари фарқланади.

Оммавий сиёсий онг кўп жиҳатдан элитар сиёсий онгнинг инъикоси бўлиб, у ёки бу сиёсий мафкура, масалан, консерватив, либерал ёки бошқа турдаги мафкура таъсирида шаклланади.

Сиёсий онг деганда, долзарб сиёсий мазмунга эга бўлган ва маълум сиёсий оқибатларга олиб келадиган масалаларга нисбатан жамиятнинг оммавий онги тушунилади. Бу маънода сиёсий онг оммавий онгнинг алоҳида, сиёсийлашган сегментидир. Тузилиши жиҳатидан бундай сиёсий онг *статик элементлар* (қадриятлар ва қарашлар) ҳамда *динамик элементлар* (кайфиятлар)ни ўз ичига олади.

Биринчидан, бу одамларнинг интилишлари даражаси ва уларни рўёбга чиқариш мақсадида сиёсий тизимга таъсир кўрсата олиш имкониятларини баҳолашдир. Иккинчидан, бу мафкуравий эътиқод негизида ётган ижтимоий-сиёсий қадриятлардир (масалан, адолат, демократия, тенглик, барқарорлик, тартиб ва ҳ. к.). Учинчидан, бу жорий вазият, ҳукумат ва раҳбарлар фаолият, муайян сиёсий тадбирлар кабиларни баҳолаш билан боғлиқ тез ўзгарувчи фикрлар ва кайфиятлардир.

Оммавий онг деганда, кўпинча эмпирик тадқиқот натижасида олинган индивидуал қарашлар, мойилликлар ва шу кабиларнинг муайян йўндиниси тушунилади. Бунда оммавий онгга ҳар хил таъриф берилади. Жумладан, Б. А. Грушин бу ҳодисани «гносеологик ва ижтимоий табиатига кўра хилма-хил бўлган, фақат психика шакллари билан чекланиб қолмаган, психология ва мафкура, эҳтирос ва мантиқ, тинчлик ва муносабатлар, оддий ва назарий онг, рационал ва ирраци-

онал (шу жумладан фантастик) тасаввурлар кабиларнинг «бўлимлари», соҳалари, даражаларига мансуб бўлган маънавий тузилмалар» мажмуи деб таърифлайди.

Ҳозирги босқичда жамиятимиз ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида туб ўзгаришлар билан тўқнаш келдики, бу ҳол оммавий сиёсий онгга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Ўтиш жараёнларига қадар амал қилган мафкуравий қарашлар ва қадриятларнинг институционал асослари ўзгарди, айрим ҳолларда эса умуман йўқолди.

СССРнинг парчаланиши билан давлат мақомига эга бўлган қудратли коммунистик мафкура оммавий онгдаги устун мавқеидан маҳрум бўлди.

Ўзбекистондаги оммавий сиёсий онгни ўрганиш унда аҳолининг кўпчилиги қабул қилган бир қатор ғоялар мавжудлигидан далолат беради. Бу — инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати олий қадрият эканлиги, барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, мулкнинг муқаддаслиги ва дахлсизлиги ғоялари, яъни бир қатор умумдемократик, умуминсоний қадриятлардир. Тоталитар жамиятнинг «шахсни жамиятга бўйсундириш» ақидалари янги ҳаётий қадриятларга ўрин бўшатмоқда.

Ўзбек жамиятининг оммавий сиёсий онгида бағрикенглик, адолат, маънавият, катталарга ҳурмат сингари қадриятлар Ўзбекистоннинг асосий ўзига хосликлари, маънавий мулки деб эътироф этилади. Уларга Ўзбекистоннинг бошқа мамлакатлардан устун жиҳатлари деб қаралади.

Иккинчи ҳолда сиёсий онгга сиёсат билан боғлиқ катта (аҳоли табақалари, миллий-этник тузилмалар, гуруҳлар) ва кичик (сиёсий элита, хилма-хил лоббистик тузилмалар ва шу кабилар), у ёки бу тарзда уюшган гуруҳларнинг умумий онги деб қаралади. Гуруҳнинг ижтимоий-сиёсий тизимдаги объектив ўрнидан ва жамоавий ўзини ўзи англашнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, бундай сиёсий онг *гуруҳ сиёсий фаоллигининг мазмуни, йўналиши ва суръатини белгиловчи тасаввурлар мажмуи деб талқин қилинади*. Тузилиши жиҳатидан жамоавий сиёсий онгда етакчилик қилувчи сиёсий позициялар ва мафкуравий афзалликларга алоҳида эътибор берилади.

Учинчи ҳолда сиёсий онг сиёсатни у ёки бу тарзда идрок этиш, унга озми, кўпми аниқ баҳо бериш ва сиёсий жиҳатдан нисбатан изчил ҳаракат қилишга қодир бўлган шахс, «сиёсий одам»нинг хоссаси ва сифати деб талқин қилинади. Бу ерда инсон фаолиятининг алоҳида соҳаси — сиёсатда шахс онги ва ҳуқ-атворининг субъектив-психологик хусусиятлари, намунавий тавсифлари ва таркибий қисм-лари катта қизиқиш уйғотади. Шунингдек, шахснинг сиёсий ижтимоийлашиши жараёнларини, у сиёсий онгнинг оммавий ва ҳар хил жамоавий шакллари ўзлаштиришда фойдаланувчи усуллари ўрганиш муҳимдир.

Сиёсий онгнинг индивидуал даражадаги фаолиятини бошқарувчи механизмларнинг таҳлили унда элементларнинг икки туркумини фарқлаш имконини беради. Булар асослантирувчи (сиёсий эҳтиёжлар, қадриятлар, қарашлар, ҳис-туйғулар, эмоциялар) ва маърифий (билимлар, хабардорлик, сиёсатга қизиқиш, эътиқодлар) элементлардир.

СИЁСИЙ ОНГ ДАРАЖАЛАРИ	
Субъект нуқтаи назаридан	Воқеликни теран акс эттиришига кўра
<i>Оммавий</i> Оммавий бирликнинг реал таъсир кўрсатувчи сиёсий онги <i>Жамоавий</i> Сиёсат билан боғлиқ катта ва кичик гуруҳлар: синфлар, сиёсий элитанинг онги <i>Индивидуал</i> <i>Шахснинг сиёсатни билишини</i> таъминловчи асослар ва қадриятлар тизими	<i>Оддий</i> Инсоннинг ҳаётий тажрибаси негизда шаклланади <i>Илмий</i> Ижтимоий гуруҳлар сиёсий жараёнларни ўрганиш асосида шакллантиради

VI боб. СИЁСИЙ ОНГНИНГ МАЗМУНИ

7.1. Сиёсий онгнинг тузилиши ва таркиби

Сиёсий онг — сиёсатнинг субъектив мезони. Сиёсий фаолиятни акс эттириш даражаси ва шаклларига кўра сиёсий онг тузилишида диалектик жиҳатдан ўзаро боғлиқ икки даража — назарий-мафкуралаштирилган ва оддий даражалар фарқланади.

Оддий сиёсий онг бир қатор хусусиятлари — элементларининг мазмунан аралашлиги, чегарасизлиги, ноаниқлиги, зиддиятчилиги, тизимга солинмаганлиги, кўп жиҳатдан тасодифийлиги, сиёсат ҳақидаги кундалик тасаввурлар ва қарашлар таъсирида беқарор равишда шаклланиши ва ривожланиши билан фарқ қилади.

Шу билан бир вақтда, оддий сиёсий онг сиёсий хулқ-атворга барқарор ва мунтазам-узлуксиз таъсир кўрсатиши билан ажралиб туради. Ҳатто назарий, мафкуравийлашган сиёсий онг билан зиддиятга киришиб ҳам оддий сиёсий онг бундай хулқ-атворни белгилашда давом этиши мумкин.

Ундан фарқли ўлароқ, *назарий-мафкуралаштирилган сиёсий онг* қарашлар ва фикрларнинг яхлит оқилона тизимини, маълум дунёқарашни ташкил этувчи, инсонни қуршаган сиёсий муҳитни у ёки бу мафкуравий концепция асосида тушунтирувчи қатъий ва изчил тасаввурлардан келиб чиқади. Сиёсий онгнинг у ёки бу элементларининг бир шаклдан иккинчи шаклга ўтиш диалектикаси деганда, ижтимоий-сиёсий ривожланишнинг муҳим кўрсаткичи, ички ривожланиш ва намоён бўлиш йўллари тушунилади.

Сиёсий онг назарий даражада жамият сиёсий ҳаётининг қонуниятларини очиб беради ва амалий сиёсий фаолиятни ташкил этишда улардан фойдаланади. Бу даража мафкурачилар фаолияти билан бевосита боғлиқдир, шунинг учун ҳам у кўпинча мафкуралаштирилган деб аталади. *Сиёсий мафкура* сиёсий онгга, шу жумладан оддий онгга қараганда серҳаракат ва ўзгарувчандир. Сиёсий фаолият субъектлари, сиёсий мафкурачилар ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳодисаларни муттасил таҳлилдан ўтказиб, умумлаштириб, сиёсий стратегия ва тактикага тегишли тузатишлар киритиб борса, ижтимоий эҳтиёжлардаги ва қарама-қарши кучларнинг мавқеидаги ўзгаришларни олдиндан кўра олсагина муваффақиятга эришишлари мумкин.

Реал

Сиёсий мафкура жамиятнинг маънавий ҳаётида алоҳида аҳамиятга эга, таълим, санъат ва маънавиятга катта таъсир кўрсатади. Сиёсий мафкура хилма-хилдир. Ушбу параграфда биз сиёсий мафкуранинг мазмуни ва моҳиятига батафсил тўхталиб ўтирмаймиз, чунки у мазкур бобнинг кейинги параграфида алоҳида баён этилади.

Ҳар хил ижтимоий табақаларнинг билимлари, тасаввурлари, кайфиятлари, ҳис-туйғулари, қарашларини ўзида мужассам этувчи оддий сиёсий онг ҳам сиёсий мафкуранинг, ҳам сиёсий амалиётнинг таъсирида шаклланади.

Омманинг сиёсий тажрибаси, унинг сиёсий фаолиятдаги реал иштироки, бу иштирок амалга ошувчи шароитлар оддий сиёсий онг шаклланишининг асосий манбаидир.

Оддий сиёсий онгнинг сиёсий соддалик, қарашлар ва баҳолашларнинг беқарорлиги, хомхаёл, афсона ва ақидаларга берилувчанлик сингари сифатлари аҳолининг катта-катта гуруҳларига хослиги шубҳасиздир. Бу, авваламбор, мазкур гуруҳлар яшайдиган ижтимоий шароит ва муҳит билан боғлиқ. Бундай аҳволдан чиқиш учун, албатта, вақт керак. Сиёсий уйқудан тез уйғониш мумкин, аммо сиёсий ақидалардан осон қутулиш мумкин эмас.

Ҳозирги замон шароитида жамиятдаги оддий онгнинг аҳволига иқтисодий ислохотлар бевосита катта таъсир кўрсатади. Уларнинг таъсирида сиёсий онгнинг ўзида, аҳоли турли табақаларининг ижтимоий-сиёсий тасаввурлари, қарашлари ва қадриятлари тизимида ўзгаришлар содир бўлади.

Сиёсий билимлар сиёсий онгнинг ҳам назарий (сиёсий мафкура), ҳам оддий (эмпирик) даражалари мазмунининг ажралмас қисмидир.

Сиёсий билимлар — одамларнинг сиёсат, давлат ва жамиятнинг сиёсий тизими, унинг институтлари ҳақидаги билимлари йиғиндисидир. Одамлар жамиятдаги сиёсий жараёнларда иштирок этиш учун етарли даражада сиёсий билимларга эга бўлишлари лозим.

Сиёсий билимлар назарий онгда ҳам, оддий онгда ҳам ҳар хил даражада мавжуд бўлади, аммо уларнинг негизида ҳар хил даражада анланган ва тизимга солинган сиёсий тажриба ётгани туфайли, улар кўп жиҳатдан иккала онг даражасини ҳам белгилайди. У ёки бу гуруҳлар ва кичик гуруҳларнинг манфаатларини акс эттирувчи сиёсий билимлар баъзан моҳиятидан ҳам кўра кўпроқ шаклан фарқ қилади. Чунончи, сиёсий мафкурачилар ишлаб чиққан назарий билимлар кейинчалик сиёсий чақириқ ва шиорлар шаклида тақдим этилади ҳамда оддий сиёсий онг томонидан ўзлаштирилади.

Сиёсий манфаатлар ва билимлар ўртасида узвий алоқа мавжуд. Манфаатлар қисман ўзлаштирилган билимларга боғлиқ. Шу билан бир вақтда, улар янги билимларни ўзлаштиришга рағбатлантиради. Янги билимларни ўзлаштириш, ўз навбатида, содир бўлаётган сиёсий ўзгаришлар-

ни тўғри акс эттириш, уларга мослашиш, сиёсий қарорлар қабул қилишда иштирок этиш қобилиятини кучайтиради.

Сиёсий тажриба сиёсий онгнинг аҳволига таъсир кўрсатувчи муҳим омилдир. Бу тажриба жадал ортиб боради. Унда ижобий ҳолатлар ҳам, салбий ҳолатлар ҳам кузатилиши мумкин. Ижобий ҳолатлар — ўзгариш-антилиш, очиқлик, ошкоралик, сиёсий тадбирларда (митинглар, ларга ишлар, сиёсий норозилик актлари, халқ дипломатиясида) қатна-намой салбий ҳолатлар — янги хомхаёлларнинг туғилиши, популизм, шиш; ратия, душман қидириш, ижтимоий демагогиянинг таъсиридир. охлоқ энг муҳими — омманинг сиёсий фаоллиги, сиёсий ҳаётда ишти-Аммо инг ортиши. Бу тажриба сиёсий онг ижобий ўзгаришлар томонга рокин ривожланишининг бош кафолатидир. қараб

Сиёсий онгнинг ўн йиллар мобайнида, айниқса, турғунлик йилла-рида илдиз отган бефарқлик ва мурасасозлик сингари жиҳатлари бу асосий туғаноқ бўлмоқда. Сиёсат соҳасидаги ўзгаришлар автори-йўлда ёсий тузумдан демократик тузумга ўтиш билан боғлиқ. Бунда тар си муносабатларни ижтимоийлаштириш, оммани сиёсий фаолиятга сиёсий тиш талаб этилади.

Ижтимоий муносабатлар доирасида ахлоқ ва мафкуранинг у ёки бу ларидан чекиниш ҳоллари оддий онгга айниқса жиддий салбий норма кўрсатади. Бу таъсир ижтимоий кайфиятда акс этади. Ижтимоий таъсир ят — оддий сиёсий онгнинг энг ўзгарувчан қисми. Шунингдек, кайфи қийинчиликлар, айниқса иқтисодий қийинчиликлар, сиёсий ва ҳар хи й зиддиятлар ҳам ижтимоий кайфиятга катта таъсир кўрсатади. милли

Сиёсий кайфиятларнинг мураккаб мажмуи икки қарама-қарши қутбога эга, бу лар — пессимизм ва оптимизм. Бу жиҳатлар муҳим муаммоларни элиш истиқболлари ва умумбашарий истиқболлар билан ўзаро ҳал қи да айниқса яққол намоён бўлади.

Нисба-ёсий билимлар ҳамда кайфиятлар жамоа ва жамоатчилик фикри-нинг егизида ётувчи нисбий қарашларнинг шаклланиши учун шарт-т яратади. Жамоатчилик фикри жамоавий (оммавий) мулоқот, шарои р учун муҳим ва долзарб муаммолар юзасидан ижтимоий ахборот одамл иш натижаси сифатида юзага келади.

Алмаш-ёсий қадриятлар сиёсий онгнинг муҳим элементларидан биридир. Сиёсий қадриятларга фундаментал тузилмалар деб, муайян объект ёки Сиёсий билан боғлиқ бўлмаган абстракт идеаллар деб, инсоннинг идеал вазият твор моделлари ва идеал мақсадлар ҳақидаги тасаввурлари деб қара-хулқ-а Шундай қилиб, қадриятлар — идеал объектни «яхши», «ёмон» деб лади. ш, нима маъқул ва нима зарурлиги ҳақидаги тасаввур демақдир. баҳола ёсий қадриятлар — одамларнинг сиёсий ҳаёт ҳақидаги норматив Сиурлари ва қарашлари. Ижтимоий адолат, қонун, тартиб ҳам сиё-тасав дриятлар сирасига киради. сий қа

Сиёсий қадриятлар — шахс томонидан ўзлаштирилган, ҳаёт тарзига мослаштирилган ижтимоий-жамоавий тасаввурлар. Мазкур тасаввурлар ижтимоийлашиш жараёнида шахс томонидан ўзлаштирилади ва муайян сиёсий қарашларни шакллантиради.

Хўш, сиёсий қадриятлар сиёсий қарашлардан нимаси билан фарқ қилади? Қадриятлар инсоннинг идеал объект ёки умуман объектлар йиғиндиси (масалан, сўз эркинлиги, эътиқод эркинлиги) ҳақидаги тасаввурлар, сиёсий муносабатлар бобида жамият маънавий мулкига айланган неъматлардир. Қарашлар эса асосан муайян объектларга нисба-тан одамларнинг муносабатини таърифлайди. Бундан ташқари, қадри-ятлар муайян сиёсий қарашларнинг шаклланишига жиддий таъсир кўрса-тади, шунинг учун ҳам уларни қарашларнинг элементларидан бири деб ҳисоблаш мумкин.

Инсоннинг «ички» ва «ташқи» хулқ-атворининг ўзаро муносабатла-рида сиёсий қараш асосий ўрин тутати: у «фаолиятнинг дастлабки бос-қичи ҳисобланади, унга руҳлантиради».

Хўш, сиёсий қарашнинг ўзи нима? Сиёсий қараш деганда, инсон-нинг у ёки бу сиёсий объектларга муносабати, мазкур объектларга нисба-тан ўзини маълум тарзда тутишга субъектив тайёрлиги тушунилади.

Бунда сиёсий қарашнинг шаклланишига ижтимоий муҳит жиддий таъсир кўрсатади: сиёсий қарашлар ижтимоий алоқалар тузилмасига қўшилганлик ҳисси, ижтимоий муҳитга яқинлик, хавфсизлик, ўзини ўзи англаш ва ўз мавқеини аниқлаб олиш сингари теран ижтимоий эҳтиёжларнинг ифодаси бўлиб хизмат қилади.

Қарашлар келиб чиқиши ва объектларига кўра ҳар хилдир. Сиёсат-шуносликда ва бошқа ижтимоий фанларда уларнинг тузилиши ва типо-логиясига нисбатан ҳар хил ёндашувлар мавжуд. Типологияга нисбатан кенг тарқалган ёндашувлардан бири у ёки бу қарашнинг негизида ётув-чи қисмларнинг табиати мезонига асосланади. Қарашнинг тузилишида одатда уч элемент ажратилади:

1) когнитив элемент (сиёсий объектлар ёки ҳодисалар ҳақидаги билимлар ва уларни норматив баҳолаш билан боғлиқ);

2) аффектив элемент (шахснинг объектга нисбатан туйғулари билан боғлиқ);

3) хулқ-атвор элементи (объектга нисбатан маълум хулқ-атворга мойиллик).

Сиёсий қадриятлар ҳамда сиёсий ҳодисалар билан алоқадор бошқа қадриятлар тизими қарашлар тизимининг юқори бўғинини ташкил этади.

Ўрта бўғин — сиёсий тизим институтлари ҳамда сиёсий лидерлар ва гуруҳларга нисбатан фуқароларнинг муносабатини таърифловчи қарашлар, шунингдек сиёсий тизимдаги ўз ўрни ва аҳамиятини ба-ҳолаш бўғини.

Учинчи бўгин — муайян шароитларда муайян сиёсий объектларга нисбатан ўзини тутиш (ҳаракатга олдиндан тайёрлик) билан боғлиқ қарашлар.

Сиёсий эътиқодлар жамиятнинг идеал сиёсий тузилиши ҳақидаги одамларнинг тасаввурларини акс эттиради. Одатда одамлар ўз сиёсий билимлари, қадриятлари ва эътиқодларини сиёсий тизимнинг реал амалиёти, унинг институтлари ва уларнинг фаолиятига солиштирадилар.

Жамоа ва жамоатчилик фикри оддий сиёсий онг ҳолатининг муҳим кўрсаткичидир. Кўпгина олимлар жамоатчилик фикрининг ривожланишида ва фаолиятида унинг асосланганлик даражаси ортиб бораётганини қайд этмоқдалар. Бу илмий билимлар (назариялар, концепциялар) оддий онгга кириб, унинг хусусияти ва умумий йўналишига таъсир кўрсатаётганидан далолат беради. Жамоатчилик фикрининг савияси сиёсий қарорлар қабул қилишда муҳим мўлжал бўлиб хизмат қилади. Табиийки, бундай қарорлар, авваламбор, илмий билимлар асосида (яъни асосли равишда) қабул қилиниши лозим, аммо бунда оддий сиёсий онгнинг савияси эътиборга олиниши шарт.

Сиёсий ҳис-туйғулар оддий сиёсий онгнинг муҳим таркибий қисмидир. Улар сиёсий фаолият субъекти киришадиган муносабатларнинг хусусияти билан боғлиқ. Субъектнинг сиёсий ҳаётда у ёки бу шаклда мунтазам иштирок этиши уларнинг ўзаро таъсири ва тарқалишининг шартли ҳисобланади. Сиёсий ҳис-туйғулар доираси жуда бой — булар ватанпарварлик, миллатпарварлик, бирдамлик ва ҳ. к.

Умуман олганда, сиёсий ҳис-туйғуларни қуйидаги тоифаларга ажратиш мумкин:

1) мақсадлар, идеаллар ва умуман қадриятларга сиёсий содиқлик туйғуси. Улар лидерларга, тегишли раҳбарларга ва шу қабилага муносабатни ўзида мужассамлаштиради;

2) сиёсий итоаткорлик туйғуси. Сиёсий ҳокимиятнинг мақсадлари ва фаолият усулларининг тўғрилигига ишонч негизида ёки мурасасозлик, «фикрламаслик», фаоллик кўрсатмаслик ва ўз зиммасига масъулият олмаслик одати негизида юзага келади;

3) сиёсий бегоналик ҳиссиёти. Сиёсий ҳаётга, муҳим қарорлар қабул қилишга шахсан таъсир кўрсатиш имкониятининг мавжуд эмаслигини сезиш негизида вужудга келади;

4) ҳокимият (сиёсий тузум) олдида қўрқув ҳиссиёти инқироз шароитларида айниқса кенг тарқалади. Улар волонтаризм ва ҳокимиятнинг ўзбошимчалигидан одамлар ҳимояланмаганлиги ҳиссиёти натижасида вужудга келади.

Ҳис-туйғулар кайфиятлардан ўзининг нисбатан барқарорлиги ва кўпроқ назорат остидалиги билан фарқ қилади.

Сиёсий фаолият субъектларининг сиёсий эътиқодларини шакллантиришга сиёсий билимлар, кайфиятлар ва сезгилар катта таъсир кўрсатади. Сиёсий эътиқодлар ҳамisha маълум идеаллар ва қадриятларга чуқур ишончни, уларни амалга ошириш йўлида ҳаракат қилишга тайёрликни ифода этувчи билимлар, туйғулар, сезгилар ва кайфиятларнинг уйғунлигидир.

Психологик жиҳат сиёсий онгнинг иккинчи таркибий қисмидир. Бу норматив тизим, сиёсий ҳодисалар ва муайян сиёсий арбобларга нисбатан муносабат ҳамда уларни психологик идрок этишдир.

Сиёсий онг, қадриятлар, қарашлар ва шу қабила билан бир қаторда, уларни ишлаб чиқиш, шахсий позицияни излаш психологик механизмини ўз ичига олади ва у билан ўзаро таъсирга киришади. Бунда муҳит жиддий таъсир кўрсатишига қарамай, ушбу жараён индивидуал хусусиятга эга. Шунинг учун ҳам сиёсат жараёнининг бошқа субъектларига нисбатан «сиёсий онг» тушунчасининг қўлланиши шубҳа уйғотади. Шу билан бирга, мазкур сўз бирикмасини у ёки бу жамиятда кенг тарқалган қадриятлар ва қарашларнинг миқдорий аниқланган мажмуини ифодалаш учун зарур тушунтириш ва изоҳлар билан метафора сифатида ишлатиш мумкин.

Сиёсий онг сиёсий хулқ-атвор билан узвий боғлиқдир. Сиёсий онг сиёсий хулқ-атворнинг тайёргарлик босқичи бўлиб, унга маъно бахш этади, шунингдек сиёсий жараён субъектлари ўзаро сиёсий алоқа қилишига имконият яратади. Сиёсий онг — ижтимоий онгнинг асосий шаклларида бири. Ҳуқуқ, санъат, ахлоқ, дин сингари, у ҳам ўзига хос ифодалаш объектга эга. Ижтимоий субъектларнинг сиёсий воқелиги (сиёсий фаолият, хулқ-атвор) мана шундай объект бўлиб хизмат қилади.

Сиёсий онгни инсоннинг «ташқи» хулқ-атвори, яъни унинг фаоллиги ва фаолиятига таъсир кўрсатувчи «ички» сиёсий хулқ-атвор деб таърифлаш мумкин. Жамиятда яшовчи ҳар бир инсон маълум сиёсий хулқ-атворга эга бўлиб, фаол ёки пасив кўринишда намоён бўлиши мумкин.

Сиёсий ҳаётда иштирок этиш ижобий ёки салбий хусусият касб этиши мумкин. Сайловолди кампанияларида иштирок этиш, сайлов органларида фаолият кўрсатиш, сиёсий партиялар ва ташкилотларда, сиёсий намоёнларда ва бошқа сиёсий тадбирларда қатнашиш бу сиёсий хулқ-атворнинг ижобий фаол шаклидир. Фаол сиёсий хулқ-атворнинг салбий шакли зўравонлик, коррупция ва бузғунчиликда намоён бўлиши мумкин.

Фуқаролар сиёсий ҳаётда иштирок этмаслиги икки шарт билан изоҳланиши мумкин: бу фуқаролик масъулиятининг йўқлиги ёки ҳокимиятга қонуний тарзда таъсир кўрсатиш мумкин эмаслиги туфайли содир бўлади.

Сиёсий онгни социологик ўрганиш уни акс эттириш объекти, яъни сиёсий хулқ-атвор, у шаклланивчи, фаолият кўрсатувчи ва ривожланувчи шароитларга қиёслашни назарда тутди. Сиёсий фаолият у ёки бу ижтимоий тузумга нисбатан мос бўлган маълум ижтимоий муносабатлар тизимида амалга оширилади. У ҳамиша ё уларни ривожлантиришга (такмиллаштиришга), ё бузишга (алмаштиришга) йўналтирилгандир. Сиёсий фаолиятга бундай йўналишни ўз сиёсий манфаатларига эга бўлган синфлар ва бошқа ижтимоий табақалар доирасидаги энг фаол гуруҳлар бахш этадилар.

Сиёсий фаолият, бошқа ҳар қандай фаолият сингари, ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш восита ва усулларига эгадир. Бунда мазкур мақсадлар ва уларга эришиш усуллари умуминсоний ахлоқ ва маънавият нормаларига мос келиши лозим. Бу нормаларга беписандлик ёки уларни ҳар қандай тарзда бузиш, бу нима билан оқланмасин, жиддий сиёсий ва ижтимоий бўҳронларга, маънавий тубанлашишга олиб келади.

Ҳаддан ташқари радикализм, экстремизм, волюнтаризм, ўзгача фикрлашга йўналтирилган сиёсий фаолият ижобий ўзгаришларга, жамиятда ижтимоий адолат, фуқаролик жамиятининг идеаллари ва қадриятлари қарор топишига олиб келиши даргумон.

Сиёсий онг табиатини аниқлаш сиёсий фаолиятни (хулқ-атворни) унинг асосий акс эттириш объекти сифатида иқтисодий фаолиятга боғлашни назарда тутди, зеро, иқтисодий фаолият сиёсий онгдаги ўзгаришларни белгиловчи негиздир.

Сиёсий онг иқтисодий муносабатларни бевосита ва тўлиқ акс эттиради деган тасаввурлар иқтисод, сиёсат ва сиёсий онг ўртасидаги мураккаб алоқалар ва ўзаро боғланишларни соддалаштиришдан бошқа нарса эмас. Сиёсат иқтисоднинг мужассамлашган ифодасидир деган кенг тарқалган қарашдан сиёсий онг иқтисодий муносабатлар, иқтисодий базисни бевосита акс эттиради деган хулоса чиқармаслик керак. Иқтисодий муносабатлар сиёсат пайдо бўлишининг бош сабабидир. Улар сиёсатнинг йўналиши ва асосий мазмунини белгилайди. Аммо сиёсат бунда нисбатан мустақил бўлиб қолади ва, ўз навбатида, иқтисодга таъсир кўрсатиб, унинг ривожланишига туртки беради ёки, аксинча, уни қийинлаштиради.

Сиёсий фаолиятга, иқтисод билан бир қаторда, мазкур жараён кечувчи ижтимоий, маданий, этник ва бошқа шароитларнинг мажмуи ҳам таъсир кўрсатади, у, айниқса, жамиятнинг ижтимоий табақаланишига ва ижтимоий соҳада содир бўлувчи ўзгаришларга боғлиқ бўлади.

Аҳоли турли табақаларининг ижтимоий тузум, мулкчилик тизими, ҳокимият, давлат, сиёсий тузум, партиялар ва ижтимоий ҳаракатларга бўлган муносабати сиёсий онгда ўз аксини топади. Буларнинг барчаси сиёсий онгнинг мураккаб, зиддиятли ва муттасил ўзгарувчан хусусиятга эгалигидан далолат беради.

Сиёсий онг, ижтимоий онгнинг бошқа барча шакллари сингари, «хотира»га эга. Тўғри, ҳар бир муайян ҳолатда ва даврда у сиёсий фаолият субъектларининг интилишлари ва эҳтиёжларини ифодалайди, аммо бунда сиёсий онг келажакка йўналтирилган бўлади ва шу билан бирга ўтмиш тажрибаси, анъаналари, урф-одатлари ва билимларига асосланади. Тарихий ўтмишнинг ҳар бир даври сиёсий онгда тегишли тарзда ўз ифодасини топган. Уни ўрганишда сиёсий онгни ҳамиша тарихнинг қатъий белгиланган даврларининг муайян мазмунига боғлаш лозим. Ўтмишга бундай «сафар» қилмасдан сиёсий онгнинг ҳозирги аҳволини тўғри баҳолаш жуда қийин.

Шуни қайд этиб ўтиш керакки, тарихнинг маълум, кескин бурилиш, ўтиш даврларида тарихий ўтмишнинг таъсир кучаяди, ўтмиш гўёки бугунги кунга бостириб киради ва, бир томондан, ўзига бошқача кўз билан назар ташлашга мажбур қилса, иккинчи томондан, жорий воқеаларга маълум таъсир кўрсатади. Бундай шароитларда ўтган даврдаги сиёсий онгнинг ўзига хос жиҳатлари баайни қайта жонланади ва бугунги сиёсий онгнинг муҳим жиҳатларига айланади. Бу ҳолат, албатта, ўткинчи, қолаверса, ўтмиш ва бугунги кун билан боғлиқ ғоялар, концепциялар ва кайфиятларнинг бундай тўқнашиши низоли вазиятни, сиёсий онгда маълум кескинликни келтириб чиқариши мумкин.

Сиёсий онгнинг таркибий қисмлари

Психологик	Менталитет
Сиёсий фаолият ва муносабатлар билан боғлиқ ҳис-туйғулар, кечинмалар, кайфиятлар ва қарашлар мажмуи	Диний ва миллий хусусиятларга эга бўлган барқарор ҳиссиётлар, кайфиятлар, қарашлар ва улар билан боғлиқ сиёсий хулқ-атвор моделлари
Назарий-мафкуравий	
Билимлар, тасаввурлар, баҳолашлар, тушунчалар, назариялар, принциплар, идеаллар тизими	

7.2. Сиёсий мафкура — сиёсий онгнинг таркибий қисми

Ҳар қандай мафкура маълум қадриятлар мажмуини асослашга хизмат қилади. Эркинлик, инсон ҳуқуқлари, тенглик, адолат, тартиб каби қадриятлар одамлар сиёсий ҳаётининг улар учун муҳим ҳисобланган томонларини ифода этади.

Сиёсий мафкура сиёсий онгнинг ҳокимият муносабатларига фаол таъсир кўрсатувчи энг муҳим шаклларида биридир. Тегишли атама пайдо бўлган даврдан бери (уни француз олими **А. де Треси** XVIII асрда илмий муомалага киритган) фанда бу маънавий ҳодисага нисбатан ҳар хил қарашлар вужудга келди. К. Мангейм уни сохта тасаввурлар мажмуи деб таърифлади. Аммо у сиёсий мафкуранинг функционал хусусиятларига, шу жумладан унинг одамларни жипслаштириш, уларнинг сиёсий ғайратини бирлаштириш имкониятига катта эътибор берди.

Шунга қарамай, кўпгина олимлар сиёсий мафкурага у ёки бу шахслар гуруҳининг ҳокимиятга (ёки ундан фойдаланишга) даъвосини оқловчи маълум доктрина деб таъриф берадилар. Бинобарин, *сиёсий мафкура — бу сиёсий ва ижтимоий ривожланиш жараёнига нисбатан жамоавий нуқтаи назарни акс эттирувчи, маънавий экспансионизм билан ажралиб турувчи жамоавий онгнинг алоҳида тури.*

Сиёсий мафкура асосан элитанинг маънавий қуроли бўлиб хизмат қилади. У ёки бу гуруҳ манфаатларининг ғоявий расмийлаштирилганлиги даражаси ана шу элитанинг ҳуқ-атворида боғлиқ бўлади. Аммо ҳокимият муносабатларида сиёсий мафкуранинг ҳақиқий ўрни ижтимоий онгнинг бу сиёсий мафкурани ўзлаштириш хусусиятига боғлиқдир.

Сиёсий мафкуранинг асосий функциялари қуйидагилардан иборат:

- ижтимоий онгни эгаллаш;
- унга ўтмиш, бугун ва келажакни баҳолашнинг ўз мезонларини жорий этиш;

- жамоатчилик фикри кўз ўнгида сиёсий тараққиётнинг ўзи таълиф қилган мақсад ва вазифаларининг ижобий сиймосини яратиш. Бунда сиёсий мафкура ўз мақсадлари ва идеалларини тарқатиш, тарғиб қилишдан ҳам кўра кўпроқ ўз олдига қўйилган вазифаларни бажариш йўлида изчил ҳаракат қилиши лозим.

Сиёсий функциялар нуқтаи назаридан, мафкура ё бирон-бир муайян ижтимоий (миллий, диний, ҳуқ-атворга доир) гуруҳнинг манфаатларига асосан, ё аҳолининг муайян табақаларига таянмайдиган мақсадларга эришиш учун (масалан, коммунизм, фашизм, нацизм мафкураси) жамиятни жипслаштиришга, бирлаштиришга ҳаракат қилади. Бунда ҳар қандай мафкура, оқилонга, баъзан назарий асосланган қоидалардан ташқари, воқеликдан маълум даражада узоқлаштириш назарда тутаяди, одамларга эътиқод сифатида қабул қилиш таълиф этилган мақсадлар ва идеалларни илгари суради. Давлат сиёсатини аниқ йўналтирувчи ва шу-

нинг учун ҳам воқеликни асосан бўяб кўрсатувчи расмий мафкура бундай эътиқодларга камроқ даражада таянади.

Одатда, ҳокимиятдан ҳаддан ташқари кўп нарсани кутувчи ва чиройли идеал ёрдамида кўплаб тарафдорларни ўз томонига оғдиришга интилувчи муҳолиф кучларнинг мафкураси утопизмга алоҳида мойиллиги билан ажралиб туради.

Сиёсий мафкура сиёсий онгга, шу жумладан оддий онгга қараганда серҳаракат ва ўзгарувчандир. Сиёсий фаолият субъектлари уларнинг мафкурачилари ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳодисаларни муттасил таҳлилдан ўтказиб, умумлаштириб, сиёсий стратегия ва тактикага тегишли тузатишлар киритиб борса, ижтимоий эҳтиёжлардаги ва қарама-қарши кучларнинг мавқеидаги ўзгаришларни олдиндан кўра олсагина муваффақиятга эришиши мумкин.

Сиёсий мафкура жамиятнинг маънавий ҳаётида катта роль ўйнайди таълим, санъат ва маънавиятга таъсир кўрсатади. Сиёсий мафкура рангбарангдир.

Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳокимиятга нисбатан монополия ва давлат-партия аппаратининг яккахокимлиги билан боғлиқ эски догма ва стереотиплардан қутулишни назарда тутаяди. Бир партияли тизимда ижтимоий-сиёсий ҳокимиятни ифодаловчи ягона сиёсий мафкура ҳукмрон эди. Табиийки, бу омманинг сиёсий онгига таъсир этмай, унда сиёсий тобелик, ташаббуссизлик, боқимандалик, расмийчилик кайфиятларини уйғотмай қолмади.

Ҳозирги ўтиш босқичида Ўзбекистонда янги сиёсий мафкура — сиёсий ҳаётнинг том маънодаги демократик принциплари қарор топишини таъминловчи сиёсий тизимни яратиш мафкураси қарор топмоқда. Догмалар, хомхаёллар ва афсоналардан холи мафкура ижтимоий йўналтирилган давлат қуриш учун турли ижтимоий ва миллий гуруҳларни жипслаштириш, одамларнинг сиёсий ғайрати ва таърибасини бирлаштиришга қодир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг тавсиялари асосида 2000 йилда «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» номли рисола чоп этилди. Мазкур рисолада мустақиллик йилларида жамиятимизда шаклланган ижтимоий-сиёсий фикр, янги демократик ғоя ва тасаввурлар асосида умумлаштирилган мафкурaviй қоидалар, ақидалар ҳамда принциплар баён этилди. Унда, хусусан, шундай дейилади: «Халқни буюк келажак ва улугвор мақсадлар сари бирлаштириш, мамлакатимизда яшайдиган миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг ягона Ватан бахт-саодати учун доимо масъулият сезиб яшашига чорлаш, аждодларимизнинг бебаҳо мероси, миллий қадрият ва анъаналаримизга муносиб бўлишига эришиш, юксак фазилатли ва комил инсонларни тарбиялаш, уларни яратувчилик иш-

ларига даъват қилиш, шу муқаддас замин учун фидойиликни ҳаёт мезонига айлантириш — миллий истиқлол ғоясининг бош мақсадидир»¹.

Сиёсий ҳаётимиз йўналишини белгилашда шаклланаётган миллий мафкура катта аҳамият касб этади. Ўзбекистон жамиятининг миллий истиқлол мафкураси, ўз моҳиятига кўра, халқимизнинг асосий мақсад-муддаоларини ифодалайдиган, унинг ўтмиш ва келажагини бири-бири билан боғлайдиган, асрий орзу-истакларини амалга оширишга хизмат қиладиган ғоялар тизимидир².

Ислохотларнинг ҳозирги босқичида турли мулкчилик шакллари мувофиқ фаолият кўрсатишни ташкилий таъминлаш масаласи долзарб бўлиб турибди. Янги хўжалик фаолияти субъектлари — акциядорлар, ижарачилар, хусусий мулкдорлар — давлат корхоналарининг хизматчилари билан бир қаторда, ўз манфаатларини шакллантириш, асослаш ва ҳимоя қилиш учун зарур сиёсий тузилмаларга эга бўлиши керак. Бу нуқтаи назардан Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг тузилганлиги қувонарли ҳолдир. Махсус сиёсий ташкилотлар (партиялар, уюшмалар, иттифоқлар)нинг ташкил топиши ва ривожланиши аҳолининг сиёсий онгида тегишли ўзгаришлар содир бўлишига: унинг реал плюрализмининг ўсишига туртки беради. Сиёсий плюрализм, сиёсий назариялар ва концепцияларнинг табиий ривожланиши плюрализмнинг эклектика билан алмашишига, яъни мавжуд миллий истиқлол мафкурасига хос бўлган сиёсий ҳаёт қонуниятлари, мақсадлари ва қадриятларини тушунишда маълум яхлитликнинг йўқолишига олиб келмаслиги керак. Шу боис миллий истиқлол мафкурасининг мавжудлиги жамиятнинг сиёсий барқарорлиги, жамият ва давлат муштараклигининг зарур шартидир.

7.3. Сиёсий онг типлари

Давлатга ва у билан боғлиқ баъзи бир ҳодисаларга нисбатан сиёсий онгнинг муносабати ҳозирги замон сиёсатшунослик фанида сиёсий онгни типларга ажратишнинг муҳим мезонидир. Давлатга нисбатан ижобий ёки салбий муносабатга қараб сиёсий онгнинг икки асосий қарама-қарши типи — «давлатчилик» (этатизм) ва «аксилдавлатчилик» (анархизм) типлари тафовут этилади³. Уларнинг ҳар бири, сиёсий онгнинг кичик тизими бўлгани ҳолда, ўз мураккаб тузилишига, ғоя ва назарияларининг кенг доирасига эга.

¹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. — Т., 2000. — 7-б.

² Ўша жойда. — 43-б.

³ Қаранг: *Мамут Л. С.* Этатизм и анархизм как типы политического сознания. Домарксистский период. — М., 1989. — С. 72; *Ударцев С. Ф.* Правопонимание и формирование правового государства (к проблеме эволюции правопонимания) // Изв. АН КазССР. Сер. обществ. наук. — 1989. — №5. — С. 28.

Анархизм ва этатизм сиёсий онг типлари сифатида сиёсий воқеликни акс эттиради, ўзлаштиради ҳамда сиёсий ҳаётда зиддиятли жараёнларнинг шаклланиши ва ҳар хил йўналишда ривожланиши, тезлашиши ёки сустлашишига маълум даражада кўмаклашади. Сиёсий онг типларининг ички яхлитлиги унинг тегишли кичик тизимларининг тушунчалар, категориялар апаратининг ўзига хос жиҳатларини белгилайди.

Бу ўринда анархик онг анархизм назариясидан анча кенг эканлигини қайд этиб ўтиш керак. У оддий анархик онг ва анархик психологиянинг тегишли қатламларини, шунингдек этатистик онг назарияси ва концепциясига сингдирилган анархик онг элементларини ўз ичига олади; бу, масалан, инқилоблар, йирик ислохотлар, инқирозлар даврида айниқса кенг тарқалади. Жумладан, давлатга қарши вайрон этувчи онг элементлари 1917–1918 йилларда ва ундан кейинги даврда большевиклар мафкурасида мавжуд бўлган. Бу анархизм ҳодисасининг теран табиати билан боғлиқ объектив ҳодисадир.

Сиёсий онгнинг анархик типи, унинг этатистик типи сингари, олис тарихга, давлат ҳокимиятининг илк шакллари вужудга келган даврларга бориб тақалади. Давлатга ва қонунга нисбатан салбий муносабатни илгари сурувчи илк ғоялар хотираси ижтимоий онгда сақланиб қолган аввалги қавм-қабила тузумини идеаллаштириш тарзида вужудга келган, деб фараз қилиш мумкин. Бундай онгнинг ёрқин намуналарини қадимги дунёда кузатиш мумкин (қадимги Хитойда Лао-цзи, қадимги Грецияда софистларнинг бир қисми ва ҳ. к.). Ўрта асрларда бу анъаналар айрим диний сектантлик оқимларининг сиёсий ғояларида сақланган.

XIX асрда анархизм назарий жиҳатдан шаклланди (М. Штирнер, П. Ж. Прудон, М. А. Бакунин, Элизе Реклю, Ж. Гильом, П. А. Кропоткин ва бошқалар). XIX аср охири — XX асрнинг бошида назарий сиёсий онг қарама-қарши тизими ва унинг кичик тизимлари — этатизм ва анархизмнинг шаклланиш жараёни яқунланди. Шундан сўнг кичик тизимларнинг мураккаблашуви, тегишли типларнинг ғоялари ва доктриналарини ишлаб чиқиш, назариялар, сиёсий тафаккур оқимларини тип доирасида туркумлаш, уларни замонга мослаштириш жараёнлари содир бўлди.

Проф. Л. С. Мамутнинг фикрича, сиёсий онг тузилишининг умумий жиҳатларини «фақат унинг ўзига назар ташлаш билан тушунтириб бўлмайди, зеро бу жиҳатларни унга мазкур сиёсий онгга кирувчи макротизим тузилиши, яъни умуман онг беради»¹. Бу фикрга қўшилган ҳолда, сиёсий онг типларини ўрганишда онг фаолиятини белгиловчи айрим онтологик жиҳатларни, жумладан, ижтимоий онг ва унинг шакллари (маданият, жамият, табиат) кирувчи бошқа макротизимларни ҳам эътиборга олиш керак.

¹ *Мамут Л. С.* Этатизм и анархизм как типы политического сознания. Домарксистский период. — М., 1989. — С. 42.

Турли фан соҳаларидаги билимларнинг расмийлашиши тамойили намоён бўлган ва «ижтимоий фанлар»нинг аниқлик даражаси ортиб бораётган ҳозирги замонда пайдо бўлган умумилмий ёндашувлар, тушунчалар, категориялар ҳамда умумилмий бирлаштириш, жамғарилган ахборотни синтез қилишнинг бошқа шакллари алоҳида ўрин тутати. Умумилмий билиш воситалари, фалсафа қонунлари ва категориялари билан бир қаторда, фаннинг барча маълум соҳалари учун методологик аҳамият касб этади, ёзади проф. Д. А. Керимов¹.

Билимларни фанларнинг бир соҳасидан бошқасига ўтказиш билишнинг умумилмий воситаларининг муҳим функцияларидан биридир². Бунда илгари олинган, қайд қилинган ва эътироф этилган билимни бир соҳадан бошқа соҳага механик равишда, тўғридан-тўғри ўтказиш эмас, балки «ижодий», эвристик маънога эга бўлган ўтказиш қимматлидир³.

Ҳозирги замон табиий фанлари ва фалсафасида анча мукаммал ишлаб чиқиляётган «тартибсизлик» ва «тартиб» тушунчаларига ҳозирги кунда умумилмий тушунчалар мақоми берилмоқда. Сиёсий онг типлари, қутбларини «тартибсизлик» ва «тартиб» тушунчалари нуқтаи назаридан ўрганиш ижтимоий онг ва анархизмнинг онтологик табиати ҳақида янги назарий билим олиш имконини беради.

«Тартибсизлик» ва «тартиб»нинг сиёсий онгдаги кўринишларини таҳлил этишдан олдин мазкур асослар, ҳолатлар диалектикасининг айрим жиҳатларини қайд этиб ўтамиз. Улар қарама-қарши тушунчалар эканлигига қарамай, улар ўртасида кўп томонлама, теран, ўзаро бир-бирига ўтувчи ва акс таъсир алоқалар мавжуд. Геология, кимё ҳамда табиатдаги бошқа жараёнлар ва ҳодисаларда, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий-психологик жараёнлар ва ҳодисаларда, ижтимоий-тарихий тараққиётда «тартибсизлик» ва «тартиб» предметлар, ҳодисалар ва жараёнлар ўртасидаги ўзаро жўшқин боғланишларни қайд этувчи тушунчалар сифатида иштирок этади. Яқинроқдан қаралса, мазкур тушунчаларнинг ўзаро қарама-қаршилиги нисбий ва шартли эканлиги аён бўлади.

Тизимда тартибсизликнинг ортиши кучлар мувозанатининг, уларнинг ўзаро алоқаси шакллариининг бузилиши натижаси, тизимнинг инқирози, функцияларнинг бузилиши, заволи топиши кабилар оқибатидир. Шу билан бир вақтда, яхлитлигини сақлаб қолувчи тизим ичидаги тартибсизлик уни ҳаракат, шакл ҳосил қилиш, мазмунан ўзгаришлар учун янги имкониятлар очилувчи ҳолатга қайтаради. Макротизимнинг

¹ Қаранг: Керимов Д. А. Философские основания политико-правовых исследований. — М., 1986. — С. 14.

² Қаранг: Готт В. С., Урсул А. Д. Общонаучные понятия и их роль в познании. — М., 1975. — С. 29.

³ Қаранг: Готт В. С., Семенов Э. П., Урсул А. Д. Значение общенаучных средств познания в сближении научных дисциплин разных типов // Проблемы развития общенаучного знания. — Томск, 1983. — С. 17.

барқарорлашиши унда янги таркибий тизим элементларининг шаклланишига олиб келиши мумкин.

Тартибсизлик тизимнинг бир мувозий ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиши демакдир. Бунинг натижасида тизимнинг ўзи ҳам ўзгариши мумкин. Тартибсизлик ҳолати — предмет, ҳодиса, ҳодисалар тизимининг ривожланишидаги қонуний жиҳат, босқич, бир ташкилот даражаси ва шаклидан бошқасига ўтиш демакдир. Бу нуқтаи назардан тартибсизлик деганда, «қайта тузилиш» шакли, босқичи, ривожланиш суръатининг ўзгариши тушунилади. Тартиб маълум муносабатда, баъзи бир шартларда, тартибсизлик манбаи, унинг бошланғич ҳолати ёки яширин шакли бўлиши мумкин. И. Пригожин тартиб ва тартибсизликка «бир-биридан ажралмас» нисбатан қарама-қарши ҳодисалар деб қараши бежиз эмас¹.

Тартиб ва тартибсизлик ўртасида маълум тесқари ирсий алоқалар мавжуд. Бир қатор ҳолларда тизимлар тартибдан тартибсизликка қараб ривожланиши мумкин. Бу, масалан, ҳуқуқ соҳасида содир бўлиши, тартибнинг ҳаддан ташқари мураккаблашиши ва қаттиқлашиши, зиддиятли қонунлар, фармонлар ва бошқа норматив ҳужжатлар сонининг кўпайиши, улар тегишли тарзда тизимга ва тартибга солинмаганлиги тартибсизлик ва тартиб самарасини вужудга келтириши мумкин. Бошқа ҳолларда тартибсизликдан тартибга қараб ривожланиш ҳам кузатилади. И. Пригожин ва И. Стенгерс фанга «мувозийсизлик — модда ёки энергия оқими — тартиб манбаи бўлиши мумкинлиги маълум» эканлигини қайд этадилар².

Дунё, унинг чекли ва чексизлиги, тартибсизлиги ва қонунийлигининг бирлиги ҳақидаги ҳозирги замон тасаввурлари табиатшуносликни теран тушунишга олиб келади. Дунёнинг тузилиши сирларига кириб боришига қараб табиатшунослик табиат қонунлари ҳақидаги билим соҳасидан «қонун ва тартибсизлик ҳақидаги билимга айланади. Илгари асосан интуитив ҳис қилинган қонун ва тартибсизликнинг узвийлиги ҳозирги кунда кўпинча тадқиқотнинг онгли равишда қайд этилувчи асос-принципи бўлиб хизмат қилмоқда»³.

В. И. Аршинов, Ю. Л. Климонтович ва Ю. В. Сачковнинг фикрича, физик вакуум «йўқлик»нинг синоними маъносини йўқотгани сингари, ҳозирги кунда «тартибсизлик» ҳам ўзининг «тартибнинг йўқлиги» маъносини йўқотиб, маълум тузилиш касб этди⁴.

Тартиб ва тартибсизлик диалектикаси сиёсий онгнинг биполяр ва дуалистик йўналишга эга бўлган тузилишида ўз ифодасини топади. Мураккаб тизимларнинг ўзини ўзи ташкил этиши назариясининг юқорида қайд этил-

¹ Қаранг: Готт В. С., Семенов Э. П., Урсул А. Д. Проблемы развития общенаучного знания. — Томск, 1983. — С. 17.

² Қаранг: Пригожин И., Стенгерс И. Порядок из хаоса. Новый диалог человека с природой. — М., 1986. — С. 36.

³ Категории Закон и Хаос. — Киев, 1987. — С. 195.

⁴ Қаранг: Пригожин И., Стенгерс И. Порядок из хаоса. Новый диалог человека с природой. — М., 1986. — С. 47.

ган ёндашувларини эътиборга олиб, сиёсий онг тузилиши ва фаолиятининг қуйидаги умумлаштирилган моделини таклиф этиш мумкин.

Сиёсий онг — биполяр, мураккаб ички тузилишга, сиёсий онгнинг мураккаб, жўшқин оқимлар доирасига эга бўлган икки типи, яъни этатизм ва анархизмни ўз ичига олувчи изчил ривожланувчи тизим. Тизим яхлит ҳолда ҳам, типлар ва уларнинг ичидаги оқимлар эволюцияси кўринишида ҳам, ўзи таркибига кирувчи макротизимлар билан ҳам ривожланади («ижтимоий онг», «онг», «жамият» ва ҳ. к.). Сиёсий онг тартибсизлик ва тартибнинг қўп қиррали диалектикасини объектив акс эттиради ва, ўз навбатида, мазкур диалектикага доир билинувчи қонуниятлар, фаразлар ва шу кабиларни онгда (билиш ва ўзини ўзи билиш) ҳамда амалий-сиёсий воқеликда акс эттиради.

Сиёсий онг жамият маълум «ривожланиш нуқталари»га киришига қараб сиёсий тизимнинг тартибсизлик ва тартиблилик ҳолатига ўз вақтида ҳамда шаклан ва мазмунан самарали ўтишига қўмаклашади, ўзгараётган сиёсий тизимнинг фаолиятини қўллаб-қувватлайди, унинг «инқироз давридан ўтишига ёрдам беради. Мафкуравий ва психологик жиҳатдан у ижтимоий тараққиётда сиёсий барқарорлаштиш механизмларининг «уланиши» ва «узилиши»ни таъминлайди. Бунда жамиятнинг сақланишига, ижтимоий тараққиёт талабларига сиёсий тизимнинг жавоб беришига, сиёсий муносабатларни уйғунлаштириш ва воқеликнинг сиёсий томонларини теран билиш ҳисобига ижтимоий муносабатларни уйғунлаштиришга ёрдам бериш муҳим вазифадир.

Анархик онгга қайд этилган ҳодисаларнинг алоҳида ҳолати, идеал тартибсизликнинг идеал шакли, унинг таркибий қисми деб қараш мумкин. Ушбу «турдошлик»ни кўрсатувчи бир қатор жиҳатлар, хоссалар мавжуд. Анархик онгнинг ғоялари, образлари тизими, аслида «ўзини ўзи тартибсиз ташкил этган» жамиятни моделлаштириш воситаси ва моделнинг ўзидир. Бирон-бир олдиндан белгиланган кўрсаткичларнинг мавжуд эмаслиги анархик онг идеалидир. Сиёсий ҳаётда, мафкурада, ҳуқуқда ҳеч қандай «сунъий» ташкилотлар, қатъий ижобий тузилмалар тан олинмайди. Жамият тараққиёти микрокучларнинг чексиз тўплами ҳаракатининг натижаси деб тушунилади. Микроолам ва ундаги барча ижтимоий ва табиий ўзаро таъсирлар тўпламини тўлиқ ҳамда аниқ қамраб олишнинг мумкин эмаслиги, анархизм мантигига қўра, жамиятдаги стихияли жараёнларни онгли равишда тартибга солишдан тўлиқ воз кечилишини оқлайди ва изоҳлайди. Стихияли ўзаро таъсирлар тўплами «тўсатдан намоён бўладиган онг» учун эркин ўзини ўзи тартибга солиш, ўзини ўзи ростловчи стихия деб тушунилувчи бирдан-бир мумкин бўлган табиий тартибдир.

Ижтимоий тизимга ичдан ва ташқаридан таъсир кўрсатувчи кучларнинг чексиз сони, башарти барча манфаатлар, ўзаро таъсирлар, бар-

ча илгор салоҳият имкониятлари эркин ва тўлиқ рўёбга чиқарилган бўлса, жамият ва унинг аъзолари мумкин қадар мукаммал уйғунлик, эркинлик ва равнаққа эришишини таъминлайди.

XIX–XX асрларда ишлаб чиқилган анархизм методологиясининг ҳар хил вариантлари табиат, жамият, онгдаги тартибсиз жараёнлар ва ҳолатларнинг турли жиҳатларини қайта ишлаш ва уларни фалсафа, сиёсат ва ҳуқуққа татбиқ этишга йўналтирилган. Анархизмнинг «тартибсизлик методологияси» хилма-хил шаклларга эга бўлган ҳамда табиий ва ижтимоий ҳодисалар, жараёнларнинг тартибсиз жиҳатларини анархизм нуқтаи назаридан нисбатан мақбул тарзда акс эттириш, ифодалаш имконини берган.

Ижтимоий инқилоблар, урушлар, йирик ислохотлар даврида «тартибсиз дунёқараш»нинг ўзига хос кучайиб боровчи таъсири вужудга келади. Ижтимоий онгда «тартибсиз онг» — анархизм элементларининг жадал ўсиши ижтимоий тартибсизликнинг кучайишига туртки беради.

Сиёсий онг типлари, бир-бири билан яқин алоқа қилиш ва бир-бирига фаол таъсир кўрсатиш билан бирга, жуғрофий, иқтисодий, сиёсий, маънавий омиллар тизими билан белгиланувчи ўз ривожланиш цикли ва суръатига, ўз «фаоллик чўққилари» каби хусусиятларга эгадир.

Сиёсий онгнинг этатистик типи давлатнинг тараққиёт босқичларини, унинг шакллари, тузумлари, ташқи сиёсатининг ривожланишини олдиндан башорат қилади ва умумлаштиради, ижтимоий ҳаётни бирлаштириш ҳамда тартибга солиш омили сифатида давлатни мустақамлаш, муайян тарихий вазиятда янги, нисбатан самарали давлат шаклларига ўтишнинг зарурлигини асослайди. Бу тип, умуман олганда, давлат, ҳокимият, юридик нормалар, минтақавий ва бутунжаҳон сиёсий жараёнлари, тамойиллари табиатининг ижобий жиҳатларини билишга йўналтирилгандир.

Сиёсий онгнинг анархик типи сиёсий ҳодисалар, жараёнларнинг бошқа томонлари — у ёки бу давлат шаклларидаги минтақавий ёки умумбашарий инқирозлар, уларнинг заволи топиши ва янгиларининг вужудга келиши билан бевосита боғлиқ. Онгнинг бу типи давлат фаолиятининг у ёки бу жиҳатлари, шакллари, усулларининг салбий оқибатларини олдиндан тахмин қилиш имконини беради, давлатларнинг, давлат ривожланишидаги босқичларнинг инқирози ва заволи топиши ҳақида огоҳлантиради. Сиёсий онгнинг этатистик ва анархик типларининг ривожланиш суръатлари ҳар хиллиги шу билан изоҳланади. Бу бир қатор ҳолларда, чуқур ижтимоий-сиёсий инқирозлар ёки умумий маънавий равнақ топиш давларида уларнинг фаоллашиш, ижодий фаоллигининг ўсиши давлари бир-бирига мос келиши эҳтимолини истисно этмайди.

«Сиёсий онг юз фоиз «давлатчилик» ёки тўлиқ «аксилдавлатчилик» хусусиятига эга бўлган даврни тарих билмайди, — деб қайд этади Л. С. Мамут. — Зотан, сиёсий онгнинг бу икки типи бир-бирисиз мавжуд бўла олмайди. Мантиққа кўра, улар бир-бирини тўлдириши лозим ва тўлдиради»¹². Сиёсий онгнинг бу иккала типининг энг етук шакллари XX асрдаги тоталитар давлатлар ва жаҳон урушларининг тажрибаси, сабабларини ўрганиб, уларни англаб етган. Онгнинг иккала қутби ҳам билишда, сиёсий ҳаётда ва бир-бирига нисбатан маълум вазифа бажаради. Жумладан, анархизм, этатизм доирасидаги либерализм сингари, кучли аксилтоталитаристик йўналишга эга. Анархизм ва либерализмни таъқиб қилиш ва йўқотиш тоталитар сиёсий тузум ва тегишли онгнинг вужудга келишига қулай замин яратади.

Анархик онгдаги тамойиллар (давлатчиликнинг заволи топиши) ва этатистик онгдаги тамойиллар (тоталитар давлатнинг кескин шакли) ижтимоий жиҳатдан хавфли бўлиши мумкин. Аммо сиёсий ривожланиш механизмида, жамият тарихан етилган «тартибчилик» ва «тартибсизлик» ҳолатига ўтишида этатизм ва анархизмнинг объектив ролидан ҳам кўз юмиш мумкин эмас. Жамиятга ўзгараётган шакллар ва нисбатларда сиёсий онгнинг иккала типи ҳам талаб этилади.

Сиёсий онг типларининг ижтимоий негизлари, уларга мос келувчи сиёсий ҳаракатларнинг ташкилий шакллари ва бу ҳаракатлар иштирокчиларининг сиёсий ҳуқуқ-атвори ҳам тартиб ва тартибсизлик асослари билан келишади.

Этатизм тартиб, барқарорлик тенденцияларининг ифодаловчиси ҳисобланган барқарор ижтимоий синфлар, табақалар, гуруҳларга таянса, анархизмнинг ижтимоий негизи анча ўзига хосдир. Одатда у омонат, беқарор мавқели ижтимоий табақаларга — ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг четига чиқариб ташланган, хонавайрон бўлган табақаларга, синфсизлашган ёки люмпенлашган гуруҳлар ва шахсларга таянади.

Сиёсий онгнинг анархик типи ташкилий жиҳатдан асосан ҳокимиятни эгаллашга интилмайдиган, амалда танқид, муҳолафат, беқарорлаштириш ва дезинтеграция омили бўлиб хизмат қиладиган сиёсий ҳаракат билан боғлиқ. Анархизмнинг «тартибсиз» табиати назарияда ҳам, ташкилий жиҳатдан ҳам ўзининг мувофиқ аксини топган.

Анархик ҳаракатнинг ташкилий шакллари қаттиқ интизом хос эмас. Анархистлар иштирокидаги партия фақат аралаш этатистик-анархистик асосда ташкил этилиши мумкин. Муайян сиёсий мулоҳазалар билан боғлиқ мурасасозликнинг натижаси сифатида вужудга келган бундай иттифоқнинг тузилиши назарий жиҳатдан мумкин деб олсак, бундай ташкилот қисқа муддатли ва ўткинчи хусусиятга эга бўлишини англаб етиш қийин эмас.

Сиёсий онгнинг анархик типи маданият ва умуман онг соҳасида «тартибсизлик» ва мурасасизликни узук-юлуқ ифода этувчи бошқа «турдош» ҳодисаларга ҳам яқин. Ижоднинг қўпгина «исёнкор», бетартиб йўналишлари билан анархизмнинг типологик боғлиқлиги баъзан уларнинг бевосита бирлигида, бу йўналишларнинг бир қатор вакиллари анархизмга яқинлигида ҳам намоён бўлган.

Шундай қилиб, ўзини ўзи ташкил этувчи тизим — жамиятда «тартибсизлик» ва «тартиб»нинг турли асослари, ҳолатлари билан сиёсий онг типлари ўртасида хилма-хил алоқалар мавжуд. Давлатга ҳамда баъзи бир бошқа сиёсий ва юридик институтларга нисбатан муносабат ғоялар, концепциялар ва доктриналар сиёсий онгда уларнинг анархизм ва этатизм билан алоқасига қараб тақсимланишининг муайян негизи, таркибий қисми бўлиб хизмат қилади.

¹² Қаранг: Мамут Л. С. Шкала оценок государства и процесс его оценки // История политической мысли и современность. — М., 1988. — С. 43.

VIII боб. ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ, ДЕМОКРАТИК ҚАДРИЯТЛАР ВА СИЁСИЙ ОНГ

8.1. Демократлаштиришнинг моҳияти ва шарт-шароитлари

Демократлаштириш хорижлик олимларнинг ҳам, Ўзбекистонлик олимларнинг ҳам эътиборини ўзига тобора кўп жалб этаётган сиёсий жараёндир. Бу сўнгги ўн йилликларда жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида авторитар тузумларнинг агдарилгани ва уларда демократик институтларни ўрнатиш жараёнлари содир бўлаётгани билан изоҳланади. Танқили америкалик олим С. Хантингтон бу жараёнга мамлакатларнинг катта гуруҳини қамраб олган демократлаштиришнинг учинчи тўлқини деб таъриф беради. Бу жараёни жаҳон демократик инқилоби деб таърифлаб, у XX асрнинг 90-йиллари бошига келиб демократияга «ҳар қандай авторитар тузумнинг ягона қонуний ва яшовчан муқобили»¹ деб қарала бошлаганини қайд этади.

С. Хантингтоннинг фикрича, биринчи тўлқиннинг бошланиши XIX асрда АҚШда демократия принципларининг тарқалиши билан боғлиқ; у Биринчи жаҳон урушининг охиригача давом этди. Демократлаштиришнинг равнақ топиши кетидан, одатда, унинг инқирози келади. Биринчи инқироз 1922–1942 йилларда қайд этилди. Демократлаштиришнинг иккинчи тўлқини национал-социализм устидан эришилган ғалаба ва, авваламбор, ГФР, Италия, Японияда демократия ўрнатилиши билан бошланди. Бу тўлқин XX асрнинг 60-йиллари ўрталаригача давом этди (1943–1962). Иккинчи инқироз 1958–1975 йиллар оралиғида содир бўлди. 1974 йилдан, яъни Салазар диктатураси агдарилган пайтдан демократлаштиришнинг учинчи (ҳозирги замон) босқичи бошланди. У Жанубий Европанинг Испания ва Греция сингари мамлакатларини қамраб олди, сўнг Лотин Америкасига тарқалди. 80-йилларнинг ўрталарига келиб демократлаштириш Осиё, Марказий ва Шарқий Европанинг бир қатор мамлакатларига, сўнг эса СССРга тарқалди².

Демократлаштиришнинг учинчи тўлқинини бошдан кечираётган мамлакатларнинг сиёсий ривожланиш тажрибаси умидли хулосаларни маълум даражада инкор этди ҳамда мазкур жараённинг мураккаб ва

зиддиятли томонларини кўрсатиб берди. Баъзи мамлакатларда демократлаштириш сиёсий маданиятнинг етарли эмаслиги оқибатида демократик бўлмаган тузумларнинг ўрнатилишига олиб келиши ҳам мумкин.

Демократлаштиришнинг тўлқинсимон намоён бўлиши хусусиятини кўпгина олимлар эътироф этадилар ва юқоридаги даврийлаштириш усулини маъқуллайдилар. Аммо бунда улар учинчи тўлқин кўриб чиқилаётган жараённинг мураккаблиги ва кўп маънолилигини тасдиқловчи бир қатор хусусиятларга эга эканлигини қайд этадилар.

«Демократлаштириш» иборасини таърифлаш юзасидан сиёсатшунослар орасида яқдиллик йўқ. Умумий маънода демократлаштиришга *нодемократик бошқарув шакллари*дан *демократик бошқарув шакллари*га ўтиш деб қаралади. Баъзи бир олимлар бошқа тушунча — «демократик транзит» тушунчасини қўллашни таклиф қиладилар. Бу тушунча демократияга мажбурий тарзда ўтишни назарда тутмайди, балки демократлаштириш натижалари ноаниқ бўлган жараён эканлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам бу олимлар демократлаштиришни демократик институтлар ва амалиётнинг вужудга келиши ҳамда бунинг негизида ҳозирги замон демократиясига ўтиш жараёни деб таърифлайдилар.

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида XX асрнинг 90-йиллари бошида қарор топиб, демократик тараққиёт йўлига кирди. Бу билан боғлиқ барча ижтимоий-сиёсий жараёнлар, амалга ошган тадбирлар ва жамият олдида турган вазифалар таҳлили Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида батафсил ифодаб берилди. «Демократик ўзгаришларнинг ҳозирги босқичи сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг узоқ вақтга мўлжалланган стратегиясини ишлаб чиқишни талаб қилмоқда. Бунда давлатнинг роли демократик тараққиётимизнинг пировард мақсади — фуқаролик жамияти барпо этиш мақсадига асосланган ҳолда тубдан ўзгариши даркор... Бунда кучли марказий давлат ҳокимияти ўзининг куч-ғайратларини асосий, умуммиллий вазифаларга, чунончи, муҳофаа, давлат хавфсизлиги ва фуқаролар хавфсизлиги, ташқи сиёсат, валюта-молия ҳамда солиқ тизимларини шакллантириш, қонунлар қабул қилиш... вазифаларига» қаратади¹. Қолган соҳаларга оид масалалар босқичма-босқич маҳаллий давлат ҳокимият органларига, жамоат бирлашмаларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ваколат доирасига ўтказиб борилиши мўлжалланди. Жумладан, 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги ва «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунларда жамоат бирлашмалари ҳамда ижтимоий ўзини ўзи бошқариш органлари сай-

¹ Huntington S. P. The Clash of Civilizations and the Remaking of the World Order. — New York, 1996.

² Ўша жойда. 124–135-б.

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т., 1997. — 160-б.

ланган раҳбар тузилмалари, маҳалла қўмиталари (мажлислари) ва оқсоқолларнинг ваколатлари кенгайтирилди. Уларга баъзи фуқаролик ҳолати актлари ва хатти-ҳаракатларини рўйхатга олиш, назорат қилиш ва нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқлари берилди¹.

Демократик тараққиёт қадриятлари, тамойиллари ва меъёрлари тобора ҳаммабоп бўлиб бормоқда. Халқаро миқёсда ижтимоий ҳаёт ҳодисаларининг умумбашарий хусусият касб этиши, мураккаблашиб бораётган кўп қутбли дунёдаги қатор ўзгаришлар Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланишини белгилаб бермоқда. Демократик принципларга, умуминсоний қадриятларга содиқлик, очиқлик, ошкоралик ва инсонпарварлик меъёрларига мансублик сиёсати республика ижтимоий ҳаётини эркинлаштириш жараёнларида ўз таъсири ва изини қолдирмоқда.

Ўзбекистон халқи гўёки демократияни, унга оид қадриятларни қайтадан кашф этмоқда. Умумий тарзда демократия деганда, Ислом Каримов таъбирига кўра, ҳамманинг манфаатлари йўлида кўпчиликнинг ҳокимияти ва озчиликнинг иродасини ҳурмат қилиш тушунилади... Демократия — халқнинг ўз эркинлиги ва мустақиллигига қарашлари ҳам, ҳар бир шахснинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ўзбошимчалик билан чеклашлар ва шу йўсиндаги ҳаракатлардан ҳимоя қилиш ҳам, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳам эркинлиги аён бўлади².

Ўзбекистоннинг Президентининг фикрича, демократиянинг ривожини баҳолаш учун камида учта мезон мавжуд: халқнинг қарорлар қабул қилиш жараёнларидан хабардорлиги; ҳукумат қарорлари халқ томонидан назорат қилиниши; оддий фуқаролар давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этиши³.

Демократия фуқаролик жамиятнинг асосий таркибий қисми ва ҳокимиятни амалга ошириш шаклидир. Ҳуқуқий таърифига келсак, у оддийгина қонунлар устуворлигини ёки шунчаки расмий қонунийликни таъминлашни билдирмайди, у инсон қадри, манфаатларини, ҳуқуқларини нуфузли неъмат деб эътироф этишга ва тўла-тўқис муҳофаза қилишга асосланган яхлит амал қилувчи тизимдир.

Демократия ўзбек жамиятининг ҳаёт тарзига, жамиятнинг олий қадриятига, ҳар бир фуқаро учун бебаҳо бойликка айланиши лозим. Башарти, демократия халқнинг сиёсий маданияти таркибидан ўрин эгаллай олмаса, у халқнинг, жамиятнинг ҳаёт тарзига сингиб кета олмайди.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. — 1999. — №5. — 110-модда.

² Қаранг: Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. — Т., 1997. — 180-б.

³ Қаранг: Қобилов Ш. Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари» асарини ўрганиш бўйича ўқув-курғазмали қўлланма / Масъул муҳаррир У. Талжиханов. — Т., 1999. — 52-б.

Чинакам демократия — фақат назария ёки сиёсий жараёнгина бўлиб қолмай, шу билан бирга халқнинг турмуш тарзи ва бутун руҳияти, анъаналари, маданияти, психологиясининг хусусиятлари ҳамдир¹.

Ҳозирги замон сиёсат фанида демократлаштиришнинг мазмуни ва омилларини ўрганиш ҳамда тушунтиришга нисбатан ҳар хил ёндашувлар мавжуд. Масалан, А. Ю. Мельвиль демократлаштириш назариясини икки хил ёндашув: институционал-тузилмавий омиллар таҳлилига асосланган *структуравий* ҳамда тартиб-таомил омилларига йўналтирилган *процедуравий* ёндашув асосида ўрганишни таклиф қилади².

С. Липсет, Г. Альмонд ва С. Верба, Р. Инглхарт, Л. Пай ва бошқалар структуравий ёндашув вакиллари дидир. Улар баъзи бир ижтимоий-иқтисодий ва маданий омиллар билан турли мамлакатларда демократик тузумларнинг ўрнатилиши ва сақланиши эҳтимоли ўртасидаги боғлиқликни аниқлашга ҳаракат қиладилар. Бу боғлиқлик айнан демократлаштиришнинг структуравий шартлари, яъни сиёсий жараён иштирокчиларининг субъектив ниятлари ва ҳаракатларининг эмас, балки у ёки бу объектив ижтимоий тузилмаларнинг таъсири билан белгиланган шарт деб тушунилади.

Демократиянинг, таркибий нуқтаи назардан, уч асосий типи фарқланади:

- миллий бирлик ва тегишли тарздаги мувофиқликка эга бўлиш;
- анчагина баланд иқтисодий ривожланиш даражасига эришиш;
- демократик принципларнинг эътироф этилиши, асосий сиёсий институтларга нисбатан ишонч, шахслараро ишонч, фуқаролик ҳисси кабиларни назарда тутувчи маданий нормалар ва қадриятларнинг кенг тарқалиши.

Оқорида санаб ўтилган демократия шартларидан фақат биттаси — миллий бирлик ва тегишли тарздаги мувофиқлик ҳозирги замон олимларида шубҳа уйғотмайди. Қолган шартларга нисбатан танқидий фикрлар билдирилган. Масалан, тўпланган катта фактик материал жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан демократия ўртасида қатъий боғлиқлик мавжудлигини инкор этади³. Ҳозирги кунда иқтисодиёти ривожланган, аммо нодемократик тузум ҳукм сурувчи давлатлар мавжуд (масалан, Сингапур). Шу билан бирга, сиёсий институтлар ва сиёсий ҳаёт иштирокчилари ўртасида демократик муносабатлар шаклланган, аммо қашшоқлик ҳамда анъанавий ижтимоий тузилмалар ва амалиётлар сақланиб қолган давлатларни ҳам қайд этиш мумкин (масалан, Ҳиндистон).

¹ Қаранг: Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. — Т., 1997. — 185-б.

² Қаранг: Мельвиль А. Ю. Демократические транзиты. Теоретико-методологические и прикладные аспекты. — М., — 1999. — С. 88.

³ Багафил маълумот учун Қаранг: Распоу Д. А. Переходы к демократии: попытка динамической модели // Полис. — 1996. — №5.

Зарур маданий қадриятларнинг мавжудлигини демократия вужудга келишининг шарти деб таърифлар эканмиз, улар барқарор демократияни шакллантириш учун қулай муҳит яратишини қайд этиб ўтиш муҳимдир. Аммо, А. Ю. Мельвилнинг фикрича, дастлабки шарт-шароитлар ва ўзаро боғлиқликларнинг мавжудлиги бир нарса эмас. Дастлабки структуравий шарт-шароитларсиз демократияга ўтиш мумкин эмас. Ўзаро боғлиқликлар деганда, мажбурий шартлар эмас, балки демократлаштиришни жадаллаштирувчи ёки сустлаштирувчи омиллар тушунилади¹.

Шундай қилиб, структуравий ёндашув демократик жараёнларнинг якунига ўз таъсирини кўрсатувчи «объектив» ижтимоий, иқтисодий, маданий ва бошқа омилларнинг мавжудлигига таянса, тартибли (процедуравий) ёндашув демократлаштириш ва демократиянинг зарур негизи сифатида мазкур жараёнларни амалга оширувчи сиёсий омилларнинг таъсирини алоҳида ажратиб кўрсатади.

Жумладан, Х. Линц ва А. Степан юқорида зикр этилган ёндашувга таяниб маълум ислохотларнинг натижаси ҳисобланган бир қатор омилларни ажратиб кўрсатадилар²:

- мустақил жамоат бирлашмалари ва гуруҳлари билан давлатнинг ўзаро алоқасини таъминлаш орқали фуқаролик жамиятини вужудга келтириш;
- демократик тартиблар ва институтларни ривожлантириш;
- ҳуқуқий давлатни қарор топтириш;
- самарали давлат аппаратини, янги демократик ҳокимият ўз мақсадларида фойдаланиши мумкин бўлган бюрократияни шакллантириш;
- давлат ва бозор ўртасида воситачилик қилувчи ижтимоий институтлар ва нормалар тизимини яратиш орқали иқтисодий барқарор жамиятни барпо этиш.

Учинчи тоифа олимларнинг фикрича, процедуравий ва структуравий ёндашувлар ўртасида ўтиб бўлмас жарлик мавжуд эмас. Аксинча, улар бир-бирини тўлдиради, чунки битта ҳодисанинг турли жиҳатларини таҳлилдан ўтказди. Бу икки ёндашувни синтез қилиш мумкин³. Аммо икки методологик ёндашувни концептуал бирлаштириш масаласига кўпгина сиёсатшунослар ҳар хил муносабат билдирмоқдалар ва бу муаммо, умуман олганда, ҳал қилинмаган муаммолар орасидан ўрин олиб келмоқда.

Шундай қилиб, ҳар хил ёндашувларнинг таҳлили демократлаштириш олимлар ўртасида қизгин баҳсларга сабаб бўлаётган ва янада теран ўрганишни талаб этадиган мураккаб ва кўп қиррали тушунча эканлигини кўрсатади.

¹ Қаранг: Мельвил А. Ю. Демократические транзиты. Теоретико-методологические и прикладные аспекты. — М., 1999. — С. 46-47.

² Қаранг: Linz J., Stepan A. Problems of Democratic Transition and Consolidation. — Baltimore, London, 1996.

³ Қаранг: Мельвил А. Ю. Демократические транзиты. Теоретико-методологические и прикладные аспекты. — М., 1999. — С. 122.

Ўзбекистонда барпо этилаётган фуқаролик жамияти аввало ижтимоий адолат принципларига асосланади. Аслида, фуқаролик жамияти демократик тарзда уюшган, ошкоралик ҳукм сурадиган эркин жамиятдир. Бу жамиятда сиёсий-ҳуқуқий ҳодисаларга баҳо бериш, жамоатчилик фикри билан ҳисоблашиш устувор тамойил ҳисобланади. Президент Ислом Каримов таъбири билан айтганда, «жамоатчилик фикри — фуқаролик жамиятининг ҳолатини ўзида аниқ акс эттирадиган бамисоли бир кўзгу»¹. Жамоатчилик фикри бевосита халқ ҳокимиятчилигининг ифодасидир. Ҳокимиятнинг бундай шакли демократияси анча ривожланган Ғарб мамлакатларида ёрқин намоён бўлади. Жамоатчилик фикри ва жамоатчилик назорати давлат сиёсатини шакллантиришга, уни амалга оширишга ҳамда давлат органлари фаолиятининг мазмунига катта таъсир кўрсата оладиган омилдир. Жамоатчилик фикрини шакллантириш ва ифода этишда сиёсий партиялар, ижтимоий ҳаракатлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ниҳоятда катта ўрин тутди.

Жамоатчилик фикрини социологик усуллар ёрдамида ўрганиш ижобий самаралар беради. Хорижий мамлакатларда фуқароларнинг ижтимоий фикрини аниқлашга катта эътибор қаратилади. Бунда турли махсус илмий тадқиқот марказлари, оммавий ахборот воситалари давлат идоралари, парламент, президентлар, ҳукумат рейтинги (обрўи) хусусида жамоатчилик фикрини ўрганади ва турли таҳлиллар, хулосалар эълон қилади. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 9 июлдаги Фармони билан «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази ташкил этилди. Ушбу Марказ ўз фаолиятини бошлаганидан буён ижтимоий ҳаётнинг турли масалалари бўйича тадқиқотлар ўтказиб, жамоатчилик фикрини ўрганмоқда, таҳлилий маълумотномалар тайёрлаб, оммавий ахборот воситалари орқали давлат идоралари ва фуқаролар эътиборига етказиб келмоқда. Марказнинг саъй-ҳаракатлари давлат расмий сиёсатини шакллантиришга ва аҳолининг сиёсий маданиятини юксалтиришга салмоқли ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

8.2. Ҳозирги Ўзбекистон жамиятида демократиянинг ривожланиши

Ўзбекистон Республикасининг суверен давлат сифатида расмийлашувини тасдиқловчи муҳим ҳуқуқий ҳужжат — «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги қонунда (1991 йил 31 август) мамлакатимиз умуминсоний кадриятлар, Конституция ва қонун устунлиги асосида демократик давлатчилик йўлидан боражаги эълон қилинган. Ана шу қатъий сиёсий ирода давомийлигининг исботи

¹ Каримов И. А. Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. — Т., 2003. — 26-б.

сифатида Ўзбекистон Конституциясида халқнинг олий мақсади инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат, инсон ҳуқуқларининг устунлиги таъминланадиган сиёсий тизим барпо этиш эканлиги ўз тасдиғини топган.

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов мамлакатда бозор иқтисоди муносабатларини қарор топтиришга йўналтирилган ўз сиёсий дастурини ишлаб чиқди ва уни босқичма-босқич ҳаётга жорий этиб келмоқда. Демократик сиёсий ислохотларни амалга ошириш асосий вазифалари ва йўналишлари давлат раҳбарининг биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 25 декабрдаги IV сессиясида ва 1996 йил 29 августдаги VI сессиясида сўзлаган нутқларида ва ундан кейинги маърузаларида аниқ белгилаб берилган. «Демократик ўзгаришлар — жамиятимиз янгиланишининг асоси» деб номланган нутқда дастлабки шундай эътироф бор: «Сиёсий тизим ривождаги қолоқлик ҳаётимизнинг барча соҳаларини жўшқин ривожлантиришга ва аввало, иқтисодий ислохотларни амалга оширишга, иқтисодий юксалишни таъминлашга ғов бўлиши мумкинлигини аниқлаб олдиқ»¹.

Мамлакатдаги сиёсий-ижтимоий ислохотлар, сиёсий тизимни демократлаштириш давлатнинг ички ва ташқи сиёсати ҳал этаётган вазифалар ҳамда интилаётган устуворликларга мос тарзда қуйидаги вазифаларни бажариши лозим:

«Биринчидан, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатни барпо этишнинг конституциявий асосларини амалга ошириш. Унинг қонунчилик асослари ва янги демократик ташкилотларини шакллантириш.

Иккинчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан воситаларини таъминлашга доир аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш»².

Сиёсий тизимимизни демократик руҳда ислоҳ қилишнинг учинчи йўналиши матбуотни, оммавий ахборот воситалари фаолиятини демократлаштириш, эркинлаштиришдан иборат.

Мазкур устуворликлар республикада ижтимоий ҳаётнинг барча муҳим соҳаларини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чора-тадбирларини амалга оширишни назарда тутди. Мазкур йўналиш ҳамда устуворликлар муваққат эмас, балки жамиятимизни изчиллик билан янгилаш стратегиясининг асосий моҳиятини акс эттиришини таъкидлаш лозим.

Мустақил тараққиёт йиллари мобайнида янги демократик меъёрлар ҳаётимизга тобора қатъийроқ кириб келмоқда. Фуқароларимизнинг тафаккури ҳамда дунёқараши мунтазам ўзгариб, уларнинг сиёсий фаоллиги ошиб бормоқда. Давлат, жамият ва шахс ўртасидаги муносабатлар конституциявий-ҳуқуқий асосда ҳал этилиб, тобора демократик тус олиб бормоқда. «Жамоат бирлашмалари тўғрисида» (1991 йил), «Сиёсий парти-

¹ Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. Т.5. — Т., 1997. — 287-б.

² Ўша жойда.

ялар тўғрисида» (1996 йил), «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида» (1999 йил), «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида» (1998 йил), «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» (1999 йил) ва бошқа масалаларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси қонунларининг қабул қилиниши ижтимоий ҳаётда давлатга қарашли бўлмаган тузилмалар шохобчаси ва уларнинг ваколатлари кенгайишига, табиий равишда, улар фаолиятининг жўшқинлашишига катта ҳисса қўшди. Бунинг натижасида ижтимоий муносабатларни эркинлаштиришда, давлат ва жамиятни бошқаришда жамоатчиликнинг, улар ташкилотларининг салмоғи сезиларли даражада ортди.

Республика қонунлари ўз мазмунига кўра тобора демократлаштирилиб, инсон манфаатларига яқинлаштириб боришмоқда. Улар инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ва халқаро меъёрлар ҳамда андозаларга мувофиқлаштирилмоқда. Шу мақсадда инсон ҳуқуқларига риоя этилиши устидан мониторинг ва назоратни таъминлайдиган ташкилий тузилмалар — Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий маркази (1996 йил) ва Амалдаги қонунчилик мониторинги институти (1997 йил) ташкил топди. 1997 йил апрелидаги қонунга кўра 1995 йилда таъсис этилган Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили (Омбудсман)нинг фаолияти қатъий ҳуқуқий асосга эга бўлди.

Республикада оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва уларни қўллаб-қувватлаш билан шуғулланадиган ижтимоий-сиёсий жамғарма таъсис этилди (1996 йил) ва сермазмун ҳамда самарали фаолият юритиб келмоқда. Бир томондан, давлат ваколатли органлари ва, иккинчи томондан, жамоатчилик, оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармасининг саъй-ҳаракатлари билан қисқа муддат ичида «Журналистлик фаолиятининг кафолатлари тўғрисида» (1997 йил), «Ноширлик фаолияти тўғрисида» (1996 йил), «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида» (1997 йил) ва бошқа қонунлар қабул қилиниб, ҳаётга самарали жорий этиб келинмоқда.

Мамлакатимизда демократлаштириш пилапояларидан қадам-бақадам одимлаб бориш натижасида жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорлик, тинчлик-осойишталик, миллатлараро ҳамда динлараро ҳамкорлик, тотувлик таъминланмоқда, кўпмиллатлилиқ асослари ва байналмилаллик тамойиллари ривож топмоқда. Юртбошимизнинг эътирофларидан бирида шундай фикрлар мавжуд: «Мустақиллик йиллари ҳокимиятни тармоқларга ажратиш асосида миллий давлатчилик пойдеворини барпо этиш борасида тинимсиз меҳнат қилиш даври бўлди... Давлат ҳаётининг янги демократик, ҳуқуқий асослари яратилди»¹.

Сайлов қонунчилигининг адолатли мазмуни давлат идоралари фаолиятининг, сиёсий тизим демократиклигининг кўрсаткичи ҳисобланади. Сай-

¹ Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. Т.5. — Т., 1997. — 106-107-б.

лов фуқароларнинг сиёсий фаоллигини оширувчи, сиёсий маданиятнинг етуклик даражасини кўрсатувчи муҳим институтдир. Мустақилликнинг дастлабки йилларида халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишини таъминловчи сайлов тизими ва тегишли сайлов қонунчилиги шакллантирилди. Хусусан, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Бундай номдаги ва мазмундаги қонун ҳужжати дунёдаги энг демократик давлатларда ҳам учрамайди. 1991 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловлари тўғрисидаги қонун қабул қилинди (унга 1993 ва 1995 йилларда тегишли ўзгартишлар киритилди. 1997 йилда ушбу қонун янги таҳрирда қабул қилинди. 1999 йил августда унга дунё андозаларига мос янги ўзгартишлар киритилди).

1993 йилнинг декабрида мамлакат парламенти «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги қонунни қабул қилди. Қонун янги шакллантириладиган парламент — Олий Мажлисга сайлов ўтказишнинг асосий қоидаларини мустақамлади. Улар сайловларнинг умумийлиги, тенглиги, фуқаролар тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқига эгаллиги ва овоз бериш яширин тарзда амалга оширилиши принципларидир. Сайловлар эркин ва ошкора ўтказилади¹. Ушбу қонунни қабул қилишда парламент Ўзбекистонда сайловлар ўтказишнинг шаклланган сиёсий анъаналари, амалиёти ҳамда ўзига хос жиҳатларини, аҳолининг сиёсий тайёргарлик даражаси ва менталитетини ҳисобга олиб... сайлов қонунининг мажоритар тизим асосида маъқулланишини лозим топди².

Шунингдек, 1994 йилда сайлов қонунчилиги замиридаги муҳим бўгин — давлат ҳокимиятининг маҳаллий органларини ташкил этишнинг асоси бўлган қонун — «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. 1997 йил 26 декабрда бўлиб ўтган биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида юқоридаги учта сайлов қонунларига «Сайлов тизимлари халқаро жамғармаси»нинг таклифларини инобатга олган ҳолда бир қатор муҳим демократик қўшимча ва ўзгартишлар киритди. Бу янгиликлар қуйидагилардан иборат бўлди:

1) сайлов қонунчилигимизга кузатувчилар институти тўғрисидаги ҳуқуқий қоида киритилди. Масалан, Президент сайлови тўғрисидаги қонуннинг 5-моддаси ва Олий Мажлисга сайлов тўғрисидаги қонуннинг 6-моддасига «сайлов жараёнининг барча босқичларида сиёсий партиялар, ҳокимият вакиллик органлари, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан биттадан кузатувчи, матбуот, телевидение, радио вакиллари, бошқа давлат ҳамда халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эга бўладилар», деган қоида киритилди.

¹ Батафсилроқ маълумот учун қаранг: *Одилқориев Х. Т.* Демократик сайловларнинг қонуний замини // *Ҳуқуқ-Право-Law*. — 2000. — №1. — 5-6.

² *Халилов Э. Ҳ.* Сайлов тўғрисидаги Ўзбекистон қонунларининг қарор топиши ва ривожланиши. — Т., 1999. — 10-6.

2) Президент сайлови тўғрисидаги қонунга «Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар ва ҳокимият вакиллик органлари эгадирлар», деган қоида киритилди.

3) Олий Мажлисга сайлов тўғрисидаги қонун «Олий Мажлис депутатлигига бевосита фуқаролар томонидан номзод кўрсатиш» деган алоҳида 22¹-модда билан тўлдирилди. Ушбу моддага мувофиқ, мамлакатнинг сайлов ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқароси ёки фуқаролар гуруҳи парламент депутатлигига номзод кўрсатиш учун тегишли сайлов округининг камида юз нафар сайловчисидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тузадилар. Депутатликка номзод кўрсатилган сайловчилар ташаббускор гуруҳи округ сайловчилари умумий сонининг камида 8 % миқдорида имзо тўплаши, бунда имзо чекаётган фуқаролар миқдори ҳар бир маҳалла, қишлоқ ёки овул бўйича мутаносиб равишда тақсимланиши шарт.

Сайловга оид қонунларимизнинг мазмуни европалик мутахассис экспертлар томонидан синчиклаб ўрганилди. Хусусан, Европада ҳамкорлик ва хавфсизлик ташкилоти (ЕХХТ)нинг «Инсон ҳуқуқлари бўйича демократик институтлар бюроси» берган танқидий таклифлар асосида Олий Мажлиснинг 1999 йил 19 августдаги ўн бешинчи сессиясида сайлов тўғрисидаги қонунларга демократик мазмундаги янги қоидалар қўшимча қилиб киритилди.

Унга қўра, депутатликка номзодлар оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуққа эга бўладилар. Сиёсий партиялар Олий Мажлисга сайловда қатнашганларида улар кўрсатган номзодлар сайланиб, жами депутатлар сонининг 5 % дан кўпроғини олсаларгина, сиёсий партиялар депутатлик мандатларига эга бўлар эдилар (1997 йилда киритилган қоида). Бу қоида чиқариб ташланиб, сиёсий партияларнинг ҳуқуқ-имкониятлари янада кенгайтирилди¹.

Таҳлидан кўриниб турибдики, тобора демократик мазмун касб этиб бораётган сайловга оид қонунларимизнинг асосий мақсади — самарали, ишчан вакиллик органларини сайлаш ҳамда юксак фуқаролик туйғуси ва ҳуқуқий маданиятга эга сайловчиларни шакллантиришдир².

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари» номли маърузаси (Олий Мажлиснинг 1996 йил 29 августдаги сессиясида сўзланган) мамлакатдаги сиёсий жараёнларга демократик руҳ бағишланишида катта аҳамият касб этди. Маърузада таъкидланганидек, «Ўзбекистон жамиятимизни янада демократлаштириш йўлидан изчил бормоқда.

¹ Батафсилроқ қаранг: *Одилқориев Х. Т.* Демократик сайловларнинг қонуний замини... — 7-8-6.

² Сайловга оид қонунларни такомиллаштириш босқичлари ҳақида қаранг: *Таджиханов У., Одилқориев Х., Саидов А.* Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. — Т., 2001. — 486-487-6.

сиёсий институтлар шаклан демократияга ўхшаса-да, мазмун-моҳиятига кўра, бу тузилмалар фаолияти-нинг миллий хусусиятлари ҳисобга олинган керак... Муаммонинг иккинчи жиҳати тегишли қонун ҳужжатлари ҳуқуқий меъёрлар ва кафолатлари етарли даражада ишлаб

сиёсий партиялар мавқеи ҳамда ҳоли кунда Ўзбекистонда кўп ҳуқуқий асослар яратилган. Ўшунинг учун ҳуқуқий замин мавжуд. Конституция, сайловлар тўғрисидаги қонун ва бошқаларига, сиёсий партия ва жамоатларда қатнашиш ҳуқуқи бе-сиёсий партияларнинг шакллари жадал эмас.

И. А. Каримовнинг иккинчи сессиясидаги «Ўзбекистонда ширатириш ва фуқаролик жамия-йўналишлари» деб номланган катта воқеа бўлди. У дастурийнинг яқин келажакдаги страте-жамиятини қарор топтириш-аштиришнинг етти устувор ўртинчи йўналиш»да қуйида-ролик жамияти демократик км сурадиган эркин жамият-ларга ижтимоий баҳо бериш, устувор мавқега эга бўлади... лантириш, биринчи навбат-ининг оширилиши, сиёсий этиши билан узвий боғлиқ»³. Ҳар бир сиёсий партиянинг рҳида фаоллиги, ижобий сиё-иши ҳамда сиёсий майдонда

ислохотларни чуқурлаштиришнинг ратик тараққиёт ва маърифий дунё

конструктив йўналишдаги оппозициянинг пайдо бўлиши сезиларли са-мара беради, деб ўйлаймиз.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партияларнинг ши-жоаткорлик билан фаол ҳаракат қилишига эришиш, уларнинг ташаб-бускорлигини ошириш кун тартибидagi долзарб масала бўлиб турибди. Мазкур масалага иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2004 йил 29–30 апрель кунлари бўлиб ўтган XIV сессия-сида «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш чоғида ниҳоятда жиддий эътибор қаратилди. Қонун лойиҳа-синг муҳокамасида мамлакат Президенти Ислон Каримов бу ҳақда ўз фикрини билдириб таъкидлаганидек, демократиянинг асосий инсти-тутларидан бири бўлган кўп партияли тизимни ривожлантириш учун ушбу қонунни қабул қилиш муҳим. Мавжуд сиёсий партияларнинг иш юритиш мароми, даражаси ва усуллари бизни қониқтирмаётир, уларга ташаббус етишмаяпти. Ҳар бир сиёсий партия муайян манфаатларни аниқ ифодалаши лозим. Улар ўз сайловчилари сафини кенгайтириш учун курашиши, фуқароларнинг сиёсий онгини оширишга йўналти-рилган тадбирларни тинимсиз ўтказиб бориши ҳаёт талабидир.

Давлатимиз раҳбари сиёсий партиялар ишидаги камчиликларни тезда бартараф этиш, бўлажак парламентнинг қонунчилик палатасига бўлғу-си сайловларни инобатга олиб, партияларнинг фаолиятини кучайти-риш зарурлигини кўрсатиб ўтди. «Бунинг учун ҳар бир партия ўзига хос мақсад ва дастурга эга бўлиши керак. Сиёсий кучлар аҳоли, айниқса мулкдорлар синфи манфаатларини янада дадилроқ ҳимоя қилиши ло-зим, чунки бу соҳани қўллаб-қувватлаш давлатимиз сиёсатининг усту-вор йўналишларидан биридир»¹.

Ўзбекистон Республикаси «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғри-сида»ги (2004 йил 30 апрель) қонунининг қабул қилиниши мамлақати-миз сиёсий тизимида партияларнинг аҳамиятини оширишга хизмат қили-ши шубҳасиздир. Ушбу қонун сиёсий партияларни молиялаштириш ман-балари ва принципларини белгилаб берди. Хусусан, қонунийлик, очиқ-лик, ошкоралик ва сиёсий партияларнинг тенг ҳуқуқлилиги уларни мо-лиялаштиришнинг асосий принципларидир (Қонуннинг 4-моддаси).

Сиёсий партияларнинг қонунчилик палатасига ва давлат ҳокимия-тининг бошқа вакиллик органларига сайловда иштирок этиши давлат томонидан (бюджет ҳисобидан) молиялаштирилади. Шу мақсадга ажра-тилган маблағлар сиёсий партия томонидан — сайловолди кўргазмали ташвиқот воситаларини нашр қилишга; депутатликка номзодларнинг телевидение, радио орқали ва бошқа оммавий ахборот воситаларида чиқишларини; номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини;

¹ Каримов И. А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч қудратимизга, хал-қимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас идорасига боғлиқ // Халқ сўзи. — 2004. — 30 апр.

номзодларнинг ишончли вакиллари ва сайловолди ташвиқоти учун жалб қилинадиган бошқа фаоллар ишини ташкил этишга; сайлов кампаниясини ўтказишга доир умумпартиявий тадбирларга сарфланиши керак.

Башарти қонунчилик палатасига сайлов якунлари бўйича сиёсий партия фракция тузиш учун зарур миқдорда депутатлик ўринларини ололмаган бўлса (яъни, тўққиз нафар депутатдан кам бўлса), сиёсий партиянинг сайловдаги иштирокини молиялаштириш учун ажратилган давлат маблағлари мазкур партиянинг бошқа манбалардан олган маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига қайтарилиши шарт (Қонуннинг 8-моддаси).

Қонуннинг бу нормаси сиёсий партияларни ўта фаол бўлишга, сайловларда депутатлик ўринлари учун астойдил курашишга чорловчи, пухта ва самарали юридик механизмни расмийлаштирган десак, тўғри бўлади.

Сиёсий партиялар ўз тарафдорларига, электорати (сайловчилари)га, қўллаб-қувватловчи хайрихоҳ ижтимоий қатламларига эга бўлиши лозим. Бундай таянч бўлмаса, сиёсий партиянинг фаолиятдан кутилган натижага умид боғлаш қийин.

Сиёсатшунослик фанида сиёсий қўллаб-қувватлашнинг уч даражаси фарқланади:

- сиёсий режимни қўллаб-қувватлаш;
- сиёсатчилар (партиялар)ни қўллаб-қувватлаш;
- ижтимоий тузумни қўллаб-қувватлаш.

Кўпинча хориж мамлакатларида одамлар алоҳида сиёсатчиларга ва сиёсий партияларга ишониш ёки ишонмасликларига қарамай, умуман демократик тузумни қўллаб-қувватлайдилар. Алоҳида сиёсатчилар ва сиёсий партиялардан норозилик демократик тузум учун одатий ҳолдир. Ўзбекистонда ва АҚШда ҳукуматга одамларнинг деярли бир хил сони (Ўзбекистонда ҳатто кўпроқ) ишонишига қарамай, бундай скептицизмга ҳар хил сабаблар, яъни АҚШда — ҳукуматдаги алоҳида шахсларга ҳамда алоҳида ҳокимият институтларига нисбатан ишончсизлик ва демократик тизимга бўлган ишонч, Ўзбекистонда эса сиёсий партиялар мавқеи эгалламаганлиги, конструктив оппозиция етишиб чиқмаётганлиги туртки берган бўлиши мумкин. Демократик жамиятларда ҳукуматга нисбатан ишончсизлик умуман демократик тизимга нисбатан ишончсизлик кўрсаткичи ҳисобланадими, деган масала Рассел Ж. Дальтоннинг «Political support in Advanced Industrial Democracies» асарида кўтарилган.

Габриэль Альмонд ва Сидней Верба сиёсий жамиятнинг қўллаб-қувватланишини у ёки бу сиёсий тузум қўллаб-қувватланишининг асосий кўрсаткичи деб таърифлаганлар. Улар сиёсий қўллаб-қувватлашнинг эмоционал ва рационал, нисбий даражаларини ҳам ажратганлар¹.

¹ Қаранг: Almond G., Verba S. The Civil Culture: Political Attitudes and Democracy in Five Countries. — Princeton, 1963.

Эмоционал сиёсий қўллаб-қувватлаш — объектнинг қабул қилиниши ва мувофиқ деб топилиши даражаси, **рационал, нисбий қўллаб-қувватлаш** эса у ёки бу сиёсий объектнинг самаралилиги ва ўринлилиги ҳақидаги қарашлардир.

«Ривожланган» демократик мамлакатлар учун демократик норма ва қадриятларга ишончсизлик, авваламбор, мавжуд сиёсий тузумга (алоҳида сиёсатчи ёки партияларга эмас) ишончсизлик сифатида намоён бўлиши мумкин.

Жамиятнинг сиёсий ҳаётида халқнинг иштирок этиши демократик тизимнинг муҳим ва зарур элементларидан бири ҳисобланади. Демократия фуқароларнинг фаол иштирокига муҳтож. Бундай иштироксиз демократия легитимлигини йўқотади ва ўзининг асосий кучи (халқнинг қўллаб-қувватлаши)дан айрилади.

Америкалик тарихчи Ф. Фукуяманинг фикрича, ҳозирги кунда жаҳон ялпи демократия йўлидан ривожланмоқда. Демократик ривожланиш тўрт даражада содир бўлади. Қуйида уларнинг ҳар бирини қисқача таҳлил қиламиз.

1. **Мафкура.** Бу — демократик институтлар ва уларни қўллаб-қувватловчи бозор тузилмаларининг тўғрилиги ёки нотўғрилиги ҳақидаги норматив эътиқодлар даражаси. Агар одамлар демократия улар учун энг мақбул ва яхши бошқарув шакли эканлигига ишонмаса, демократик жамиятлар узоқ яшай олмаслиги шубҳасиз. Бошқа томондан, жамиятда демократия ғояларига ишонч катта бўлса ҳам, бундай жамият амалда реал ишлайдиган демократик институтларни яратишга қодир бўлмаслиги мумкин. Демократик институтларга нисбатан муносабатнинг ўзгариши ва демократиянинг қонунийлигини мафкуравий даражада идрок этиш кутилмаганда содир бўлиши мумкин. Демократия ва бозор учун қулай бўлган бундай ўзгаришлар бутун дунёда сўнгги 15 йил ичида содир бўлди.

2. **Институтлар.** Бу соҳа конституциялар, суд тизимлари, партия тизимлари, бозор тузилмалари ва шу кабиларни ўз ичига олади. Институтлар ғоялар сингари тез ўзгармайди, аммо уларни давлат сиёсати ёрдамида бошқариш мумкин. Бу сўнгги вақтда сиёсий кураш олиб борилган, янги демократик давлатлар ўзларидан олдин вужудга келган демократик давлатлар ёрдамида давлат корхоналарини хусусийлаштириш, янги конституциялар ёзиш, партияларни жипслаштиришга кабиларга ҳаракат қилган даражадир.

3. **Фуқаролик жамияти.** Бу аъзолари ўртасида иқтисодий, маданий, ҳуқуқий ва сиёсий муносабатлар юксак даражада ривожланган, давлатдан мустақил, аммо у билан ўзаро алоқа қилувчи жамиятдир. Эркин, тенг ҳуқуқли фуқароларсиз фуқаролик жамияти бўлиши мумкин эмас. Фуқаролик жамиятининг тузилмаси сиёсий институтларга нисбатан секин шаклланади.

4. **Маданият.** У дин, маънавий қадриятлар, миллий онг, оила сингари ҳодисаларни қамраб олади. Демократик институтлар фуқаролик

жамиятига асослангани сингари, фуқаролик жамияти ҳам, ўз навбатида, маданият асосига қурилади. Сиёсий маданият таъсирчан бўлиб, юқорида зикр этилган уч даражада содир бўлувчи ҳодисалар таъсирига берилишига қарамай, маданият даражасида ўзгаришлар жуда секин содир бўлади.

Демократлаштиришнинг Ўзбекистон модели. Ўзбекистондаги демократлаштириш жараёни ўз жиҳатларига кўра «классик» Ғарб моделларидан фарқ қилади. Шарқий Европа мамлакатлари, умуман олганда, бирлашган «ғарбий» демократия элементларини шакллантиришга йўналтирилган мамлакатлар деб баҳоланса, Ўзбекистондаги тузумга кўпгина олимлар маҳаллий менталитет ва анъаналарни, ислом ва традиционализмни ўзида акс эттирувчи «шарқий» демократик тузум деб қарамоқда.

Ўзбекистондаги демократлаштириш жараёнига таъсир кўрсатаётган шарт-шароитларнинг қуйидаги даражаларини ажратиш кўрсатиш мумкин:

1) **халқаро омиллар даражаси** (жуғрофий-сиёсий, жуғрофий-стратегик, иқтисодий, сиёсий, маданий-мафкуравий омиллар). У XXI аср бошида намоён бўлган (Нью-Йорк ва Вашингтондаги портлашлар ҳамда бунинг кетидан Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида стратегик ҳамкорликнинг ўрнатилиши, Ўзбекистоннинг умумидемократик хусусияти АҚШ томонидан эътироф этилиши назарда тутилмоқда) ва Ўзбекистондаги демократик ислохотларга таъсир кўрсатган омилларни ўз ичига олади. Улар ҳал қилувчи омиллар эмас, аммо демократиянинг ривожланишига қулай имкониятлар яратади;

2) **таркибий ижтимоий-иқтисодий омиллар даражаси.** Ўзбекистон иқтисодий ривожланиш даражаси ҳали юксак чўққига эришмаган шароитларда демократлаштириш жараёнини амалга оширмоқда. Бозор иқтисодининг асослари тўла шаклланиши сари ислохотлар жараёнида бу омилнинг таъсири ортиб боради;

3) **ижтимоий-гуруҳий омиллар даражаси.** Ўзбекистонда демократияга мувофиқ ижтимоий негиз шаклланимоқда. Авваломбор, бу демократиянинг оммавий ижтимоий негизини ташкил этиши лозим бўлган ўрта табақанинг пайдо бўлаётганлиги билан боғлиқ;

4) **маданий омиллар ва қадриятлар даражаси.** Ўзбекистонда демократлаштириш жараёни фуқаролар сиёсий маданиятига хос бўлган қадриятлар ва қарашларнинг оммавий тарқалишини шарт қилиб қўяди. Аммо, кўпгина социологик сўровларнинг натижаларига ва жаҳон тажрибасига қараганда, бу қадриятлар ва нормаларни аста-секин ўзлаштириш содир бўлаётир;

5) **процедуралар омиллар даражаси.** У сиёсий ва иқтисодий ўзгаришларнинг ўзаро боғлиқлигини назарда тутди. Х. Линц ва А. Степан ўтказган тадқиқотлар муваффақиятли демократик транзитлар изчил сиёсий демократлаштиришни, сўнг самарали демократик институтларни барпо этиш ва мустақамлашни, шундай кейин «иқтисодий жамият» — ижтимоий қафолатлар ҳамда давлат ва бозор ўртасидаги воситачилик инсти-

тутлари тизимини барпо этишни назарда тутишини, фақат шундан кейин иқтисодий ислохотлар самарали амалга оширилишини кўрсатди¹;

б) **микродаража.** У муҳим қарорлар қабул қилувчи ва уларни амалга оширувчи асосий сиёсий иштирокчиларнинг шахсий ва индивидуал-психологик хусусиятларини ўз ичига олади. Бу жиҳатдан Ўзбекистон демократиянинг умуминсоний қадриятларини илгари сурувчи ва мустақамловчи демократия сари ҳаракатланаётганини қайд этиш мумкин.

Бу омилларнинг биргаликдаги таъсири ҳозирги Ўзбекистонда демократик жамият қуриш имкониятлари кенглигини кўрсатади.

Собиқ СССР ҳудудидаги давлатларни демократлаштириш моделларидан бири В. Гельман томонидан тузилган². У сиёсий тузумни ўзгартиришга асосланади. Бунда модель муаллифи посткоммунистик тузумларнинг фарқларини аниқловчи қуйидаги структуралар мезонларга таянади:

- сиёсий ҳокимиятнинг алмашиш механизми;
- сиёсий тузум иштирокчилари (субъектлари)нинг хусусиятлари;
- сиёсий тузум расмий ва норасмий институтларининг нисбати;
- сайловлар ўтказиш хусусияти;
- вакиллик институтларининг роли;
- сиёсий партияларнинг роли;
- оммавий ахборот воситаларининг роли.

Ўтиш даврини бошдан кечираётган тузумлар учун сиёсий ҳокимиятнинг алмашиш механизми ҳокимиятга келиш механизмига қараганда муҳимроқдир. Нодемократик тузумларда ҳокимият алмашишининг асосий механизмлари, В. Гельманнинг фикрича, инқилоб, исён ва элиталар битимидир. Инқилоб посткоммунистик мамлакатларга хос эмас; элиталар битими эса, аксинча, сиёсий иштирокчиларнинг келишувини назарда тутди.

Сиёсий тузум иштирокчиларининг хусусиятларини таҳлил қилиш натижаларига кўра, иккита идеал типни ажратиш мумкин. Биринчи типда бошқа сиёсий акторлар барча ёки кўпгина мақсадларга эришишига тўсқинлик қила олмайдиган битта етакчи иштирокчи мавжуд бўлади. Иккинчи типга биттадан ортиқ фаол сиёсий иштирокчининг мавжудлиги хосдир. Биринчи ҳолда тузум моноцентрик, иккинчи ҳолда эса — полицентрик деб аталади. Демократик тузумлар — полицентрик, авторитар тузумлар эса — моноцентрикдир. Сиёсий тузумларнинг ўтиш шакллари моноцентризм ҳам, полицентризм ҳам, сиёсий иштирокчилар кучлари нисбатининг ноаниқлиги ҳам хосдир.

Расмий ва норасмий институтлар нисбатининг кўрсаткичи сифатида В. Гельман расмий сиёсий институтлар — қонун чиқарувчи, ижро

¹ Қаранг: Linz J., Stepan A. Problems of Democratic Transition and Consolidation. — Baltimore, London, 1996. — P. 144-146.

² Батафсил маълумот учун қаранг: Гельман В. Я. Трансформация в России: политический режим и демократическая оппозиция. — М., 1999.

этувчи ва суд ҳокимияти, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар ва уларнинг парламентлардаги фракциялари, оммавий ахборот воситаларининг фаолияти, уларнинг эркинлиги, самарадорлиги ва тартибга солиниши хусусиятини, расмий, норасмий ва гайриқонуний нормаларнинг нисбатини кўрсатади.

Бу мезондан фойдаланиб турли тузумлар ўртасида қатъий чегара ўтказиш мумкин. Аммо, умуман олганда, сиёсий иштирокчилар фаолияти норасмий институтлар билан қанча кўп белгиланса, мазкур тузум типи либерал демократияга шунча кам яқинлашади, деб қайд этиш мумкин.

Сайловлар ўтказиш хусусияти, авваламбор, барча номзодлар сайловда иштирок этиш имкониятига эгаллиги, тенг рақобатлашиш имкониятининг мавжудлиги, сайлов натижаларининг кўриб чиқилиши устидан назорат, белгиланган ўйин қоидаларини бузганлик учун тенг ва тегишли санкцияларнинг қўлланишини назарда тутати. Либерал демократияларга эркин ва адолатли сайловлар хос бўлиши лозим.

Авторитар тузумларда вакиллик институтларининг роли уларнинг декоратив хусусияти билан белгиланади, либерал демократияларда уларнинг роли демократик тузумнинг ажралмас белгиси ҳисобланади. Посткоммунистик мамлакатларда корпоратив вакиллик институтлари парламентаризмнинг муқобили сифатида фаолият кўрсатади.

Либерал демократияларда ҳукуматни тузиш ва сиёсий йўналишни ишлаб чиқишда сиёсий партиялар салмоқли ўрин тутати. Авторитар тузумларда партиялар тузумга нисбатан иккинчи даражали ҳодисалар ҳисобланади. В. Гельманнинг фикрича, сиёсий жиҳатдан масъул ҳукуматларни тузишда сиёсий партияларнинг мавқеи қанча кам бўлса, ўтиш даврини бошидан кечираётган тузум либерал демократиядан шунча йироқ бўлади.

Авторитар тузум ва либерал демократия шароитларида оммавий ахборот воситалари аҳамиятга эга бўлади. Авторитаризм шароитида оммавий ахборот воситалари давлатнинг қаттиқ назоратида бўлса, либерал демократия оммавий ахборот воситаларининг плюрализми билан ажралиб туради.

Мазкур моделлар ягона моделлар эмас. Улар Ўзбекистонда содир бўлаётган демократлаштириш жараёнини нисбатан мукаммал тушунтиришга қўмаклашади, воқеалар ривожини ҳар хил башорат қилади. Бу, бир томондан, демократик транзитлар назарияси пухта ўрганилмаганлиги билан, иккинчи томондан, Ўзбекистонда содир бўлаётган сиёсий ва иқтисодий тизимларни янгилаш жараёнининг мураккаблиги билан изоҳланади. Аммо барча моделларда бир нарсани — Ўзбекистон жамиятида демократия аста-секин, аммо изчил олға силжиётганини кузатишимиз мумкин. Гарчи биз Фарб демократия йўлини такрорламасақ-да (бунга биз интилмаслигимиз керак, зеро биз ўз менталитетимиз, ўзимизга хос хусусиятларимиз ва анъаналаримизга эгамиз), аммо ҳамиша умуминсоний демократик қадриятларга таянишимиз мақсадга мувофиқ бўлади.

8.3. Ўзбекистон фуқароларининг онгида эски шўро қадриятлари ва янги демократик қадриятларнинг ўзаро нисбати

Сиёсат ва ҳуқуқ назарияси ҳамда амалиётининг таҳлили, демократик давлатларнинг бой тажрибаси асосий демократик қадриятлар жумласига қуйидагилар киришини кўрсатади:

- бошқарувнинг демократик принциплари ва нормаларининг давлат томонидан эътироф этилиши;
- асосий сиёсий институтларга нисбатан ишонч;
- бағрикенглик ва шахслар ўртасидаги ишонч;
- инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш;
- сиёсий ва ижтимоий фаоллик.

1995–1999 йилларда олинган маълумотлар Ўзбекистон аҳолиси асосий демократик қадриятлар ва демократия институтларини ҳозирги кунда кенг қўллаб-қувватлаётганини кўрсатади. Шу ўринда «демократия ва умуман фуқаролик жамияти», яъни норматив белгиланган демократия ҳақида гап борганида, уни фуқароларнинг мутлақ кўпчилиги ижобий қабул қилишини қайд этиб ўтиш керак. Демократиянинг асосий шарти — шахсий мажбуриятларни бажариш. Демократия процедуралари ва қоидаларига риоя қилиш ҳақида гап кетганида эса қўллаб-қувватловчилар сони бироз камади. Буни камида учта сабаб билан изоҳлаш мумкин:

- фуқаролар ва, умуман, аҳолининг сиёсий маданияти етарли юксалмаган бўлиб, кўпгина демократик қадриятлар шахснинг ички маданияти ва эҳтиёжларининг таркибий қисмига тўлиқ айланиб улгурмаган;
- ҳозирги сиёсий жараёнда аҳоли етарли даражада фаол иштирок этмаяпти, масалан, ижтимоий сўровлар ўтказиш сингари институтлардан кам фойдаланилмоқда;

— жамият «демократия»ни ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш воситаси сифатида яхши идрок этмайди. Кўпчилик фуқаролар демократик тузумда ишдан кўра гап кўп ва бундай тузум тартибни сақлаш учун ярамайди, деб ҳисоблайдилар. Бу ҳол аҳоли сиёсий маданиятининг даражаси пастлиги, тегишли оммавий маданиятни жорий этиш институтлари ва воситаларининг пухта ишлаб чиқилмаганлиги ҳамда бошқа бир қатор объектив ва субъектив сабаблар билан изоҳланади.

Шундай қилиб, одамлар онгида сиртдан ажабтовур уйғунлик вужудга келади: бир томондан, норматив демократияга мойиллик мавжуд бўлса, иккинчи томондан, бир қатор ҳолларда, амалий демократия инкор этилади.

Аммо республиканинг кўпчилик фуқаролари коммунистик тузумда мавжуд бўлган бошқарув тизимида салбий муносабатда эканлиги эътиборли ҳолдир. Дарҳақиқат, собиқ Иттифоқнинг маъмурий-буйруқбозлик тизими, марказнинг бюрократик механизми Ўзбекистонни хомашё манбаига айлантириб, ўзига қарам қилиб қўйган эди. Ўзбекистонга пахта

хомашёси етказиб бериш мажбурияти юклатилган бўлиб, биз ўзимиз етиштирган пахтани қайта ишлаш, ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган эдик. Ерга, табиатга нотўғри муносабат фақат Ўзбекистонни эмас, балки бутун Марказий Осиё минтақасини экологик ҳалокат ёқасига олиб келиб қўйди. Орол денгизи ва Оролбўйи муаммоси табиатга нисбатан «советча» муносабатнинг ёрқин мисолидир.

XX асрнинг 60-йилларигача Орол денгизининг сув сатҳи анча барқарор эди. Амударё ва Сирдарёдан келиб қуйиладиган сув (60-йилларда ҳар йили 54 км^3) ва ёғингарчиликлар (9 км^3) бугланиш натижасидаги сув сарфининг (65 км^3) ўрнини тўлдириш имконини берарди. Денгиз сатҳи кўп йиллар мобайнида ўрта ҳисобда 53 м атрофида бўлиб келди, бунда сув юзасининг майдони 67 минг км^2 , ҳажми — 1064 км^3 , энг катта чуқурлиги — 69 м , шўрлиги — $9,6\text{--}10,3 \text{ ‰}$ ни ташкил этар эди¹.

Пахта экилган майдонларни суғориш учун сувдан аёвсиз фойдаланиш Амударё ва Сирдарёнинг Орол денгизига келиб қуйиладиган сувининг кескин камайишига олиб келди. Денгиз сатҳи 14 м га пасайди, акватория майдони 60-йилларнинг бошидагига қараганда $1/3$ га, сув ҳажми эса 60 ‰ га камайди.

90-йилларнинг бошига келиб денгиз сатҳи 39 м га пасайди, сув ҳажми 400 км^3 га камайди, акватория майдони 40000 км^2 га қисқарди, минераллашиш эса 21 г/л га кўпайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов БМТнинг 50 йиллиги муносабати билан ўтказилган БМТ Бош Ассамблеясининг махсус тантанали йиғилишида сўзлаган маърузасида жумладан Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ экологик фожа, умумбашарий аҳамият касб этиб бораётган муаммо биосферага, миллионлаб одамларнинг турмуш шароити, соғлиғи ва ирсиятига зарарли таъсир кўрсатаётганини қайд этиб ўтди².

«Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида И. А. Каримов Орол денгизини сақлаб қолишнинг шарти сифатида барқарор ривожланиш, мазкур минтақада яшовчи одамларнинг турмуш даражаси пасайиб кетишига йўл қўймаслик, истиқболда келажак авлодларнинг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш асосида Орол инқирозини бартараф этишнинг узоқ муддатли стратегияси ва дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарурлигини кўрсатди³.

¹ Қаранг: Шадиметов Ю. III. Региональные проблемы социальной экологии. — Т., 1992. — С. 75.

² Қаранг: Каримов И. А. По пути созидания. От региональной безопасности к безопасности глобальной. Выступление на специальном торжественном заседании Генеральной Ассамблеи по случаю пятидесятой годовщины Организации Объединенных Наций, Нью-Йорк, 24 октября 1995 г. Т.4. — Т., 1996. — С. 58.

³ Қаранг: Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.6. — Т., 1998. — 110-б.

Президент И. А. Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг «Минг йиллик саммити»да сўзлаган маърузасида таъкидлаб ўтганидек, Орол денгизи ҳалокатининг оқибатлари Европа ва жаҳоннинг бошқа минтақалари учун қай даражада хавфли бўлиши, бу муаммога бефарқлик нимага олиб келиши мумкинлигини исботлаб ўтиришнинг ҳождати бўлмаса керак¹.

Кўриб турганимиздек, Орол денгизи муаммоси умумбашарий аҳамиятга эга бўлиб, уни қутқариш фақат Ўзбекистон ёки Марказий Осиё республикаларининг эмас, балки бутун инсониятнинг ишидир. Бу муаммо Собиқ Иттифоқ маркази Ўзбекистонга нисбатан олиб борган сиёсатининг натижаси бўлди. Мустақилликка қадар ҳукм сурган, республикаимизни Фитрат, Қодирий, Чўлпон сингари оташин ўғлонларидан айирган, «Ўзбек иши», «пахта иши»ни сунъий равишда тўқиб чиқариб, бутун халқимизни қоралашга уринган тузумга ўзбек халқининг салбий муносабати мана шу оддий сабаблар билан изоҳланади.

Фуқаролар мамлакатимизда 10–20 йил кейин вужудга келадиган сиёсий тизимни жуда оптимистик баҳоламоқдалар. Шу билан бирга, ҳозирги кунда жамиятда демократияга норматив муносабат сақланиб қолаётир. Кўпчилик демократияни жуда юксак баҳолайди, аммо бунда реал демократияни эмас, балки демократия ғоясини назарда тутди.

Ўтган асрнинг 70–80-йилларида «жисмоний» ва «инсоний» капиталлар мақбул фаолият кўрсатиши учун зарур қўшимча сифатидаги «ижтимоий капитал» ғояси бир қатор муаллифлар томонидан илгари сурилган эди, аммо уни Ж. Коулмен фақат 1990 йилда ўзининг «Ижтимоий назария асослари» асарида асослаб берди. Унинг фикрича, «ижтимоий капитал» шахслараро майдонда изчил ва оқилона шаклландиган ўзаро ишонч ва ўзаро ёрдам потенциалидир.

«Ижтимоий капитал» ғоясининг жўшқин тарафдорлари ва тарғиботчиларидан бири Р. Патнэмнинг ёзишича, якка тартибдаги унумдорликни оширувчи меҳнат қуроллари ва таълимда ўз ифодасини топган жисмоний ва инсоний капиталга ўхшаб, «ижтимоий капитал» ҳам ўзаро фойда олиш мақсадида келишиш ва бирлашиш учун шарт-шароитлар яратувчи жамият ташкилотининг ижтимоий тизимлар, ижтимоий нормалар ва ишонч (networks, norms and trust) сингари элементлари ўз ифодасини топади.

Пулли капиталдан фарқли ўлароқ, «ижтимоий капитал» сарфланишига қараб фақат кўпайиб боради, чунки ўзаро ёрдам ва қўллаб-қувватлаш амалиёти қай даражада жадал кечса, ҳамдўстлик тизими ҳам шу даражада мустаҳкам ва самарали, ўзаро ишонч салмоғи шу даражада катта бўлади. Муаллиф «ижтимоий капитал» фуқаролик жамияти фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитлар яратишини, унинг «асл моҳияти»ни ифодалашини қайд этади.

¹ Каримов И. А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. — Т., 2001. — 110-111-б.

«Ижтимоий капитал» ҳажми одатда икки кўрсаткич: ишонч индекси ва жамоат бирлашмаларида аъзолик билан ўлчанади. Мана шундай ўлчаш жараёнида Патнэм сўнгги чорак асрда Америкада «ижтимоий капитал» қисқарганини аниқлаган. Р. Патнэм олиб борган таҳлиллар натижасига кўра, ҳар хил ихтиёрий уюшмалар аъзоларининг сони сўнгги йигирма-ўттиз йил ичида 25—50 % га қисқарди; норасмий муносабатларга ажратилган вақт (informal socializing and visiting) 1965 йилдан бери тўртдан бирга, жамоат ташкилотларидаги фаолиятга ажратилган вақт эса қарийб ярим барабар қисқарди; ниҳоят, ишонч индекси («Одамларга ишониш мумкинми?» деган саволга ижобий жавоб берганлар фоизи) 1972 йилдан бери учдан бир қисмга камайган.

Ўзбекистонда кўпчилик фуқаролар яхши инсоний муносабатлар ўрнатиш учун бошқа одамнинг қарашларини тушуниб етиш зарур, деб ҳисоблайдилар. Бир қатор фуқаролар дўстлар ва таниш-билишлар ҳаётда муҳим деб эътироф этишса, фуқароларнинг қарийб ярми эса ҳаётда дўстлар ва таниш-билишлар кўплиги «жуда муҳим», деб ҳисоблайди. Аммо фуқароларимизнинг ўз ҳамюртларига бўлган муносабати диққат-эътиборни янада кўпроқ тортади. Кўпгина фуқаролар «одамлар билан муносабатларда жуда эҳтиёт бўлиш керак», деган фикрни билдирганлар. Бинобарин, кўпчилик фуқароларнинг бошқа одамлардаги қарашларни тушунишга ва улар билан муносабатларга киришишга тайёрлиги, одамларга нисбатан ишончни назарда тутмайди. Кўпчилик фуқароларнинг ҳеч бир ижтимоий-сиёсий ташкилотга аъзо эмаслигидан келиб чиқиб (бу республикада бундай ташкилотлар сони ҳатто Россия Федерациясига таққослаганда ҳам жуда камлиги, аҳолининг фаоллиги иқтисодий ва ижтимоий муаммолар туфайли пасайиб бораётганлиги билан изоҳланади), «ижтимоий капитал» ҳажми (Р. Патнэм таъбири билан айтганда) унча катта эмас, деб хулоса чиқариш мумкин.

Ўзбек халқи демократияни авваламбор норматив қадрият сифатида ижобий идрок этади. Тўғри, ҳали бизда демократия — институтлар, қоидалар ва процедуралар мажмуи сифатида — тўла англаб етилмаган. Мустабид тузум ҳукм сурган 80—90-йиллардаги «демократик ислохотлар» (қайта қуриш ва Горбачёв давридаги бошқа жараёнлар)нинг оқибатлари жамиятда ножиписликни вужудга келтирди.

Мамлакатнинг кўпчилик аҳолиси ҳозирги кунда ижтимоий барқарорлик, тартиб ва фаровонликнинг ортиши учун демократияни «қурбон» қилишга, тўб демократия институтларидан воз кечишга рози эмас. Рамзлар даражасида бўлса-да, демократик қадриятлар эътироф этилишининг ўзи ҳақиқий демократик давлат барпо этиш йўлидаги ижобий жиҳатлардан биридир.

IX боб. ҲОЗИРГИ ЗАМОНДА ЎЗБЕКИСТОН ЖАМИЯТИНИНГ СИЁСИЙ ОНГИ ВА МЕНТАЛИТЕТИ

9.1. Жамиятда сиёсий онгнинг роли ва уни юксалтириш муаммолари

Жамият, ижтимоий гуруҳлар ва алоҳида фуқароларнинг ҳаётида сиёсий маданият ва онгнинг роли масаласи «сиёсий маданият назарияси» фани олдида турган асосий муаммолардан биридир. Сиёсий онг ижтимоий онгнинг барча шакллари орасида алоҳида ўрин тутати. Чунки унда ижтимоий табақалар ва гуруҳларнинг иқтисодий манфаатлари ўзининг мужассам ҳолдаги аксини топади. У ҳокимият учун курашга ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига жиддий таъсир кўрсатади. Жамиятда сиёсий онг етакчи ўрин тутати, у иқтисодий базисга яқин бўлиб, субъектларнинг моддий ва сиёсий манфаатларини ифода этади. Матлумки, иқтисод сиёсатга нисбатан бирламчидир, аммо сиёсат ҳам иқтисодга, унинг вазифаларини фаол ҳал қилишга таъсир кўрсата олади. Зеро, сиёсат иқтисоднинг мужассам ифодасидир. Шунинг учун ҳам сиёсий онг ижтимоий онг тизимида алоҳида мавқега эга.

Сиёсий онг ижтимоий ҳаётда бирлаштирувчи аҳамиятга эга, чунки у ижтимоий онгнинг қолган барча шаклларида сингиб кетган. Табиийки, бу жуда масъулиятли мавқедир, зотан сиёсий онгга ҳам четдан дин, ҳуқуқ ёки фан таъсир кўрсатиши мумкин, аммо аксарият ҳолларда сиёсий онгнинг етакчилик таъсири сақланиб қолади.

Сиёсий онг жамият ҳаётининг муҳим соҳаси сифатида табақалар, давлат ва сиёсатнинг пайдо бўлиши, яъни жамиятнинг сиёсий тизими вужудга келиши билан бир вақтда шаклланади. Унда ижтимоий табақалар ва гуруҳларнинг ўзаро муносабатлари, давлат ҳокимияти тизимида уларнинг ўрни ва аҳамияти, шунингдек миллатлар ва давлатлар ўртасидаги муносабатлар ўз ифодасини топади. Жамиятнинг иқтисодий муносабатлари юқорида зикр этилган алоқалар бирлигининг негизи ҳисобланади.

Сиёсий онг жамиятда башорат қилиш, баҳолаш, тартибга солиш ва билиш функцияларини бажаради. У барча ижтимоий табақаларнинг давлат ва ҳукуматга муносабатлари соҳасини, турли субъектлар ўртасидаги ўзаро алоқалар соҳасини қамраб олади. Воқеликка берилган сиёсий баҳо баҳолаш субъектининг ушбу жамиятдаги мавқеига боғлиқдир. Сиёсий манфаатлар давлат ҳокимияти учун курашда тўқнашади. Шундай пайтда давлат ҳокимиятининг тузилиши сиёсий тафаккурнинг асосий муаммосига айланади. Давлат учун сиёсий кураш парламент мунозаралари ва

иқтисодий талаблар қўйиш, ижтимоий муаммоларни муҳокама қилиш, давлат тўнтаришлари ҳамда ижтимоий инқилоблар каби ҳар хил шаклларда юз бериши мумкин.

Сиёсий манфаатлар объектив бўлиб, пировард натижада ҳар бир инсонга тааллуқлидир. Жамият ҳаёти ижтимоий зиддиятларни ўз ичига олган ҳамда ижтимоий фаол бирлашмалар ва ижтимоий тўқнашувларнинг негизини ташкил этадиган сиёсий манфаатлардан иборат. Кураш жараёнида сиёсий мунозаралар соҳасига ижтимоий онгнинг дин, фан, фалсафа, ҳуқуқ, санъат каби шакллари ҳам тортилади. Шундай қилиб, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётигина эмас, балки маънавий ҳаёти ҳам сиёсий манфаатларга боғлиқдир.

Сиёсий онгнинг қуйидаги даражалари фарқланади:

- оддий-амалий;
- ғоявий-назарий.

Оддий-амалий сиёсий онг одамларнинг ҳаёт фаолиятида, уларнинг тажрибаси асосида ўз-ўзидан вужудга келади. Эмоционал ва рационал жиҳатлар, тажриба ва анъаналар, кайфият ва стереотиплар бунда чамбарчас бирикиб кетади. Мазкур онг беқарордир, чунки у муайян турмуш шароитларига, эмоцияларга ва ўзгарувчи тажрибага боғлиқ бўлади. Шу билан бир вақтда, у кўп жиҳатдан статикдир, зеро стереотиплар тафаккурнинг мослашувчанлигига ҳалақит беради. Бундай онгда келгусини башорат қилиш қобилияти ва назарий умумлаштиришлар мавжуд эмас. Оддий онг объектив иқтисодий воқеликка бевосита боғлиқ бўлганлиги туфайли, унда табақа назарий сиёсий мафкурасининг негизи мавжуд. Оддий онг фақат янглиш қарашлар ва хомхаёллардан иборат деб ўйламаслик керак. Оддий онг стихияли равишда вужудга келишига қарамай, унда қарашларнинг реаллиги, соғлом фикр ва халқ донишмандлигининг вақт синовидан ўтган аксиомалари қадрланади. Айни вақтда, оддий онг зиддиятлидир. Бир томондан, унда соғлом фикр мавжуд бўлса, иккинчи томондан, унинг хулосалари доим ҳам адолатли бўлавермайди, чунки унинг имкониятлари муайян даражада чекланган.

Жамиятнинг барча аъзолари оддий онгнинг соҳиблари, ифодачилариридирлар. Оддий сиёсий онг оманинг сиёсий кайфиятларида акс этиб, кенг қамровга эгадир. Жамият психологияси — оддий сиёсий онгни ифодалаш усули. У эҳтиёжлар, манфаатлар, қадриятлар, анъаналар, урф-одатлар, эмоциялар, ҳис-туйғулар, кайфият, тақлид қилиш, таъсир кўрсатиш сингари қисмларни ўз ичига олади. Оддий сиёсий онг кундалик амалий ҳаётда синовдан ўтади. Унда субъектларнинг давлат ҳокимиятига муносабати ўз аксини топган. Шунингдек, у субъектлар иқтисодий ва ижтимоий турмушининг даражаси билан боғлиқ.

Ўзбекистон фуқароларининг оддий сиёсий онги юқорида санаб ўтилган асосий хусусиятларни ўзига сингдирган. Аммо бу ўрин ўзбек халқининг тарихий илдизлари ва менталитетини ҳам эътиборга олиш керак.

Зотан у мулоҳазасизликни ёқтирмайди, шунинг учун ҳам унда стихиялиликнинг фоизи (стихияли қарорлар қабул қилиш, хулосалар чиқариш, беқарорлик келтириб чиқариш ва шу кабилар назарда тутилмоқда) жуда кам. Бундан ташқари, соғлом фикрлаш, катталар маслаҳатига қулоқ солиш ўзбек халқига хос хусусиятдир. Азалдан жамиятимизда катталар фикрига ҳамиша ҳурмат билан қараб келинган. Бизда ўз маслаҳатлари билан йўл кўрсатадиган донишманд қарияларни ҳурмат билан «оқсоқол» дейишлари бежиз эмас. Қадимда кўпгина хонлар, беклар донишманд қарияларни ўзларига вазир, маслаҳатчи қилиб тайинлаганлар. Ҳозир ҳам бизда кўпчилик бирор қарор қабул қилишдан олдин катталар билан маслаҳатлашади, ота-оналар, ёши улуглар фикрига қулоқ солади.

Оддий сиёсий онг шу билан қадрлики, у ҳаётни яхлит тушунади ва ижодий қайта ишлаш натижасида назарий сиёсий онг учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ғоявий-назарий сиёсий онг (мафкура) сиёсий воқеликни тўлиқ ва теран акс эттириши, қарашларни башорат қилиш ва тизимга солишга қодирлиги билан ажралиб туради. Унинг вазифаси иқтисодий ва сиёсий амалиётга таяниб, оқилона сиёсий дастур ишлаб чиқишдан иборат. Сиёсий мафкура — сиёсий воқеликни муайян ижтимоий гуруҳ, табақа, синф, миллатнинг манфаат ва эҳтиёжлари нуқтаи назаридан идрок этишга оид ғоялар, тасаввурлар, қарашлар, назарий фикр (хулосалар)нинг умумлаштирилган тизимидир.

Сиёсий мафкура қуйидаги функцияларни бажаради:

- оммавий сиёсий онгга таъсир ўтказиш ва унинг сиёсий ҳаётда мўлжал олиши учун зарур бўлган мезон ва андозалар тизимини шакллантириш;
- ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва гуруҳларнинг манфаатларини эътиборга олиб, уларнинг ҳаракат дастурлари асосларини шакллантириш;
- мафкурада таклиф этилаётган сиёсий йўлнинг мазмуни акс эттирувчи ижобий образни шакллантириш;
- фуқаролар кенг оммасининг сиёсий хулқ-атворини асослаб (мотивация қилиб) бериш¹.

Мафкура ижтимоий онгга фаол таъсир кўрсатишга ҳаракат қилади. Ижтимоий табақа ёки гуруҳнинг муайян сиёсий қарашлари ва манфаатлари назарий сиёсий онгда (жамиятнинг ҳозирги фаолиятига ва уни истиқболда ривожлантиришга йўналтирилган анча изчил ва асосли назарияда) ифодаланиши керак.

Жоҳил мафкура жамият тараққиётини тўхтатиб қўйиши мумкин бўлгани сингари, тараққийпарвар мафкура жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиётини жадаллаштириши мумкин. Бунда мафкуранинг жамиятдаги аҳамиятига ортиқча баҳо бермаслик керак, яъни сиёсий мафкура иқтисоддан олдинда бориши мумкин эмас.

¹ Қаранг: Ирхин Ю. В. Политология. — М., 1996. — С. 251-252.

Ўзбекистон шароитида сиёсий мафкура жамиятда шаклланаётган миллий истиқлол мафкурасининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Сиёсий мафкура давлат марказий идоралари, сиёсий партиялар, нуфузли ижтимоий-сиёсий ташкилотлар томонидан ёки улар иштирокида шакллантирилади. Миллий истиқлол мафкураси турли сиёсий партия ва ижтимоий гуруҳлар мафкурасидан устун турадиган ижтимоий ҳодисалардир. Бу мафкура бирон-бир дунёқарашни мутлақлаштирмайди ёки мавжуд сиёсий ҳокимиятни мустаҳкамлаш мақсадида уни сиёсий қуролга айлантирилмайди. Миллий истиқлол мафкураси, мазмун-моҳиятига қўра, Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий тараққиётига хизмат қилади. Барча сиёсий партиялар, гуруҳ ва қатламлар бутун халқимизнинг қуйидаги умумий манфаатларини ифодалайди:

- мамлакатнинг мустақиллиги, ҳудудий яхлитлиги, сарҳадлар дахлсизлиги;
- юрт тинчлиги, давлатнинг ҳарбий, иқтисодий, ғоявий, экологик, информацион таҳдидлардан муҳофаза этилиши;
- мамлакатда фуқаролараро ва миллатлараро тотувлик, ижтимоий барқарорлик муҳитини таъминлаш;
- ҳар бир оила ва бутун халқнинг фаровонлиги;
- жамиятда адолат устуворлиги, демократия, ўзини ўзи бошқариш принципларининг амал қилиши.

Миллий истиқлол мафкураси қуйидаги асосий вазифаларни бажаради:

- мустақил дунёқараш ва эркин тафаккурни шакллантириш;
- ҳур фикрли, мутелик ва журъатсизликдан холи бўлган, ўз билими ва кучига ишониб яшайдиган инсонни тарбиялаш;
- одамларимиз, айниқса, ёшларимизнинг иродасини бақувват қилиш, иймон-эътиқодини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган маънавий муҳит яратиш;
- ватандошларимиз тафаккурида ўзликни англаш, тарихий хотирага садоқат, муқаддас қадриятларимизни асраб-авайлаш, ватанпарварлик туйғусини камол топтириш;
- халқимизга хос бўлган иймон-эътиқод, инсоф-диёнат, саховат, ҳалоллик, меҳр-оқибат, шарму ҳаё каби фазилатларни янада юксалтириш;

- мамлакатимизнинг кўп миллатли халқи онги ва қалбида «Ўзбекистон — ягона Ватан» деган тушунчани шакллантириш ва ривожлантириш¹.

Мафкурани жамиятнинг барча аъзолари эмас, балки ўз ҳаётини сиёсий ижодга бағишлаган ва жамият ҳаётининг қонунларини тушуниб етиш билан шуғулланувчи мутахассислар (мафкурачилар) ишлаб чиқади. Бунда назарий сиёсий онгни ишлаб чиқишга муаллифларнинг шахсий ҳислатлари ҳам катта таъсир кўрсатишини қайд этиб ўтиш керак.

¹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. — Т., 2001. — 45–46-б.

Сиёсий мафкура умуман ижтимоий онга катта таъсир кўрсатиши мумкин, чунки у фақат қарашлар тизимигина бўлмай, балки давлат кучига, тарғибот тизимига ҳам эгадир. Бунда у фан, ҳуқуқ, санъат, дин, барча оммавий ахборот воситалари (телевидение, радио, газета ва журналлар, Интернет)дан фойдаланади. Аммо демократия ва ошкора-лик тараққий этган ҳозирги замон шароитида ҳукмрон мафкуранинг чексиз ва назоратсиз таъсири камаяди.

Назарий сиёсий онг сиёсатни акс эттириш усули бўлиб, қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

- 1) сиёсий ҳаёт ҳақидаги илмий билимлар тизими, яъни сиёсий назариялар;
- 2) реал сиёсий амалиётга асосланган сиёсий ривожланиш концепциялари;
- 3) янги сиёсий назарияларнинг негизи бўлган сиёсий ғоялар;
- 4) муайян сиёсий дастурлар.

Назарий сиёсий онг, гарчи бу алоқа мураккаб ва зиддиятли хусусиятга эга бўлса-да, ижтимоий борлиққа таянади. Онг ижтимоий амалиётга таъсир кўрсатади, уни ривожлантиради ва сиёсий қарашларнинг тўғрилигини синовдан ўтказди. Сиёсий амалиёт мафкура асослилигининг мезонидир. Сиёсий онг сиёсий амалиётда эришилган мавқени мустаҳкамлайди ва такомиллаштиради. Жамиятга сиёсий амалиёт таъсири-нинг самарадорлиги назарий сиёсий онг ривожланиш даражасининг кўрсаткичи ҳисобланади.

Республикада «Ижтимоий фикр» жамғармаси ҳамда бошқа мустақил экспертлар ва гуруҳлар ўтказган кўп сонли тадқиқотларнинг натижалари фуқаролар ва умуман жамият онгининг хусусиятига доир анча кенг тарқалган бир қатор стереотипларни инкор этади:

- фуқаролар онги ва қадриятларнинг патерналистик хусусияти билан бозор ҳўжалиги ғоялари ўртасида фарқ мавжудлиги;
- ижтимоий табақаланиш муаммоларига текисчилик принципи асосида ёндашувнинг ҳали ҳам сақланиб қолаётганлиги;
- миллий ўзига хосликни ифодаловчи қадриятларнинг этибордан четда қолаётганлиги, баъзи ахлоқий қусурларнинг ҳали тўлиқ бартараф этилмаганлиги.

Ҳозирги кунда жамиятда қадриятларнинг икки асосий типи мавжуд: тенглаштирувчи хусусиятга эга бўлган қарашларга асосланган қадриятлар ва негизда тенг имкониятлар жамиятига хос хусусиятлар ва шу ғояларга мос қадриятлар. Умуман олганда, биринчи типга мансуб қадриятлар иккинчи тип қадриятларига қараганда анча кам тарқалган. Кўпчилик фуқаролар шахсий ҳаёт қадриятларини ва ўз қобилиятларини рўёбга чиқариш имкониятини биринчи ўринга қўядилар.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ижтимоий ҳаёт жадал ривожланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг раҳбарлигида ҳукумат амал-

га ошираётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни аҳолига тушунтириш учун кенг қўламдаги тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Шунинг учун ҳам назарий сиёсий онг оддий сиёсий онгдан олдинда бўлишга ёки, ҳеч бўлмаса, ундан ортида қолмасликка ҳаракат қилиши муҳимдир. Зотан, шаклланиб бўлган оддий сиёсий онг йўналишини ўзгартириш катта меҳнат талаб этади. Бинобарин, мафкурачилар ва оммавий ахборот воситалари одамларнинг оммавий онгини тўғри йўлга солиши, у ёки бу сиёсий жараёнларни, ҳукумат томонидан қабул қилинаётган ички ва ташқи сиёсий қарорларни, ташқи сиёсатдаги у ёки бу масалага нисбатан Ўзбекистоннинг позициясини тўғри ёритиши керак, чунки сиёсий фаолиятда халқнинг қўллаб-қувватлаши асосий омилдир. Айнан халқ ишончи ва қўллаб-қувватлаши давлат сиёсати муваффақиятининг, сиёсий мафкура самарадорлигининг муҳим гаровидир.

9.2. Ўзбекистон жамиятидаги сиёсий менталитетнинг хусусиятлари

Ҳозирги кунда сиёсий менталитетнинг ҳар хил таърифлари мавжуд. Мана, уларнинг айримлари:

сиёсий менталитет — маълум ижтимоий табақага хос тасаввурлар, фикрлаш тарзи ва эътиқодлар мажмуи;

сиёсий менталитет — ҳам алоҳида ижтимоий табақа ҳам унинг субъектлари даражасида мавжуд воқеликнинг фаол идрок этилишини назарда тутадиган қарашлар мажмуи;

сиёсий менталитет — ҳокимият муносабатлари жамоа онгида акс этишининг ўзига хос маҳсули.

Сиёсий менталитет сиёсий онгга яқин туради. Н. П. Поливаеванинг фикрича, «сиёсий онг — фақат илмий-назарий билимлар эмас, кундалик ҳаётни англаб етиш жараёнида шаклланган тасаввурлар ҳамдир»¹.

Сиёсий менталитет тажриба ва кундалик ҳаёт билан бевосита боғлиқ бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

1) сиёсий воқелик ҳақидаги тасаввурлар;

2) онгли ва онг таъсирисиз шаклланган сиёсий қарашлар. Улар ҳокимият, сиёсий партиялар ва уларнинг пешқадамлари ҳаракатларининг мақсад ва воситаларига нисбатан одамларнинг эътиқодлари билан боғлиқ. Бундай эътиқодларга асосланиб одамлар сиёсий йўлни қўллаб-қувватлаш ёки бетараф қолиш, сайловда иштирок этиш ёки иштирок этмаслик, маълум партия ёки номзодни қўллаб-қувватлаш ҳақида қарорга келадилар.

¹ Қаранг: *Поливаева Н. П.* Политическое сознание россиян в 90-е годы: состояние и некоторые тенденции развития // Вестник Моск. ун-та. Сер. 12. Политические науки. — 1997. — №5.

Сиёсий қарашларнинг қуйидаги турларини ажратиш мумкин:

— мафкуравий (маълум қарашлар тизимига йўналтирилган);

— партиявий (сиёсат майдонидаги маълум позицияга йўналтирилган);

— шахсий (маълум сиёсий хулқ-атвор намуналарини ўзида мужасамлантирган пешқадам раҳбарларга йўналтирилган);

3) сиёсий вазиятга алоҳида йўсинда муносабат билдиришга стихияли мойиллик¹.

Ўзбекистонда ҳар хил ижтимоий табақалар ўз сиёсий менталитетига эга. Аммо жамиятимизнинг катта қисмига кундалик даражада хос бўлган баъзи бир асосий тасаввурлар, қадриятлар ва қарашлар ҳам мавжуд.

Ўзбекистон жамиятининг сиёсий менталитетида давлат ҳокимиятининг образи етакчилик қилади. Агар Фарбда ҳокимиятнинг асосий метафораси «битим» бўлса ва жамият маълум шартларда ҳокимиятга битимда келишилган функцияларни бажаришни топширса, Ўзбекистон давлат ҳокимиятининг асосий метафораси «оила»дир. Халқ ҳокимиятга маълум функцияларни бажаришдан ҳам кўра кўпроқ ўз тақдирини ишониб топширади. Бу муносабат давлат ҳокимияти томонидан ҳомийликнинг «назорат», «ғамхўрлик» ва «йўл-йўриқ кўрсатиш» сингари элементларини ўз ичига олади. Мана шу негизда *патернализм Ўзбекистон жамиятининг сиёсий менталитетида асосий қадрият сифатида шаклланди.*

Давлатнинг ҳомийлигига «неъмат» деб ва ҳокимиятнинг жамият (халқ) олдидаги мажбурияти деб қаралади. Шу билан бир вақтда, патернализм жамиятда боқимандалик кайфиятларини уйғотиб ва аҳолини пассив кутишга ўргатиб, хусусий шахсларнинг эркин ғайратини сусайтиради. Бу бизга собиқ совет тузумидан ўтган салбий мерослардан биридир. Бизнинг менталитетимиз — авваламбор, яккабошчилик асосидаги кучли, адолатли ва маънавий ҳокимиятга давлат ҳокимиятининг идеали деб қараш. Ҳокимиятнинг бу «образ»и ҳамиша жамоавий демократизм билан уйғунлашувчи мўътадил идеалга йўналтирилган. Шунинг учун ҳам сиёсий менталитетда нуфузли одамга нисбатан икки хил муносабат вужудга келган. Бир томондан, нуфузли одамга қаттиқ ишониб ва ундан «мўъжиза» кутилса, уни ҳурматлашга ҳамиша тайёр турилса, иккинчи томондан, нуфузли одам ўзи «умум иши»га, миллий давлат гоёсига хизмат қилиши керак, деган қараш ҳукм суради.

Давлат ҳокимиятининг нуфузли эътирофи, унга куч ва ҳукмронлик тилсоли деб қараш Ўзбекистон жамиятининг сиёсий менталитетига хосдир. Давлат ҳокимиятини бундай идеаллаштириш этатизмни — ғарбий маънода эмас, балки шарқий маънода — вужудга келтиради. Этатизм давлатга ғайритабиий хоссаларга эга тузилма деб қарашга, уни ҳаётий воқеликнинг асоси ва негизи деб идрок этишга асосланади.

¹ Батафсил маълумот учун қаранг: *Мелешикина Е. Ю.* Политические установки // Политическая социология и современная российская политика. — СПб., 2000.

Ўзбекистон сиёсий менталитетида давлат катта оилага тенглаштирилади. Умумхалқ бирдамлигини маънавий қардошлик деб тушуниш ва айрим ҳуқуқ нормаларини маънавий қадриятлар билан алмаштиришга интилиш шундан келиб чиқади. Бу нуқтаи назардан, давлат ва шахс муносабатлари Ўзбекистонда, айтилиқ, Фарб мамлакатларидан фарқли ўлароқ, фуқаролар ва давлат ҳокимиятининг ўзаро битимидан ҳам кўра кўпроқ давлатнинг ҳал қилувчи мавқеи ва фуқароларнинг уни қўллаб-қувватлаши билан боғлиқ.

Ўзбекистон сиёсий менталитетида давлат ҳокимияти қонунга тенглаштирилади. Давлатнинг қонун билан айнанлаштирилиши, бир томондан, ҳуқуқий нигилизмга йўл қўйса, иккинчи томондан, фуқароларнинг тартибни сақлашга мойиллигини кучайтиради. Бу ўринда биз маълум «зиддият»га тўқнаш келамиз: бир томондан, ҳуқуқий давлат тамойилларининг ўз-ўзидан эътироф этилиши кузатилса, иккинчи томондан, фуқароларнинг қонунларга итоаткорлигини таъминлашда мураккабликлар кузатилади.

Фуқароларнинг қонун ва давлатга муносабати, ижтимоий адолат ҳамда ўз шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини тушуниши мана шундан далолат беради. Ўтказилган тадқиқотларга қараганда, аҳолининг учдан икки қисми умумий қоидалар зарурлигини тушунган ҳолда, «башарти бу қонунларга ҳокимият органларининг вакиллари ҳам риоя қилса, ҳатто эскирган қонунларга риоя қилишга ҳам тайёрдир»; фуқароларнинг ярмидан ортиги «қонунга риоя қилиш-қилмаслик муҳим эмас, муҳими — бу адолатдан бўлса, бас», деган фикрга қўшилади. Аҳолининг ярмига яқини «қонун устувор бўлиши керак» деб ҳисоблайди¹.

Бу маълумотлар фуқароларнинг бир қисми давлатчиликнинг ҳуқуқий эмас, балки патерналистик шаклига яширинча мойиллигини кўрсатади.

Ўзбекистон фуқароларининг ярмидан кўпи фуқаролик ҳуқуқий онгига, қарийб учдан бир қисми — этатистик ҳуқуқий онгга, бешдан бир қисми — «юридик» ҳуқуқий онгга эга деб ҳулоса қилиш мумкин.

Ҳуқуқий онг, аслида, жамиятда мавжуд ҳуқуққа берилган баҳо бўлиб, у амалдаги ҳуқуққа танқидий муносабатни акс эттиради ҳамда ҳуқуқ соҳасига, ундаги ўзгаришларга нисбатан маълум умидлар ва истакларни ифода этади, нимани қонуний ва нимани ғайриқонуний деб ҳисоблаш мумкинлигини аниқлайди. Бу, шунингдек, ижтимоий онг ҳолатининг янги босқичи ҳамдир.

Фуқаролик ҳуқуқий онгига ҳуқуқий нигилизм таъсирида ҳуқуқий давлат принципларини расмий тан олиш хосдир. Ҳуқуқий нигилизм, биринчидан, ҳуқуқий онгнинг маълум салбий таърифи бўлиб, у ҳуқуқни менсимаслик ва унга итоат этмаслик муносабатида бўлади. Иккинчи-

¹ Қаранг: Иванов В. Н., Назаров М. М. Политическая ментальность: опыт и перспективы исследования // Социально-политический журнал. — 1998. — №2.

дан, ҳуқуқий нигилизм ва унинг антиподи бўлмиш қонунийлик фақат жамиятнинг маънавий ҳаёт, ҳуқуқий онг соҳасигина эмас, балки жамиятдаги реал аҳволга берилган таъриф ҳамдир. Ҳуқуқий нигилизмнинг сабаблари ҳар хил: у ёки бу қонунларга нисбатан асосли қаршиликлардан тортиб умуман ҳуқуқни кераксиз ижтимоий институт сифатида қабул қилмасликкача. Ҳуқуқий нигилизмга ва ҳуқуқий онгдаги бошқа тубанликларга мураккаб ижтимоий ҳодиса бўлган сиёсий ва ҳуқуқий маданият қаршилик кўрсатади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда аҳолининг сиёсий фаоллиги, сиёсий ва ҳуқуқий онги ҳамда тегишли маданияти даражасини юксалтиришга йўналтирилган саъй-ҳаракатлар амалга оширилди ва бу борада собитқадамлик намоиш этилмоқда. Республика Президенти Ислам Каримов 1997 йил 20 майда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар раҳбарлари, юридик олий ўқув юртларининг ректорлари ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари билан учрашув ўтказиб, аҳолини сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан фаоллаштириш, маданиятни кўтариш масаласини ўртага қўйди. Шундан келиб чиқиб, Президент 1997 йил 25 июнда «ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш тўғрисида» фармон чиқарди. Бу долзарб масала юзасидан 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури»ни қабул қилди. Мазкур дастурий ҳужжатларни ҳаётга жорий этишга қаратилган ҳукумат қарорлари қабул қилиниши жамият ҳаётида сиёсий ва ҳуқуқий маданиятни юқори даражага кўтаришга хизмат қилди.

Этатистик ҳуқуқий онгли шахсларда патернализмга интилиш, нафақат ҳаётий муҳим масалаларни, балки шахсий муаммоларни ҳал қилишда ҳам давлатдан ёрдам кутишга мойиллик кучли бўлади. Улар ўз тақдирлари учун масъулиятни ҳамиша давлат зиммасига юклайдилар. Этатистик ҳуқуқий онг ҳуқуқ ҳақидаги анъанавий тасаввурга асосланади. Бу тасаввурга кўра, ҳуқуқ давлат иродасининг маҳсули, давлат ҳокимиятининг кўрсатмасидир. Бундай ҳуқуқий онгни давлат ижро этиш мажбурий бўлган кўрсатма сифатида чиқарган ҳар қандай қонун эътироф этади.

«Юридик» ҳуқуқий онг фақат мавжуд ҳуқуқ тизими доирасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятини тан олади. Шунинг учун ҳам у ҳуқуқий ва ноҳуқуқий қонунларни тафовут этади. «Юридик» ҳуқуқий онгли шахсларга ўз муаммоларини ҳал қилишда энг аввало ўз кучига таяниш, ўз тақдирини киши ўзи ҳал қилиши керак, деган эътиқод, ижтимоий табақаланишга хотиржам муносабат ва ҳар хил табақаларга, умуман олганда, ижобий муносабат хосдир. Ижтимоий адолатни улар «имкониятлар тенглиги» деб талқин қиладилар. Бу нуқтаи назардан, уларнинг ҳуқуқий

онги Фарбадаги ҳуқуқий онгга яқин. Улар орасида демократлар, радикал бозор ислохотларининг тарафдорлари кўпчиликини ташкил этади.

Ўзбекистон жамиятининг сиёсий менталитетида мустақкам тартиб асосий қадрият ҳисобланади. Бу кўпчилик фуқаролар нимани қандай қилиш кераклиги ҳақида муайян кўрсатмалар мавжуд бўлган мўътадил шароитларда ўзларини қулай ҳис қилишлари билан боғлиқ. «Қонун билан тақиқланмаган ҳамма нарсага рухсат этилади» деган ноаниқ вазиятга жамият ҳали тайёр эмас, шу боис унга «тартибсизлик» деб қарайди. Бу ҳамма нарсада «тартиб» ўрнатган, фуқаролик жамияти институтлари инкор этиб келган мустабид шўролар тузумининг натижасидир. Шунинг учун ҳам фуқароларда фуқаролик маданияти, фуқаролик фаоллиги ва оммавий маданият сифатлари шаклланиши учун муайян вақт керак.

Ўзбекистон сиёсий менталитетида «тартиб» деганда, ҳануз қандай яшаиш кераклиги ҳақидаги ижтимоий кўрсатмалар тушунилиши юқорида кўрсатилган ҳолатлар билан изоҳланади. Ижтимоий кўрсатмалар ёки нормалар ҳар қандай жамиятда бўлади, аммо собиқ Иттифоқда улар ялпи ва универсал хусусиятга эга эди. Бу кўрсатмаларга сиёсий маъно ҳам юкланарди: у ёки бу ҳаётий фаолият усулига йўриқномалар, стандартлар, қонунлар ва бошқалар «юқоридан» рухсат этилиши керак эди. Ижтимоий-сиёсий кўрсатмалар инсон ҳаётининг барча соҳаларига тааллуқли эди. Кўрсатмалар қанча кўп, уларнинг амал қилиш доираси қанча кенг бўлса, улар ҳар бир кишини қанча кўп чекласа, унда танлаш эркинлиги қанча кам бўлса — жамиятда тартиб шунча кўп бўлади, деган қараш ҳукм суради. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон сиёсий менталитетида ижтимоий тартиб вазифаси барча ижтимоий муносабатларни «тартибга келтириш»дан иборат бўлган давлат билан узвий боғланади. Давлат ҳар хил қонунлар ва йўриқномаларни қанча кўп чиқарса, қарорлар қабул қилса, улар шахс ва жамият ҳаётининг барча томонларини қанча муфассал тартибга солса, фуқароларга тартиб шунча қаттиқ ва ишончли бўлиб туюлади. Аммо бу сифатлар ҳаммага эмас, балки фуқароларнинг маълум қисмигагина хос.

Кўпчилик фуқаролар ҳозирги кунда фаол фуқаролик позицияларини эгаллаганлар ёки эгаллашга ҳаракат қилмоқдалар. Давлатнинг фуқаролик жамияти билан нисбати, бажарадиган ижтимоий вазифаси ва функциялари кўлами, давлатнинг жамиятнинг ижтимоий хизматкори бўлишдек асосий мақоми тобора теран англаб етилмоқда. Фуқаролик жамияти ва ижтимоий фикр давлат ҳокимияти устидан кенг қамровли назорат ўрнатилишини таъминловчи механизмларни вужудга келтириш борасида фаол иш олиб борилмоқда. Шунинг аниқ тасаввур этиш лозимки, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат эртага барпо этилиб қоладиган воқеликлар эмас. Бу демократик ислохотлар воситасида сабот ва собитқадамлик билан вужудга келтириладиган ижтимоий макондир. Бунинг учун муайян вақт ва тарихий даврнинг зарурлиги табиий қонуниятдир.

9.3. Сиёсий қарашлар — сиёсий онгни баҳолаш омили

Сиёсий қарашлар шахс афзал кўрган нарсаларни у ўзлаштирган қадриятлар тизими нуқтаи назаридан асослайди. Шахснинг руҳий ва қадриятларга асосланган ички этиқоди оқилона қарашлар орқали ўзаро боғланади, уларнинг барчаси биргаликда шахснинг сиёсатга муносабатидаги ҳар хил томонларни ташкил этади. Умуман, сиёсатга эҳтиросли муносабатсиз сиёсий этиқодларнинг шаклланиши мумкин эмас, чунки одамлар сиёсатга нима учун бефарқ эканликлари ҳақида ўйламайдилар. Оқилона муносабатсиз одамлар ўз сиёсий ҳаракатларини тўғри режалаштириб, муваффақиятга эриша олмайдилар. Қадриятларга асосланган муносабатларсиз уларнинг ҳаёти учун энг муҳим нарса нуқтаи назаридан қилинган ишнинг аҳамиятини аниқлаш мумкин эмас. А. Г. Здравомислов ва В. А. Ядовнинг фикрича, «қадриятларга асосланган қарашлар шахс тузилишининг муҳим элементи, уларда шахснинг индивидуал ривожланиши жараёнида тўпланган бутун ҳаётий тажриба ўзининг ихчам ифодасини топади. Бу шахс тузилишининг шундай бир элементи, у онгнинг ўзагини ташкил этади, бу ўзак атрофида шахснинг барча фикрлари ва сезилари жамланади ҳамда кўпгина ҳаётий масалалар ҳал қилинади»¹.

Сиёсий қарашлар одамлар сиёсий онгининг бош элементлари бўлиб, уларнинг сиёсий фаолиятга тайёрлигини шакллантиради. Илмий адабиётда одатда ижтимоий қарашларнинг аффектив (эмоционал), когнитив (билишга асосланган) ва конатив (хулқ-атворга асосланган) элементлари тафовут этилади. Илгари тақлиф қилинган ижтимоий қарашлар концепциясига асосан, хулқ-атвор жиҳати уларнинг таснифланиши доирасидан ташқарига чиқарилади, зотан қарашларга ҳаракатнинг ўзида доим ҳам амалга ошавермайдиган муносабат деб баҳоланади. Хулқ-атвор акти кўпгина қарашларнинг мумкин бўлган, аммо мажбурий ҳисобланмаган қисмидир. Қарашлар ва одамларнинг реал хулқ-атвори ўртасидаги бу тафовут ижтимоий шароитнинг зиддиятли таъсири билангина эмас, шахснинг ҳаёти давомида ўзлаштириладиган ва ўзгариб борадиган қарашлар тизимининг зиддиятли хусусияти билан ҳам изоҳланади.

Ўзбекистон фуқароларининг сиёсий қарашларини тегишли тарзда идрок этиш ва англаб етиш учун турли мамлакатлар аҳолисининг сиёсий қарашларини кўриб чиқамиз. С. Липсета алоҳида давлат институтларига нисбатан америкаликларнинг ишончсизлиги кучайиб бораётганига қарамай, уларнинг мутлақ кўпчилиги умуман АҚШ сиёсий тизимининг имкониятларини анча ижобий баҳолашини қайд этади. Масалан, 1994 йилда сўровдан ўтказилганларнинг 72 % «Америка фуқаролари сифатида улар ҳамиша ўз муаммоларини ҳал қилиш йўллари топа олишлари ва ўзла-

¹ Здравомислов А. Г., Ядов В. А. Отношение к труду и ценностные ориентации личности. — М., 1965. — С. 199.

ри истаган насага эришишлари мумкинлиги»ни кўрсатган, 67 % «ўз моддий аҳволи маълум даражада ёки жиддий яхшиланиши»га умид қилган¹.

Бу маълумотлар Америка фуқароларининг кўпчилиги ўз давлатлари улар учун мақбул тузилишга эга деб ҳисоблашларини кўрсатади, зотан, алоҳида амалдорлар ва, умуман, маъмуриятнинг муқаррар камчиликларига қарамай, у фуқароларнинг шахсий фаровонлиги учун шарт-шароитлар яратади. Давлат фуқароларнинг шахсий ҳаёти муаммоларини ҳал қилишга ёрдам бераётганига улар ўзларининг кундалик тажрибасида ишонч ҳосил қиладилар. Бу ҳол миллий ғурур ва ижтимоий умидворлик туйғуларини келтириб чиқаради.

Барқарор қарашлар негизида одамларнинг сиёсий идентификацияси амалга ошади, уларда давлатга, партияларга ва уларнинг лидерларига муносабат шаклланади. Идентификация одамларни бир вақтнинг ўзида табақалаштиради ва бирлаштиради. Масалан, АҚШ фуқаролари демократлар ва республикачилар партияларининг тарафдорларига деярли тенг бўлинади. Сайловларнинг натижалари шундан далолат беради. Ўз навбатида, иккала партиянинг тарафдорлари орасида собит ва иккиланувчи тарафдорлар мавжуд.

Иккиланувчи тарафдорлар демократлар ёки республикачиларга бу партияларнинг қайси бири, уларнинг фикрича, муайян ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазият шароитларида уларнинг манфаатларини яхшироқ ифода этишига қараб овоз беришлари мумкин².

Хўш, сайловчиларнинг бир партия тарафдорлигидан бошқа партия тарафдорлигига ўтиши қайси омиллар билан боғлиқ? Кўпгина социологларнинг фикрича, бундай партиялараро иккиланишларнинг негизида мамлакат ҳаётининг асосий масалалари юзасидан сайловчилар позициясининг партиялар позициясига мос келиши (ёки яқинлиги) ётади. Мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазият ўзгариши билан сайловчиларнинг позициялари ҳам ўзгаради, аммо партиялар ўз позицияларини ҳар доим ҳам тезда қайта кўриб чиқа олмайдилар, чунки улар ўзларининг либерал ёки консерватор, сўл ёки ўнг қарашлар тарафдори сифатидаги обрўсини сақлашга мажбурдирлар. Универсал партиялар даврига келиб бу классик мавқелар маълум даражада бузилди ва эндиликда ҳар бир партия дастурида ҳар хил мафкураларнинг ақидаларини кўриш мумкин, аммо ўз сиёсий мавқеи доирасида тегишли сиёсий курсни ишлаб чиқиш учун улар асосан маълум этиқод ва қарашлар тизимига таянишларига тўғри келмоқда.

Партия ўз сиёсати ва стратегиясининг ноаниқлиги натижасида нафақат иккиланувчиларни, балки ўзининг қатъий тарафдорларини ҳам йўқотади. Ҳатто универсал партиялар ҳам мамлакат аҳолиси муҳокама

¹ Қаранг: Сравнительная социология. Избранные переводы. — М., 1995. — С. 170.

² Қаранг: Ranney A. Governing. An Introduction to Political Science. — Englewood Cliffs, 1990. — P. 205.

қилаётган масалалар юзасидан бир хил баёнотлар беришларига тўғри келади. Аммо бу баёнотлар бошқа партияларнинг баёнотларидан нима биландир фарқ қилиши керак, акс ҳолда сайловчига қайси номзод учун овоз бериш аҳамиятсиз бўлиб қолади.

У ёки бу партияни танлаш шунчаки эҳтиром-этибор ёки антипатиянинг эмас, балки пухта ўйлаб чиқарилган ҳулосанинг натижасидир. Шунинг учун ҳам партиялар сайловчиларга тушунарли сиёсий ҳаракат дастурларини ишлаб чиқишлари, уларда муайян мамлакат ривожланишининг маълум босқичида унинг сайловчилари учун энг муҳим қадриятларни ҳимоя қилиш стратегиясини аниқ баён этишлари керак.

Америкалик социологлар 60-йилларнинг ўрталаридан бошлаб сайловчилар демократик партия ва республикачилар партияси ҳамда номзодларнинг позициялари ўртасида жиддий фарқ мавжудлигини англаб келаётганлари, бу фарқлар сайловчиларнинг овоз беришида муҳим ўрин тутаётганини қайд этганлар. Харрис хизмати ўтказган кўп йиллик тадқиқотлар АҚШ аҳолиси мафкуравий қарашларининг тузилишини аниқлаш имконини берди. Қуйида Харрис хизмати 1968—1985 йилларда ўтказган умуммиллий сўровларнинг натижалари (200 та сўров бўйича ўртача кўрсаткичлар) келтирилган. «Сиз ўз сиёсий қарашларингизни қандай таърифлайсиз?» деган саволга қуйидаги жавоблар олинган (фоизда):

Сўл	2
Либерал	19
Центристтик	40
Консерватив	36
Ўнг	1 ¹

Бу маълумотлар сўровдан ўтказилганларнинг катта қисми ўз қарашларига «центристик» деб таъриф беришини кўрсатади. 1968—1985 йилларда респондентлар орасида консерваторлар либералларга қараганда кўпроқ бўлган. Бу маълумотлар сайловчиларнинг демократик ва республикачилар партиялари ўртасидаги иккиланишларининг гоёвий негизини тушуниб етишга ёрдам беради. Тўғри, АҚШ аҳолисининг 1968—1986 йиллардаги мафкуравий ва партиявий қарашлари ўзаро мос келмаган: республикачилар (консерваторлар) партиясининг тарафдорлари консерватив сиёсий қарашлар тарафдорларига қараганда кам бўлган, демократик (либерал) партия тарафдорлари эса либерал сиёсий қарашларнинг тарафдорларидан кўп бўлган. Бу номувофиқликни иккала партиянинг сайловчилари орасида «партиялар орасида танловчилар» тахминан 50 % ни ташкил этгани билан изоҳлаш мумкин.

¹ Манба: Баталов Э. В. Политическая культура современного американского общества. — М., 1990. — С. 146.

Европа Иттифоқи мамлакатларида кўлаб сиёсий партиялар фаолият кўрсатади, аммо сайловчилар овозларининг асосий қисми одатда консерваторлар, либераллар ва социал-демократлар ўртасида тақсимланади. Сиёсий танлаш имконияти АҚШдагидан катта эканлигига қарамай, сайловчиларнинг қарийб 40 % маълум партияларнинг изчил тарафдорлари ҳисобланмайди, балки «партиялар орасида танлаш»ни маъқул кўради. Бу одамларнинг сиёсий онги доирасида зиддиятларни келтириб чиқаради, улар қарама-қарши сиёсий курсларни илгари сурувчи партияларни навбатма-навбат танлашга мажбур бўлади. Франциялик сиёсатшунослар ўтказган тадқиқотлар бундай иккиёқламаликнинг сабабларини маълум даражада аниқлаш имконини беради. Жадвалда «Ким қуйидаги қадриятларни ҳимоя қилишга қодир?» деган саволга берилган жавобларнинг натижалари келтирилган.

Сиёсий партиялар қиёфаси Франция аҳолиси тасаввурида
(1981–1986 йилларда ўтказилган миллий сўровлар,
фоиз ҳисобида)¹

Қадрият	1981 й.			1986 й.		
	Сўл-лар	Ўнг-лар	Тенг даражада	Сўл-лар	Ўнг-лар	Тенг даражада
Тенглик	43	12	30	36	16	37
Ижтимоий адолат	46	13	26	41	18	30
Тўлиқ бандлик	43	12	26	22	29	32
	41	17	25	27	29	30
Сиёсий ҳаётда	34	15	31	26	16	39
Эркинликлар	26	30	28	29	27	34
Мулк	14	48	21	11	54	21

¹ Манба: Рабочий класс и современный мир. — 1990. — № 6. — С. 70.

Ушбу маълумотлар таҳлили Франция аҳолиси сўллар ва ўнглар «эркинлик», «тўлиқ бандлик», «турмуш даражаси» сингари қадриятларни ҳимоя қилишга «тенг даражада» қодир деб ҳисоблашини кўрсатади. Сўлларнинг анъанавий қадрияти бўлган «тенглик» бўйича уларни ўнглар ҳамда ўнглар билан сўллар тенг даражада ҳимоя қилишга қодир деб ҳисоблайдиган респондентлар салмоғи ортгани кузатилади. Фақат мулкни ҳимоя қилиш ҳамон ўнглар билан боғланадики, бу табиий бир ҳолдир, зотан сўллар ҳокимият тепасига келганидан кейин хусусий корхоналарнинг маълум сонини национализация қиладилар, ўнглар эса давлат корхоналарининг маълум сонини хусусийлаштирадилар. Қолган қадриятлар бўйича француз сайловчиларининг тасаввурларида иккала типга мансуб партияларнинг фаолият тарзи аста-секин яқинлашиб бораётгани кўринади.

Бундай вазият ГФРда ҳам кузатилмоқда. Немис олими Дарендорф мазкур мамлакатнинг асосий партиялари: Германия Социал-демократик партияси, Христиан-демократлар иттифоқи/Христиан-социалистлар иттифоқи ва Эркин демократик партияларга татбиқан, «сўл» ва «ўнг» тушунчалари ҳозирги кунда анча нисбий бўлиб қолганини қайд этади. Бу партияларнинг ҳар бирида ўнглар ва сўллар деб таснифлаш мумкин бўлган гуруҳлар мавжуд. Дарендорф Фарбий Европа мамлакатлари кенг аҳоли қатламларининг қарашларида жиддий ўзгаришлар содир бўлганини ҳам қайд этади¹. Аҳолининг қарашлари ўзгариши негизида янги хулқ-атвор стереотипи вужудга келдики, унинг мазмунини сиёсий плюрализмдан, бир партиядан иккинчи партияга, либерал ёки социал-демократик сиёсий курсни қўллаб-қувватлашдан консерватив курсни қўллаб-қувватлашга эркин ўтишдан иборат.

Шунга ўхшаш манзара Буюк Британияда ҳам кузатилади. Бу ерда ҳам сайловчилар бир масала юзасидан бирон-бир партияни ёқлаб ва бошқа масала юзасидан унинг позициясини рад этиб, «партиялар орасида танлай бошламоқдалар»².

Оммавий сиёсий онг ўз табиатига кўра ҳар хилдир. Унда одамларнинг сиёсий ҳаётдаги ҳодисаларга муносабатини, сиёсий институтлар ва уларнинг лидерлари фаолиятдан, сиёсатда ўз иштирокидан ва унинг натижаларидан одамларнинг қониққанлиги ёки қониқмаганлигини ифода этувчи бир-бирига зид кайфиятлар ҳукм суради. Ҳокимиятнинг бир хил қарорлари жамиятда ҳар хил мавқега эга бўлган аҳоли табақаларининг қарама-қарши муносабатини: ёқлаш ва қоралаш, қўллаб-қувватлаш ва норозиликни келтириб чиқариши мумкин. Бундай муносабат асосан муайян мамлакатда мавжуд ижтимоий табақаларнинг ўзига хос манфаатлари ва қадриятлари билан белгиланади.

Ўзбекистонда умуман сиёсий тизимга ҳамда алоҳида сиёсий институт-

¹ Қаранг: Актуальные проблемы современной зарубежной политической науки. Вып. 1. — М., 1990. — С. 18.

² Ўша жойда. — 96-б.

лар, уларнинг етакчилари ва қарашларига барқарор муносабат эндигина шаклланиб бормоқда. Бунда Ўзбекистон аҳолисининг сиёсий қарашлари зиддиятли хусусиятга эга эканлигини эътиборга олиш керак. Бу, авваламбор, давлат ҳокимиятига нисбатан муносабатга тааллуқли. Ўзбекистон фуқаролари орасида «ҳар бир инсон муносиб турмуш даражасини ўзи, ўз меҳнати билан таъминлаши керак» ва «фуқароларнинг муносиб турмуш даражасини давлат таъминлаши керак» деган қарама-қарши қарашлар ҳукм суради. Биринчи фикр либерал қарашларга, иккинчиси — консерватив (шўроча) қарашларга мос келади. Бу ҳол жамиятда эски шўро тузумининг ақидалари таъсири ҳамон сақланиб келаётганлиги билан изоҳланади.

Ўзбекистон аҳолисида мафкуравий қарашларнинг барқарор тузилмаси ҳозирча шаклланиб улгургани йўқ. Кўпгина социологик тадқиқотлар ва сўровлар аҳоли ўз сиёсий қарашларини, яъни «консерваторлар», «либераллар», «центристлар», «сўллар» ёки «ўнлар»га мансублигини нафақат аниқлаб олмаганлиги, балки бу оқимлар ва қарашлар ўртасидаги фарқларни билмаслигини ҳам кўрсатади. Бу аҳолининг сиёсий савияси ва сиёсий маданияти ҳали юксак эмаслигидан далолат беради.

Шундай қилиб, сиёсий қарашларнинг назарий ва амалий жиҳатлари билан боғлиқ асосий хулосаларни қуйидагича мухтасар таърифлаш мумкин:

- сиёсий онг икки даражада, яъни мафкура ва оммавий психология даражасида мавжуд бўлади;

- либерал, консерватив, сўл ва ўнг ҳамда социал-демократик мафкуралар маълум қадриятлар мажмуини асослаб беради;

- ҳар бир мамлакатда асосий сиёсий мафкураларнинг ўзига хос вариантлари мавжуд;

- турли мамлакатлар, шу жумладан Ўзбекистон аҳолисининг оммавий сиёсий онгида ҳар хил сиёсий мафкураларга нисбатан нафақат бир хил, балки аралаш қарашлар мавжуд;

- сиёсий қарашлар — одамларнинг давлатга, партияларга, уларнинг лидерлари ва қарашларига муносабати оммавий сиёсий психологиянинг энг муҳим тузилмаларидир;

- қарашларни ўзлаштириш фуқаролар ва умуман аҳолининг сиёсий мойилликларини шакллантиради;

- маълум мафкураларга тарафдорлик одатда маълум партиялар ва лидерларга тарафдорлик билан боғлиқ, аммо тарафдорликнинг бу турлари ўзаро мос келмаслиги ҳам мумкинки, аҳолининг сиёсий саводи ва сиёсий маданияти пастлиги, шунингдек давлат органлари, партиялар ва, энг муҳими, оммавий ахборот воситалари фаол тарғибот ишлари олиб бормаётгани туфайли бу ҳолни кузатиш мумкин;

- Ғарб демократик мамлакатларида ҳар хил мафкуралар элементларининг уйғунлигига асосланган «муътадил» қарашларга эга одамлар салмоғи катта бўлиб, Ўзбекистонда ҳам сиёсий тизим ва сиёсий мафкура-ни шакллантиришда бу ҳол муҳим ўрин тутуши керак.

Х боб. ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА ОММАВИЙ СИЁСИЙ ОНГ: ЎЗАРО ТАЪСИРИ ВА БОҒЛИҚЛИГИ

10.1. Сиёсий онгга оммавий ахборот воситаларининг таъсири: имкониятлар ва чеклашлар

Алоҳида шахс сиёсий онгининг шаклланиш жараёни ҳақида гапирганда, одатда мазкур жараёнга таъсир кўрсатадиган тўрт омил қайд этилади:

- шахснинг ҳаётий тажрибаси (шу жумладан шахс ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий шароитлари);

- шахснинг тажрибасини у аъзо бўлган жамоа тажрибасигача кенгайтирувчи шахслараро алоқалар;

- турли ижтимоий гуруҳларнинг тажрибасини тарқатувчи жамият институтлари (масжид, мактаб, партиялар, ижтимоий-сиёсий бирлашмалар ва ҳ. к.);

- ҳар кимга инсон ҳаётининг барча йўналишларида турли халқлар, омма ва шахсларнинг тажрибасидан фойдаланиш имконини берувчи оммавий ахборот воситалари (ОАВ).

Ҳозирги замон кишисига фақат ОАВ, шу жумладан китоблар сиёсий муҳитдаги ўз ўрнини чинакамига тўлиқ англаб етиш имконини беради. Аммо ўзини ўзи сиёсий англаш жараёнида ОАВнинг бундай вазифаси ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши шарт эмас. Бу жараёнга ҳар бир омилнинг ҳиссаси турли одамлар учун ҳар хил бўлади.

«Шахс» тушунчасидан «омма» тушунчасига ўтганда оммавий сиёсий онгнинг шаклланишида юқорида зикр этилган ҳар бир омилнинг аҳамияти турли жамиятларда ҳар хил эканлигини қайд этиш мумкин. Бу ҳолат у ёки бу жамиятнинг миллий-маданий хусусиятлари ва тарихи, иқтисодий ва техникавий тараққиёти даражаси билангина эмас, балки у мазкур даврда бошдан кечираётган муайян ижтимоий-сиёсий вазият билан ҳам боғлиқ.

XXI аср бошида Ўзбекистонда жамият ва ОАВ институти муносабатларининг хусусияти бошқа мамлакатлардаги бундай муносабатларнинг хусусиятидан жиддий фарқ қилибгина қолмай, 80-йилларнинг охириларидан бошлаб жиддий ўзгаргани аниқ.

Оммавий сиёсий онгга ОАВ таъсир қиладими ёки йўқми деган савол кўпдан бери қўйилаётгани йўқ. Ахборот майдонининг субъектлари

(ахборот ишлаб чиқарувчилар, уни тарқатувчилар ва ундан фойдаланувчилар), бир-бирлари билан маълум муносабатларга киришган ҳолда, ўзлари таъсир кўрсатмасликлари ва ўзларида таъсирни ҳис қилмасликлари мумкин эмас. Бундай ўзаро таъсирнинг хусусияти ва даражаси ҳақидаги қарашлар ҳар хил ва ҳатто зиддиятлидир. Кўплаб ҳар хил қарашлар орасидан иккита асосий қарашни ажратиш мумкин.

Одамларнинг сиёсий онги ва ҳуқ-атвори ОАВ томонидан яратилган ахборот майдонида жиддий боғлиқ деган тасаввур анча кенг тарқалган. Шу муносабат билан Э. Денниснинг «ОАВ тафаккуримизни шакллантиради, фикрларимиз ва қарашларимизга таъсир кўрсатади, маълум ҳуқ-атвор турларига, масалан, маълум номзод учун овоз беришимизга туртки беради»¹, деган фикрини келтириш ўринли бўлади. Бошқа муаллифларнинг фикрича, фуқаролар ҳуқ-атворига ОАВнинг таъсири маълум жамоатчилик фикрини вужудга келтириш орқали амалга оширилади. «Жамоатчилик фикрига оммавий тус бера олгани туфайли ОАВ уни бошқаришга ва ҳатто йўлга солишга қодир»², — деб қайд этади О. В. Кузьмен. Бунинг устига, баъзи бир олимлар, уларга қўшилиб кўпгина сиёсатчилар ва журналистлар яқиндан бери «медиакратия» — ОАВ ҳокимияти даври яқинлашаётгани, бунда ОАВ воқеликни акс эттириш ва талқин қилишдан кўра кўпроқ уни ўз қоидалари ва ихтиёрига кўра шакллантиради, деб таъкидламоқдалар.

Баъзи бир муаллифлар, П. Бурдые концепциясига таяниб, бутун халқ (ёки унинг бир қисми)нинг қандайдир ўртача қарашларини ифода этувчи жамоатчилик фикри мавжуд эмас, деб қайд этадилар. Ю. Н. Солодухиннинг фикрича, матбуот қарашларни вужудга келтиришда ҳам, уларни тарқатишда ҳам бевосита иштирок этади, яъни у жамоатчилик фикрини ифодаламайди, балки уни вужудга келтиради. У одамларнинг олам ҳақидаги тасаввурларини акс эттирмайди, балки бу тасаввурларни, бинобарин, одамларнинг дунёқарашини ҳам шакллантиради... Жамоатчилик фикри деб аталувчи артефактни яратиш ОАВнинг жуда муҳим «ҳокимият» функциясидир³. ОАВни «тўртинчи ҳокимият» деб аташлари бежиз эмас. Дарҳақиқат, «...тарих маълум даврларда ОАВ сиёсий таъсирининг кучи давлат ҳокимиятининг кучи билан тенглашишини кўрсатмоқда. Бу нуқтаи назардан, ОАВ фаолиятига ҳокимиятнинг муайян шакли деб қараш мумкин»⁴.

Аммо ОАВ бундай қудратга эғалигига ҳамма олимларнинг ҳам ишончи комил эмас. Э. Денниснинг юқоридаги фикрига Д. Меррилл шун-

¹ Деннис Э., Мерилл Д. Беседы о масс-медиа. — М., 1997. — С. 139.

² Кузьмен О. В. Социология общественного мнения. — Новосибирск, 1996. — С. 34.

³ Каранг: Солодухин Ю. Н. Российские средства массовой информации: являются ли они четвертой властью? // СМИ в политических технологиях. — М., 1995. — С. 15.

⁴ Ўша жойда. — 13-б.

дай деб эътироз билдиради: «Оммавий ахборот воситалари маълум нарсаларга эътиборимизни қаратишга қодир, аммо бу ҳаракат қилишга мажбур этадиган ҳокимият эмас»¹. Олим фикрининг давомида у қуйидаги анча мўътадил хулосага келади: ОАВнинг таъсири жамиятга нима деб ўйлашни эмас, балки нима ҳақида ўйлашни кўрсатишидадир. Бошқача айтганда, ОАВнинг ҳокимияти кўп жиҳатдан ҳар бир муайян вақтда тегишли «кун тартиби»ни белгилашдан иборат. ОАВнинг чексиз ҳокимияти ҳақидаги қарашларнинг муҳолифлари ўз далилларида асосан аҳолининг сиёсий онги ва сиёсий ҳуқ-атворига ОАВнинг жиддий таъсирини тасдиқламаган (асосан АҚШда ўтказилган ва П. Лазарс-фельд томонидан 40-йиллардаёқ бошланган) кўп сонли эмпирик тадқиқотларга таянади.

Сайлов кампаниялари пайтида қарашларнинг ўзгаришини ўрганишга асосий эътиборни қаратган америкалик олимлар икки босқичли (ОАВдан — «қарашларнинг лидерлари»га, улардан — турли ижтимоий табақаларга ва гуруҳларга) алоқалар жараёнининг тавсифини ва шахснинг таъсири моделини таклиф қилдилар. Бу ёндашувда оммавий алоқалар марказий, етакчи куч ролини ўйнамай, шахслараро муносабатлар ва ҳар хил ижтимоийлаштирувчи таъсирлар қаторидан ўрин эгалладилар. Натижада оммавий онга оммавий алоқа воситаларининг «минимал таъсири» концепцияси таърифлаб берилди.

Ҳозирги кунда мавжуд қарама-қарши қарашлар ўртасида аҳолининг сиёсий онги ва ҳуқ-атворига ОАВнинг жиддий таъсирини инкор этмайдиган, аммо ОАВ кучидаги муҳим чеклашларга ишора қилувчи кўпгина умумий ёндашувлар мавжуд.

Биринчи чеклаш ахборот майдонида ОАВ вужудга келтирадиган ички зиддиятлар билан боғлиқ. Г. Гаджиев қайд этиб ўтганидек, «ОАВ зиддиятларга ва можароларга тўла ҳозирги замон воқелигининг бир қисми бўлиб, мазкур зиддиятлар ва можароларни у ёки бу даражада вужудга келтиради. Шунинг учун ҳам ахборот оқимлари бир-бирига зид, баъзан бир-бирини инкор этувчи кўплаб хабарлар ва маълумотлардан ташкил топади... Гарчи ОАВ дастурлари ва материаллари мажмуи жамоатчилик фикрининг шаклланишига таъсир кўрсатса-да, аммо улар бу фикрни қолипга солмайди»². Бошқача айтганда, ахборот майдони плюралиزمи ва ахборот манбаларини танлаш эркинлиги ОАВ таъсирига сиёсий ҳуқ-атворнинг боғлиқлигини камайтириш имконини беради. Турли оммавий ахборот воситаларининг кўпчилиги ўзаро келишиб, таъбир жоиз бўлса, ялписига ишлай бошлаганида, уларнинг таъсири кескин ортади. Бирон-бир мафкуравий концепция ҳатто ОАВнинг чекланган сонидан узоқ вақт сурункали тарғиб қилинганида ҳам таъсирнинг «самарадорлиги» ортади.

¹ Деннис Э., Мерилл Д. Беседы о масс-медиа. — М., 1997. — С. 155.

² Гаджиев К. С. Политическая наука. — М., 1994.

Шундай қилиб, ОАВнинг таъсири алоҳида хабарлар орқали эмас, балки уларнинг ялпи самараси орқали ўтади, деб айтиш мумкин¹.

ОАВнинг таъсири шахс мазкур таъсирнинг асосий субъектини (журналист, ОАВ эгаси, ҳокимият органи ва шу кабиларни) қандай идрок этишига, шунингдек бу таъсир кимнинг манфаатларида кўрсатилаётганини англаб этишига жиддий боғлиқ эканлигини ҳам қайд этиб ўтиш керак. Гап шундаки, ОАВни жамоатчилик фикрини ва ижтимоий фаолликни ифодалаш воситасидан ҳам кўра кўпроқ ижтимоий бошқариш органи сифатида идрок этиш ОАВнинг обрўсини ва унинг хабарларига нисбатан аҳолининг ишончини оширибгина қолмай, аксинча, уни камайтириши ҳам мумкин. Сўнгги йилларда аҳолига унинг хулқ-атвори-ни бошқариш мақсадида таъсир кўрсатишни кўзлаб берилган ОАВ хабари батамом тескари натижаларга олиб келганига мисоллар анчагина топилади. Бинобарин, сиёсий онгга ОАВ хабарлари таъсирининг яна бир модели — «тескари» таъсир мавжуд деб фарз қилиш мумкин.

Сиёсий онгга нисбатан таъсир масалаларига доир ҳар хил қарашлар аҳолига сиёсий ахборотдан фойдаланувчи деб қаралишини ҳам белгилаб беради. Фуқароларга ё бошқариш объекти деб қаралиб, уларга нисбатан «тўда», «оломон» сингари таъбирларни қўллаш мумкин, ё одамларга коммуникацион ўзаро таъсирнинг тўла ҳуқуқли субъектлари деб қаралади. Бунда шахсга ОАВнинг таъсири ахборот жараёнида шахс қандай роль ўйнашига ва унинг мазкур жараёнга муносабатига кўп жиҳатдан боғлиқлиги назарда тутилади. Афсуски, ҳозирги кунда жамиятимизда қўлланаётган баъзи бир сиёсий «технология»лар айнан биринчи ёндашувга асосланади. Балки шунинг учундир, улар ҳар доим ҳам самара беравермайди.

ОАВнинг таъсирчанлик хусусиятига ва даражасига нисбатан ҳар хил қарашларнинг кўплиги ва зиддиятлилиги оммавий сиёсий онгга юқорида зикр этилган таъсир моделларининг реал ҳаётда мавжудлигини текшириб кўришга даъват этади. Тегишли таҳлил Ўзбекистон миқёсида ва айниқса бугунги кун доирасида ўтказилса, янада қизиқарли бўлади.

Табиийки, бундай текширувни ўтказишда, авваламбор, ОАВнинг таъсирини ҳамда оммавий сиёсий онг ва хулқ-атвори таърифловчи эмпирик кўрсаткичларни аниқлаб олиш керак.

Одамларнинг сиёсий хулқ-атвори ҳар хил шаклларда, шу жумладан шахсий сиёсий танловда намоён бўлади. *Сиёсий танлов деганда, ҳаракат билан тасдиқланган сиёсий мойиллик тушунилади, у, ўз навбатида, сиёсий онгнинг турли жиҳатларини у ёки бу даражада ўзида бирлаштиради.* Шундай қилиб, мойиллик сиёсий онг ва сиёсий хулқ-атвор ўртасида ўзига хос боғловчи бўғин бўлиб хизмат қилади.

Инсонларнинг сиёсий мойилликларини ўлчаш сўровларнинг энг кенг тарқалган элементларидан биридир. Жамоатчилик фикрининг сўро-

ви доирасида респондент бирон-бир сиёсий лидер (ёки партия)ни афзал кўргани, аслида, билан мазкур фуқаро сайловда иштирок этади ва айнан шу номзод учун овоз беради, деган маънони билдирмайди. Сайловолди рейтинглари ва амалда овоз бериш натижаларидаги тафовутлар кўпинча шу билан изоҳланади. Аммо биз бундай мойилликни фуқаронинг сиёсий танлови деб аташни тўғри деб ҳисоблаймиз, зотан шахс сўровда иштирок этишга рози бўлиб, лидер ёки партияга нисбатан ўз муносабатини ифодаланини маълум даражада сиёсий фаоллик ифодаси деб ҳисоблаш мумкин. Хуллас, сўров жараёнида билдирилган сиёсий мойилликни шартли равишда сиёсий танлов деб олиб, биз шахсий сиёсий онгни у ёки бу даражада таърифловчи кўрсаткичга эга бўламиз. Ўз навбатида, у ёки бу сиёсий арбобга мойиллик ёки ишонч билдирган шахслар салмоғи оммавий сиёсий онг ҳолатининг кўрсаткичи бўлиши мумкин.

Сиёсий танлов қарор қабул қилиш жараёни сифатида танланаётган сиёсий арбоб ҳақида субъектнинг у ёки бу даражада хабардорлигини назарда тутати. Хабардорлик — сиёсий онгнинг муҳим когнитив элементи. Шу билан бир вақтда, оддий фуқаро сиёсий ахборотни фақат ОАВдан олиши мумкин. Бинобарин, фуқаролар сиёсий танлов ҳақида қарор қабул қилишда асосан ОАВдан олган маълумотларга таянадилар, яъни бир сиёсатчини бошқа сиёсатчидан афзал кўришда улар мазкур арбоб ҳақида ўзлари учун энг аҳамиятли оммавий ахборот канали ёки манбаидан олинган маълумотларга асосланадилар.

Демак, оммавий сиёсий онгга ОАВнинг таъсири у ёки бу сиёсий арбоб ҳақидаги маълумотлар билан мазкур ОАВ аудиториясининг сиёсий мойилликлари ўртасидаги ўзаро алоқа билан таърифланиши мумкин.

Шундай қилиб, жамиятимизда сиёсий онгга ОАВ таъсирининг юқоридаги учала асосий модели — максимал, минимал ва тескари таъсир моделлари мавжудлигини қайд этиш мумкин. Бошқача айтганда, фуқароларимиз ОАВ таъсирида ўзларини ҳар хил тутадилар, ахборот ва сиёсатга оид технологияларни яратишда ҳар бир муайян мақсадли аудиторияда ОАВ ва оммавий сиёсий онг ўзаро таъсирининг қайси тип и етакчилик қилишини жуда жиддий эътиборга олиш керак.

Оммавий ахборот воситаларига нисбатан Ўзбекистонда ҳам янгича муносабат шаклланимоқда. Улар мамлакатда содир бўлаётган демократик жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланиб бораёптилар. Аниқроғи, ОАВ юртимизда қарор топаётган фуқаролик жамиятининг узвий таркибий институти деб эътироф этилмоқда. «...Жамоатчилик фикрини шакллантиришда оммавий ахборот воситаларига муҳим ўрин берилади, — дейди давлатимиз раҳбари И. А. Каримов. — Ҳозирги кунда оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш зарурлиги борган сари аён бўлмоқда. Чунки ҳозирги чуқур ўзгаришлар, мамлакат сиёсий, иқти-

¹ Қаранг: Деннис Э., Мерилл Д. Беседы о масс-медиа. — М., 1997. — С. 153.

содий ҳаётини демократлаштириш суръатлари қаршисида оммавий ахборот воситаларининг фаолияти талабга жавоб бермаяпти»¹.

Умуман олганда, Ўзбекистон аҳолисининг сиёсий мойилликларига ОАВнинг улкан таъсири ҳақидаги фарз ўз тасдиғини топмади. Бизнингча, бу чет эл оммавий ахборот воситалари, авваламбор чет эл ахборот каналлари таъсирининг ортиб бораётгани, аҳолининг менталитети ва, энг муҳими, материалларни асосан ўз шарҳи ва изоҳлари билан тушунтирилмасдан берувчи республика оммавий ахборот воситалари таъсир имкониятларининг камайиб бораётгани билан изоҳланади.

Оммавий ахборот воситаларини ҳақиқий «тўртинчи ҳокимият»га айлантириш жараёни ҳамма жойда ҳам анча мураккаб кечаяпти. Эскича фикр юритиш ҳалигача ўз таъсирини кўрсатмоқда... Республикадаги янги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий шарт-шароитлар оммавий ахборот воситалари олдида мутлақо янги, шу пайтгача нотаниш бўлган вазифаларни қўймоқда»².

Шунингдек, барча ОАВнинг мамлакатимиз ахборот майдонида ҳалол рақобат асосида фаолият олиб бориши — жамиятни том маънода демократлаштириш гаровидир³.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 700 дан ортиқ газета ва журналлар чоп этилади. Шулардан 378 таси давлат ташкилотларига қарашли. Давлатимиз раҳбари ўзининг 2000 йилдаги мусохабаларидан бирида мамлакатда 490 та газета ва 138 та журнал рўйхатга олинганлигини таъкидлаган эди⁴. Агар мустақилликка эришган йилимиз мамлакатда 351 та оммавий ахборот воситалари фаолият кўрсатган бўлса, 2002 йилга келиб уларнинг сони 723 тага етди. 1991 йилда республикада 300 дан ортиқ газета чоп этилган бўлса, 2002 йилда 600 га яқин номда газета чиқди. Журналлар сони 60 тадан 165 тага, телерадиокомпаниялар 38 тадан 70 тага, нашриётлар сони эса 14 тадан 60 тага етди⁵.

Демократик ислохотлар шароитида бир неча сиёсий ҳаракатлар, жамоат бирлашмаларининг нашрлари чиқа бошлади. Масалан, Ўзбекистон халқ демократик партиясининг «Ўзбекистон овози» — «Голос Узбекистана», Адолат социал-демократик партиясининг — «Адолат», Миллий тикланиш партиясининг — «Миллий тикланиш», Фидокорлар миллий демократик партиясининг — «Фидокор» газетаси нашр қилина бошланди⁶. Жамоат ташкилотларининг 104 та нашри мунтазам

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т., 1997. — 176-б.

² Ўша жойда. — 177-б.

³ Қаранг: Каримов И. А. Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. 11. — Т., 2003. — 25-б.

⁴ Қаранг: Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. Т. 7. — Т., 1999. — 390-391-б.

⁵ Ҳаёт ва қонун. — 2002. — №5. — 3-б.

⁶ Қаранг: Мустақил Ўзбекистон тарихи. — Т., 2000. — 213-б.

чиқмоқда, республика миқёсида 4 та ахборот агентлиги, «Интернет» компьютер тармоғи фаолият кўрсатмоқда.

Оммавий ёзма нашрлар асосан юртимиздаги кўп сонли миллатлар тилида — ўзбек, қорақалпоқ, рус, қozoқ, тожик, қирғиз, корейс, татар каби миллатлар тилида чоп этилиб, улар аҳолининг сиёсий маданиятини юксалтириш, сиёсий онги ва савияси ҳамда фаоллигини оширишга самарали хизмат қилмоқда.

10.2. Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг бугунги аҳволи: таъсир салоҳияти

Республика аҳолисининг сиёсий онгини юксалтиришда маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти жуда катта. Бироқ ҳозирги кунда ОАВдан аҳоли фойдаланадиган ижтимоий-сиёсий ахборот ҳажми унчалик салмоқли эмас. Тегишли материалларни ўқиш, радио тинглаш ва телевизор томоша қилишга сарфланадиган жами вақтнинг қисқараётгани, ОАВ бозорини чет эл ахборот каналлари аста-секин эгаллаётгани, бозор муносабатларига ўтилиши муносабати билан ОАВга аҳоли ажратаётган вақтнинг қисқариб бораётгани, яъни иқтисодий фаоллашув натижасида телевидениега, газета ва журналларга кам вақт қолаётгани кабилар ҳозирги даврга хос тамойиллардир. Фақат радио бундан мустасно бўлиб, сўнгги беш йилда республикада FM ахборот-қўнғилочар радиоканаллари сонининг кўпайиши билан уни «истеъ-мол қилиш» ҳажми ҳам ортди.

Аҳолидан сиёсий танлов ва оммавий сиёсий иштирок талаб этилмайдиган нисбатан «тинч» сиёсий ҳаёт давларида ижтимоий-сиёсий ахборотга омманинг қизиқиши анча камаяди. Республика ОАВга фуқароларнинг ишончсизлиги вақтли матбуотда ҳам, телеканалларда ҳам воқеа-ҳодисаларни ёритишда таҳлилий йўналишнинг камлиги билан боғлиқ. Фуқароларнинг бир қисмида ижтимоий-сиёсий ҳаётга нисбатан қизиқиш йўқолиб, ундан четга чиқмоқда ва одамлар фақат кундалик ҳаёт — оила, иш ва шу кабилар билан кифояланмоқдалар. Бундай вазиятда ҳар қандай сиёсий ахборотга бўлган қизиқишнинг йўқолиши табиий бир ҳолдир.

Авваламбор, босма ОАВдан фойдаланиш соҳасида жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Охириги йилларда босма ОАВ жамоатчилик фикрини шакллантиришда ўзининг етакчи ўрнини телевидениега бўшатиб берди. Республика ва чет эл телеканаллари (авваламбор, Россия телеканаллари) доирасининг кенгайиши натижасида ўзбекистонликларда вақтли матбуотга бўлган қизиқиш анча камайди (масалан, ҳозирги кунда «Камалак TV» дастурида 12 та Россия телеканалли, учта АҚШ, иккита Британия, биттадан Германия ва Корея телеканалларининг дастурлари намоиш этилмоқда).

Матбуот ҳозирги кунда бошқа бозор муносабатларининг қийинчиликларига ОАВга қараганда кўпроқ дуч келди. Сўнгги йилларда даврий нашрларнинг тиражлари анча қисқарди. ОАВнинг молиявий аҳволи аҳолининг харид қобилиятига бевосита боғлиқлиги вазиятни янада мураккаблаштирмоқда, чунки кўпгина оилалар мунтазам равишда газета ва журналлар сотиб олиш имконига эга эмас. Сўнгги ўн йил ичида республика матбуот нашрларининг сони етти-саккиз барабар кўпайганига қарамай, уларнинг умумий тиражи беш-олти барабар камайди. Газета ва журналлар асосан реклама, мунажжимлар башорати, мучал ва телекўрсатувлар дастурини чоп этиш ҳисобига яшамокда. Жиддий материаллар жуда кам, борлари ҳам одатда чет эл ОАВдан кўчириб босилди ёки Интернетдан олинади.

Жамоатчилик фикрини ўрганиш натижаларига қараганда, даврий матбуот нашрларини ўқувчи шахсларнинг умумий доираси ҳам тор. Аҳоли асосан расмий нашрларни («Халқ сўзи», «Народное слово», «Ўзбекистон овози», «Правда Востока»), оммавий ахборот-кўнгилочар нашрларни («ПрессТиж», «Даракчи», «Тасвир» ва бошқаларни), шунингдек ихтисослашган нашрларни («БВВ», «Экономический вестник», «Постда» ва бошқаларни) ўқийди.

Хуллас, аҳоли эътиборига молик матбуот нашрлари доираси анча тор, бинобарин, мазкур ОАВ турининг аҳолига таъсири ҳам юқори бўлишига умид билдирамиз. Ўзбекистонликлар сиёсий янгиликлар билан телевидение орқали (ёшлар эса Интернет орқали) танишишни маъқул кўрадилар. Буни жамоатчилик фикрини ўрганиш натижалари ҳам тасдиқлайди. Жумладан, аҳолининг 90 % сўнгги ахборот билан телевидение орқали ва фақат 15–20 % — матбуот хабарлари орқали танишишни билдирган.

Аммо, телевизион ОАВнинг қамров доираси кенглигига қарамай (медиаметрика хизматларининг маълумотларига қараганда, Ўзбекистон аҳолисининг 93–96 % ҳар хил телевизион каналларни қабул қилиш имкониятига эга), уларнинг аҳолига таъсири даражасини катта деб бўлмайди. Авваламбор, телеканалга ва телекўрсатувларнинг эфирга чиқиш вақтига қараб телетомошабинлар аудиториясининг ҳажми анча фарқ қилади. Масалан, ёз мавсумида шаҳарликларнинг қарийб 25 % таътилга чиқиши, уйдан ташқарида дам олиши ва бошқа шунга ўхшаш сабабларга кўра умуман телевидениега мурожаат этмайди.

Медиаметрика хизматларининг маълумотлари ва жамоатчилик фикрини ўрганиш натижалари республика марказий телевидениесининг телевизион каналлари орасида аҳоли Ўзбекистон телеканали дастурларини кўпроқ томоша қилишини кўрсатмоқда. Бу канал телетомошабинларнинг энг катта аудиториясини қамраб олган. Ўзбекистон телеканалининг бир кунлик ўртача рейтинги Ёшлар, Тошкент ва Спорт телеканалларнинг шундай кўрсаткичларидан бир неча барабар юқори.

Ўзбекистон телеканали республикада етакчи мавқега эканлиги объектив сабаблар билан (Ўзбекистон телеканали республика ҳудудининг қарийб 97 % ни қамраб олади ва у маълум томошабинлар доирасига мўлжалланмаган) ҳамда оммавий онгнинг баъзи бир жиҳатлари, жумладан, Ўзбекистон телеканалини кўпчилик ҳамон «энг расмий» канал деб идрок этиши билан изоҳланади.

Шу билан бир вақтда, Ўзбекистон телеканалининг етакчилиги шубҳасиз эмас. Агар уч-тўрт йил олдин мутлақ кўпчилик фуқаролар учун Ўзбекистон телеканали сиёсий ахборот олишнинг ягона манбаи ҳисобланган бўлса, ҳозирги кунда бошқа республика телеканаллари, шунингдек минтақавий ва, айниқса, хорижий телеканаллар томошабинларининг салмоғи анча ортди.

Бу ўринда телевизион каналларнинг машҳурлик рейтинги уларга нисбатан ишонч рейтингидан бирмунча фарқ қилишини ҳам қайд этиб ўтиш керак.

Телеканалларга нисбатан бундай ҳар хил муносабат жамоатчилик фикрига таъсир кўрсатишнинг асосий каналлари ҳисобланадиган «Ахборот» ва «Ахборот-таҳлил» кўрсатувларига аҳолининг муносабатида ҳам намён бўлмоқда.

Телетомошабинлар ахборот кўрсатувларини бадиий фильмлар ва кўнгилочар кўрсатувлар билан деярли бир хилда қизиқиб томоша қиладилар. Турли социологик сўровларнинг натижаларига кўра, фуқароларнинг қарийб 70 % ахборот дастурларини ҳар кун томоша қилишга интилади.

Шундай қилиб, аҳоли, бир томондан, ОАВ орқали ахборот олса, иккинчи томондан, олинган ахборотга муайян шубҳа билан қарайди. Шунинг учун ҳам республика ОАВда берилаётган ахборотнинг мазмунини бойитилиши, ранг-баранглаштирилиши, уни тақдим этиш усул ва воситалари чет элдан кўр-кўрона кўчирилмасдан ишга ижодий ёндашув кучайтирилиши, бунда ўзбек халқининг ўзига хос жиҳатлари эътиборга оlinиши, энг муҳими, Президентимиз И. А. Каримов қайд этиб ўтганидек, фаол фуқаролик позицияси эгалланиши зарур.

10.3. Аҳоли оммавий ахборот воситалари ҳақида: идрок ва ишонч муаммолари

Оммавий сиёсий онга ОАВ воситаларининг ахборот таъсири кўрсатиш имкониятларининг чекланганлиги сиёсий ахборотдан фойдаланиш ҳажми мутлақ камайгани билан эмас, балки бундай фойдаланиш сифати талаб даражасида эмаслиги, аҳолининг катта қисми ОАВ маълумотларига лоқайд қараши билан изоҳланади.

Ўтказилган сўровларнинг натижалари жамиятда ОАВ фаолияти юзасидан қарама-қарши фикрлар ва қарашлар мавжудлигини кўрсатади. Бир томондан, ОАВ ўзининг сўз эркинлиги принципларига содиқлиги ва

сиёсий ҳокимиятга нисбатан журналистларнинг анча ҳолис муносабати билан аҳоли муайян қисмининг эътиборини қозонаётган бўлса, иккинчи томондан, бозор шароитларида яшаб қолиш зарурати ОАВни баъзан ахлоқий принциплар ва жамият манфаатларини даромад олиш йўлида бой беришга мажбур қилмоқда. Тўғри, бундай икки ёқлама идрок этиш Ўзбекистон жамиятининг оммавий онгига хос хусусият эмас. Касбий ва ахлоқий нормаларга риоя қилиш билан имкон қадар катта даромад олишга интилиш ўртасида мувозанатни сақлаш бу ўз фаолиятида сиёсий эркинлик ва иқтисодий мустақиллик принципларини уйғунлаштиришга мажбур бўлган ҳар қандай ижтимоий институтнинг вазифасидир.

Бу масалада фуқароларнинг қарашлари асосан икки қарама-қарши лагерга ажралган. Ҳозирги ҳокимият тарафдорлари ва ёшлар ОАВ фаолиятининг кўпроқ ижобий жиҳатларини кўришга мойил бўлсалар, скептиклар эса кўпроқ ОАВ фаолиятидаги салбий жиҳатларни қайд этадилар.

Оммавий онгнинг ОАВни икки ёқлама идрок этиши ОАВга нисбатан аҳолининг умумий ишончи кўрсаткичларида ҳам ўз аксини топган. Бир томондан, матбуот, радио, телевидениега жамиятнинг ишончи бошқа ижтимоий ва сиёсий институтларга қараганда анча катта. Буни бир қанча социологик сўровларнинг натижалари ҳам тасдиқлайди. Бошқа томондан, аҳолининг бир қисми ҳозирги республика оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини анча танқидий баҳолайди ва ОАВга нисбатан аҳоли ишончининг умумий кўрсаткичи унча юқори эмас.

Ҳар хил тадқиқотларнинг натижаларига қараганда, аҳолининг тўртдан бир қисмидан ортиғи ОАВга тўлиқ ишонч билдиради, фуқароларнинг ярмидан кўпи эса «матбуот, радио, телевидение ишончини тўла оқламайди» деб ҳисоблайди, аҳолининг 10—15% эса ОАВга умуман ишонмайди. Тўғри, ОАВга ишонч даражасининг пастлиги фақат унга салбий муносабат билан эмас, балки бозор муносабатларига ўтиш, жамият негизларини тубдан ислоҳ қилиш шароитларида ҳар қандай ижтимоий институтларга ишончнинг умумий даражаси пастлиги билан ҳам изоҳланади.

ОАВга нисбатан оммавий онгнинг зиддиятли муносабати жамият ҳаётига оммавий ахборот воситаларининг таъсири хусусияти ҳақидаги саволга фуқароларнинг муносабатида ҳам намоён бўлади. Бир томондан, фуқароларга «мамлакатдаги ҳаётга таъсир кўрсатаётган» ижтимоий институтларнинг рейтингини тузиш таклиф қилинганида, маълум бўлишича, жамоатчиликнинг кўз ўнгига ОАВ фақат президентлик институтидан кейинда туради. Шу билан бир вақтда, ОАВ фаолиятига бевосита тааллуқли бўлган «Умуман олганда, телевидение, радио, матбуот одамлар кайфиятига қандай таъсир кўрсатади — ижобийми ёки салбийми?», деган саволга фуқароларнинг қарийб ярми салбий деб ва фақат тўртдан бир қисмига яқини ижобий деб жавоб берганки, бу ОАВга нисбатан оммавий онг муносабатининг кўрсаткичидир.

ОАВ фаолиятининг салбий жиҳатлари ҳақида гап кетганида асосан оммавий ахборот воситалари тақдим этувчи ахборотнинг объективлиги муаммоси қайд этилади. Аҳолининг ярмидан ортиғи ОАВда берилаётган ахборотнинг ҳолислигига шубҳа билан қарайди, фуқароларнинг учдан бир қисми эса, аксинча, ахборот манбаи сифатида ОАВга ишонишга мойил.

Табиийки, жамоатчилик фикридаги бундай ихтилофда сўралганларнинг сиёсий қарашлари муҳим омил ҳисобланади. Ишончсизлик кайфиятидаги фуқаролар ОАВ орқали бериладиган ахборотнинг объективлигини нисбатан танқидий баҳолайдилар. Либерал қарашларнинг вакиллари (ёшлар, зиёлилар ва бошқалар) нисбатан мўътадил позиция эгаллайдилар.

ОАВга нисбатан ишончсизлик уйғотадиган асосий сабаблардан яна бири шуки, жамоатчилик оммавий ахборот воситаларини маълум гуруҳларнинг тор манфаатларини ифода этади деб ҳисоблайди. ОАВ эркинлиги ва мустақиллиги принципларини сақлаш зарурлигини асосан эътироф этган ҳолда, фуқаролар матбуот эркинлигининг ҳозирги аҳолига баҳо беришда кўп жиҳатдан ўз сиёсий қарашларига таянадилар. Давлат ҳокимияти, демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда ОАВнинг муҳим ўрин тутишини эътироф этган ҳолда, цензурани бекор қилиб, том маънода эркин ОАВни таъминлаш йўлида бир қатор муҳим қонунлар қабул қилиб, ОАВни демократлаштиришга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширди. Улар нимадандир ҳақ, аммо «матбуотга эркинлик берилсин» деган қуруқ чақириқлар ва шиорлар билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Бу йўналишда давлат ҳокимияти, ОАВ, сиёсий партиялар ва ҳаракатлар эркинлик, демократия ва буюк келажак учун ўзаро ҳамкорлик ва алоқа қилиши керак.

Аҳолининг ОАВга нисбатан икки ёқлама муносабатининг яна бир сабаби шундаки, Ўзбекистонда анъанага кўра, шўролар давридан бошлаб, оммавий ахборот воситаларига фақат ахборот манбаи деб эмас, жамият ва ҳокимият ўртасидаги икки томонлама алоқа каналларидан бири, муҳим ижтимоий, баъзан шахсий муаммоларни ҳал қилиш воситаси деб қараб келинади. Матбуот органи, радио ва телевидениеда махсус бўлимлар фаолият кўрсатиб, улар фуқароларнинг хатлари билан шуғулланишлари, одамларнинг қарашлари ва кайфиятларини умумлаштирилган кўринишда ҳокимият органлари эътиборига ҳавола қилишлари лозим.

Хуллас, республика аҳолисининг оммавий сиёсий онгига ва ҳуқуқатворига ОАВнинг таъсир кўрсатиш имкониятлари, умуман олганда, чексиз эмас, деб ҳулоса чиқариш мумкин. 80-йилларнинг охирида қузатилган ОАВга ялпи қизиқиш, эътибор ва ишонч ҳозирги кунда бир мунча камайган. Бу аҳолининг ижтимоий-сиёсий ахборотни истеъмол қилиш ҳажмлари қисқаргани ва ОАВга нисбатан ишончнинг камайиши билан изоҳланади.

Юқоридаги фикрлар ОАВнинг таъсири умуман мавжуд эмас, деган маънони англатмайди. ОАВ билан жамиятнинг ўзаро таъсири табақалашган хусусият касб этди ва ахборотнинг таъсирига аҳолининг турли табақалари ҳар хил муносабат билдира бошлади.

ОАВ фаолиятига нисбатан ўз муносабатини ифодалашда жамоатчилик фикрининг иккиёқламалиги ва зиддиятчилиги ОАВнинг жамиятдаги масъулиятли ва мураккаб позициясини акс эттиради. ОАВнинг жамиятдаги роли ва функцияси ҳамда мазкур жамиятнинг бугунги манфаатлари ҳар хил тушунилгани сингари, ўз ишида касбий ахлоқ принципларини имкон қадар катта даромад олиш билан уйғунлаштириш вазифасини турли оммавий ахборот воситалари ҳар хил усулда ҳал қилмоқда. Буларнинг барчаси жамоатчиликнинг тегишли муносабатини келтириб чиқарапти.

ОАВни идрок этиш бўйича жамиятимизда сўнгги ўн йил ичида содир бўлган жиддий ўзгаришлар шахсининг ўзини ўзи сиёсий англаш жараёни катта ахборот ҳажмини жалб этишни талаб қилувчи сиёсий янгиланишлар даврида ОАВнинг ижтимоий роли ва таъсири ниҳоятда ортади, фуқаролар асосан шахсий ҳаётига, кундалик турмушга «шўнгиб» кетувчи барқарорлашиш давларида эса, аксинча, ОАВнинг оммавий сиёсий таъсири камаяди, сиёсий элита ва унинг интеллектуал муҳити учунгина ўз аҳамиятини сақлаб қолади, деган хулоса чиқариш имконини беради.

Сайловолди кампанияси шароитида ОАВ ҳамиша оммавий сиёсий онгга таъсир кўрсатиш соҳасидаги ўз имкониятларини намоиш этишга ҳаракат қилади. Баъзан «корпоратив» кучлар бирлашган тақдирда бу имкониятлар бир неча карра ортиши мумкин. Аммо, реал сиёсат билан мустаҳкамланмаган бу таъсирни маълум вақт ўтганидан кейин оммавий онг инкор этади, ялпи ахборотнинг таъсир кўрсатиш кучи кўпга чўзилмаслиги мумкин. Шунда бу ҳол ОАВдан аҳолининг янада узоқлашишига олиб келади ва ишончни, бинобарин, таъсир кучини қайта тиклаш учун оммавий ахборот воситалари янада кўпроқ ҳаракат қилишига тўғри келади.

Шу нуқтаи назардан, оммавий ахборот воситалари ҳам оммага ва оммавий онгга боғлиқ, омма ва унинг ижтимоий онги ҳам ОАВга сезиларли таъсир кўрсатишини таъкидлаш лозим.

III бўлим ХОРИЖДА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА СИЁСИЙ МАДАНИЯТНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ

XI боб. МИЛЛИЙ СИЁСИЙ МАДАНИЯТНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

11.1. Ривожланган мамлакатлар сиёсий маданиятининг асосий тамойиллари ва таркибий қисмлари

Ҳар қандай жамиятнинг сиёсий муносабатлари ўз ички табиатига кўра мураккаб таркибли бўлиб, турли ташқи омиллар таъсирида баъзан номаданий шакллар касб этиши ҳам мумкин. Муайян давлат ёки давлатлараро тизим нормал фаолият кўрсатиши учун мазкур муносабатларни тартибга солиш, уларни жамиятдаги ахлоқ ва маданият билан мувофиқ ҳолга келтириш зарур. Сиёсий ҳулқ-атвори тартибга солиш воситалари ва нормалари айнан сиёсий маданият таркибида шаклланади ҳамда ҳокимият муносабатларини рағбатлантирувчи негизни ташкил этади.

Умумий нуқтаи назардан, украиналик олим С. Г. Рябовнинг фикрича, *сиёсий маданият ижтимоий маданиятнинг кўринишларидан бири бўлиб, сиёсат субъектининг ўз манфаатларини рўёбга чиқариш учун курашида иштирок этишга, ҳокимиятга таъсир кўрсатиш ёки уни эгаллаш учун курашда бошқа табақалар ва сиёсий кучлар билан тортишишга мойиллиги ҳамда тайёрлигининг ифодаси бўлиб хизмат қилади*¹.

«Жаҳон сиёсий маданияти» ва «миллий сиёсий маданият» тушунчаларини бир-биридан фарқлаш зарур. Тўғри, мазкур тушунчаларнинг асосида битта негиз — сиёсий маданиятнинг умумий назарияси ётади. Аммо, «жаҳон сиёсий маданияти» тушунчаси анча кенг ва мавҳумдир, у жаҳон (илгор) сиёсий тажрибасини, мазкур ҳодисанинг классик намуналарини, сиёсий маданиятнинг маълум прогрессив моделлари, нормалари ва анъаналарини, халқаро этикет кабиларни ўз ичига олади. Проф. В. Ковалевскийнинг таъкидлашича, миллий сиёсий маданият деганда, мавжуд сиёсий маданиятни экстраполяция қилиш ёки жаҳон сиёсий маданияти моделларидан фарқ қиладиган янги сиёсий маданиятни шакллантириш тушунилади. У давлатнинг ички ва ташқи хусусиятларини (жамият ҳаётининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва бошқа

¹ Қаранг: Рябов С. Г. Политическая теория государства. — Киев, 1996. — С. 206.

соҳаларини, жуғрофий-сиёсий ҳолатни, давлатнинг жаҳондаги ўрни ва аҳамиятини ва шу кабиларни) ўз ичига олади¹.

Алоҳида мамлакатларнинг сиёсий маданияти даражасини баҳолашга, жаҳон сиёсий маданияти билан уларнинг диалектик алоқасини кўрсатиш ва ривожланиш истиқболларини аниқлашга уриниб кўриш учун юқорида зикр этилган иккала тушунча ҳам эътиборга моликдир. Шунинг учун, сиёсий маданиятнинг умумий назарияси доирасида, алоҳида мамлакатларга татбиқан унинг асосий мезонларини изчил кетма-кетликда кўриб чиқиш керак.

Сиёсий маданият турли миллатлар маданиятининг бир қисмидир. Аммо, шу билан бир вақтда, у ҳар бир давлатда ўз хусусиятларига эга. Сиёсий маданиятга, умуман олганда, унинг типлари нуқтаи назаридан қараш мумкин. Биринчи ҳолда бу Европа ва Шарқ типларидир.

1-жадвал.

Европа ва Шарқ сиёсий маданиятининг ўзига хос жиҳатлари

ҒАРБ	ШАРҚ
1. Ҳокимият инсоннинг инсон устидан жисмоний, маънавий ёки бошқа ҳукмронлигига асосланишига бўлган ишонч. 2. Сиёсатга ҳалол ўйин ва қонун олдида фуқароларнинг тенглиги принциплари асосида ҳал қилинадиган можаронинг турларидан бири деб қараш. 3. Ҳокимият ваколатларини амалга ошириш учун шахснинг ўзига тўқлигини англаб етиш шахс эркинлиги идеалларининг устуворлиги.	1. Ҳокимиятнинг илоҳий келиб чиқишига бўлган ишонч; унга инсонга хос ҳеч қандай олий хусусиятларнинг боғлиқ эмаслиги. 2. Сиёсатга қаҳрамонларнинг хулқ-атвор кодексига ва илоҳий бошқарув принципларига бўйсундирилган фидокорона, ҳамма-нинг ҳам қўлидан келавермайдиган фаолият деб қараш; сиёсий ҳодисаларнинг тасодифийлигини инкор этиш; сиёсат мурсоа, уйғунлик ва тотувликни барқарор этиш воситаси деб тушунилади. 3. Ҳокимият ваколатларини амалга ошириш учун шахснинг ўзига тўқлигини инкор этиш; шахс ва ҳокимият ўртасидаги муносабатларда воситачига эҳтиёж; адолат идеалларининг устуворлиги; шахснинг сиёсий лоқайдлиги.

¹ Қаранг: Ковалевский В. Историчні та політологічні дослідження. — Донецьк: Видання Донецького національного університету. — 2001. — № 3. — С. 108.

Ғарбий Европа типига мансуб сиёсий маданиятга қуйидагилар хос:
— умумсиёсий масалаларни ҳал қилишда фуқаролар иштирокининг мажбурийлиги;

— шахснинг фуқаролик суверенитети;

— христианликнинг диний қадриятларини ҳисобга олиш.

Сиёсий маданиятнинг Шарқий типи:

— Осиё аграр ишлаб чиқариш усули каби жамоа тузилмалари ҳаётий фаолиятининг хусусиятлари;

— араб-мусулмон, ҳиндий-буддавий, конфуцийлик конфессияларининг таъсири билан белгиланади.

Сиёсий маданиятни таҳлил этишда ривожланган ва ўта ривожланган мамлакатларнинг сиёсий маданиятини ўрганиш муҳимдир. Сиёсий маданият индивидларнинг ҳокимият соҳасида ўзаро алоқа қилиш усули сифатида одамлар сиёсий онги ва хулқ-атворининг маълум сифат хусусиятларинигина ўз ичига олади. Энг ривожланган Ғарб мамлакатларида илдиз отган фуқаролар маданиятининг асосий хусусиятларига чуқур билимга асосланганлик, фаоллик ва ҳокимият тизимига тарафдорлик киритилади¹. Мазкур масалани кўриб чиқишда биз ушбу маданиятнинг халқаро қиёсий тадқиқотларда қўлланиладиган белгиларини асос қилиб оламиз. Уларда одатда:

1) сиёсатга қизиқиш;

2) демократия фаолиятдан қониқиш;

3) сиёсатга таъсир кўрсатишга лаёқатлилик туйғуси;

4) сиёсий ҳаётда қатнашиш;

5) демократик институтлар ва қадриятларга тарафдорлик ўрганилади.

Сиёсатга қизиқиш фуқаролар маданиятининг асосий хусусиятидир. Одамлар ўзларини қизиқтирмайдиган ишларда иштирок этмайдилар ва бунинг натижасида улар сиёсий функцияларни амалга ошириш учун зарур кўникмаларни эгаллаб, ўзларини ҳокимиятга таъсир кўрсатишга қодир (лаёқатли) деб ҳис қила олмайдилар.

Сиёсий лаёқат — ҳокимиятга таъсир кўрсатишга ўзининг қодирлигини ҳис қилиш ҳамда сиёсий қарорларни мустақил қабул қила олиш кўникмаси — сиёсий ҳаётда мунтазам иштирок этиш негизидан вуҷудга келади. Демократик институтлар фаолиятдан қониқиш ва демократик қадриятларга тарафдорлик фуқаролар маданиятининг яқунловчи хусусиятидир.

Европа Иттифоқи (ЕИ) мамлакатларида 1973 йилдан буён ҳар йили баҳорда ва кузда ўтказиладиган «Евробарометр» дастури доирасида жамоатчилик фикрини ўрганиш натижалари алоҳида мамлакатлар ва умуман ЕИда сиёсий маданиятнинг аҳволини икки асосий мезон — сиёсат-

¹ Қаранг: Альмонд Г., Верба С. Гражданская культура и стабильность демократии // Политические исследования. — 1992. — №4. — С. 128-133.

га қизиқиш ва демократия институтлари ишидан қониққанлик асосида баҳолаш имконини беради.

Ўтган йиллар давомида ЕИ мамлакатларида сиёсатга катта ва мўтадил қизиқиш билдирганлар салмоғи (1983 йилда 42 % ва 1994 йилда 45 %) сиёсатга унча қизиқмаган ёки умуман қизиқмаганлар салмоғидан (1983 йилда 58 % ва 1994 йилда 55 %) бирмунча кам бўлган. Сиёсатга қизиққанлар ва қизиқмаганлар сони деярли бир хил бўлган, бунда сиёсатга жуда қизиқувчилар ва сиёсатга нисбатан мутлақо бефарқлар камчилиги ташкил этган (1983 йилда 11 ва 24 %; 1994 йилда 10 ва 18 %). Сиёсатга нисбатан қизиқиш даражасига кўра, ЕИнинг алоҳида мамлакатлари бир-биридан жиддий фарқ қилади. Масалан, 1994 йилда сўровдан ўтказилганлар орасида сиёсатга катта ва мўтадил қизиқиш билдирганлар ЕИ бўйича ўрта ҳисобда 55 %, Данияда — 72 %, Германияда — 42 %, Испанияда — 37 %, Португалияда — 26 % ни ташкил этган. Буюк Британияда бу кўрсаткич ЕИ бўйича ўртача кўрсаткичга тенг бўлган — 55 %¹. «Демократлаштиришнинг биринчи тўлқини» мамлакатларида (1848—1934; Дания, Буюк Британия) сиёсатга қизиқиш «демократлаштиришнинг иккинчи тўлқини» мамлакатларидагидан (1949—1968; Германия) анча кучли. Ўз навбатида, бундай қизиқиш Германияда «демократлаштиришнинг учинчи тўлқини» мамлакатларидагидан (1974—1991; Испания, Португалия) кучлироқ. АҚШда сиёсатга қизиқиш даражаси дастлабки икки муқобиллар бўйича 1990 йилда 61 % ни ташкил этган, яъни Европадаги ўртача кўрсаткичдан баланд бўлган. Мазкур маълумотларга асосланиб, фуқаролар маданияти элементларининг ривожланиши демократик институтлар фаолиятида иштирок этиш тажрибасининг катталигига боғлиқ, деган хулоса чиқариш мумкин.

Демократия фаолиятдан қониқиш даражасининг таҳлилида ҳам шундай манзарага дуч келиш мумкин. ЕИда демократиядан қониққанлар (тўла ёки қисман) ва қониқмаганларнинг нисбати бутун давр мобайнида деярли ўзгармаган: 1987 йилда 50/46 % ва 1994 йилда 51/46 %. 1989—1990 йилларда мазкур кўрсаткичдаги ўзгаришлар умумий манзарага деярли тузатиш киритмайди. Шу билан бирга, алоҳида мамлакатларда мазкур кўрсаткич жиддий фарқ қилади. 1994 йилда демократиядан тўла ёки қисман қониққанлар салмоғи Данияда 82 %, Германияда — 59 %, Португалияда — 48 %, Испанияда — 34 %. Буюк Британияда бу кўрсаткич ЕИ бўйича ўртача кўрсаткичга тенг бўлган — 51 %². Демократиядан қониққанликнинг бундай даражасини норматив, сиёсий тизимнинг барқарорлигини таъминлаш учун етарли деб ҳисоблаш мумкин.

«Евробарометр» қайд этган қарама-қарши сиёсий позициялар мувозанати (манфаатдорлик — манфаатсизлик, қониққанлик — қониқмаган-

¹ Қаранг: Eurobarometer. Public Opinion in the European Union. Trend Variables. 1973—1994. 1994. November. — P. 161—166.

² Ўша жойда — 21—35-б.

лик) Альмонд ва Верба ишлаб чиққан фуқаролар маданияти моделига тўлиқ мос келади (бу моделларни биз 4.2-§ да кўриб чиққанмиз). Бу ҳол вакиллик демократияси тизимида фуқаролар маданиятининг қарама-қарши функцияси билан изоҳланади: у мазкур тизимнинг барқарорлиги ва самарадорлигини бирваракай таъминлаши керак. Бундан ташқари, алоҳида мамлакатлар аҳолисининг маданияти сиёсий иштирокнинг ўзига хос таърибаси асосида шаклланишини эътиборга олиш лозим, шунинг учун ҳам демократиянинг барқарорлиги ва самарадорлигини юқорида кўрсатилган қарама-қарши позицияларнинг ҳар хил нисбатида таъминлаш мумкин.

Гэллуп институти 1985 йилда ўтказган халқаро тадқиқот натижаларига қараганда, «бошқа 12 та Фарб мамлакатининг фуқароларига таққослаганда, америкаликларни уларнинг демократик бошқарув шакли фақат ўрта ҳисобдагина қониқтиради»¹.

Тадқиқотда ҳар хил манзара қайд этилди. Жумладан, АҚШ аҳолисининг демократиядан қониққанлик даражаси Португалиядагидан анча юқорилиги аниқланди. Бу табиийдир. Зеро, 70-йилларнинг ўрталарига-ча Португалияда диктатура ҳукм сурган. Шу билан бир вақтда, Испания аҳолисининг демократиядан қониққанлик даражаси АҚШ аҳолисининг демократиядан қониққанлик даражаси билан деярли бир хиллиги қайд этилди. Ваҳоланки, Испанияда ҳам 70-йилларнинг иккинчи ярмигача диктатура ҳукм сурган. Ниҳоят, АҚШ бу жиҳатдан демократия фақат Иккинчи жаҳон урушидан кейин вужудга келган ва фуқаролар маданиятининг кўпгина мезонларига кўра 60-йилларнинг бошида АҚШдан орқада бўлган Германиядан ортда эканлиги аниқланди². Масалан, АҚШда сўровдан ўтказилганларнинг 43 %, Германияда эса — 34 % сиёсий кампанияларга «катта эътибор» берган (2-жадвал). Куйидаги жадвалда «Миллий сайловлар пайтида сиёсий кампанияларга қандай эътибор берасиз?» деган саволга жавобларнинг натижалари бўйича олинган маълумотлар келтирилган.

Одатда, норозилик билдиришга тайёрлик ва норозилик акцияларида реал иштирок этиш ўзаро мос келмайди. Альмонд ва Вербанинг фикрича, фуқароларнинг бу «таъсир кўрсатиш салоҳияти» элитанинг масъулиятини оширувчи омиллардан бири бўлиб хизмат қилади³.

В. Рукавишников, Л. Халман ва П. Эстер ўтказган халқаро тадқиқот натижалари АҚШ ва Европа мамлакатлари аҳолисининг норозилик акцияларида иштирок этишга тайёрлигида фарқлар мавжудлигини кўрсатади⁴.

¹ Janda R., Berry J. M., Goldman J. The Challenge of Democracy. Government in America. — Princeton, 1989. — P. 55.

² Қаранг: Almond G., Verba S. The Civil Culture: Political Attitudes and Democracy in Five Nations. — Princeton, 1963. — P. 218, 302, 304.

³ Қаранг: Альмонд Г., Верба С. Гражданская культура и стабильность демократии // Политические исследования. — 1992. — №4. — С. 125—126.

⁴ Батафил маълумот учун қаранг: Рукавишников В., Халман Л., Эстер П. Политические культуры и социальные изменения. Международные сравнения. — М., 1998. — С. 180.

**Сиёсий кампанияларга муносабат, %
(1959–1960 йилларда ўтказилган халқаро қиёсий тадқиқот)¹**

Жавоб вариантлари	АҚШ	Буюк Британия	Германия	Италия	Мексика
Катта эътибор бераман	43	25	34	17	15
Катта эътибор бермайман	44	47	34	25	38
Кам эътибор бераман	12	29	27	54	45

Тадқиқот натижалари бойкотлар, намоишлар ва рухсатсиз иш ташлашлар шаклида норозилик билдиришга тайёрлик даражаси АҚШда юқорида санаб ўтилган Европа мамлакатларидагига қараганда ўрта ҳисобда анча баландлигини кўрсатмоқда. Мурожаатномаларга имзо чекишда иштирок этишга энг катта тайёрлик — Португалияда, бойкотларда иштирок этишга энг катта тайёрлик — Италияда, намоишларда иштирок этишга энг катта тайёрлик — Португалияда, иш ташлашларда ҳамда биноларни эгаллаб олиш ва йўлларни қамал қилишда иштирок этишга энг катта тайёрлик Францияда қайд этилди. Умуман олганда, норозилик акцияларининг барча шаклларида иштирок этишга тайёрлигини Европа мамлакатларида ҳам, АҚШда ҳам сўралганларнинг учдан бир қисми маълум қилган.

Юқорида зикр этилган барча кўрсаткичлар бўйича АҚШ аҳолиси Буюк Британия ва Германия аҳолисидан ўзиб кетди. Аммо сайловда иштирок этиш даражасига кўра у нафақат мазкур Ғарб мамлакатларидан, ҳатто Шарқий Европадаги айрим мамлакатлардан ҳам орқада². Бу факт сиёсий хулқ-атворнинг барча шакллари ҳам фуқаролар маданиятини намоён этиш шакллари деб ҳисоблаб бўлмаслигини кўрсатади. Оддий сайловчиларнинг аксарияти аслида сиёсий жиҳатдан пассивдир, чунки сайловлар оралигидаги даврда улар сиёсий ҳаётга ҳеч қандай қизиқиш билдирмайдилар. Бундай қизиқишнинг ривожланиш даражаси, юқорида қайд этиб ўтилганидек, АҚШ аҳолисида Буюк Британия ва Германия аҳолисидан баланд. Шунинг учун ҳам бу мамлакатда фуқароларнинг кундалик сиёсий ҳаётда иштирок этиш даражаси ҳам баланддир.

Сиёсий иштирок кўрсаткичлари жумласига конвенционал хулқ-атворнинг партияларга ва бошқа сиёсий ташкилотларга аъзолик, шунинг-

¹ Жадвал манбаи: *Almond G., Verba S. The Civil Culture. Political Attitudes and Democracy in Five Nations.* — Princeton, 1963. — P. 89.

² Қаранг: *Janda R., Berry J. M., Goldman J. The Challenge of Democracy. Government in America.* — Princeton, 1989. — P. 240–241.

дек уларнинг кундалик фаолиятида иштирок этиш сингари шакллари ҳам киритиш мумкин. Ўтказилган қиёсий тадқиқотлардан бири (1974) бу ҳақда маълум тасаввур ҳосил қилиш имконини беради.

Ўрганилаётган икки белги бўйича мамлакатлар ўртасида жиддий тафовутлар, шунингдек сўралганлар орасида партия аъзолари ва фаоллари салмоғида номувофиқлик қайд этилди. Баъзи бир ҳолларда (Австрия ва Германия) аҳоли партияларга аъзоликни афзал кўрса, бошқа ҳолларда (АҚШ ва Япония) партия учун ишлашни афзал кўради¹. Бу мамлакатларнинг ҳаммаси постиндустриал ва демократик мамлакатлар жумласига киради, улар аҳолисининг сиёсий маданиятини эса фуқаролар сиёсий маданияти деб эътироф этиш мумкин. Бинобарин, турли индустриал ва постиндустриал мамлакатларда фуқаролар маданияти алоҳида кўрсаткичларининг ривожланиш даражасида жиддий тафовутлар бўлиши мумкин. Демократияга ўтиш босқичидаги мамлакатлар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Сиёсатда иштирок этиш билан бир қаторда, ҳокимият органлари қабул қилаётган қарорларга таъсир кўрсатишга қодирликни ҳис қилиш фуқаролар маданиятининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. «Қайта кўрилган фуқаролар маданияти»да бу кўрсаткич маҳаллий ва миллий миқёсда қараб чиқилган (3-жадвал).

Фуқаролар лаёқати, 1959–1974 йиллар, %²

Мамлакат	Маҳаллий лаёқат		Миллий лаёқат	
	1959 йил	1974 йил	1959 йил	1974 йил
АҚШ	77	77	75	82
Буюк Британия	78	74	62	66
Германия	62	70	38	59

Миллий ва маҳаллий миқёсда адолатсиз қарорлар қабул қилинган тақдирда ҳаракат қилишга қодир бўлган одамлар салмоғи АҚШ ва Буюк Британияда 1959 йилда Германиядагидан анча катта бўлган. 1974 йилда Германияда сиёсий лаёқатли фуқаролар салмоғи 1959 йилдагидан анча ортди (айниқса миллий миқёсда). Бу ҳокимият қарорларига таъсир кўрсатишга қодирликка ишонч оддий фуқароларда сиёсий иштирок тажри-

¹ Қаранг: *The Civil Culture Revisited* / Ed. by G. Almond and S. Verba. — Newbury Park, 1989. — P. 249.

² Жадвал манбаи: Ўша жойда. — 232–6.

басининг тўпланишига ва, энг муҳими, демократик институтларнинг мустақамланишига қараб вужудга келади, деган қарашнинг тўғрилигини яна бир қарра тасдиқлайди. Шуниси қизиқки, АҚШда ҳокимият қарорларига таъсир кўрсатишга ўзини лаёқатсиз деб ҳисоблайдиган фуқаролар салмоғи сиёсий кампаниялар билан қизиқмайдиган одамлар салмоғи билан деярли бир хил¹.

Демократияга тарафдорлик ривожланган ва ўта ривожланган мамлакатлар аҳолиси фуқаролар маданиятининг умумлашган элементи дидир. «Евробарометр» агентлиги ўтказган сўровлар натижасида мавжуд жамият тузилишига аҳолининг тарафдорлиги даражаси ЕИ мамлакатларида анча баланд эканлиги аниқланди: сўровдан ўтказилганларнинг жуда оз қисми жамият тузилишини инқилобий ҳаракатлар ёрдамида тубдан ўзгартириш мумкинлигини қайд этган. Кўпчилик уни ислохотлар ёрдамида аста-секин яхшилашни ёқлаган².

Энди ривожланган ва ўта ривожланган мамлакатларнинг аҳолиси таянувчи қадриятларни кўриб чиқамиз. *Қадриятлар — интилиш керак бўлган мақсадлар ҳақида умум эътироф этган эътиқодлардир.* Демократик қадриятлар икки юз йил муқаддам, ҳозирги замон вакиллик тизимининг дастлабки шаклланиш даврида эълон қилинган эди. Бундай қадриятлар жумласига эркинлик, тенглик, адолат ва инсон ҳуқуқлари киради. Қадриятларни ўрганишда бу тушунчалар одатда бир-бирига қарши қўйилади, яъни респондентлардан икки тушунчанинг қайси бири муҳимлиги сўралади.

Р. Жанд, Ж. М. Берри ва Ж. Голдман ўтказган тадқиқот натижаларининг таҳлили АҚШ ва Буюк Британия аҳолисининг мутлақ кўпчилиги тенгликдан эркинликни афзал билишини кўрсатди. Францияда бу устунлик юқоридагидек узил-кесил бўлмаган. Қолган мамлакатларда тенглик ва эркинликка деярли бир хил муносабат кузатилган³. Бу фуқаролар маданиятининг асосий элементлари юксак даражада ривожланган мамлакатларда аҳолининг кўпчилиги давлат ёрдамисиз шахсий муваффақиятга эришиш имконини берувчи эркинликни афзал билишини кўрсатади. Бундай маданият кам ривожланган мамлакатларда аҳоли тенг иккига бўлинади: унинг бир қисми эркинликни, иккинчи қисми тенгликни афзал кўради. Бу мамлакатлар орасида, В. Рукавишников, Л. Халман ва П. Эстернинг фикрича, Германияда фуқаролар маданияти етакчилик қилади ва вакиллик демократиясининг барқарор тизими ҳукм

¹ Батафил маълумот учун қаранг: Каменская Г. В. Политическая культура США // Мировая экономика и международные отношения. — 1993. — №4; Ордежук П. Американская политическая система: поиск эффективной демократии // Свободная мысль. — 1991. — №14. — С. 44-55.

² Қаранг: Eurobarometer. Public Opinion in the European Union. Trend Variables. 1973-1994. 1994. November. — Р. 37-49.

³ Қаранг: Janda R., Berry J. M., Goldman J. The Challenge of Democracy. Government in America. — Princeton, 1989. — Р. 22.

суради¹. Келтирилган маълумотлар асосида фуқаролар маданиятининг либерал варианты билан бир қаторда, сиёсий тизимнинг (Альмонд типологиясига мувофиқ) Европа континентал типига кўпроқ мос келадиган либерал-эгалитар варианты ҳам мавжуд деб тахмин қилиш мумкин. 1990—1991 йилларда Европада ўтказилган қадриятларни ўрганиш маълумотлари ҳам бу хулосани маълум даражада тасдиқлайди².

Айтилганларни умумлаштириб, ривожланган мамлакатларда мавжуд мафкуравий ихтилофлар билан фуқаролар маданияти ўртасида бевосита боғлиқлик мавжуд эмас деб қайд этиш мумкин. Либерал, консерватив ва социал-демократик қадриятларнинг тарафдорлари демократия тарафдорлари бўлишлари ҳам мумкин ва улар ҳокимият тепасида бўлган даврларида буни кўп марта исботлаганлар. Афтидан, бу инструментал қадриятлар фуқаролар маданиятига жиддий таъсир кўрсатмайди; унга кундалик ҳаётий қадриятлар кўпроқ таъсир кўрсатади.

11.2. Япониянинг анъанавий сиёсий маданияти

Япониянинг урушдан кейинги тарихида сиёсий маданият кўп жиҳатдан эволюция йўли билан ўзгарган ва жуда мураккаб ривожланиш йўлини босиб ўтган ҳодиса сингари намоён бўлади. Иккинчи жаҳон урушидаги мағлубият мамлакат учун улкан маданий йўқотишни, 1868 йилги Мэйдзи инқилоби давридан бошлаб қарийб бир аср ҳукм сурган сиёсий ва мафкуравий стереотипларнинг бузилишини англатар эди³.

Биринчи навбатда «япон миллатининг илоҳий мақоми», қуроли кучларининг енгилмаслиги, император оиласининг «илоҳий келиб чиқиши» ҳақидаги ва авторитар-милитаристик тузумнинг бошқа шунга ўхшаш кўпол ва ибтидоий мафкуравий ақидаларига путур етди. Шу билан бирга, бу ижтимоий онг ва сиёсий вазиятдаги эндоген ўзгаришлар туфайли эмас, фақат ҳарбий мағлубият ва капитуляция, АҚШ оккупацион маъмурияти олиб кирган мамлакатни демократлаштиришга қаратилган янги сиёсат туфайли содир бўлди.

Шунга қарамай, капитуляция ва оккупациянинг маданий-сиёсий оқибатлари, авваламбор, оммавий сиёсий онг ва сиёсий қарашларнинг энг юзаки қатламларига таъсир кўрсатди, сиёсий воқеликни лоқайд-турғун идрок этиш негизига, умуман олганда, путур етказмади. Япония сиёсий маданиятининг негизини ташкил этувчи сиёсий хулқ-атворнинг асосий принциплари эмас, балки муайян сиёсий институтлар, ғоявий, сиёсий догмалар таназзулга учради.

Япониянинг анъанавий сиёсий маданиятида консерватизмнинг ва сиёсий ҳаётда иштирок этишга нисбатан пассив муносабатнинг илдиз

¹ Қаранг: Рукавишников В., Халман Л., Эстер П. Политические культуры и социальные изменения. Международные сравнения. — М., 1998. — С. 193.

² Уша жойда. — С. 131.

³ Қаранг: Япония: полвека обновления / Под. ред. В. Б. Рамзес. — М., 1995. — С. 124.

отишига олиб келган бир қатор жиҳатлар кўзга ташланади. Япон культурологи К. Накамуранинг таъбири билан айтганда, бу «тўфон типига мансуб маданиятдир». Тўфонлар зонасининг иқлими сингари, у ёронлар ва даҳшатли вайронгарчиликлар даврларига вақтинча тўқнаш келади, тўфон ўтиб кетганидан кейин эса осмон яна мусаффо тус олади ва жамият ўзининг аввалги ҳолатига қайтади¹.

Сиёсий ҳулқ-атвор анъанавий стереотипларининг илдизи қишлоқ жамоаси ҳаётининг маданий принципларига бориб тақалади. Бир қатор япон олимлари бу маданият типини «қишлоқ жамияти» маданияти деб таърифлаганлар.

«**Ва**» тушунчаси мазкур принципларнинг энг муҳимларидан бирidir. Буни тахминан «уйғунлик принципи» деб таржима қилиш мумкин². «**Ва**» ижтимоий организмни можаросиз муносабатларни қўллаб-қувватлашга, муҳолифликни хуш кўрмасликка, камчиликнинг фикрига қўшилмасликка йўналтиради. Амалда бундай кўрсатма ижтимоий белгиланган ҳулқ-атвор нормалари ва билдириладиган қарашлар («татэмаэ») ҳамда шахснинг шахсий позициясини («хоннэ») қарама-қарши қўйиш орқали амалга оширилади. Япон ижтимоий организми ҳаётида «хоннэ» фақат шахснинг ўзини ўзи баҳолаши ва ўзини ўзи идрок этиши учун муҳимдир, аммо у жамият томонидан эътироф этилган «татэмаэ» билан ихтилофга киришган тақдирда шахс бу «хоннэ»ни нафақат ҳимоя қилиши, ҳатто билдириши ҳам мумкин эмас.

Шундай қилиб, япон сиёсий маданиятида «**Ва**» ижтимоий уйғунлигини сақлаш йўлида «татэмаэ»нинг устун қўйилиши муайян ижтимоий организмда ҳар қандай муқобил қарашнинг пайдо бўлишини қонунга зид қилиб қўяди. Амалда бу принцип ҳатто кўпчилик фикрининг устунлигига ҳам эмас, эски қарашлар ва ҳулқ-атвор нормалари ёки ўзига маъқул «татэмаэ»ни шакллантириш имкониятига эга бўлган мазкур гуруҳ лидерларининг қарашлари билан муросасозликка олиб келади. Бундай тизим ҳатто ноортодоксал «хоннэ» иборасининг асослилигини истисно этгани учун унда кўпчиликнинг қарашларини аниқлаш механизми мавжуд эмас. Илгари мавжуд бўлган «татэмаэ» ёки расмий, кўпинча норасмий ҳокимият тузилмалари орқали «татэмаэ» деб тақдим этиш мумкин бўлган ғоялар ўз-ўзидан кўпчиликнинг фикри деб қабул қилинади.

«Оябун-кабун» («катта-кичик») муносабатлар тизими «**Ва**»нинг иккинчи муҳим механизмидир. Бу ҳодисага умумий тавсиф берган америкалик олим С. Фаррнинг фикрича, катталар ва кичиклар (шу жумладан ижтимоий ва сиёсий мақомига кўра) ўртасидаги яхши муносабатларни

¹ Иқтибос манбаи: Макаров А. А. Политическая власть в Японии: механизм функционирования на современном этапе. — М., 1988. — С. 77.

² Батафил маълумот учун қаранг: Кузнецов Ю. Д. и др. История Японии. — М., 1988. — С. 432.

японлар биринчи ўринга қўяди. Бундай муносабатларда кичиклар талаб этилган ҳар қандай ишни бажаришга бурчилик ҳисси доирасидан чиқувчи самимий тиришқоқлик кўрсатадилар. Шу тариқа улар ўз ҳаётларининг мазмуни ва мақсадига эга бўладилар.

Бу манзара анча идеалистик кўринади. Реал сиёсий ўйин қоидаларида у сиёсий мавқега эришишда индивидуализмни умуман қабул қилмасликни англатади. Жиддий сиёсатчи маълум гуруҳга мансуб бўлиши ва ўз сиёсий фаолиятини мазкур гуруҳнинг сардорларидан бирига бўйсунган гуруҳнинг кичик аъзоси сифатида бошлаши шарт. Гуруҳга содиқ бўлиш ва яхши хизмат қилиш сиёсий ўсиш билан мукофотланади. Сиёсий ўсишнинг бошқа йўллари анъанавий муқаддас принципларни бузиш деб қаралади. Аслида, бу тизимдан катта ҳам, кичик ҳам наф қўради. Катта мураккаб ички сиёсий тизимга аста-секин кириб боровчи итоаткор ижрочилик мақомига эга бўлади. Кичик эса зарур тажриба орттириш ва сиёсий иерархия поғоналаридан аста-секин кўтарилиш кафолатини қўлга киритади. Аммо сиёсий элитани шакллантиришнинг бу тизими сиёсий фаолиятнинг анъанавий асослари ва механизмлари сақланишига ҳам ёрдам беради.

«**Ва**» принципнинг консерватизмининг юридик йўл билан енгиш деярли мумкин эмас. Айни ҳолда сиёсий маданиятнинг императивларига нисбатан қонунни қўллаш амалиётининг муқаррар пойдеворини белгилаб берувчи теран маданий механизм таъсир кўрсатади.

Интеграциялашган ва табақалашган гуруҳ доирасида маданий-сиёсий янгиланишлар имконияти қаттиқ чекланган шароитларда япон жамиятида янги сиёсий нормалар вужудга келишининг реал механизми анъанага кўра сиёсий ёки ижтимоий-сиёсий бирлашмаларнинг шаклланиши билан белгиланган. Бундай бирлашмалар модернизация жараёнларининг таъсирига кўпроқ берилган бўлиб, муқобил сиёсий-маданий қадриятларни илгари сурган шахслар томонидан бошқарилган. Мэйдзи инқилоби жараёнида мазкур бирлашмалар вазифасини асосан Токугава марказий ҳукуматида муҳолиф бўлган ярим мустақил жанубий ва жануби-ғарбий князликлар, Мэйдзи даврида эса — эркинлик ва халқ ҳуқуқлари учун ҳаракат тўлқинида вужудга келган партиялар бажарган.

Урушдан кейинги тарихнинг дастлабки даврида юқоридагига ўхшаш вазифани АҚШ мустамлака маъмуриятининг мамлакатни демократлаштириш курсига таяниб япон сиёсий тизимида ўз мавқеини тиклаб олган сўл партиялар ва касаба уюшмалари бажарган.

Ёски гуруҳларнинг турғун қарашлари узоқ вақт сақланган шароитда бунёдкорлик руҳидаги ижтимоий-сиёсий бирлашмаларнинг пайдо бўлиши ва ўсиши орқали сиёсий маданиятга ўзгаришлар киритиш механизми япон жамиятида қарама-қарши субмаданиятлар мавжуд бўлган ва ўзаро кураш олиб борган даврга асос солди. Сиёсий ташкилотлар миқёсида у 1955 йилда Либерал-демократик партия (ЛДП)га бирлашган

консерватив партиялар ва етакчи мухолиф куч — социалистик партия (ЯСП, 1991 йилдан — ЯСДП)нинг узоқ давом этган қарама-қаршилигида ўз аксини топди¹. Бу қарама-қаршилиқнинг гоёвий томонини сирдан консерваторларнинг урушдан олдинги тузум негизларини сақлаб қолишга интилиш ва социал-демократлар эълон қилган социализмга ислохотлар йўли билан эришиш мақсадининг ўзаро кураши деб таърифлаш мумкин. Аммо амалда ЯСПга «социалистик танлов» партияси сифатида жуда кам эътибор қаратилган, унинг ўзи ҳам бунга жиддий эътибор бермаган. Консерваторлар-социалистларнинг реал сиёсий қарама-қаршилиги «қайта тиклаш — модернизация» йўналишида ва ҳарбий масалалар атрофида содир бўлди (ЯСП, анъанага кўра, ўзининг пацифистик қарашлари билан ном қозонган).

Шундай қилиб, анъанавий япон сиёсий маданияти деганда, омма психологиясидан фойдаланишга ҳамда жамиятни киборлар ва оддий меҳнаткашларга ажратишга асосланган қатъий табақалашган тузилиши тушунилади.

Сиёсий маданиятга сиёсий ва ижтимоий ўзгаришларнинг таъсири. 1955 йилдан бошлаб ягона ЛДП консерватив партияси сиёсий фаолияти мезонларининг ўзгариши ва жамият ижтимоий тузилишида содир бўлган жадал ўзгаришлар жараёни ҳам Япониянинг урушдан кейинги давр сиёсий маданиятида жиддий ўзгаришлар содир бўлишига туртки берди.

Хукмрон партия ҳисобланган ЛДП фаолиятида диққат урушдан олдинги даврдаги сиёсий қадриятларни сақлашдан мамлакатни иқтисодий ривожлантиришни рағбатлантиришга кўчирилганини қайд этиб ўтиш керак. 1955 йилда барча консерватив партияларнинг бирлашиши парламент сайловлари жараёнида мазкур йўналишдаги сиёсатчиларнинг узлуксиз рақобатига якун ясади. Консерваторлар ўртасида рақобат ўз ҳолича сақланиб қолди, аммо у миллий сиёсий сахнадан партиялар доирасига кўчди. Бу ерда ЛДП негизда ташкил топган фракциялар асосий ўрин тутди.

Янги шароитлар 1945—1955 йилларда консерваторлар беқарор бошқарувининг қуйидаги муҳим манбаларига барҳам берди:

1) моҳият эътибори билан ягона сўл мухолиф партия — ЯСПга қарши турган бир қатор консерватив парламент фракцияларининг мавжудлиги. Бу ҳол баъзан ЯСПни мамлакатдаги етакчи сиёсий кучга (1947 йилги сайловлар) айлантирар эди;

2) консерватив партияларнинг қарама-қаршилиги, баъзи бир консерватив партиялар ЯСП билан парламент иттифоқи тузишга интилиши миллий сиёсатга сўл кучлар таъсирини оширар эди².

Консерватив партиялар ЛДПга бирлашганидан сўнг парламентда ўринларни эгаллаш мақсадида ҳокимият учун кураш масаласи деярли

¹ Батафсил маълумот учун қarang: Япония. Карманная энциклопедия / Сост. В. Кофман и др. — М., 2000. — С. 240.

² Қarang: Япония: полвека обновления / Под. ред. В. Б. Рамзес. — М., 1995. — С. 233.

йўқолди. 50-йилларнинг охири — 60-йилларда мамлакатда консерватив кайфиятлар ҳукм суриши ҳар қандай сайловларда ЛДПнинг ғалаба қилишга шубҳа туғдирмас эди. Бу унга ўз фаолиятида асосий урғуни урушдан олдинги даврдаги сиёсий қадриятларни сақлашдан мамлакатни иқтисодий ривожлантиришни рағбатлантиришга кўчириш имконини берди. Натижада урушдан кейин давом этиб келаётган асосий сиёсий можаро ҳал бўлди.

Бошқа томондан, жамиятда гоёвий ихтилофлар камайиши шароитида мухолафат япон демократиясини ҳимоя қилишга қодир ягона куч мақомини йўқота бошлади. Туғрироғи, бундай демократияни ҳимоя қилиш масаласи аввалгидек долзарб бўлмай қолди. Бу вазиятда ҳарбий муаммони фаол илгари сурган мухолафат реал ижтимоий манфаатлардан четга чиқиб қолар эди. ЛДП иқтисодий сиёсатига самарали муқобилни ишлаб чиқишга қодир бўлмаган мухолафат деганда, унинг асосий ижтимоий негизи — уюшган ишчилар ҳаракати ва норози маргинал табақалар тушунила бошланди. Жамият маргиналлашиш даражасининг пасайиши консерваторлар иқтисодий сиёсатининг муҳим натижаларидан бири бўлди.

Шундай қилиб, япон жамиятининг урушдан кейинги тараққиётининг сиёсий омиллари гоёвий қарама-қаршилиқнинг камайишига туртки берди ва мухолафатнинг демократик қадриятларнинг бош ҳимоячиси сифатидаги мавқеини пасайтирди. ЯСП дастурларида «жаҳон социалистик инқилоби» шиорларининг мавжудлиги (ЯСПда бу шиор ҳамиша мавжуд бўлган, баъзи бир босқичларда бу куч ишлатишни ҳам назарда тутган) мухолафатга деструктив-аксидемократик тус ҳам берар эди.

Жадал иқтисодий ўсиш натижаси бўлган ижтимоий ўзгаришлар сиёсий маданиятнинг ривожланишига қарама-қарши рағбатлар ҳам берди. Авваламбор, япон консерватизми билан «**Ва**» маданияти сиёсий қадриятларининг муҳим ижтимоий таянчи бўлган қишлоқ аҳолисининг мақоми ўзгарди.

Катта шаҳарлар аҳолиси сонининг жадал кўпайиши сиёсий иродаси ҳамиша маҳаллий элитанинг назоратида бўлган ҳамжиҳат қишлоқ жамоасини сафарбар этишнинг анъанавий механизмларига путур етказди. Бунда аҳолининг кўшничилик муносабатлари шакллари шаҳарларда ҳам мавжуд, аммо унинг сиёсий роли, айниқса йирик мегаполисларда, қишлоқдагига қараганда анча паст, консерватив сайловчиларни бирлаштиришнинг анъанавий механизми ҳам бу ерда камроқ самара берди.

Сайлов округларининг ижтимоий таркибини таҳлил қилишда бу таъмоил янада яққол кўзга ташланади. Е. Кобаяси уларнинг қуйидаги типларини ажратади: ўта урбанизациялашган, урбанизациялашган, кам урбанизациялашган округлар, ўртача, кам аграр, аграр ва ўта аграр округлар¹.

¹ Иқтибос манбаи: *Шонбергер Р.* Японские методы управления производством. — М., 1988. — С. 108.

Жадал иқтисодий ўсиш билан бир вақтда, япон аҳолисининг маълумот даражаси ҳам жиддий кўтарилганини, тегишли равишда, газета ва телевидение ахборотини идрок этиш, кундалик сиёсий муаммоларни тушуниш қобилияти ҳам кучайганини қайд этиб ўтиш керак.

С. Фланнаган жадал иқтисодий ўсиш йилларида япон сайловчилари сиёсий продасининг муфассал схемасини тузди. Кўп сонли жамоатчилик фикрини ўрганиш натижаларини математик таҳлил қилишга асосланган бу схема тўрт элементга таянади.

1. Ҳозирги замон иқтисоди соҳаларида бандлик норозилар гуруҳларининг уюшишига (касаба уюшмаларига аъзоликка) олиб келади, бу эса, ўз навбатида, мухолафатга овоз берувчилар салмоғини оширади. Урбанизация ҳозирги замон иқтисоди соҳаларида бандлик билан узвий боғлиқ бўлгани тўғрисида, қуйидаги омилларнинг алоқадорлиги вужудга келади: аҳоли зичлиги — касаба уюшмалари ҳаракатининг уюшқоқлиги — мухолафатга овоз бериш.

2. Урбанизация, ҳозирги замон иқтисоди соҳаларида бандлик ва ҳозирги замон маданий қадриятлари каби омилларнинг ҳар бири аҳоли сафарбарлигини оширишга ёрдам беради. Аҳоли сафарбарлик даражасининг юқорилиги эса етакчи партия мавқеининг тушиб кетиши билан бевосита боғлиқ.

3. Ҳозирги замон маданий қадриятлари, сиёсий қадриятлари ва мухолафатга овоз бериш ўртасида бевосита алоқа мавжуд.

4. Ҳозирги замон маданий қадриятлари ва сиёсий қадриятлари, касаба уюшмаларига аъзолик сиёсатга бўлган қизиқиш ва эътиборни кучайтиради. Сиёсатга қизиқишнинг ортиши янада мафкуравийлашган синфий онгнинг ўсиши билан узвий боғлиқ. Ҳозирги замон иқтисоди соҳаларида бандлик ҳам синфий мафкурага эътиборни кучайтиради, синфий мафкура эса ўз ҳолича мухолафатга овоз беришга йўналтиради ва (энг муҳими) номзодни танлаш мезонларини ўзгартирадики, бу ҳол мухолафатни қўллаб-қувватлаш билан узвий боғлиқ.

Атроф муҳитнинг ифлосланиши муаммоси 60-йилларнинг охирида шаҳар аҳолисининг сиёсий психологиясига катта таъсир кўрсатган жадал иқтисодий ўсишнинг қўшимча самараси бўлди. Бунинг натижасида рўй берган ҳолатни Т. Мак-Дугалл шундай деб қайд этади: «Иқтисодий ўсиш натижасида консерваторлар шаҳарларда қўллаб-сайловчиларини йўқотди, чунки бу ўсиш консерваторларни қўллаб-қувватлашнинг муҳим негизи бўлмиш маҳаллий жамоаларнинг ҳамжиҳатлигига путур етказди ва парламентда минтақаларнинг анъанавий вакиллиги моделида мувофиқ равишда ҳал қилиш мумкин бўлмаган янги шаҳарлар муаммоларини вужудга келтирди. 1958—1972 йилларда йўл қурилиши, ишсизлик, ўқув юртлари билан таъминлаш муаммолари ўзининг аввалги долзарблигини йўқотди. Унинг ўрнига аксинча, тигиз йўл ҳаракати, истеъмол товарларининг сифати, атроф муҳитнинг ифлосланиши сингари

янги муаммолар вужудга келди. Ижтимоий таъминот масалалари янгидан ўртага ташланди. Аҳамияти камайган кўпгина муаммоларни муайян чекланган ҳудуд аҳолисининг маълум ҳуқуқларини таъминлаш модели ёрдамида ҳал қилиш мумкин эди. Аҳамияти янада ортган муаммолар жамият ва иқтисоднинг структуравий муаммолари бўлиб, уларни жамият неъматларини шунчаки кенгайтириш ва қайта тақсимлаш йўли билан ҳал қилиш мумкин эмас»¹.

XX асрнинг 60-йиллари охири — 70-йиллари бошида япон жамиятининг структуравий муаммолари авваламбор ўз муайян минтақасида атроф муҳитни муҳофаза қилиш муаммосидан ташвишга тушган ва консерватив маъмуриятга нисбатан ўта танқидий кайфиятда бўлган фуқароларнинг кўп сонли «норасмий» ҳаракатларига тўртки берди. Мухолиф партияларнинг фуқаролар ҳаракатлари томонидан қўллаб-қувватланиши 70-йилларнинг бошида урбанизациялашган префектураларнинг кўпчилигида (Канагава, Осака, Фукуока) «прогрессив» муниципалитетлар ва префектура маъмуриятлари — маҳаллий қонун чиқарувчи органларда мухолиф кўпчиликлари таянган мустақил мэрлар ва губернаторлар раҳбарлигидаги маҳаллий маъмуриятларнинг ташкил топишига олиб келди.

Фуқаролар ҳаракатларининг фаоллашуви Японияда сиёсий маданият ва сиёсий онг учун икки ёқлама аҳамиятга эга бўлди. Биринчидан, М. Мак-Кин қайд этганидек, фуқароларнинг ҳаракатлари сиёсий фаол фуқаролар доирасини кенгайтди, сиёсатга жиддий эътибор бермай келган «изоляциянистлар»ни сафарбар этди ва уларни муваққат сиёсий фаолларга айлантирди. «Изоляционистлар»нинг жадал фаолияти тажрибаси уларни сиёсий масалалар ҳақида ўйлашга мажбур қилган янада муҳим омилга айланиб борди. Эмоционал жиҳатдан бу тажриба уларнинг сиёсий онгига кучли таъсир кўрсатди ва мавжуд сиёсий вазиятдан норозиликни вужудга келтирди.

Иккинчидан, фуқароларнинг ҳаракатлари мухолиф партияларни ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг янги моделини яратди. Фуқароларнинг ҳаракатларида мухолафатнинг кўпгина тарафдорлари марксизм ёки сўл мафкуранинг бошқа шакллари тарафдорлари эмас эди. Улар, сўллар билан мафкуравий ва фалсафий ихтилофларга эга эканлигига қарамай, сўл партияларни қўллаб-қувватладилар, чунки ЯСП ва ЯКП уларнинг муаммоларига эътибор беришига, ЛДП эса уларни эътиборсиз қолдиришига ишонардилар.

Шундай қилиб, жадал иқтисодий ўсиш япон сиёсатида консерваторларнинг тарафдорларини камайтириб юборган, мухолиф партияларни эса кучайтирган модель вужудга келди. Шу билан бир вақтда, 40-йилларнинг охири — 50-йилларнинг бошидагидан фарқли ўлароқ, му-

¹ Иқтибос манбаи: Шонбергер Р. Японские методы управления производством. — М., 1988. — С. 114.

холафат энди ўз сиёсий дастурининг ғоявий жозибадорлигига таяна олмас эди. Касаба уюшмалари аъзоларининг иқтисодий манфаатларини янада самарали ҳимоя қилиш учун ўз сиёсий вакилликни кенгайтиришга ҳаракат қилган ишчилар ҳаракати ва манфаатлари кучайиб бораётган янги маҳаллий муаммолар вужудга келди. Жумладан, ЛДП фаолиятида эътиборга олинмаган экология муаммоларини ҳал қилиш билан чекланган фуқаролар ҳаракатининг кам мафкуравийлашган гуруҳи мухолафат ижтимоий негизининг бош манбаига айланди.

Жадал иқтисодий ўсиш даврининг юқорида қайд этилган сиёсий оқибатларидан ташқари, фаровонлик даражасининг кескин ортиши ва даромадлар даражасидаги тафовутнинг қисқариши японияликларнинг аксарият қисми ўзининг ўрта табақага мансуб эканлигини англаб етишига олиб келди.

Японияда «ўрта табақа» тушунчаси атрофида бўлган кўп сонли мунозаралар муносабати билан, мазкур идентификация ижтимоий-синфий мансубликка ҳам, синфий ўзини ўзи англашга ҳам боғлиқ эмаслигини қайд этиб ўтиш жоиз. Масалан, Япония социологлар жамиятининг 1975 йилда ўтказган жамоатчилик фикрини ўрганишга қаратилган сўрови натижаларига кўра, респондентларнинг 24,1 % ўзини ўрта синфга (табақага эмас), 71,0 % эса — ишчилар синфига мансуб деб топган. Аммо, бунда ўзига «капиталист» деб қаровчи одамларнинг 90,8 % ва ўзини ишчилар синфига мансуб деб билувчиларнинг 72,3 % аини вақтнинг ўзида ўзларини ўрта табақага ҳам мансуб деб билган¹.

Шундай қилиб, «ўрта табақа» деганда, ижтимоий-синфий тузилишнинг элементи эмас, балки ҳозирги замон Япония жамиятидаги шахс мақомининг таърифи тушунилади. Жумладан, Т. Сакайя «ўрта табақа» аҳолини мулкдорлик, даромадлар даражаси ва бошқа шунга ўхшаш мезонларга кўра тоифаларга объектив ажратишни эмас, шахснинг «ўзига ўхшашлар» гуруҳига мансублигига берган шахсий баҳосини билдиради, деб қайд этади. Бундай ўзини ўзи идентификация қилиш, авваламбор, истеъмол даражаси билан белгиланади. Н. Томита уни 60-йиллардаги оммавий истеъмол рамзлари — «уч илоҳий машина» (кир ювиш машинаси, чангютич, музлатгич) ҳамда «уч Ка» (рангли телевизор, автомобиль ва кондиционер) харид қилиш қобилияти билан боғлагани бежиз эмас².

Бу ҳолда тадқиқотчилар асосий эътиборни қаратувчи японларнинг «ўрта синфий онги» эмас, балки ишчилар синфининг кўпчилиги ўзини жамиятнинг ўрта ва олий табақаларига мансуб деб топиши аҳамиятга моликдир. Бу япон ишчилар синфи фақат объектив кўрсаткичларга кўра эмас, ўзининг ижтимоий психологиясига кўра ҳам классик «жамоа» тушунчасини англаш даражасидан ўсиб кетганини англатади. Уларнинг кўпчилиги ўзини жамиятдан ажратмайди ва унга ўзини қарши қўймай-

ди. Бу синф сон жиҳатидан аҳолининг мутлақ кўпчилигини ташкил этганлиги туфайли, 70-йилларга келиб фаровонлик даражасининг ошишига айнан шу синфнинг муносабати япон жамоатчилик фикри умумий психологик кайфиятининг асосига айланди. Бу муносабат одатда «мавжуд аҳволни сақлаб қолиш мақсадидаги консерватизм» ёки «истеъмолчилик консерватизми» атамалари билан таърифланади.

Бу атамалар жадал иқтисодий ўсиш даврида эришилган юксак турмуш даражасини сақлаб қолишга йўналтирилган қадриятлар ва қарашларнинг устуворлигидан келиб чиқувчи онг ва хулқ-атвор моделларини ифода этади. Бундай онг иқтисодий самарадорликнинг устуворлигини тан олади ва ҳозирги замон сиёсий тизимидаги ҳар қандай ўзгаришларни мутлақо инкор қилади.

Муайян сиёсий қарашларда бу кайфиятлар бир қарашда зиддиятли қонуниятларда ўз аксини топади. Фаровонликнинг ўсиш суръатлари сустлашганига қарамай, айнан 1974 йилдан бошлаб жамоатчилик фикрининг сўровларида турмуш даражасидан қониқиш ҳиссининг ортиб бораётгани аниқланмоқда.

Япония жамоатчилик фикрининг бир қатор кўрсаткичларни турли ижтимоий омиллар таъсири нуқтаи назаридан таҳлил қилиши натижасида Е. Кобаяси мазкур ҳодисанинг динамикасини белгиловчи икки асосий ўзакни ажратишга муваффақ бўлди. Биринчи ўзак — норози пессимистлар билан рози оптимистлар ўртасида дихотомик танлаш билан, иккинчиси — келажакка интилиш ва кундалик муаммоларни ҳал қилишга мойиллик ўртасидаги танлаш билан белгиланади. Бунда ЛДП тарафдорларининг психологик қиёфаси «мавжуд турмуш тарзидан маълум даражада қониққан ва истиқболни белгилашда таваккалчилик қилишдан қочишга интилган ҳолда ўз мавқеини сақлашга мойиллик» деб таърифланади. Бошқа томондан, мухолафатнинг етакчи кучи — ЯСП мавжуд аҳволдан норозиликка таянади ва норозиларнинг «муаммоларни ҳал қилишда давлат ва жамият бизга ёрдам берсин», деган талабларини илгари суради.

Японияда ўртача психологик қарашларнинг сўнгги ўн йилликлардаги эволюцияси сўл кучларнинг мавқеи тушиб бораётганидан далолат бермоқда. «Иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатлари» модели вужудга келишидан олдинги охириги йил — 1972 йилни таянч нуқтаси деб олдиган бўлсак, у танқидий ва пессимистик баҳоларнинг камайгани, кундалик муаммоларни ҳал қилишга интилиш кучайгани билан ажралиб туради. Бошқача айтганда, жадал иқтисодий ўсиш даврининг охириги йиллари ижтимоий вазият келажакка интилган гуруҳнинг норози қисми билан кундалик муаммоларни ҳал қилишга интилган гуруҳ ўртасида мувозийлашганини кўрсатади.

Жадал иқтисодий ўсиш модели инқирозга учраган 1972—74 йилларда норозилик кайфиятларининг кескин ортиши ва кундалик муаммо-

¹ Қаранг: Япония. Карманная энциклопедия / Сост. В. Кофман и др. — М., 2000. — С. 121—123.

² Қаранг: Шонбергер Р. Японские методы управления производством. — М., 1988. — С. 133.

ларни ҳал қилишга интилишнинг маълум даражада кучайиши, яъни сўл кучлар ижтимоий асосининг мустақамланиши кузатилди. Аммо 1974–78 йилларда танқидий кайфиятларнинг кескин камайиши ҳамда келажакка интилиш билан кундалик муаммоларни ҳал қилишга интилиш ўртасида мувозанат кузатилди. Бу вазият 1978–83 йилларда ўзгаришсиз сақланиб қолди. Шундай қилиб, мазкур давр учун келажакка интилган гуруҳнинг кенгайиши, яъни «истеъмолчилик консерватизми» кайфиятларининг кучайиши хос бўлди.

1983–85 йилларда оптимистлар салмоғи кескин қўпайди. Мазкур даврда консерваторларнинг сиёсий майдондаги мавқеи мустақамлангани бежиз эмас. Ниҳоят, 1985–88 йилларда (Кобаяси тадқиқоти тамомланган давр) оптимистик кайфиятлар жиддий камайди, шунингдек кундалик муаммоларни ҳал қилишга эътибор анча кучайди. Шунга қарамай, розилар–норозилар шкаласидаги мусбат кўрсаткич 80–йилларнинг охирига муҳолафат сиёсий устунликларни қўлга киритган давр, деб таъкидлаш имконини бермайди.

XX асрнинг 80–йилларида мавжуд аҳволдан аҳолининг қониққанлик даражасига кўра Япония етакчи ўринлардан бирини эгаллагани, бу борада АҚШ ва Ғарбий Европанинг қўпгина мамлакатларини ортда қолдирганини қайд этиб ўтиш керак. Тўла қониқиш даражаси унча катта эмаслигига қарамай, тараққиёт якунларининг умумий ижобий кўрсаткичлари айнан Японияда жуда баланд бўлиб чиқди ва бу ЛДПнинг ҳукмрон партия сифатидаги мавқеининг барқарорлашувига ёрдам берди.

Шундай қилиб, Япония сиёсий майдонида консерваторларнинг етакчилиги қилиши япон жамиятида кўпчилиكنинг яққол намоён бўлмаган ғоявий интилишларини эмас, мувофиқ танловни таклиф этмаган партия тизими тушган вазиятини акс эттиради.

Бу борада чиқарилган иккинчи хулоса Япониядаги ўрта табақанинг психологияси билан боғлиқ. Ўрта табақа ижтимоий–синфий тушунча эмас, балки ўзини ўзи баҳолаш мезонидир.

Ва, ниҳоят, Япониянинг анъанавий сиёсий маданияти деганда, кўпчилиكنинг психологиясидан фойдаланишга ҳамда жамиятнинг киборлар ва оддий меҳнаткашларга бўлинишига асосланган, «юқори»га тасодифий шахслар чиқиб қолишини истисно этадиган қатъий поғоналарга бўлиниш тушунилади.

11.3. Германия сиёсий маданиятининг назарий асослари ва аҳамияти

Германия сиёсий маданияти ва онгининг тузилиши ҳамда мазмуни муайян қизиқиш уйғотиши табиий. Зотан ГФРда сиёсий фаоллик ва, умуман, сиёсий жараёнлар Ғарбий Европадаги бошқа мамлакатлардаги-

га қараганда эътиборга молик бўлиб, уларни муфассал таҳлил қилиш имконини беради.

Германия сиёсий лексиконига «сиёсий маданият» тушунчаси кириб келганига ҳали қўп бўлгани йўқ. У сиёсат тилига фан орқали кириб келди, бир неча йил ичида немис сиёсати лексикасини забт этди ва ҳозирги кунда ҳамманинг тилида янграмоқда. Мазкур тушунчанинг қўп тилга олиниши унинг мазмунига ойдинлик киритишга ёрдам бергани йўқ. У ҳозирги замон сиёсат тилида сиёсатга нисбатан хулқ–атвор усуллари ва позицияларни таърифлаш учун, шунингдек демократик сиёсий ҳаракат ва тафаккур нормаларининг ифодаси сифатида қўлланила бошланди. Вақт ўтиши билан у илгари қўлланилган «сиёсий усул» ва «сиёсий ахлоқ» тушунчаларининг ўрнини эгалламоқда.

Сиёсий маданиятни сиёсий хулқ–атворнинг норматив кодексига тенглаштириш шунинг учун ҳам ўринлики, маданиятни гўзаллик, адолат–парварлик ва эзгулик ғояси билан боғлиқ ҳолда анъанавий немисча тушуниш аввалгидек фуқаролар онгида яшамоқда ва уни сиёсатга ўтказиш қийин иш эмас. «Анъанавий маданият» тушунчасининг эстетик мезонлари ўрнини ҳурмат қилиш демократиядан ажралмас бўлган сиёсий ахлоқ нормалари эгаллапти.

Немис сиёсатида одатий тус олган «сиёсий маданият» тушунчасини норматив тарзда қўллаш уни қадриятларга нисбатан бетараф эмас, балки ижобий тушунишни ўз ичига олади. Шу билан бирга, у «сиёсий маданиятсизлик» сингари лексик нуқтаи назардан шубҳали ибораларнинг ҳосил қилинишига ҳам олиб келди. Аммо «сиёсий маданият» тушунчасини сиёсатчилар учун хулқ–атвор кодекси ва сиёсий ҳодисаларга ёндашув маъносида қўллаш ҳам мазкур тушунчанинг хусусиятига путур етказмайди. Бунда фақат асосий сиёсий ҳодисаларга нисбатан янги ибора — «неологизм»нинг қўлланиши кўринадиди, зеро сиёсат ва ахлоқ чиндан ҳам ажралмас тушунчалардир.

«Сиёсий маданият» тушунчасини демократик сиёсий хулқ–атворнинг ифодаси сифатида қўллашга Германия ички сиёсатида содир бўлган бир қатор ҳодисалар туртки берди. Партияларни саноат корхоналарининг хайр–эҳсонлари орқали маблағ билан таъминлашдаги ва сайловолди курашини олиб бориш усулларидаги тартибсизликларни жамоатчилик демократик сиёсий маданият етишмаслигининг натижаси деб қабул қилди ва кучли танқид тиги остига олди.

Бундай ҳодисаларнинг фош этилиши партиялар ва сиёсатчиларнинг ахлоқига нисбатан жамоатчилик ишончининг тикланишига ёрдам бермади. Бошқа томондан, сиёсатчилар демократик сиёсий маданият қоидаларига риоя қилишлари шарт эканлигини тушуниш даражаси ортди. Нима бўлганда ҳам, сиёсат демократияга хос бўлган масъул сиёсий маданият мезонларига риоя қилишга интилар экан, бундан сиёсатнинг реал ҳаёт шароитларига мослашиши деб эътироф этиш лозим. Сўнгги йил-

лардаги баъзи бир сиёсий жанжаллар ва фирибгарликлар атрофида бўлган оммавий мунозаралар норматив тушуниладиган ГФР сиёсий маданиятини ривожлантириш учун ижобий туртки бергани шубҳасиз.

Сиёсий маданиятнинг норматив йўналиши ва сиёсий маданият тушунчасининг сиёсий мунозарада қўлланиши сиёсий маданиятни соф эмпирик тушунишга мойил айрим сиёсатшуносларда эътироз уйғотди. Зеро, бу ҳолда мазкур тушунчанинг сийқалашиши, ҳар қандай ҳолат ва вазиятларга нисбатан ҳуда-беҳуда қўлланиши хавфи мавжуд. Аммо барча йирик сиёсий умумлаштиришлар, шу жумладан, демократия ва эркинликнинг ҳам қисмати шудир. Бинобарин, дастлаб сиёсий маданиятни кенг тушунишдан келиб чиқилса ва фақат шундан кейин, мазкур маданиятнинг хилма-хил жиҳатларини муайян ўрганиш ва баҳолаш натижасида, ҳозирги замон демократиясида унинг ўрни аниқланса ва табақалаштирилса, тўғри бўлади.

Германияда турли ижтимоий гуруҳлар сиёсий қарашлари ва ҳуқуқ-атвор усулларининг шундай мажмуини яратишга муваффақ бўлиндики, унга мамлакатдаги асосий сиёсий ва иқтисодий тамойилнинг консенсуси деб қараш мумкин. Немис аҳолисининг сиёсий онги янги давлат билан кўп жиҳатдан муросаддир. Бошқа шароитларда демократик тизимга қарши ҳаракат қилган анъанавий элементлар ГФРда, унинг вужудга келиш тарихи ва ҳозирги тизимнинг етакчи партияларида демократия элементининг кучлилиги туфайли, ҳеч бир қийинчиликсиз уйғунлашди.

ГФРда конституция доирасидаги келишув ва муроса шу қадар кучли бўлдики, Германия сиёсий маданияти анъанасида кўплаб таянч нуқталарига эга бўлган радикал сиёсий гуруҳлар сиёсатга ва фуқароларнинг сиёсий онгига ҳал қилувчи таъсир кўрсата олмадилар. Аксинча, эмпирик сўровларнинг натижаларига қараганда, ГФР фуқароларининг мутлақ кўпчилиги унинг давлат тузумига ижобий муносабатддир. «Бундесбюргерларнинг кўпчилиги (1972 йилда) ўз давлатини демократик, адолатли, бағрикенг ва ишончли деб ҳисоблайди. Давлат тузилиши, уларнинг назарида, ҳаддан ташқари кучли ҳам, ҳаддан ташқари кучсиз ҳам эмас, балки айни муддао даражасидадир. Уларнинг 80 % бу давлат ташкилоти ишини яхши баҳолайди, кўпчилик ундан мамнун. Давлат иқтисодни рағбатлантираётир. Бунинг устига, кўпчилик уни замонавий, очиқ ва тараққийпарвар деб ҳисоблаётир»¹. Орадан 20 йил ўтиб бундай баҳолашларнинг ижобий мазмуни бирмунча йўқолди.

Сўровдан ўтказилганларнинг кўпчилиги ГФРда эркинлик, фаронлик ва тартиб ҳукм сураётган давлатни кўради. Бошқа томондан, худди шу сўровлар сиёсат фуқаролар манфаатларининг асосини ташкил этмаслигини кўрсатди. Улар шахсий ишлар ва эҳтиёжларни сиёсатдан анча устун қўядилар. Натижада фуқаролар давлатдан маълум даражада

узоқлашмоқдаларки, бунга мазкур позиция муҳолифлари «носиёсийлашиш» деб таъриф бермоқдалар. Эмпирик сўровларда бундай носиёсийлашишнинг бир қатор асослари ҳам аниқланмоқда. Аммо бу ўринда сиёсий манфаатлар олий устуворликка эга бўлган тўлиқ сиёсийлашган ва, шу билан бир вақтда, эркин жамиятни қандай тасаввур қилиш мумкин, деган савол туғилади.

Германия фуқароларининг ўз давлатига муносабатида «ижтимоий давлат» тушунчаси билан қамраб олинган фуқаронинг ижтимоий борлиққа муносабати ҳам ўз ифодасини топган. Фуқаролар давлатдан тартибни сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш функцияларининг бажарилишини кутибгина қолмай, унга ўз ижтимоий ва иқтисодий эҳтиёжларини қондириш мажбуриятини ҳам юклайдилар. Фуқаролар тасаввурини да юқоридагиларга қўшимча тарзда уларга ҳаётда зарур ёрдам кўрсатувчи лаёқатли, ғамхўр давлат манзараси ҳам намоён бўлади. Давлатга нисбатан фуқароларнинг муносабатидаги бу ўзгариш ҳақида ёрқин тасаввур ҳосил қилиш учун «қаттиққўл ота ўрнини ғамхўр она эгаллапти» деган иборани қўллаш мумкин.

Умуман олганда, сиёсий маданият, айниқса Германия бирлашган пайтдан бошлаб, анча мураккаб мазмун касб этди. Охириг икки ўн йилликда Германия сиёсий маданиятида анъаналардан туб узилиш ва сиёсий қарашларда шундай кескин ўзгаришлар содир бўлдики, натижада ягона сиёсий маданият ҳали шаклланиб улгурганича йўқ.

Сиёсий анъаналар. Германияда ҳеч қандай умумий сиёсий анъана ва сиёсий муассасаларнинг тарихий ворисийлиги мавжуд эмас. Турли даврларда ташқи шароитларга қараб ҳар хил кучга эга бўлган анъана элементлари мавжуд бўлади. Бу анъаналар ҳозирги кунгача сиёсий ва ижтимоий онгни белгилаб келаётир. И. Гросс қайд этиб ўтганидек, немисларга кучли таъсир кўрсатган ва уларнинг ўзи ҳақидаги тасаввурларини белгилаган даврлар ўрта асрларнинг охиридан диний урушлар якунигача бўлган даврлар, романтизм даври ва Вильгельм ҳукмронлиги остидаги грюндерлик даврларидир. Марказий давлат ташкилоти ва бутун Германия пойтахти жозибали кучининг йўқлиги сиёсий маданиятнинг парчаланишига олиб келди.

Романтизм сиёсий жиҳатдан эркин фуқаро, соф идеалист бўлмаган ҳолда, ўзига ўхшашлар билан бажонидил алоқа қилувчи (жамоавий онг) сиёсатдан йироқ немиснинг идеал образини яратди. Вильгельм даври миллий обрў қозониш иштиёқи билан қаттиқ реал сиёсатнинг уйғунлигини вужудга келтирдики, у XX асрда Германияни Европа сиёсий майдонида мураккаб ҳамкорга айлантирди, XIX асрда базўр барқарорлашган Европадаги мувозанатни хавф остида қолдирди. Вильгельминизмда мустақкам иқтисодий қудратдан ифтихор туйғуси сиёсий куч сифатида оламшумул аҳамият касб этишга интилиш билан чатишиб кетди.

¹ Koch M. Die Deutschen und ihr Staat. — Hamburg, 1972. — S. 140.

Германиянинг Европа марказида жойлашган, жаҳоннинг бу қитъа-сида тарихий вазифани бажаришга бурчли бўлган кучли давлат сифати-даги алоҳида ролига оид бундай тасаввурларнинг ғоявий негизларига романтизм даврида асос солинди. Ўша даврда Германия руҳининг та-рафдорлари ғарбий тафаккур ва ғарбий анъаналарнинг қабул қилини-шига қаттиқ қаршилиқ кўрсатдилар. Бу ҳол анъанавий мулкдорлик ту-зилишини ҳимоя қилиш ҳақида қайғурибгина қолмай, механик тузил-ган Ғарб либерализмига қарши уйғунлик ғояси, индивидуаллик ва шахс эркинлигига қарши яхлитлик ва жамоавийлик ғояси, ниҳоят, немис миллати бутун дунёни соғломлаштиришга бурчли, деган мессиянча та-саввур сингари хавфли қарашлар ёрдамида ҳаракат қилган немис кон-серватизмининг вужудга келишига олиб келди.

Урушдан олдинги даврдаги Германия иқтисод ва фаннинг оқилона воситалари билан техник жиҳатдан тараққий этган индустриал жамият куришга ўзининг бутун кучини қаратган сиёсий фалсафа билан ривож-ланди ва бу борада жиддий муваффақиятларни қўлга киритди. Бошқа томондан, ғоявий-сиёсий соҳада у — айниқса 1914 йилда — мамлакат ичида ва сиртида ҳимоя қилган ўзига хос партикуляризм ва иррациона-лизм билан ўралашиб қолди.

Шундай қилиб, немисларнинг ҳозирги даврдаги сиёсий онги ва сиёсий хулқ-атвори баъзан қарама-қарши тамойиллар вужудга келтир-ган кўпгина тарихий омиллар билан изоҳланади. Аммо бир-бирига ури-либ жаранглаётган қиличлар, мақтанчоқ немислар, реакциян прусс юнкерлари, урушқоқ милитаристлар, қўлини икки ёнига тушириб ғоз турган итоаткор табаалар образи фақат XX асрнинг бошида вужудга келди. Ғарбий демократияларнинг немисларга муносабатини, аввалам-бор, мана шу образ белгилаб берди. Ваҳоланки, либерал матбуот карикатураларида тасвирланган бундай Германияга қараб бутун Германия ҳақида хулоса чиқариш нотўғри бўлар эди¹.

Национал-социализм ўзининг империалистик ва жиноий сиёсати, гигантизмга мойил технократик романтикаси, ваҳшиёна ирқий таъли-моти ва пухта тузилган тоталитар давлат механизми билан немис сал-бий образи яна бутун дунёга тарқалишига сабабчи бўлди. Немислар ўзла-рини демократияни жиддий идрок этувчилар қаторига ҳақли равишда қўяётган ҳозирги кунда уларнинг «имижи» чет элда ҳамон инсоният 1914–1945 йилларда тўплаган салбий тажриба билан белгиланаётганини тушунишга қийналадилар.

Ҳар қандай теран тарихий бурилиш сиёсий онгни ўзгартиради. Бун-да у ёки бу халқ ҳаётининг ташқи шарт-шароитлари ҳам инобатга оли-нади. Национал-социализмнинг ҳалокати немис сиёсий онгида мана

¹ Қаранг: Штейнер Э. Политическая культура Германии // Политические исследования. — 1998. — №3. — С. 36.

шундай бурилиш ясади. Германия ижтимоий-сиёсий организм сифатида фақат уни ҳалокатга олиб келган маълум сиёсий анъаналардан воз ке-чишга тайёр бўлган тақдирда қайта тикланиши мумкин эди.

Дарҳақиқат, Иккинчи жаҳон урушидан сўнг немислар национал-со-циалистик, милитаристик ва аксилдемократик анъаналардан батамом ва қатъиян воз кечдилар. Германия Ғарб тараққиёти мамлакатига айланди.

Ҳалокатни бошдан кечиргач, Германия ўзининг ғарбий демокра-тик салоҳиятини рўёбга чиқариш ва ривожлантиришга муваффақ бўлди. Аммо мазкур доиралар ичида Германиянинг XIX асрда либерал кон-ституция ва парламент тизимига эга бўлишига йўл қўймаган баъзи бир анъаналар таъсир кўрсатишда давом этди. Бундай анъаналарга қуйида қисқача тўхталамиз.

Этатистик анъана. Ўтмишнинг сақланиб қолган анъаналари ора-сида, энг аввало, диний урушлар асридан сўнг абсолютизмга ўсиб кир-ган этатистик анъанани тилга олиш лозим. Германияда давлат ҳамиша катта аҳамиятга эга бўлган. Гегель давлатга маънавий ғояни амалга оши-рувчи куч деб қараган, унинг кўп сонли салафлари эса давлатни тар-тибсиз жамиятнинг тизгинловчиси сифатида кўрган. Давлат жамият фа-ровонлигининг рамзи бўлиб келди ва ҳатто 1918 йилгача партиялар устида туриб ҳам у ҳукмрон синфнинг манфаатларини ифода этди. Аммо у ўз сиёсатини умумхалқ манфаатларига йўналтирилган сиёсат қилиб кўрсатишга муваффақ бўлди.

Немис сиёсий тафаккури XIX асрнинг ўрталаридан шаклланмаган жамиятга шаклланган давлатнинг тескариси деб қарай бошлади. У давлат-ни жамиятнинг сиёсий ташкилоти деб эмас, балки ижтимоий муноса-батларни таъминлаш ва тартибга солишнинг дахлсиз воситаси деб ҳисоб-лар эди. Бинобарин, интизом, бурч ва итоаткорлик қадриятлар тизимида эркинлик, индивидуаллик ва муҳолафатдан ҳамиша юқори қўйиларди.

Аммо 1949 йилдан сўнг бу анъана ўз таъсирини йўқота бошлади. Аденауэр даврида у фуқарони давлатга маҳкамроқ боғлашга ҳаракат қилган тузумнинг расмий терминологиясида қисман ҳукм сурган бўлса-да, амалда сиёсий иродани шакллантиришнинг замонавий ҳаракатлан-тирувчи кучи — партиялар ва манфаатлар иттифоқларининг плюралис-тик тизими ғалаба қозонди. Немис сиёсатшунослиги ҳозирги замон де-мократия моделини назарий жиҳатдан англаб етишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

Сиёсатдан узоқлик анъанаси. Ҳамон мавжуд бўлган сиёсатдан узоқ немис анъанаси демократия даврида авторитар давлатнинг итоаткор та-бааси дунёқарашининг тадрижий давомидир. Бунда сиёсатга бутун халқ-нинг иши деб эмас, балки кимга белгиланган бўлса, ўшанинг иши деб қаралади. Сиёсатдан узоқлик анъанаси дастлаб нацистлар тузумининг салбий тажрибаси натижасида кучайди. Гитлер даврининг аянчли якуни жуда кўп немисларни сиёсатдан совутди. Масалан, ўтказилган сўров-

ларнинг натижаларига кўра, партиялар ташкил этишга аҳолининг атиги уч фоизи қизиқиш билдирган. ГФРда мавжуд кўпгина бирлашмаларнинг аъзолари орасида қарашлар ва иродани шакллантиришда деярли иштирок этмайдиган пассив тарафдорлар бисёр. Ниҳоят, сиёсатдан узоқлик тамойилини ўсиб бораётган давлат бюрократияси ва етакчи сиёсий гуруҳларнинг олигархиялашиши қўллаб-қувватламоқда. Ижтимоий муносабатларни аниқлашда иштирок этиши ва сиёсий ҳаётда из қолдириши мумкинлиги ҳақида тасаввур Германиянинг алоҳида фуқаросида бошқа классик Ғарб демократияси мамлакатларидагига қараганда анча кам ривожланган.

«Немис идеализми» анъанаси. Германия сиёсий тафаккурида, айниқса, абстракт мезонларни илгари сурувчи сиёсий назарияларда, қисқача қилиб немис идеализми анъанаси деб аташ мумкин бўлган анъананинг изларини кўриш мумкин. Германия сиёсий маданиятининг идеалистик анъанаси этатизм ва сиёсатдан узоқлик анъаналари билан узвий боғлиқ. Аммо бунда аниқланган сиёсий ва ижтимоий муносабатлар идеал мезонлар билан ўлчанади. Мазкур муносабатлар ҳақида уларни у ёки бу даражада камситувчи хулосалар чиқарилади. Бундай анъана асосида Германияда ҳокимият ва маънавият ўртасида муросасиз қарама-қаршилик ривожланган. Идеалистик анъана қайта-қайта назарий сафсатабозликларга имконият яратаётир, бу ҳозирги ГФР социологларининг бир қисми эмпирик воқеликка зид назарий хулосалар чиқаришга ёки бу воқеликни мавҳум назарий идеал билан ўлчашга ўчлигида намоён бўлмоқда.

Можаролардан чўчиш анъанаси. Бу анъананинг маъноси кўпгина немислар чекланган ва тартибли можарода жамиятни унумли ривожлантириш воситасини кўришга лаёқатсизлигида намоён бўлади. Немислар омани миллий ҳамдўстликка бирлаштирувчи уйғунликка интилади. Бунга улар ҳалол рақобат ва очиқ тортишувга қизиқишни бажонидил бўйсундирадилар. Масалан, партиялардаги ички тартиб муаммосига улар фақат мазкур партиялар аъзоларининг ўзаро муносабатларига дахлдор муаммо деб эмас, можаролардан чўчидиган, сиёсий партиялардаги ички ихтилоф ва баҳсларни ожизлик белгиси деб талқин қиладиган немис жамоатчилигининг муаммоси деб ҳам қарайдилар. Можаролар бундай истикболда мазкур ижтимоий тузум номукамаллигининг ифодасига айланади.

Бу нуқтаи назардан қараганда, вақти-вақти билан авж олиб турадиган можаро ва зиддиятларсиз ижтимоий утопияларга, ижтимоий лойиҳаларга нисбатан немисларнинг қизиқишини тушуниш мумкин. Яхши тузум ҳақидаги бундай талаблар ўнг радикализмнинг равнақи даврида ва талабалар сўл радикализмида ўз аксини топди. Талабалар исёни давридан бошлаб ва мамлакатнинг бирлаштирилиши жараёнида Германия сиёсатида муросасизлик ва сабрсизлик руҳи яна кириб келди ҳамда 1945 йилдан сўнг йўқолгандек туюлган немис радикализи ва иррационализ-

ми анъанасини қайта кучайтирди. Аммо бу ГФРдаги сиёсий муносабатларнинг барқарорлигига ҳанузгача жиддий путур етказа олгани йўқ.

Расмийчилик анъанаси. Ниҳоят, немис сиёсий ҳаётининг яна бир хоссаси сиёсий муаммоларга расмий ҳуқуқий муаммолар «тўни»ни кийдириш ва уларни юридик нуқтаи назардан муҳофама қилишга мойилликдир. Бу мойиллик, авваламбор, ижтимоий ҳаётга жиддий таъсир кўрсатадиган Германия бюрократиясининг ва манфаатлар ташкилотларининг ўзагини ташкил этувчи юристларга хос деб айтиш мумкин.

Юридик расмийчиликдан баъзан бошқа соҳаларнинг вакиллари ҳам нусха кўчирадилар ва, айтайлик, иш юритиш тартиби ҳақидаги мунозараларда ҳатто улардан ўзиб ҳам кетадилар. Шунинг учун ҳам Германияда — унинг ғарбида ҳам, шарқида ҳам — сиёсий масалалар кўпинча уларнинг ҳуқуқий асосларидан келиб чиқиб ҳал қилинади. Ҳуқуқий низолар кеча ҳам, бугун ҳам мувозий федерализмнинг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда, сиёсатчилар эса сиёсий масалаларни суд тартибида ҳал қилишга мойилдилар. Расмий ҳуқуқ немисларга ҳақиқий муаммоларга тўғри қарашларида кўпинча ҳалал беради.

Аммо, умуман олганда, салбий сиёсий анъаналарнинг салмоғи немислар онгини демократик тузум принциплари билан тўғридан-тўғри зиддиятга олиб кела оладиган даражада катта эмас. Бошқа томондан, ҳозирги сиёсий онг инқирозлар шароитида демократик конституциявий тузумни таъминлаш қафолати бўла олмайди. Германия бирлашганидан сўнг содир бўлган «ўнг» томонга бурилиш шундан далолат беради.

Сиёсий онгдаги ўзгаришлар. *Сиёсий онг деганда, жамиятда мавжуд қадриятлар ҳақидаги тасаввурларни, шунингдек улар билан боғлиқ иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий муносабатларни далиллаш ҳамда талқин этиш шакллари ва мазмунини тушунамиз.* Германиянинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий тузилиши асосан ўзгармагани ҳолда, сиёсий онгда, айниқса 1965 ва 1975 йиллар оралиғидаги даврда, бир қанча ўзгаришлар содир бўлди.

Агар урушдан кейинги дастлабки йилларда кучлар мамлакатларни тиклаш, йўқчиликни тугатиш ва шахсий ҳаётни таъминлашга жипслаштирилган бўлса, Аденауэр даврида ГФР ўзи учун барпо этган сиёсий ва иқтисодий тузумнинг асосий қадриятлари билан Ғарбий Германия аҳолисини идентификация қилишга мойиллик тобора кучайиб борди. Бу энг муҳим моддий эҳтиёжларни қондиришга, шахсни шакллантириш, унинг моддий аҳволини яхшилаш учун янги, кенг имкониятлар яратишга қодир бўлган сиёсий тизим билан айнан бир деб билишга мойиллик эди.

Жамиятни ўзгартиришни давом эттиришга қизиқиш кучайиб борди, бу айниқса талабаларнинг норозилик ҳаракатида ёрқин намоён бўлди. Айниқса 1966—1967 йилларда авж олган талабаларнинг чиқишларида ёш авлоднинг ижтимоий тузум ва сиёсатдан норозилиги ўз аксини топди. У мавжуд ижтимоий тузум ҳамда сиёсатни эскирган, қотиб қолган

ва авторитар деб ҳисоблар эди. Талабаларнинг норозилик ҳаракати ГФР жамиятининг сиёсий онгини ўзгартиришга ўзига хос туртки бўлди.

Бу ўринда гап ГФРдаги сиёсий онгни ҳамда бу онгни ифодаловчиларни ўзгартириш ҳақида борарди, зотан улар жамиятни ва унинг мезонларини ислоҳ қилишга ўз ҳолича қизиқиш билдирмас эди. Аммо танқидий оқимнинг таъсири остида улар мазкур интеллектуал ҳаракатнинг ГФР давлат ва жамият асосларини танқидий қайта қўриш ҳақидаги талаби билан мунозарага киришишга, шунингдек бошланган назарий мунозараларнинг маълум мавзулари ва асосий ғояларини ўз дастурлари ва сиёсий маърузаларига киритишга мажбур бўлдилар.

Талабалар исёни асос солган сўл назарий ҳаракат таъсирида зиёлиларнинг кўпчилиги қисми ГФРнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тузилишига биринчи марта танқидий кўз билан қаради. Бу ерда авлодлар қарама-қаршилиги — урушдан кейинги дастлабки даврда мамлакатни тиклаган ва ривожлантирган авлод билан уларнинг ворислари ўртасидаги зиддият яққол кўзга ташланди. Учинчи, жамиятни танқид тиғи остига олган авлод эса, ўз қарашларини, авваламбор, сўллардан олинган, кўп даражада марксистик назариялар билан асослади ва мамлакатни тиклашни ижобий хизмат деб ҳисоблашга тайёр эмаслигини билдирди. Етарли тарихий тажрибага эга бўлмаган бу авлод урушдан кейин амалга оширилган ишларни национал-социалистик диктатура ёки биринчи республика шароитларига таққослашни ҳам истамас эди. Аксинча, у мавжуд шароитларга жуда юқори, идеалистик анъанадан ёки биқик назариядан олинган қисман утопик мезонлар билан ёндашди. Ҳукумат партиялари ва мухолафат ўртасида 1969 йилда юзага келган зиддият мана шундай мафкуравийлашиш оқибатларидан бири бўлди.

Вилли Брандт ҳукумати 1969 йилда илгари сурган ислохотлар муҳи-тида янги ғоялар ривожланган бўлса-да, аммо, воқеликни қайта қўриш учун етарли ўзгартирувчи кучга эга бўлмаган ҳолда, биринчи навбатда интеллектуал сиёсий мунозаралар шаклига таъсир кўрсатди.

ГФР сиёсий маданияти даражасини аниқлаш учун қатор йиллар мобайнида ўтказилган кўп сонли социологик сўровларнинг яқунларини таҳлил қиладиган бўлсак, авторитар ва автократик қарашлар ва хулқ-атвор типлари, айниқса, ёш авлодда орқага чекинганлигининг гувоҳи бўламиз. Ёшларда постиндустриал жамият қадриятларига мойиллик айниқса кучли бўлиб, шахснинг ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш эркинлиги ва индустриал ўсиш жараёнидан ажратилган турмушнинг сифати гоёси етакчилик қилади¹.

Шундай қилиб, Германияда ёш авлоднинг сиёсий қарашлари анъанавий мезонларга кўра янада демократик хусусият касб этган бўлса-да, тикланиш даврига келиб ишлаб чиқарувчи жамиятда алоҳида аҳамиятга

¹ Қаранг: *Островски К., Тюни Г.* Три политической культуры в Европе // Социологические исследования. — 1998. — №2.

эга бўлган қадриятлар билан зиддиятга киришишда давом этаётир. Янги қарашларда сиртига демократия тамғаси босилган аксилаторитар ва романтик тамойиллар ҳам кўзга ташланмоқда. Аммо ўзининг экстремистик қисмида терроризмни оқлайдиган бу қарашлар сиёсий маданиятга юқори даражада бузғунчи таъсир кўрсатиши мумкин.

Сиёсий муассаса ва сиёсий маданият ўзаро боғлиқ ва бир-бирига мос институтлардир. Бу ўзаро боғлиқлик шунда намоён бўладики, улар бир-бирига таъсир кўрсатади. Сиёсий муассасалар фуқаролар эътиборини қозониш ҳамда уларни сиёсий тизим билан ижобий идентификация қилишга даъват этишга интилади. Фаол фуқаролар эса, аксинча, сиёсий тизимга нисбатан уларнинг талаблари ва эътирозлари бажарилишини истайдилар.

Ҳар хил сиёсий партиялар, гуруҳлар, манфаатлар ва қарашлар бир-бири билан тортишадиган плюралистик демократияда бир хил эътиқодлар, хулқ-атвор тарзи ва сезгилар билан таърифланадиган ягона сиёсий маданият эмас, аксинча, фақат плюралистик тармоқлашган сиёсий маданият бўлиши мумкин. У сиёсий тизимга энг яхши тарзда мос келади ва инқирозли вазиятлар юзага келган тақдирда, барқарорлаштирувчи омил бўлиб хизмат қилиши мумкин, чунки давлат ва жамоат ташкилотларининг плюралистик сиёсий маданияти аҳолининг сиёсий маданиятига кўп жиҳатдан мос келади. Демократик сиёсий маданият плюралистик хилма-хиллигига қарамай, плюралистик тизимни ва унинг асосий қадриятларини, умуман олганда, эътироф этиш сиёсий маданиятнинг кучини оширади¹.

Агар сиёсий маданиятнинг алоҳида қисмлари тузумнинг мавжуд хусусиятига ва унга мос келувчи сиёсий маданиятга катта шубҳа билдирса, шунингдек унинг бир қисми ўзини сиёсий маданиятнинг бошқа қисмига бутунлай, мутлақо қарши қўйса ва бунда, қоидаларга зид ўлароқ, плюралистик тармоқлашган сиёсий маданиятнинг доираларини бузувчи усулларни, айтишлик, сиёсий воситалар сифатида зўравонлик ва мурасазлиқни қўлласа, юқорида зикр этилган мақбул мувофиқлик кейинчалик шунчалик йўқолиб кетиши мумкин эмас.

ГФР сиёсий маданияти авторитаризмнинг хуружларига қарамай, 60-йилларда сиёсий тузум билан нисбатан яхши мурасага келган ва демократик иштирок нуқтаи назаридан анча «мақбуллашган» бўлса-да, мураса ва плюралистик табақалаштирилган бирдамлик нуқтаи назаридан кўп нарса йўқотди².

Талабалар ҳаракати ва улардан кейинги тинчликни ҳимоя қилишга йўналтирилган ижтимоий ҳаракатлар жараёнида 1983 йилгача ҳукмрон сиёсий маданиятга тажовузкорона дахл этган янги антагонистик сиёсий маданиятнинг элементлари кўзга ташланди. Бу онгли муқобил сиёсий

¹ Қаранг: Истоки и контуры демократии // Свободная мысль. — 1992. — № 10. — С. 6-7.

² Қаранг: *Щегорцов В. А.* Политическая культура: модели и реальность. — М., 1990. — С. 98.

маданият ўзини ҳукмрон сиёсий маданиятга ҳамда унинг эскирган муассасалари ва сиёсатиға муҳолиф деб эътироф этди.

Шунинг учун ҳам бир сиёсий тизим доирасида икки қарама-қарши сиёсий маданиятлар ўртасида узлуксиз зиддият давом этиб келаётир. Бунда немислар, фон Кроковнинг фикрича, яроқли «ихтилофлашиш сиёсий маданияти»га эга эмаслиги аён бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам ГФР сиёсий маданияти ҳозирги кунда унинг сиёсий тизимини фақат қисман қўллаб-қувватлаш ва барқарорлаштиришга қодир.

Талабаларнинг ҳаракатлари давридан бошлаб ривожланган ва, авваламбор, сиёсий маданият билан унинг муассасаларида ўз ифодасини топган авторитар, утопик танқидий салоҳиятга қарши йўналтирилган ғоявий «тамоийлдаги бурилиш» 1982 йилда консерватив сиёсий бурилиш ясади. Мазкур бурилиш тобора индивидуаллашиб, ўзининг зарбдор сиёсий кучини бой бериб бораётган муқобил сиёсий маданиятнинг аҳамияти йўқолишига олиб келди.

XX асрнинг 80-йилларида ГФР сиёсий маданиятида тобора табақаллашиб бораётган плюрализм ҳукм сурди. Гельмут Коль раҳбарлигидаги янги ҳукумат коалицияси 1968 йилги талабалар исёни пайтида етакчилик қилган сиёсий маданият қадриятларининг аҳамиятини оширишга ҳаракат қилди.

Германиянинг бирлашиши натижасида унинг сиёсати олдиға ҳам, маданияти олдиға ҳам икки сиёсий маданиятни чатиштириш вазифаси қўйилди. Бу ўзига хос эксперимент ҳозирги кунда қизғин паллага кирган, аммо уни маромига етказиш Фарбий ва Шарқий Германия аҳолисининг турмуш даражасини тенглаштиришдан ҳам кўп вақтни олса керак.

Германия давлатларининг бир-биридан 40 йиллик узилиши натижасида, табиийки, мутлақо ҳар хил иккита сиёсий маданият вужудга келди. Уларни бир-бирига яқинлаштириш ҳозирги кунда амалга оширилаётган бирлаштириш жараёнининг муҳим вазифаларидан биридир. ГФР сиёсий маданияти мерос бўлиб ўтган анъаналарни қайта ишлаган ҳолда, сиёсий муассасалар ва фуқароларнинг ўзаро алоқаси билан қадам-бақадам борган эркин сиёсий ривожланишнинг маҳсули бўлди. ГДРдаги социалистик давлатга зид ўлароқ, ГФРда давлат органлари томонидан амалга ошириладиган расмий сиёсий маданият бўлиши мумкин эмас эди. Зотан у Германия Федератив Республикасида демократик тузумнинг асосий қадриятлари ва принципларининг кенг муроса қилишига олиб келган тарихий жараённинг тадрижий якуни эди.

ГДРда раҳбар мавқега эга бўлган Германия ягона социалистик партияси марксча-ленинча мафкурадан олинган ва том маънода социалистик жамият барпо этишни ўз олдиға мақсад қилиб қўйган сиёсий маданиятни тоталитар ҳукмронлик воситалари билан ривожлантиришни ўз вазифаси деб биларди.

ГДРда мавжуд икки сиёсий маданият — расмий ва реал сиёсий маданиятларнинг ўзаро муносабатлари анча мураккаб эди. Улар антагонистик бўлмай, балки ўзаро дуалистик муносабатларда яшар, ГДР фуқароси парчаланган сиёсий маданият шароитларида кун кечирарди. Расмий борлиқда у расмий сиёсий маданиятнинг талабларига бўйсунар, шахсий ҳаётда эса расмий сиёсий маданият таъсиридан имкон қадар қутулишга ҳаракат қилар ва онгли равишда сиёсатдан узоқда ҳаёт кечирарди. ГДР сиёсий маданиятининг иккала тури ҳам Германия тарихидан олинган анъаналарга ГФР сиёсий маданиятига қараганда кучлироқ боғланган эди. Шунинг учун ҳам, айрим кузатувчиларнинг фикрича, ГДР жамияти, жадал янгиланаётган ва АҚШ таъсирига берилиб бораётган ГФР жамиятига қараганда, кўпроқ даражада «германча» ва немислар учун «қадрдон» бўлиб туюларди.

Икки давлатнинг бирлаштирилиши ажратилган ГФР ва ГДР сиёсий маданиятларини келажакда ягона сиёсий маданиятга айлантиради деб ўйлаймиз. Бу жараён ҳозирги кунда содир бўлаётган иқтисодий ва ижтимоий жараёнлардан анча узоқ давом этади. Икки сиёсий маданиятни тенглаштириш жараёни оғир бўлгани учун, у кўп йилларга чўзилади. Фақат янги ГФРнинг нисбатан мустаҳкам сиёсий маданияти вужудга келган тақдирдагина бу жараён охирига етгани ҳақида гапириш мумкин бўлади. Икки давлатнинг бирлаштирилиши натижасида юзага келган йирик ички муаммоларни қийинчиликларни мамлакатда эркин демократияни сақлаш ва барқарорлаштиришга ёрдам беришга қодир бўлган сиёсий маданият қўмағида енгиб ўтиш айниқса муҳимдир. Бу ўринда Германиядан, энг аввало, қуйидагилар талаб этилади: «Балки бу дабдабали туюлар-у, аммо, афсуски, бу ҳақиқат: Германиянинг келажаги хавф остида. Германияни бу хавфдан қутқариш масъулияти Германия Шарқининг эмас, Фарбининг зиммасида. Германияда демократиянинг тақдири мамлакатимизнинг Фарбида ҳал бўлади» (Клаус фон Донаньи).

11.4. Россияда сиёсий маданиятнинг ривожланиш хусусиятлари ва истикболлари

Сиёсатшунос олима А. В. Андреевкова чет элда ва Россияда ўтказилган тадқиқотларнинг натижаларини умумлаштириб, шундай деб ёзади: «Сиёсатнинг янги қадриятлари — материализм/постматериализм — Россияда ҳали шаклланиб улгургани йўқ, чунки кун тартибида шахсий ва иқтисодий хавфсизлик ҳамда иқтисодий ўсиш билан боғлиқ материалистик масалалар турибди»¹. Шу билан бир вақтда, у урушдан кейинги авлод ва аҳолининг нисбатан маълумотли гуруҳлари асосан постматериализмнинг таъсиридан

¹ Андреевкова А. Б. Политическая стратификация современного российского общества. — М., 1998. — С. 19.

листик қадриятларига таянишини ва келажакда бу қадриятлар сиёсий стратификациянинг муҳим омилига айланиши мумкинлигини қайд этади. Бу хулоса Россия фуқароларининг нисбатан ёш авлодлари ўз ижтимоий ҳолатига қараб, катта авлод вакиллари эса коммуникатив элементлар Россия миллий маданиятида ҳамиша устувор аҳамиятга эга бўлиб келгани туфайли постматериалистик қадриятларни танлаётганини кўрсатади.

Россия жамият ҳаётида содир бўлган жиддий ўзгаришлар, эски қадриятлардан воз кечиш шахс онгида нореалик, ҳаётнинг ўткинчилиги ҳиссини юзага келтирмоқда. Бунда «ишлатдингми — ташлаб юбор» қабиладаги прагматик қоидага амал қилинади, у ҳамма нарсаларга: инсоннинг инсонга, ҳокимиятга, ғояларга, тасаввурлар ва тушунчаларга муносабатига нисбатан қўлланилади.

Мазкур ҳолатлар шахсни оғир танлов вазиятига рўпара қилади. Шахснинг ижтимоий алоқалари жуда тез бузилаётгани, ижтимоий институтлар (оила, давлат, мактаб, диний ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ва бошқалар) ҳар хил, баъзан бир-бирига зид қадриятларни тарғиб қилаётгани аҳволни янада мураккаблаштиради.

Психологик жиҳатлар одамларни янги қадриятларга йўналтириш жараёнининг мураккаблигини янада кучайтиради. Ҳар қайси шахс ҳар қандай қадриятларни эмас, балки унинг учун аҳамиятли бўлган субъектдан ёки юқорида зикр этилган ижтимоий институтларнинг исталган биридан чиқувчи қадриятларнигина ўзлаштиради.

Ҳозирги замон Россия жамиятининг сиёсий маданиятидаги ички зиддиятларни тарихий ва замонавий аҳамиятга молик қўплаб омиллар таъсири билан изоҳлаш мумкин. Бу сиёсий маданият қўплаб субмаданиятларни ўз ичига олган. Булар: авторитар ва демократик, элитар (сиёсий элиталар, амалдорлар) ва оммавий (оддий фуқаролар), либерал ва консерватив ва ҳоказо. Ҳар бир ижтимоий табақада субмаданиятлар мавжуд.

Аммо ҳозирги замон Россия жамияти сиёсий маданиятининг ўзига хослиги фақат субмаданиятларнинг хилма-хиллигида эмас, балки уларнинг қўпчилиги яширин ёки очиқ курашга, зиддиятларга тўлалигидир. Демократизм-авторитаризм, социализм-капитализм, централизм-регионализм, глобализация-изоляциялизм, анархизм-этатизм кабилар асосий зиддият йўналишларидир. Бундай йўналишларнинг хилма-хиллиги туб сиёсий муроса ва миллий тотувликнинг йўқлигидан, турли ижтимоий табақалар ўртасида жамиятни ислоҳ қилишнинг муваффақиятини, ундаги ижтимоий ва сиёсий барқарорликни шубҳа остига қўядиган нифоқ мавжудлигидан далолат беради.

Шундай қилиб, ўзининг дастлабки босқичини бошдан кечираётган ҳозирги замон Россия жамиятининг сиёсий маданиятига жуғрофий-сиёсий ва тарихий омиллар ҳамда жамиятда содир бўлаётган туб ўзгаришлар жиддий таъсир кўрсатмоқда.

Сиёсий маданият жамиятни жипслаштириш ва уни қайта қуриш каби вазифаларини фақат жамиятдаги ҳар хил салбий йўналишларнинг қарама-қаршилигини енгиб, барча сиёсий кучлар ҳозирги кунда фаол қидираётган умумий бирлаштирувчи ғоя негизида уларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаган тақдирда бажариши мумкин.

Ҳозирги замон Россия жамияти — бу:

биринчидан, яшаш функциялари, қоидалари, ҳуқуқ ва усуллари-нинг ҳар хиллиги билан таърифланадиган синфий ажратиш типи бўйича парчаланиш содир бўлган жамиятдир;

иккинчидан, тўлақонли, ўзида биқинган популяциялар ёки сегментлар тўпламидан иборат жамиятдир;

учинчидан, табақаланиш жиҳатидан эмас, функционал жиҳатдан стратификацияланган деб тушуниладиган ҳозирги замон жамиятидир.

Шунинг учун ҳам Россияда сиёсий маданиятнинг барча типлари ва унинг субмаданиятлари: харизматик, табаалик, активистик субмаданиятлар мавжуд. Аммо жамиятда бу субмаданиятларнинг патриархал-табаалик ва табаалик-активистик хиллари етакчилик қилади.

Қўпгина олимларнинг фикрича, Россияда давлатнинг алоҳида роли унинг ўзига хос жуғрофий-сиёсий ўрни ва этник хилма-хиллиги билан боғлиқ. Бу эса ҳамиша жуғрофий ва ижтимоий майдонни уюштириш ва структуралаштиришга қодир қаттиққўл кучга эҳтиёж туғдириб келган. Ю. Пивоваровнинг фикрича, мамлакат майдонининг улканлиги ҳамиша марказлаштирилган давлатни кучайтиришга туртки бериб келган. Бир-бири билан жуда қўп тўқнашган ҳар хил этник-миллий, конфессиянал ва бошқа жамоалар империя паноҳи остида яшашдан манфаатдор бўлганлар. Кучли марказлаштирилган давлат мазкур жамоаларни бирлаштирувчи негиз бўлиб хизмат қилган. Бу нуқтаи назардан олиб қаралганда, Россиядаги жамиятда тартиб ўрнатиш, унинг яхлитлиги ва яшовчанлигини таъминлашга йўналтирилган бирон-бир нодавлат тузилмалари ва қоидалар бўлмаган¹.

Натижада шундай вазият вужудга келганки, унда шахс ва жамият сиёсий жараённинг тўла ҳуқуқли акторлари сифатида эмас, балки мазкур жараённинг пассив субъектлари сифатида иштирок этган. Шахс манфаатлари жамоа манфаатлари йўлида қурбон келтирилган, «шахсий» ва «ижтимоий» тушунчаларга бир-бирига зид тушунчалар деб қарала бошлаган.

Шундай қилиб, қўп асрлик салбий тажриба тўпланиб борди. Ички олам учун ўта ноқулай ва ўзгартириб бўлмайдиган шароитларда яшаш ташқи шароитларга мослашувчанлик қобилиятини ривожлантирди. Муҳитни ўзгартиришга эмас, балки унга мослашишга мойиллик вужудга келди.

¹ Қаранг: Пивоваров Ю. Политическая культура пореформенной России. — М., 1994. — С. 38.

Умуман олганда, атроф муҳитга мослашишга мойиллик, мавжуд шароитларни ўзгартириш эмас, балки унда яшаб қолиш Россияда ижтимоий онгнинг оддий, барқарор ҳолатидир.

Ушбу ҳолатлар инсоннинг табиий интилишларини ялпи тақиқлаш ва тизгинлаш шароитларида ижтимоий лоқайд, бегоналашган, киноя ва скептицизмга мойил одамлар типи шаклланди, деб хулоса чиқариш имконини беради. Бу фикрни муҳит вужудга келтирган ва барча кейинги тарихий босқичларда тоталитар сиёсий маданиятнинг элементларини қайта тиклайдиган тоталитар онг модели тарзида умумлаштириш мумкин.

Монистик ёндашув вакилларининг фикрича, миллий менталитет хусусиятлари совет сиёсий маданиятининг асосий жиҳатларини шакллантирди: жамоавийлик — коллективизмга, ҳокимиятга йўналганлик — этатизм ва патернализмга, пассивлик — лоқайдликка, патриархаллик — ҳокимиятга шахсга боғлашга, мифларга берилганлик — ёруғ келажакка шўроча эътиқоднинг негизига, messiанлик — жаҳон сиёсатида СССРнинг етакчи ўрин тутиши ҳақидаги тасаввурларга айланди¹.

Мунтазам тадқиқотлар ўтказилиши билан совет сиёсий маданияти ҳақидаги қарашлар мураккаблашиб борди. Дастлаб Фарб олимларининг ишларида вужудга келган совет ва Россия жамиятининг сиёсий маданиятига янгича қараш ҳозирги замон Россия олимларининг тадқиқотларида (П. Вайль ва А. Генис, П. Кречмар, В. Паперний, Л. Ионин ва бошқаларнинг асарларида) ҳам ўз аксини топа бошлади. Ажралиш ғояси айниқса кенг тарқалди. Мазкур ҳодисага нисбатан хилма-хил ёндашувлар орасида модернизация жараёнлари билан традиционалистик қадриятлар ўртасидаги қарама-қаршилик туфайли юзага келган модернизацион ажралиш ҳақидаги қараш етакчилик қила бошлади.

Кўпгина олимларнинг фикрича, ҳозирги замон Россия сиёсий маданиятининг ҳозирги кундаги аҳволи мана шу ихтилофлар билан боғлиқ. Россиялик олимлар мазкур сиёсий маданиятга хос бўлган тарқоқликни, асосий ижтимоий-сиёсий муаммолар бўйича миллий тотувликнинг йўқлигини, қарама-қарши субмаданиятларнинг мавжудлигини қайд этмоқдалар².

1990 йилларда Россияда содир бўлаётган ўзгаришларга нисбатан россияликларнинг муносабатларини, уларнинг янги ижтимоий шароитлар, сиёсий институтлар ва шу кабилар ҳақидаги қарашларини аниқлаш мақсадида кўп сонли тадқиқотлар ўтказилди. Сўровлар 1990 йилларнинг охирида демократик идеаллардан кўпчиликнинг ҳафсаласи пир бўлганини ва патерналистик қарашлар авж олганини кўрсатди. Бу кўпгина

¹ Қаранг: Семитко А. П. Русская правовая культура: мифологические и социально-экономические истоки и предпосылки // Государство и право. — 1992. — № 10. — С. 109.

² Масалан, қаранг: Хан Дж. У. Преемственность и изменчивость русской политической культуры // США. Экономика. Политика. Идеология. — 1992. — № 11. — С. 83-109; Щегорцов В. А. Политическая культура: модели и реальность. — М., 1990. — С. 150.

олимлар демократик кайфиятларнинг кўтарилиши вақтинчалик бўлган ва, умуман олганда, у Россия сиёсий маданиятининг авторитар анъанасига дахл этмаган, деган хулоса чиқаришига асос бўлди.

Бошқа олимларнинг фикрича, бу тамойиллар амалга оширилаётган, ҳаётнинг барча соҳаларида инқирозга олиб келган ислохотларнинг натижаларидан россияликларнинг ҳафсаласи пир бўлгани билан изоҳланади. Шарқий Европа мамлакатларида иқтисодий ислохотларнинг самардорлиги пастлигига қарамай, демократик институтларни қўллаб-қувватлаш қайд этилаётган, демократик идеалларнинг обрўси аввалгидек баланд бўлиб қолаётган бўлса, Россияда сиёсий хайрихоҳлик негизлари бошқача. Фуқаролар сиёсий тузумни ҳокимият уларнинг муайян эҳтиёжларини қай даражада қондираётганига қараб қўллаб-қувватлашга мойилдирлар. Шунинг учун ҳам Россиядаги ҳокимият органлари ва демократик институтлар фаолиятига паст баҳо берилиши уларнинг келажакига ишончнинг йўқлиги билан боғлиқ. Россия сиёсий маданияти легитимлик даражасининг пастлиги мамлакат раҳбарияти олиб бораётган сиёсатдан келиб чиқади, бошқарувнинг нолегитимлиги эса самарали сиёсатни амалга оширишга тўсқинлик қилади. Бу инқироздан ўтиш «фуқаролар маданияти» элементлари оммавий онгда қай даражада тублашганига боғлиқ.

Сизнингча, мамлакатга сиёсий раҳбарликда ҳозир нималар етакчилик қилмоқда, деган саволга сўров вақтида қуйидаги кўнгилсиз натижалар олинган¹.

Демократия	10,7%
Давлат амалдорларининг буйруқбозлиги	30,2%
Олий раҳбарларнинг яккаҳокимлиги	24,5%
	16,1%
Жавоб беришга қийналганлар	18,5%

Анъанага кўра, «Россия сиёсий маданияти» мавзусига мурожаат этганда Россия цивилизациясининг хусусиятларига катта эътибор берилади. Россия Фарб ва Шарққа хос бўлган жиҳатлар кузатилмайдиган цивилизациянинг алоҳида ҳодисаси, Евро Осиёни боғловчи ўзига хос кўприк, деган фикрга деярли барча олимлар қўшиладилар.

¹ Манба: Результаты выборочного социологического опроса (с 20 по 25 мая 2002 г.) населения Российской Федерации, проведенного ВЦИУС РФ // Политическая культура населения: состояние и влияние на политические процессы. — М., 2002. — С. 43.

Табиийки, бундай қарашда мазкур ўзига хос қитъанинг цивилизацияон хусусияти қандай, деган савол туғилади. Бу каби хусусиятлар сифатида қуйидагиларни ажратиш мумкин: ер куррасида қуруқликнинг олтидан бир қисмини эгаллаган Евросиё майдонининг ўзи; диний эътиқодлари хилма-хил бўлган полиэтник таркибли аҳоли; «Москва — Учинчи Рим» деган православча идеал; модернизация масалаларини ҳал қилишда муқаррар функционал ва маънавий-маданий ихтилофлар. Сўнги ҳола Россия цивилизациясининг муаммоли хусусиятини белгилаб, унинг сиёсий маданиятида бевосита ўз аксини топади. Шунинг учун ҳам Россия ҳамиша Ғарб ортидан қувишга, бунда асосан техникавий-ташкилий шаклларни ўзлаштиришга мажбур бўлган.

Россия сиёсий маданиятига Россия цивилизациясининг шўроча шакли катта таъсир кўрсатди. Тараққиётнинг юқорида қайд этилган муаммоли хусусияти айнан социалистик тузум доирасида ўз аҳамиятини йўқотди: ички ижтимоий-маданий ўзига хослигини сақлаган ҳолда, мамлакат саноатни ривожлантириш, фан-техника инқилоби биринчи босқичининг вазифаларини муваффақиятли ҳал қилди. Мессиялик қарашлари, ижтимоий тенглик маънавий идеали, меҳнатнинг жамоавий-артель хусусиятига эгалиги — буларнинг барчасини ҳокимият муносабатларининг шўроча типи ўзида мужассамлаштирди. Аммо Ғарбнинг навбатдаги (бу сафар — постиндустриал) олишувга чақириғи СССРнинг стратегик жиҳатдан ортда қолишига олиб келди. Постиндустриал босқич учун анъанавий-сафарбарлик чораларини кўришнинг ўзи кифоя қилмасди, бунинг устига, совет тарихининг охириги ўн йилликларида кўп сонли ўрта табақа ўсиб етилди. Мазкур табақа унинг интеллектуал салоҳиятидан фақат замонавий тарзда — ташаббускорлик ва ижодкорлик орқали фойдаланиш мумкин эди.

XX асрнинг 70—80-йилларда кўзга ташланган СССРнинг ортда қолиши Россия цивилизациясининг сафарбарлик «гени»ни ишга солди. Қайта қуриш социализм доирасида омманинг ижодий ташаббускорлигига туртки бериши, самарали технологиялар негизда иқтисодий ўсишни жадаллаштириш учун ички манбаларни сафарбар этиши керак эди. Аммо қайта қуришнинг реал қадамлари нафақат мўлжалланган мақсадларга олиб келмади, балки вазиятни кескинлаштириб юборди ва жуда кучли ижтимоий-сиёсий ларзаларга олиб келди. 1990—1991 йиллардан туб иқтисодий ва сиёсий ислохотлар бошланди. Бундай кескин ўтиш Россия Федерациясининг ижтимоий-сиёсий майдонида ижтимоий можароларни келтириб чиқарди. Давлатнинг одатий ҳомийлик миссиясига, коллективизмга ва бошқа анъанавий элементларга путур етди. Бунинг устига, туб иқтисодий ислохотлар халқ турмуш даражасининг тушиб кетишига, молия капиталининг танҳо ҳукмронлигига ва кескин ижтимоий табақалашувга олиб келди. Кўп фуқаролар учун ижтимоий-маданий

кескинлик вазияти юзага келди. Улар тартибга солишнинг бозор тизими қабул қила олмас ёки қабул қилишни истамас эдилар. Натижада Россия жамиятида қарама-қаршилик, янги давлатчиликка ялпи ишончсизлик кучайиб борди. Ёмон иқтисодий аҳвол сиёсий лаёқатнинг паслигига, сиёсий қарашларнинг беқарорлигига ва ҳуқуқий нигилизмга қўшилиб демократик сиёсий маданиятнинг ривожланиш йўлига реал тўғаноқ бўлди.

«Сизнингча, жамиятимизда (Россия Федерацияси назарда тутилмоқда) демократияни ривожлантириш керакми ёки чеклаш керакми?», деган саволга сўровда иштирок этган фуқаролар қуйидагича жавоб бердилар¹:

Шубҳасиз ривожлантириш керак	25,6%
Ривожлантирган маъқул	34,1%
Ривожлантирмаган маъқул	13,6%
Ундан бутунлай воз кечиш керак	9,2%
Жавоб беришга қийналдилар	17,5%

Сизнингча, ҳақиқий демократия галаба қилиши учун нима керак, деган саволга респондентларнинг жавоблари қуйидагича тақсимланди²:

Эгаллаган мансабидан қатъи назар, қонун олдида ҳамма тенг жавобгар бўлиши керак	68,3%
Ҳокимият органлари устидан жамиятнинг назоратини ўрнатиш керак	48,4%
Ҳокимият органлари фаолиятида ошкоралик	35,1%
Сўз эркинлиги	26,0 %
Касаба уюшмалари фаолиятини ва жамоатчиликнинг бошқа ҳаракатларини фаоллаштириш	21,5 %
Ҳокимият органларининг қонун чиқариш ваколатларини кенгайтириш	8,9 %
Бошқа жавоблар	3,9 %

¹ Манба: Результаты выборочного социологического опроса (с 20 по 25 мая 2002 г.) населения Российской Федерации, проведенного ВЦИУС РФ. // Политическая культура населения: состояние и влияние на политические процессы. — М., 2002. — С. 67.

² Ўша жойда.

Россия жамиятининг фаол табақалари, айниқса, мегаполисларда ва йирик шаҳарларда иқтисодий муваффақият, унумли ахборот технологияларидан фойдаланиш намуналарини, шунингдек постмодернистик турмуш тарзи моделларини намойиш этмоқдалар. Ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар жараёнида Россия муқобил сайловлар, ҳокимиятларнинг тақсимланиши, эркин оммавий ахборот воситалари, парламентаризм сингари муҳим демократик институтларни қадрият сифатида қабул қилди. Аввалги даврдан фарқли ўлароқ, сиёсий жараён образи юзага келди ва янги сиёсий стереотиплар пайдо бўлди.

Россия сиёсий маданиятига реал баҳо бериш учун оммавий сиёсий онгда ва аҳолининг хулқ-атворида унинг асосий белгилари қандай акс этганини таҳлил қилиш зарур.

Дастлаб Россия аҳолисининг субъектив сиёсий лаёқати ва сиёсий фаоллиги кўрсаткичларини кўриб чиқамиз. Аҳолининг сайловда иштирок этиши статистикаси ва сўровлар россияликлар ўз муаммоларини асосан сайловлар ва шахсий алоқалари ёрдамида ҳал қилишга интилишларини кўрсатади. Бу шакл ўтмишдан мерос бўлиб қолган ва аста-секин бошқа шакллarga ўрин бўшатмоқда. Сайловлар эса сиёсий таъсир кўрсатиш усуллари қаторидан мустаҳкам ўрин олди. Бунинг исботи тариқасида ЦЕССИ 1996 йил май ойида ўтказган бутунроссия сўрови маълумотларини келтириш мумкин. «Сизнингча, одамлар овоз беришда иштирок этиб, мамлакат ҳаётида бирон-бир нарсани чиндан ҳам ўзгартира оладиларми ёки йўқми?», деган саволга қуйидагича жавоб берганлар¹:

Ёш тоифаси	Мутлақо ишончим комил	Умуман олганда ишончим комил	Қисман ишончим комил	Умуман ишончим комил эмас	Жавоб беришга қийналаман
18–19	23 %	49 %	19 %	2 %	8 %
20–29	19 %	46 %	19 %	11 %	5 %
30–39	25 %	44 %	13 %	12 %	6 %
40–49	31 %	37 %	18 %	10 %	4 %
50–59	34 %	40 %	14 %	8 %	4 %
60 ва ундан катта	26 %	39 %	17 %	8 %	10 %
Жами	27 %	41 %	16 %	10 %	6 %

¹ Манба: Представительная демократия и электорально-правовая культура. — М., 1997. — С. 143.

Демократик ҳокимият тизими вужудга келаётган шароитларда сайловнинг ролига бундай катта баҳо берилиши табиий бир ҳолдир. Аммо ҳозир у кундалик сиёсий фаолиятнинг ҳар хил шаклларида аҳолининг иштирок этиш даражасини пасайтирмоқда. Бу ерда, авваламбор, сиёсий ташкилотларга аъзолик, партияларнинг ишида, маҳаллий муаммоларни ҳал қилишда, шунингдек ҳар хил норозилик чиқишларида иштирок этиш ҳақида гап бораётир.

Шу билан бирга, партия тизими ва фуқаролик жамияти тузилмаларини шакллантириш ниҳоясига етказилмаган шароитда Россия фуқаролари асосан сайловга таянишларига тўғри келмоқда. Фуқаролар маданиятини шакллантириш учун сиёсий фаолият кўникмаларини ривожлантиришга ёрдам берадиган ҳар қандай реал сиёсий иштирок муҳимдир.

«Сиёсий ҳаётнинг қуйидаги шаклларида Сиз мунтазам иштирок этасизми ёки ахён-ахёндами?», деган саволга қуйидаги жавоблар олинган¹:

	Мунтазам иштирок этаман	Ахён-ахёндами иштирок этаман	Иштирок этмайман
Сиёсий партия фаолиятида	1,5	4,5	94,0
Сайловолди курашида бирон-бир номзод ёки партия (блок) томонида	3,4	11,7	84,9
Жамоавий норозилик чиқишларида	1,9	9,3	88,8
Ҳокимият органлари ва ташкилотларга мурожаатномаларга имзо тушлашда	3,3	16,7	80,1
Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда	3,9	13,7	82,4
Матбуотда, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлардаги сиёсий чиқишларда	0,8	3,4	95,8

Шундай қилиб, қарама-қарши автократик (тартиб ва яккаҳокимлик) ҳамда демократик (инсон эркинликлари ва ҳуқуқлари) қадриятларга бир хилда мойиллик ҳозирги замон Россия жамияти сиёсий маданиятининг ўзига хос жиҳатидир. Россиянинг ҳокимият тизимига мос келадиган янги сиёсий маданияти юқорида зикр этилган мойилликлар мувозанатига асосланиши керак.

¹ Манба: Результаты выборочного социологического опроса (с 20 по 25 мая 2002 г.) населения Российской Федерации, проведенного ВЦИУС РФ. Политическая культура населения: состояние и влияние на политические процессы. — М., 2002. — С. 69.

Ҳозирги кунда Россия сиёсий маданиятида собиқ Совет Иттифоқи сиёсий маданиятининг таъсири жиддий сезилади. Фуқароларнинг сиёсий лоқайдлиги ва ҳокимиятдан йироқлиги бунинг ёрқин кўрсаткичларидан биридир.

Альмонд ва Вербанинг туркумлаш тизимида кўра, ҳозирги замон Россия сиёсий маданиятини «соф типлар»дан бирортасига киритиб бўлмайди. Аммо уни «аралаш» типларга киритадиган бўлсак, бу ерда «активистик» сиёсий маданиятнинг кўринишлари нисбатан кўп эканлигини кўрамыз.

Ҳозирги кунда Россия сиёсий маданияти яқин келажакда қандай бўлиши ҳақида ишонч билан бир нарсани дейиш қийин. Аммо Россия, проф. В.О. Рукавишниковнинг таъбири билан айтганда, бу «маданий нуқтаи назардан бетакрор цивилизация, фожиали ўзгаришларни бошдан кечириб, абадий ҳаракатда бўлган нисбатан автоном иқтисодий тизимдир. Модернизация йўлидан олға силжиётган ҳар қандай бошқа мамлакат сингари, у ўз олдида турган муаммоларнинг ўзига хос ечимини топиши керак»¹. Бу фикр сиёсий маданиятга ҳам тааллуқли. Сиёсий маданиятнинг мамлакатда мавжуд сиёсий тузум билан чамбарчас боғлиқлиги, Россияда демократия ғарбий демократияга ўхшамаслигидан келиб чиқадиган бўлсак, Россиянинг сиёсий маданияти ҳам ўзига хос бўлади, деб хулоса қилиш мумкин.

Шаклланиб келаётган Россия сиёсий маданияти ўзининг кўп қатлами, ранг-баранг, байналмилал ва қарама-қарши кучлар курашига боғлиқлигига қарамасдан, у қатъий умуминсоний захирага, қудратли салоҳиятга эга. Бунга, шунингдек, унинг давлатчилик бобидаги тарихий тажрибаси, анъаналар билан ҳозирги замон қадриятларини уйғунлаштириш олиш имкониятларини ҳам қўшиш лозим. Шунга комил ишонч билдириш мумкинки, камол топиб бораётган Россия сиёсий маданияти ҳозирги ўз шаклланиш жараёнида ва келажакда собиқ совет сиёсий маданий меросидан ва Ғарб мамлакатлари сиёсий маданиятидаги энг яхши намуналарни ўзига сингдириб юксалиб боради.

¹ Каранг: Рукавишников В.О. Политические культуры и социальные изменения. Международные сравнения. — М., 1998. — С. 347-348.

ХII боб. СИЁСИЙ МАДАНИЯТ ВА ЗИДДИЯТЛАР

12.1. Сиёсий маданият ва терроризм

АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида 2001 йил 11 сентябрда содир этилган фожиали ҳодисалар муносабати билан турли мамлакатларнинг сиёсий доиралари ва экспертлари орасида мазкур ҳодисани тушунтиришга нисбатан ҳар хил ёндашувлар вужудга келди. Уларнинг энг кенг тарқалган **учтасини** ажратиб кўрсатамиз.

Биринчиси: айни вазиятда биз бутунлай янги ҳодиса — халқаро терроризмга, жаҳон цивилизациясига таҳдид солаётган одамлар жамоасига тўқнаш келдик.

Назаримизда, терроризмни сиёсийлаштириш ёки мафкуравийлаштириш мумкин эмас. Терроризмга нисбатан фақат битта ёндашув бўлиши мумкин. У ваҳшийлик ва бандитизмдир. Терроризм ва террорчиларни ўлим ва қасосдан бошқа ҳеч қандай истиқбол кутмайди.

Шу ўринда Ўзбекистон Президентининг 2001 йил 6 октябрдаги Баёнотини эслаб ўтмаслик мумкин эмас: «Ҳозирги кунда айрим давлатлар ва сиёсий кучлар террорчиларнинг тўдаларига, умуман, терроризмга қарши курашга бирлашиш, бунинг учун барча куч ва имкониятларни сафарбар этиш ҳақида баландпарвозлик билан оғиз кўпиртирмоқда. Афсуски, амалда эса барча халқлар ва минтақаларнинг тақдирига тегишли бўлган мазкур ҳаётини муҳим масала атрофидаги сиёсий ўйинларга қўшилмоқдалар»¹.

Айрим сиёсатчиларнинг террористик урушдан ўзларининг шахсий сиёсий манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилаётгани терроризмни байналмилаллаштириш ёки мафкуравийлаштиришга бўлган уринишлардан ҳам қалтис қадамдир. Президент И. А. Каримов қайд этиб ўтганидек: «Терроризмнинг кўринишларигагина қарши эмас, балки, энг аввало, катта моддий ва бошқа имкониятларга эга бўлган ҳолда, террорчиларни уюштираётган, йўналтираётган ҳамда энг замонавий қуроллар ва воситалар билан уларни қуроллантираётган халқаро марказларга қарши кураш ташкил этилган тақдирдагина биз терроризмга ва экстремизмга биргаликда қарши тура олишимизга ишончим комил»².

¹ Интернет материали: <http://jahon.mfa.uz/speech/11september.htm>. Жаҳон ахборот агентлиги. Президент Ислам Каримовнинг 2001 йил 6 октябрдаги Баёноти. 11 феврал 2001. 12:00:24.

² Каранг: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясидаги нутқи // Халқ сўзи. — 2000. — 12 сент.

«Терроризм» атамаси лотинча «terror» — қўрқув, даҳшат сўзидан келиб чиққан. Биринчи марта террор сиёсий ҳаракат усули сифатида Буюк француз революцияси даврида пайдо бўлди. Радикал инқилобчилар бу усулдан ўз сиёсий мухолифларига қарши қатағонлар уюштиришда фойдаланди.

Шундай қилиб, *террор (терроризм) сиёсий муаммоларни куч ишлатиш йўли билан ҳал қилиш усули ҳисобланади.*

Сиёсатда зўрлик ишлатиш усуллари давлатларнинг қурулган сиёсий муҳолафатга нисбатан ҳам, ҳар хил яширин гуруҳларнинг ҳукмрон синфлар ва давлат институтларига қарши ҳам қўлланилади. Шунинг учун бу ҳодисаларни алоҳида кўриб чиқиш керак.

Террор деганда, қаршилик кўрсатишга бўлган иродани синдириш ва ўз ҳукмронлигини ўрнатиш мақсадида давлатнинг фуқаролар ва сиёсий муҳолафатга қарши репрессиялар қилиши тушунилади.

XVIII асрдан бошлаб ва XIX асрнинг учдан икки қисми мобайнида давлат диктатурасининг очиқ зўравонлик шакли ҳам, бир марталик сиёсий суиқасдлар амалиёти ҳам «террор» тушунчаси билан белгиланган. Кейинчалик бу тушунча урушлар пайтида амалга ошириладиган репрессияларга ва урушларнинг ўзига нисбатан ҳам қўлланган. «Терроризм» тушунчаси «террор» тушунчаси билан бир хил маънода қўлланган, аммо айрим ҳолларда уларда маълум тафовутлар бўлган. Масалан, «терроризм» террорни амалга ошириш деб тушунилган. Ҳанузгача бу ёндашувнинг тарафдорлари кўп бўлиб, улар илгари сурган мантиқий далилларнинг бир қатор кўринишларини ёритишга ҳаракат қиламиз.

Терроризмга мухолиф қурулган сиёсий гуруҳларга хос фаолият деб қаралади. Муҳолафатчилар давлатнинг сиёсий ён беришига эришиш учун фуқароларга, шу жумладан чет эл фуқароларига нисбатан зўрлик ишлатадилар ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитадилар. Террорчилик ҳаракатларининг мақсади — ҳокимиятга, аҳолига, чет давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг вакилларига қўрқитувчи таъсир кўрсатиш орқали сиёсатда ўзгаришларга эришиш.

Ўтган асрнинг охирида сурункали террорчилик ҳаракатларини уюштирувчи ташкилотлар пайдо бўлди ҳамда «террор» ва «терроризм» тушунчалари ҳарбий ҳаракатлар соҳасига татбиқ этилмай қўйди. Улар энди фақат сиёсий курашнинг маълум турига нисбатан қўлланиб, бир-биридан маълум даражада тафовутлана бошланди. «Терроризм» тушунчаси орқали — асосан сиёсий қотилликлар уюштириш билан шуғулланган мухолиф ташкилотлар, «террор» тушунчаси билан эса давлат аппарatinинг репрессив ҳаракатлари белгилана бошланди. Фақат умумий нуқтаи назардан, террорчилик фаолиятини белгилашда ва уни сиёсий зўравонлиkning бошқа турларидан ажратишда мазкур тушунчалар маъноси бир хил бўлиб қолди. Бунда «терроризм» тушунчасини зўравон-

лиkning исталган шаклларига нисбатан қўллаш мумкин бўладиган таърифлашга ҳам уринишлар бўлди.

Терроризм ва зўравонликини, айниқса, халқаро ва маҳаллий хусусиятга эга бўлган можарода қўлланадиган зўравонликини фарқ қилиш алоҳида аҳамиятга эга. Қурулми можаролар жараёнида одамларни гаровга олиш ва бошқа шунга ўхшаган ҳаракатлар ғайриқонуний бўлиб, муносиб жазоланиши керак. Аммо, юридик нуқтаи назардан, улар террорчилик ҳаракатлари эмас, балки уруш қонунлари ва удумларини бузиш ҳисобланади. Профессор Л. А. Мажорьяннинг фикрича, «... уруш ҳаракатларини олиб бориш қоидаларини бузиш ҳеч қачон жазосиз қолдирилмаслиги керак, аммо уларни халқаро террорчилик ҳаракатлари деб эмас, балки уруш қонун ва удумларини бузиш деб таснифлаш зарур...»¹.

Терроризмни таърифлаш билан боғлиқ қийинчиликлар ҳақидаги фикримизга яқун ясар эканмиз, қуйидаги тўрт асосий муаммони қайд этиб ўтмоқчимиз:

биринчидан, терроризмга берилган таърифлар вақт ўтиши билан ўзгариб боради, зотан Иккинчи жаҳон урушидан сўнг терроризмнинг «янги» шакллари пайдо бўлди ва пайдо бўлишда давом этмоқда;

иккинчидан, «террорчи» атамаси салбий ёрлик бўлиб, уни бировга ёпиштириш жиддий оқибатларга олиб келувчи сиёсий ҳаракатдир;

учинчидан, терроризмни кўпинча муаммонинг барча мураккаб томонларини тушуниш истаги ёки имкониятларига эга бўлмаган ҳар хил давлат амалдорлари, ёзувчилар ва журналистлар «таърифлашади»;

ниҳоят, тўртинчидан, терроризмнинг бир-бирига зид тарихий, сиёсий, социологик ва фалсафий таърифлари жуда кўп. Буларнинг барчаси атамани тўғри тушуниш ва қўллашни қийинлаштиради.

Асосий фикрга қайтадиган бўлсак, **иккинчи ёндашувга** асосан, америкалик сиёсатшунос С. Хантингтон ўзининг яқинда чоп этилган китобида башорат қилган цивилизациялар тўқнашуви содир бўлади².

Ниҳоят, учинчи ёндашув вакилларининг фикрича, жаҳон дини — исломга ёпишмаслик керак, сиёсий одоб қондаси шунга мажбур қилади.

Ҳозирги лугатларда фундаментализм ҳодисаси терроризмнинг энг кенг тарқалган кўриниши сифатида ҳар хил тушунтирилган. Бунда у ёки бу қараш тарафдорлари ўзининг ҳақлигига мутлақо ишончи комил бўлиб, бошқа ҳеч қандай далилларни тан олмайдилар.

Умуман олганда, большевизм фундаментализмнинг бир кўриниши бўлиб, у бир қатор марксистик ақидаларни, аҳолининг энг қашшоқ табақаларининг орзу-умидларини, люмпен-пролетариатнинг менталитети ва рус разnochинларининг зўравонлик фалсафасини ўзида мужассамлаштирган эди.

¹ Қаранг: *Мажорьян Л. А.* К вопросу о сотрудничестве государств в борьбе с международным терроризмом // Сов. гос. и право. — 1990. — №3. — С. 119.

² Қаранг: *Huntington S. P.* The Clash of Civilizations and the Remaking of the World Order. — New York, 1996.

Нацистлар Германиясида ҳам худди шундай фундаментализм ҳукм сурган бўлиб, аҳолининг катта қисми, шу жумладан кўпчилик зиёлилар ҳам, Гитлерни, унинг ирқчилик назариясини кўр-кўрона қўллаб-қувватлаганлар. «Furer befiehlt, wir folgen» (фюрер буюради, биз бажарамиз), деган шиор миллионлар тилида янграган.

Фундаментализмга ижтимоий беқарорлик туртки беради, деган қараш мавжуд. Аммо бу — масаланинг фақат бир томони. Европа тарихида фундаментализмга мисоллар жуда кўп. Салиб юришлари, Инквизиция даври, Германиядаги «Қизил Армия фракцияси» террористик ташкилотининг фаолияти шулар жумласидандир. Бу ташкилотлар аъзолари асло қашшоқ оилаларнинг вакиллари бўлмаганлар.

Агар шундан сўнг биз ислом дини негизида вужудга келган экстремистик ташкилотлар фаолиятига мурожаат этадиган бўлсак, уларда ҳам фундаментализмнинг шундай белгиларини кўрамиз. Си-эн-эн ахборот агентлиги шарҳловчиси П. Бергеннинг Лондонда нашр этилган «Муқаддас уруш, инкорпорейтед» китобида қайд этилишича, Усома бен Лоден раҳбарлигидаги «Ал-қоида» ташкилоти 60 та мамлакатни қамраб олади. Бу эса ўзига хос фундаменталистик байналмилалликдир.

Мазкур ташкилот Судан, Миср, Саудия Арабистони, Яман, Сомали, Афғонистон, Покистон, Босния ва Герцеговина, Хорватия, Албания, Жазоир, Тунис, Ливан, Филиппин, Тожикистон, Озарбайжон, Кения, Танзанияда, Ҳиндистоннинг Кашмир вилоятида ва Чеченистонда айниқса фаол иш олиб бормоқда. Энг ташвишлантирадиган жиҳати шундаки, бен Лоденни бартараф этиш «Ал-Қоида» ташкилоти фаолиятининг тугатилишини билдирмайди.

Бунинг устига, «Ўлик бен Лоден тирик бен Лодендан ҳам хавфли бўлиши мумкин, чунки бу ҳолда у жафокаш одамга айланади ва бу ҳолга қарши ҳеч нарсга қилиб бўлмайди»¹.

Сиёсий одоб қоидаларига амал қилиб, кўпгина сиёсатшунослар «сиёсий маданият ва фундаментализмнинг исломий кўринишлари» мавзуга мурожаат этишдан ўзларини тийишни маъқул кўрмоқдалар. Бироқ амалиётда бунинг тескарасига ҳам дуч келиш мумкин. Масалан, «Шпигель» журналининг 2001 йил 3 декабрь сониди француз файласуфи Б. Леви билан интервью эълон қилинган. Мана, унинг бу борадаги фикри: «Ислом ўзининг фундаменталистик шаклига кўра учинчи фашизм, жигарранг ва қизил фашизмдан кейинги яшил фашизмдир». «Шпигель» муҳбири шубҳа билдиради: «Таққослаб бўлмайдиган нарсаларни бир-бирига қиёсламаяпсизми? Ахир, национал-социализм ва коммунизм динга қарши ҳаракатлар эди-ку?» — «Маълум мистик ўзакка эга бўлган ҳаракатлар эди. Таълимотнинг софлигига интилиш, ўзи ва жамият билан мутлақ уйғунликда яшайдиган янги инсон орзуси барча

¹ Новое время. — 2001. — № 48. — С. 25.

фундаментализмларга хос. Ислом интегризмининг талвасаларида биз XX аср тоталитаризмининг сўнгги олий хуружини кўрамиз». Муҳбир: «Демак, сизнингча, бу цивилизациянинг озодликни ҳимоя қилиш йўлида варварликка қарши уруши экан-да?» Б. Леви муҳбирнинг бу фикрига қўшилади ва: «Аммо бу ерда Фарбнинг исломга қарши уруши ҳақида гап кетаётгани йўқ. Цивилизациялар ўртасида чинакам уруш ислом дунёси доирасида содир бўлмоқда. Маърифат даврини кенгайтириш имконияти гаровга қўйилган»¹, деб қўшимча қилади.

Француз файласуфи Б. Левининг юқоридаги фикрларини келтириб, у ҳақ, қолганлар янглишяпти, демоқчи эмасмиз. Аммо, дунёнинг турли-бурчакларида яшайдиган ва фундаментализмнинг реал таъсирини ўзида ҳар хил даражада ҳис этган одамлар содир бўлаётган ҳодисаларни деярли бир хилда тушунишлари эътиборни тортади.

Кўпгина олимлар ва сиёсатчилар ҳар хил динларни таққослаб, уларнинг ахлоқий-маънавий позициялари ўхшаш, деган хулосага келдилар. Шундай олимлардан бири — Германия социал-демократиясининг назариётчиси В. Айхлер мазкур динларни яқинлаштириш зарур, зотан ҳозирги кунда принципиал янги жараён, таъбир жоиз бўлса — «ахлоқий инқилоб» содир бўлмоқда, деган хулосага келди.

Бу ерда ахлоқий қарашлар ва одамларнинг амалий фаолияти билан узвий боғлиқ бўлган яна бир муаммога эътиборни қаратиш ўринлидир.

Диний хусусиятга эга бўлган фундаменталистик ҳаракатлар негизида, ҳатто уларга жуда бой одамлар раҳбарлик қилган тақдирда ҳам, қашшоқлик, саводсизлик сингари иллатлар ётишини биз юқорида қайд этиб ўтдик. Бинобарин, бутун эътибор мана шу салбий ижтимоий ҳодисаларни тугатишга қаратилиши керак. Муаммо ҳақида умумбашарий қўламда гапирадиган бўлсак, бой ва камбағал мамлакатлар ўртасидаги тафовутни бартараф этиш зарур.

Бир вақтда қашшоқ мамлакатларга моддий ёрдам бериш, уларга ҳар хил ижтимоий дастурлар таклиф этиш керак, деган хулосага келинган эди. Аммо бундай ёрдам натижасида бой ва камбағал мамлакатлар ўртасида яқинлашиш жараёни кузатилмаслиги аён бўлди. Бунда сўл радикал йўналишдаги юзаки танқидчилар халқаро монополияларни айбладилар, улар мазкур мамлакатлардаги ресурсларни суғуриб олиб, одамларга сариқ чақа тўлаяпти, деб айюҳаннос солди. Бу тўғри, албатта. Аммо бу — ҳақиқатнинг фақат бир қисми. Муаммо чуқур таҳлил қилинганида, маҳаллий бюрократия келаётган ёрдамни талон-тарож қилаётгани, жамиятда шахсий ташаббускорликни рўёбга чиқариш омиллари, авваламбор, демократик институтлар мавжуд эмаслиги аён бўлиб қолди.

Европада Реформация даврининг аҳамияти протестантлик инсоннинг фаоллигини ошириш учун янги истиқболлар очгани билан бел

¹ Levi B. H. Ein Krieg um die Aufklärung // Der Spiegel. — Bonn, 2001. — № 49. — S. 209-210.

гиланадики, бу кейинчалик М. Вебернинг «Протестантча ахлоқ» асарида ўз ифодасини топди.

Инсон фаолиятига бундай янгича ёндашув аввал Европада, сўнг эса бошқа қитъаларда, авваламбор, Шимолий Америкада цивилизациянинг жадал ривожланишига туртки берди. «Протестантча ахлоқ»нинг осиеча кўринишини биз Япония, Тайвань ва Жанубий Кореяда кузатишимиз мумкин.

Миллий (давлат) ва халқаро миқёсда сиёсий курашда терроризмдан фойдаланишнинг ҳозирги замон шароитлари, мақсадлари, терроризмнинг мазмуни ҳамда унинг ташкилоти ва тактикасида жиддий ўзгаришлар ясамоқда. Терроризм ўзининг ҳар қандай шаклларида ўз кўлами ва оқибатларига кўра инсониятнинг энг хавфли ижтимоий-сиёсий ва маънавий муаммоларидан бирига айланиб қолди. Терроризм, фундаментализм ва экстремизм ҳар хил кўринишларда кўпгина мамлакатлар ва фуқароларнинг хавфсизлигига таҳдид солмоқда, улкан сиёсий, иқтисодий ва маънавий зарар келтирмоқда, сиёсий тизимни ва унинг таркибий қисмларини, сиёсий маданият ва онгни беқарорлаштирмоқда, одамлар оммасига кучли психологик таъйиқ кўрсатмоқда, кўплаб бегуноҳ одамларнинг умрига зомин бўлмоқда.

Террорчиларнинг аянчли ҳаракатлари оқибатида қурбон бўлганлар сони кўпайиб бораётгани, террор етказаётган моддий зарарнинг улканлиги, янги технологиялар, оммавий ахборот воситалари ва глобал компьютер тармоқлари (Интернет)нинг фаолияти натижасида кўпгина одамларда ажал уруғини сочувчи ҳар хил воситаларни яратиш ва уларни қўллаш усуллари ҳақида ахборот олиш ва сўнг бу ахборотдан фойдаланиш имконияти пайдо бўлаётгани жаҳон ҳамжамиятида катта ташвиш уйғотмоқда. Терроризм тажовуздан юксак даражада ривожланган мамлакатлар ҳам, сиёсий тузуми ва давлат тузилиши ҳар хил бўлган иқтисодий ва ижтимоий қолоқ мамлакатлар ҳам ҳимоя қилинмаган.

Одамлар ҳаёти байналмилал хусусият касб этиб бораётгани, янги алоқа ва ахборот воситалари ҳамда янги қурол-яроғ турлари давлат чегараларининг ва бошқа терроризмдан ҳимоя қилиш воситаларининг аҳамиятини кескин пасайтирмоқда. Террористик фаолиятнинг хилма-хил шакллари тобора кўпайиб бормоқда, у миллий, диний, этник можароларга, сепаратистик ва озодлик ҳаракатларига тобора фаол қўшилмоқда.

Террорчилик фаолиятининг маркази сўнгги йилларда Лотин Америкаси мамлакатларидан Япония, Германия, Туркия, Испания, Италия ва собиқ СССР инқирози натижасида ташкил топган мамлакатларга кўчди.

Ҳозирги замон шароитларида террорчилик фаолияти ўзининг кенг кўлами, аниқ давлат чегараларига эга эмаслиги, халқаро террорчилик марказлари ва ташкилотлари билан яқин алоқа ва ҳамкорлик қилиши, қатъий ташкилий тузилиши ва шу кабилар билан ажралиб туради.

Террорчилик ташкилотлар умумий ғоявий-конфессионал, ҳарбий, тижорат ва бошқа асосларда бир-бири билан яқин алоқа ўрнатган. Террорчилик гуруҳлар, айниқса, уларнинг раҳбарлари кўпгина ҳолларда қурол-яроғ харид қилиш, бир-бирининг қилмишини хаспўшлаш, кенг кўламли операциялар ўтказишда функция ва вазифаларни бўлиб олиш масалаларида бир-бирлари билан яқин ҳамкорлик қилмоқдалар.

Ҳозирги кунда терроризм нафақат якка кўпуровчилар, самолётларни олиб қочувчилар ва камикадзе-қотиллар, балки кўламига мувофиқ равишда таъминланган қудратли тузилмалардан иборат. Ўта даражадаги уюшқоқлик ва пухта тузилишга эгалик ҳозирги замон терроризмининг муҳим хусусиятидир. Террорчилик ташкилотлари ягона бошқарув органлари, бошқарув тизими ва режалаштирувчи бўлинмаларни ташкил этмоқдалар. Энг йирик гуруҳлар раҳбарларининг учрашув ва кенгашлари ўтказиб турилади, миллий мансублиги ҳар хил бўлган ташкилотлар фаолияти мувофиқлаштирилади. Катта маънавий-руҳий самарага эришиш ва жамоатга таъсир кўрсатиш учун ахборот-тарғибот ишлари йўлга қўйилган.

Ҳозирги кунда жаҳоннинг турли минтақаларида террорни ўз мақсадларига эришиш учун қурол қилиб олган ҳар хил йўналишдаги сиёсий ва миллатчи радикаллар яширин ташкилотлар, қурол-яроғ ва портловчи моддалар омборлари, таъминот ва молия тузилмаларининг тармоқлашган тизимини ташкил этганлар ва такомиллаштирмоқдалар. Террорчилик ташкилотларининг ниқоби тариқасида фирмалар, компаниялар, банклар ва фондлар тизими ташкил этилган ва фаолият кўрсатмоқда. Террорчиларнинг раҳбарияти агентура ёллаш, жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаёт соҳаларини назорат қилиш ҳамда уларнинг фаолиятига изчил таъсир кўрсатиш мақсадида, жамоат ташкилотларига суқилиб кириш ишларини такомиллаштирмоқда.

Террорчилик фаолиятини режалаштириш, муайян операцияларни тайёрлаш ва ўтказиш, у ёки бу акцияга жалб этиладиган алоҳида гуруҳлар ва ижрочилар ўртасида ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш масалаларини ҳал қилиш учун халқаро ва минтақавий бошқарув органларини тузиш, ҳокимият ва таъсир учун муваффақиятли кураш олиб бориш мақсадида, жамиятда ҳукуматга қарши кайфиятлар қўзғатиш, жамоат ва давлат сиёсий, иқтисодий тузилмаларига суқилиб кириш, дунёнинг турли минтақаларида жангарилар тайёрлаш марказлари ва базаларини ташкил этиш, террорчиларни ниқоблаш, молиялаш ва операцияларини ҳар томонлама таъминлаш учун фойдаланиладиган фирмалар, компаниялар, банклар ва жамғармалар тармоғини ташкил этиш, терроризмнинг наркобизнес ва қурол савдоси билан ўзаро чатишиши муносабати билан молиявий маблағларнинг террорчилар қўлида жамланиши, бир қатор давлатлар бераётган сиёсий бошпана, ўз ҳудудида яшаш, фаолият кўрсатиш ҳуқуқидан фойдаланиш, ўз таъсирини кенгайтириш учун мо-

жароли ва инқирозли вазиятлардан фойдаланиш ҳозирги замон терроризмининг ўзига хос жиҳатларидир.

Сўнгги йилларда терроризм байналмилалашди, халқаро ва миллатлараро гуруҳлар ташкил топди, айрим террорчилик ташкилотлари ўртасида ўзаро алоқа ва ҳамкорлик вужудга келди. Бу ҳодисани давлат тузумлари, айниқса, диктаторлик, миллатчилик, сепаратистик руҳдаги давлат тузумлари вужудга келтирса ва қўллаб-қувватласа, ўта хавфли тус олади.

Ҳозирги замон терроризми жаҳоннинг бир қатор минтақаларида ҳарбий хавф-хатар ва уруш ўчоқларини пайдо қилувчи жиддий омилга айланди. Сўнгги вақтларда террорчилик фаолияти мақсадларига сиёсий тус бериш айниқса кучайди. Ваҳоланки, бир қатор мамлакатларнинг қонун ҳужжатларида ва халқаро ҳужжатларда (масалан, 1977 йил 27 январда қабул қилинган Терроризмга қарши кураш бўйича Европа конвенциясида) терроризм, сабаблари ва мақсадларидан қатъи назар, жиноят деб таснифланган. Бу ўринда сиёсий терроризм ва жиноятчилик ўртасида тафовут илгари анча аниқ бўлганлигини қайд этиб ўтиш керак. Уларни баъзан фақат мақсадлари ва сабабларига қараб ажратиш мумкин, усул ва воситалари эса деярли бир хил. Улар ўзаро алоқа қилади ва бир-бирини қўллаб-қувватлайди. Баъзан жиноий хусусиятга эга бўлган қилмишлар сиёсий мақсадлар билан ниқобланадилар, уларнинг иштирокчилари эса, ўзларини террорчи қилиб кўрсатиб, қамоққа олинганидан кейин ўзига сиёсий маҳбус деб қарашларини талаб қиладилар.

Терроризм одамларни қўрқитишнинг янги, янада шафқатсиз ва қўлмалли усулларини қидирмоқда. Террорчилар принципиал чегарадан ҳатлаб ўтдилар — оммавий қиргин қуролини ишга солдилар (Япония метросида). Чет эллик экспертларнинг фикрича, террорчилар оммавий қиргин қуролларини эгаллашга, уларни ясашга, ядро объектлари ёки ташкилотларига суқилиб киришга, кучли таъсир қилувчи заҳарли воситаларни қўллашга, ишлаб турган ёки қурилаётган атом иншоотлари ва АЭСларга қарши қўпоровчилик уюштиришга илгари ҳам кўп уринганлар. Террорчиларнинг жамиятга қарши йирик акциялар уюштиришда кимёвий ва бактериологик қуроллардан фойдаланиш эҳтимоли жуда ҳам катта. Бу қуролларнинг бир қатор компонентларини расмий каналлар орқали сотиб олиш мумкин. Улар ҳақида маълумотлар очиқ манбаларда, Интернет тармоғида мавжуд. Ҳозирги кунда Сибирь куйдиргиси бацилласини етиштириш ва сақлаш ҳам катта муаммо тугдирмайди. Ваҳоланки, бундай бацилланинг таъсири термоядро қурулининг таъсири билан тенг.

Шундай қилиб, терроризм инсоният ҳаётининг давомийлигини, давлатларнинг хавфсизлигини таъминлаш муаммоси билан беvosита боғлиқ бўлиб қолди. Ижтимоий, этник, диний радикализм ва экстремизмнинг ашаддий кўриниши бўлган терроризм ўз мақсадларига эришиш йўлида ҳеч нарсадан қайтмайди.

Бу жиноий ҳодиса бутун дунёда тобора ўсиб бормоқда: агар 80-йилларда 500 дан 800 тагача (1985 йил) жиддий террорчилик ҳаракатлари қайд этилган бўлса, 90-йилларда — 900 тадан ортиб кетди¹.

Терроризм наркобизнес ва бошқа жиноий ҳодисалар билан чатишиб бормоқда. Йирик молиявий маблағлар радикал элементлар қўлида жамланаётгани ҳам терроризм хавфини оширмоқда. Террорчилик ташкилотларининг ҳомийлари орасида жаҳоннинг энг бой одамлари ҳам бўлиб, улар террорчилик фаолиятини кенг қўламда ва Ер куррасининг исталган бурчагида маблағ билан таъминлашга қодир.

Сўзимизнинг якунида айрим хулосалар чиқармоқчимиз. Агар жаҳон XX асрда фундаментализмнинг динга қарши негиздаги жиддий кўринишлари — Германияда национал-социализм ва Совет Иттифоқида большевизмга тўқнаш келган бўлса, XXI асрга биз диний фундаментализм ва экстремизм жиддий кучайган шароитларда қадам қўйдик. Бунинг сабаблари жуда кўп. Уларнинг айримлари ҳақида биз юқорида гапириб ўтдик. Вужудга келаётган қийинчиликларга энг оддий муносабат — юз йиллар, баъзан минг йиллар мобайнида шаклланган диний қарашлар орқасига яшириниш ва шу тариқа бугунги кун воқелигидан гўёки ҳимояланишдир. Бу турли дин арбобларининг зиммасига катта масъулият юклайди, уларнинг анъанавий маънавий қарашларни янги воқелик билан боғлай олиш қобилияти ҳам ана шу билан боғлиқ. Жамиятлар ва алоҳида шахсларнинг хавфсизлигини таъминлайдиган механизмларни яратишга ёрдам берадиган сиёсий маданиятнинг янги типини вужудга келтиришнинг асосий мазмуни, бизнингча, ана шундадир.

12.2. Сиёсий маданият ва миллатлараро можаролар

Сиёсий маданият билан миллатлараро можароларнинг ўзаро алоқаси ва таъсирини кўриб чиқишдан олдин миллий можаро нималигини аниқлаб олайлик. Бир қатор олимлар миллий можарони, биринчидан, ижтимоий ўзаро ҳамкорликнинг алоҳида шакли деб, иккинчидан, яхлит ижтимоий тизимлар (гуруҳлар) ўртасидаги қарама-қаршилик шакли деб, учинчидан, гуруҳлараро муносабатларни «субъективлаштириш» варианты деб талқин қиладилар².

Ҳозирги кунда жаҳонда, айниқса, собиқ СССР республикалари ҳудудида миллатлараро кескинлик ва можароларга туртки берувчи сабаблар ва омилларни таҳлил қилишда одатда иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий жараёнлар кўриб чиқилади. Бунда сиёсий жараённинг маданий,

¹ Қаранг: *Гушер А. И.* Терроризм — это ненависть человека к человеку // Журнал теории и практики Евразийства. — 2001. — № 3. — С. 42.

² Масалан, қаранг: *Бедин В. И., Генова Н. М., Перепелкин Л. С., Соколовский С. В.* Этническая конфликтология. — М., 1995; *Дмитриев А., Кудрявцев В., Кудрявцев С.* Введение в общую теорию конфликтов. — М., 1993.

диний, психологик хусусиятлар ва анъаналар сингари муҳим компонентлари, яъни кенг классик маънодаги сиёсий маданият эътибордан асоссиз четда қолади.

Собиқ Иттифоқ халқлари сиёсий маданиятидаги ўзгаришларнинг икки жиҳатини ажратиш мумкин. Биринчиси, шўролар давридан олдинги қадриятларнинг ўзига хос (баъзан анча сунъий, янги давлатларда шаклланаётган элитанинг сиёсий конъюнктураси ва манфаатларига бўйсундирилган) ренессанси билан боғлиқ. Бу нуқтаи назардан миллатчилик ёки диний-миллатчилик мафкурасининг у ёки бу модели анча осон вужудга келади.

Иккинчи жиҳат анъанавий жамиятга хос бўлган сиёсий маданиятни бузиш ва янги тип ҳосил қилувчи шаклларга ўтишдир. Шўроча ривожланишнинг жумбоғи шундаки, саноатни модернизация қилиш ва шиддатли урбанизация унда анъанавий жамиятдан мерос бўлиб ўтган жамоавий бирдамлик, иерархия ва патернализм муносабатлари билан уйғунлашган эди. Ирсий жиҳатдан турли тарихий-маданий анъаналарга мансуб бўлган СССРдаги барча халқларга хос бўлган совет менталитети ҳодисаси шу билан изоҳланса керак¹.

Собиқ СССР ҳудудидаги миллатлараро можароларга сиёсий нуқтаи назардан қараганда, давлат маъмурий механизмини ҳаддан ташқари марказлаштириш жуда салбий оқибатларга олиб келади. Иттифоқдош республикаларнинг мустақиллиги чеклаб қўйилди, марказ ва минтақаларнинг ваколатлари аниқ ажратилмади. Буларнинг барчаси миллий-ҳудудий тузилмаларнинг ҳуқуқлари камситилишига олиб келди ва муайян халқнинг алоҳида вакили бўлган шахс тақдирида акс этди.

Ўз ватанига, унинг тарихи, табиати, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсига бошқа халқларнинг муносабати туб халқларнинг миллий ўзлигини англашида энг заиф жойлардан бири бўлган ва шундай бўлиб қолмоқда. Марказ манфаатларида иттифоқдош республикаларнинг табиий ресурсларидан фойдаланишда саноат корхоналари айнан шу соҳада жуда катта хатоларга йўл қўйди. Ўрмонларнинг аёвсиз кесилиши, қадрдон дарёлар, қўллар ва бошқа сув ҳавзаларининг ифлосланиши, муқаддас қадамжоларнинг топталиши кабиларни халқлар ташвиш ва алам билан кузатиб турдилар. Геологлар, транспортчилар, қурувчилар ва саноатчилар бир лаҳзали фойда кетидан қувиб, туб халқларнинг экологик анъаналарига ва маданиятига қаттиқ зарба бердилар.

Маънавий маданият соҳасида «байналмилаллаштириш», сунъий тўқиб чиқарилган совет турмуш тарзини жорий этиш ниқоби остида миллий анъаналар, урф-одатларнинг қўпгина жиҳатларини тубдан қуритиш борасида изчил иш олиб борилди. Шу билан бир вақтда, этносларнинг

¹ Қаранг: *Комоцкая В. Д.* Фактор политической культуры в межэтнических конфликтах на территории бывшего СССР / Журнал теории и практики Евразийства. — 2002. — № 5.

миллий ўзлиги ва онгини ўтмаслаштирувчи шарт-шароитлар ҳам яратилдики, бу уларнинг ўз тилини йўқотишларига, космополитизмга, ўз халқининг бой тарихини унутишларига олиб келди¹.

Миллий маданиятларни яқинлаштириш, ўзаро бойитиш ниқоби остида амалда кам сонли этнослар маданиятини бир қолипга солиш, уларнинг маданиятини илдизидан қуритиш амалга оширилди.

«Халқлар ва миллатларни яқинлаштириш»дан иборат бундай сунъий жараён «миллатчилик» деб аташ расм бўлган яширин ва ошкора қаршилик қўрсатиш ҳолларига олиб келди. Аслида эса, бу — теран миллий қадриятларни ... сақлаб қолиш йўлидаги табиий интилиш, ижтимоий, маънавий ва тарихий тараққиётнинг субъекти бўлган миллатни сақлаб қолишга қаратилган объектив, бутунлай асосли эҳтиёж эди. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов урғу берганларидек, «ҳар қандай миллат, у нақадар кичик бўлмасин — инсониятнинг бойлигидир ва ҳар қандай миллий бирлиكنинг, унинг тил, маданий ва бошқа хусусиятларининг йўқ бўлиб кетиши Ер юзидаги маданий ва генетик фонднинг, шахс имкониятларининг қашшоқлашувига олиб келади. Шу боис ҳар бир этник бирликни сақлаб қолиш, унга мансуб одамларнинг энг муҳим мақсади бўлмоғи керак»².

1980 йилларнинг ўрталаридан бошлаб собиқ Иттифоқда миллий-маданий ва миллий-сиёсий ҳаракатлар фаоллашди ва бу тез орада миллатлараро можароларга, шу жумладан қуроли қўринишдаги миллатлараро можароларга олиб келди. СССР ҳудудида этник (сиёсий) сафарбарлиқнинг умумий модели вужудга келди. СССРдаги миллий-сиёсий ҳаракатларнинг таҳлили уларнинг қўпчилиги маълум сценарий бўйича ривожлангани ва бир қатор типик босқичлардан ўтганини кўрсатади:

1) биринчи босқичда миллий гуруҳнинг этник ўзига хослигини англаш туйғуси кучаяди, ўз халқининг ўтмишига бўлган қизиқиши ортади, миллий-маданий жамиятлар ва ташкилотлар тузилади. Мазкур босқич бирхиллаштирилган урбанистик маданиятнинг ривожланишига олиб борувчи модернизация жараёнларига нормал муносабат ҳисобланади;

2) маданий бирхиллашиш ва «этник томирлар»ни соғиниш ҳисси шунга олиб келадики, миллий гуруҳнинг энг фаол ва маълумотли қисми — авваламбор зиёлилар — миллий маданиятни сақлаш билан боғлиқ қарашларни оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб қилишга киришади. Миллий гоё тарафдорларининг кенг доираси шаклланади, халқнинг ўз миллий давлатчилиги гоёси вужудга келади ва тарғиб қилинади, бўлғуси ривожланишнинг истиқболли дастурлари ишлаб чиқилади. Биринчи ва иккинчи босқичларни миллий-маданий тикланиш деб аташ мумкин;

¹ Қаранг: *Горохов С. Н.* Межэтнические конфликты: истоки, пути предотвращения // Региональные проблемы межнациональных отношений в России. — Омск, 1993. — С. 78.

² *Каримов И. А.* Ўзбекистон XX аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т., 1997. — 73-74-б.

3) миллий тикланиш фаоллари кенг жамоатчилик асосида миллий-сиёсий ҳаракатларни — Халқ фронтлари (миллий фронтлар)ни ташкил этишга киришадилар. Улар ўз оммавий ахборот воситаларини ташкил этадилар, миллий лидерлар пайдо бўлади ва доврўқ қозонади;

4) бунинг натижаси ўлароқ, миллий давлат мустақиллигига эришишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган миллий партиялар ташкил топади. Миллий ҳаракатлар ва партияларнинг лидерлари парламентдаги жойлар учун курашга киришади;

5) миллий ҳаракатларнинг лидерлари парламент сайловида ғалаба қозонадилар ва ҳукуматлар тузадилар. Миллий давлатчилик атрибутлари, шу жумладан ҳарбий тузилмалар ташкил этилади. Янги миллий давлатни тан олиш масаласи «марказий» парламент ва халқаро ташкилотлар эътиборига ҳавола этилади. Янги миллий давлатни қонунийлаштириш ва миллатлараро можаронинг тарқалиши якуний босқичга киради.

Табиийки, бу этник сафарбарликнинг умумлаштирилган ва схема-лаштирилган моделидир. Кўпгина ҳолларда у қисман ёки бирон-бир ўзига хос вариантда амалга ошади. Шу ўринда бир муҳим жиҳатни қайд этиб ўтиш керак: сиёсий сафарбарлик давлат ҳокимияти кучсизлашган шароитларда содир бўлади, бошқача айтганда, миллатчилик ва диний фундаментализм ғоялари мавжуд давлат тузилишининг муқобили сифатида иштирок этади. Бу билан жамият ўзининг бўлғуси ривожланиш моделларини стихияли равишда синаб кўради.

Собиқ Иттифок ҳудудида янги давлатлар вужудга келганидан сўнг шўроча сиёсий маданият қатлами сунъий равишда олиб ташланди ва унинг ўрнида олдинги тарихий-маданий қатлам очилиб қолди. Бундай ҳодисани Фарб олимлари, жумладан, Рональд Дор, бошқа янги мустақил мамлакатлар мисолида, илгари қайд этган ва индигенизация, яъни ўз илдизларига қайтиш деб номлаган эди.

Миллатлараро муносабатлар, шу жумладан уларнинг можароли шакллари кўп жиҳатдан юқорида зикр этилган аввалги қатлам қандайлигига қараб шаклланади. Масалан, айрим россиялик олимларнинг фикрича, Фарбий Украинадаги анча ривожланган ва барқарор миллатчилик мафкуравий анъанаси, аслида, Украинадаги асосий мафкурага айланди ва барча фуқароларга, шу жумладан унга мутлақо бегона соф рус аҳолисига ҳам зўрлаб сингдирила бошланди. Табиийки, бу жараён тез орада можароли тус олди. Бу жабҳада миллий қаҳрамонлар пантеони, расмий мифология ва уларга асосланган кучли, кенг қамровли тарғибот бошлаб юборилди.

Шунга ўхшаш жараёнлар Болтиқбўйи мамлакатларида ҳам содир бўлди. Бу ерда миллий тикланиш жараёнларига баъзан мустақиллик давридаги давлат арбобларининг авлодлари бошчилик қилгани вазиятни янада мураккаблаштирди ва, шу билан бир вақтда, сиёсий-маданий қадриятларнинг тўғридан-тўғри ва бевосита ворисийлигини вужудга

келтирди. Бундай шароитларда бошқа сиёсий маданиятни сингдирувчилар ўз-ўзидан шунчаки ёт одамларга эмас, балки душманларга («босқинчилар»га) айландилар.

Бошқа томондан, бундай ривожланган анъананинг йўқлиги Белоруссияда батамом тескари оқибатларга олиб келди. Кёльнда жойлашган Шарқий Европа халқаро тадқиқотлари федерал институти директорининг ўринбосари Хайнц Тиммерман қайд этиб ўтганидек, МДХнинг бошқа кўпгина давлатларидан фарқли ўлароқ, Белоруссиянинг миллий ривожланиши коммунистлар давридан олдинги анъаналарга, ўз тилига ва маданиятига бошқа давлатларга қараганда камроқ даражада асосланиши мумкин эди... Барча республикалар орасида Белоруссияда менталитет ва ўзини ўзи англаш айниқса кучли даражада советлаштирилганди. Шунинг учун ҳам миллатлараро негиздаги кескинлик Белоруссияда кам даражада бўлди.

Туркменистонда миллий-диний анъаналарда давлат бошлиғи шахсига сиғинишни ва шўроча патернализм инерциясининг сақланишини ўзида мужассамлаштирган ўта авторитар тузум вужудга келди. Натижада анъанавий жамиятнинг ўзгариши жуда суст кечмоқда, аммо бу мамлакатда нисбатан барқарор ижтимоий-сиёсий вазиятни қарор топтирди. Бироқ сўнгги вақтда Туркменистон Россия Федерацияси билан имзо-ланган икки томонлама фуқароликни тан олиш тўғрисидаги битимдан чиқди. Шундан сўнг мамлакатнинг русийзабон аҳолиси олдида фуқаролик масаласини узил-кесил ҳал қилиш ҳақида ультиматум қўйилди, бош тортганларни уйларида кўчириб юбора бошладилар.

Бошқа томондан, Тожикистонда янгиланиш жараёнида шаклан ғарбий типга мансуб демократик процедураларга ўхшаб кетадиган кўп ойлик сиёсий кураш авж олди. Амалда республикада айнан этник тафовутлар негизда фуқаролар уруши содир бўлди. Турли вилоятларнинг вакиллари бир-бирига қарама-қарши бўлган ҳарбий-сиёсий гуруҳларни ташкил этдилар.

Шундай қилиб, анъанавий жамиятнинг жуда суст ўзгариши, аслида эса, ҳатто сақланиб қолиши миллатлараро муносабатлар нуқтаи назаридан энг хавфсиз бўлиб чиқди. Анъаналарнинг кескин ўзгариши ва ижтимоий ҳаётнинг ўта сиёсийлашиши эса, аксинча, ҳатто бир этнос доирасида маҳаллий тафовутлар негизда кўплаб қурбонларга олиб келган қонли можароларни келтириб чиқарди. Бу икки қутб ўртасида ислом анъаналарига эга бўлган бошқа республикалар ҳам жойлашган бўлиб, уларнинг ҳар бири у ёки бу янгиланиш йўлидан борди.

Шўролар давридан кейин содир бўлган миллатлараро можароларни СССРнинг парчаланиши билан боғловчи қарашнинг негизларини 1980 йилларнинг иккинчи ярмида кузатиш мумкин. Маълумки, бу даврда СССРнинг яқин келажагини тахмин қилган кўпгина олимлар «барчанинг барчага қарши уруши»ни муқаррар деб ҳисоблаган эди. Шунинг

учун ҳам 1990 йилларда юқоридаги қарашни қўллаб-қувватлаган муаллифлар миллатлараро сиёсий можароларга табиий бир ҳол деб қараб, уларнинг сабаблари ва механизмини аниқлашга ҳаракат ҳам қилмадилар.

Худди шу вақтда, 1990 йилларнинг биринчи ярмида, собиқ СССР ва унинг ҳудудида вужудга келган давлатларнинг миллий сиёсатини жиддий қиёсий-тарихий ёндашув билан талқин қилувчи дастлабки асарлар эълон қилинди. Қиёсий ўрганишга фақат сиёсат фанининг вакилларигина эмас, тарихчилар, социологлар, кейинроқ эса — конфликтологлар, психологлар ва жамиятшуносликнинг бошқа соҳаларида иш олиб борувчи олимлар қўшилдилар. СССР тажрибасини ва унинг парчаланиш сабабларини ўтмишдаги кўп миллатли давлатлар ва империяларнинг тажрибасига муфассал таққослаш бир қатор муҳим ҳулосалар чиқариш имконини берди. Жумладан, К. Барки империялар (шу жумладан СССР)нинг парчаланиши билан очиқ миллатлараро можароларнинг чиқиши ўртасидаги алоқанинг муқаррарлигини жиддий далиллар билан инкор этди. Унинг фикрича, бундай можароларнинг сабабларини парчаланган империя ўрнида вужудга келган давлатларнинг сиёсатидан қидириш керак. Р. Брубейкер ҳам (Германия ва Австрия-Венгрия империялари ҳамда СССР тажрибасини таққослаб), «империядан кейинги даврда халқларнинг ажралиши» доим ҳам миллий можаролар билан кечавермаслигини, шунинг учун ҳам бунга можаронинг сабаби деб эмас, ҳолатларидан бири деб қараш кераклигини далиллар билан кўрсатиб берди.

Совет давридан кейинги миллатлараро можароларнинг сабаблари можаро иштирокчиси бўлган миллатга нисбатан ташқи омилларда эмас, балки қисман мазкур миллатнинг ички омилларида яширин, деган фараз можароларни таҳлил қилиш учун пухта ишлаб чиқилган «миллий коммунизм» моделидан фойдаланиш имконини беради.

Авваламбор, Украина материалларида ўрганилган бу модель 1980—1990 йиллар оралиғида содир бўлган этнонационализм хуружига республика миқёсидаги КПСС раҳбарларининг бир қисми ўз тактик мақсадларида миллатчилик ғояларини қўллаб-қувватлаганининг натижаси деб қарайди. Миллий руҳдаги шиорлар ва талаблардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланган «миллий коммунистлар», олимларнинг фикрича, миллатлараро можаролар кўпайгани учун ҳам жавобгардирлар. Гарчи, «миллий коммунистлар» нуқтаи назаридан, миллатлараро можаро сиёсатнинг амалий мақсадларига фойдали бўлиши учун «ўлчамли» ва «бошқарилувчан» бўлиши керак бўлса-да, амалда бу талабларга риоя қилишга доим ҳам муваффақ бўлиnaverмайд.

Бу нуқтаи назардан М. Бейссинжер жуда эътиборга молик статистик материални келтиради. У ўз ишларида СССРда қайта куриш даврида ва собиқ Иттифоқ ҳудудидаги давлатларда содир бўлган очиқ миллатлараро

ро можаролар илгари давлатга эга бўлмаган ёки унга чекланган даражада эга бўлган (сохта мустақил иттифоқдош республикалар) этник гуруҳлар учун янги давлатчиликни вужудга келтиришга интилиш билан боғлиқлигини, мазкур интилиш, авваламбор, шўро даврида (баъзан унинг таъсирида) вужудга келган маҳаллий этносиёсий элиталарнинг манфаатларини акс эттиришини ва айнан мана шу элиталар уни илгари сургани ва тарғиб қилганини далиллар билан кўрсатиб берди.

Анъанавий жамиятдан фуқаролик жамиятига ўтиш — ўта оғриқли жараён. Россиялик олимлар Т. Ворожейкин, Е. Рашковский, А. Умнов қайд этиб ўтганларидек, «фуқаролик жамиятининг шаклланишидаги қийинчиликлар анъанавий нормалар ва ижтимоий-маданий алоқаларнинг инқирози ва узилиши билангина боғлиқ эмас. Фуқаролик жамияти — айниқса, ўз ривожланишининг дастлабки босқичида, — одамлар оммасида моддий ва ижтимоий аҳволнинг яхшиланишига катта умидлар уйғотиб, кўпинча бу умидларни қондира олмайди. Бунинг устига, мазкур умидлар аксарият ҳолларда анъанавий, баъзан ҳатто норасо ва архаик маънавий-психологик негизда шаклланади. Булар:

— моддий ва ижтимоий неъматларнинг бўлиб олиниши ва қайта тақсимланишига;

— тез ва ақл бовар қилмас даражада бойиб кетишга;

— ўзини эзиб келганлар устидан ғалаба қозонишга;

— ҳаётнинг бир маромга тушишига бўлган умидлардир.

Табиийки, бундай умидлар миллатчилик кайфиятлари уйғонишига қулай замин тайёрлайди. Бундай кайфиятлар ҳатто стихияли равишда уйғона бошлайди. Борди-ю миллатчилик у ёки бу тарзда давлат мақомига, расмий ёки шунчаки қонуний мақомга эга бўлса, миллатлараро кескинлик жадаллашади ва бу негизда можаролар чиқиши муқаррар бўлиб қолади.

Миллатлараро можароларни сиёсий маданият нуқтаи назаридан таҳлил қилиш миллатнинг, шу жумладан, СССРга ўхшаган ягона давлат таркибида бўлган даврдаги мураккаб таркибини эътиборга олишни ҳам талаб этади. Масалан, ҳозирги замон Украина давлати аҳолисининг бешдан бирини этник руслар ташкил этади. Табиийки, уларнинг сиёсий маданияти этник украинларнинг сиёсий маданиятидан фарқ қилмаслиги мумкин эмас. Шу билан бирга, украинлар ҳам икки кичик этноста: «ғарбликлар» ва «шарқликлар»га бўлинади. «Ғарбликлар» маданий-сиёсий жиҳатдан Ғарбга, Польша ва Германияга, католицизмга мойил бўлсалар, «шарқликлар», анъанага кўра, Шарққа, Россияга, православликка мойилдир. СССР парчаланиб, Украина мустақил давлат сифатида ривожлана бошлаганидан сўнг айнан «ғарбликлар» мазкур давлатнинг сиёсий-маданий қадриятларини ифодаловчилар сифатида олдинга чиқдилар. Бу республика ижтимоий ҳаётининг турли соҳаларида русларга ва Россияга қарши қарорлар қабул қилинишига олиб келди.

Бундай сиёсий-маданий зиддият бошқа минтақаларга ҳам хос. Бунга Тирасполь ва Кишинёвнинг қарама-қаршилигини мисол қилиб келтириш kifоя. Ваҳоланки, Приднестровье республикасининг мустақиллигини руслар ва украинлар билан бир қаторда, ўша ерда яшайдиган молдаванлар ҳам ҳимоя қилдилар. Шундай қилиб, бу ерда ҳам можаро расман бир этнос доирасида мавжуд бўлиб қолмоқда.

Дарвоқе, бундай тафовутлар тасодифий хусусиятга эга эмаслигини ҳозирги замон Германия тажрибасидан ҳам кўриш мумкин. Социологик сўровлар бу ерда икки Германия бирлашганидан сўнг орадан ўн йил ўтиб ҳам менталитетнинг ҳар хиллиги билан боғлиқ муаммолар ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Таъкидлаш жоизки, янги давлатлар халқлари сиёсий маданиятининг генезиси, тузилишини ва унда содир бўлаётган ўзгаришлар жараёнини ўрганиш миллатлараро можароларни ташхис қилиш, башоратлаш ва мазкур можароларни ҳал қилиш юзасидан муайян сиёсий тавсиялар ишлаб чиқишнинг муҳим ва ҳозирча жуда кам фойдаланилаётган методологик воситасидир.

Шундай қилиб, мазкур масалага Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов таъбири билан яқун ясаймиз: «...Ҳар қандай давлатнинг полиэтниклиги этник гуруҳлар ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришнинг этнослар ўртасида ўзаро табиий муносабат ўрнатилишига таянадиган, босқичма-босқич амалга ошириладиган жараён мавжуд бўлишини назарда тутди. Бу ҳол, давлатнинг ва минтақанинг хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган этник ва миллатлараро можаролар келиб чиққудек бўлса, уларнинг олдини олиш мақсадида мазкур жараёнларни мунтазам равишда ижтимоий таҳлил этиб боришни зарур қилиб қўяди»¹.

ХIII боб. ЎЗБЕКИСТОН СИЁСИЙ МАДАНИЯТИДА СОДИР БЎЛГАН ЎЗГАРИШЛАР

13.1. Совет даврида сиёсий маданият бўлганми?

Сиёсий маданиятни ўрганишга бағишланган кўпгина асарлар мазкур маданият нимадан таркиб топгани, қандай анъаналар асосида ривожлангани ва у ёки бу тарихий босқичларда қайси қадриятлар унда етакчилик қилганини аниқлашга йўналтирилган. Бизни эса Ўзбекистон сиёсий маданиятида камида охириги ўттиз-эллик йилда содир бўлган ўзгаришлар қизиқтиради.

Мамлакатимиз замонавий сиёсий маданияти босиб ўтган йўлни шартли равишда уч босқичга ажратиш мумкин: совет даври, ўтиш даври ва ХХI асрда ривожланиш истиқболлари.

Қайта қуришдан олдинги даврда республикамызда ва чет элларда сиёсий маданият ҳақида жуда кўп китоблар, рисоалар, мақолалар чоп этилди. Фарбда «советология» номини олган тадқиқот йўналиши вужудга келди ва у ХХ асрнинг 60-йилларида собиқ Иттифоқнинг сиёсий маданиятини фаол ўргана бошлади. Н. Петровнинг фикрича, бундан «Хрушчевнинг «муътадиллик» даври бошланганидан сўнг коммунистик тузумнинг кутилмаган барқарорлигини тушунтириш мақсади кўзланди»¹.

Мазкур йўналиш вакиллари, масалан, Г. Альмонднинг фикрича, сиёсий маданият эмпирик жиҳатдан сезиларли, кўзга яққол ташланувчи хулқ-атвор билан боғлиқ. Аммо бундай қараши учун уни ҳамкасблари танқид тиги остига олдилар: фақат сиёсий хулқ-атворнинг ўзини ўрганиш етарли эмас, шахсларнинг норматив ва маданий қарашларини ҳам ўрганиш керак, дея таъкидладилар.

Уларнинг бихевиоризмга бир томонлама мойиллиги, модомики ҳокимият институтлари мавжуд ва фаолият кўрсатаётган экан, демак, аҳоли расмий сиёсатни қўллаб-қувватлайди, деган қарашида ҳам намоён бўлди. Бунга таяниб, Совет Иттифоқида ҳокимият органлари ўз фаолиятида халқ оммасининг қарашларини ифода этади, деган фикр-ни илгари суриш мумкин эди.

«Ўзининг ҳақиқий сиёсий ҳис-туйғуларини шахс расмий ҳокимиятдан ҳам, интервьюерлардан ҳам яширишни маъқул кўриши мум-

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон ХХ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т., 1997. — 85-б.

¹ Қаранг: Петров Н. О концепции политической культуры, или основная ошибка советологии // Полис. — 1998. — №1. — С. 40.

кин», деган фикр Г. Альмонд ва С. Вербанинг хаёлига ҳам келмаган бўлса керак¹.

Сиёсий маданият тарафдорлари фуқароларнинг анъанавий тасаввурлари ва этиқодлари большевикларнинг ҳаракатлари ва асосий мақсадларига мос келгани туфайли совет тузуми жамоатчиликнинг қўллаб-қувватлашига таянган, деган фикрни илгари сурдилар.

А. Инкелес ва Р. Бауэр раҳбарлигида амалга оширилган Гарвард лойиҳаси совет жамиятининг кадриятларини ўрганган жиддий тадқиқотлардан биридир. Мазкур лойиҳа доирасида СССРлик 3000 дан ортиқ қочоқ сўровдан ўтказилди. Олимлар Совет Иттифоқининг кўпчилиги аҳолиси ундаги тузумни қўллаб-қувватлайди, одамларнинг ўз жамияти кадриятларига нисбатан садоқати америкалик фуқароларнинг шундай садоқатидан деярли фарқ қилмайди, деган хулосага келдилар.

Бошқа Фарб олимлари, жумладан, С. Уайт совет сиёсий маданияти ҳақиқатда «илдизи абсолютизмнинг бир неча юз йиллик тарихий тажрибасига бориб тақаладиган»² Россия сиёсий маданиятидир, деб хулоса чиқарди. Бошқача айтганда, совет даври билан инқилобдан олдинги давр тарихи ўртасида ворисийлик алоқалари мавжуд ва уларнинг ҳар бирида авторитар тамойиллар етакчилик қилган, деган хулосага келинди.

Собиқ совет олимларининг совет сиёсий маданияти ҳақидаги тадқиқотлари асосан тарғибот хусусиятига эга эди. Сиёсий маданият ҳодисасини улар қандай тушунгани ҳақида ҳам икки оғиз гапириб ўтмоқчимиз.

Бунда сиёсий маданият борасида зикр этилган тадқиқотларнинг кўпчилиги «илмий коммунизм ва КПСС тарихи соҳасида» ихтисослашган олимларга тегишли эди³. Мазкур муаллифларнинг барча назариялари Лениннинг сиёсий маданият ҳақида айтган бир нечта гаплари негизига қурилган, бу ҳодисанинг ўзига улар «етук социализмни такомиллаштириш, социалистик демократияни, социалистик турмуш тарзини янада ривожлантириш ва ҳар томонлама етук шахсни вояга етказиш жараёнининг таркибий қисми»⁴ деб қараганлар. Яъни сиёсий маданият социализм куриш курали деб тушунилган. Бунинг устига, сиёсий маданиятга мутлақо ижобий (яъни бир ёқлама) ҳодиса деб қаралган. Ўз вақ-

¹ Қаранг: *Петров Н.* О концепции политической культуры, или основная ошибка советологии // Полис. — 1998. — №1. — С. 39.

² Иқтибос манбаи: *Петров Н.* О концепции политической культуры, или основная ошибка советологии // Полис. — 1998. — № 1. — С. 44.

³ Қаранг: *Баталов Э.* Советская политическая культура (к исследованию распадающейся парадигмы) // ОНС. — 1995. — № 3. — С. 34.

⁴ Батафсил маълумот учун қаранг: Политическая культура социализма. — Фрунзе, 1984; *Иовчук М. Т., Коган Л. Н.* Советская социалистическая культура: исторический опыт и современные проблемы. — М., 1979; *Кейзеров Н. М.* Политическая культура социалистического общества. — М., 1982; *Коган Л. Н., Вишневецкий Ю. Р., Шанко В. Т.* Политическая культура развитого социализма: проблемы и опыт. — Свердловск, 1982; ва бошқ.

тида Е.А. Вавилин ва В.П. Феофанов қайд этиб ўтганларидек, бу забт этиш лозим бўлган ўзига хос «марра» эди¹.

Бошқача қилиб айтганда, собиқ Иттифоқда холис тадқиқотлар мавжуд эмас, илмий адабиёт ҳам у ҳақда тўғри тасаввур ҳосил қилиш имконини бермас эди. Бу тушунарли, албатта: бундай тадқиқотлар пайдо бўлган тақдирда ҳам ҳаёт юзини кўрмаган бўларди.

Шундай қилиб, Фарб ва совет олимларининг совет сиёсий маданиятга бағишланган тадқиқотларига қисқача шарҳни якунлар эканмиз, кимнинг тадқиқотлари нисбатан тўғри бўлган — Совет Иттифоқидаги сиёсий маданиятни мадҳ этган илмий коммунизм тарафдорларининг фикрими ёки «Совет Иттифоқида яшайдиган аҳолининг мутлақ кўпчилиги мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий тузумни қўллаб-қувватлайди ва умуман олганда, унинг ютуқларига ижобий баҳо беради», деб хулоса чиқарган Фарб советологларининг фикрими — аниқ бир нарса дейиш қийинлигини қайд этиб ўтмоқчимиз.

Совет жамияти ва фуқароларининг сиёсийлашганлик даражаси катта, деган фикр кенг тарқалганига қарамай, сиёсий хулқ-атвор ва сиёсий онг соҳасини ташкил этувчи воқеликларнинг таҳлили (§ 8.3 га қаранг) бунинг бутунлай тескарисини кўрсатди. Фуқароларнинг сиёсий жараёнда қатнашиш даражаси амалда унча катта эмас эди. Сиёсатга лоқайд муносабат ва сиёсий жараёнда иштирок этишга мойилликнинг пастлиги совет одамларининг сиёсий маданиятига хос жиҳатлардир.

Кўпчилик аҳоли мавжуд сиёсий тизимни чиндан ҳам маълум даражада қўллаб-қувватлар ёки унга нисбатан хайрихоҳ бетарафлик позициясини эгаллаб турарди. Буни одамлар мавжуд тизимнинг муқобилини кўрмаганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Тенглик совет одамларининг муҳим сиёсий кадриятларидан бири эди. Тенглик либерал-демократик жамиятлардаги сингари тушунилмасдан, аксинча, совет кишиси нафақат сиёсий, балки иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда имкониятларнинг ҳам тенглигини назарда тутар эди.

Собиқ СССРда коллективизм шахслараро муносабатларни уюштирувчи асосий тамойиллардан бири ҳисобланарди. Бунинг ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатлари бор эди. Бир томондан, бу бошқаларни қўллаб-қувватлаш, бирдамлик руҳи ва ҳамиша ёрдам қўлини чўзишга тайёрликни назарда тутса, иккинчи томондан, шахсни, инсонни давлатга, партияга, жамоага тобе қилиб қўярди. Мамлакатда содир бўлаётган сиёсий ҳодисаларга таъсир кўрсата олмаслик ҳисси, ҳокимиятдан қўрқиниш ва сиёсий маданиятнинг мурасасозликка мойиллик жиҳати, бошқача фикрлашга чидай олмаслик ана шундан келиб чиқар эди².

¹ Қаранг: *Вавилин Е. А., Феофанов В. П.* Исторический материализм и категория культуры. — Новосибирск, 1983. — С. 17.

² Қаранг: *Общая и прикладная политология.* — М., 1997. — С. 64.

Қонунга ялпи ҳурматсизлик, сиёсий муаммоларни қонунни четлаб ўтиб, шу жумладан куч ишлатиш йўли билан ҳал қилишга мойиллик совет сиёсий маданиятининг ўзига хос жиҳатларидан биридир (собиқ Совет Иттифоқида репрессиялар ва оммавий қатагонлар мустабид тузумнинг асосий қуроли эди).

Сиёсий ўзини ўзи англаш шахс сиёсий маданиятининг ажралмас қисмидир. Барча соҳаларда фуқаролар ўзларини маълум вазифалар, сиёсий оқимлар ёки ташкилотларга дахлдор ҳисоблайдилар. Собиқ СССРда фақат битта партия — Коммунистик партия мавжуд эди. Шунинг учун ҳам Совет Иттифоқи фуқароларида ўзини ўзи табақалаштирилган тарзда намोён қилиш имконияти мавжуд эмасди.

Э. Баталовнинг фикрича, «икки хил фикрлаш ҳамда сўз билан иш ўртасидаги узилиш» совет фуқаролари сиёсий онгининг ўзига хос жиҳатларидан бири эди¹. Умуман олганда, бу жиҳат давлатга ҳам хос бўлиб, воқеликни жуда кам акс эттирувчи СССР Конституцияси бунинг ёрқин далилидир.

Давлат ҳокимияти ва фуқаролар, жамият ва шахс, ҳуқуқлар ва мажбуриятлар, юқори доиралар ва оддий халқ ўртасида ўзаро алоқанинг мутлақо мавжуд эмаслиги совет даври сиёсий маданиятига хос хусусиятлардан биридир. Фуқаролар, шахс ва унинг ҳуқуқлари эмас, балки ҳокимият, жамоа ва давлат олдидаги мажбуриятлар ҳамиша етакчилик қиларди. Бунга мос равишда, муносабатлар тепадан пастга қараб амалга оширилар ва дохийлар ёки бош котибларнинг ўз «табаалари» устидан чексиз ҳокимиятига асосланар эди.

Совет кишисининг сиёсий маданиятидаги хулқ-атворга қуйидагилар хос эди:

- 1) сайловда иштирок этиш даражасининг баландлиги (одамларни овоз беришга мажбур қилишар ёки уйма-уй юриб овоз тўплашар эди);
- 2) номзодларни қўллаб-қувватлашда яқдиллик (реал муқобил мавжуд эмаслиги туфайли);

- 3) сайловга соф расмийлик тадбири деб қараш.

Сайловдан ташқари, сиёсий иштирокнинг «жамоат» ташкилотларида ишлаш, ҳукумат амалдорлари билан алоқалар, ҳукумат идораларига ҳамда газета ва журналларга мурожаат этиш (хат ёзиш) сингари шакллари ҳам мавжуд эди.

Кўпчилик фуқароларнинг КПСС ва ВЛКСМ сингари ташкилотлардаги фаолияти аъзолик бадалларини тўлаш, нари борса, йиғилишларда иштирок этиш билан чекланарди.

Буларнинг барчаси совет кишилари сиёсатда пассив иштирок этган, бошқача айтганда, «фуқаронинг пассив сиёсий позиция»ни эгаллаган,

¹ Қаранг: Баталов Э. Советская политическая культура (к исследованию распадающейся парадигмы) // ОНС. — 1994. — № 6. — С. 62.

деган хулоса чиқариш имконини беради. Ҳокимиятга қарши норозилик акцияларида иштирок этишга тайёр бўлган одамлар сони бармоқ билан санарли эди.

Юқорида санаб ўтилганларнинг барчаси совет жамиятида шундай хос бўлган белгилардир. Умуман жамият масаласига келсак, бу сиёсий тизимнинг фаолият кўрсатиш маданиятини кўриб чиқиш кескин. Собиқ Совет Иттифоқида у икки ҳодисада: партия ва давлатнинг фаолиятида ҳамда қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларининг бир қўлда жамланишида ўз ифодасини топди. Барча сиёсий қарорлар авторитар усулда қабул қилинар эди. Бинобарин, собиқ СССРнинг сиёсий маданиятини, классик типологияга кўра, аралаш сиёсий маданият, яъни патриархал, табаалик ва иштирокчилик типларини ўзида қамраб оловчи жассамлаштирган, иккинчи типга мансуб жиҳат етакчилик қиладиган сиёсий маданият деб таърифлаш мумкин.

Совет сиёсий маданиятининг тадқиқотчиси Э. Баталовнинг таъбири билан айтганда, совет сиёсий маданияти — бу «фуқаролик жамияти давлатнинг тўлиқ ҳукми остида бўлган шароитларда сиёсий ҳаётнинг давлатнинг тартибга солишига асосланган этатистик маданиятнинг классик намунасидир»¹.

13.2. Ўзбекистоннинг ўтиш даври сиёсий маданиятига хос хусусиятлар

«Тузумнинг ўзгариши у ёки бу сиёсий маданиятнинг реаллиги ҳақидаги қарашларнинг табиий синовидир».

Б. Бегматов

Ҳозирги замон Ўзбекистон жамиятининг сиёсий ҳаёти Б. Бегматовнинг юқорида келтирилган сўзлари нақадар тўғрилигини яна бир қараш тасдиқлайди, зотан, Ўзбекистонда социалистик тузум ўрнига демократия ўрнатилганидан кейингина биз ниҳоят реал ва сохта сиёсий маданият ўртасидаги фарқни баҳолай олдик.

Сиёсий маданият ҳақида ёзган муаллифлар сони қанча бўлса, сиёсий маданиятга берилган таърифлар сони ҳам шунча эканлиги маълум. Маданият умуман ҳаётдаги хулқ-атвор нормаларини белгилагани сингари, сиёсий маданият ҳам сиёсий ҳаётдаги хулқ-атвор нормаларини белгилайди, ижтимоий тизимни бирлаштиради. Ҳар қандай ижтимоий-сиёсий тизимнинг яшовчанлигини таъминлаш ва тарқатишнинг асосий шартлари сифатида сиёсий маданиятнинг туб қадриятлари биринчи

¹ Баталов Э. Советская политическая культура (к исследованию распадающейся парадигмы) // ОНС. — 1994. — № 6. — С. 69.

даражали аҳамиятга эгадир. Сиёсий маданиятга умуммиллий маданиятнинг шакли, унинг ажралмас қисми деб қараган тақдирдагина уни тўғри тушуниш мумкин. Бу аҳолининг қўпчилиги қўллаб-қувватловчи қадриятлар, нормативлар, сиёсий хулқ-атвор қоидалари ва стереотиплари тизимидир. Буларнинг барчаси узоқ йиллар давомида, бутун миллий тарих мобайнида шаклланади².

Совет давридан қолган салбий мерос мустақил Ўзбекистондаги сиёсий маданият даражасига бевосита таъсир кўрсатаётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги муаммолардан биридир. Сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни ислоҳ қилишнинг зарурлигини партия-бюрократик доираларидан ташқари, СССРнинг яқин ўтмишдаги барча олий раҳбарлари яхши тушунар эдилар. «Тургунлик» даврида аввалги яхши ўсиш суръатлари бой берилди, бу Фарб мамлакатларига структуравий ислохотларни амалга ошириш ва СССР билан бўлган «совуқ уруш»да ғалаба қозониш ҳамда тарихий тараққиётнинг сифат жиҳатидан янги босқичига қадам қўйиш имконини берди.

Ижтимоий тараққиётда, озгина бўлса ҳам, оқсаш замондан орқада қолишни истамаган кейинги авлодлар учун катта қийинчиликлар туғдиришини тарих яна бир карра намоёиш этди. Метиндек мустақкам бўлиб туюлган СССР қумдан ясалган уйдек бир лаҳзада тўкилиб тушганидан сўнг халқаро ҳаётнинг мустақилликни қўлга киритган янги субъектлари жаҳоннинг етакчи мамлакатларидан анча орқада қолганликларини ҳис этдилар.

Бундай парчаланиш натижасида ўзининг қўпгина алоқаларини йўқотган Ўзбекистон қийин аҳволда қолди. У «тараққиётни қувиб етиш» парадигмасига қайтишга мажбур бўлди. Бу эса сиёсий маданиятда эски стереотиплар тикланишига қулай замин ҳозирлади.

Мамлакатнинг ҳозирги авлод раҳбарлари ҳал қилиши керак бўлган вазифалар жуда мураккабдир. Ҳозирги замон Ўзбекистон жамиятининг манзарасини ижобий томонга батамом ўзгартириб юбориши керак бўлган ислохотларни амалга ошириш масаласи кун тартибига қўйилди. Баъзи бир олимлар ҳозирги ривожланиш босқичини капитализмга ва ҳатто ёввойи капитализмга ўтиш босқичи деб таърифлади. Аммо бу янгиланиш жараёнлари XX асрнинг охири — XXI асрнинг бошида сифат жиҳатидан бошқа шароитларда содир бўлаётганини унутмаслик керак. Бунда Ўзбекистон қўпгина акторлари у билан яқинлашиш ва ҳамкорлик қилишдан манфаатдор бўлган жаҳон ҳамжамиятининг таркибий қисми бўлиб қолаётир. Бу нуқтаи назардан сўнгги йиллардаги ташқи халқаро вазият энг муҳим ички ислохотларни амалга ошириш учун қулай имконият яратди.

Президент И. А. Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон раҳбарияти аҳолини қўллаб-қувватлаш, жамиятда бозор иқтисоди, демократия ва

фуқаролик жамияти негизларини яратишга йўналтирилган ислохотларни амалга оширмоқда. Ислохотлар жамият ҳаётининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳарбий, маъмурий, ҳуқуқий ва бошқа соҳаларини қамраб олган. Бу ислохотларнинг барчасини бир вақтда амалга ошириш талаб этилади, аммо амалда бу жуда мушкул вазифа. Ислохотларнинг ҳали давом этаётганлиги бутунги куннинг ўзига хос жиҳатларидан биридир, аммо сўнгги йилларда содир бўлган янгиланиш жараёнларининг ортага қайтмаслиги одамлар онгида илдиз отганининг ўзи мамлакатни ривожлантириш истиқболлари умидбахш бўлишига кафолат беради.

Шу билан бирга, жамиятни жипслаштирадиган ўзак — миллий ғоя шаклланаётгани катта ютуқдир. Социализм куриш даврининг асосий ғояси — нафақат СССРда, балки бутун дунёда коммунизмнинг ва коммунизм ғояларининг тантанаси ғояси — тарих ахлатхонасига итқитиб юборилди ва энди у фақат ўтмишни ўрганувчиларнигина қизиқтириши мумкин.

Миллий мустақилликнинг асосий мақсад деб эълон қилиниши бутун халқни бир байроқ остига бирлаштириш, мустақилликнинг дастлабки даврида демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамияти куриш йўлидан олға силжишга ёрдам берди. Ҳозирги ривожланиш босқичида демократия ва демократик қадриятлар йўлида сўнгги ҳал қилувчи қадамни ташлаш учун халқни бирлаштиришга яна бир марта ёрдам берадиган янги миллий ғояларни аниқ ифодалаш талаб этилади.

Бу нуқтаи назардан, урушдан кейинги даврда ҳар уч-беш йилда янги ғоялар ва принциплар илгари сурилган Япония тажрибаси эътиборга моликдир. Зотан, мазкур ғоялар ва принциплар пировард натижада мамлакатга собиқ милитаристик тузумнинг таъсири оқибатларини бартараф этиш, вайронгарчиликни тугатиш ва янги жамият, либерал-анъанавий типга мансуб жамият куриш ва пировардида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасига кўра жаҳонда иккинчи ўринга чиқишга ёрдам берди.

Мамлакат қўп партияли тизим барпо этиш йўлидан бормоқда. Мавжуд сиёсий партиялар ҳали кучли мавқега эга бўлмаётир. Шунингдек, сиёсий партияларнинг чинакам хайрихоҳлари ҳали тўлиқ шаклланмаганини ҳам эътироф этиш лозим.

Сиёсий партияларнинг фуқароларни тарбиялашдаги аҳамияти бениҳоя каттадир. Фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги тегишли қонунлар ва ҳуқуқий механизмлар билан уюштирилмаганида «турли гуруҳларнинг ўз манфаати йўлида яширинча ҳаракати авж олади. Бундай шароитда барча воситалар — адолатнинг оёқ ости қилиниши, ҳақиқатнинг бузилиши, қонунни менсимаслик ишга солинади. Жамиятни инқирозга олиб борувчи бу йўлга қарама-қарши ўлароқ, гуруҳларнинг ўз манфаатларини ҳимоя қилиши учун сиёсий партияларга бирлашишдек демократик йўл ҳам мавжуддир»¹.

¹ Раҳматуллаев Т. Сиёсий партия ва демократик тамойиллар. — Самарқанд, 1989. — 5-6.

² Қаранг: Политическая культура: Теория и национальные модели. — М., 1994. — С. 55-77.

Сиёсий ҳурфикрлилик, эркинлик ва озодлик ғояларининг, маърифатчилик ҳаракатининг кенг ёйилиши билан демократик кадрларни ҳимоя қилувчи, давлатнинг яқка ҳокимлигини чеклашга даъват этувчи сиёсий бирлашмалар, партиялар ижтимоий-сиёсий тизимда ўз ўрнини топа боради. Натижада сиёсий партиялар ўз олдига сиёсий хоҳиш ва истакнинг шаклланишига доимий таъсир этишни мақсад қилиб қўйиб, уни амалга ошириш йўлидаги барқарор ташкилий тузилма сифатида шаклланади. «Сиёсий партиянинг характерли хусусияти ўз таъсирини ҳукуматга ўтказиш, ҳокимиятни ўз қўлида сақлаб туриш ва таъсир ўтказиш учун сайловларда иштирок этишдир. Партия мақсадини амалга ошириш учун партия аъзолари партиянинг жамиятдаги таъсирини ўтказа боришда сиёсий тизимда раҳбарлик ўринларини эгаллашлари лозим. Демак, ҳокимиятга интилиш партиянинг асосий белгисидир. Бизда эса аксарият бу ҳақиқатни ё тушунмайди ёки тан олгиси келмайди»¹.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда сиёсий партиялар фаолиятдан, тутган позициясидан қониқмаслик, ҳатто уларнинг мавжудлиги, тадбирлари ва дастурлари билан қизиқмаслик кенг тарқалган. Сиёсатшунос Ш. Мамадалиевнинг маълумот беришича, «Ўзбекистонда ташкил этилган сиёсий партияларнинг дастурларидан хабардормисиз?», деган саволга респондентларнинг 71,8% — «йўқ», 21,2% — «яхши эмас», атиги 6,2% — «ҳа» деб жавоб берган. «Йўқ» деб жавоб берганларнинг 80% га яқинини 35 ёшгача бўлганлар ташкил этган. Демак, биров бўлса-да, салбий ҳулосаларга келиш мумкин. Ҳозирги ёшлар тушунчасида сиёсий партиялар ўз мавқеига, обрўйига эга эмас ёки уларнинг нима билан шуғулланиши уларни қизиқтирмайди. 35 ёшгача бўлганларнинг атиги 2,8% у ёки бу партия тадбирларидан, дастурларидан хабардор эканлигини айтганлар².

Сиёсий партияларни фаоллаштириш улардаги айрим нуқсонларни бартараф қилишни тақозо этади. Сиёсий партияларда ички демократия ҳали кенг ривож топмади. Баҳс-мунозара улар ҳаётининг асосий мезонига айланмаган. Худди шунингдек, партиялараро баҳслар ҳам кузатилмаяпти. Парламентга сайланган партия етакчилари, фаоллари келгуси сайловгача партия ички фаолиятини жонлантиришга эмас, балки эришган мандатини, лавозимини сақлаб қолишга интиладилар, холос. Натижада партия ҳаёти мўрт бўлиб қолишга мажбур. Демак, партияларда ички демократия ва ҳурфикрлиликни, партиялараро баҳсни, мунозарани, ўзини ўзи танқидни шакллантириш механизмларини яратиш зарур³.

Ўзбекистонда одамларни сиёсий муаммолардан ҳам кўра кўпроқ ўтиш даврининг иқтисодий муаммолари ташвишлантиради. Зотан, 90-йилларнинг бошида аҳолининг турмуш даражаси анча пасайди. Иқтисодий

ислохотлар ижтимоий йўналтирилган ҳолда бўлса-да, эволюция йўли билан амалга оширилган аҳолининг боқимандалик кайфиятлари кучли бўлган, эскича ишлашга ўрганиб қолган қисмига, айниқса, замонга мослашувчанлик даражаси ёшларга қараганда анча паст бўлган катта авлод вакилларига муайян қийинчиликлар туғдирди.

Мамлакатимизда демократиянинг шаклланиши билан боглиқ қийинчиликлар кўп жиҳатдан демократик типга мансуб реал сиёсий маданиятнинг сустиги билан изоҳланади. Зеро, бир қатор мансабдор шахслар ва оддий фуқаролар, баъзан ўзлари сезмаган ҳолда, эски сиёсий маданият императивлари билан фикрлайдилар ва ҳаракат қиладилар.

Ўзбекистон яна маълум вақт мобайнида совет сиёсий маданиятининг муайян таъсирини ўзида ҳис этади деб ҳисоблаш учун айрим асослар мавжуд. Шунга қарамай, бугунги Ўзбекистонда сиёсий маданиятнинг муайян ўзига хос типи мавжуд ва уни ўрганиш бўйича фаол тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Тадқиқот усулларида, илгари сурилаётган фаразларда ва айрим бошқа жиҳатларда мавжуд тафовутларга қарамай, уларнинг барчаси бир нарасада якдил: ҳозирда Ўзбекистон фуқароларининг сиёсий маданиятида жиддий ўзгаришлар содир бўлган. Бу, авваламбор, социалистик тузумнинг инқирозга учраши билан боглиқ. Республикада Фарб демократиясига хос бўлган принциплар: сайлаб қўйиладиган президент ва парламент, сиёсий партияларнинг хилма-хиллиги, эркин матбуот ва ҳоказоларга асосланган янги сиёсий тизим вужудга келди. Аммо Ўзбекистоннинг сиёсий ҳаётида кўп нарсалар «тараққий этган» Фарб жамиятларидагидан бошқача содир бўлган ва содир бўлмоқда. Бу табиий ҳолдир.

Ўтказилган тадқиқотлар кўпгина фуқаролар «демократия» тушунчасининг мазмунини ҳақида аниқ тасаввурга эга эмаслигини кўрсатади. Аммо мамлакатимиз фуқароларининг туб қадриятлари Фарб мамлакатлари фуқаролариники билан бир хил (тенглик, адолат, эркинлик ва ҳоказо).

Ўзбекистон фуқароларининг мутлақ кўпчилиги ҳозирги кунда сайловда овоз беришни сиёсатчиларга нисбатан ўз муносабатини ифода этишнинг ягона усули деб ҳисоблайди.

Сиёсий маданиятни ўзгартиришдаги қийинчилик республика аҳолисининг маданий-тарихий менталитетини ўзгартириш зарурлиги билан боглиқ. Демократик институтлар, демократия амалиёти жамиятимизда чуқур илдиз отишига ҳали анча бор. Бунга мамлакатдаги раҳбар доиралар ва оддий халқнинг баҳамжиҳат ҳаракати билан эришиш мумкин. Буларнинг барчаси меҳнатни, вақтни ва муайян тажриба тўпланишини талаб этади.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг ўтиш давридаги сиёсий маданиятини классик «фуқаролар» маданиятига ҳам, «иштирокчилик» маданиятига ҳам мансуб деб бўлмайди. Чунки бундай қарашлар жамиятимизда ҳали кенг тарқалганича йўқ, аммо уларнинг илк куртаклари ҳозирги кунда нишона бермоқда.

¹ Раҳматуллаев Т. Сиёсий партия ва демократик тамойиллар. — Самарқанд, 1989. — 16-б.

² Мамадалиев Ш. О. Халқ ҳокимияти: назария ва амалиёт. — Т., 2003. — 165-б.

³ Ўша жойда. — 173-б.

13.3. XXI асрда Ўзбекистон сиёсий маданиятининг ривожланиш йўллари

Ўзбекистонда сиёсий маданиятнинг ривожланишига доир башоратлар илмий адабиётда асосан XX асрнинг 90-йиллари бошида, Ўзбекистон қайси йўлдан бориши ҳали концептуал даражада ишлаб чиқилмаган, сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан тегишли тадбирлар ва ҳужжатлар билан расмийлаштирилмаган даврда қилинган эди.

Мамлакат мустақилликни қўлга киритганидан ўн уч йил вақт ўтганидан сўнг бу ҳақда ишонч билан фикр юритиш мумкин.

Ўша даврда кўп сонли тадқиқотларнинг муаллифлари «демократик» сиёсий маданият шаклланиши учун халқ «унинг учун анъанавий ҳисобланган қадриятлар билан маълум даражада ҳамоҳанг бўлган» янги қадриятлар ва қарашларни қабул қилиши кераклигини қайд этган эдилар¹.

Ўзбекистонда янги сиёсий маданият тўрт манбадан таркиб топиши керак, деган фараз илгари сурилди:

- сиёсий амалиёт (янги тажриба, анъаналар ва ҳ.к.);
- чет эл тажрибасини ўзлаштириш;
- совет давридан қолган ижобий мерос;
- ўзига хос тарихий маданиятни тиклаш.

Аммо Ўзбекистон сиёсий маданияти қандай кўринишга эга бўлади, у АҚШ ва Буюк Британияда ҳукм сураётган «фуқаролар маданияти»ни эсга соладими ёки ҳеч қайси маданиятга ўхшамайдиган, соф ўзбекона ҳодиса бўладими, деган саволга ҳеч ким аниқ жавоб бера олмади.

Бугун, орадан ўн уч йил ўтиб, ҳозирги вақтда Ўзбекистон сиёсий маданияти ўзига хос йўналишда ривожланишга мойил, деб комил ишонч билан айта оламиз. Шу тариқа, биз кўпгина мамлакатлар эътироф этган тараққиётнинг ўзбек модели мавжудлигини яна бир карра қайд этишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобида давлатимиз ташқи сиёсатининг олти асосий принципини аниқ кўрсатиб берди:

1) ўз миллий давлат манфаатларини устувор қўйган ҳолда, ўзаро манфаатларни жаҳон миқёсида эътиборга олиш;

2) тинчлик ва ҳавфсизликни мустаҳкамлаш; можароларни тинч йўллар билан ҳал қилиш; мамлакатнинг ядро зонасисиз қолиши; инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, баҳсли масалаларни ҳал қилишда куч ишлатишдан ва куч ишлатиш билан таҳдид солишдан воз кечиш;

3) тенг ҳуқуқлилик, ўзаро манфаатдорлик ва бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик;

¹ Қаранг: Российская повседневность и политическая культура: возможности, проблемы и пределы трансформации. — М., 1996. — С. 102.

4) ташқи сиёсатда очиқлик, мафкуравий қарашлардан холилик принципи;

5) халқаро ҳуқуқ нормалари давлатнинг ички ҳуқуқи нормаларидан устунлигини тан олиш;

6) икки томонлама ва кўп томонлама алоқалар ўрнатиш ҳамда уларни ривожлантириш¹.

Ҳар бир мамлакатнинг сиёсий маданияти ўзининг ўтмишдаги маданиятлари ва бошқа мамлакатларнинг маданиятлари таъсирини ҳис қилиши шубҳасиз. Аммо бунда Ўзбекистон сиёсий маданияти ўзининг шаклланиш жараёнида, ҳозирги кунда ва яқин келажакда, ўз тарихий маданий қадриятлари дурдоналаридан, собиқ совет сиёсий маданияти меросидан ва Ғарб мамлакатларининг сиёсий маданиятлари намуналаридан фақат энг яхши жиҳатларини оқилона жамлаб олади, деб умид қиламиз.

У ёки бу мамлакатда содир бўлаётган сиёсий жараёнга сиёсий маданиятнинг хусусияти таъсир кўрсатиши, ҳар хил гуруҳларнинг манфаатларини мувофиқлаштириш ва сиёсий барқарорликни таъминлаш эҳтимолини ошириши ёки камайтириши шубҳасиз. Ўзбекистон билан боғлиқ ҳолатда сиёсий маданият, унинг мавжуд сиёсий воқеликка мувофиқлиги муаммоси долзарб, зотан, сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар аҳолининг сиёсий қарашлари янгиланишига туртки бериши лозим. Мазкур шарт бажарилмаган тақдирда, одамларни сиёсатдан узоқлаштирувчи сиёсий маданият шаклланади ва бу фуқароларнинг ижтимоийлашувини сусайтиради.

Бу ўринда сиёсий маданиятдаги ўзгаришларга давлат изчил таъсир кўрсатиши мумкинми, агар мумкин бўлса, давлат сиёсий маданиятдаги ўзгаришларга қандай воситалар ёрдамида таъсир кўрсатади, деган ҳақли савол туғилади. Сиёсий маданиятни шакллантирувчи омиллар ва субъектларнинг таҳлили, умуман олганда, уларнинг схемаси маълум қарашлар ва қадриятларнинг ўзгариши содир бўладиган ижтимоийлашиш жараёни механизмига мос келади, деган хулоса чиқариш имконини беради. Бизни кўпроқ қизиқтирадиган жамоавий ижтимоийлашишнинг қуйидаги шакллари фарқланади:

- анъанавий (маданиятни анъаналар орқали ўтказиш);
- сафарбар этувчи (ташқи, фавқулудда омиллар таъсирида содир бўлади);
- модернизацион (маданиятни ўзгартиришнинг анъанавий механизмлари таъсир қилмайдиган жамиятларда мавжуд бўлади);
- ўтиш шакли (анъанавий механизмлардан — модернизацион шаклларга ўтиш).

Жамиятимиз ижтимоийлашиш жараёнида маданий анъаналардан ҳам кўра кўпроқ маданиятдаги янгиликлар етакчи ўрин тутадиган мо-

¹ Қаранг: Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. — Т., 1992. — 12-б.

дернизация босқичини бошдан кечирмоқда. Бунда иккиламчи ижтимоийлашишнинг таъсири кучаяди, уни амалга оширишда анъанавий институтлар инқирозга учраган шароитларда ҳар хил инновацион воситалар, шу жумладан уларнинг энг таъсирчани — телевидение етакчи ўрин эгаллай бошлайди. Фан-техника инқилоби жараёнида у, аслида, бирламчи ижтимоийлашиш омилига ҳам айланади ва шахс маданиятининг ривожланишига унинг шаклланишининг дастлабки босқичларидаёқ таъсир кўрсатади.

Сиёсий маданият умумий маданиятнинг бир қисми сифатида тарихий тажриба тўпланишига қараб ривожланиб боради. Рональд Инглхартнинг фикрича, «...маданият — ўзгармас мезон эмас. Маданият шундай бир тизимки, жамият мазкур тизим ёрдамида атроф муҳитга мослашади. Агар атроф муҳит ўзгарса, маълум вақтдан сўнг маданият ҳам ўзгариши мумкин». «Янги» демократик мамлакатлардагина эмас, «эски» демократик мамлакатларда ҳам маданият вақти-вақти билан ўзини ўзи янгилаб туради. Ҳар қандай маданият одамлар сиёсий онги ва хулқ-атворининг янги ва анъанавий элементларини ўзида мужассамлаштиради. Унинг мана шу хоссаси жамиятга ютуқларни тўплаб бориш ва атроф муҳитдаги ўзгаришлар мослашиш қобилиятини такомиллаштириш имконини беради. Шунинг учун ҳам сиёсий маданиятнинг анъанавий ва янги элементларининг ўзаро таъсири муаммоси жаҳоннинг барча мамлакатларида мавжуд.

XXI асрда иқтисоднинг ривожланиши ва жадал ўсиши ҳисобига Ўзбекистоннинг сиёсий маданияти ҳам ўзгарса, у «иштирокчилик» элементлари етакчилик қилувчи «фуқаролар» маданиятини эслатса керак. Аммо ҳозирги кунда Ўзбекистон фуқароларининг сиёсий маданияти, классик типологияга қўра, аралаш типга мансубдир.

Бир томондан, халқ сайлов жараёнларида фаол иштирок этади (республикада ўтказиладиган сайловларда ўрта ҳисобда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган мамлакат аҳолисининг 90—92% қатнашади), аммо, бошқа томондан, одамларда «айнан менинг овозим» умумий натижада ҳеч нарсани ҳал қилмайди, деган қараш ҳам анча кенг тарқалган.

Шундай қилиб, фуқароларнинг фаоллиги ҳақида фақат шахсий кузатишларга асосан ҳукм чиқариш қийин. Ўзбекистонда сиёсий маданиятни ривожлантириш йўллари ҳақида ишонч билан сўз юритиш учун юқорида зикр этилган масала юзасидан анча кенг қамровли тадқиқотлар ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон қайси йўлдан бориши керак, деган баҳслар ҳали ниҳоясига етгани йўқ, аммо шуниси аниқки, Президентимиз қайд этиб ўтганидек, бизни танлаган йўлимиздан қайтариб бўлмайди. Демократик тараққиёт ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўли ягона тўғри йўлдир. Бу йўналишда сиёсий маданият алоҳида аҳамиятга эга, зотан у

омма ва алоҳида шахсларнинг сиёсий хулқ-атвори назарияси ва амалиётини, сиёсий анъаналар ва ҳодисаларни, сиёсий психология ва онгни белгилайди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг янгиланиш жараёнларини бошдан кечираётгани юқорида зикр этилган масалалар юзасидан узил-кесил хулоса чиқариш имконини бермайди. Бундай хулосаларни фақат мазкур жараёнлар ниҳоясига етиб, республикада яшаётган одамларнинг мутлақ кўпчилиги оёқлари тагида мустаҳкам заминни ҳис қила бошлаганидан сўнг чиқариш мумкин. Бу борада XXI аср том маънода мамлакатимизнинг юксалиш даври бўлиши лозим. Шунда биз Президент И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» деган сўзлари рўёбга чиқди деб, комил ишонч билан айта оламиз.

XIV боб. ЎЗБЕКИСТОНДА СИЁСИЙ МОДЕРНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ: МОҲИЯТИ, МАЗМУНИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

14.1. Модернизация назариялари ва унинг асосий шаклланиш босқичлари

Ҳозирги замонда илғор тараққиёт поғонасида турган жуда кўп мамлакатлар «ўтиш даври» босқичини бошдан кечирган. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳам худди шу босқичдан ўтмоқда. Шунинг учун ҳам модернизация масаласи айни паллада мамлакатимиз учун долзарб аҳамиятга эга.

Модернизация назарияси XX асрнинг 50–60-йилларида шакллана бошлади. А. И. Соловьев: «Ўша даврида «модернизация» ибораси бир вақтнинг ўзида ҳам ижтимоий янгиланишлар босқичини (ҳолатини), ҳам замонавий жамиятларга ўтиш жараёнини англатар эди. У ўзида нормативликни, «модерн»га ўтишнинг юкланганлигини, етарли даражада ривожланган жамиятлар эътиборга олиши керак бўлган ҳозирги замон жамияти мезонларини мужассамлаштирганди»,—деб кўрсатади¹.

Модернизация назариясининг асосчилари XIX аср ва XX асрнинг бошидаги таниқли олимлар, шу жумладан Европа цивилизациясини анъанавий жамиятдан ҳозирги замон жамиятига ҳулқ-атвори рационализация қилиш асосида ривожлантириш ғоясини илгари сурган М. Вебер, «механик бирдамлик» жамиятларидан «бирдамлиги чекланган» жамиятларга меҳнатни тақсимлаш асосида ўтиш концепциясини таклиф этган Ф. Теннис ва Э. Дюркгеймнинг назарий меросига таяндилар. Структураларий-функционал таҳлилнинг асосий қоидалари, шу таълимот тарафдорларининг ижтимоий ривожланиш ҳақидаги тасаввурлари ҳам модернизация назарийчилари таянган назарий негиз вазифасини бажарди.

Кўпгина олимларнинг фикрича, модернизация тамаддуний, ижтимоий-маданий хусусиятга эга, бошқача айтганда, у ижтимоий муносабатларнинг барча соҳаларини қамраб олади. Б.С. Старостин қайд этиб ўтганидек, модернизациянинг мақсади ва маъноси фақат иқтисодий ўсишдан эмас, балки технологик маданият, бошқарув маданияти, сиёсий ва тамаддуний маданиятларни ўз ичига олувчи ижтимоий маданият тараққиётининг маълум даражасига эришишдан иборат².

¹ Соловьев А. И. Политология: политическая теория, политические технологии. — М., 2000. — С. 297.

² Каранг: Старостин Б. С. Модернизация и национальная культура. — М., 1995. — С. 17.

Г. Альмонд ва Д. Пауэлл (*Almond G & Pauell D. Comparative Polityology. Approach from the position of «Development conception».* — Princeton, 1966), Д. Аптер (*Apter D. Modernization policy.* — New York, 1965), С. Липсета (*Lipset S. Politician man.* — New York, 1960), Л. Пай (*Pay L. Political development aspects. Analitical research.* — London, 1966), Д. Рустоу (*Rustow D. «Peace of Nations».* — Washington, D.C., 1967), Ш. Эйзенштадт (*Eisenstadt S.M. Modernization: Protest and Change.* — Bonn, 1966), С. Хантингтон (*Hantington S. Political Order in Changing Societies.* — New Haven, 1970) ва бошқа олимларнинг асарлари модернизация назариясини ривожлантиришга катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Модернизация назарияси ўз тараққиётида шартли равишда уч ривожланиш босқичидан ўтди: XX асрнинг 50–60-йиллари, 60–70-йиллари ва 80–90-йиллар.

50–60-йилларда модернизация назарияси универсализмга асосланган эди. Барча мамлакатлар ва халқларнинг ривожланишига универсал ҳодиса, яъни бир йўналишда содир бўладиган, бир хил босқичлар ва қонуниятга эга бўлган ҳодиса деб қараларди. Миллий хусусиятларнинг мавжудлиги эътироф этилса-да, аммо улар иккинчи даражали аҳамиятга эга деб ҳисобланарди.

Умуман олганда, модернизация анъанавий жамиятдан ҳозирги замон жамиятига қараб ривожланиш жараёни сифатида тасаввур қилинарди. Технологик белгиланганлик универсализмнинг услубий асосини ташкил этарди. У кишилиқ жамияти тараққиётини ялпи фаровонлик ва ижтимоий барқарорликка олиб борадиган технология ва иқтисод ривожланишидан олиб чиқарди. Зотан, бундай тараққиёт турли мамлакатларнинг ижтимоий-маданий ва сиёсий ўзига хосликларига путур етказди, ҳар бир жамиятга ўз талабларини қўяди, деган қарашлар мавжуд эди¹. Фан-техника тараққиёти натижасида жамият анъанавий қадриятлар ва ижтимоий тузилмалардан замонавий, оқилона қадриятлар ва тузилмаларга ўтиш йўли билан «замонавийлашади».

Модернизация назариясининг вакиллари АҚШни энг ривожланган, «замонавий» мамлакат деб ҳисоблашарди. Аммо қолоқ мамлакатлар илғор давлатларнинг «замонавийлик» даражасига эришиш имкониятига эга эди. Модернизация назарияси мазкур вазифани ҳал қилиш йўллари ва усулларини тушунтирарди. Бунинг учун «қолоқ» жамиятлар «идеал»га қай даражада мос келиши ҳамда айрим миллий хусусиятлар аниқланар, муаммоларни ҳал қилиш йўллари белгиланарди.

Шундай қилиб, телеологизм ва евроцентризм, аниқроғи, американоцентризм модернизация назариясининг асосий жиҳатларидан бири ҳисобланар эди. Ўша даврда модернизация ҳодисасига берилган айрим таърифлар ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Жумладан, йирик олимлардан

¹ Каранг: Модернизация: зарубежный опыт и Россия. — М., 1994.

бири Ш. Эйзенштадт модернизацияга шундай таъриф берган: «Тарихан модернизация XVII асрдан XIX асргача Ғарбий Европа ва Шимолий Америкада ривожланган ва сўнг бошқа Европа мамлакатларига, XIX ва XX асрларда эса — Жанубий Америка, Осиё ва Африка қитъаларига тарқалган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий тизимлар типини йўналишидаги ўзгаришлар жараёнидир»¹.

Юқорида зикр этилган хусусиятларига кўра, модернизация назарияси катта амалий аҳамият касб этди: унинг асосларидан, масалан, АҚШ ташқи сиёсати мақсадларида муваффақиятли фойдаланилди. Назарияни ривожлантиришнинг биринчи босқичида сиёсий модернизация деганда куйидагилар тушунилар эди:

— ривожланаётган мамлакатларни Ғарб андозаси асосида демократлаштириш, миллий давлатларни ташкил этиш ёки кучайтириш, ҳокимият вакиллик органларини ташкил этиш, ҳокимиятни тақсимлаш, сайлов институтини жорий этиш;

— қадриятлар тизимини ўзгартириш, индивидуал қадриятларни ва ҳокимиятни қонунийлаштириш усулларини ривожлантириш, замонавий усуллар анъанавий усулларни сиқиб чиқариши керак, деб ҳисоблаш.

Сиёсий модернизация назариясининг вакиллари ривожланаётган мамлакатларда мазкур жараённинг қулай ва ноқулай омилларини фарқланганлар. Қулай омиллар жумласида «учинчи дунё» мамлакатларининг муваффақиятли ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, шунингдек Ғарбий Европанинг ривожланган мамлакатлари ва АҚШ билан фаол ҳамкорлик тилга олинган. Ноқулай омиллар қаторида анъанавий жамият хусусиятларининг сақланиб қолиши, ҳукмдор табақалар мамлакатни янгилаш учун ўз манфаатларидан воз кечишни истамаслиги, саводсизлик, аҳолининг кўпчилик қисмида илғор сиёсий онгнинг йўқлиги, анъанавий ижтимоий табақалар ва анъанавий ишлаб чиқариш соҳасининг мавжудлигини қайд этганлар. Мазкур назария тарафдорларининг фикрича, модернизация жараёнида ноқулай омиллар аста-секин бартаф этилиши керак эди.

Хўш, жамият ҳаётининг муайян соҳаларини модернизация қилиш деганда унинг тадқиқотчилари нимани тушунган?

Ижтимоий соҳада модернизация одамлар, жамоат ва давлат институтларининг фаолият турлари бўйича ихтисослашиши билан боғланган, зотан, мазкур ихтисослашиш одамларнинг жинси, ёши, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий алоқаларига камроқ ва — модернизациянинг ривожланишига қараб — инсоннинг шахсий сифатлари, унинг малакаси, маълумоти, ғайратига кўпроқ боғлиқ бўлган². Модернизация назарият-

чилари анъанавий жамиятдан ҳозирги замон жамиятига ўтиш жараёнида оиланинг ўрни ва функциялари, демографик тузилиш қандай ўзгаришини, жадал урбанизация мазкур ўзгаришлар билан қай даражада боғлиқлигини ўрганганлар.

Иқтисодий модернизация илмий билимга асосланган технология, юксак даражада самарали энергия манбаларини ривожлантириш ва улардан фойдаланишни, меҳнатнинг ижтимоий ва техникавий тақсимланишини чуқурлаштиришни, товар, пул ва меҳнат бозорларини ривожлантириш ва сўнгра тартибга солишни, ишлаб чиқариш ташкилотини мутасил такомиллаштириб боришни, технологик ва ташкилий янгилекларни яратиш ва ҳаётга жорий этишга рағбатларнинг мавжудлигини назарда тутар эди.

Аммо модернизация жараёнида *таълим соҳасига* эътиборни кучайтириш кераклигини айрим олимлар 60-йиллардаёқ кўрсатиб ўтган эди. Ф. Харбисон: «Инсон омилини шакллантириш жараёнини жадаллаштириш модернизация қилинаётган барча мамлакатларнинг бош муаммосидир»¹, — деб қайд этган эди. Бундай қараш технологик белгиланганлик концепциясидан, модернизацияни техникавий-иқтисодий янгилекларни жорий этиш билангина боғлашга уринишлардан воз кечишни билдирарди.

Сиёсий модернизация:

биринчидан, ҳудудларни кенгайтириш ва маъмурий-сиёсий чегараларни тартибга солиш, миллий ёки федератив давлатларни ташкил этиш, марказий (қонун чиқарувчи ва ижро этувчи) ҳокимиятни кучайтириш ва шу билан бир вақтда ҳокимиятнинг тақсимланишини;

иккинчидан, жамиятда барқарорликни ва ички тотувликни сақлаган ҳолда иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳаларда структуравий ўзгаришларни амалга оширишга давлатнинг қодирлигини назарда тутган;

учинчидан, сиёсий жараёнга кенг аҳоли оммасини жалб этиш (ҳеч бўлмаса сайловлар орқали) сиёсий модернизациянинг муҳим жиҳати ҳисобланган;

ниҳоят, **тўртинчидан**, сиёсий модернизация сиёсий демократия ёки ҳеч бўлмаса популистик бошқарувни ўрнатишни, ҳокимиятни қонунийлаштириш усулларини ўзгартиришни назарда тутган. Шу билан бир вақтда, модернизация назарияларининг муаллифлари Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларида ривожланган фуқаролик жамияти мавжуд эмаслиги, шунинг учун ҳам уларда сиёсий модернизацияни амалга ошириш анча қийинлигини қайд этиб ўтганлар².

¹ Эйзенштадт Ш. Революция и преобразование обществ: сравнительное изучение цивилизаций. — М., 1999. — С. 133.

² Қаранг: Lerner D. (With the collab. of Pevsner L.W.). The Passing of Traditional Society: Modernizing the Middle East. — Glencoe, 1958.

¹ Қаранг: Harbison F. H. Human resources Development Planning in modernising economies // Leading Issues in development economies: selected materials and commentary. — Meier G.M.Y., 1964. — P. 273.

² Қаранг: Общая и прикладная политология / Под общей ред. В. И. Жукова, Б. И. Краснова. — М., 1997. — С. 345.

Маънавий модернизация маданият ва қадрият тизимлари ҳамда қарашларни табақалаштиришни, таълимни секуляризация қилиш ва саводхонликни оширишни, фалсафа ва фанда мактаблар ҳамда оқимларнинг хилма-хиллигини, диний бағрикенгликни (конфессионал плюрализмни), ахборот бериш ва тарқатиш воситаларини ривожлантиришни, маданият ютуқлари билан аҳолини таништиришни, индивидуализм қадриятларини ёйишни назарда тутган. Бундан ташқари, модернизация илмий билимлар негизида онгни ривожлантириш ва анъаналарга мувофиқ хулқ-атвордан воз кечишни назарда тутган. Айрим олимлар, масалан, Ш. Эйзенштадт ҳатто «янги маданий стереотипни ривожлантириш» бутун модернизация жараёнининг «ўзаги»ни ташкил этади, деб ҳисоблаган¹.

60-йилларда содир бўлган сиёсий ҳодисалар модернизация назарияси мукаммал эмаслигини ва уни маромига етказиш кераклигини тақозо этди. Бу ҳодисалар бир қатор танқидий оқимларни вужудга келтирдик, уларнинг доирасида шартли равишда икки йўналишни ажратиш мумкин:

1) асосан ривожланаётган мамлакатларнинг вакиллари, шунингдек Фарбий Европада 60-йилларда фаолият кўрсатган «сўл» ҳаракат вакиллари амалга оширган радикал танқид. Уларнинг фикрича, модернизация назарияси колониялаштиришни оқлар эди. Мазкур йўналиш вакиллари ғарб экспансиясига, Фарбий андозада модернизациялаштиришга қарши чиқдилар;

2) асосан Ғарб мамлакатлари ва айрим ривожланаётган мамлакатларнинг «сўл» радикаллари «қолоқлик назарияси» доирасида ривожлантирган модернизацияни танқид қилувчи йўналиш. Улар модернизация назариясини тараққиёт манзарасини соддалаштиргани, жамиятлар, маданиятларнинг ўзига хос жиҳатларини етарли даражада эътиборга олмагани, янги муносабатлар, институтлар ва шу кабиларни шакллантиришга монелик қилаётган омиллар механизмини тушунтирмагани учун танқид қилдилар. Тадқиқотчиларнинг фикрича, Ғарбий андозада модернизация қилиш қолоқликнинг, тобеликнинг сақланишига, иқтисодий тузилманинг бузилишига, экологик муҳитга путур етишига ва ижтимоий зиддиятларга олиб келар эди².

Модернизация назарияси тараққиётининг биринчи босқичи сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ривожланишнинг ҳар хил омилларига, шу жумладан сиёсий маданият омилига асосланган нисбатан пухта талқинларнинг пайдо бўлиши билан таърифланади. Умуман олганда, мазкур даврда яратилган кўпгина ишларга евроцентризмдан чекиниш хос эди. Иқтисодий ўсиш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мақсадларини амалга

¹ Қаранг: *Eisenstadt S. M. Modernization: Protest and Change.* — Bonn, 1966. — P. 5.

² Батафсил маълумот учун қаранг: *Пантин В. И.* Циклы и волны модернизации как феномен социального развития. — М., 1997. — С. 46–58.

ошириш нуқтаи назаридан «учинчи дунё» мамлакатларини демократлаштиришнинг самарадорлиги масаласи мунозарали бўлиб қолди.

Ўша даврдаги модернизация назариясининг кўпгина вакиллари «барқарор» сиёсий ривожланиш ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг шартидир, деган қарашни илгари сурди. Олимлар бундай барқарорликни сақлашнинг турли «рецептлари»ни топдилар. Умуман олганда, модернизация назарияларига бағишланган адабиётларда барқарорлик омили нима, деган саволга «консерватив» ва «либерал» йўналиш вакиллари ўзларича жавоб берадилар.

«Консерватив» йўналиш вакиллари (С. Хантингтон, Ж. Нельсон, Х. Линц ва бошқалар) аҳолининг сафарбарлиги, сиёсий ҳаётга жалб этилганлиги билан институционализация, аҳолининг манфаатларини ҳимоя қилиш ва рўёбга чиқариш учун зарур тузилмалар ва механизмларнинг мавжудлиги ўртасидаги зиддият модернизациянинг асосий муаммосидир, деб ҳисоблаган. Шу билан бир вақтда, ҳокимият институтларидан фойдаланишга омманинг тайёр эмаслиги сиёсий тузумнинг беқарорлашишига олиб келади. Ўзгарувчан шароитларга сиёсий институтларнинг мослашувчанлиги сиёсий модернизациянинг асосий вазифасидир, деб кўрсатади С. Хантингтон. Ўзгаришлар босқичида фақат тартибни назорат қилувчи қаттиқ авторитар тузум жамиятни ўзгартириш учун зарур салоҳиятни жамлашга ҳамда бозор муносабатларига ўтиш ва миллий бирдамликни таъминлашга қодирдир¹.

«Либерал» йўналиш тарафдорлари (Р. Даль, Г. Альмонд, Л. Пай ва бошқалар) ижтимоий сафарбарликни жадаллаштириш ва аҳолини сиёсий жамиятга бирлаштириш йўли билан очиқ ижтимоий ва сиёсий тизимни барпо этишни модернизациянинг асосий мазмуни деб тушунганлар. Масалан, Г. Альмонд ва Д. Пауэлл сиёсий вакиллик тизимига аҳолининг жалб этилганлиги даражасини сиёсий модернизациянинг бош мезони деб ҳисоблаган: «Модернизациянинг хусусияти ва ривожланиши эркин элиталарнинг очиқ рақобатига ва оддий фуқароларнинг сиёсий жараёнга жалб этилганлиги даражасига боғлиқдир»². Уларнинг фикрича, барқарорлик ва тартибни таъминлаш ҳамда оммани сафарбар этиш модернизациянинг асосий шартидир. Бунда мазкур йўналиш вакиллари ҳодисалар ривожланишининг қуйидаги турларини ажратганлар:

— оддий фуқароларнинг иштирокидан элиталар рақобатининг устуворлигида жамиятни изчил демократлаштириш ва ислохотларни амалга ошириш учун энг мақбул шарт-шароитлар вужудга келади;

— элиталар рақобати анча кучайган шароитларда, асосий аҳоли оммасининг фаоллиги паст бўлган тақдирда, авторитар тузумлар ўрнати-

¹ Қаранг: *Huntington S. Political Order in Changing Societies.* — New Haven, 1970. — P. 211.

² *Almond G. & Powell D. Comparative Politics. Approach from the position of Development conception.* — Princeton, 1966. — P. 189.

лиши ва янгиланиш жараёнининг тўхтаб қолиши учун шарт-шароитлар вужудга келади;

— элиталар тортишувида аҳолининг сиёсий иштироки етакчилик қилса, бу охлократик тенденцияларнинг кучайишига ва ислохотлар жараёнининг сустлашишига олиб келиши мумкин;

— аҳолининг сиёсий иштироки ва элиталар рақобатининг кескин камийиши тартибсизликка, сиёсий тизимнинг парчаланишига олиб келдики, бу ҳам диктатуранинг ўрнатилишига қўмаклашади.

Модернизация назарияларини ривожлантиришнинг *иккинчи босқичида* мазкур ҳодисани янада мураккаб тушунишга, жамият тараққиёти-анъанавийлик ва замонавийликни узил-кесил қарама-қарши қўйишдан воз кечишга асосланган қарашлар вужудга келди. Модернизация назариясининг кўпгина муаллифлари модернизация анъанавийликни тўдан тугатишنى эмас, аксинча, ушбу жараённинг хусусиятини белгилайдиган, шунингдек уни барқарорлаштирувчи омил бўлиб хизмат қиладиган анъанадан фойдаланган ҳолда ривожланишنى назарда тутадиган хулосага келдилар.

Модернизация назариясининг *учинчи босқичида* анъанавийлик ва замонавийликни бир-бирига қатъий қарама-қарши қўйишнинг нотўғрилиги ҳақида гоёлар тобора кенг тарқала бошлади. Кўпгина муаллифлар, технологик тараққиёт, «ғарбий» институтлар ва нормаларни амалга жўрий этиш сингари омилларнинг муҳимлигини инкор этмаган ҳолда, мазкур омилларнинг иккиламчилигини ва у ёки бу жамиятда ҳукм сурувчи ижтимоий муносабатлар ва ижтимоий-маданий қадриятларга боқилиқлигини қайд этдилар.

Сиёсий адабиётларда қўлланилаётган модернизация механизмига қараб икки тарихий типни ажратиш қабул қилинган:

— биргаликда «модернизация ўзаги»ни ташкил этувчи Буюк Британия, АҚШ, Канада сингари мамлакатларга, Европанинг айрим мамлакатларига хос бўлган «органик» ёки «бирламчи» тип. У биринчи саноат инқилоби, анъанавий меросий имтиёзларнинг тугатилиши, тенг фуқаролик ҳуқуқлари, демократлаштириш ва ҳоказоларнинг эълон қилиниши даврида вужудга келган. Бу мамлакатларда модернизация асосан миллий маданий анъаналар ва андозалар негизида, эволюция йўли билан амалга оширилган;

— «ноорганик» ёки «иккиламчи» тип (Ўзбекистон, Россия, Бразилия, Туркия ва бошқалар). Бу ерда ўз ривожланишида орқада қолган мамлакатларнинг модернизация ўзаги билан ижтимоий-маданий алоқалари асосий омил бўлиб, ўзлаштирилган жараёнлар эса — асосий механизм бўлиб хизмат қилади. «Иккиламчи» модернизация жамиятнинг баъзи бир элементлари «илдамлаб» кетиши, «илғор» мамлакатлардаги ривожланишга озми-кўпми мос келишини, бошқа элементлари эса ҳали

етилмагани, ривожланишда орқада қолгани ёки умуман мавжуд эмаслигини назарда тутати.

Мазкур типология қандайдир идеал типларни ажратишга асосланганлигини қайд этиш керак. Амалда «классик» модернизация ўзаги доирасида ривожланишда ҳам ўзлаштирилган механизмлардан фойдаланилади, «иккиламчи» модернизация мамлакатларида эса, юқорида қайд этиб ўтилганидек, ўзлаштириш ҳар хил хусусиятга эга бўлиши ва сиёсий тараққиётда муҳим ўрин тутмаслиги мумкин. Модернизациянинг уч типини ажратиш, бизнингча, нисбатан мукамал типология бўлса керак:

— эндоген, яъни ўз негизида амалга ошириладиган модернизация (Европа мамлакатлари, АҚШ ва ш.к.);

— эндоген-экзоген, яъни ўз негизида ва ўзлаштиришлар асосида амалга ошириладиган модернизация (Ўзбекистон, Россия, Туркия, Греция ва ҳ. к.);

— ўз негизи бўлмагани учун ўзлаштиришлар асосида амалга ошириладиган экзоген модернизация (имитацион, имитацион-симуляцион ва симуляцион вариантлари мавжуд).

Биринчи типга мансуб мамлакатларга таққослаганда, «иккиламчи» модернизация (ёки эндогенно-экзоген, экзоген модернизация) мамлакатларида сиёсий омил нисбатан муҳим ўрин тутати. Бу табиий бир ҳолдир, зотан мазкур мамлакатларда анъанавий иқтисодий, ижтимоий, ижтимоий-маданий ва сиёсий тузилмаларнинг беҳосдан ўзгариши учун етарли шарт-шароитлар вужудга келмаган, шунинг учун ҳам давлат баъзи бир ҳолларда ўзгаришлар жараёнининг ташкилотчиси бўлишга мажбур. Бундай мамлакатларда авторитар тузумнинг ўрнатилиши кўпинча шу билан изоҳланади. Мазкур ҳодиса «ривожланиш авторитаризми» деган ном олган.

Айрим олимлар модернизациянинг ҳар хил босқичларини таклиф этадилар. Жумладан, Илк, Ўрта ва Етук Модерн босқичларини ажратиш ҳозирги кунда анча кенг тарқалган.

Чунончи, М. В. Ильин модернизациянинг уч босқичини ўз ичига олган идеал моделни тузган ва уни Ғарбий Европа мамлакатларидаги модернизация жараёни мисолида далиллаб берган¹.

Илк модерн деганда, миллий суверен давлатнинг ташкил топишини, шунингдек давлат ҳокимиятининг зўравонлигидан холи фуқаролик жамиятининг барпо этилиши ва ривожланишини ўз ичига олган сиёсий тараққиёт босқичи тушунилади. «Биринчи авлод конституциялар»да давлат ва фуқаролик жамияти асосларининг мустаҳкамланиши мазкур босқичнинг якунидир.

Ўрта модерн даврида, фуқаролик жамияти ва давлат ичида табақаланиш содир бўлади. Бу манфаатлар гуруҳлари, партияларнинг вужудга

¹ Батафсил маълумот учун қаранг: Ильин М. В. Политическая модернизация: неоконченная драма в трех действиях // Стратегия. — 1998. — №1. — С. 3-11.

келишида ва ҳокимиятнинг тақсимланишида ўз аксини топади. Бундай табақаланиш натижасида давлат ва фуқаролик жамияти муносабатларини ўзаро боғловчи сиёсий вакиллик тизими вужудга келади. Республика тузилишининг тамойилларини мустаҳкамловчи «иккинчи авлод конституциялар»нинг қабул қилиниши мазкур босқичга хосдир.

Етук Модерн сиёсий йўллар ва йўналишларни алмаштириш, легитимлаштириш ва делигитимлаштириш вазифаларини ҳал қилиш билан таърифланади. Мазкур вазифалар демократлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш йўли билан ҳал қилинади. Бунда демократик тортишув институтлари ва механизмлари (масалан, сайлов институти) мустаҳкамланади.

Бошқа бир типологияга кўра, модернизация ижтимоий ҳодиса сифатида унинг негизида ишлаб чиқаришнинг қайси технологик усулига ўтиш ётганига қараб, тўрт асосий типга ажратилган.

Биринчи типни саноатлашишдан олдинги модернизация деб аташ мумкин. У табиий ишлаб чиқариш кучларидан ижтимоий ишлаб чиқариш кучларига ўтиш билан боғлиқ. Мануфактура бундай ўтиш натижасида шаклландиган ишлаб чиқаришнинг технологик усули рамзидир.

Иккинчи тип — илк индустриал модернизация — технологик нуқтаи назардан ҳунармандчилик ва мануфактура ишлаб чиқаришидан фабрика-завод ишлаб чиқаришига ўтиш билан белгиланади.

Учинчи тип — тугаб бораётган индустриал модернизация — фабрика-завод ишлаб чиқаришидан пототли-конвейер ишлаб чиқаришига ўтиш билан ажралиб туради.

Ниҳоят, тўртинчи тип — постиндустриал модернизация ёки постмодернизация ҳозирги замон технологик инқилоби натижасида вужудга келган бўлиб, «постиндустриал жамият» деб номланган босқичга ўтилаётган мамлакатларда амалга оширилади¹.

Шарқий Европа, Хитой, МДХ ва Марказий Осиёда содир бўлаётган сиёсий жараёнлар ҳозирги кунда олимлар ва сиёсатшуносларнинг диққат марказида турибди. Модернизация тадқиқотчилари барқарор ривожланишдаги қийинчиликларга ва инқирозли ҳодисаларга алоҳида эътибор бермоқдалар. Бунинг натижасида «қисман модернизация қилиш», «боши берк модернизация», «модернизациянинг инқирозли синдроми» концепциялари вужудга келди. Жамиятдаги кенг ижтимоий табақаларнинг қарашлари ва қадриятлари ўзгарган тақдирдагина модернизацияни муваффақиятли амалга ошириш мумкинлигини умум эътироф этган.

80-йилларнинг охирида «модернитини четлаб ўтиб модернизация қилиш», яъни ёт (Ғарбий) андозаларни тақширтмасдан ижтимоий-маданий анъаналарни сақлашга асосланган сиёсий

¹ Каранг: Красильщиков В. А., Заборов Г. М., Рябов В. Л. Шанс на обновление России (Зарубежный опыт модернизации и российские перспективы) // Мир России. Социология. Этнология. Культурология. — 1993. — №1. — С. 108.

тараққиёт концепцияси вужудга келди (А. Абдул-Малик, А. Турен, С. Хантингтон, Ш. Эйзенштадт ва бошқалар).

Мазкур концепцияда ижтимоий ва сиёсий ривожланишнинг универсаллиги инкор этилмайди. Шу билан бирга, универсализм принципи партикуляризм билан уйғунлашади, бундай уйғунликка модернизация жараёни муваффақиятининг гарови деб қаралади.

Ушбу концепция доирасида «контрмодернизация» ва «антимодернизация» атамалари ривожлантирилмоқда (А. Турен). *Контрмодернизация деганда модернизациянинг Ғарб андозаларига асосланмаган муқобил варианты, антимодернизация деганда эса мазкур жараёнга фаол қаршилик кўрсатиш тушунилади.* А Туреннинг фикрича, бу икки вариант XX асрда ижтимоий-сиёсий ривожланишнинг асосий тенденциясини ташкил этади¹.

Шундай қилиб, модернизация ҳозирги кунда классик модернизация сифатида эмас, балки «модернити», яъни миллий ижтимоий-маданий хусусиятлар, анъаналар ва партикуляризмга асосланган модернизация сифатида тушунилади. Бу ўринда бир мисол келтириш мумкин. Йўлдош Охунбобоев Ўзбекистон ССР Марказий ижроқўмининг раиси лавозимига тайинланганидан кейин иш хонасига кўзга кўринадиган жойга ўз чоригини осиб қўйган экан. Охунбобоевдан нега бундай қилганини сўрашганида, у чорикни қаердан келиб чиққанимни унутмаслик учун осиб қўйганман, деб жавоб берган экан. Бунда оддий камбағал оиладан чиқиб давлат мансабдори бўлган киши ўзлигини унутиб қўймай, камбағалга қайишадиган, унга ғамхўрлик қиладиган бўлиши керак, деган маъно бор. Бу билан биз Ғарб тажрибаси ёки бошқа тажриба қай даражада жозибали бўлмасин, биз ўз хусусиятларимизни унутмаслигимиз, миллий ўзига хослик ва менталитетни эътиборга олишимиз керак, демоқчимиз. Зотан, миллий хусусиятлар эътиборга олинмаган ҳар қандай модернизация, шу жумладан сиёсий маданиятни модернизация қилиш жараёнлари ҳам муваффақиятсизликка учраши мумкин.

14.2. Сиёсий модернизациянинг моҳияти ва мазмуни

Сиёсий модернизация анъанавий жамиятдан ҳозирги замон жамиятига ўтишдек мураккаб жараённинг таркибий қисмидир. **Сиёсий модернизация** деганда, жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларида содир бўлган ўзгаришларга мувофиқ сиёсий тизимни ўзгартириш тушунилади. Сиёсий модернизация жараёнида янги сиёсий институтлар вужудга келади, мавжуд сиёсий институтлар эса, ривожланади ва вазиятга мослашади. Бунда, бир томондан, ижтимоий тараққиётнинг муҳим

¹ Иқтибос манбаи: Ильин М. В. Ритмы и масштабы перемен: о понятиях процесс, изменение и развитие в политологии // Полис. 1993. — №2. — С. 23-29.

шарти сифатида сиёсий барқарорликни сақлаш объектив зарурат бўлса, иккинчи томондан, фуқароларнинг сиёсий иштирок этиш имкониятлари ва шакллари кенгайтириш талаб этилади. Бундай шарт-шароитларнинг йўқлиги инқирозли оқибатларга олиб келиши мумкин.

«Сиёсатшуносликка кириш» маълумотнома-луғатида берилган таърифга кўра, «сиёсий модернизация» деганда «сиёсий тизимни ўзгартириш, шу жумладан аҳолининг турли табақаларининг сиёсатда иштироки (сиёсий партиялар ва манфаатлар гуруҳлари ёрдамида) кучайиши ва янги сиёсий институтларнинг (ҳокимиятнинг тақсимланиши, сиёсий сайлов тизимлари, кўп партиявийликнинг) вужудга келиши тушунилади»¹. С. Б. Старостиннинг фикрича, «учинчи дунё» жамиятларидаги ижтимоий ва маданий ўзгаришларни ўрганиш учун сиёсий модернизация назариясининг ҳамда у билан рақобатлашувчи тобе ҳолда ривожланиш назариясининг концептуал арсеналидан фойдаланилади².

Г. Альмонд ва Д. Коллмэн сиёсий модернизацияни сиёсий тизимнинг табақаланиши, такомиллашиши ва таъсири ортиб бориши муносабати билан мазкур тизимнинг тузилиши ва функцияларининг ўзгариши деб тавсифлайди³. К. Доич, З. Бжезинский, С. Хантингтон, Д. Эйптер ва бошқалар сиёсий тизимнинг имкониятлари ва мослашувчанлигининг ортиб боришига сиёсий модернизациянинг муҳим хусусиятлари деб қарайди⁴. С. П. Хантингтоннинг фикрича, сиёсий модернизация сиёсий иштирок ва бошқарувни енгиллаштириш учун сиёсий институтларни легитимлаштириш ва рационализация қилишни назарда тутди. Г. Альмонд ва С. Вербанинг фикрича эса, сиёсий модернизация деганда сиёсий маданиятнинг ўзгариши, сиёсий фаолиятда оммининг иштирок этиши унинг ўзига хос белгисига айланиши тушунилади⁵.

«Сиёсий модернизация»нинг илк талқинларида сиёсий тизимнинг ривожланишига евроцентристик қарашнинг таъсири яққол сезилади, зотан, модернизация назариясининг ўзи қолоқ мамлакатлар муаммосини ҳал қилишнинг концептуал йўллари топиш талаб этилган даврда пайдо бўлган эди. Табиийки, уларни илғор Фарб мамлакатларига таққослашар, бу мамлакатларнинг андозалари тараққиётнинг энг юксак даражаси деб эътироф этиларди.

Юқорида тилга олинган маълумотнома-луғатда шундай сўзларни ўқиш мумкин: «Одатда «сиёсий модернизация» ибораси индустриал жамиятта ва демократик сиёсий тузилишга ўтаётган мамлакатларга нисбатан қўлланади.

¹ Қаранг: Введение в политологию / Под ред. В. П. Пугачева. — М., 1996. — С. 131.

² Қаранг: Старостин Б. С. Проблема модернизации: история и современность // Модернизация и национальная культура. — М., 1995. — С. 8.

³ Қаранг: Almond G. A. & Coleman J. S. The Politics of the Developing Areas. — Princeton, 1960.

⁴ Қаранг: Deutsch K. W. Social Mobilization and Political Development // American Political Science Review. September, 1961; Brzezinski Zb. & Huntington S. Political Power: USA/USSR. — New York, 1963; Apter D. E. The Politics of Modernization. — Chicago. 1965.

⁵ Қаранг: Almond G. & Verba S. The Civil Culture. — Boston, 1965.

Бундай ҳолда «сиёсий модернизация»нинг Фарб демократиялари доирасида шаклланган янги ижтимоий вазифаларни ва сиёсий институтларни анъанавий жамиятларнинг ўзлаштириши эканлиги қайд этилади»¹.

Алоҳида масалалар юзасидан ҳар хил қарашлар мавжудлигига қарамай, сиёсий модернизация турли концепцияларининг муаллифларига оид бир нарсда яқдилдирлар. Биринчидан, демократиянинг Фарбий типига сиёсий модернизациянинг бош бўғини деб қаралади. Кўпчиликнинг ҳокимияти, вакиллик асосидаги бошқарув ва инсон ҳуқуқларини демократлаштириш унинг мазмунини ташкил этади. Иккинчидан, сиёсий фаолиятда алоҳида табақаларнинг эмас, барча фуқароларнинг мунтазам сиёсий иштироки, яъни жамиятнинг қуйи табақаларини сиёсатга тортиш талаб этилади. Учунчидан, ҳукумат функцияларининг ўзгариши содир бўлади. Илгари ҳукумат ҳокимият ваколатларини амалга оширган, ҳуқуқ-тартибот, ички ва ташқи тотувлик, солиқлар йиғилишини таъминлаган бўлса, энди унда яна бир функция — иқтисодий ва ижтимоий соҳаларнинг ривожланиши учун жавобгарлик функцияси пайдо бўлади.

Сиёсий модернизациянинг қуйидаги мақсадлари фарқланади: тобора кенгайиб бораётган ижтимоий ва иқтисодий муаммолар доирасини ҳал қилиш учун янги сиёсий институтлар ташкил этиш; элита ва лидерларнинг очиқ курашга нисбатан сиёсий қарашларини ўзгартириш; оқилона бюрократияни шакллантириш.

Сиёсий модернизацияни ҳозирги замон сиёсий институтлари ва уларнинг амалиётини, шунингдек замонавий сиёсий тузилмани шакллантириш ва ривожлантириш деб таърифлаш мумкин. Бунда ҳозирги замон сиёсий институтлари ва амалиёти деганда ривожланган демократик мамлакатларнинг сиёсий институтларидан кўр-кўрона андоза олишни эмас, балки ўзгараётган шароитларга, замон талабига сиёсий тизимнинг мувофиқ равишда мослашишини таъминлашга максимал қодир бўлган сиёсий институтлар ва амалиётни тушуниш керак.

Сиёсий модернизация деганда, шунингдек ижтимоий мақсадларнинг янги андозаларига мослашишга ва ижтимоий тизимнинг ривожланишини таъминлайдиган янги институтларни ташкил этишга сиёсий тизим имкониятининг ортиши ҳам тушунилади. Бу жараён ҳам объектив (ижтимоий-иқтисодий ва маданий), ҳам субъектив (сиёсий раҳбариятнинг сиёсий тизимни озми-кўпми самарали ўзгартиришга қодирлиги) омиллар билан белгиланади.

Андозаларни ўзлаштириш сиёсий модернизациянинг энг кўп фойдаланиладиган механизмидир. Одатда ўзлаштиришнинг икки типи фарқланади:

— алгоритмни ўзлаштириш, бунда бирон-бир жараённинг механизмидан, шу жумладан унинг мазмуни ёки функционал вазифаларидан

¹ Введение в политологию / Под ред. В. П. Пугачева. — М., 1996. — С. 132.

нусха кўчирилади;

— мазмунини амалга оширмасдан, натижа ёки шаклнинг ўзини ўзлаштириш.

Бунда, кўпгина таниқли сиёсатшуносларнинг қайд этишича, модернизация вазибаларини ҳал қилиш нуқтаи назаридан, алгоритмларни ўзлаштириш энг яхши натижа беради. Ўзлаштириш бўш жойда эмас, балки у ёки бу мамлакатнинг муайян-тарихий ва ижтимоий-маданий воқелигида, миллий анъаналар таъсирида амалга оширилишини эътиборга олиш керак. Бунинг устига, ўзлаштирилган институтлар ва амалиёт анъаналар таъсирида ўзгарибгина қолмай, балки мазкур анъаналарга мослаштирилади. Умуман олганда, мазкур жараён давомида анъаналар ва ўзлаштиришларнинг ўзаро таъсири ҳамда уларнинг ўзгариши содир бўлади, деб қайд этиш мумкин.

Модернизация ҳар хил усулларда, турли механизмлар ёрдамида амалга оширилиши мумкинлигига қарамай, сиёсий модернизациянинг универсал таркибий қисм элементларини ажратиш мумкин:

— сиёсий роллар ва институтлар юксак даражада ихтисослашган табақалаштирилган сиёсий тузилмани ташкил этиш;

— мустақил замонавий давлат барпо этиш;

— давлатнинг иштирокини кучайтириш, давлат ва фуқароларни боғловчи қонуннинг аҳамиятини ошириш ҳамда унинг амал қилиш доирасини кенгайтириш;

— фуқаролар (сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлган шахслар)нинг сонини кўпайтириш, ижтимоий табақалар ва шахсларнинг сиёсий ҳаётдаги иштирокини кенгайтириш;

— оқилона сиёсий бюрократиянинг вужудга келиши ва кўпайиши, оқилона раҳбарга эга бюрократик ташкилотни бошқарув ва назоратнинг етакчи тизимида айлантириш;

— анъанавий элиталар ва улар легитимлигининг кучсизланиши; тараққийпарвар элиталарнинг кучайиши.

Сиёсий тизимни демократлаштириш сиёсий модернизациянинг асосий йўналишларидан биридир. Демократия маълум маънода идеал типик тушунча ҳисобланади. Унинг замирида мавжуд алоҳида мезонларга қараб турли ҳолларда демократик жараённинг ривожланиши ҳақида гапириш мумкин. Р. Даль шундай деб ёзади: «Менимча, камида бешта мана шундай мезон мавжуд:

— *самарали иштирок этиш*. Уюшма аъзоларининг ҳар бири — унинг сиёсатини қабул қилишларидан олдин — мазкур сиёсатнинг моҳияти юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишга тенг ва амалий имкониятга эга бўлиши керак;

— *тенг овоз бериш*. Уюшма сиёсати ҳақида қарор қабул қилингунга қадар унинг барча аъзоларига овоз бериш учун тенг ва реал имкониятлар берилиши ва барча овозлар бир хил кучга эга бўлиши лозим;

— *хабардорликка асосланган тушуниш*. Уюшманинг ҳар бир аъзосига сиёсий муқобиллар ва уларнинг эҳтимол тугилган оқибатлари билан танишиш учун тенг ва реал имкониятлар берилиши керак;

— *кун тартиби устидан назорат ўрнатиш*. Уюшма аъзолари қандай масалалар ва қайси тартибда муҳокама қилиниши юзасидан қарор қабул қилиш имкониятига эга бўлиши зарур;

— *воёга етмаганларнинг иштирок этиши*. Балоғат ёшига етган барча резидентлар ёки, ҳеч бўлмаса, уларнинг катта қисми, мезонларда назарда тутилган барча фуқаролик ҳуқуқларига тўлиқ эга бўлишлари керак¹.

Кўриб турганимиздек, Р. Даль демократик жараёнга асосан иштирок этиш имконияти нуқтаи назаридан қараган. Модернизация даврида давлат бу имкониятларни беради. Бунда «самарали иштирок этиш» доим ҳам таъминланавермайди, баъзан «хабардорликка асосланган тушуниш» билан кифояланилади, «кун тартибининг бажарилиши устидан назорат» кўпинча таъминланмайди. Аммо бу бир ҳолатда оммавий ахборот воситалари яхши ривожланмаганлиги, иккинчи ҳолатда — фуқаролик жамияти тузилмалари ривожланмаганлиги, учинчи ҳолатда — демократик сиёсий маданият савиясининг пастлиги туфайли содир бўлади.

Д. Ростонинг фикрича, ҳокимият ташкилоти соҳасида туб ўзгаришларга олиб келадиган демократияга ўтиш ҳамиша сиёсий элита раҳбариятининг онгли қарори натижасида содир бўлган, сўнг сиёсий партиялар даражасига ва улар орқали — аҳолига кўчирилган².

Аммо демократиянинг биринчи тўлқини мамлакатларида сиёсий модернизация ички омиллар билан белгиланган ва уйғун ривожланиш жараёнининг тадрижий давоми ҳисобланган бўлса, иккинчи тўлқин мамлакатларида «инқилобни юқоридан» бошлаган давлат ва ҳукмрон синфнинг ислохотчи қисми янгиланиш жараёнининг асосий субъектларига айланган. Жаҳонда етакчи давлатлар қаторидан ўрин олишга интилиш модернизацияга рағбат берган.

Учинчи тўлқин мамлакатларининг тақдирида сиёсий элита ва табиркорлар элитаси янада катта ўрин тутди. Мазкур элиталар сиёсий иродага ва ижтимоий масъулиятга эга бўлган мамлакатлар модернизация йўлида ажойиб натижаларга эришишга муваффақ бўлади³. «Осиё йўлбарслари» — Осиёнинг янги саноатлашган мамлакатлари (Жанубий Корея, Тайвань, Сингапур, Малайзия) бундай мамлакатларга ёрқин мисол бўлади. Бошқа бир мамлакатлар оддий тартиб ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашга қодир бўлмаган ҳокимият институтлари ва иқтисоди таназзулга учраган давлатлар қаторидан ўрин олади.

¹ Даль Р. Что такое демократия // О демократии. — М., 2000. — С. 41.

² Қаранг: Rustow D. A. Transitions to Democracy — Toward a Dynamic Model // Comparative Politics. Vol. 2. — 1970. — № 3.

³ Қаранг: Красильщиков В. Россия и мировые модернизации // Pro et Contra. Т. 4. — 1999. — № 3. — С. 94.

Ўтиш даврида жамиятни фаол демократлаштириш жараёни сиёсий модернизациянинг кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. «Модернизация жараёни демократик модернизация ёки муайян жамиятнинг сиёсий тизимини демократлаштириш билан тенглаштирилмайди. XX аср жаҳон тажрибаси ижтимоий-сиёсий модернизация натижасида тузилишига кўра ривожланган ғарб демократияларига яқин бўлган демократик сиёсий тузумлар доим ҳам вужудга келавермаслигини кўрсатади»¹, — деб қайд этади А. Бижанов.

Модернизацияни демократик модернизация билан тенглаштириш мумкин эмас, деган фикр маълум даражада шартлидир, чунки ижтимоий-сиёсий модернизация натижасида кўпинча антидемократик тузумлар вужудга келади ва улар ҳам демократик жамият қуриш ғоясини илгари суради. Бу ўтиш даврини бошдан кечираётган кўпгина мамлакатларда амалга оширилувчи модернизация лойиҳалари назарий нуқтаи назардан структуравий ёки функционал сиёсий институтларнинг моҳиятини ўзгартиришга таяниши туфайли содир бўлади. Жадал иқтисодий ўсиш талаби демократик нормалар ва процедураларга тубдан ўтиш билан ҳам тенглаштирилади. Зотан, демократик нормалар ва процедураларга тубдан ўтиш жамиятнинг жадал ривожланиши шартидир. Аммо, ғарблик бир қатор олимлар бундай қарашни назарий ва амалий жиҳатдан хато деб ҳисоблайдилар. Буни улар демократик ислохотлар суръатини ошириш кегидан қувиш, сиёсий тизимнинг барқарорлиги йўқолиши натижасида, худди шундай суръат билан орқага чекинишга ҳам олиб келиши мумкинлиги билан изоҳлайдилар.

Сиёсий модернизация узоқ йиллар мобайнида амалга оширилади. Бу даврда жамият беқарорлик ва инқирозлар билан ажралиб турадиган алоҳида сифат ҳолати билан таърифланади. Ҳозирги замон олимларининг тадқиқотларида сиёсий модернизация жараёнида содир бўладиган инқирозларнинг беш асосий тури фарқланади:

- мувофиқлик;
- легитимлик (қонунийлик);
- иштирокчилик;
- кириб ўрнашиш;
- тақсимлаш.

Янги универсал андоза билан эски анъанавий қадриятлар ўртасидаги зиддият, янги демократик сиёсий институтларнинг эски сиёсий институтлар билан бирга мувозий тарзда фаолият кўрсатиши, аҳоли норозилигининг кучайиб бориши мазкур инқирозларнинг умумий сабабидир.

Мувофиқлик инқирози ижтимоий субъект (шахс, гуруҳ, ижтимоий табақа)нинг сиёсий ва миллий намоён бўлиш муаммоси билан боғлиқ.

¹ Бижанов А. Х. Республика Казахстан: демократическая модернизация общества переходного периода. — Алматы, 1997. — С. 39.

Сиёсий идентификация шароитларида мувофиқлик инқирозининг уч асосий типи фарқланади.

Биринчи тип миллий ёки ҳудудий ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш талаблари билан таърифланадики, буни биз ҳозирги кунда ҳозирги замон Ўзбекистон жамиятида ҳам кузатишимиз мумкин. Иккинчи тип жамиятнинг ижтимоий табақаланиши билан таърифланади. Бунда кескин ижтимоий-синфий тафовутлар миллий бирлашишга тўсқинлик қилади. Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тизимини модернизация қилиш аҳолининг турли табақалари ижтимоий ҳолатининг сифат жиҳатидан ўзгаришига олиб келади. Учинчи тип этник ва миллий мансублик ўртасидаги қарама-қаршилик билан тавсифланади.

Миллатчиликнинг кучайиши мувофиқлик инқирозининг кўринишларидан биридир. Аввалги ижтимоий алоқаларнинг бузилиши миллатнинг ижтимоий намоён бўлишининг муҳим воситаси сифатидаги вазифасини кучайтиради. Сиёсатчилар оммани жалб этиш учун кўпинча миллатчилик тенденциялари ва кайфиятларидан фойдаланадилар.

Мувофиқлик инқирозини миллий ёки ҳудудий жамоани бирлаштиришга қодир харизматик типга мансуб сиёсий лидерлар ёрдамида, шунингдек одамларга ўзини намоён қилишда қўмаклашиш орқали енгиш мумкин. Бу муаммони ҳал қилишда таълим тизими муҳим ўрин тугиши мумкин.

Легитимлик инқирози қуйидаги омиллар билан белгиланади. Биринчидан, асосий манфаатлар гуруҳларининг ҳаммаси ҳам сиёсий қарорлар қабул қилиш соҳасидан ўрин олавермайди. Иккинчидан, сиёсий модернизация жараёнида асосий анъанавий институтлар мақомига дахл этиш хавфи тугилади. Жамиятда сиёсий ҳокимиятга нисбатан келишувнинг йўқлиги, ҳокимият учун курашда ҳаддан ташқари кескин рақобат, омманинг сиёсий пассивлиги, ҳукмрон доираларнинг ўз сиёсий бошқарувини кучайтиришга қодир эмаслиги легитимлик инқирозининг ўзига хос жиҳатларидир.

Ҳозирги замон тадқиқотларида легитимлик инқирозини енгишнинг қуйидаги йўллари таклиф этилади. Биринчидан, легитимликка тузумнинг самарадорлигини амалда намоён этиш орқали, иккинчидан, муҳолафатни ўз томонига оғдириш орқали легитимликка эришиш мумкин.

Иштирокчилик инқирози жамиятда қарорлар қабул қилиш жараёнида қатнашишга даъвогар манфаатдор гуруҳлар сонининг кўпайиб кетиши билан боғлиқ. Бу сиёсий ҳокимият учун курашни муқаррар равишда кескинлаштиради. Шу билан бирга, ўтиш босқичидаги жамиятнинг сиёсий тизими тўлиқ ривожланмаган бўлади, шунинг учун ҳам унда барча манфаатлар гуруҳлари вакиллик ўринларини эгаллайвермайди. Бунинг устига, ҳукмрон элита ҳокимиятга даъвогар ижтимоий гуруҳларнинг сиёсий жараёнда иштирок этишига сунъий тўсиқлар яра-

тиши мумкин (кўпинча бунга эришади ҳам). Натижада муҳолиф гуруҳларнинг талаблари кескин радикаллашади, бу эса, табиийки, сиёсий беқарорликка олиб келади. Бунда сиёсий муҳолафатга нисбатан ҳукмрон элита ҳаракатларининг уч хил варианты мавжуд.

Биринчи вариант — муҳолафатни куч ишлатиш йўли билан ялпи йўқ қилиш. Бунга Пиночет ҳукмронлиги давридаги Чили мисол бўлиши мумкин. *Иккинчи вариант* — муҳолафатнинг фаолиятини қонуний деб эътироф этиш, аммо ҳокимият билан муҳолафат ўртасида сурункали ихтилофнинг мавжудлиги. *Учинчи вариант* — муҳолафатнинг фаолиятини қонуний деб эътироф этибгина қолмай, муҳим сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнида у билан ҳамкорлик қилиш. Бу ҳолни Фарбдаги демократик мамлакатларда кузатиш мумкин. Шундай қилиб, ҳокимиятни амалга оширишда қатнашишга даъвогар бўлган барча гуруҳларга жамиятнинг сиёсий ҳаётига дахлдор бўлиш имкониятини яратиб бериш иштирокчилик инқирозини енгишнинг муҳим шартидир.

Охирги иккитаси — кириб ўрнашиш ва тақсимлаш инқирозлари давлат бошқаруви инқирозини ташкил этади. Кириб ўрнашиш инқирози давлат бошқарувининг ўз кўрсатмаларини жамият ҳаётининг турли соҳаларида амалга татиқ этиш қобилиятининг сусайишида намоён бўлади. Марказнинг кўрсатмалари сиёсий элитага мақбул бўлмаган тарзда бажарилади. Бошқа томондан, аҳоли марказнинг кўрсатмаларидан ҳам кўра кўпроқ минтақавий ва миллий урф-одатлар ва қоидаларга амал қилади. Бу нуқтаи назардан марказ билан минтақалар ўртасида оқилона муросяга келиш кириб ўрнашиш инқирозини енгишга ёрдам бериши мумкин.

Тақсимлаш инқирози деганда жамиятнинг моддий фаровонлигини ошириш ва моддий неъматларни тақсимлашга ҳукмрон элитанинг лаёқатсизлиги тушунилади. Тақсимлаш инқирозини енгиш учун бир қатор шартларни бажариш талаб этилади. Бундай шартлардан бири шуки, тақсимлаш жамиятнинг турмуш даражаси паст бўлган аъзоларининг манфаатларидан келиб чиқиб амалга оширилиши керак¹.

Шунингдек, сиёсатшунослик фани сиёсий модернизация жараёнига таҳдид соладиган икки асосий хавфни эътиборга олиш зарурлигидан келиб чиқади. Биринчиси, бу жамият ҳаётининг бошқа соҳаларидаги ўзгаришлардан сиёсий модернизациянинг орқада қолиш хавфидир, зотан, бу инқилобий инқирознинг вужудга келишига сабаб бўлиши мумкин.

Иккинчи хавф — жадал демократлаштириш фуқаролик жамияти ва сиёсий маданиятнинг тегишли ривожланиш даражасига мос келмаслиги мумкин. Бу ҳолда ҳам тартибсизлик ва охлократияга олиб келадиган инқирозли вазият вужудга келиши мумкин².

¹ Қаранг: Купряшин Г. Л. Политическая модернизация. — М., 1991. — С. 101-103.

² Қаранг: Ланцов С. А. Теория политической модернизации и становление парламентской демократии в России // Правоведение. — 1995. — №4-5. — С. 3-7.

Умуман олганда, сиёсий модернизациянинг ҳозирги замон концепцияларини, мазкур жараённинг мазмунини таҳлилдан ўтказиш ва унинг алоҳида элементларини аниқлаш сиёсий модернизация бирон-бир андоза ортидан қувиш эмас, деган хулоса чиқариш имконини беради. Бу кўп вариантларга ва муқобил хусусиятга эга бўлган жараёндир. Шунинг учун ҳам модернизациянинг, шу жумладан сиёсий модернизациянинг мавжуд типологиясига, шунингдек унинг алоҳида типлари ва босқичларига берилган тавсифларга фақат келгусида аниқлик ва қўшимча киритиш талаб этиладиган ишчи вариантлар деб қараш мумкин. Шу билан бирга, мазкур типологиялар ва моделлар катта назарий ва янги билим ҳосил қилувчи (эвристик) қимматга эга, чунки улар сиёсий модернизациянинг баъзи бир асосий элементларини ажратиш имконини беради ва, шу аснода, алоҳида ҳолатларни таҳлилдан ўтказиш ҳамда турли мамлакатлар ва минтақалардаги шундай жараёнларни таққослаш учун имконият яратади.

14.3. Ўзбекистондаги сиёсий модернизациянинг хусусиятлари

Ҳозирги кунда сиёсий модернизациянинг ҳар хил назарий схемалари мавжуд. Айрим схемаларни индустриал мамлакатларга, айримларини — постиндустриал мамлакатларга, айримларини эса — давлатларнинг иккала типига ҳам қўллаш мумкин. Аммо, С. Хантингтон Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларида сўнгги ўн йилликларда содир бўлган жараёнларни муваффақиятли тушунтирибгина қолмай, сиёсий тарихни англаб етишга қўмаклашадиган сиёсий модернизациянинг назарий схемасини ҳам таклиф қилди. Қуйида сиёсий модернизациянинг ижтимоий механизми ва динамикасини С. Хантингтон концепциясига мувофиқ кўриб чиқамиз.

Сиёсий элитани ислохотларни бошлашга даъват этувчи ички ва ташқи омиллар мажмуи модернизацияни бошлашга рағбатлантиради. Янги-ланиш жараёнлари иқтисодий ва ижтимоий институтларни қамраб олиши мумкин, аммо анъанавий сиёсий тизимга дахл этмаслиги керак. Бинобарин, ижтимоий-иқтисодий модернизацияни «юқори»дан, эски сиёсий институтлар доирасида ва анъанавий элита раҳбарлигида амалга ошириш мумкин. Аммо бошланган анъанавий жамиятдан ҳозирги замон жамиятига ўтиш жараёни муваффақиятли тугаши учун бир қатор шартларни бажариш, авваламбор, жамиятнинг турли соҳаларидаги ўзгаришлар ўртасида мувозанатни таъминлаш зарур. Бундан ташқари, техникавий-иқтисодий модернизациянигина эмас, анъанавий институтларни ўзгарган шароитларга мослаштириш ва янги институтлар ташкил этиш жараёнини ўз ичига олган сиёсий модернизацияни ҳам амалга оширишга ҳукмрон элитанинг тайёрилиги жуда муҳимдир.

С. Хантингтон «жамиятнинг сиёсий институтларини ва унинг сиёсий онгини демократлаштириш» деб тушунадиган¹ сиёсий модернизация ижтимоий хусусиятга эга бўлган бир қатор омиллар билан белгиланади. Саноатлашиш ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётга йўналтирилган ҳар қандай ҳаракатлар муқаррар равишда таълим тизимининг ривожланишига, илғор техникавий ва табиий-илмий ғояларнинг ўзлаштирилишига қўмаклашади. Бироқ, мамлакат ташқи дунёга юз тутар экан, илмий-техникавий ахборот билан бирга, мавжуд сиёсий тузумнинг мақсадга мувофиқлиги ва мустақамлигига шубҳа уйғотадиган янги сиёсий ва фалсафий ғоялар ҳам кириб келади.

Индустриализация ва урбанизация анъанавий ижтимоий гуруҳлардан жиддий фарқ қиладиган янги ижтимоий гуруҳларнинг вужудга келиши ва жадал ривожланишига олиб келади. С. Хантингтон тадбиркорлар, бошқарувчилар, муҳандислар, техник мутахассислар, офицерлар, ҳарбий бўлмаган хизматчилар, юристлар, олий ўқув юртларининг ўқитувчиларидан иборат ўрта табақанинг шаклланиши катта аҳамиятга эга эканлигини алоҳида қайд этади. Потенциал муҳолиф кучга эга бўлган зиёлилар ўрта табақанинг тузилмасида муҳим ўрин эгаллайди². Янги сиёсий ғояларни айнан зиёлилар биринчи бўлиб ўзлаштиради ва бу ғояларнинг жамиятда тарқалишига қўмаклашади. Бунинг натижасида илгари ижтимоий ҳаётдан четда турган ва сиёсатга ҳеч қандай қизиқиш билдирмаган одамлар, ижтимоий гуруҳлар ўз қарашларини ўзгартиради. Улар сиёсат ўз манфаатларига бевожуб тааллуқли эканлигини, уларнинг шахсий тақдири сиёсий ҳокимият қабул қилаётган қарорларга боғлиқ эканлигини англай бошлайди. Сиёсий ҳаётда иштирок этиш, давлат қарорларини қабул қилишга таъсир кўрсатишининг восита ва усулларини қидиришга онгли интилиш пайдо бўлади.

Анъанавий сиёсий институтлар сиёсий фаоллиги ортиб бораётган аҳолининг сиёсатда иштирок этиш имкониятларини таъминлай олмагани туфайли, жамиятда уларга нисбатан норозилик кучаяди. Бу эса, инқирозли вазиятларга олиб келади. Агар сиёсий модернизацияга ва ижтимоий гуруҳларнинг сиёсатда иштирок этиши имкониятини таъминлашга йўналтирилган чоралар кўрилмаса, инқирозли вазият инқилобий инқирозга олиб келиши мумкин. Ҳукмрон элита сиёсий ислохотларни амалга оширишга киришмаса, кенг ижтимоий табақаларнинг ошиб бораётган сиёсий фаоллиги билан ундан ортда қолаётган жамиятнинг сиёсий янгилашиш даражаси ўртасида тафовут ортиб боради.

Бундай вазиятда инқилоб юқорида зикр этилган тафовутни куч ишлатиш йўли билан бартараф этишнинг энг тез ва радикал усулидир. У эски сиёсий тизимни бузиб, жамиятнинг сиёсий ҳаётида халқ оммасининг иштирок этишини таъминлашга қодир бўлган янги сиёсий инс-

титутлар, қонунлар, ҳуқуқ нормалари ва сиёсий нормаларни вужудга келтиради. Шу билан бир вақтда, ўз олдида турган вазифаларни бажаришга мос элита шакллантирилади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгунга қадар модернизация бу ерда фақат «юқори»дан, «марказ» ташаббусига кўра, мамлакат Россия империяси таркибида бўлган даврда эса — бутун Русь императорининг ҳукмини ижро этган генерал-губернаторнинг ташаббуси билан бошланар эди. Октябрь тўнтаришигача ҳам, ундан кейин ҳам марказ Ўзбекистонда халқ ташаббусини ривожлантиришдан, бу ердаги ижтимоий муносабатларни тубдан ўзгартиришдан манфаатдор эмас эди.

Ўзбекистонда модернизацияни «юқори»дан туриб амалга ошириш жамиятда ижтимоий-маданий ихтилофни кучайтирарди. Фарбий Европада муҳолиф ижтимоий табақалар, тараққиёт тарафдорлари ва модернизацияга қарши кучлар битта маданиятга мансуб бўлса, Ўзбекистонда модернизаторлар халқдан ажралиб қолган эди. Марказ бошқача фикрлайдиган одамлар, модернистларнинг пайдо бўлишини ёқтирмасди. Шунинг учун ҳам Сталин қатағонлари ўз жамиятини, эскирган сиёсий тизимни янгилашга интилган ўзбек халқининг минглаб оташин фарзандлари ёстиғини қуритди.

Асрлар мобайнида ҳукм сурган барқарор ижтимоий муносабатларнинг бузилиши, ёт маданиятнинг зўрлаб сингдирилиши аҳолининг кўпчилик қисмида «марказ»га, ўз маданиятини зўрлаб жорий этган, маҳаллий маданиятни эса тан олмаган, камситган барча шахсларга нисбатан нафрат ва қаҳр-ғазаб туйғуларини кучайтирди.

Мустақилликнинг қўлга киритилиши билан ўзбек халқининг йиллар мобайнида интилиб, ардоқлаб келган орзу-умидларини тўлақонли рўёбга чиқаришига имконият туғилди.

Ўтиш даврининг ҳозирги босқичида жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида — иқтисодий, сиёсий, маънавий, ижтимоий ва бошқа соҳаларда янгилашиш жараёнлари содир бўлмоқда. Ўзбекистонда модернизация пировард натижада постиндустриализация (яъни постмодернизация) учун қулай шарт-шароитлар яратиб бериши керак. Акс ҳолда у ўз маъносини йўқотади, чунки ҳозирги кунда Ўзбекистон олдида турган муаммоларни ҳал қилиши мумкин.

Янгилашиш стратегияси истиқболга йўналтирилган бўлиши, жаҳон фани ва техникаси, ижтимоий-маданий тараққиёти ва сиёсий тузилмаларининг бугунги кунини эмас, балки эртанги кунини эътиборга олиши керак. Замонавий маҳсулотларнинг ҳеч бўлмаса, бир неча турини ишлаб чиқариш бўйича фан-техника тараққиётининг етакчи маррасида турган мамлакатгина яхлит ва ўзаро боғланган дунё шароитида ўз халқининг муносиб турмуш даражасини таъминлай олади. Шу маънода автомобилсозлик, самолётсозлик, аниқ электроника, ахборот ва коммуникация ти-

¹ Қаранг: *Huntington S. Political Order in Changing Societies.* — New Haven, 1970. — P. 266.

² Қаранг: *Ужа жойда.* — 264-б.

зимларининг Ўзбекистонда амалга жорий этилиши ва ривожлантирилиши бундай талабларга берилган жавобдир.

Ўзбекистонда модернизациянинг умумий концепциясини ишлаб чиқишда фан-техника инқилобининг айнан модернизация ва постмодернизация жараёнида вужудга келтириладиган бир қатор умумий шарт-шароитларини эътиборга олиш керак. Булар: иқтисод тузилишининг ўзгариши, ҳўжаликни замонавий, фан-техника ютуқларига асосланган соҳаларга, шунингдек бевосита одамларнинг эҳтиёжларини қондириш учун ишлайдиган ижтимоий ишлаб чиқариш соҳаларига қайта йўналтириш, рақобатбардош, мослашувчан ва ликвидли ҳўжалик юритиш механизминини вужудга келтириш, модернизация субъектини ривожлантиришга ёрдам берадиган шахсий ва ижтимоий истеъмол моделини тузиш, бутун жамиятни ва давлат сиёсатини маданият томонга буриш, таълим тизимини жадал ривожлантириш, одамларни янги касбларга йўналтириш, жамиятда таълим олишга, янги касбларни ўзлаштиришга чанқоқлик муҳитини яратиш, шахсий ва жамоавий ташаббусни ривожлантириш, ўзини ўзи уюштириш ва интизомни сақлашга лаёқатли янги хизматчи типини шакллантириш, ҳеч бўлмаса модернизация субъекти бўлишга қодир фаол одамларнинг фикрлаш тарзини ўзгартириш, бунинг учун демократияни, шу жумладан иқтисодий демократияни изчил ривожлантириш.

Ўзбекистонда модернизация ва постмодернизацияни амалга ошириш учун муайян вақт талаб этилиши табиий. У камида икки-уч авлоднинг меҳнатини назарда тутати. Барқарор ривожланиш вазифасини ҳал қилиш учун юксак технологиялар соҳасида эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш, яқин келажакда Ўзбекистоннинг жаҳон бозорига чиқишини ва саноатнинг қолган қисмини реконструкция қилишни таъминлайдиган ҳамда истеъмол бозорини кенгайтириш учун зарур валюта тушумларининг асосий манбаи бўлиб хизмат қила оладиган ишлаб чиқаришларни амалга жорий этиш зарур. Бунинг илк намунасини биз автомобиллари (Нексия, Дамас, Тико ва Матиз) МДХ ва олис хориж мамлакатларига етказиб берилаётган ЎзДЭУавто корхонаси миносида кўришимиз мумкин.

Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини модернизация қилишда давлат муҳим ўрин тутиши керак. Бу хусусий тадбиркорлик Ўзбекистонда эндигина оёққа тураётганлиги, республика иқтисодини тубдан янгилашда давлат бош ислохотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олиши лозимлиги билан изоҳланади.

Давлат шахсий ва жамоавий ташаббусни қўллаб-қувватлаб, сиёсий барқарорлик ва мустаҳкам тартибни кафолатлаши керак, зотан, сиёсий барқарорлик ва тартиб таъминланмаса, ҳеч қандай модернизацияни амалга ошириш мумкин эмас. Мустақиллик қўлга киритилганидан кейин ўтган ўн уч йил мобайнида Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари билан Ўзбе-

кистонда модернизация жараёнининг муҳим шартларидан бўлган сиёсий барқарорлик ва тартиб ҳукм сурмоқда.

Давлат модернизация ва постмодернизациянинг асосий йўналишлари бўйича бир қатор кенг қамровли илмий-техникавий ва ижтимоий-иқтисодий дастурларнинг ташаббускори бўлиб майдонга чиқди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йилдан бошлаб соҳавий бошқариш тартибидан функционал раҳбарлик тизимига ўтиши билан ҳукуматнинг иқтисодиётга методик уйғунлаштирувчи таъсирининг самарадорлиги кескин ортди¹. Иқтисодиётнинг турли йўналишлари бўйича комплекс дастурлар ишлаб чиқилиб, тасдиқланди ҳамда ҳаётга жорий этиб келинмоқда.

Модернизация эътиборга олинган ҳолда амалга оширилган айрим янги саноатлашган мамлакатлар (Жанубий Корея, Тайвань, Бразилия ва бошқалар)нинг тажрибаси Ўзбекистон учун фойдали бўлиши мумкин. Мазкур мамлакатларда муҳолафат ҳукмрон (модернизаторлик) блоки таркибига кирган, модернизация лидерлари эса модернизация сиёсатини амалга оширишда жамоатчилик ва ўз оппонентлари вакилларининг иштирокини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган. Бу билан ижтимоий-сиёсий барқарорлик таъминланган ва шу билан бирга, ҳукумат муҳолафат фаолиятини тўлиқроқ назорат қилиш имкониятига эга бўлган.

Ўзбекистонда омманинг онгини мафкуравий жиҳатдан янгилаш, онгда ўзига хос инқилоб ясаш зарур, шусиз жамиятдаги ҳар қандай ўзгаришлар тўлиқ идрок этилмайди ёки номувофиқ шакллар касб этади. Жамият ҳаётида мафкура, маънавият ўтмишда қандай ўрин тутганини эътиборга оладиган бўлсак, ижтимоий онгнинг тўлиқ мафкурасизлашишини кутиш хомхаёлдан бошқа нарса эмас. Ва бу мумкин ҳам эмас. Кўпгина индустриал ва постиндустриал мамлакатлар (масалан, Япония)нинг тажрибаси уларнинг ҳукмрон доиралари ижтимоий-иқтисодий янгиланишларни амалга оширишда мафкуранинг аҳамиятини эътиборга олгани ва мафкурасизлаштиришни асло ёқламаганини кўрсатади. Бу маънода миллий истиқлол ғояси бутун Ўзбекистон халқини ягона байроқ остида бирлаштирадиган бунёдкор мафкурадир. Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек, «Ўз келажаги ҳақида қайғурадиган миллат ҳеч бир даврда миллий ғоя ва миллий мафкурасиз яшамаган ва яшай олмайди. Мафкура бўлмаса, ҳар қайси давлат ва жамият, қолаверса, ҳар қайси инсон ўз йўлини йўқотиши муқаррар. Миллий мафкура халқнинг мақсад-муддаоларини ифодалайди, тарих синовларидан ўтишда унинг руҳини кўтариб, суянч ва таянч бўлади, шу миллат, шу жамият дуч келадиган кўплаб ҳаётий муаммоларга жавоб излайди»².

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлар тўплами. — Т., 1997. — №5.

² Иқтисод манбаи: Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. — Т., 2000. — 5-6-б.

Модернизация ҳам жаҳон ижтимоий тафаккурининг ютуқлари, ҳам миллий маданият анъаналари асосига қурилиши, халқнинг ўз кучи ва имкониятларига бўлган ишончига таяниши керак. Модернизация одамлар онгида тадбиркорликни ва оқилона ҳўжалик юритишни ривожлантириш учун муҳим бурилиш ясаши лозим. Аммо аждодларимизнинг маънавий меросидан фойдаланмасдан бундай бурилиш ясаш мумкин эмас.

Коммунистик зулмдан қутулганидан сўнг Ўзбекистон модернизациянинг энг сўнги, «учинчи тўлқини»га қўшилди. Модернизациянинг sanoa. лaшиш бoсқичини тамoмлаш ва пoстиндустриал ахборот жамиятига ўтиш Ўзбекистон учун унинг ҳозирги замонда мустақил давлат сифатида яшаб қoлиш шартидир. Бирок, биринчи тўлқин мамлакатлари модернизация вазифаларини ички иқтисодий ресурсларга ва давлат прoтeкционизми сиёсатига таяниб ҳал қилган бўлса, молиявий-иқтисодий, ахборот ва бошқа фаолият турлари транснационализациялашган шарoитларда «учинчи тўлқин» мамлакатларининг муваффақияти уларнинг ўзагини Шимолий Америка, Европа пoстиндустриал мамлакатлари ва Япония ташкил этувчи «демократия ҳамжамияти»га қўшилишига бoғлиқдир. Ҳуқуқий, сиёсий ва ижтимоий-маданий муҳитни ҳамжамиятнинг умумий нормалари билан мувофиқ ҳoлатга келтириш модернизациянинг миллий иқтисодий вазифаларини ҳал қилиш учун инвестицияларни жалб этиш, «демократия ҳамжамияти» глобал иқтисодий тизимга интеграциялашишнинг шартидир.

Шундай қилиб, биз Ўзбекистондаги сиёсий модернизация жараёни, биринчидан, эндоген-экзоген типга мансуб, яъни сиёсий модернизация ўз анъаналари, маданияти ва амалиёти ҳамда ўзлаштирилган қадриятлар асосида амалга оширилади, деб қайд этишимиз мумкин.

Иккинчидан, Ўзбекистонда модернизация жараёнининг барча бoсқичлари давлат ташаббуси билан амалга оширилади. Модернизация жараёнида давлатнинг муҳим иштироки ислоҳотларнинг асосий йўналишларини белгилаш ва уларни амалга оширишда ўз аксини топади.

Учинчидан, фуқаролик жамияти эндигина шаклланаётган ва республикада давлат етакчи вазифасини бажариши туфайли, жамият ва давлат манфаатлари ва , бунинг натижаси ўларoқ, жамиятни модернизация қилиш баъзан давлатни, унинг бюрократик аппаратини, иқтисоднинг давлат секторини ва шу кабиларни модернизация қилиш билан ўрин алмашади. Шунинг учун ҳам сиёсий модернизацияни амалга оширишда органлар ва амалдорлар мажмуи сифатидаги давлатнинг манфаатларидан эмас, балки халқ манфаатлари ва орзу-истакларини рўёбга чиқарувчи сифатидаги давлатнинг манфаатларидан келиб чиқиш керак, шунда биз жамият ва давлат манфаатларининг аҳамиятини назар-

дан қочирмаймиз ва жамиятни, унинг ижтимоий тараққиётга ҳалақит бераётган негизларини янгилашга, давлатнинг барқарор ривожланишини таъминлашга муваффақ бўламиз.

Умуман олганда, Ўзбекистондаги модернизациянинг ўзига хос жиҳатларини таҳлил қилиш Ўзбекистонда сиёсий ривожланиш, айрим қулатувчилар ва олимлар таъкидлаганидек, тушуниб этиш мумкин бўлмаган жумбоқли ҳодиса эмас, деб қайд этиш имконини беради. Ўзбекистондаги модернизация вариантини (бошқа сиёсий жараёнлар қатори) тегишли тадқиқот воситалари ёрдамида ўрганиш ва таққoслаш мумкин. Шу билан бирга, ҳал қилинмаган муаммолар ва тушунтириб берилмаган сиёсий ҳодисаларнинг мавжудлиги сиёсий тараққиётга нисбатан тадқиқотчилик ёндашувларини такомиллаштириш ва универсаллаштириш муаммосини долзарб қилиб қўяди.

XV боб. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ ЎЗБЕКИСТОН СИЁСИЙ
МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ
ОМИЛИ СИФАТИДА

15.1. Фуқаролик жамияти: моҳияти ва мазмуни

Давлат, сиёсий ҳокимият жамият ва унинг аъзолари устидан ҳукмрон бўлган мамлакатда эмас, балки давлатга нисбатан шубҳасиз устунликка эга бўлган том маънодаги демократик жамиятда шахс реал эркин бўлади. Бундай жамиятга ўтиш тарихан узоқ жараён бўлиб, у фуқаролик жамиятининг шаклланиши билан боғлиқ.

Хўш, **фуқаролик жамиятининг** ўзи нима? Демократизм, инсон шахсига ҳурмат, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланган тузумда иқтисодий, ижтимоий-маданий ва сиёсий муносабатларга ривожланиш имконини берадиган ички механизмлар қандай?

Бу саволга жавоб бериш учун, авваламбор, «**фуқаролик жамияти**» ва «**жамият**» тушунчалари ўртасида ўзаро боғлиқликкина эмас, жиддий фарқлар ҳам мавжудлигига эътибор бериш керак. Жамият одамлар ўртасидаги муносабатлар мажмуи сифатида ўз ривожланишининг маълум етук босқичида ва маълум шароитлардагина фуқаролик жамиятига айланади.

«Жамият» ибораси фалсафий-ижтимоий маънода олиб қаралганда, макон ва замонда мавжуд бўлган, турмуш тарзи ҳамда манфаатлари муштарак бўлган инсонларнинг ўзаро алоқадор бирлигидир.

«Жамият одамлар уюшмасининг махсус шакли, кишилар ўртасида амал қиладиган кўплаб муносабатлар мажмуаси... Машҳур аллома Абу Али ибн Сино ўз даврида илғор қарашларни илгари суриб, жамиятнинг пайдо бўлиши кишиларнинг бирдамликка бўлган табиий эҳтиёжидан келиб чиққанлигини, ижтимоий тенгсизлик, табиий ҳолат, меҳнатнинг ижтимоий тақсимланиши жамият тараққиётининг асоси эканлигини кўрсатди»¹.

Ғарбий европалик сиёсатшунос ва файласуф мутафаккирлар Г. Спенсер, Э. Дюркгейм, Г. Ф. Гегель, М. Вебер ва бошқалар жамиятни табиий-тарихий жараён, мураккаб ижтимоий система деб таърифлаганлар².

Юридик адабиётдаги талқинга кўра, жамият кишилар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик маҳсули, улар ҳаётининг муайян ташкилий шакли, ўз ички

¹ Фалсафа: қомусий лугат. — Т., 2004. — 124-б.

² Ўша жойда.

қарама-қаршиликларига эга вужуд бўлиб, унинг моҳияти инсонларнинг, улар уюшмалари ҳамда бирликларининг турли-туман (иқтисодий, ахлоқий, диний ва бошқа) алоқа ва муносабатларида намоён бўлади¹.

Жамият инсонларнинг умумий манфаатлари ҳамда эҳтиёжлари бирлиги асосида, уларни қондириш мақсадидаги бирикуви ва кишилар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар, алоқадорлик, ҳамкорлик ифодасидир. «Жамият» билан «фуқаролик жамияти» каби ижтимоий категориялар ўртасидаги муҳим фарқлар қуйидагиларда намоён бўлади:

— мазкур ҳар икки мураккаб система, аввало, ўз моҳияти ва тузилмавий таркиби билан ажралиб туради. Анъанавий маънодаги жамият ўз таркибига барча усткурма ҳодисалари билан бирга давлатни ҳам қамраб олади. **Фуқаролик жамиятининг таркибига**, унинг институциявий элементлари қаторига давлат қирмайди. *Сиёсий давлат* билан *фуқаролик жамияти* ўзаро қарама-қарши, лекин бирга фаолият юритувчи, амал қилувчи диалектик жуфтликдир;

— анъанавий жамият муайян мамлакатда, яъни бир макон ва замонда ҳаёт кечирувчи барча аҳолини қамраб олади. Фуқаролик жамияти эса инсонларнинг хусусий ҳаёт соҳасидаги мулкӣ, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқӣ, диний, ахлоқӣ ва бошқа манфаатларини таъминлашга хизмат қилувчи институтларни (уюшмалар, таълим муассасалари, жамоат бирлашмалари, ўзини ўзи бошқариш идоралари) ва механизмларни қамраб олади;

— фуқаролик жамияти инсонлар бирлиги тараққиётининг алоҳида маърифий даражасини, беназир **сифат ҳолатини** ифодалаши билан анъанавий жамиятдан фарқ қилади. Бу ўринда фуқаролик жамияти инсонлар жамоасини, унинг манфаатларини сиёсий ҳокимият олдида, давлат аппарати қаршисида муҳофаза этувчи ўзига хос феномен, тегишли механизм (мажмуа) сифатида майдонга чиқади;

— фуқаролик жамияти юксак инсоний қиёфага эга бўлган жамият ёки маърифий даражада уйғун ҳаёт кечирувчи инсонлар жамиятидир².

Фуқаролик жамияти ўзини ўзи бошқариш ва ўзини ўзи тартибга солишнинг ривожланган шаклларида, омма (давлат ва жамият) ва шахс манфаатларини мақбул тарзда уйғунлаштиришга, бунда шахс манфаатларининг устувор аҳамиятига, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини жамиятнинг олий қадрияти деб эътироф этишга асосланган янги сифат ҳолатини акс эттиради.

«Фуқаролик жамияти» тушунчаси илк бор Қадимги Греция ва Римда вужудга келган ҳамда XVII–XVIII асрларда Ж. Локк, Ж. Ж. Руссо,

¹ Қаранг: Теория государства и права / Отв. ред. В. М. Корельский и В. Д. Перевалов. — М., 1998. — С. 27.

² Батафсил маълумот учун қаранг: *Одилқориев Х. Т.* Фуқаролик жамиятининг моҳияти ва қадриятлари тизими // *Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш: муаммолар ва ечимлар.* — Т., 2004. — 23-24-б.

Ш. Л. Монтескьё, Г. Ф. Гегель сингари буюк файласуфларнинг асарларида ривожлантирилган.

Ж. Локк «абсолют монархия ... фуқаролик жамиятига мутлақо зиддир, бинобарин, у фуқаролик бошқарувининг шакли бўлиши мумкин эмас», деб ҳисоблаган. Н. Макиавелли монархия, аристократия ва демократиядан ташкил топган аралаш шаклдаги давлатни энг яхши давлат шакли деб эътироф этган, уларнинг ҳар бири бошқасини тийиб туради ва асраб-авайлайди деб ҳисоблаган. Шунингдек, у фуқаролик жамиятининг тинчлик ва фуқароларнинг хавфсизлиги, ўз мол-мулки ва бойлигидан баҳраманд бўлиш, ҳар кимнинг ўз фикрига эга бўлиш ва уни ҳимоя қилиш ҳуқуқи сингари қадриятларини таърифлаб берган.

Фуқаролик жамияти негизларининг фалсафий таърифига биз И. Кант асарларида ҳам дуч келамиз. У қуйидагиларни фуқаролик жамиятининг асосий ғоялари деб ҳисоблаган:

а) инсон ҳамма нарсани ўз кучи билан яратиши ва ўзи яратган нарсаси учун жавобгар бўлиши керак;

б) инсон манфаатларининг тўқнашуви ва уларни ҳимоя қилиш зарурлиги одамларни баркамоллаштишга даъват этади;

в) ҳуқуқ билан қонунда белгилаб қўйилган фуқаролик эркинлиги инсоннинг ўзини ўзи баркамоллаштиришининг зарур шarti, инсон қадриқимматининг сақланиши ва юксалишининг кафолатидир.

Табиийки, бу ғояларни фуқаролик жамияти назариясининг негизлари жумласига киритиш мумкин. Кант шахслар ўртасидаги зиддият уларни ўзини ўзи ривожлантиришга рағбатлантиради, деган концепцияни давлатлар ўртасидаги муносабатга кўчириб, ялпи ҳуқуқий фуқаролик жамиятига эришиш табиат инсонни ҳал қилишга мажбур этадиган муҳим муаммодир, деган хулоса чиқаради.

В. Гумбольдт Кантнинг фалсафий таълимотини қабул қилиб, фуқаролик жамияти ва давлат ўртасидаги зиддиятлар ва тафовутларни муайян мисолларда кўрсатиб беришга ҳаракат қилди. Фуқаролик жамиятига у қуйидагиларни киритди:

а) шахсларнинг ўзи таркиб топтирувчи миллий, ижтимоий муассасалар тизими;

б) табиий ва умумий ҳуқуқ;

в) инсон.

Фуқаролик жамиятидан фарқли ўлароқ, давлат, Гумбольдтнинг фикрича, қуйидагилардан ташкил топади:

а) давлат институтларининг тизими;

б) давлат ўрнатадиган позитив ҳуқуқ;

в) фуқаро.

Ўрта асрларда фуқаролик жамияти тушунчаси давлат тушунчасидан ажратилмаган. Бу икки тушунчани илк бор В. Гумбольдт бир-биридан

ажратди. У, давлат шахснинг ривожланишини таъминлаш воситаси, холос, деган ғояни илгари сурди.

Ж. Локк табиий ҳуқуқ ва эркинлик асосида шахсий мулкдорлик ҳуқуқини ҳимоя қилди; А. Смит модернизация ва ўзини ўзи тартибга солишни фуқаролик жамиятининг зарур таркибий қисмлари, деб эълон қилди; Т. Пейн ўзининг «минимал давлат» концепциясида мустақил фуқаролик жамиятини ва зарур куч сифатида давлат чекланган вазифани бажаришини назарда тутди; Д. С. Милль давлат билан давлатга тобе бўлмаган фуқаролик жамияти муносабатларининг андозасини яратди.

Давлат билан фуқаролик жамиятининг муносабатлари ҳақида мунозаралар XX асрнинг охирида авж олди ва бугунги кунгача давом этмоқда. Масалан, А. Аратонинг фикрича, давлат билан фуқаролик жамиятини оддий ажратиш Англия либерал анъаналарига мансуб. Капитализм ривожланиши билан давлат четга сурилади ва «бозорнинг сеҳрли кучи»га йўл бўшатади. Буни эътиборга олиб, Арато давлат билан фуқаролик жамиятини бир-бирига дихотомик қарши қўйишни уч қисм: давлат, фуқаролик жамияти ва иқтисоддан ташкил топган модель билан алмаштиришни таклиф қилди.

Бошқа бир олим, Т. Янссон, давлат билан фуқаролик жамиятининг муносабатларини таърифлаб, бунда биз драматик «учбурчак»ка дуч келамиз: давлат юқоридан ўрин эгаллайди, пастда эса, *бир томонда* ижтимоий соҳага ва давлатга тегишли бўлган маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, муниципалитетлар, *иккинчи томонда* эса — Бентам қоида-сига («имкон қадар кўпчилик фуқароларни бахт-саодатга етказиш жамиятнинг мақсадидир») биноан бошқариладиган «хусусий, ижтимоий, эркин соҳа»дан ўрин оладиган ихтиёрий бирлашмалар туради, деган фикрни илгари сурди.

Ҳозирги кунда фуқаролик жамияти деганда давлат билан бир қаторда мавжуд бўлган нисбатан мустақил ва баъзан унга қарши турадиган куч тушунилади. Фуқаролик жамиятида фуқароларнинг бирлашмалари (партиялар, жамоат ташкилотлари ва ҳ. к.) шахс ва давлат ўртасида алоқа ўрнатади. Келгусида давлатнинг ижтимоий функциялари кенгайиши ва реал ҳуқуқий давлат шаклланиши билан фуқаролик жамияти ва давлат ўртасидаги чегара аста-секин йўқолиб боради ва давлат ўзининг муайян жиҳати билан фуқаролик жамиятининг тузилмасидан ўрин олиши мумкин.

Фуқаролик жамиятида одамлар сиёсий партиялар ва ҳаракатларга ёки сиёсат билан боғлиқ бўлмаган гуруҳлар ва бирлашмаларга, масалан, рассомлар, ёзувчилар, спортчилар, артистлар, шунингдек ёшлар, хотин-қизлар ташкилотларига, диний гуруҳларга эркин уюшишлари мумкин. Ўхшаш манфаатларга кўра, уюшувчи одамлар гуруҳлари *манфаатлар гуруҳлари* деб аталади. Алоҳида шахслар ва одамларнинг гуруҳлари давлат рўёбга чиқаришга қодир бўлмаган ўз иқтисодий ва ижти-

мой манфаатларини ўзлари рўёбга чиқаради. Турмушнинг турли соҳаларида шахсни ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш фуқаролик жамиятининг бош мақсадидир¹.

Сиёсатшунослик фани сиёсий ва ижтимоий соҳаларнинг ўзаро таъсирини ўрганаркан, фуқаролик жамиятига марказий, таянч тушунчалардан бири деб қарайди. Фуқаролик жамиятини таърифлашга нисбатан кўплаб ёндашувлар мавжуд. Кўпинча фуқаролик жамияти деганда шахсларнинг ўзини ўзи бошқарувидан, шунингдек давлат ҳокимиятининг тўғридан-тўғри аралашуши ва ўзбошимчалик билан тартибга солишдан ўзини ҳимоя қилишга қодир бўлган фуқароларнинг ихтиёрий уюшмалари ва ташкилотларидан таркиб топган жамият соҳаси тушунилади. Айрим олимлар фуқаролик жамияти деганда яна кўп партияли парламент тизими, яъни плюралистик демократия, шахс эркинлиги, мулкчилик муносабатларининг хилма-хиллиги, ҳуқуқий давлатнинг мавжудлиги билан таърифланадиган демократияни тушунадилар.

Хуллас, «фуқаролик жамияти» социология, ҳуқуқ ва сиёсат назарияси тушунчалари жумласига (эркинлик, адолат, тенглик, демократия тушунчалари қатори) киради. Бундай тушунчалар ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам уларни таърифлаш анчагина масъулиятли ҳисобланади.

«Фуқаролик жамияти» ибораси ҳам кенг, ҳам тор маъноларда қўлланади. Кенг маънода фуқаролик жамияти деганда жамиятнинг давлат ва унинг тузилмалари бевосита қамраб олмаган қисми тушунилади. У табиий-тарихий тараққиёт жараёнида эркин, давлатга бевосита боғлиқ бўлмаган соҳа тарзида вужудга келади ва ривожланади. Бу маънода фуқаролик жамияти нафақат демократия, балки авторитаризмга ҳам мос келади, фақат тоталитаризм сиёсий ҳокимият фуқаролик жамиятини тўлиқ, кўпинча — қисман «ютиб юборгани»ни билдиради.

Фуқаролик жамияти тор маънода, яъни ўз маъносида ҳуқуқий давлат билан чамбарчас боғлиқ. Улар бир-бирисиз мавжуд бўлиши мумкин эмас. А. П. Бутенко ва А. В. Мироновнинг фикрича, фуқаролик жамияти деганда бозор ва демократик ҳуқуқий давлатчилик шароитларида эркин ва тенг ҳуқуқли шахсларнинг давлат белгиламаган ўзаро муносабатларининг хилма-хиллиги тушунилади².

Фуқаролик жамияти ҳўжалик, иқтисодий, оилавий-қариндошлик, этник, диний, ҳуқуқий муносабатлар, ахлоқни, шунингдек шахслар ўртасидаги давлат белгиламайдиган сиёсий муносабатларни ўз ичига олувчи мураккаб тузилишга эга. Давлат тузилмаларидан фарқли ўлароқ, фуқаролик жамиятида вертикал алоқалар (бўйсунуш) эмас, балки го-

¹ Батафсил маълумот учун қаранг: *Одиқориев Х.* Конституция ва фуқаролик жамияти. — Т., 2002. — 164-209-б.

² Қаранг: *Бутенко А. П., Миронов А. В.* Государство и гражданское общество // Социально-политический журнал. — 1997. — №1. — С. 51-57.

ризонтал алоқалар — юридик жиҳатдан эркин ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлар ўртасидаги рақобат ва бирдамлик муносабатлари етакчилик қилади.

Фуқаролик жамияти чегаралари бу «хусусий манфаатларнинг амал қилиш соҳаси» эканлиги билан белгиланадиган маълум ижтимоий муносабатлар соҳасини таърифловчи қандайдир қамровли тушунча эмас¹. Шу билан бирга, «фуқаролик жамияти» юридик тушунча, давлат ҳуқуқига оид тушунча ҳам эмас. Давлат ўзига маъқул фуқаролик жамияти образини ўз қонунлари билан «таъсис этиш», «белгилаш», «ўрна-тиш»га қодир эмас.

Фуқаролик жамияти шахсларнинг ўзини ўзи рўёбга чиқаришининг қонуниятли босқичи, олий шаклидир. У мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий ривожланишига, халқнинг фаровонлиги, маданияти ва ўзини ўзи англаш ҳисси ортишига қараб етилиб боради. Инсониятнинг тарихий тараққиёти маҳсули сифатида фуқаролик жамияти феодал-табақавий тузумнинг қаттиққўл тартиби бузилган, ҳуқуқий давлат шакллана бошлаган даврда пайдо бўла бошлайди.

Барча фуқароларда хусусий мулкдорлик негизида иқтисодий мустақиллик имкониятининг пайдо бўлиши фуқаролик жамияти вужудга келишининг зарурий шартидир.

Табақавий имтиёзларнинг тугатилиши ва шахс, инсон аҳамиятининг ортиб бориши, унинг табадан тенг юридик ҳуқуқларга эга бўлган фуқарога айланиши фуқаролик жамияти вужудга келишининг муҳим белгисидир.

Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайдиган ҳуқуқий давлат фуқаролик жамиятининг сиёсий негизи, шакли бўлиб хизмат қилади. Бундай шароитларда шахснинг ҳулқ-атвори унинг шахсий манфаатлари билан белгиланади ва у ўзининг барча ҳаракатлари учун жавобгар бўлади. Бундай шахс ўз эркинлигини ҳамма нарсдан устун қўяди ва шу билан бирга, бошқа одамларнинг қонуний манфаатларини ҳурмат қилади. Гегель таъбири билан айтганда, «фуқаролик жамиятида ҳар ким ўзи учун — мақсад, қолган ҳамма унинг учун ҳеч ким эмас. Аммо бошқалар билан ўзаро муносабатга киришмасдан, у ўзининг барча мақсадларига эриша олмайди»².

Фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий хусусияти адолат ва эркинликнинг олий талабларига унинг мувофиқлигидир. Бу биринчи муҳим сифат хусусиятидир. Фуқаролик жамиятининг мазкур хусусияти адолат ва эркинлик тушунчаларининг мазмунида зоҳир бўлган норматив талабларда ўз ифодасини топади. Фуқаролик жамияти шароитида адолат ва эркинлик одамлар ва ташкилотларнинг фаолиятини тартибга солувчи омил бўлиб хизмат қилади. Бошқа томондан, инсоннинг ўзи фуқаролик жамиятининг аъзоси сифатида, эркинликнинг норматив талабла-

¹ Қаранг: *Гегель Г. Ф.* Избранные сочинения. Т.7. — М., 1934. — С. 73.

² *Гегель Г. Ф.* Философия права. — М., 1990. — С. 228.

рига англаб етилган зарурат деб бўйсунитишга қодирлиги натижасида эркинликни қўлга киритади.

Фуқаролик жамиятининг иккинчи сифат хусусияти функционал мазмунга эга. У бундай жамият фаолиятининг негизини маълум хусусий манфаатларни рўёбга чиқариш учун зарур муҳитни шунчаки вужудга келтириш эмас, балки жамиятнинг ўзини ўзи уюштириш, ва тартибга солишнинг юксак даражасига эришиш ташкил этиши билан боғлиқ. Фуқаролик жамияти аъзоларининг алоҳида соҳалар (тадбиркорлик, иқтисодий фаолиятнинг бошқа шакллари, оилавий муносабатлар, шахсий ҳаёт ва ҳ. к.)да қўшма фаолиятни йўлга қўйиш борасидаги асосий функциялари бу ҳолда жамият устидан ҳукмрон давлат ҳокимиятининг воситалари ёрдамида эмас, балки жамиятнинг ўзи чинакам демократик, ўзини ўзи бошқариш асосларида, бозор иқтисоди соҳасида эса — авваламбор, иқтисодий ўзини ўзи бошқариш асосида амалга ошириши керак. Бу нуқтаи назардан фуқаролик жамиятининг янги функционал хусусияти хусусий манфаатларнинг маълум соҳасини давлат жамиятнинг ўзига «илтифот билан ўтказиши»дан иборат бўлмайди. Аксинча, жамиятнинг ўзи ўз тараққиётининг янги даражасига кўтарилиб, тегишли функцияларни давлатнинг аралашувисиз, мустақил амалга ошириш имкониятига эга бўлади. Аини вақтда давлат жамиятни «ютиб юбориб», тегишли соҳаларнинг ривожланиши устидан ялғи давлат бошқаруви ва назорати шакллари унратмайди, балки фуқаролик жамияти давлатни «ютиб юборади»: фуқаролик жамиятининг давлатдан устунлиги юзага келади.

Шунга мувофиқ, *фуқаролик жамиятининг учинчи сифат хусусияти ажратиш мумкинлики, у фуқаролик жамиятининг олий қадриятларини ва бош мақсадини таърифлайди.* Хусусий манфаатларни мутлақлаштиришга асосланган фуқаролик жамияти ҳақидаги дастлабки тасаввурлардан фарқли ўлароқ, постиндустриал фуқаролик жамиятининг ҳозирги замон умумдемократик концепцияси шахс ва жамият манфаатларининг мақбул уйғунлигини таъминлаш зарурлигини эътироф этишга асосланиши лозим¹.

Бу ҳолда инсоннинг эркинлиги, ҳуқуқлари ва шахсий манфаатлари устуворлиги деганда мулкдор ҳисобланган «иқтисодий одам»нинг эгоистик моҳияти нуқтаи назаридан эмас, балки мулкдорликнинг турли шакллари эркин шахснинг идеалларини рўёбга чиқариш воситаси деб тушунадиган инсон нуқтаи назаридан қараш керак. Бунда инсонни, унинг ҳаёти ва соғлиғини, сиёсий жиҳатдан эркин ва иқтисодий мустақил шахснинг шаъни ва қадр-қимматини, шак-шубҳасиз, олий қадрият деб эътироф этиш зарур.

Фуқаролик жамияти фаолиятининг бош мақсадини аниқлашга ҳам ана шу нуқтаи назардан ёндашиш керак. *Инсоннинг моддий ва маънавий*

¹ Қаранг: Соловьев А. И. Три облика государства — три стратегии гражданского общества // Полис. — 1996. — №6.

эҳтиёжларини қондириш, шахснинг муносиб ҳаёт кечириши ва эркин ривожланишини таъминлайдиган шарт-шароитлар яратиш ҳозирги замон фуқаролик жамиятининг бош мақсадидир. Давлат бу ҳолда ижтимоий фаровонлик давлати хусусиятига эга бўлади. Бу ерда гап давлатнинг табиатини ижтимоий асослар билан бойитиш ҳақида бораётир, зотан, улар давлатнинг ҳокимият функцияларини жиддий ўзгартиради. Ўзини ижтимоий деб эътироф этган давлат «тунги қўриқчи» бўлишдан воз кечади ҳамда жамиятнинг ижтимоий-маданий ва маънавий ривожланиши учун жавобгарликни ўз зиммасига олади¹.

Фуқаролик жамияти шунинг учун ҳам зарурки, у давлатни, давлат ҳокимияти органларини назорат қилади. Бу назорат, авваламбор, жамоат ташкилотлари — касаба уюшмалари, истеъмолчиларнинг уюшмалари ва бошқалар орқали амалга оширилади. Умуман олганда, ҳокимиятнинг халқ билан мулоқоти демократия учун жуда муҳим. Бу ҳокимият органлари халққа ўз сиёсати ва ҳаракатларини тушунтириши, унинг олдида ҳисоб бериши керак, деганидир. Фуқаролар эса, ўз навбатида, давлатни назорат қилишлари, ҳокимият органларининг сиёсати юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришлари керак. Бундай мулоқотни уюштириш, йўлга қўйиш жуда қийин иш. Бу соҳада давлатнинг ҳам, халқнинг ҳам саъй-ҳаракатлари талаб этилади.

Академик К. Кумарнинг фикрича, фуқаролик жамияти ҳозирги замон одами ўз эҳтиёжларини қондирувчи, ўзининг индивидуал хусусиятларини ривожлантирувчи, ижтимоий бирдамлик қадриятларини англаб етувчи муҳитдир².

Фуқаролик жамияти ғояси сўнгги ўн йилликлар мобайнида ўзаро рақобатлашувчи ижтимоий гуруҳларнинг сиёсий плюралиزم, муросаси ва ҳамкорлигига асосланган ғоялар, давлат ҳокимиятини белгиланган ҳуқуқ нормалари билан чеклаш, инсоннинг шахсий эркинлиги, демократияни ижтимоий жиҳатдан кенгайтириш ғоялари билан ривожланиб, теранлашиб борди. Плюрализм назарияси кенг тарқалди. Бу назарияга мувофиқ, ҳозирги замон демократик давлатининг асосий вазифаси аҳоли турли табақаларининг кўплаб манфаатлари ва эҳтиёжларини эътиборга олиш ва мувофиқлаштириш йўли билан умумфуқаровий муросага эришиш, зиддиятларни бартараф этиш ёки юмшатиш, фуқаролар тотувлиги йўллари излашдан иборат. Бунда давлат бирдамлик негизиде бирлашган эркин шахсларнинг ҳамжамияти деб идрок этилади. Аммо амалиёт давлат институтлари доим ҳам фуқаролик жамиятини демократлаштиришнинг самарали воситаси бўлавермаслигини кўрсатади, зотан уларнинг кучайиши аксарият ҳолларда бюрократлаштиришнинг ортшигига ва давлат ҳокимиятининг мутлақлашувига олиб келади.

¹ Қаранг: Бутенко А. П., Миронов А. В. Государство и гражданское общество // Социально-политический журнал. — 1997. — №1. — С. 13.

² Қаранг: Кумар К. Гражданское общество. — М., 1994. — С. 21.

15.2. Фуқаролик жамиятининг тузилиши ва функциялари

Фуқаролик жамияти ташкилий институтлари жамулжами унинг таркибий тузилиши — структураси деб талқин этилади. Структура жамиятининг ички тузилиши бўлиб, у жамият элементларининг хилма-хиллиги ва ўзаро таъсирини акс эттиради, ривожланишнинг яхлитлиги ва суръатини таъминлайди.

Инсон юридик ҳуқуқ ва мажбуриятларда сирtdан ифодаланган ўзининг табиий эҳтиёжлари ва манфаатлари билан жамиятнинг интеллектуал энергияси ва иродасини ўзида жамлаган тизим ҳосил қилувчи негиз ҳисобланади. Одамларнинг ҳар хил жамоалари ва бирлашмалари ҳамда улар ўртасидаги барқарор алоқалар (муносабатлар) жамият тузилишининг таркибий қисмларидир.

Фуқаролик жамиятининг тузилиши деганда ижтимоий муносабатлар, фуқароларнинг турли ихтиёрий ташкилотлари, уларнинг уюшмалари, лоббистик ва бошқа гуруҳлари, муниципал коммуналар, хайрия жамғармалари, ижодий, спорт, матлубот жамиятлари, ижтимоий-сиёсий, диний ва бошқа ташкилотлари ва уюшмаларининг кенг тармоғи тушунилади. Уларнинг барчаси жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги ҳар хил ижтимоий манфаатларни ифода этади. Шундай қилиб, ҳозирги замон фуқаролик жамиятининг таркибий элементлари қуйидагилардан иборат:

- 1) одамларнинг ихтиёрийлик асосида ташкил топган бирламчи жамоалари (оила, уюшма, бирлашма, ҳўжалик корпорациялари, жамоат ташкилотлари, касбий, ижодий, этник, конфессионал ва бошқа уюшмалар);
- 2) жамиятдаги нодавлат носийсий муносабатлар: иқтисодий, ижтимоий, оилавий, маънавий, диний ва бошқа муносабатлар мажмуи, одамларнинг ишлаб чиқариш соҳасидаги ва шахсий ҳаёти, уларнинг урф-одатлари, анъаналари, ахлоқи;
- 3) давлат ҳокимиятининг тўғридан-тўғри аралашишидан қонунлар билан муҳофаза қилинган эркин шахслар ва улар ташкилотларининг ўзини ўзи намоён этиш соҳаси.

Булардан фуқаролик жамияти асосий элементларининг муайян таҳлили ҳам келиб чиқади.

Биринчидан, *фуқаролик жамиятининг иқтисодий ташкилоти* ҳозирги замон бозор муносабатлари тизимидир. Бозор иқтисодий эркинликнинг ўзига хос «компоненти» сифатида мунтазам равишда даромад олишга йўналтирилган мустақил тадбиркорлик фаолиятисиз ривожланиши мумкин эмас. М.Ш. Шарифхўжаев таъкидлаб ўтганидек, фуқаролик жамияти иқтисодий негизларининг тўлақонли мазмунини бозор принциплари орқали очиб бериш мумкин¹.

¹ Қаранг: Шарифхўжаев М. Формирование открытого гражданского общества в Узбекистане. — Т., 2002. — С. 37.

Фуқаролик жамиятининг ижтимоий ташкилоти унинг иккинчи таркибий элементидир. Бозор шароитларида у анча мураккаб хусусият касб этади. Бу, авваламбор, алоҳида ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги тафовутларни акс эттиради. Фуқаролик жамияти аҳолисининг уч асосий гуруҳини ажратиш мумкин: ёлланма хизматчилар, тадбиркорлар ва меҳнатга лаёқатсиз фуқаролар. Мазкур гуруҳларнинг иқтисодий манфаатлари ва моддий имкониятларининг мувозанатини сақлаш ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналишидир.

Нихоят, фуқаролик жамиятининг *ижтимоий-сиёсий ташкилоти* унинг учинчи таркибий элементидир. Уни давлат — сиёсий ташкилоти билан, давлат бошқаруви билан тенглаштириш мумкин эмас. Аксинча, жамият фуқаролик жамияти, ҳуқуқий жамият сифатларига эга бўлиб, ўзини ўзи уюштириш ва тартибга солишнинг ўз нодавлат ижтимоий-сиёсий механизмларини ишлаб чиққан тақдирдагина фуқаролик жамияти шахснинг ҳақиқий эркинлигини таъминлаш негизи сифатида реал демократизмга эга бўлиши мумкин. Бунга мувофиқ равишда фуқаролик жамиятида сиёсий институционализация жараёни содир бўлади, яъни жамият сиёсий партиялар, ижтимоий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, хотин-қизлар, фахрийлар, ёшлар ташкилотлари, ихтиёрий жамиятлар, жамғармалар, уюшмалар ёрдамида ўзини ўзи уюштиради. Сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги, қўп партиявийлик принципи фуқаролик жамиятидаги сиёсий институционализация жараёнининг конституциявий негизини ташкил этади (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-моддаси).

Оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги ва цензурага йўл қўйилмаслиги (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 67-моддаси) фуқаролик жамиятида сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллигини таъминлашнинг муҳим шартидир.

Аммо бу шахс эркинлиги ва фуқаронинг ҳуқуқий ҳолати тенглигини англатмайди. Эркинлик, юқорида қайд этиб ўтганимиздек, нормативлик хоссасига эга. Бундан шахс эркинликнинг норматив талабларига бўйсунишга қодирлиги натижасида эркинликни қўлга киритади, деган маъно келиб чиқади. Бошқа томондан, бу эркинликнинг рухсат этилган чегараларини белгилловчи ижтимоий нормалар шахс эркинлиги борлигининг ташқи шакли ҳисобланишини билдиради. Жамият ва шахснинг ўзи учун муҳим бўлган соҳалардагина эркинлик ўлчовини давлатнинг ўзи белгилайди ва метёрга солади. Шахс эркинлигини давлатнинг эътироф этиши, мустаҳкамлашининг асосий юридик воситаси эса Конституциядир.

Бунда ҳуқуқ ва эркинликлар, шу жумладан конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлар, бир томондан, фуқаролик жамиятининг ривожланиш даражаси, унинг иқтисодий, ижтимоий, ижтимоий-сиёсий ташкилотининг етуқлик даражаси билан белгиланса, бошқа томондан, шахс ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликларининг тўлиқлиги, уларнинг кафо-

латланганлик даражаси билан белгиланади. Шахс ва фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликлари бу нуқтаи назардан фуқаролик жамиятининг ўзини ўзи ривожлантириш ва уюштириш воситаси бўлиб хизмат қилади. Бу ўзаро алоқа давлат-ҳуқуқий, юридик микёсларда мустаҳкамланади, Конституция ва бошқа қонунларда фақат фуқаронинг давлат олдида жавобгарлиги эмас, балки давлатнинг фуқаро олдида масъул эканлиги ҳам белгилаб қўйилади.

Мустақил Ўзбекистон Конституциясининг иккинчи бўлимини инсон ҳуқуқлари ҳақида ўзига хос билль, таъбир жоиз бўлса, шахс ҳуқуқларининг яхлит ва тартибга солинган тизими деб аташ мумкин. Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари ҳақидаги бўлим давлат ҳокимияти ҳақидаги бўлимдан олдинда жойлаштирилганки, бу шахсга ҳуқуқларни давлат бермаслигини, балки фуқаро дахлсиз ҳуқуқлар мажмуидан онгли равишда ва масъулият билан фойдаланишини тасдиқлайди¹.

Юксак ривож топган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий, диний ва бошқа муносабатлар фуқаролик жамиятининг негизини ташкил этади.

Иқтисодий муносабатлар. Дунёда иқтисоднинг икки типни мавжуд: режали иқтисод ва бозор иқтисоди. Режали иқтисодни давлат тартибга солиб туради, бозор иқтисоди эса, бозор муносабатлари ҳамда талаб ва таклифнинг амал қилиши натижасида вужудга келади.

Республикамызда сўнгги йилларда аҳолининг ташаббусини бўғиб келган режали иқтисоддан бозор иқтисодига ўтиш амалга оширилмоқда. Бу ўринда бозор иқтисоди соф қўринишда ҳозир тўлиқ мавжуд эмаслигини, кўпгина мамлакатларда бозор механизмларига давлат аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга йўналтирилган ижтимоий сиёсат билан тузатишлар киритаётганини қайд этиб ўтиш керак. «Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодининг қонунчилик негизини вужудга келтириш ўтиш даврининг мажбурий шартигина бўлиб қолмай, шаклланаётган ҳуқуқий давлатга хос бўлган хусусият ҳамдир»², — деб қайд этган эди Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсизлигини ва уни давлат ҳимоя қилишини кафолатлайди (Конституциянинг 53-моддаси). Хусусий мулк иқтисодий муносабатларнинг асосини ташкил этади.

Сиёсий муносабатлар. Сиёсий муносабатлар жамиятда сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш жараёнида юзага келади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида қатор моддалар сиёсий институтлар, маф-

¹ Қаранг: *Очилов Б. Э.* Конституция Республики Узбекистан и Всеобщая декларация прав человека как основа защиты прав личности // *Ҳуқуқ—Право—Law*. — 2001. — №3. — С. 8.

² *Karimov I. A.* Uzbekistan — Own model of transition to the market relations. — Т., 1993. — Р. 61.

куралар ва фикрларнинг хилма-хиллигига бағишланган (Конституциянинг 12-моддаси).

Ижтимоий, маданий, диний муносабатлар. Бу муносабатларнинг барчаси фуқаролик жамияти учун муҳимдир. Улар миллатлараро муносабатларни конституциявий тартибга солишни, оила ва никоҳни, атроф муҳитни, таълим, фан, маданият, дин соҳаларини муҳофаза қилишни ўз ичига олади.

Шундай қилиб, фуқаролик жамиятини барпо этиш учун иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий негизлар билан бир қаторда, ижтимоий, диний ва маданий негизларнинг ҳам бўлиши талаб этилади.

Ўз аъзоларининг моддий, ижтимоий ва маънавий эҳтиёжларини тўлақонли қондириш фуқаролик жамиятининг асосий функциясидир. Фуқароларнинг ҳар хил иқтисодий, этник, минтақавий, касбий, диний бирлашмалари шахснинг ўз қизиқишлари, мақсадлари, интилишлари ва ҳоказоларга эришишига ҳар томонлама қўмаклашади.

Мазкур асосий функцияни бажариш доирасида фуқаролик жамияти бошқа бир қатор муҳим ижтимоий функцияларни ҳам бажаради:

1) қонунийлик асосида у шахс ва фуқаронинг шахсий ҳаёти соҳаларини давлат ва бошқа сиёсий тузилмаларнинг асоссиз қаттиққўллик билан тартибга солишидан ҳимоя қилади;

2) фуқаролик жамияти ташкилотлари негизида жамиятнинг ўзини ўзи бошқариш механизмлари вужудга келади ва ривожланади;

3) фуқаролик жамияти сиёсий ҳокимиятнинг мутлақ ҳукмронликка интилишига монелик қилувчи муҳим ва кучли воситалардан бири ҳисобланади. У фуқаролар ва улар бирлашмаларининг фаолиятига давлатнинг ноқонуний аралашидан ҳимоя қилади ва бу билан демократик давлат органлари, жамият сиёсий тизимининг вужудга келиши ва мустаҳкамланишига қўмаклашади;

4) фуқаролик жамиятининг институтлари ва ташкилотлари шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларини реал кафолатлаши, барчага давлат ва жамият ишларида иштирок этишда тенг имкониятлар бериши керак;

5) фуқаролик жамияти, ўз аъзоларига нисбатан ижтимоий назорат функциясини ҳам бажаради. У давлатдан мустақил бўлиб, ўз ихтиёридаги воситалар ва санкциялар ёрдамида шахсларни ижтимоий нормаларга риоя қилишга мажбурлаши, фуқароларни тарбиялаш ва ижтимоийлаштиришни таъминлаши мумкин;

6) фуқаролик жамияти, алоқа боғлаш функциясини ҳам бажаради. Бу жамиятда манфаатлар хилма-хиллиги намоён бўлади. Демократия шароитида фуқаро эга бўладиган эркинликлар бу манфаатлар доирасини янада кенгайтиради. Демократик давлат ўз фуқароларининг манфаатлари ва эҳтиёжларини имкон қадар тўлиқ қондириши керак. Аммо иқтисодий плюрализм шароитида бундай манфаатлар шу қадар кўп сонли, шу қадар ранг-баранг ва табақалашган бўладики, давлат ҳокимияти

бу манфаатларнинг ҳаммаси ҳақида ахборотни қамраб олиш имкония- тига эга бўлмайди. Фуқаролик жамиятининг демократик институтлари фуқаролар ўртасидаги ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий алоқаларни ўрнатиш, улар ўртасидаги муносабатларни адолатли тартиб- га солиш вазифасини адо этади.

Айни вақтда, фуқаролик жамияти институтлари ва ташкилотлари- нинг вазифаси фақат давлатнинг кучи билан қондирилиши мумкин бўлган манфаатлар ҳақида давлатга ахборот етказиб беришдан иборат;

7) фуқаролик жамияти ўз институтлари ва ташкилотлари билан *барқарорлаштириш функциясини* бажаради. У жамият ҳаётининг мустақ- кам негизларини яратади. Давлат мураккаб вазиятга тушган тарихий шароитлар (урушлар, инқирозлар, депрессиялар)да фуқаролик жамия- тининг мустақкам тузилмалари унга ўз елкасини тутати, мушкулотни енгиб ўтишга кўмаклашади.

Жамиятнинг барча аъзолари, айниқса меҳнатга лаёқатсиз тоифалар (ногиронлар, қариялар, беморлар ва ш.к.)ни *кун кечириш учун зарур минимал маблағ билан таъминлаш* ҳам фуқаролик жамиятининг функ- цияларидан биридир. Бунинг учун тегишли ёрдам ва хайрия жамғарма- лари, ижтимоий кўмак уюшмалари, суғурта компаниялари, банклар ва бошқа тузилмавий институтлар ташкил этилади ҳамда улар самарали фаолият юритади.

15.3. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиш ва ривожланиш истиқболлари

«Бош стратегик мақсадимиз ўзгармай қола- ётир — бу бозор иқтисодига асосланган очик демократик давлат қуриш, фуқаролик жамия- тининг пойдеворини яратишдир».

Ислом Каримов

Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этиш Ўзбекистон жа- миятини тубдан ислоҳ қилиш жараёнининг стратегик мақсадларидан биридир. Бу маънода фуқаролик жамияти Ўзбекистоннинг ривожланиш йўлини кўп жиҳатдан белгилайдиган ижтимоий буюртма ҳисобланади.

Ҳозирги кунда кўпгина мамлакатлардаги сиёсатшунос, ҳуқуқшунос, социолог, файласуф ва жамиятшунос олимларнинг диққат марказида турган фуқаролик жамияти муаммоси Ўзбекистон учун алоҳида долзарб аҳамият касб этади. Бунда республикада фуқаролик жамиятини қуриш имкониятлари ва бунинг ўзига хос жиҳатлари муҳокама қилинади.

Мамлакатда фуқаролик жамияти ташаббусларининг уйғониши ижо- бий ўзгаришлар содир бўлишига умид қилиш имконини беради. Айрим

скептиклар Ўзбекистон ўз ривожланишида Фарб мамлакатларидан қолиб кетгани ва унда фуқаролик жамияти мавжуд эмаслигини қайд этаётган бўлсалар-да, мамлакатимизда бундай жамиятнинг шаклланаётганлиги- ни кўрсатувчи белгилар тобора яққол кўзга ташланиб бормоқда.

Биринчидан, «**фуқаролик жамияти**» ва «**сиёсий маданият**» тушунча- лари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ: «Юксак сиёсий маданиятга эри- шиш — фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришнинг муҳим ва зарур шартларидан биридир»¹.

Иккинчидан, ҳозирги Ўзбекистон жамияти маълум сиёсий мадания- т даражасига эга бўлгани туфайли, республикада фуқаролик жамияти- нинг асосий элементлари ҳам мавжуд, деб айтиш мумкин.

Умуман олганда, фуқаролик жамияти деганда, «давлатнинг тазий- қисиз, қонун доирасида вужудга келган муайян кишилиқ ҳамжамияти- нинг ихтиёрий ўзини ўзи уюштириш шакли» тушунилади. «Бу давлатга тўғридан-тўғри боғланмаган, аммо мамлакат доирасида фаолият кўрса- тувчи ва ҳокимиятга таъсир этувчи мустақил жамоат, ноҳукумат таш- килотларининг мажмуидир»². Яъни фуқаролик жамияти давлат ва шахс ўртасида ўзига хос «воситачи»дир. Айнан фуқаролик жамиятини шакл- лантириш республикада амалга оширилаётган ислохотларнинг бош вазифаларидан биридир.

Ўзбекистонда ҳозирги кунда тўрт мингга яқин ноҳукумат ва жамоат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Фуқаролик жамияти бирлашмала- ри орасида икки авлод, икки тўлқин мавжуд. Улардан бири — совет даврида ўз фаолиятини бошлаган ноҳукумат ташкилотлари, иккинчиси — бундай ташкилотларнинг тахминан учдан икки қисми — мустақил- лик даврида иш бошлаган ноҳукумат ташкилотларидир.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг қуйидаги институтлари шакл- ланиб бормоқда:

- 1) сиёсий партиялар;
- 2) ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар;
- 3) демократик сайлов тизими;
- 4) жамоат бирлашмалари;
- 5) нодавлат нотижорат ташкилотлар;
- 6) оммавий ахборот воситалари;
- 7) оила ҳамда унинг манфаатларини акс эттирувчи махсус ташки- лотлар;
- 8) таълим-тарбия муассасалари;
- 9) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари;
- 10) диний ташкилотлар;
- 11) миллий-маданий марказлар;

¹ Каранг: Словарь-справочник по социологии и политологии. — М., 1996. — С. 116.

² Каранг: *Руководящих В. О.* Политические культуры и социальные изменения. Меж- дународные отношения. — М., 1998. — С. 110.

12) жамоатчилик фикрини ўрганиш институтлари.

Шу билан бирга, фуқаролик жамияти мамлакатда ҳали яхши ривожланмаган, унинг ички алоқалари такомилдан йироқ. Шунинг учун ҳам фуқаролик жамияти ташкилотларининг ассамблеясини ташкил этиш зарур. Давлат ҳокимияти билан ноҳукумат ташкилотларнинг ҳамкорлиги масаласига келсак, бу ерда икки хил муносабатга дуч келиш мумкин. Бир томондан, улар давлат ўзига эътибор берганини олқишласа, иккинчи томондан, ўзининг ўтмиш тажрибасидан келиб чиқиб, улар бундай ҳамкорликка эҳтиёткорона муносабатда бўлиши ва ўз мустақиллигини йўқотмаслиги керак.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда фуқаролик жамияти функциялари амалга оширувчи кўплаб ҳаракатлар ва ташкилотлар, ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотлари, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари, экологик ташкилотлар, фан, маданият ва таълим соҳасидаги бирлашмалар, хотин-қизларнинг ташкилотлари ва бошқа тузилмалар ташкил топди ва ривожланмоқда. Аммо уларнинг иш кўлами фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг реал талабларига ҳам тўлиқ жавоб бермайди.

Ислоҳот йилларида Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш йўналишида жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Бозор инфратузилмаси, авваламбор, банк ва савдо инфратузилмасининг элементлари вужудга келди, товар тақчиллиги тугатилди, нарх-навонинг жадал кўтарилиши тўхтатилди.

Жамиятимизда ўрта табақа, мулкдорлар синфи вужудга келмоқда. Агар Ўзбекистонда ислоҳотлар жараёни мақбул йўналишда давом этса, иқтисод тузилишида содир бўлган ўзгаришлар натижасида ўрта табақанинг ривожланиши янада жадаллашиб, у муҳим ижтимоий кучга айланади ва республикаимизнинг келажаги учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланиши эркин, иқтисодий мустақил маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг мавжудлигини назарда тутати.

Бу жиҳатдан *маҳалла институти* алоҳида аҳамиятга эга. Яшаш жойидаги миллий ўзини ўзи бошқаришнинг ўзига хос модели бўлган маҳалла, халқимизнинг асрий анъаналари ва урф-одатларига таяниб, муҳим ташкилий-иқтисодий ва тарбиявий функцияларни бажаради. Маҳалла, ҳамжамоасида ижтимоий онг оқсоқолларнинг ҳаёт тажрибаси, катталарнинг шахсий намунаси ва жамоавий хулқ-атвор нормалари орқали бойиб боради.

Маҳалла одамлар яшайдиган кундалик муҳит бўлиб, бу ерда уларнинг онги ва хулқ-атворига жамоатчилик фикри жиддий таъсир кўрсатади. Муносабатлар адолат, ўзаро ҳурмат, меҳр-мурувват, ўзаро ёрдам

асосида қурилади. Моҳият эътибори билан маҳалла шарқий демократиянинг бошланғич мактаби вазифасини бажаради¹.

Маҳаллада изчил тарбия ишларини амалга ошириш учун катта имкониятлар мавжуд. Миллий маданий-тарихий ва маънавий-ахлоқий қадриятларни сақлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, катталарга ҳурмат, бағрикенглик руҳида тарбиялаш ва уларга ўзбек халқининг барча ижобий хислатларини сингдириш сингари фаолият йўналишларида маҳалланинг аҳамияти айниқса каттадир.

Мамлакатимиз учун маҳалла ўзига хос тарихий ҳодиса ҳамдир. Маҳалла институти бизга асрлар оша етиб келган, уни ҳеч қандай истилолар, босқинчилик сиёсати, социалистик экспериментлар йўқ қила олмаган. Бу тарихий ва ижтимоий нуқтаи назардан жуда барқарор ижтимоий институт бўлиб, анча катта бунёдкорлик салоҳиятига эгадир.

Бу жиҳатдан биз маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тузилмаларини янгидан шакллантиришга тўғри келадиган кўпгина мамлакатларга нисбатан устунликка эгамиз. Бизга бундай тузилмалар аجدодларимиздан мерос қолганки, бу фуқаролик жамияти бизда асрлар оша шаклланиб келаётганини кўрсатади².

Шундай қилиб, маҳалла тимсолида мавжуд бўлган фуқаролик жамиятининг ижтимоий негизи Ўзбекистонда бундай жамиятни шакллантиришнинг таянч нуқтаси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ҳуқуқнинг устуворлиги Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим элементидир. Бу ҳуқуқий давлат гоёсидан ҳам кенгроқдир. Ҳуқуқий давлат гоёси немис сиёсий ва ҳуқуқий назариясидан кириб келган бўлиб, дастлаб давлат маъмуриятини ҳуқуқ, қонун билан чеклашни аниқлатган. Аммо давлатнинг ўзи авторитар бўлиши мумкин бўлган, зотан ҳуқуқий давлат концепцияси қонун қабул қилувчи органни мазкур қонунлар қандай бўлиши кераклиги ва инсон ҳуқуқларига нисбатан улар қайси чегараларгача амал қилиши мумкинлиги жиҳатидан чеклайди. Бинобарин, ҳуқуқий давлат қонун чиқарувчи орган демократик йўл билан сайланган бўлмаса, авторитар қонунлар ижтимоий ва шахсий ҳаётнинг барча жиҳатларини қамраб олган тақдирда эса, ҳатто тоталитар бўлиши мумкин.

Жамиятнинг эркинлиги — фуқаролик жамиятининг муҳим элементи. У жамият ҳаётининг турли соҳалари ва тегишли уюшмалари: иқтисод, яъни кенг маънода ишлаб чиқариш, унинг ташкилий шакллари, касаба уюшмалари, университетлар, матбуот, фан, жамоат бирлашмалари, масжид, диний ташкилотлар ва ҳоказоларнинг мустақиллиги ва ташаббускорлигини билдиради. Мазкур жамоат бирлашмаларига нисбатан давлатнинг вазифаси жамиятнинг барча аъзоларининг ҳуқуқ ва эр-

¹ Қаранг: Шарифходжаев М. Формирование открытого гражданского общества в Узбекистане. — Т., 2002. — С. 205.

² Ўша жойда. — 206-6.

кинликларини ҳимоялаш учун риоя қилиниши лозим бўлган ўйин қоидаларини тартибга солишчи қонун кўринишида энг умумий чегараларни ўрнатишдан иборат бўлиши керак. Фуқаролик жамиятининг негизини ташкил этувчи иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий плюрализм ижтимоий тузилмалар мустақиллиги, шахс ва фуқаро ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари асосида ўрнатилади.

Жамият ҳаёти турли соҳаларининг эркинлиги уларда фаолият кўрсатувчи инсонларнинг тегишли уюшмаларга бирлашишлари мумкинлигини назарда тутди. Бундай уюшмаларнинг ички демократик ҳаёти фуқаролик жамияти учун алоҳида аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда жамиятимизда фаолият кўрсатаётган кўп сонли мустақил уюшмалар, жамиятлар, ташкилотлар, ҳаракатлар фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратди.

Фуқаролар маданияти фуқаролик жамиятининг муҳим элементи бўлиб, унинг негизини демократик сиёсий ва ҳуқуқий маданият ташкил этади. Шарқий Европа мамлакатларида авторитар сиёсий маданиятда намоён бўлувчи авторитар менталитет етакчилик қилади. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим шарти бўлган асосий ижтимоий қадриятлар юзасидан ҳануз муросага келингани йўқ. Бу «аномия» деб аталувчи вазиятнинг юзага келишига олиб келди. Аномия деганда бир норматив қадриятлар тизими бузилган, аммо унинг ўрнида янги норматив қадриятлар тизими ҳали вужудга келмаган вазият тушунилади. Бу маънода Президентимиз И. А. Каримовнинг: «Янги уйни қурмасдан, эски уйни бузманг», деган сўзлари рамзий янграйди.

Либерализм институтлари (эркинлик, қонуннинг устуворлиги ва ҳ. к.) ҳамда инсонийликнинг айрим анъанавий талаблари (фуқароларнинг фаровонлиги ҳақида ғамхўрлик, уларга муносиб яшаш шароитларини яратиш бериш, муайян ижтимоий тенгликни таъминлаш, истисноларни қўллаб-қувватлаш ва ҳ. к.)ни синтез қилиш мақсадида ҳуқуқий ва ижтимоий давлатни бирлаштириш ғояси сўнгги даврда етакчи ўринга чиқмоқда.

Ижтимоий йўналтирилган давлат одамлар ўртасида ижтимоий адолат, ижтимоий ҳамкорлик ва фуқаролар тотувлиги принципларига асосланган янги ижтимоий алоқаларни шакллантиради. У ўз фуқароларининг барқарор ижтимоий-иқтисодий аҳволини ва жамиятда ижтимоий тотувликни сақлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Кўпгина ривожланган мамлакатлар ҳозирги кунда мазкур ёндашувни ўз давлат қурилишига татбиқ этишга ҳаракат қилмоқда. Бундай ёндашувда давлатга жамият ишларини бошқариш, яъни ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ва аҳолининг турли табақалари манфаатларини эътиборга олиш, зиддиятларни бартараф этиш ёки юмшатиш ва фуқаролар тотувлиги йўллари излаш механизми деб қаралади. Бунда давлат шахснинг ўзига

хосликлари кўзга ташланмайдиган фуқароларнинг қиёфасиз жамоаси деб эмас, балки эркин шахсларнинг ўзаро келишувига асосланган бирлашмаси деб идрок этилади. Бундай муштаракликка эришиш осон эмас, чунки бу ерда аксарият ҳолларда қарама-қарши ғоялар ҳақида сўз кетади. Масалан, рақобат ва бозорни мувофиқлаштириш, эксплуатацияни тугатиш ва бошқарувда ишлаб чиқарувчиларнинг иштироки ҳақидаги баъзи бир ғоялар билан, ижтимоий ҳамкорлик ғоясини меҳнатга рағбатлантирувчи омил — даромад билан муросага келтириш осон эмас.

Ҳозирги кунда ҳуқуқий давлат концепцияси ҳеч бўлмаганда ижтимоий давлат элементлари билан тўлдирилиши лозим, зотан, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар ва эркинликларнинг кафолатлари қабул қилинган ёндашувлар ва илгари сурилган принципларгагина эмас, давлатнинг реал имкониятларига ҳам боғлиқ.

Фуқаролик жамияти ва давлат ўртасидаги муносабатларни ташкилий-тузилмавий шаклга эга қилиш ҳуқуқий давлат ҳақида гапириш имконини беради. Жорий вазият шу билан таърифланадиги, ҳокимият мазкур ҳокимиятни қонунийлаштириш учун фуқаролар ҳамжамиятига, уларнинг қўллаб-қувватлашига муҳтож бўлади. Жамиятни ислоҳ қилишда фуқаролик жамияти етакчилик қилиши лозим. Ҳокимият эса, ҳаммаша ўзига нисбатан танқидий фикрлар айтилишига тайёр бўлиши керак.

Собиқ социалистик тузум шароитида давлат таъсирига ўтиб қолган ижтимоий ҳаёт соҳалари эндиликда демократик ислохотлар воситасида ихтиёрий тарзда қадам-бақадам фуқаролик жамиятига «қайтарилиши» лозим. Таассуфки, узоқ йиллар мобайнида илмий адабиётда ва оммавий ахборот воситалари саҳифаларида давлат билан фуқаролик жамияти ўртасидаги муносабат мавзуси муҳокама этилмай қолиб келмоқда.

Фуқаролик жамиятининг шаклланиши бир вақтда ҳуқуқий демократик давлат ҳам ривожланиб боришини, шахс ва давлат ҳокимияти ҳуқуқнинг тенг субъектлари сифатида майдонга чиқишини тақозо этади.

Давлат маълум кафолатлар тизимини ташкил этганлиги туфайли, фуқаролик жамияти фаолият юритиш ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлади. Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг ўзаро боғлиқлиги ана шунда. Демократик тузумнинг зарур шарти ҳисобланган ҳуқуқий давлатнинг аста-секин ривожланишида ҳокимиятнинг анъанавий тарзда уч бўғинга тақсимланишигина эмас, балки уларни тўлдирувчи ҳокимиятнинг фуқаролик жамияти ва давлат ўртасида тақсимланиши ҳам намоён бўлади.

Фуқаролик негизини кучайтириш ва давлат патернализминини камайитириш учун ҳозирги кунда республикада ўзини ўзи тартибга солиш механизми шакллантирилмоқда, иқтисодни монополиядан чиқариш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштиришнинг биринчи даражали масалалари, яъни бозор иқтисодига амалий ўтиш масалалари ҳал қилинмоқда.

Бу йўлда янги фуқаролик тузилмалари ва давлат ҳокимияти ўртасида баъзан мураккаб муносабатлар юзага келмоқда. Зотан, давлат аппарати фуқароларнинг уюшмалари ҳисобига ўз ваколатларини кенгайтиришга ҳаракат қилади.

Бағрикенглик ва ҳамкорликда иш олиб бориш ўзбек халқининг менталитетига хосдир. Умид билдириш мумкинки, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришда айна мана шу хусусиятлар етакчилик қилади.

Ўзбекистонда ёшлар фуқаролик жамияти ижтимоий негизининг ўзагини ташкил этиши лозим. Бироқ, бир томондан, ёшлар фуқаролик жамиятининг негизини ташкил этишга қодир бўлган анъанавий қадриятлардан ҳали узоқ, аммо, шу билан бир вақтда, улар қонунийлик, муросага келиш сингари муҳим нормаларни қабул қилишга мойил. Ҳозирги Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг ижтимоий негизини ўрта авлод вакиллари, шунингдек аҳолининг олий маълумотли қатлами ташкил этмоқда.

Ҳокимият тузилмаларида хотин-қизлар вакиллари ҳиссасини ошириш Ўзбекистон жамияти ривожланишининг ҳали етарлича фойдаланилмаган салоҳият заҳирасидир. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутатлари орасида хотин-қизлар 9% ни ташкил этади, ваҳоланки, иккинчи чақириқ Олий Мажлиси депутатлигига номзодлар орасида хотин-қизлар қарийб 50% ни ташкил этган эди.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиши мулкни оқилона ва изчил равишда давлат тасарруфидан чиқариш, бюрократия аппаратини қисқартириш ва мўътадиллаштириш, кўп партияли тизимни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга рағбат бериш, мақбул ижтимоий дастурлар ишлаб чиқиш сингари омилларга боғлиқ. Бу нуқтаи назардан фуқаролик жамиятига хос бўлган асосий муносабатларни қарор топтириш ва тартибга солиш ўта муҳимдир. У ҳуқуқ ёрдамида уч асосий вазифани ҳал қилиш: фуқаролик жамияти ишларига ва фуқаронинг шахсий ҳаётига давлатнинг ортиқча аралашшига йўл қўймаслик, давлатнинг фуқаролик жамияти олдидagi бурчларини қонунлар воситасида қайд этиш, ҳуқуқий давлат туғричилигини конституциявий қоидаларнинг рўёбга чиқарилишини таъминлаш имконини беради.

ХУЛОСА

Сиёсий маданият ижтимоий ҳаракат маданиятининг бир қисмидир. Шунинг учун уни нафақат сиёсий, балки маданиятшунослик, фалсафий ва социологик нуқтаи назардан ҳам кўриб чиқиш керак.

Маданият инсоний сифатлар тўпламигина эмас, балки мазкур сифатлар билан белгиланувчи одамлар ўртасидаги муносабатлар типини ҳамдир. У ижтимоий институтлар, нормалар ва қадриятларнинг хусусиятидаги дагина эмас, шахслар ўртасидаги муносабатларнинг хусусиятида ҳам ўз аксини топади. Бу нуқтаи назардан сиёсий маданиятга ҳокимиятнинг тақсимланиши ва амалга оширилиши соҳасида одамларнинг ўзаро алоқа қилиш усули деб қараш мумкин.

Сиёсий маданият ҳокимият соҳасида одамларнинг ўзаро алоқа қилиш усули сифатида аҳолининг ҳукмрон ва ҳукмрон бўлмаган қисми ўртасидаги муносабатлар, шунингдек сиёсий ҳамжамиятнинг мазкур қисмларига кирувчи одамлар ўртасидаги муносабатлар билан таърифланади. Жадал сиёсий модернизация — ҳокимиятнинг автократик тизимини демократик тизимга қайта қуриш шароитида юқорида зикр этилган ўзаро муносабатларнинг хусусияти алоҳида аҳамият касб этади. Айни ҳолда сиёсий маданиятнинг тақдири элита ва оддий фуқаролар вакиллари-нинг ҳамкорлигига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Бунда оддий фуқаролар элита ёрдамида сиёсатда иштирок этиш учун зарур билим ва кўникмаларни ўзлаштиради.

Адабиётларда сиёсий маданиятга берилган таърифга фақат одамларнинг сиёсий қарашлари киритилгани учун танқид қилингани умуман олганда тўғри. Сиёсий маданият деганда нафақат сиёсий қарашлар типини, балки сиёсий хулқ-атвор типини ҳам тушунилади. АҚШда фуқаролар таълими фуқаролар маданиятидан кўра оқилона-активистик моделга яқинроқ бўлган хулқ-атвор типига таянади. Мазкур хулқ-атвор типини фуқаролар маданиятининг муҳим қисмини ташкил этади.

Фуқаролар маданияти уни туғридан-туғри ўқитиш орқали ўтмаслиги бежиз эмас. Фуқаролар маданиятини ташкил этувчи қарашлар ва хулқ-атвор бир-бири билан жуда чигал, мураккаб тарзда боғлангандир. Таълим ёрдамида фуқаролар маданиятининг кўпгина муҳим компонентларини ривожлантириш мумкин. У шахсларга сиёсий иштирок кўникмаларини егаллаш имконини бериши мумкин.

«Сиёсий маданият кўринишлари орасида сиёсий онг соҳасига тааллуқлилари ҳам, сиёсий хулқ-атвор соҳасига тегишли бўлганлари ҳам бор»,

деган фикрга қўшилган ҳолда, маданиятни онгга ҳам, хулқ-атворга ҳам боғлаб бўлмаслигини тан олиш керак. У оддий фуқаролар ва элита ўртасидаги муносабатларда қандай ўз аксини топса, онгда ва хулқ-атворда ҳам шундай намоён бўлади. Муайян мамлакатлар аҳолисининг реал онги ва хулқ-атворида сиёсий маданиятнинг бир эмас, бир нечта типи ўз ифодасини топадики, уларнинг уйғунлиги аралаш маданиятларнинг хилма-хиллигини ташкил этади. Фуқаролар маданияти патриархал (ўзини ўзи бошқариш), табаалик (бўйсунуш) ва оқилона-активистик (иштирокчилик) маданиятларининг элементларини ўзида бирлаштиради.

Шундай қилиб, фуқаролар маданияти анъанавий жамиятда вужудга келган «қадимги қарашлар»ни ҳам, ҳозирги замон жамияти шароитида вужудга келган янгича қарашларни ҳам ўз ичига олади. Маданиятнинг янги элементлари эскиларини такомиллаштиради, уларни одамлар ҳаётининг ўзгарган шароитларига мослаштиради.

Фуқаролар маданияти «демократик маданиятнинг ягона тури эмас»лигини ҳам назарда тутиш муҳимдир. Ўтмишда демократиянинг ҳар хил шакллари ва уларга мос келувчи сиёсий маданият шакллари мавжуд бўлган. Жамоалар демократияси ва маданияти, шунингдек табақалар демократияси ва маданиятини бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Ҳозирги шароитида, вакиллик демократияси ва унга мос келадиган фуқаролар маданияти билан бир қаторда, «ҳамжамият демократияси» (consociational democracy) ёки *иштирокчилик демократияси* (power-sharing) ҳам мавжуд¹.

Демократиянинг мазкур типига сиёсий маданиятнинг алоҳида типи мос келади. Уни «ҳамкорлик маданияти» деб аташ мумкин. Бу сиёсий ҳаракат усули эркинлик ва ҳамкорлик, ўзаро тақиқлаш ва муросага келиш, мутаносиблик ва устуворлик сингари ҳар хил қадриятларнинг уйғунлигига асосланади. Ҳамкорлик маданияти аҳолиси миллий, диний ёки минтақавий принципга кўра бўлинган мамлакатларда демократик сиёсий тизимнинг барқарорлиги ва самарадорлигини таъминлайди. Бу ерда вакиллик демократиясининг анъанавий модели ижтимоий манфатларни муросага келтириш ва бошқарувнинг самарадорлигини таъминлашга қодир эмас. Шу билан бир вақтда, ҳамкорлик маданияти фуқаролар маданиятининг ўрнини эгалламай, уни тўлдиргани каби, иштирокчилик демократияси ҳам вакиллик демократиясининг ўрнини эгалламаслиги, балки уни тўлдиришини қайд этиб ўтиш керак.

Сиёсий маданият ижтимоий ҳаракат маданиятининг бир қисми сифатида тарихий тажрибанинг тупланишига қараб ривожланиб боради. «Маданият ўзгармас мезон эмас. Бу жамият атроф муҳитга мослашишига ёрдам берувчи тизимдир. Атроф муҳит ўзгарадиган бўлса, маълум вақтдан сўнг жамият ҳам ўзгарса керак», деб қайд этади Рональд Инглхарт.

¹ Қаранг: *Лейнхарт А.* Демократия в многосоставных сообществах. — М., 1997. — С. 29.

Маданият нафақат «янги», балки «эски» демократик мамлакатларда ҳам вақти-вақти билан ўзини ўзи янгилаб туради. Ҳар қандай маданият одамлар сиёсий онги ва хулқ-атворининг янги ва анъанавий элементларини ўзида мужассамлаштиради. Бу жамиятга ютуқларни жамғариб бориш ва атроф муҳитдаги ўзгаришларга мослашиш имконини беради.

Бу асарда биз чет элда ва Ўзбекистонда, чет эл фани ва Ватанимиз фанида сиёсий маданиятнинг генезиси ва ривожланишини кўриб чиқишга интилдик. Юқорида айтилганлардан қуйидаги хулосани чиқариш мумкин:

Собиқ совет сиёсий маданиятини «табаалик» сиёсий маданиятининг элементлари етакчилик қилган «аралаш» сиёсий маданият деб таърифлаш мумкин. Бу Иттифоқ даврида давлат, жамият ва шахснинг ўзаро ҳамкорлигида давлат мутлақ етакчилик қилгани билан изоҳланади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг сиёсий маданияти ўтмиш сиёсий маданияти, ҳозирги замон сиёсий маданияти ва чет эл сиёсий маданиятининг таъсирини «ҳис қилмоқда».

Ғарб демократик мамлакатларида давлат, жамият ва шахснинг ўзаро ҳамкорлигида асосан фуқаролик жамияти ва шахс етакчилик қилса, Ўзбекистонда бундай уйғунлик фақат ҳозирги босқичда шаклланимоқда.

Ўзбекистоннинг сиёсий маданиятини «соф типлар»дан бирортасига ҳам мансуб деб бўлмайди. Агар уни «аралаш тип»га мансуб деб оладиган бўлсак, бу ерда «оқилона-активистик» сиёсий маданият элементлари етакчилик қилишини кўрамыз.

Ўзбекистон сиёсий маданиятининг яқин келажакдаги истиқболлари ҳақида тўлиқ ишонч билан гапириш мумкин. Ўзбекистон маданий нуқтаи назардан ўзига хос беназир цивилизация, туб ўзгаришларни бошдан кечириб, абадий ҳаракатда бўлган нисбатан эркин иқтисодий тизим ва ўз анъаналарига эга мустақил жамиятдир. Модернизация йўлидан бораётган ҳар қандай мамлакат сингари, у ўз олдида турган муаммоларнинг ўзига хос ечимини топиши керак ва халқимиз бунга қодир. Бу сиёсий маданиятнинг юксалишига ҳам тўлиқ тегишлидир.

Ҳар қандай мамлакатнинг сиёсий маданияти ўзининг ўтмиш маданиятлари таъсирини ҳам, бошқа мамлакатларнинг маданиятлари таъсирини ҳам ўзига сингдириши ҳеч шубҳасиздир. Аммо, биз Ўзбекистон сиёсий маданияти бугун ва яқин келажакда, ўзининг шаклланиш ва юксалиш жараёнида ўтмиш сиёсий маданиятлари меросидан ва илғор мамлакатлар сиёсий маданияти намуналаридан фақат энг яхши жиҳатларини, ибратли ва ижобий қадриятларини ўзига сингдириб олади, деб умид қиламиз.

М У Н Д А Р И Ж А

МУҚАДДИМА

I бўлим. СИЁСИЙ МАДАНИЯТ НАЗАРИЯСИ

I боб. «МАДАНИЯТ» ТУШУНЧАСИ: АСОСИЙ ЁНДАШУВЛАР ВА ТАЛҚИНЛАР	9
1.1. «Маданият» тушунчаси: муаммолар ва ечимлар.....	9
1.2. Маданият — ижтимоий онг шакли. «Маданият»нинг фалсафий асослари	19
1.3. Маданият ва сиёсат: ўзаро муносабатлар муаммосининг тари- хий талқини	25
II боб. «СИЁСИЙ МАДАНИЯТ»НИНГ МОҲИЯТИ ВА МАЗМУНИ	39
2.1. «Сиёсий маданият»ни таърифлаш муаммолари	39
2.2. Сиёсий маданиятнинг мазмуни ва моҳияти	47
2.3. Сиёсий маданиятнинг функциялари.....	54
III боб СИЁСИЙ МАДАНИЯТНИ СТРУКТУРАЛАШТИРИШ	60
3.1. Сиёсий маданиятнинг мазмуни ва тузилиши	60
3.2. Сиёсий маданият ва сиёсий анъаналар	72
3.3. Сиёсий маданиятни туркумлаш	77
IV боб. СИЁСИЙ МАДАНИЯТЛАРНИНГ ТИПЛАРИ	82
4.1. Сиёсий маданиятни типларга ажратиш	82
4.2. Фуқаролар маданияти — сиёсий маданият ҳозирги замон типо- логиясининг негизи	90
4.3. Шахс ва сиёсий маданият. Шахснинг сиёсий ижтимоийлашиши	95
V боб. МАДАНИЯТНИНГ БОШҚА ТУРЛАРИ БИЛАН СИЁСИЙ МАДАНИЯТНИНГ АЛОҚАСИ	100
5.1. Сиёсий ва иқтисодий маданиятнинг бирлиги	100
5.2. Сиёсий ва ҳуқуқий маданиятнинг ўзаро нисбати: қадриятлар ва қарашлар	104

II бўлим. СИЁСИЙ ОНГ: НАЗАРИЯДАН АМАЛИЁТГА

VI боб. СИЁСИЙ ОНГ: МОҲИЯТИ ВА МАЗМУНИ	114
6.1. Сиёсий онгнинг моҳияти	114
6.2. Сиёсий онг функциялари ва даражалари	116
VII боб. СИЁСИЙ ОНГНИНГ МАЗМУНИ	120
7.1. Сиёсий онгнинг тузилиши ва таркиби	120
7.2. Сиёсий мафкура — сиёсий онгнинг таркибий қисми	128
7.3. Сиёсий онг типлари	130
VIII боб. ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ, ДЕМОКРАТИК ҚАДРИЯТ- ЛАР ВА СИЁСИЙ ОНГ	138
8.1. Демократлаштиришнинг моҳияти ва шарт-шароитлари	138
8.2. Ҳозирги Ўзбекистон жамиятида демократиянинг ривожланиши	143
8.3. Ўзбекистон фуқароларининг онгида эски шўро қадриятлари ва янги демократик қадриятларнинг ўзаро нисбати	155
IX боб. ҲОЗИРГИ ЗАМОНДА ЎЗБЕКИСТОН ЖАМИЯТИНИНГ СИЁСИЙ ОНГИ ВА МЕНТАЛИТЕТИ	159
9.1. Жамиятда сиёсий онгнинг роли ва уни юксалтириш муаммолари	159
9.2. Ўзбекистон жамиятидаги сиёсий менталитетнинг хусусиятлари	164
9.3. Сиёсий қарашлар — сиёсий онгни баҳолаш омили	169
X БОБ. ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА ОММАВИЙ СИЁСИЙ ОНГ: ЎЗАРО ТАЪСИРИ ВА БОҒЛИҚЛИГИ	175
10.1. Сиёсий онгга оммавий ахборот воситаларининг таъсири: имкониятлар ва чеклашлар	175
10.2. Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг бугунги аҳволи: таъсир салоҳияти	181
10.3. Аҳоли оммавий ахборот воситалари ҳақида: идрок ва ишонч муаммолари	183
III бўлим. ХОРИЖДА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА СИЁСИЙ МАДАНИЯТНИНГ НАМОЁН БУЛИШИ	
XI боб. МИЛЛИЙ СИЁСИЙ МАДАНИЯТНИНГ ХУСУСИЯТ- ЛАРИ	187
11.1. Ривожланган мамлакатлар сиёсий маданиятининг асосий та- мойиллари ва таркибий қисмлари	187
11.2. Япониянинг анъанавий сиёсий маданияти	195
11.3. Германия сиёсий маданиятининг назарий асослари ва аҳамияти	204

11.4. Россияда сиёсий маданиятнинг ривожланиш хусусиятлари ва истиқболлари	215
XII боб. СИЁСИЙ МАДАНИЯТ ВА ЗИДДИЯТЛАР	225
12.1. Сиёсий маданият ва терроризм	225
12.2. Сиёсий маданият ва миллатлараро можаролар	233
XIII боб. ЎЗБЕКИСТОН СИЁСИЙ МАДАНИЯТИДА СОДИФ БЎЛГАН ЎЗГАРИШЛАР	241
13.1. Совет даврида сиёсий маданият бўлганми?	241
13.2. Ўзбекистоннинг ўтиш даври сиёсий маданиятига хос хусусиятлар	245
13.3. XXI асрда Ўзбекистон сиёсий маданиятининг ривожланиш йўллари	250
XIV боб. ЎЗБЕКИСТОНДА СИЁСИЙ МОДЕРНИЗАЦИЯ ЖАРА- ЁНЛАРИ: МОҲИЯТИ, МАЗМУНИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ ...	254
14.1. Модернизация назариялари ва унинг асосий шаклланиш босқичлари	254
14.2. Сиёсий модернизациянинг моҳияти ва мазмуни	263
14.3. Ўзбекистондаги сиёсий модернизациянинг хусусиятлари	271
XV боб. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЎЗБЕКИСТОН СИЁСИЙ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖ- ЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ СИФАТИДА	278
15.1. Фуқаролик жамияти: моҳияти ва мазмуни	278
15.2. Фуқаролик жамиятининг тузилиши ва функциялари	286
15.3. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиш ва ривожланиш истиқболлари	290
ХУЛОСА	297

ОДИЛҚОРИЕВ ХОЖИМУРОД ТЎХТАМУРОВИЧ,
юримик фанлар доктори;

ҒОЙИБНАЗАРОВ ШУҲРАТ ҒОЙИБНАЗАРОВИЧ,
сийсий фанлар доктори.

СИЁСИЙ МАДАНИЯТ

Монография

Муҳаррир: С. А. Раззоқов,
Т. Ж. Қурбонов
Техник муҳаррир: М. М. Сафаров
Компьютерда саҳифаловчи: Н. Т. Аҳматжанова,
Э. С. Жиянбаева,
М. С. Шерматова

Босишга рухсат этилди 14.08.2004. Формати 60x84^{1/16}
Гарнитура Times UZ. Шартли босма табағи 19,0.
Нашр табағи 21,5. Адади 1500 Буюртма № 38.
Баҳоси келишилган нархда.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,
700197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68.

«Хега-Принт» босмахонасида чоп этилди.
Сирғали 17, 52^А уй.

ИЗОҲ

172 бетдаги жадвалнинг биринчи устуни тўртинчи қаторидаги бўш катак «Ҳаёт даражаси» деб ўқилсин.

219 бетдаги жадвалнинг биринчи устуни тўртинчи қаторидаги бўш катак «Анархия» деб ўқилсин.

223-бетдаги жадвалнинг биринчи устунидаги бўш сарлавҳа катаги «Сиёсий фаолликнинг турлари» деб ўқилсин.